

84(54)7
К 52



НУРАЛИ ҚОБУЛ

**САЛТАНАТ
ТУЛПОРИ**

Тарихий роман

X

НУРАЛИ ҚОБУЛ

САЛТАНАТ ТУЛПОРИ X

Тарихий роман



Тошкент
"IJOD-PRESS"
2017

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Қ-52

Қобул, Нурали

Салтанат тулпори: тарихий роман / Н. Қобул. – Тошкент: «IJOD-PRESS», 2017. – 440 б.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Қўлингиздаги мазкур асар «Салтанат тулпори» «Темурийлар» эпопеясининг ўнинчи китобидир. Озодлик ва иқтидор инъом этилмайди. Қону жон ила курашилиб, эришилади ва қозонилади.

Уфқлар султони Шоҳруҳ Курагон жаҳонгир қиблагоҳидан сўнг солланган мулки давлат биносини сақлаб қолмоқ учун салтанат тулпори жловини маҳкам тутмоқ мажбуриятида эди.

Ётники ёндан, ўзники жондан дегандек, хоқон ёт яғийлар қолиб, улуғ бобо тахтига кўз тиккан темурийзодалар билан қарама-қарши қолади. Салтанат жловини узоқ тута билмоқ эса улусни ризо эта олган, мазлуму маъдурлар ёнида тура билган ҳукмдоргагина насиб этишини романни ўқиш жараёнида шоҳид бўласиз.

Тақризчилар:

Тоҳир ҚАҲҲОР – Филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Рашид ХОЛМУРОДОВ – Тарих фанлари номзоди, доцент

Ғулом ФАТҲИДДИН – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

ISBN: 978-9943-994-75-1

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyati AKM

INV № 168596-20194

© "IJOD-PRESS" нашриёти, 2017



БИРИНЧИ БОБ

*Турк тили шу қадар мукам-
мал ва қоидалари ҳам шу даражада қиёсийдирки, бу тилни
гўё тилчи мутахассис олимлар
яратгандек.*

Макс МУЛЛЕР

Амир Нуширвон Барлос билан бўлган суҳбатдан таъсирланган Шохруҳмирзо саропарданинг кун юриш томонидаги дарча олдига келиб, ўйга толганча ташқарини, қароргоҳ атрофида елиб-югуришаётган одамларни кузатди.

Бу манзара энди ўн ёшга тўлганида буюк бибиси, Туман оқо ва Хонзодабегимлар уни ҳамда уч ёшли иниси Халил Султонни Қорабоққа, улуғ бобоси султон соҳибқирон ҳазратларининг қўлларини ўпиш учун олиб борган дамларни эслатди.

Султонус салотин қиблагоҳи ҳаётликларида сўз ила ифода этиб бўлмас у шаъни шавкатли онлар кун кеча бўлиб ўтгандек туюларди. Бу юлдузли фурсатлар ҳечам тугамайдигандек эди. Энди эса хаёл ҳам етмас узоқ ўтмишга айланиб қолгандек.

Теварак-атрофдаги бутун борлиқ, кўчаларни тўлдириб юрган одамлар ҳам ўзгариб қолгандек, ҳаёт илгариги завқи шавқини йўқотганга ўхшайди. Бутун бошли мамлакат ва миллат тақдирини буриб юборган шахснинг ҳаёти улус ва уммат қисматида не қадар муҳим эканлигини энди англаётгандек эди.

Ўшанда ҳамма ҳавас, умид ва қўрқув билан боқадиган отаси, кўзига афсонавий ва илоҳий кўринганди.

Нурали ҚОБУЛ

Қиблагоҳи ўзининг қишлик қароргоҳи Қорабоғдан ярим манзил чамаси қаршиларига чиқиб, кутиб олганди.

Ўғруққа буюк биби Сароймулкхоним бош, Туман оқо, Тоғай Туркон хотун ва ҳозир ҳузурига келаётган Хонзодабегимлар йўлдош эдилар.

У бемалол от минар, уч ёшли жияни Халил Султон эса улуғ маликанинг тахтиравонида ўтирарди.

Икки амирзоданинг инон-ихтиёри буюк бибида, волидаси Тоғай Туркон хотун ҳам, Халил Султоннинг волидаси Хонзодабегим ҳам ул маликайи олиянинг изнисиз амирзодаларга яқинлаша олмасдилар.

Хали ёш бола экан, буюк бибисини ўз онаси деб биларди. Эсини танигач, волидасининг бошқалигини, уни кўриб кучоқлаганда кўзида ёши сел бўлиб оқадиган Тоғай Туркон хотун эканлигини англади.

Демакким, эмизиклиқдан сўнг уни онасидан айиришган. Темурийлар саройининг таомили, шаҳзодаларни тарбиялаб вояга етказиш тартиби шундай эди.

Бу тадбирнинг асосий сабаби шундан иборат эдики, барча амирзодалар уйланган келинчак-маликалар кечмишидаги рақибу яғий шоҳу султонлар, амиру хонларнинг қизлари эди. Уларнинг тарбияси ишончли ота авлод вакиллари қўлига топшириларди. Акс ҳолда бу иш она авлод кишилари илкида қолар ва улар амирзодаларни ўз хоҳиш-истакларига кўра, ҳатто ота салтанатига қарши кайфиятда вояга етказишларидан истиҳола қилинарди. Шу боисидан ҳам амирзодалар зудлик ила оналарининг сут хиди қўқиган кўксини тарк этардилар.

Унинг онаси Тоғай Туркон хотун ҳам темурийларга қарши қаттиқ курашган Хоразм ҳукмдори Хусайн Сўфининг қизи эди. Малика дастлаб Амир Хусайн Кенагаснинг никоҳига кирган, бек Балхда шаҳидлик шаробини сипқоргач, отаси никоҳига ўтган экан. У буларнинг ба-

рини кейинчалик, ақлини таниб, ўзи ҳам бир неча сочи узунни никоҳига киритганда ўрганди.

У жиянлари Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммадлар билан илк бор уйланган маликалари ҳам ашаддий рақиблари ғурийлар сулоласидан эди. Саккиз карра куда онти ичган бўлсалар-да, ғурийлар ҳамон яғийликдан воз кечмайдилар. Соҳибқироннинг абадиятга йўлчилигидан сўнг эса яна бош кўтариб қолдилар.

Хоразм сўфийлари ҳам аҳди паймон, сўзу қасамни бузмоқ бобида пири устоздирлар. Самарқанд тахтига Халил Султон ўтириши билан думларини Идику Манғит томон бурдилар. Аини дамда Хоразм мулки Турон давлати тасарруфидан чиқиб турибди. Бу ҳол узоқ давом этмаяжак. Бу ўлка Турон мулкининг ғарбий дарвозасидир. Уни қўлдан чиқариб бўлмайди. Хоразмнинг элдан кетгани – Жўчи ёвузларининг истаган пайтларида Туркистон ўлкасини топтаб, от ўйнатиши демақдир. Иншооллоҳ, вақти замони келар. Қиблагоҳи қону жон эвазига бирлаштирган ўлкалар тек-тек қайтажак.

Улуғ хон, Султон Муҳаммад Ўзбахон авлодидан бўлганлиги туфайли янгаси Хонзодабегим Улуғ амирнинг ҳурмат-эътиборида бўлиб, меҳри муруввати, шафқату марҳаматига сазовор эди.

Унинг онаси Тоғай Туркон хотун эса бошкентда сассиз, садосиз, мутавозе ҳаёт кечирар, соҳибқирон ўғруқида кўринмасди.

Онаси вафотини ҳам Ҳирот ҳукмдори эканида эшитди. Иншооллоҳ, Самарқанди фирдавсмонанднинг дийдори насиб этганда волидасининг сўнг маконларини зиёрат этажак.

Ҳозир эса қаршисида оғир ва масъулиятли бир учрашув турибди. Самарқанднинг минг бир янгилигу ҳаводислари билан ҳузурига келган малика Хонзодабегим билан суҳбатлашмоғи керак.

Нурали ҚОБУЛ

У айни замонда соҳибқирон Амир Темур ўтирган Кўк-тошни банд қилиб турган подшоҳ Халил Султоннинг волидаси.

Самарқанд султони волидаи муҳтарамасини Ҳирот ҳаволарини туйиб келмоқ учун ҳам юборган бўлиши мумкинлигини назардан қочирмаслик керак, деган эди амир Нуширвон Барлос.

Бу талотўпу алғов-далғов замонда ҳар кимдан, ҳар нарсани кутмоқ мумкин. Тараф тутдингми, шарафни тутолмассан. Мавқе, манфаат деган нарса бор экан, бу ёруғ очунда тожу тахт, мулки давлат деган оҳанрабо ўзига тортиб тураверади. Хом сут эмган инсон зоти ўзлигини топмай, топса-да чекиниб, оний ҳис-туйғуларнинг асиру қули бўлиб яшайверади.

Икки буюк қардоши, Жаҳонгир ва Мироншоҳ мирзолар никоҳига кириб, биридан қазойи қадари етгач, иккинчисидан тириклайин айрилган дийдаси қаттиқ маликанинг табиатида мардлик бор. У билан очиқ-ойдин кўнишса бўлади, – ақлидан кечди подшоҳнинг.

Шу хаёллар билан саропарда чиқишига яқинлашган подшоҳ эшик оғасига мусофир маликани даъват этишни буюрди.

Юқунганча саропардага кирган малика икки кафтини Шоҳруҳмирзонинг ўнг елкасига қўйиб, тавоф қилди. Сўзлари бўғзига тикилиб, кўзи ёшовлади.

Подшоҳ маликани ўнг томонидаги тахтсифат курсига ўтирмоққа таклиф этди.

Хонзода қиёфасидаги асолату зарофат, нозиклигу ёқимли ожизлик, қадди қоматидаги шоҳона либослар каби ўзига ярашган, садафдек оппоқ тишлари терилган гуручдек текис эди. Сўзларни ҳам чертиб-чертиб, дардли бир сасда изҳор этар, ёқимли, ғамгин бу оҳанг тинглаганнинг хотирасида қоларди.

– Муқаддас даргоҳлар зиёратига бориб келибсиз. Ҳожибибилигингиз қабул бўлсин! – Ота бошкентимиздан не ҳаводислар келтирдингиз, маликам? Буюк бибимиз ва подшоҳ амирзодамизнинг аҳволлари нечук? Улуснинг кайфи ҳоли қалай? – сўради Шохруҳмирзо саломлашиб бўлгач. – Биз сари йўлга чиқиб, ҳўп яхши иш қилибсиз-да. Оналар ва хонимлар аралашган ишларда хайри барака, сулҳу яраш бўлади. Бутун савашу сўғишларни биз эркаклар бошлаб, ўзимизни балою қазога уриб юрамиз.

– Қуллуқ, подшоҳим! Тангрига шукрлар бўлсин, – деди малика ўша дардли ва ҳазин овозда ҳануз гўзаллигу латофатини сақлаган Хонзодабегим узун кўйлақларини йиғиштириб ўтирар экан. – Юртда эмну омонлик. Буюк бибимиз ҳам соғу саломатлар, Оллоҳга шукур. Амирзодамиз ҳам эсон-омонлар. Ҳар иккиларининг-да зоти олийларига меҳр-муҳаббатли саломлари бордир. Бутун аҳли Самарқанднинг салом ва дуоларини келтирдим, подшоҳим! – болалиқдан сарой таълимини олган малика кибор эди.

– Хизматчилар буюк бибим зоти олийлари, Кўксаройнинг ер қатидаги бир хонада яшамоқда эканлар дея эшитдим. Шу гап тўғрими? – маликанинг юзига боқмай сўровда давом этди мирзо.

– Бу гап тўғри, подшоҳим. Тангридан яширмаганимни сиздан яшира олармидим. Бироқ амирзода жиянингизнинг жилови илгари буюк бибисининг эларида бўлган бўлса, эндиликда ердан чиқдим, осмондан тушдим Шод Мулк деган бирининг қўлида. Тўққиз ой, тўққиз кун кўтариб юриб дунёга келтирганим, болам менинг эмас, ўша, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозирнинг измида. Унинг сўзи сўз. Шу насли насаби номаълум хотиннинг айтгани айтган, дегани деган. Бу аёл

Нурали ҚОБУЛ

амирзодани охир-оқибатда қай бир манзилга элтади, буни ёлғиз яратган билади. Мен шуларни сизга айтай ва: маслаҳатингизни олайин дея авлодингиз Муҳаммад Жўгийбек баҳонасида зўрға Самарқанддан чиқдим. Шод Мулкга қолса мени ҳам, амирзодани ҳам Ҳиротга жўнаттирмас эди, – ичи тўлиб турган эди маликанинг.

– Ҳали-ҳануз ҳеч ким билмайди ва ақли етмайди. Амирзодамиз қандай қилиб бу аёлга дуч келиб қолган. Қиблагоҳ ҳам бу воқеани туйганларида қаттиқ ғазабланган эдилар. Мен бўлиб ўтган гап-сўзлардан узоқ бўлганим боис беҳабарман. Наҳотки уни тўхтатиш, амирзодамизнинг ўзига келтиришнинг иложи, имкони бўлмаса?

– Падари бузрукворимиз раҳматли одам танирдилар. Бежизга бу ҳолдан астойдил безовта бўлмаган эканлар. Боланинг бошини балога суқиб қўйганга ўхшайди, назаримда. Маълумингизким, у амир Сайфиддиннинг тамғаси бўлган. Амирга эса ҳозирда соҳиби ихтиёр этиб қўйганлари Бобо Тармиш топиб берган дейдилар. Бобо Тармишнинг ҳам жорияси бўлган эмиш деган гап бор, – бу сўзларни сўйламак оғир эди онага. Пешонамга кўз битиб, бундай шайтонга дарс берадиган аёл зотини кўрмадим.

– Амирзодамиз салтанат жиловини насли насабини кимса билмас бир аёл қўлига топшириб қўйибдиларким, бу нарса дастлаб улусни, сўнгра лашкар, охир-оқибатда малигу хонимнинг ўзини хароб этадиган кўринадур, маликам. Аҳвол бу тарзда кетар экан, асл авлодимиз Халил Султонбекка ҳеч қандай рақибу яғийнинг кераги бўлмай қолади. Хоразмнинг элдан кетганлигидан хабарингиз бордир. Урганжни эгаллаган ота дўсту душманларнинг икки кўзи энди Амир Темур бошкентида. Самарқандда, буюк бобонинг Кўктошида ўтирган ҳукмдор Хоразму Ўт-

рор, Сайраму Саброн каби мамлакат шимолидаги барча вилоят ва ҳудудларни ҳимоя этмоғи, юрт бирлиги ҳамда бутунлигини сақламоғи керак. Бу масъулиятли ишнинг уддасидан чиқа олмаган подшоҳ эрта бир куни пойтахтини ҳам қўлдан бой бериши турган гап, – беихтиёр ўрnidан туриб кетди Шохруҳмирзо.

– Мен ҳам шундан қўрқаман, онҳазратим! Амирзода ёшлик, тажрибасизлигу сахийлик қилиб, салтанат хазинасини амирлар Худойдоду Бурундук каби бобонгизнинг тиш қоққан улуғ бекларига бўлиб берди. Улар эрта кунда бу қуролу аслаҳаларни ўзига қарши ишлатмаса деган қўрқуву таҳликадаман.

– Ота-она кўнгли ҳар нарсани сезади. Бу нарса сиз зоти олияларини бир бора безовта этса, мени ўн қарра роҳатсиз этаётир. Айтганингиз кучларни янада томир отиб, зўрайиб кетмасдан бурун, исён чўғи аланга олмасдан ўчирмоқ керак. Ота юрту она ватаннинг асосий қисми қўлдан кетгандан сўнг бошингизни минг бир тошга уринг, фойдасиздир. Амирзодамиз бу муаммоларни ҳал этмоқ ўрнига ўз қардошлари Пирмуҳаммаду Султон Хусайн билан савашиб ўтирибди. Менга мактуб битиб, амри фармонингизга бўйсунаман дейдилару, ўз билганларидан қолмайдилар. Давлат ва салтанат иши бу тариқа юрмайди, маликам. Мен ичим куйганидан, эрта кунда амирзодамизга тегажак ўқнинг зарби бизга ҳам етажагини ҳис этганим учун сўйламоқдаман. Модомики бизларнинг бир-биримизга ичимиз ачимас экан, бу каби лутфу марҳаматни бошқа ҳеч кимдан бекламанг, – дея яна келиб тахтига ўтирди подшоҳ. – Валиаҳд Пирмуҳаммаднинг ўз болоғидан чиқарган бир бит қўлидан қатлга етганидан хабарингиз бордир!

– Эшитдим, подшоҳим! Кўп разил ва шарафсиз иш бўлибдур! – деди малика рўмолининг учини алам-ла тиш-

Нурали ҚОБУЛ

ларкан. – Шундай жонзодлар ҳам одамман дея бош кўтариб юради-да! Бу фожиани қаранг-а?!

– Оллоҳнинг изни ила вазиятни бу ҳолда қолдирмаймиз. Қолдиргудек бўлсақ, эртага навбат менга, сўнгра бошқаларга келади. Бир темурийзода валиаҳднинг хунига зомин бўлган кимса Турон мулкида ҳеч қачон бош кўтариб, тирик юрмайди. Бу хунхорларча қотиллик, ташвишу таҳлика етмаганидек, куни кеча Хуросон мамлакатини кўш-қўллаб топшириб қўйганимиз Умар мирзонинг исён туғини кўтарганига не дейсиз, маликам? – сасида ўкинч ва армон бор эди подшоҳнинг. – Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога. Сизнинг Самарқанддан чиққанингиз хабарини олиб, доруссалтанат Ҳиротда беклаётган эдик. Оёғимиз остидан бу бало чиқиб қолса бўладими? Ҳамон йўлга чиқдик. Шу туфайли ҳам саратоннинг шундай сижоғида сиз ила Бодғис яйловида кўришиб турибмиз.

– Вой ўлмасам! Умар мирзо шунчаликка бордиларми? – ўрнидан туриб кетди Хонзодабегим. – Ё тавбангдан кетай, тангрим! Наҳотки шу гап рост бўлса, султоним?

– Афсусу надоматлар бўлсинким, рост, маликам. Бу ҳаводислар ёлғон бўлиб чиқсин, дея рўёларимда яратганга нола этаман. Бироқ тонг сабоҳда кўз очганимизда бекламаганимиз исёну фожиа қаршимизда турган бўлади. Ақл бовар қилмайди. Қошу кўзимиз орасида турганлардан ҳеч бекламаганимиз ҳаракату муносабатни кўрмоқдамиз. Биз айни дамда Балх сари юриб, итдан тараган Пир Али Тознинг ишини бартараф этмоғимиз керак эди. Ашаддий қон душманимиз қолиб, куни кеча ўзим тахтга ўтқазган, буюк қардошим, Оллоҳ раҳмати Умаршайх мирзонинг фарзандига қарши кўшин тортиб ўтирсам! Етти ухлаб тушингга кирмаяжак бир фалокат.

Атрофига тўпланмаган иту бит қолмаган. Мен дохил, ҳеч кимнинг молу жонининг омон қолишига ишончу кафолат йўқ. Боиси, Сулаймон ўлди, девлар қутулди деганидек, султон соҳибқирон абадиятга интиҳол этдилару, дўсту душман, қурту кумурсқа кўзғалди. Дўст дўст, душман душман ерида эмас. Барча исрору иқтидор, тожу тахт пешида. Ким ила не масалаю муаммони кўнишиб, қай хусусда қарор бермоқни-да билмайсан киши. Қиблагоҳ раҳматлининг бош вазирлари Шайх Нуриддиндан тортиб, амир Худойдодгача, барча-барчаси салтанатнинг асл буюк ҳадафларидан чекиниб, теурийларни сотдилар. Билмайдиларким, сотқинларнинг қочиб боражак сўнг манзили дор оғочидир...

– Шайх Нуриддин хусусида амирзода жиянингиз ҳам бир гапни айтган эдилар, – деди малика ҳамон мирзо Умар исёни ҳақидаги хабардан ўзига келолмай.

– Сўйланг, сўйланг!

– Ўтрордан олинган бир билгига кўра, амир Шайх Нуриддин бизнинг Шохруҳподшоҳ ҳазратлари ва Ҳирот билан ишимиз йўқдир. Бироқ Халил Султон билан ҳисобкитобимиз бор. У мени қандай қилиб Самарқандга киритмаган бўлса, унинг ўзини худди шундай қилиб, бошкентдан ҳайдаб чиқараман дея онт ичган эмиш.

– Шохруҳмирзога кучи етишини англаб етган куни бундай куфрона сўзини Ҳиротга қараб ҳам бемалол айтиши мумкин. Амирзодамиз бу сўздан ҳаяжонланмай, ташвишга тушмай ва бизни уюштирмоқда деган фикрга бормай, тўғри йўлдан оғишмасликлари керак. Атрофларидаги барча дўсту ғанимлари ул кишимнинг хатолиққа йўл қўйиб, оёқлари тўйишини кутиб турибдилар. Эс-хуши бутун ҳукмдор ҳеч қачон рақиби орзу этган нуқсонун хатога йўл қўймайди. Ҳеч бўлмаганда майдон савашаида очиқ, юз-юзга келиб, кучи етса енга-

Нурали ҚОБУЛ

ди. Қисматида мағлубият алами бўлса, чекади. Бошда сиз ила фикр-мулоҳаза этганимиз каби амирзодамизнинг оёқ олишларида янглишликлар мавжуд. Эртами кеч бўларнинг ҳисобини бермоққа тўғри келади. Валиаҳдимиз Пирмуҳаммаднинг егану емаган сомсаси учун бугун биз ақча тўлаб, Пир Али Тоз деган нокас билан савашиб ўтирганимиздек, эрта кунда амирзода Халил Султон экан янглиш уруғлардан униб чиққан фисқу фасод, исёну қўзғалон ўчоқларини ҳам сўндиришимизга тўғри келиши мумкин. Биз ҳам яратганнинг ожиз бир қули, бандасимиз. Бизнинг куч-қудратимизни-да чек-чегараси бор. Не қадар Ҳирот саройида ишқириб, амри фармон бермайлик ёки Кўктошга кетимизни ишқамайлик, Соҳибқирон Амир Темур бўла олмаймиз. Фикри ожизимча, падари бузрукворга насиб этган қисмату қадар, тахту салтанат, ақли зако, фаҳму фаросат ҳеч биримизга насиб этмаса керак. Ана шу олий адолатни англаб етиб, турганимизга қараб оёқ узатмас эканмиз, ким бўлмайлик, қай мамлакат тахтида ўтирмайлик, шубҳасиз, қоқилажакмиз. Сиз маликайи олиялари менинг бир қондошу жондош ўлароқ сўйлаган сўзларимни жондан азиз амирзодамизга еткуринг. Жону жигар топишар, ётга бало ёпишар деганларидек, биз ҳеч қачон ва ҳеч бир замон айрилиб кета олмаймиз. Бизнинг ўз-ўзимизга қилган хиёнат исёнларимиз бир мен ёки амирзодани эмас, бутун темуррийларни улус кўзи ўнгида кичик туширади ва яғийлар шамига ёғ қуяди, — насиҳатомуз оҳангда қўнишарди султон.

— Амирзода жиянингиз сиз зоти олийларини қиблагоҳи ўрнида кўрадур. Аллақачон ҳузурингизга келиб, пешингизни ўпиш орзусидадир. Бироқ ўзингизга маълум бўлган хавф-хатар ва шароит тақозосига кўра бошкентни тарк эта олмайтир. Не амри фармонлари бўлса, бошим

ва кўзим устидадир дея бот-бот такрорладилар, – таъкидлади малика йиғлоқи оҳангда.

– Мен ҳам амирзодамизга нисбатан оталиқ ҳис-туйғуси ҳамда эътиқодидамен. Бундан ўзгача бўлиши тепамизда қараб турган руҳ ва хотирага хилофдир. Кимнингки қалбида не нияти бўлса, ўзига йўлдошдир. Киши ким бўлмасин, ҳеч қачон ўзлигидан қоча олмайди. Қолган ҳар бир яхши ёки ёмон иши, хатою нуқсонлари уни таъқиб этади. Яратган эгамиз барчамизни йўл қўйган гуноҳу янглишлиқларимиз учун ўтаяжак оғир жазодан сақласин!

– Омин! – деди Хонзодабегим ҳам юзига фотиҳа тортиб. – Панду насиҳатларингизни сўзма-сўз ва ҳарфиян жиянингизга етказажакман! Унутмангким, султоним, бизнинг ҳам сизнинг даргоҳингиздан бошқа сиғиниб боражак паноҳимиз, сиздан бўлак орқа тоғимиз йўқдир! Амирзода жиянингиз тарафдин бирда ярим хатолиғлар ўтган бўлса, узрини қабул этинг! У бундин буён зоти олийлари чизган чизиқдин чиқмаяжакдир! – юкуниб деди малика.

– Тангри ҳеч қачон ва ҳеч биримизни тўғри йўлдан адаштирмасин! Сиз, ҳурматли маликам, бу ерда икки кун истироҳат этинг. Эртага амирзода ва сизнинг шарафингизга бир муҳташам тўй тартиб этамиз. Индин эса Гавҳаршодбегим билан Ҳиротга кета билурсиз! Биз ҳам, иншооллоҳ, қаршимизда турган мушкул муаммони бар-тараф этиб, ортга дўнажакмиз! – дея ўрнидан туриб малика билан хайрлашди подшоҳ.

Хонзодабегим тисарилганча, таъзим-ла саропардани тарк этди.

ИККИНЧИ БОБ

*...Мовароуннаҳр элига эътимод
этса бўлур. Бироқ аҳли Хуросонга
инониб бўлмас...*

**Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёз-
ган мактубидан**

Ҳирот саройида сўз ила ифодалаб бўлмас оғир,
юракни сиқувчи бир вазият, иқлим ҳукм сурарди.

Пойтахт ҳеч бир исёну қўзғолондан, фитнаю бош кў-
таришдан бу каби қаттиқ ларзага келмаган эди. Умар
мирзо ғалаёни бош малика Гавҳаршодбегимдан тортиб,
шаҳар дарвозаларини қўриқлаётган қоровулларгача –
барчани бирдек шошириб қўйган, салтанат ташвиши
ила боғлиқ барча катта-кичикнинг егани ичига тушмас-
ди.

– Шу нонтепки авлодимиз билан юз беражак саваш
фатҳининг хабарини олиб келган чопарга бор-будимни
берар эдим, – деди юраги сиқилганидан сарой ҳовлисига
чиқиб айланаётган малика Милкат оқа ёнида юрган бош
канизаги Ойтўлдига.

– Иншооллоҳ, бул гап-сўзлар ёлғон чиқар. Уни ким
йўлдан урган, ўйлаб-ўйимга етолмаётирман, – деди Ой-
тўлди ҳам болаларники каби содда нигоҳини маликага
тикиб. – Мен ҳам бисотимдаги энг қимматбаҳо ашёла-
римни шу хушxabарни етказган кишига ҳадя этардим.

– Сен бечорада не бўлсин? Қўй, бир кунингга яра-
тарсан. Мироншоҳ Мирзонинг уч ўғли бизга тинчлик
бермайдиган кўринади. Дарё ортида- Халил Султон.
Мозандаронда Мирзо Умар. У тарафда Абу Бакр мир-
зо. Бечора султонимиз буларнинг қай бирига қарши ку-

рашадилар? Андхудда отинг ўчгур Пир Али Тоз. Ишқилиб, менинг авлодларим ҳам тинч бўлсинлар-да, – деди Мирзо Умаршайх ўғилларини назарда тутиб.

– Иншооплоҳ, улар тинч-тотув эсон-омондирлар, – деди канизак Ойтўлди маликанинг қош-қовоғига қараб.

– Эгам уларни ўз паноҳида асрасин! – дуо қилди малика. – Оллоҳ жазойингни бергур Пир Али Тоз Ҳиндистон фатҳидан қайтиш чоғида ётган жойлари нурга тўлгур улуг ҳоқон ҳазратларининг эътиборларидан қолган экан.

– Нега? Ўшанда ҳам исён байроғини кўтарганми? – қуралай кўзларини маликага тикди канизак.

– Раият мулкани талаб, талончилик қилган экан. Султон соҳибқирон ҳазратлари Ҳиндистонга кетаётиб, у билан амир Ҳусайнга қароқчи пуштунларнинг таъзирини бериб, Дехли-Қобул карвон йўлида хавфсизликни таъминлашни топширадилар. Улар қароқчи тўдалардан моли омон олдик, дея халқнинг чорпо¹сини тортиб оладилар. Қилмишларини хаспўшлаш ва улуг ҳоқон ҳазратларининг кўнглини олиш учун тўққиз от ва мингта сигирни тортиқ қиладилар. Ернинг остида илон қимирласа сезадиган дунёбохабар қайинпадаримиз улуг ҳоқон ҳазратлари уларнинг жангу жадалсиз келтирган бу тухфаларидан шубҳаланадилар. Савол-сўроқ қилинганида бу ишга бош-қош бўлган Пир Али Тознинг тили курмовга келмайди. “Муҳтарам амиримиз Пир Алибек, турумдан шундай ҳол юзага урмоқдаки, бу моллар қароқчилик йўли ила қўлга туширилган кўринадир. Ҳаромдан келган ризку насиба ҳеч кимга татимайди. Барака мол-мулкнинг кўпидами, озидами, буни ёлғиз тангри билгучидир. Асп бойлик – мол-мулкнинг кўплиги эрмас, нафснинг тўқлигидадир. Адли адолат қарор топмаган мамлакатда давлат одамлари ва ҳукумат кишиларининг ўзи энг катта ўғрию қароқчига айланадилар. Буни

¹Чорпо – чорва демак.

Нурали ҚОБУЛ

раият бугун биздан кўрқиб юзимизга солмаса-да, эртага, устимизга тупроқ тортилгандан сўнг айтади. Миллат тирклигида ҳисоб сўрай олмаганлардан, ўлимидан кейин барибир охирги, ҳал қилувчи сўроқ-жавобни қилиб, якуний ҳукми чиқаради. Шунда улус кўз ўнгида разил бўлмайлик десангиз, ҳозироқ бу молларни қайтиб ҳайдаб бориб, эгаларига топширинг. Асосий ўрду ўтиб кетгунга қадар уларни ҳимоя этинг. Бошқа бир эпчил лашкаримиз ўғрини қароқчи урди қабилида иш тутиб, бу молларга эга чиқмасин”, дея уни келтирган тухфаси билан ортга қайтарадилар. Қиблагоҳ ҳар доим ёлғон сўзлаган, киши молига кўз олайтирган эрта бир кунда ёвузлашиб, унинг жонига ҳам қасд қилади, дер эдилар. Қара, ул зоти олий худди бугунги кунларни кўриб тургандек гапирган экан-а, Ойтўлди, — ҳаяжон-ла кўнишарди малика Милкат оқа.

— Шунда улуғ хоқон ҳазратлари уни жазоламаганларми? — сўради канизак малика кўйлаги этагини кўтарганча ҳаллослаб эргашаркан. — Султон соҳибқирон ҳеч қачон мунофиқларни кечирмаган дейишади?

— Султон соҳибқирон зоти олийлари ким бўлмасин уч, гоҳида тўрт бора гуноҳ қилса-да, кечирар, хулоса чиқариб, ўзига келар дея имкон берардилар. Қолаверса, Пир Али Тоз салтанатга хизмати синган беклардан бўлган. Улуғ хоқоннинг ана шундай кечиримли, бағрикенгликларини янглиш англаб, ўзини ундан кам чоғламаган барча амирлар эндиликда тожу тахт иддаосида дам урмоқдалар. Оллоҳнинг ожиз қули, одам боласининг феъл-атвори шундайдир. Итбалиқдан тарқаган қурбақа улғайганда ўзини унутганидек, сендан неки яхшилик кўрмасинлар, унутар эканлар. Ўлик оятдан тўймагунча, тирик овқатдан тўймас деганларидек, одамларга бир мамлақату давлатнинг тож-тахтини бериб қўйсанг-да етмайди. Камлик қилади. Ўйлаб ўйинг-

га етолмайсан, -- дардини ёрарди малика канизагига. -- Қара, золимга марҳамат, мазлумга зулмдир, дегани шу экан-да!

Ўйга толган малика Милкат оқа хаёл сурганча арк дарвозасига бориб қолган эди.

– Эсим қурсин-а! Султон ҳазратларидан чопар келган эди. Бошкент Самарқанддан Хонзодабегим етакчилигидаги карвон келиб, Қизиработ манзилида зоти олийларининг истиқболларига етишибдилар. Хоқони саид бу шодликни сафару юришнинг хайрига йўйиб, малика ва авлодимиз Муҳаммад Жўгий шарафига катта тўй берибдилар. Ўзлари Бардавия қишлоғи томон юриб, қўноқларни Ҳирот сари йўллабдилар. Уларни муносиб қаршиламоғимиз керак. Юр, Ойтўлди, улуғ маликаemiz Гавҳаршодбегим ҳузурларига бориб, маслаҳатлашайлик. Устма-уст келган нохуш хабарлар соясида қўноқ қаршиламоғу, меҳмондўстлик ҳам юракка сиғмайди. Ишқилиб, яратган эгам Пир Али Тозу Мирзо Умар ғурийлар балосини ўзи даъф этсун! – дея гапиринганча қаршисида қотганча ерга қараб турган дарвоза қоровулбегисига яқинлашиб қолган эди. – Сен бориб сўрагин-чи, Самарқанд карвони Ироқми ёки Майдон дарвозасиданми кириб келар экан? – Ойтўлдини қоровулбеги томон йўллади малика.

– Шаҳарга Майдон дарвозасидан киришар экан, – деди қайтиб келган канизак.

Малика ва канизак саройга, подшоҳ йўқзамонида барча ишга бош-қош бўлгувчи бош малика Гавҳаршодбегим ҳузурига қайтдилар.

Бомдод намозини ўқиб, узоқ тиловат қилган султон Шохруҳ энгил ҳаракат ва хуш кайфият-ла саропарда саҳнига чиқди.

Вазиру қўмондонлар бош эгиб таъзим-ла подшоҳни

Нурали ҚОБУЛ

саломладилар. Мулозим кўчма тахтни келтирди. Султоннинг кўзи хос мулозимлар орасида турган бегона навқарга тушди. Беихтиёр, хаёлига Умар мирзога худо инсоф бериб, сулҳ ҳақида оғиз очгандир деган фикр келди.

Чопарнинг қўлидан мактубни олган ўрдунинг олий қозиси Жалолиддин Исҳоқ Самарқандий сафдан олдинга чиқиб, хоқон сари кела бошлади.

– Не ҳаводислар, қози жаноблари? – сўради султон Самарқандий яқинлашгач.

– Балхдан мужда борга ўхшайди, султоним. Юзбоши Эсиргап Наймандан мактуб, – дея зарфни узатди олий қози.

– Мирзо Умар тарафдан ҳеч бир хабар йўқми?

– Йўқдир, зоти олийлари.

– Булғомиший¹ларимиз бирорта тил ҳам тутмадиларми?

– Тутмадилар, аълоҳазрат. Ул тарафдан бирорта қочган-писган киши ҳам қўлга тушмаган. Амирзодамиз кетаётган янглиш йўлнинг сўнгига қадар бормоққа қарор қилган кўринади!

– Шундай денг?

– Шундайга ўхшайдир, давлатпаноҳ!

– Яратгандан кўрқмаганлар, яралгандан ҳайиқмайдилар, уялмайдилар. Оғзи билан қуш тутмоққа ошиққан бул каби авлодларимиз ҳеч бир замон мақсадларига эришмаяжаклар. Начора? Биз ҳам шунга муносиб равишда ҳаракат этиб, чора-тадбир кўрмоқ мажбуриятидамиз. – Булар сув ташиб тегирмон юргизмоқчи, отаяғий душманлар қўли билан қилич сермамоқчи бўлмоқдалар. Билмайдиларки, эрта бир кун бу қилич ўз бошларига, тутган найзалари юракларига санчилади, – сасида алам ва афсус зоҳир эди султоннинг.

¹Булғомиший – разведка.

– Ҳар бир инсон, шоҳу гадоӣ, ким бўлмасин феъл-атвори, хатти-ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда ўз қисмату қадарининг қиличи томон боради. Энг муҳим, ҳал қилувчи дам ва дақиқа эса қисмат қиличининг қай тарзда бошга тушишидадир. Шарафли инсонлар Оллоҳ берган умрни инсон каби яшаб, фоний дунё ила шарафла видолашадилар. Шарафсизлар эса қилмишларининг оқибату натижаси ўлароқ ўзини беклаётган қадар қиличининг қайрилган ўтқир тиғига дучор бўладилар! – дея фикрини баён этди Жалолиддин Самарқандий.

Султон маъноли бош ирғаганча олий қози узатган мактубни ўқишга киришди:

“Зоти олийлари! Бул насл-насабсиз онқўр ҳаддидан ошгандан ошмоқда. Балх саройи қирғини шаҳидларини тупроққа бердилар. Сўнгра маълум бўлдики, шаҳидлар орасида султон соҳибқирон ҳазратларининг соҳибхабари, муҳтарам Алп Туркашбек устозимиз ҳам бор эканлар. Ётоғида босиб, тонг шафағида қатл этмоқчи бўлибдилар. Ул шаҳид биродаримизнинг бир ўзлари ўша кеча ўнга яқин қотилнинг жойини солиб, ярадор бўлибдилар ва Балх дорушшифосида Оллоҳга омонатини топширибдилар. Жон таслим этарканлар, қазолари хабарини сиз зоти олийлари ва амир Боботурк жанобларига етказишни ҳамда хокларини Ўсмаатга, Қўрғонтепа кўйиндисига элтиб кўмишларини васият қилибдилар. Имкон қадар тезроқ етиб келмоқ керакдир. Шарафсиз қотил кучаймаслиги лозимдир. Қўшин ичида ғалаён давом этмоқда. Пир Али Тоздан норози бўлган арлотлар ажралиб чиқиб кетдилар. Арлотларга яқин ва уларни қўллаб-қувватловчи чериклар ҳам сиз томон қочмоқ учун пайт пойламоқдалар. Бул томон юрмоқнинг том замонидир. Туркистонун Мовароуннаҳрдан келган наварлар ҳам зоти олийла-

Нурали ҚОБУЛ

рини тўрт кўз ила бекламоқдалар. Балх сари ташриф сояларини солмоқнинг ўзи бул хоинона фитнанинг фатҳу зафар ила ниҳоя топмоғига, ул шарафсизнинг йўгон елка томирини узмоққа асос бўлғувсидир. Шунингдек, бул насл-насабсизлар темурийларга хайрихоҳ бўлган шоиру носир, олиму созандаларни Балх зиндонига отмоқда. Куни кеча зоти олийларига атаб шеър ёзган шаҳарнинг энг улуғ битикчиси Матлаб Машрабийни зиндонга ташлади. Айни дамда барчанинг тилида унинг Пир Али Тозга бағишлаб битган битиги. Азизу мукаррам давлатпаноҳимиз эътиборларига ушбу шеър матнини ҳам юбормоқдаман. Зоти олийларидан амри фармон беклагувчи содиқ қупингиз”.

Подшоҳ Шоҳруҳ жиддий тортганча Матлаб Машрабийнинг битигини ўқий бошлади.

Билмассанки, кечар манзил,
Сойу сойлиқ, дарами.
Қаршингдаги ҳар хору хас,
Бир кунингга ярарми.

Бошда турганинг йўл, сўқоқ,
Том манзилга борарми.
Қисмат қиличидир тигли,
Тангри ўнгдан қарарми.

Дуч келганинг касу нокас,
Фариб кўнглинг оларми.
Аё бори будинг талаб,
Ёлғиз бошинг ёрарми.

Бу дунёда барча сарсон,
Сўнгида оҳ урарми.

Адли адолат йўқ элда,
Бўлмас улус ороми.

Фуқаронинг ақли шошган,
Йўл кунда ё дорами.
Тоат-ибодат бир хуруш,
Бошга келса ҳароми.

– Қиблагоҳ ҳазратнинг энг яқин кишилари Алп Туркашбек ҳам ўша қатлиомда шаҳид кетибдилар! – деди султон олий қозига қараб титроқ овозда.

– Оллоҳ раҳмат этган бўлсин! – деди бу хабардан лол бўлган Самарқандий кафтларини юзига сийпаб. – Алп Туркашбек инсониятнинг гули саналмиш шахсият эди.

– Шаҳидлик пайғамбарликдан кейинги мақомдир! Жойлари жаннатда бўлсин! – деди подшоҳ ҳам юзига фотиҳа тортиб. – Улар қони ерда қолмаяжак! – Мақтубни битган кишимизга жавоб хати ёзмоққа лузум йўқ. Ҳадемай Балх йўлига тушамиз. Чопарга сўйлангим, Ўсмагга, амир Боботуркга хабар етказсин. Бек Балхга етиб келсун ва дўстининг хокини ўз қўли ила олиб кетсин.

Унгача биз ҳам етиб борамиз. Нобакорлар не қадар вақтинча башарли бўлмасинлар, тангрининг сўнг ҳисоби бордир.

– Амри фармон султонимизнингдир!

– Қўшин Бардавия кишлоғининг кун юриш томонида сафга тизилсин! Қарши тараф ҳужум бошламаса, бирорта ўқ ҳам отилмасин! Суворийу пиёда жойидан жилмасин! Яғий биз тарафга от қўйсагина муносиб қаршиламоқ чораси кўрилсин! Зафар ҳар замон ҳақ томондадир! Ноҳақ, нонкўр ва ношукур сотқинлар мудом қилмишларига яраша жазоларини топажаклар! Барчан-

Нурали ҚОБУЛ

гизга Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин! Омин! – дея
_ хитоб этди олий бош қўмондон.

– Омин!

– Оллоҳ ёр бўлғай!

– Пирлар мададкор бўлғай!

– Ҳақ ҳақ тарафда! – овозлар эшитилди.

Қўшин ўнгу сўлини тартибга келтириб, саф тор-
та бошлади. Салтанат туғ ва байроқлари кўтарилиб,
наққоралар гумбурларди. Вазиру хос мулозимлар
қуршовидаги подшоҳ қўшиннинг маркази ортидаги те-
паликка кўтарилди.

Тепаликдан Умар мирзо черигининг тарқоқ ва тартиб-
сиз равишда саф тортаётгани кўзга ташланарди.

– Байроғига қараганда мирзо Умарнинг ўзи ҳам са-
вашга кирадиган кўринади, – деди султоннинг ўнг томо-
нида турган амир Луқмон Барлос.

– Лашкарни жангга жалб этиш учун сиёсат қилиб
турибди. Бир зарбадан сўнг кўрасиз аҳволини. Баҳор
ҳавоси. Юмронқозиклар қаққайиб туришибди. Шулар-
дан бошпана сўраб қолмаса бўлди эди, – гап қўшди
амир Ҳасан Жондор.

– Афсуски, амирзодамиз бу инларга сиғмайдилар-да,
– жавоб қилди Луқмон Барлос. – Улар ҳужумни бошла-
дилар. Не амри фармон берасиз, онҳазрат!

– Ҳужум этган черик бу тахлит қарши тарафга от
қўймайди. Улардан бир гуруҳи биз томон қочиб ўтмоқда!
– деди тажрибали амир Луқмон Барлос кўзлари ёниб.

– Наҳотки!

– Шундай, биродар! Қаранг? Қўлларида ҳеч қандай
яроғ-аслаҳа йўқ! Тўғри биз тарафга келмоқдалар!

– Шундайга ўхшайди! – деди икки амири суҳбатини
тинглаб турган султон Шохруҳ тепалик томон келаётган
қўмондон ҳаракатини кузатиб.

– Танидим! Жакайи товачи! Ўзимизнинг одам! Иш та-

мом! Амирзода қўшини парокандаликка учради деяверинг! – ҳаяжонланганча қўнишарди Луқмон Барлос.

Вазиятни англаган Хуросон чериги чекиниб, ўзлари томон от қўйиб келаётган қўмондонга йўл очдилар.

Тепалик этагида отдан тушган паҳлавонкелбат, эгарқош Жакайи товачи юкуниб келиб, хоқон пешини ўпди.

– Бирлик ва баробарлигимизни сақлаш йўлидаги хизматингизни қадрлагаймиз, Жакайбек! Бу ҳаракатингиз ила юзлаб, балки минглаб кишилар жонини сақлаб қолдингиз! Оллоҳ сиздан рози бўлсин! – деди султон отдан тушиб товачини бағрига босаркан. Сиз шарафли аскар экансиз! Зотан, шарафсиздан аскар ўлмас, ўлсада аскар дейилмас.

– Энди қўшин тарқаб кетади, онҳазрат! Амирзода мирзо Умарга бу номақбул ишга қадам босманг, дея худони зорини қилдик! Кўнмадилар? Энди жазосини чекажаклар! – тили бўғзига тиқилиб қўнишарди товачи.

– Айтмабмидим, давлатпаноҳ! Яғий қўшини парокандаликка учраб, дуч келган тарафга қочмоқда! Фатҳу зафар бизники! Муборак бўлсин! – бор овозда ҳайқирарди Луқмон Барлос.

– Оллоҳ буюк! Ё Тангрим! Шунча инсонга раҳми шафқат қилиб, қони тўкилишига йўл бермадинг! Ўзингга шукур! Марҳаматингни дариғ тутмадинг! – оҳиста пичирларди султон. – Қочганларни қувишмасин! Бизнинг сафга ўтганлар қардошу биродаримиздир! Яратган ишимизни осон, юкимизни енгил қилди! Бир томчи қон тўкилмай зафар қозондик.

– Ғалаба қутлуғ бўлсин, қиблагоҳ! – деди жанг майдонидан тепалик томон от қўйиб келган амирзода Бойсункур отаси ёнига етиб келиб. – Яғий чериги орқа-олдига қарамай қочаётир! Қувайликми? Не қилайлик?

Нурали ҚОБУЛ

– Амир Мизроб! Сиз амирзода Умарни таъқиб этинг ва уни тириклайин тутиб келтиринг! – амр этди хоқон сўл тарафида турган бекка.

– Қаршилиқ кўрсатиб, жангга кирсалар-чи? – сўради амир оти жиловини жанг майдони сари бураркан.

– Вазиятга қараб ўзингиз қарор бера билурсиз! – ваколат берди подшоҳ. – Сиз амирзодам эса ғалаба хабарини Ҳиротга етказиш учун ҳамон чопар жўнатинг! – ўғли Бойсунқурга буюрди. – Барча атроф-вилоятларимиз ва қўшни мамлакатларга фатҳномалар юборилсин!

Мирзо Бойсунқур орқасида турган чопари меҳтар¹ Умар Тободгонийга қаради.

– Ҳирот сари от қўйинг, меҳтарчи оға! Бир нималиқ бўлиб қоласиз! Бу хабарни саройга етказган одам олтинга ғарқ бўлади.

Чопар ўша заҳотиёқ оти жиловини ортга буриб, қамчи босди.

– Меҳтарчидан олдин мен Ҳиротга етиб бораман! Изн беринг, амирим! – Луқмон Барлос олдига келиб шипшиди чопар Муҳаммадқул Қўштамғали. – Биз ҳам боламчакам деб юрибмиз.

– Унда отинг бошини қўй! Ўттиз фарсахли йўлни бир кунда босиб ўтолсанг, марра сеники! – рухсат берди амир Луқмон. – Бўш келма!

Чопар Қўштамғали бошқа йўлдан Ҳирот сари йўлга чиқди.

Тободгоний Қусавия қасабаси яқинидаги Тумон оқо работига етганда Қўштамғали сув ичиб, отини алмаштирарди.

Меҳтарчи оқсоқланганча чап оёғини зўрға судраб ҳамкасбининг олдига борди.

– Мени ҳам фатҳ муждасини саройга етказиш учун

¹Меҳтар – Турон салтанатида мешкобчи, саноччи маъносида. Усмонли давлатида ҳарбий оркестр созандаси.

юборган эдилар. Йўлда отдан йиқилиб, сўл оёғим лат еди. Бу аҳволда йўлда давом этолмайман шекилли. Сен тезроқ йўлга туш. Хушxabарни маликаларимизга етказ! – деди яна судралиб оти томон қайтаркан.

Тободгонийнинг гапига ишонган Қўштамғали бир коса қайноқ шўрва ичиб, бир оз дам олмоққа қарор қилди. Меҳтарчи эса отини етаклаганча работ ортига ўтди ва ўйлагани қўйгандек бўлиб, Ҳирот томон учди. Шом коронғусида шаҳарга етиб келди.

Саройда унга суюнчи бермаган маликаю амирзода, амиру мулозим қолмади. У бир кунда салтанат амири каби бою бадавлат кишига айланди.

– Тила тилагингни? Мендан не истайсан? – деди ҳўшшайганча олдига келган Қўштамғалига.

– Йўлда отим ўлиб қолди. Работ ва ёмлардаги салтанат отларида етиб келдим. Менга битта айғир олиб бер, жўра! – деди Қўштамғали йиғламоқдан бери бўлиб.

Меҳтарчи йўлдошини бозорга олиб бориб бир эмас, иккита от, бошдан оёқ кийим-кечак харид этди.

Муҳаммадқул Қўштамғали ҳамон Умар меҳтарчининг кўз очиб-юмгунчалик муддатда зангин бир кишига айланиб кетганини ҳазм қила олмас, ҳамкасбининг ўзини алдаб қочганидан хафа эди.

– Туманоқо работига мен илгари етиб келган эдим. Ўзлари мени лақиллатиб, Ҳирот сари от қўйдилар, бой ота, – деди Қўштамғали улар бозор четидаги тим остига ўтириб гўжа ва айрон ичишар экан.

– Ўтган ишга саловат, биродар. Аввал бошдан хато сендан ўтди. Хоқони саид ҳазрати олийлари Ҳиротга чопар юбормоқни Бойсунқур мирзога буюрдилар. Амирзодамиз эса бу вазифани менга юкладилар. Сен эса амир Луқмон Барлоснинг орқасида турганча бу амрни эшитдинг. Эшитдинг, номинни ярим қилмоқ учун мен-

Нурали ҚОБУЛ

дан олдин бошкент сари от қўйдинг. Яъни менга нисбатан ғайрилиқу-айрилиқ қилдинг. Бу-мамлакатда барлослардан бошқа қавму қабилалар ҳам нон ейиши керак-ку, биродар. Сенинг нотўғри, адолатсиз ҳаракатингга мен айнан шу усул билан жавоб беришим керак эди. Боиси, эгриликка тўғрилиқ билан жавоб бериб бўлмайди. Ризқу насиба, қадару қисмат шундай. Югурганники эмас, буюрганники. Оллоҳ буюрмагани ортингда юз йигирма саккиз минг пайғамбару жаҳон султони турса-да насиб этмайди. Шунинг учун мендан домангир бўлма. Миннат қилсам гуноҳ бўлади. Усиз ҳам сенга кимса жазм этмас саховатни қилдим. Ҳаётингда иккита отни кўрмагандирсан. Шу баҳонада қардош бўлдик. Дастим янада узайса ёнимга оларман, – шеригига ғамхўр эди меҳтарчи.

– Майли, жўра. Розиман. Буям йўқ эди, бобом бозордан келди дегандек, шунга ҳам шукур. Мени кўяверу сендек бой-бадавлат одам Ҳирот бозорида айрону гўжа ичиб ўтирса уят бўлади. Кабобу яхна гўшт ҳамда патир буюр. Бир маза қилайлик, – деди Қўштамғали ўксик оҳангда.

– Бу бошқа гап, жўра. Истасанг бутун қўйни кабоб қилдираман, – ҳамон рози бўлди меҳтарчи бой.

– Қани кабобчи? Бизга беҳи унида ишлов берилиб, беҳи шохига тизилган шишлик¹лардан жуфт-жуфти билан келтир-чи! – Бу ризқу барокатимизнинг барчаси подшоҳ зоти олийлари атрофида юрганлигимиздан, жўра. Кўринган кўйга қуловузнинг кераги йўқ. Биз одам боласимиз, биродар. Ҳатто султонларга яқин юрган итлар ҳам суяксиз қолмайди. Тангрига шукур қиламиз. Мол-мулк дегани қўлнинг киридек гап. Бугун келса, эрта кетади. Эс-хуши жойида, ҳисоб-китоби аниқ одам уни

¹Шишлик – Эски тилимизда эт “шиш” дейилган. Гўшт форс тилида. Шишлик – этлик демак. Бузилиб “шашлик” бўлиб кетган.

кўпайтириб, ҳаётида ҳеч нимага зориқмай умргузаронлик қилади. Жони ачиб мол топмаган ва ўнгини кўра билмаган нодон эса уни совуриб, яна боз бояги бояги, бой бобомнинг таёғи дегандек эски, гадой ҳолига тушиб ўтираверади. Кетган мол зиёди билан қайтар, оғайни. Бироқ кетган одам қайтмайди. Қани шишлиқдан ол, – дея ҳамсуҳбатини суфрага даъват этди меҳтарчи. Ўзалдан (аввал) азиз жоним, ит қопди – ўсал бўлди деганларидек, ишқилиб кечаги каби бир жангу жадалда ўлиб-не-тиб ёки ярадор бўлмоқдан тангрининг ўзи сақласин, – кабоб чайнаганча гапни оларди Умар меҳтарчи. – Биз ошимизни кўриб, билиб еймиз. Билмай еган ош ё қорин, ёки бош оғритар, оғайни. Орамизда бўлиб ўтган гап-сўзларни амир Луқмон Барлосга айтиб юрма. Мен ҳаётимда қулу етим ҳақини емадим. Қул ҳақини еган мусулмон эмас. Қулу етим ҳақини есанг, етти пуштингга касри уради.

Чопар Қўштамғали пешонаси терлаганча шеригининг гапини маъқуллаб, кабоб ерди.

Бардавил теграси ва Мурғоб воҳасини беш қўлдек билган амир Мизроб черикка тўппа-тўғри Мурғоб наҳри томон юришни буюрди. Мирзо Умар қай томон қочмасин, шу дарё ёқасига чиқишини биларди.

Бекнинг ҳисоби тўғри чиқди. Яраланган бошини юваётган мирзони амирнинг навқарлари кўриб қолишди.

– Мени кўйиб юборинг, амир. Усиз ҳам узоққа боролмайман. Амаким менинг қонимга ташна бўлиб турмагандирлар! – деди дарё бўйида узала тушиб ётган мирзо Умар аянчли овозда.

– Сиз зоти олийларини билмадим, қиблагоҳингиз ўрнидаги инсоннинг қонингизга ташна эмаслиқларини аниқ биламан. Шундай бўлганида эди, сизга Хуросону Мозандарон тахтини бериб қўймас эдилар, – жавоб қилди амир Мизроб.

Нурали ҚОБУЛ

– Мени худо қарғаб, Рай мулкидан кўчириб келтирганим, Абу Бакр мирзонинг уғруқида бўлган мўғуллар йўлдан урдилар.

– Ул отадушманлар сиз зоти олийларининг феъли атворингизда исёну бош кўтармоқ унсурларини кўриб туриб, бу ифвога журъат этганлар. Сизга ҳам шу далда ва баҳона керак бўлган. Ҳеч бир иддаю сабаб ила қилган жиноятингизни оқлаб бўлмайди, амирзодам.

– Сизни англамадим, амир жаноблари. Ақлим кирди-чиқди бўлиб турибди. Бу аҳволдаги яримжон кимсани қайга ҳам олиб борасиз? Амакимнинг ҳам менга кўзлари учиб турмагандир. Ҳарҳолда мени ҳам Султон Ҳусайн каби Ироқ дарвозаси ўнгида қатл этишга буюрмасалар керак! – ҳамон оёқ тираб, тутун қайтарарди амирзода.

– Сиз ила уруш ҳолатидамиз, амирзодам. Табиби-миз ярангизга боқади. Саваш қонун-қоидасига биноан оёғингизга кишанураммиз. Буюкбобонгиз вақиблағоҳингиз Умаршайх мирзо ҳурматларидан қўлингизга банд солмаймиз. Ўз отингизда кета билурсиз.

– Оёғимга кишан солмоқнинг хожати йўқ. Усиз ҳам қочадиган турумда эмасман, – овозини баландлатди Умар мирзо. – Нима, менга ишонмайсизми?

– Бардавилдан Мурғоб бўйигача қочиб келган сиздек одамнинг сўзларига ишонмасликка рухсат этинг, амирзодам. Мен ҳам подшоҳ амри фармонларига бўйсунувчи бир бекман. Нону насибамни тўраю тузукка амал қилиб, ҳалоллаб емоғим керак. Сизни асраб-авайлаб ҳоқонимиз зоти олийлари ҳузурларига етказмоқ мажбуриятидаман. Қисматингиз ҳақида не қарор берадилар, давлатпаноҳимизнинг ўзлари биладилар. Яхшиямки навкарларингиз бизга қарши жангга кирмадилар. Акс ҳолда айни дамда иккимиз бундай суҳбатлашиб ўтирмаган бўлур эрдик. Мен ҳеч қачон ўзимга берилган ваколат синиридан чиқмағайман.

– Отда юролмаётирман. Унда маҳоффа лозим бўлади, – деди амирзода сўник ва синиқ овозда.

– Бул амри рижойингизни бажармоқ кўлимдан келади. Ҳамон ҳозирлаймиз, – дея навкарларга маҳоффа тайёрлашни буюрди бек.

– Замон ва вазиятлар ўзгариши мумкин, амир. Сиз менинг оёғимга банд солиб, тутқун ўлароқ олиб кетиб хато қилмоқдасиз. Бир кун келиб бу ишингиздан пушаймон бўласиз! – деди амирзода икки навкар почасига кишан солиб бўлгач.

– Менинг ҳам битта бошим ва бола-чақам бор, амирзодам. Сизнинг оёғингизга кишан урмай қўйиб юборсам, бўйнимга бира тўла дор ҳалқаси тушишини яхши билурсиз. Шундай экан, баҳсу мунозара этмай, тезроқ султонимиз хузурига борайлик. Аввало, сизга сиҳат-саломатлик, жон омонлиги тилайман. Ярангиз битиб кетсин, илоҳим. Султон амакингиздан эса хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Ул зоти олий меҳри мурувват, раҳми шафқат бобида дарёдан сув бағишлаган ҳукмдордир!

Хоқони саид саропардаси Амрудак кенглигига тикилган кўшин Балх юришига ҳозирлик кўрарди.

Қоровуллар амир Мизробнинг амирзода Умарни банди қилиб келтирганлиги хабарини етказдилар.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним! Кечирилмас хато қилдим! – деди маҳоффадан аранг тушиб, хоқон оёғига йиқилган мирзо Умар йиғлаб.

– Хато бўлса майли эрди, жигарим! Аждодлар руҳига иснод келтиражак хиёнат у жиноят қилдингиз! Мен-ку кечирарман-а, бироқ тепамизда безовта юрган руҳу хотиралар кечирармикан? – деди хоқон вазмин ва ўксик оҳангда. – Бир мусибат минг насиҳатдан авлодир, жигарим. Насиҳатни ҳам меъёридан ортиқ қилган эдик.

Нурали ҚОБУЛ

Қисмату қадарингизни тегиштирган мусибатга ҳам дучор бўлдингиз. Бундин сўнг сизга не демоқни ҳам билмаймен.

– Салтанат душманлари мени сиз қиблагоҳим каби инсон олдида юзи қаро қилдилар. Афвингизу раҳми шафқатингизга сиғингайман!

Бу кутилмаган учрашувдан қалби ларзага келган султон Шохруҳ тахтидан туриб, тиз чўкканча ёлвораётган амирзоданинг олдига келди. Оқ бўз билан боғланган бошига қаради. Боғлам устидан қон сизарди.

– Жароҳатингиз оғирга ўхшайдир. Ҳамон табибу жарроҳларни чорлангиз. Амирзодага боқсинлар. Менинг тахтиравонимда бошкент Ҳирот дорушшифосига элтингиз, – амр этди хоқон.

Амакисидан бундай илиқ муносабатни кутмаган амирзода ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Тангри сиздан рози бўлсин, амакижон! Сиз зоти олийга не қадар хизмат қилиб оёғу элингизни ўлсам-да гуноҳим ювилмагай! Оллоҳ насиб этса, тузалиб кетсам, чодирингиз қопусида бекчилик қилмоққа-да розиман. Ҳеч бир унвону рутбага кўзим йўқдир! – зўрға тили айланарди Умар мирзонинг.

– Хаста шоҳ бўлгандан кўра соғлом гадой бўл дейдилар, авлодим. Ҳар неки гап-сўзни унутиб, сиҳатингизга боқинг. Биз тангрининг инояти билан ғурийлар ишини бартараф этиб қайтгач, бошкентда бафуржа кўнишурмиз. Ҳеч бир шубҳаю гумон, ташвишу таҳликага бормай, сиҳатингизга қовушинг, истироҳат этинг!

Мулозимлар амирзодани хоқон саропардасидан кўтариб олиб чиқдилар.

Эртаси куни эрталаб эса шоҳона тахтиравонда чалқанча ётган мирзо Умар қофиласи Ҳирот йўлига тушди.

Салтанат тулпори

Карвон Тўққизработ манзилига етган эди. Бошкентга бир манзил қолганди. Бошидан кўп қон оққан ва ҳушидан кетган амирзода ўзига келмади. Тўхтаб турган тахтиравон устида шаҳодат шаробини ичиб, жон таслим қилди.

Одамлар қулоғи-ю хотирасида ҳушидан кетмасдан бурун чеккан оҳу нолаеси, буюк бобоси руҳига қилган хиёнати учун ўзини кечира олмай қилган фарёди қолди.

Амирзода қўшу ўғруқининг увол-савоби топширилган амир Мизроб майитни Ҳиротга олиб жўнаркан, хоқони саид ҳузурига чопар юборди.

Чопар олий қароргоҳига етиб борганида султон Шохруҳ амир Нуширвон Барлос билан ғурийлар исёнини бостиришни муҳокама қилиб ўтирарди.

Саропардага отилиб кирган чопар ўлим хабарини етказди. Хоқон не қилмоқ керак дегандек Нуширвон Барлосга қаради.

– Имом Фахруддин Розий мазорига туташ қабристоннинг бир четида жаллодлар ва хоинлар қўйиндиси бордир. Султон Ҳусайнни ўша ерга дафн этишганди. Қилмишига кўра амирзода ҳам ўша мазорликка кўмилмоққа муносибдир, – одатдагидек фикрини очиқ сўйлади амир. – Яна зоти олийлари не амр берадилар, фармон хоқонимизнингдир.

– Султон Ҳусайнни ҳам бекор у ерга кўмишибди. Сўйланг, бирорта яқин ақрабоси хокини ота юртими, бошқа бир ергами олиб, қайта дафн этишсин. Мирзо Умарни эса имом Фахруддин Розий мазорига қўйсинлар! – буюрди хоқон. – Йигитга ўлим йўқ. Ўзини ўзи ўтга урмаса!

Чопар амирзода Умарнинг мотам маросими ва дафн этилишига боғлиқ таълимотни олиб изига қайтди.

Олий ўрду Ғур вилоятида турарди. Султон отасидан Хуросон ва Мозандарон ҳукмдорлигига янгидан ёрлик

Нурали ҚОБУЛ

олган мирзо Улуғбек хайрлашув учун қиблагоҳи саропардасига келди. Хоқон суюкли ўғлини бағрига босиб кўришди.

– Мозандарону Хуросон қавми ила ғоят эҳтиёт бўлиб кўнишинг. Улар кучу қудратингизни ҳис этиб турсаларгина тинч яшайдилар. Билхосса, ўзингиз, вазиру бекларингиз ҳеч кимга жабру зулм ўтказмасин. Бева-бечора, ғарибу ғурабога мудом шафқату ёрдам элини узатинг. Ғарбу шимолдаги кўшни амакиларингиз Умаршайх ва Мироншоҳ мирзо ўғилларидан эҳтиёт бўлинг. Душмандан бир, дўстандан минг ҳазар деганларидек, ўздан чиққан бало энг хавфлидир. Ҳар қандай вазиятда ҳеч ким ила савашга кирманг. Хавфу хатар юзага келиши билан менга хабар еткуринг. Тангрига беадад шукурки, мирзо Умар исёни хамирдан қил суғургандек осон ҳал бўлди. Сўғишу савашлар ҳар доим ҳам шундай тугамайди. Кўшин ҳар замон ва ҳар маконда жанговар ҳолда бўлмоғи лозим. Сиз эртагаёқ бошкент ўлароқ турганингиз Жомга бирор ноибингизни кўйиб, Тус сари йўлга чиқинг.

Қиблагоҳидан сўнгги таълимот ва маслаҳатни олган шаҳзода Улуғбек вазиру амирлари билан тасарруфидаги мамлакат сари юрди.

Пир Али Тоздан аввал ғалаёнчи ғурийлар масаласини ҳал этмоқ керак эди. Исёнчиларни бартараф этиш учун Бодғис яйловига келган Ҳирот кўшини ғаним лашкарининг кўплигини билиб жангга кирмай турди.

Бундан хабар топган хоқон амирлар Жаҳонмулк, Саййид Аҳмад тархон ва Фармоншайх черикларини кўмакка юборди.

Бирлашган кўшин қаршисидан чиққан исёнчини соғ кўймади. Қўзғалончилар бошчиси Муҳаммад Сипахбад йўлини қилиб қочиб қолди. Малик Солиҳ эса асир тушди. Уни кишанлаб, бошкент Ҳиротга олиб келдилар ва ибрат учун Майдон дарвозасида дорга осдилар.

– Кунлар исиб кетмасидан ул хоиннинг ишини битиришимиз керак, – деди ғурийлар исёнини бартараф этилиши ҳақида ҳукмдорга ҳисоб бериб ўтирган Нуширвон Барлос, – амирлик яктагининг барини қўйнига қистириб қўяркан.

– Маъқул десангиз, олтинчи ойнинг саккизида йўлга чиқсак. Суворийу сипоҳ шунга қадар ҳозир бўладими? – сўради хоқон.

– Лашкар аллақачон қасосга ҳозир. Мирзо Умар ва Ғурий қўзғолонлари ишнинг белига тепмаганида аллақачон ул шарафсизнинг кўзини ўйган бўлур эдик, – жавоб қилди амир.

Қайси йўл билан юрганимиз маъқул. Ҳарҳолда Бодғис яйлоғи орқали кетсак керак?

– Энг маъқул йўналиш шудир, давлатпаноҳим. Бодғис ўтлоғидан ўн беш-йигирма кунда ўтиб, Шайхзода Боязид лангарига етсак, ой охири ёки сафар ойи бошларида Андхудга етиб борамиз. Андхуд ҳам исёнчилар қўлида. Уни озод этишимиз бош қўзғолончига илк сабоқ бўлади ва биз билан ўйлаб савашга киради. Балки шундан сўнг кўч-кўронини йиғиштириб, қочоқлик куйини чалар, – ўз ҳисоб-китобини сўйлади бек.

– Унда сафарни бошладик. Булғомиший ва қоровуллар ишга киришсинлар. Чорпо черигимиз ҳам йўлга тушсин. Сўйлаганингиз каби Андхудни сотқинлар галасидан қутқаришимиз, Балх озодлигининг дебчаси бўлғай. Иншооллоҳ, бу ишни ҳам Бардавия зафари каби қону жон қайбисиз ҳал этажакмиз! – юришга амр берди подшоҳ.

Давлату иқбол-ла йўлга чиққан кўп сонли Ҳирот қўшини роппа-роса бир ойда, сафарнинг саккизида Андхудга етиб келди. Қаҳр отига минган темурий лашкарга тўхтамасдан хужумга ўтиш амри берилди. Исёнчилар

Нурали ҚОБУЛ

қаршилик кўрсатиб кўрсатмай шаҳарни тарк этарди. Бу тупроқлардаги калит шаҳар Андхуд исён хас-чўпидан халос бўлган эди.

Андхуд зафаридан руҳланган қўшин йўлда давом этди. Султон қисқа фурсатли истироҳат учун саропардасини Дука манзилига тикламоқни буюрган эди. Балх чегарасидан йўлга чиққан юзбоши Эсиргап Найман давлатпаноҳ пешини ўпмоқ ва тақдирланмоқ шарафига эришди.

– Одамларим ортда қолди. Мен зоти олийлари палосини ўпишга ошиқдим. Шарафсиз бош исёнчи Хатаб кўприги устида турибди. Қўшини кам эмас. Бироқ Ҳирот ўрдуси сиқувига дош бера олмайди. Бахту иқбол ила юрмоқда давом этмоқ керак. Унинг чериги бўри оралаган сурувдек тирақайлаб қочади, шарафли подшоҳим, – вазиятни англатарди юзбоши. – Валиаҳди шаҳид Пирмуҳаммад ва Дона Хожайи Қавчиннинг навкарлари ҳам сиз томон оқиб келаётган эмиш. Улар етиб келсалар турум янада ойдинлашур.

Икки намоз ораси фурсат кечди. Эсиргап Найман қайд этган суворийлар етиб келиб, асосий қўшинга қўшилди.

– Пир Али Тоз Хатаб кўпригидан ортга қайтди. Савашадиган кўринмайди. Жанг майдонидан юз ўгириб, қочоқлик биёбони сари юзланганга ўхшайдилар! – дея сўнг хабарни подшоҳга етказди ўзини амирзода Пирмуҳаммаднинг ёвари¹ дея танитган суворий.

– Фурсат ғанимат! Узоқлашмасидан ортидан етиб, жазосини бермоқ керак! – деди султон қаршисида ўтирган амиру вазирларига қараб. – Ҳамон йўлга отланмоқ лозим! Бу кўнуда амри фармон шундайдир. Амирзода Саййид Аҳмад, амирларимиз Ёдгоршоҳ, Нуширвон

¹Ёвар – адъютант, шотир.

Барлос, Ҳасан Сўфий, Чаҳоршанба ва Жаҳонмулқлар вақтни йўқотмасдан ҳозироқ яғийнинг изига тушсинларда, фитначиларнинг фаолиятига барҳам берсинлар!

– Элимизга тушса Пир Али Тозни ясоққа етказишга ижозат бергайларму, онҳазрат? – сўради Нуширвон Барлос қиличи сопини силаркан.

– Уни не тарзда жазоламоқ ўзларига ҳавола! – жавоб қилди подшоҳ.

– Менинг фикри ожизимча, тириклайин терисини шилиб, сомон тиқиб Балхнинг марказий майдонига осиб кўймоқ керак.

– Бунинг учун аввало, ул илоннинг ёғини ялагану дор тагидан тўққиз қочган сотқинни тутиш керак, амир жаноблари, – деди Пир Али Тоз кўшинидан арлот қавми лашкари билан ажралиб, хоқон ҳузурига қочиб келган Ёдгоршоҳ Арлот. – Уни енгиш мумкин. Бироқ қўлга тушадиган анойилардан эмас.

– Мунозаранинг мавриди эмас, беклар. Йўлга чиқайлик! – гапга кўшилди амир Жаҳонмулк.

Султоний саропардадан чиққан амирлар қай йўналишда яғийни таъқиб этишни ўзаро маслаҳатлашиб, отларига қамчи босдилар.

Амирлар Пир Али Тозни Дари манзилида қувиб етишди. Амир Жаҳонмулк ҳақ эди. Пир Али Тоз қўлга тушиш нари турсин, думини ҳам туттирмади. Бор-будини ташлаб, чаққон ва учқур бир неча суворий юзлиги билан Балх вилояти ҳудудини тарк этди. Унинг аскарлари хоқон қароргоҳига келиб, жон ва мол омонлиги тиладилар.

Оқтепа манзили олий ўрду қароргоҳига айланган, кўшин қўмондонлари ва тафтишчилар ўлжани лашкарга тарқатарди.

Амир Нуширвон Барлос талон-тарож бўлмасли-

Нурали ҚОБУЛ

ги учун қўлга тушган мол-мулкни олиб, хоқон ҳузурига қайтган, қолган амирлар ҳамон Пир Али Тозни таъқиб этишди.

– У кўзи қаттиқ ва нигоҳи ертешар кимса кутилмаган замону маконда пайдо бўлиб, мамлакатга таҳдид солиши, ўзининг қавму қабилаларини оёққа турғазини мумкин. Шу боис биз жидду жаҳд-ла киришганимиз Пир Али Тоз муаммосини юзда-юз ҳал қилмасак, Ҳиротга дўнмагаймиз, – деди беклари билан саропарда саҳнида суҳбатлашиб ўтирган хоқон. – Оқтепа ҳавоси қаймоқдай экан. Лашкар ҳам яйрамоқда. Қўшин бир муддат шу ерда истироҳат этиб, кам-кўстини тўғриласин.

– Давлатпаноҳ сўйлаганлари каби Пир Али Тоз бир ўзи эмас. Унинг иттифоқчилари ҳам анчагина. Сиз зоти олийлари Балхда туриб, салтанат жиловини маҳкам тутмоқда давом этинг. Биз яғий таъқибда муқим турайлик, – дея яна йўлга отланди амир Нуширвон Барлос. – Оқажак қон томирда турмас! Биз унинг ишини битирмай туриб, ҳузурингизга қайтмагаймиз, султоним!

– Тангри юзингизу йўлингизни оқ этсун!

– Омин! – деди амир Барлос таъзим бажо этиб чеки-наркан.

Балх аҳолиси султон соҳибқирон фарзанди, хоқони саид Шохруҳмирзони шоду хуррамлик билан қаршилади. Уламою киром, саййиду ойдинлар подшоҳни нону туз ила шаҳар ташқарисига чиқиб қарши олди.

Буларнинг бир қисмини тимурийларга хайрихоҳ дея Пир Али Тоз зиндонга ташлаган бўлиб, шоир Матлаб Машрабий ҳам қаршиловчилар орасида эди.

Машрабий халойиқ олдига чиқиб, зиндонда битган битигини ўқияроқ подшоҳни қаршилади.

Адолат шамоллари,
Апал абад эсдилар.

Хоқон саид йўлини,
Нобакорлар кесдилар.

Болоқдаги бурга, бит,
Тулпор йўлин тўсдилар.
Тентакларга тел бериб,
Арпа бўйи ўсдилар.

Яхшига йўл бермайин,
Кеча-кундуз қусдилар.
Ҳақиқатнинг ўнгида,
Кўру кардек сусдилар.

Элдан юлиб еганни,
Оқибатда қус¹дилар.
Золим кулгуси – йиғи,
Тантанаси – яс²дилар.

Хоқоннинг илк иши валиаҳд Пирмуҳаммад қатл этилган Балх саройини кўздан кечириш бўлди. Сарой масжидида Қуръон тиловат қилди. Валиаҳди шаҳиднинг ҳарами, болапарига меҳр-мурувват кўрсатди.

Ёнида олиб юрган валиаҳднинг ўғли Қайду мирзога оталарча насиҳатлар қилди.

– Ҳар бир фатҳу зафар, ютуғу муваффақият хайрли ишларга васила бўлганидек, мусибату фожиалар ҳам буюк бир сабоқдир, авлодим. Келажакни, йўлнинг сўнгини ҳис эта олмаган ва кўра билмаган одам хатоларни такрорлайверади. Янглишларни такрор этмоқ эса бир тушган чоҳга яна қайтиб тушмоқ демақдир. Балх вилояти қиблагоҳингизга буюк отамиз, султон соҳибқирон ҳазрати олийлари томонидан суюрғоғ ўлароқ берилган.

¹Қусмоқ – ҳақорат этмоқ.

²Яс – мотам демак.

Нурали ҚОБУЛ

Бироз ёш эрсангиз-да бул мамлакатни сизнинг илгингизга топширурмиз. Бироқ ўн бир, кичик ёш эмасдир. Мамлакат қўлингизда қарор топгунга қадар сизга амир Жаҳонмулк Барлос бир муддат оталиқ этадилар. Сизга маълум бўлганидек, бизга қарши бош кўтарган мирзо Умар ҳам жангда бошидан яраланиб, жароҳат оқибатида вафот этди. Ундан олдин қиблагоҳингиз исёнчилар қўлида қурбон бўлди. Бизга қарши қилич кўтарган Султон Хусайннинг қатлидан хабарингиз бор. Буюк бобонгиз вафотларидан икки йил ўтиб-ўтмай уч етишган темурийзода ҳалок бўлди. Бу даҳшатли фалокатлардан хулоса чиқармас эканмиз, аянчли қисматнинг қайралган қиличи бошимиз узра осиглиқ тураверади. Ким бўлмасин, исён ва хоинлик остонасидан оёғини узмас экан, эртами кеч бу қилич бошига тушади. Сизга бу панду насиҳатларни менадан ўзга кимса сўйламас. Унутмангким, дўстан душман кўп. Туркнинг турқдан бошқа дўсти йўқ деганларидек, ҳокимият тепасида турганларнинг, бунинг устига бир сулола узоқ муддат салтанат сурса, буни барча бирдек ҳазм эта олмайди. Қадамингизни шунга кўра босинг ва хато қилмоқдан узоқ юриб, янглишмоқ имкониятини яғийларга қолдиринг! Бош фарзанд сифатида қолган олти инингизга бош-қош бўлинг. Етишгач, уларга ҳам тегишли вилоятларни берурмиз.

– Насиҳатларингизни ҳарфиян ерига келтирмоқ жаддида бўлурман, бобожон! Зоти олийларининг маслаҳату тавсияларисиз бир тош иккинчи бир ерга олиб қўйилмагай, – жавоб қилди бошига тушган мусибатдан бирдан улғайиб, жиддий тортиб қолган амирзода Қайду. – Улуғ бобомиз ўрнида бобо, отамиз ўрнида отадурсиз, – йиғламсираб, тутилиб сўзларди мирзо.

Воқеа ва ҳодисаларнинг қайноқ жойидан мужда йўллаб тургувчи Эсиргал Найманнинг суворийси от қўйганча Балх саройи ҳовлисига етиб келди.

Шиқовул уни оёғининг чанги билан хоқон ҳузурига элтди.

– Пир Али Тоз Яккаўланчда валиаҳд саропардасини тикиб, барчага майдон ўқиб ўтирибди! – дея сўн ҳаводисни сўйлади чопар.

– Амирларимиз уни вилоят ҳудудидан чиқариб келдик дегандилар, – ҳайрон бўлди подшоҳ.

– Кундузи яшириниб, кечаси юриб, Яккаўланчга етиб келибди! Унга ваъда берган иттифоқчиларни беклаётган эмиш!

Хоқон қаршисида ўтирган тўрт амир: Мизроб, Тукал Барлос, Шайх Луқмон Барлос ва Алибек баковулга қаради.

– Бировлар қўли билан осонроқ тикан юлишни мўлжаллаётган шўртумшуқнинг ишини битиришни сизларга топширгаймиз! Мулки давлатни ўшал шарафсиз муаммосидин халос этмай, ҳузуримга қайтманг! – овозини баландлатди подшоҳ. – Биз Бошкентга қайтамыз! Сиз вазифангизни бажариб, ортимиздан боражаксиз!

Пир Али Тоз осонликча жон берадиганлардан эмас эди. Амир соҳибқироннинг ҳам ҳурмату эътиборига сазовор бўлган, ҳазора, тозик ва пуштун қавмлари дастагини олган тажрибали амир сўнги, ҳал қилувчи ҳамлага ўтганди.

Тўрт теурий амир от қўйганча Яккаўланга етиб келдилар. Жанг бошланиб кетди. Қўли устун келмаслигини англаган Пир Али Тоз яна оти жоловини жанг майдонидан тортди. Амир Алибек баковул шаҳид тушди.

Пир Али Тоз Ҳиндикуш тоғини ошиб, кимсанинг оёғи етмас ҳудудлар томон қочди. Амирлар унинг қайтиб келмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ортга қайтдилар.

Хоқон Шибурғонда экан, Халил Султон ҳузурига кетган амир Фармоншайх малика Бегикони олиб қайтди. У

Нурали ҚОБУЛ

билан бирга мирзо Халил Султоннинг амири Қаноширин ҳам келган эди.

Подшоҳона совға-саломлар, тўққиз-тўққиз тортиқлар ва овчи қушлар олиб келган Самарқанд элчиларининг ташрифи байрамга айланди. Уларни қўй сўйиб, қўл бузиб қарши олдилар.

Ҳофизлар султон соҳибқирон суйган айтувларни юксак пардаларда айтишарди:

Мулки давлатинг буюргай,
Агар қалбингда султонлик.
Шаҳаншоҳлик терса дўнар,
Асли касбингким ўлтонлик.

Улус кўзин беркитирсан,
Уфқлар бўлгай туманлик.
Киши қиймати бир хуруш,
Меҳрим сари сомонлик.

Элат элатгадир яғий,
Ҳар ишда бўлса гумонлик.
Такаббур тўрни танг айлаб,
Мунофиқ ўтса имомлик.

Ҳукм одил ўлмас мудом,
Адли адолат ҳамонлик.
Келмоқ борки кетмоқ аниқ,
Ҳаёт эмаски чаманлик.

Парча экмакка сабр қил,
Жонингга берса омонлик.
Ноҳақ тўҳмат бевақт ўтмоқ,
Айри тушсин-ей, ёмонлик.

Эрк, адолат чечак очгай,
Миллатга йўлчи имонлик.
Очун оёқдадур абад,
Яшар инсону инсонлик

Жанубий Туркистон, бутун Хуросонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилган, боғбон боғи, деҳқон даласи, чўпон-чўлиқ суруви билан андармон, ҳар ким ўз кунини кунларди.

Толели, толесиз кечаларнинг алдоқчи тонглари отар, ёзнинг оловранг қуёши ботар, умр елдек ўтар эди...

Туннинг энг қоронғи они тонг шафағига яқин дамлардир...

УЧИНЧИ БОБ

*Ярим дўстлик – ярим хоинликдир.
Тошоҳур битигидан*

*Султон таниган ит суяксиз қолмас.
Ота сўзи*

Доруссалтанат Ҳирот одатий сокин кунларини кечирар, хоқон Шоҳруҳ салтанат ишларига астойдил киришган, кечалари эса китоб ўқир, тоат-ибодат ила машғул бўларди.

Ёш подшоҳнинг падари бузруквори каби бу қадар дину диёнатга боғлиқлиги, ихлосу эътиқод-ла ибодат қилиши сарой аҳли ва лашкарнинг руҳиятига таъсир этарди. Мулозиму қўмондонлар унга нафақат бир султон, шайхулислому мўътабар имом каби муносабатда бўлишарди.

Нурали ҚОБУЛ

Ҳузурига амир Шайх Луқмон Барлосни чорлаган подшоҳ ундан мамлакат сарҳадларидан олинган хабарлар тафсилотини сўраб-суриштирди.

– Бугун кечга қолмай саодатли амирзодамиз Хуросон ва Мозандарон малиги мирзо Улуғбекнинг хос навқари етиб келажаги хабарини олдик, султоним. Шунингдек, Астробод қалъасининг қутволи Шамсуддин Али Жамшид Қораннинг чопари ҳам Туркман ёмига етиб келибди. Бирор-бир муаммо туғилганга ўхшайдир. Иншооллоҳ, яратган тангри ҳар галгидек мушқулимизни осон этар. Қасд қилганлар сўзсиз паст бўлажақдир.

– Икки чопар бирга келаётган эмишларми ёки айри-айрими? – сўради султон.

– Янглишмасам, иккиси ҳам ўз-ўзича бир хабарни олиб келмоқда.

– Амирзода Улуғбек Астрободда. Отабеги Шоҳмалик Машҳадда. Бирор муаммо туғилгудек бўлса, мирзо-миз қийналиб қолмасмикан? – юзида ташвиш аломати зоҳир эди отанинг.

– Амирзодамиз тўғри ва тез қарор бера билмоқ қобилиятига эга бир ҳокимдир, давлатпаноҳ. Қолаверса, ёнларидаги амирлари ҳам тажрибали, тиш қоққан баҳодиру қўмондонлар. Ташвиш чекмоғингизга лузум йўқдир, султоним, – бошини соллаганча қўл қовуштириб подшоҳга таскин бермоққа уринарди амир Луқмон Барлос.

– Устоз амир Шоҳмаликни шогирдидан бир оз эрта айирдикми, дейман? Мирзомизда ҳукмдорлик салоҳиятидан кўра илмга бўлган қобилият устунроққа ўхшайди. Буни раҳматли қиблагоҳ ҳам сўйлаган эрдилар. Мулки давлат бошқарувида самимияту кўнгилчанлик панд беради. Одамлар ҳар доим ҳам сизнинг бу туйғуларингизни тўғри англайвермайдилар.

– Ҳақсиз, хоқоним. Амр этинг. Ёнимга бир неча бекларимизни олиб амирзодамиз ҳузурларига отланайлик. Неки муаммо бўлса, бориб ҳал этажамиз.

– Чопар етиб келсин. Шунга қараб қарор берурмиз...

Хоқон сўзини тугатар-тугатмас остонада пайдо бўлган ясовул Астрободдан, Мирзо Улуғбекнинг хос навқари Қиёмиддин Қарлуқ етиб келганлигини маълум қилди.

Султон кирсин дегандек бош ирғади.

– Мулки Хуросон, давлати Мозандарон ёвари подшоҳ мирзо Улуғбек ҳазрати олийларининг хос навқари Қиёмиддин Қарлуқдирман. Палосларини, ўпароқ арз этамен! – деди тобуғ расмини бажо келтирган навқар тиз чўкканча.

– Хуш келдингиз, чопар Қарлуқбек. Юзингиз менга танишдек кўринадир. Биз қай бир манзилда учрашган кўринамиз? – дея япалоқ бурун, кенг пешонали, буғдойранг навқарга тикилиб қолди хоқон.

– Султонимиз зоти олийлари илтифотларига Халабда сазовор бўлган эдим. У пайтда манзиллари нурга тўлгур улуғ хоқон ҳазрати олийлари ҳаёт эдилар. Бирга биз Туркистон томон ҳайдаб келаётган халаб эчкилари сурувини кўрмоққа борган эдингиз...

– Ҳа, ҳа, эсладим. Сарикечи йўрук уруғиданман дегандингиз ўшанда, – хотирлади подшоҳ.

– Шундайдир, султоним. Сарикечи аймағидан бўлганим учун султон соҳибқирон ҳазратлари халаб эчкилари боқими ва уни Туркистонга элтишни менга юклагандилар.

– Эсладим. Эсладим. Ўша сурув қайда қолди? Яхши эслатдингиз?

– Амирзода Улуғбек ҳазратларининг таълимотларига кўра икки масала бўйича ҳузурларига келдим. Иккинчи масала айнан мана шу халаб эчкиси суруви хусусидадир. Астрободга етганимизда улуғ хоқон

Нурали ҚОБУЛ

ҳазратларининг қайтганлари хабарини туйдик. Сурув ҳақида амир Сулаймоншоҳга хабар бердик. Ул зоти олийдан Самарқанд сари юрмай, шу атрофда сурувни ёйиб турмоқ амрини олдик. Ниҳоят Хуросонда эмну омонлик қарор топгач, бир амаллаб Улуғбек мирзонинг палосларини ўпишга мушарраф бўлиб, турумни англатдим. Ул зоти олий бизга рағбат кўрсатиб, кўмак этдилар ва сурув хусусида падари бузрукворлари не десалар шунга амал қилажакларини сўйладилар.

– Бу эчки сурувининг тарихи қизиқ, – деди подшоҳ амир Луқмон Барлосга қараб. – Халаб эчкиларини амир Ҳожи Сайфиддин топган эканлар. Бул жониворлар жазирама иссиқ ва сувсизликка чидамли бўлиб, ўнтадан саккизтаси эгиз туғар экан. Билишимча, бизнинг жайдари эчкиларимизнинг юзда йигирмаси эгиз туғади. Қиблагоҳ бу жониворларни кўрмоқни ихтиёр этдилар. Мени ҳам ёнларига олдилар. Ҳақиқатан ҳам ғоят наслдор, ўзига хос бир жонивор экан бу халаб эчкилари. Падари бузруквор беш юз эчкини танлаб, Туркистон тизмалари этагига ҳайдаб бормоқ амрини бердилар. Бош вазир Ҳожи Сайфиддин бу ишни қаршимизда турган биродаримиз зиммасига юкладилар. Шундайми? – ҳамон навқарга қизиқсиниб боқарди хоқон.

– Айнан сўйладингиз, давлатпаноҳ! Биз Халабдан беш юз чоғли жониворни ҳайдаб йўлга тушган эдик. Уч йилда жонивор икки мингдан ошиб кетди. Чўпончўлиқ ва емак-ичмак масрафи учун уч юз эчкини сотдик. Сўйиб едик ва амир Сулаймоншоҳга олти юзта эчки ва қирқилмаган улоқ бердик. Ул зоти олий ҳар куни битта қирқилмаган улоқ ер эдилар. Амирзодамиз Хуросону Мозандарон мулкини қўлга олгач, бу масрафлардан қутулдик. Айни дамда амирзодамиз тавсиялари билан фармонингизни беклағаймиз, – дея таъзим-ла ҳисобот берди Қиёмиддин Қарлуқ.

– Англашилди. Астрободга дўнғач, сурувни Ҳирот томон ҳайдаб келинг. Бир кўрайлик. Раҳматли Жоку Барлос тағойимиз эчки ҳақида бир нақлни кўп такрорлардилар, – дея кулиб Лукмон Барлосга қаради хоқон. – Сиз ҳам айтиб юрардингиз-а?

– Ҳа, эсладим, онҳазрат. Эл орасида шафтолидан боғ қилма, эчкидан мол қилма деган гап юради. Одатда шафтоли тез қариб, қурийди. Эчкининг эса капалак деган юқумли бир ўлат қасаллиги борки, биттасига дориса тамом. Бутун бошли сурув қирилиб кетади. Бу отасўзи шундан келиб чиққан, султоним. Эчки юзга борса ҳам кузга бормас. Эчки юзга етганда, териси мингга етади. Эси кетган эчки йиғар, эчки билан эсин йиғар деган гаплар ҳам борки, бу йилларнинг тажрибасидир.

– Бу гапларда жон бор, подшоҳим. Бироқ шундай қиррали қоялар ва жазирама даштлар борки, у ерларда эчкидан бошқа ҳайвонни боқиб бўлмайти. Тик чўққи тоғларда эчкидан бошқа мол юролмайти. Қолаверса, эчкининг этиям, сутиям даво, – изоҳ берди Қиёмиддин Қарлуқ. – Боғнинг боғлиги боғбонга боғлиқ деганларидек, уста чўпон ишини билади. Билмаган эчки нари турсин, тўртта кўю бир сигирни ҳам эплай олмайти.

– Энди амирзодамиз вазифа юклаб йўлчи этган биринчи масала хусусида билги бера билурсиз, – асосий кўнишмага ўтди хоқон.

– Мен ила баробар Астробод қутволи Жамшид Қораннинг чопари ҳам палосингизни ўпиш шарафига ноил бўлди, давлатпаноҳ. Йўлда оддан учиб кетиб ярадор бўлганлиги боис, Туркман ёмида қолди. Зотан, сўйлаяжак сўзимиз бирдир. Пир подшоҳ, жониқурбоний туркманлари ва тукалий аймақларини йиғиб, қурол-яроғ бериб, Мозандарон сари юзланган. Айни дамда Астробод қалъасини қамал қилиб турибди. Шунингдек,

Нурали ҚОБУЛ

ҳазрат Соҳибқирон Хуросон ва унга ёндош ўлкалардан кўчириб Туркистонга ерлаштирган ҳазоралар ҳам уларга кўшилган. Самарқанддан, ҳокимият бўшлигидан фойдаланган катта бир тўда ироқлик исёнчилар орасида. Улар Хоразмга етиб келиб, Пир подшоҳни тахтга ўтқазиб, байъат келтиришган. Пир подшоҳ қўл остида боши кўшилган исёнчиларнинг катта гуруҳи Астрободни мусохара этмоқ учун йўлга чиқибди.

– Хоразмга юзланган ҳазораларнинг биздаги ҳазораларга алоқалари борми? – амир Шайх Луқмон Барлосга қаради султон. – Янглишмасам, энг буюк хоин ва қотил Пир Али Тоз ҳам ҳазорадир.

– Айнан шундайдир, онҳазрат. Туркистон ҳудудларида уларни минглар дейишади. Хуросону Эрон мамлакатларида ҳазора атайдилар. Булар бизга отадушман бўлиб, ўша буюк қоон Чингизхон тартиб берган минг-минглик оилалар бирлашмаларининг бугунга етиб келган авлодларидир.

– Отадушман дўст ўлмас, отадўст душман ўлмас деган сўзни ҳазрати қиблагоҳ кўп такрорлар эдилар. Киши ҳар бир ҳаёт ҳақиқатини кўриб, хоинлигу хиёнат заҳматини чекмагунча оталарнинг асл ибратли сўзларини тўла-тўкис анлаб етмас экан, – ўйга толган эди хоқон.

– Ҳазрат соҳибқирон қайтишларини нафақат отадушманлар, ўзаги ўзимиздан чиққан жон-жигарларимиз ҳам фурсат билдилар, султоним. Ўздан чиққан балога, қайга борай давога деб турганимизда, етти ёт бегоналардан домангир бўлмакка-да хожат қолмаганга ўхшайдир.

– Ҳақсиз, амир жаноблари. Хоразмдан амир Мусоко қочиб келганлиги воқеаси ўзларига маълумдир. Ул юртда юз берган воқеалар тафсилотини аскарӣй бош қозимиз Жалопиддин Исҳоқ Самарқандӣй жаноблари

жуда яхши биладилар. Ижозат этсангиз, хузурингизга чорласам! Девонхонада турган эдилар.

– Ҳамон даъват этинг! – буюрди хоқон.

Султон хузурига кибор ва хушсурат юзли қози Самарқандий кириб, таъзим-ла бош эгди.

– Хизматлари бошимиз ўстигадир. Амри фармон хоқонимизнингдир! – дея тисланди қози.

– Амир жаноблари ила Хоразмда кейинги пайтда юз берган воқеалар тафсилотини муҳокама этаётган эдик. Сиз муҳтарам қози жаноблари амир Мусоко яна Хоразм томон қочаётганда қўлга олиниб, Ҳиротга келтирилгач, ярғулаб, чўби ясоққа тортгандингиз. Сўнгра биз унинг гуноҳларини афв этгандик. Айни дамда Пир подшоҳ қўл остида бирлашган исёнчилар Астробод қалъасига етиб келибдур. Салтанатимизга мудом муаммо туғдириб келган Хоразм ҳудудидаги сўнгги воқеалар баёнини сўйлай билурмисиз? Шунга қараб бугун-эрта йўлга чиқмоққа тўғри келадур, – дея қозининг кўзига боқди подшоҳ.

– Бир оғиз лутфлари, онҳазрат. Бул ҳақда элимизда ёзувли билгилар борким, ул ҳудуддаги вазият кундай равшандир. Зоти олийларига маълумким, амирзода Халил Султон Мовароуннаҳру Туркистон тахтига соҳиб чиққач, Румдан келтирилган қора турклар жам бўлишиб, Хоразм йўлини тутадилар ва бошкент атрофини ғорат қилиб, у ердаги жониқурбоний, ҳазора ва тукалий ғалаёнчилар билан бирлашадилар. Хоразм ҳокимиятининг Пир подшоҳ элига кечишига кўмак этсалар-да, уларнинг асл мақсади ота юртлари, эски хуш-хурсанд, бой-бадавлат яшаган Сивос яйлаларига қайтмоқ бўлади.

– Ахир, улар султон Йилдирим Боязидга хиёнат этиб, Турон ўрдуси томонга ўтганлар. Қандай қилиб Йилдирим Боязид авлодлари уларни яна қабул этишлари мумкин? – қози сўзини бўлди подшоҳ.

Нурали ҚОБУЛ

– Таълимотингиз билан улар ила илк олиб борилган муросаю мадора музокараларида қатнашган эдим. Султон соҳибқирон замоналарида амирлик мақомига эришган Қўноқбей каби ғоят тадбирли ўтоғалари бордир. Рум туркларини улуғ хоқон ҳазратлари хизматига кирмоққа кўндирган ҳам ана шу Қўноқбейдир. Улар Турон ўрдуси тарафига ўтмаса-да, биз ғалаба қозонардик. Султони ғозий таъкидлаганларидек, енгмоқдан бошқа йўл йўқ эди. Сиз жўнатган элчилар амир Қўноқбей ила кўнишдилар. Ватан одатда бир хато иккинчи бир янглишликни туғдиради. Биз илиқ, иссиқ манзилимизни тарк этиб, Туркистон даштлари сари отланмоқ мажбуриятида қолдикким, бу султон Йилдирим Боязиднинг туз ҳақиға қилган хиёнатимизнинг жазосидир дея таъкидлашди.

– Қандай қилиб Рум қайсари ўғиллари оталарига хиёнат этган қавмнинг ўз юртига қайтмоғига рози бўлади? Бир сотган қайта сотар деган гап бор-ку, ахир? – хайрон бўлиб сўради султон.

– Усмонли мамлакатада беш шахзоданинг ота тожтахти учун қонли, қирпичоқ саваши бошланган. Ит бўлсин, қуш бўлсин, така бўлсин, сут берсин. Уларнинг ҳар бирига сўзига қулоқ солажак халқ, итоат этажак лашкар керак. Сивос ҳудудларида салтанат иштиёқида от суриб юрган усмонли шахзодаларининг ҳеч бири уларнинг кўкрагидан итармайди.

– Демак, улар бизга ихтиёрий хизмат этмас эканлар, мажбурий равишда ушлаб турмоқдан фойда йўқ эканда? Гапингиздан шундай маъно чиқадими?

– Шундайдир, давлатпаноҳ. Уларнинг ҳам от-улови, йўлда еб-ичажаги бор, ўзига тўқроқлари хизматқору қулларини олиб аллақачон манзилларига етиб борганлар. Тепаси ўйиқ бева-бечора, қора халққа эса қорни тўйиб, куни ўтса бас. Шу ер унга ватандир. Сивос яйла-

сида яшадими, Туркистон тизмалари этагида яшадими, фарқ этмас. Султон соҳибқирон ҳазратларининг суюкли амирлари Боботурк уларнинг бир қисмини Шоҳруҳия атрофи, Ойқор тоғи этаклари ва Сирдарё бўйларига ерлаштирган дея туйганимиз бор. Амир Мусоко қора турклар билан қонли жангга киришади. Бироқ енгилади. Амир Мусоко қора турклару жоникурбонийлар, ироқликлару тукалийларга қарши кураша билар эди. Бироқ бу машамадан фойдаланиб, Хоразмга эга чиқмоқни истаган Дашти Қипчоқ хони Шодихон амир ул-умароси Идику Манғитни Хоразм сари йўллайди. Олтин ўрда бош вазири ва амирлашқарига қарши тура олмаслигига кўзи етган Мусокобек дастлаб Мовароуннаҳр, сўнгра Ҳирот йўлини тутати. Идику Манғит Хоразмни бир ой муддатда тасарруфига киритиб, амир Анкони ҳоким этиб қолдиради ва Дашти Қипчоққа қайтади.

– Амир Анкони Хоразмдан Пир подшоҳ суриб чиқардимиз ёки Халил Султон хизматидан бош тортиб, Хоразм томон қочган ироқликларми? – қози сўзини бўлиб сўради султон.

– Ҳижрий саккиз юз саккизинчи йил, биринчи шаввол, ийди рамазон куни Халил Султон нисор этган олтин кумуш, мол-мулкларни оту туяларга ортган ироқлик араблар Мозандаронда, сиз давлатпаноҳ зоти олийлари ила тўқнашувдан бош тортиб, Хоразм томон қочган Пир подшоҳ ибн Лукмон подшоҳ ибн Тағой Темурхонни подшоҳликка кўтарадилар. Бироқ Идику Манғитдан кўрқиб, Хоразмда турмоққа юраклари дов бермайди ва Мозандарон сари йўлга тушадилар.

– Демак, айни дамда Хоразмда амир Анко ҳокимияти барқарор. Шундайми? – сўради хоқон.

– Шундайдир, онҳазрат!

Подшоҳ маъноли бош ирғаганча сукутга чўмди.

Нурали ҚОБУЛ

– Биздан този қувган тулкидек қочган Пир подшоҳ саккиз нафар хоинга ишониб, яна исён байроғини кўтарган экан-да?

– Айнан шундайдир, давлатпаноҳ!

– Унда фурсат қайб этмасдан сафарга отланмоғимиз керак, амир жаноблари, – деди хоқон Луқмон Барлосга ўйчан оҳангда.

Шу пайт кўринишхона эшиги очилиб, ишорат-ла бош вазир Жаҳонмулк кирмоққа изн сўради. Хоқон бошини ирғади.

Амир ул-умаро виқор-ла ўз жойига келиб ўтирди.

– Бек жаноблари ила Сеистон ва Гармсер сафарини муҳокама этаётган эрдик. Хабарингиз бор. Таъқибимиздан қочган Пир подшоҳ Хоразмдан лашкар тўллаб келиб, энди Мозандаронни қориштирмоқчи эмиш. Шунинг чора-тадбирини кўрмоқ керак.

– Амр этинг, улуғ хоқони саидим! Ул бадкирдорнинг таъзирини кўшинга бош бўлиб бориб, ўзим берайин! Баҳор ҳам охирлаб, кунлар исий бошлади. Сиз салтанат пойтахтида ҳузур-ла ўтиринг! – гаплари дадил эди юзидан фуҳушга муккасидан кетганлиги сезилиб турадиган, келишган, кўз косаси сиртига битган, оққуводан келган бош вазирнинг.

– Ҳарҳолда сизларни ҳаёт-мамот савашига жўнатиб пойтахтда сокин ўтира олмасам керак, – деди подшоҳ амир ул-умаронинг кутилмаган таклифидан таажужланиб.

– Зоти олийлари йўғрулмасин дейман-да, улуғ султоним! Керак бўлса, биз танамизни онҳазрат учун сипару қалқон қилмоққа ҳозирмиз! Ул муртад Пир подшоҳ ва авлодларини бешиқдаги боласига қадар бурдалаб ташлаймиз! Султон соҳибқирон юрти Туркистонда галаён кўтарганлиги етмагандек, энди келиб Мозанда-

рону Хуросонни қориштирмоқчи эмиш! Уруғини ўйната-
миз ул зоти пастнинг!

– Қўшинга ўзим қўмондонлик қиламан! Черигингиз билан сафар ҳозирлигини кўринг! – буюрди подшоҳ амир ул-умаронинг байталини қамчилаганидан энсаси қотиб.
– Бошкентда амирзода Иброҳим Султон қолади. Амир Намадакни мирзомизга ёрдамчи ўлароқ тайин этамиз.

– Давлатпаноҳимиз не дёсалар, биз учун қомус ка-
бидир. Амир Намадакнинг ўрнига мен ҳам қолишим мумкин, – кўзларини подшоҳ нигоҳидан олиб қочди Жаҳонмулк.

– Ҳиротда сиз қолмайсиз! – деди хоқон суҳбатимиз тугади дегандек тахтдан кўзгалар экан.

Ҳирот ўрдуси жадал юриб, Қусавия қасабасига етган эди.

Ҳар бир лашкар айри-айри йўллардан юриши ҳақида фармони олий амиру қўмондонларга етказилди.

Султон Шоҳруҳнинг хос қўшини Жом ва Машҳад, амир Ҳасан Жондор, амир Ферузшоҳ, амир Шайх Али Ҳанак ва амир Ажабшерлар Зова ҳамда Муҳаввалот йўлига тушдилар.

Хумоюн байроқ Машҳади муқаддаснинг Турк мавзеси-
га етган эди. Хоқон ташрифини интиқлик ила беклаётган амир Шоҳмалик кўзда ёш ила олий ўрдуни қаршилади.

Машҳадда имом Ризонинг сўнг маконини зиёрат қилган ва Райгон томон юрган хоқон арзига хуросонликлар Пир подшоҳ қўшини тарк этганлиги хабари етди.

Хўжаён қасабасида амирзода Улуғбек қиблагоҳи дийдорига етишди. Тўю тантанага айланган учрашув пешкаш-тортиқлар тақдим қилиш расм-русумига ула-
ниб, халку лашкарга ош-сув берилди.

Амир Шоҳмалик ва амирзода Улуғбек ила саропар-
дада дийдорлашиб ўтирган хоқоннинг руҳи тетик, куч-

Нурали ҚОБУЛ

қудрат, журъату шижоат балқиб турган нигоҳи ёнарди. Даврада салтанат муҳрдори Фосих Аҳмад Ҳавофий ҳам ҳозир эди.

– Пир подшоҳ ҳам хоиндош дўсти Пир Али Тоз каби юмронқозиқу товшон инини кўзлаб қочса керак, онҳазрат! Иншооллоҳ, бирорта навкаримизнинг бир тола сочи тўкилмай бу иш ҳал бўлажак! – деди тажрибали амир Шоҳмалик ишончли оҳангда.

– Оллоҳ шу кунга қадар мушкулимизни осон этиб, ҳар қандай исёну сотқинлик ила боғлиқ муаммоларни қону жонсиз ҳал этмакда ёрдамчимиз ўлмоқдадир. Иншооллоҳ, насиб этса бу сафар ҳам яратганнинг шафқату шафоатидан умидвормиз! – жавоб қилди хоқон.

Султон Шоҳруҳ энг яқин кишилари ва муҳрдори билан хос муаммоларни муҳокама этиб ўтираркан, яна чорламаса-да, амир ул-умаро Жаҳонмулк саропардага кириб келди.

– Олам аҳли подшоҳи, мулки давлат ёвари, соҳибқирони замон султони Шоҳруҳ ҳазрати олийлари узарларинда ҳар доим Оллоҳнинг саломи, марҳамату баракоти бўлсин! – деди у икки кўлини кўтариб, кўкка боққанча дуо этиб, подшоҳни олқишлар экан.

Бу бекланмаган ташриф ва ҳамду санодан ҳайрон бўлган суҳбатдошлар гапдан тўхтаб, бир-бирларига қараб қолдилар.

– Ким бўлмасин бир кишини мақтаб кўкларга кўтармоқда ғоят эҳтиёт бўлмоғимиз, диққат-ла давранмоғимиз керакдир, амир ул-умаро жаноблари. Ҳазрати пайғамбаримиз бизга “ўзини улусга мақтатиб, ҳамду сано қилмоққа мажбур этган киши дўзахнинг энг тубидан ўзига жой ҳозирлайди” дея таълим берадилар. Ҳамду сано фақат юксак тангрига хос ва унинг учундир.

Биз эса унинг гуноҳкор қулларимиз. Қулга эса қул бўлинмас. Унинг олдида ким бўлмайлик, тенгмиз! – деди султон бош вазирнинг яна ўтламаслиги учун.

– Биз ҳам гуноҳу нуқсонлардин холи эрмасмиз, онҳазрат. Сўзимизда қусур бўлса, бир қошиқ қонимиздан кечгайсиз. Бенуқсон парвардигор, – тилидан тоймасди амир Жаҳонмулк.

– Жойингизга ўтиринг ва машваратимизда иштирок этинг. Ёки бирор зарур ҳаводис ила келдингизми? – унинг изнсиз кириб келганига писанда қилди ҳукмдор.

Бошкентда ҳам худди шундай ҳе йўқ, бе йўқ айғоқчи каби хос тўплантига чорланмаса-да, кириб келган эди. Бугун ҳам шундай қилаётир, хаёлидан ўтди султоннинг. Оёқ босишлари ҳам ғайритабиий. Ўпка шоирлар каби кўкларда учиб, ҳавойи гапларни гапиради. Мижозиди ўзгариш содир бўлган кўринади...

– Ҳаводисларнинг султонини олиб келдим, онҳазрат! Амирларимиз Ёдгоршоҳ ва Шайх Луқмон Барлос, Сарахс, Марв ва Мохон қўшинлари билан Хожа Қанбар манзилига етиб келмоқдалар. Шулар тариқа қўшинимиз сони эллик мингга етади. Ана шу манзилга зоти олийларининг султоний саропардаларини тикламоққа амр этдим! Иншооллоҳ, бу муждани эшитган шарафсиз сотқин Пир подшоҳ каламушу сичқонлари ила баробар ин-инига кириб кетгай! – барча ишни ўзи уюштиргандек гапирди Жаҳонмулк.

– Хабарим бор, – деди хоқон паст овозда бошини маъноли ирғаб.

Сухбат шу ерга етганда қопуда эшик оғаси кўринди. Хоқон ўнг қўли ила уни яқин келишга ишорат этди.

– Амир Або Муслим Учқора Мозандарондан етиб келиб, палос ўпмокни сўрайдир. Зарур хабар бор дейдир! – янги мусофир ҳақида билги берди мулозим.

Хоқон бош ирғади.

Нурали ҚОБУЛ

Саропардага барваста, соқоли калта кесилган, амиро-на бўз ятак кийиб, белини олтин безакли камар билан боғлаган, туладан келган амир Або Муслим кириб келиб, султон пешини ўпиб, тобуғ расмини бажо келтирди.

– Яратган тангрининг тавқи лаънатига дучор бўлган Пир подшоҳ зафарпаноҳ лашкару сипоҳ овозасидан ўтакаси ёрилиб, юки чапини ортмоқлаб, Рустамдор томон този қувган тулки каби қочмоққа бошлади, хоқоним! Бул хушxabарни зоти олийларига етказайин, дея тоғлар ошиб, сойлар кечиб, шамолларни кесиб ҳузурларига учдим! Фатху ғалаба муборак бўлғай! – дея тиз чўкканча муҳим хушxabарни етказди амир Або Муслим Учқора.

– Амир Або Муслимнинг елкасига шоҳона зарбоф чопон ёпилиб, олтин камар ва тўққизта асл тулпор ҳадя этилсун! – ғолибона оҳангда буюрди подшоҳ. – Бул фатху зафар барчангизга муборак бўлсин! Эгамнинг халқимиз ва лашкаримизни балою қазодан асрагани рост бўлсин!

– Омин! – деди амир Шоҳмалик юзини сийпаб.

– Омин!

– Омин! – такрорлади саропардадагилар.

– Унда ҳамон Астробод томон юриб, Мозандарон мамлакатини исёнчиларнинг хас-хашакларидан тозаламоғимиз керак, – деди амир Або Муслимнинг елкасига шиқовул келтирган тўнни ёпаркан хоқон. – Давлату салтанатимиз сиз каби ҳалол, мард ва садоқатли инсонлар шарофати туфайли оёқдадир. Гап-сўзга чечанлигу нотиклик санъатида юксак поғонага кўтарилмоқда эрмас, – бош вазирнинг қуюшқондан чиққан, ўзбошимча ҳаракатларидан ғаш келганди хоқоннинг.

Амир Жаҳонмулк қизариб-бўзарганча қўл қовуштириб турар, дилию тили бошқалиги бежо кўзларида акс этмаслигини яширгандай нигоҳини ерга қадаб олганди.

– Атроф мамлакатларига фатҳномалар ҳозирланг!
– буюрди хоқон ҳайкалдай қотиб турган амир ул-ума-
ро Жаҳонмулкга. – Мирзо Халил Султон ҳузурига,
Самарқандга Чўбин қавчинни юборинг. Астробод
қалъасини мустаҳкамлаш, бугундан эътиборан кутвол
этиб тайинланган Абу Лайсга топширилсин! Шосмон
қалъаси таъмир эттирилиб, унинг муҳофазаси Шайх
Султон зиммасига юклансин! Ўрдумиз эса давлату мам-
лакат хавфсизлигини таъмин этмоқ учун Мозандаронда
қишлайди. Биз ҳам қишлоқни шу ерда ўтказамиз.

Ўғли Улуғбек ва отақадрдони амир Шоҳмалик би-
лан қишнинг узун оқшомларини гурунгу сўхбат билан
ўтказган хоқон Домғон ерларини амир Саййид Иззуд-
дин Ҳазора Жарибийга суюрғол қилиб берди-да, баҳор
бошланиши билан Мозандарон мулки ва амирзода
Улуғбекка тааллуқли фармонни эълон этди.

– Муҳтарам амиру вазирларимиз, мулозиму лаш-
кар! Бугундан эътиборан ҳудуддаги мамлакатларни
қўшиб, Мозандарон ўлкаси ҳокимиятини олийнажот
шаҳзодамиз Мирзо Улуғбекнинг ишончли элига топшир-
гаймиз! Ва бугундан бошлаб бул азиз фарзандимизни
ўз валиаҳдимиз дея эълон этамиз! Амирзода Улуғбекга
валиаҳдлик хилъати кийдирилиб, тож, камар, қиличдан
иборат мурассаъ тақдим этилсин! Устоз Шоҳмалик шо-
гирдлари елкасига валиаҳдлик тўнини ёпсинлар!

Амирзода таъзим ила келиб отасининг қўлини ўпди.
Хоқон подшоҳ фарзандини бағрига босди.

– Биз йигирма минг лашкардан иборат асосий қўшин
билан бошкент Ҳирот сари юрадурмиз. Вилоятлардан
келган ўттиз минг черик мамлакатларига қайтадилар.
Барчангизга Оллоҳ ёру ёрдамчи бўлсин!

Валиаҳд Улуғбек ва отабеги Шоҳмалик бошлиқ ами-
ру мулозимлар хоқони саидни Сарахс йўлига кузатиб
қўйдилар.

Нурали ҚОБУЛ

– Нечун, ҳеч кутилмаганда муҳтарам қиблагоҳ бизни валиаҳд эълон этдилар? Бу қарордан шошиб қолдим, устоз! – деди салобат-ла еру кўкни титратиб кетаётган Ҳирот қўшинини кузатиб тураркан Улуғбек устози Шоҳмалиқдан болаларча соддалик билан. – Ўзлари энди ўттиз ёшга кирган бўлсалар...

– Тожу тахт, мулку давлат иши шундай, амирзодам. Эътибор берган бўлсангиз, ўттиз ёшга кирган эрсаларда, сочларига оқ оралабди. Зоти олийлари Ҳиротдан чиқар эканлар, инингиз Иброҳим Султонни ноиб ўлароқ бошкентда қолдирдилар. Отам мени ўз тахтида қолдирдим, демак, у кишидан кейинги одам ва валиаҳд мен эканман, дея фикр қилишлари мумкин. Яна бир неча кичик қардошларингиз ҳам борки, улар-да ўзларини ҳеч бир темурий валиаҳду шахзодадан кам чоғламайдилар. Қолаверса, бу мирзоларнинг ҳар бири айри маликадан. Барча маликалар эса ўз фарзандларини бир мамлакат подшоҳи, вақт-замони билан ота тахтида кўрмоқ орзусида яшайди. Шу каби гап-сўзлар ва Ироқу Озарбайжонда тахт талашиб, бир-бирининг қонига ташна бўлиб ётган амакиваччаларингиз орасидаги ҳолатлардек хунук воқеалар юз бермаслиги учун ўйланган тadbирдир, амирзодам. Сизу биз ана шунга кўра оёқ босиб, ҳаракат этмоғимиз керак. Зиммангиздаги бир масъулият ўн бўлди. Иншооллоҳ, сиз азиз авлодим, бул оғир юкни шаъну шараф-ла кўтаргайсиз.

– Иншооллоҳ! – деди амирзода Улуғбек титроқ овозда. – Бироқ қардошим, амирзода Иброҳим Султон ёшда мен ила баробарлар. – Бироқ бошда сиз каттасиз. Қардошингиз сиз каби китоб ила ошно бўлиб, чин дилдан мутолаа этсалар, табиийки, илму билим, мақомда юксаладилар. Эшитишимча, азиз қардошингиз кўп фозил ва

дунё кезган инсон Шарофиддин Дизакий жанобларидан сабоқ олиб, чин ва ҳинд тилларини ўрганмоқда эканлар.

– Самарқанд ва Ўтрорда Дизакий ҳазратлари ила суҳбатда бўлдим. Қомусий бир олим, ғоят кенг мушоҳадали инсон эканлар. Юксак роббим жаннат жамоли ила мушарраф этган бўлсин, улуғ бобом ҳазратлари сўнги кунларда суҳбатлашган инсон ҳам устоз Дизакийдир.

– Шундай улуғ ва шарафли инсонлар бор эканким, бу ёруғ олам оёқдадир, амирзодам.

Еру заминни тўлдириб кетаётган кўшин энди қорайиб кўзга ташланар, яшнаб турган ям-яшил водий сувзорийлар отининг туёғидан шудгорга айланиб қолган, шивалаб ёғаётган ёмғир унинг ярасини силаётгандек эди.

Қиблагоҳи билан хайрлашгач, бирдан руҳи тушиб кетган амирзоданинг ичидан негадир тўлиб-тошиб бир йиғи келди. Ҳаяжонини босганча, кўз ёшини сездирмаслик учун бир оз айланган бўлиб, отабегидан узоқлашди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Дўсти йўқ инсонни ўлдиришлар.

Араб мақоли

Хоқон ҳузурига чорлаган Шайх Луқмон Барлос билан давлат ва мамлакат ишларини муҳокама этарди.

Султон солинининг қопуси очилиб, ясовулбошининг дубулғаси кўринди. Подшоҳ зарур гап борлигини фаҳмлаб, ясовулбошига яқинроқ келишини имо этди.

– Дёвонга келган салтанат отлари амири Кебек Манғит фақат зоти олийларига айтажак зарур гапим бор демоқда, – дея шипшиди хоқон ёнига келган ясовул.

Султон хавотирланганча бош ирғаб, Кебек Манғитни чорлашни буюрди.

Нурали ҚОБУЛ

Ёши бир жойга бориб қолган манғит амирининг бежо кўзларида ташвиш аломати акс этар, гапни нимадан бошламоқни билмагандай хоқон қаршисида қотиб турарди.

– Айтаверайми, хоқоним? – сўради анчадан сўнг ўзига келиб. – Эшитган қулоқларим кар бўлсин, давлатпаноҳ! – тутила-тутила сўз бошлади мингбоши.

Хоқон чопарга чекинишни ишорат этди. Амир Луқмон Барлос қўл қовуштирганча тик турар, мингбошининг безовта қиёфаси ва кутилмаган ташрифидан ҳайрон эди.

– Сўйланг? Не ҳаводис? – деди хоқон ўрнидан тураркан.

– Амир ул-умаро Жаҳонмулкнинг буйруғи билан тўртта ём ва равотимиздан юзта отни олиб кетдилар. Туркман ёмига келган амир Жондор билан Намадакнинг ўзаро шивирлашиб гаплашганлари қулоғимга чалиниб қолди. Гап зоти олийларига суиқасд ҳақида кетди. Ҳасан Жондор Намадакга Жаҳонмулкнинг “бу ишнинг энг осон йўли уни бартараф этмоқдир. Ана шунда бир томчи қон тўкилмай муддаога эришилади” деган гапини оти панасида туриб айтганини ўз қулоғим билан эшитдим. Улар черикларини жамлаб, суворий отларини совитиб, шимол томон кетдилар. Шундан буён кўнглим алағда. Барча ишни йиғиштириб, ҳузурингизга чопдим, – қора терга тушиб кўнишарди салтанат отлари амири.

Бу хабардан ҳайратга тушган хоқоннинг тилига калима келмади. Беихтиёр амир Луқмон Барлосга қаради.

– Саййидхожадан сўнг энг олий мақомга эришган амирнинг феъл-атворида бу фитна пишиб етилаётганини сезиш мумкин эди. От минган отасини унутади дегандек, у аллақачон ҳаммани унутган, онҳазрат. Чексиз ҳокимият ва қарор бермоқ ҳақ-ҳуқуқи ўндан тўққиз кишини шу кўйга солади. Эски амир ул-умаро Саййидхожа

ҳам бойлигу мавқеи сиз-ла баробарлашгач, ўзидан кета бошлаган эди. Бул шарафсиз ҳам шул хасталикка муб-тало бўлган. Кебек Манғитнинг гаплари ростлигига ҳеч шак-шубҳа йўқдир.

– Шундай денг? – деди хоқон қўлини орқасига қилганча хона бўйлаб юраркан.

– Шундай, онҳазрат! Кечикмасдан ва тараддуд эт-масдан чорасини кўрмоқ керак! Кеч қолган адолат адолат эмасдир! – ҳаяжонланган эди амир. – Вазият шу даражага бориб етдики, зоти олийлари берган би-рор-бир фармонни бажариш имкони бўлмаса ва буни келиб ўзларига англатсалар тушуниб бошқа бир тад-бирни кўришга амр этасиз. Бироқ амир Жаҳонмулкнинг каттаю кичик фармони сўзсиз, ҳарфиян ерига келтири-лар эди. Худди болоқдан бошга чиққан нобакор Саййид-хожа каби, мавқе ва қудрат бобида у сиздан ўзиб кета бошлаганди, – ҳамон ҳаяжони босилмас эди барლოსий амирнинг.

– Хулласи калом, ҳайрату таажжубдамен, амир жа-ноблари. Салтанат тепасига келганимизга уч йилдан ошар-ошмас икки амир ул-умаромиз хиёнат йўлига ки-риб, сотқинлик ботқоғига ботди. Бундан сўнг соҳиб их-тиёрликни топширадиган кишимизнинг ҳам бу каби ра-золат йўлига қадам қўймаслигига кафолат йўқ. Бошим қотиб қолди. Сизнингча, бу ҳолатнинг сабаби недур? – ҳорғин нигоҳини амирга қадади хоқон.

– Азиз ва шарафли аждодимиз султон соҳибқирон зоти олийларини раҳмату миннат-ла ёд этароқ шуни сўйламоқ лозимки, ул улуғ инсоннинг ёнларида жи-ловдорлик қилиб юрган бир отбоқар ҳам ўзини салта-нат амиридан кам чоғламай, Сулаймон ўлди, девлар қутулди қабилида ҳаракат этмоқда. Қавчинлар азалдан сарою султонларга яқин, хос вазифаларни бажариб юр-ганликлари учун салтанат, мулки давлатда ўзларини

Нурали ҚОБУЛ

барчадан кўп ҳиссадор, мамлакатнинг устун санайдилар. Амир Жаҳонмулк болалиқдан зоти олийларининг энг яқин мулозими бўлиб келган. Шу боис салтанатдаги мавқе ва қудратини қонуний дея билиб, ҳар неки ишни қилмоққа ҳаққи ҳуқуқим бор дея билади. Ҳаддини билмаслигининг сабаби ҳам шундадир. Сиз шу пайтгача унинг бир гапини икки қилмадингиз. У бунинг боисини сизнинг бағрикенглигингиз, одамшавандалигингизу дарёдан сув бағишлаган ёш бир подшоҳ эканлигингизга йўймайди. Обрўли амирингиз Милкатнинг ўғли Хорийнинг амакиваччаси ва подшоҳнинг болалиқ дўсти ҳамда яқини сифатида ана шу иззат-икром, обрў-эътиборга муносибман. Барчадан ақлли ва доно бўлганлигим туфайли шу мақомга эришганман. Айтганим айтган бўлиши керак дея фикр қилди, – фикрлари тош босар эди бекнинг.

– У илгари хизматкорликда чексиз зийрак, жонсипорликдаги хушмуомилаликни шу қадар ўрнига қўяр ва сидқу садоқат ила елиб-югурар эдики, ҳаётимда бундай мулозимни учратмадим. Ўз вазифасини қойиллатиб, зиммасига юкланган ишни муносиб равишда бажариш бобида қиблагоҳ ҳазратларининг энг эпчил мулозими. Шоқул Шиқовул ҳам унинг олдида ип эшолмайдигандек эди. Билмадим, қисқа муддат давомида нега бу қадар ўзгариб, бунчаликка бориб етса? Ақл бовар қилмайди. Ақлга келмагани бошга келди дегани шу бўлса керак-да.

– Ғоят тўғри сўйладингиз, онҳазрат. У давлату миллат ахлоқига соҳиб, салтанат юритмоқ тўраю тузуқларини чуқур англаган, дўсту душманнинг фарқига бора биладиган, саройимизда эъзозу икром, мумтозликка етишган бир давлат одами, кишилиқдир. Бунга ҳеч шакшубҳа йўқдир. Хом сут эмган одам боласи ўзини худди ана шундай – ягона ва тенгсиз ҳис эта бошладими, та-

мом. Ишни худо урди деяверинг. Унинг таназзулу фожиаси айнан шу дамдан бошланади ва такаббурлик қудуғига тос тепаси билан тушадию, қайтиб чиқолмайди. Шайтони лаъин Пир Али Тоз ҳазора ҳам, итдан тараган Саййидхожа араб ҳам ана шу кибр ва ўздан кетмоқлик оқибатида кибру хиёнатнинг қурбони бўлдилар. Иншооллоҳ, бу беномусу шарафсизнинг қисмату қадари ҳам теграсидагилар ила баробар шу йўсунда битажак!

– Унинг атрофида яна кимлар бўлиши мумкин? – ҳамон ҳайратдан ўзига келмай сўради подшоҳ бир Луқмон Барлосга, бир Кебек Манғитга қарар экан.

– Мен эшитганимни сўйладим. Улар озчиликка ўхшамайди назаримда, султоним. Керак бўлса, мен ҳам юз чоғли сайис¹имни йиғиб, ёнингизда туриб ул нобакорларга қарши савашаман, – деди белбоғи билан пешона ва юз терисини артаётган Кебек Манғит султоннинг ўзига бўлган ишончу самимий муносабатидан таъсирланиб.

– Яратган тангри сиздан рози бўлсин! Ишончим комилки, бу исёну бош кўтариш ҳам жангу жадалга етмай сўнгланажақдир. Эл-улус, лашкару мулозимларимиз улар ўйлаганчалик абдол, бурнидан нарини кўрмайдиган даражада омию жоҳил эмаслар. Ўн-ўн беш нафар алданиб ақлини егандан бошқа ҳеч ким уларни қўллаб-қувватламаса керак! – тик турганча икки суҳбатдошига боқароқ сўйларди подшоҳ.

– Мен ҳам шундай фикрдамен, онҳазрат. Бироқ отни тепмас, итни қопмас дема деганларидек, душманингим хас, хас ҳам бўлса бас. Бу фиску фасод оғочи илдиз отиб, япроқ ёзмасдан бурун таг-томири билан қирқиб ташламоқ керакким, токи бу нокасларнинг авлодлари ҳам қайтиб бош кўтармасинлар, – сўзида қарорли эди амир Шайх Луқмон Барлос.

¹Сайис – отбоқар.

Нурали ҚОБУЛ

– Ўзларини муносиб жазога тортмоқ керак. Бироқ авлодпарига тегмаслик лозим деб ўйлайман. Бу гап-сўзлардан сўнг ўз-ўзидан юртдан бош олиб чиқиб кетадилар.

– Кетмаганларини оқ уйлик қилиб, бадарға этмоқ даркор. Илоннинг боласи ўлган ота-онасидан хавфлидир.

– Ҳақсиз, амир жаноблари. Бу исённинг очиқ-ойдин сабаби борким, улар ана шул кирдикорлари очилса, барчаларининг азиз ва ҳаммадан ақлли бошлари кетажакларига амин бўлганлари ҳолда бул ишга жазм этганлар. Бироқ мен атрофимизни ўзимизу ўзгачадан чиққан яғийлар ўраб турганда уларга қаттиқ-қуруқ гапириб, оғир жазоларга тортмоқ фикридан йироқ эдим. Подадан олдин чанг кўтаришибди. Англаб етмайдиларки, бу ишнинг оқибати хайр ила тугамас. Бу исён бевосита давлат мулклари соҳиб девони Хожа Фиёсиддин қилмишининг оқавасидир. Унинг барчага маълум бўлган жиноятдан амир ул-умаро Жаҳонмулкнинг хабари бўлган ва ўзидан хавфсираб, сўнгида исён йўлини танлаган. Мен бу ишлар устига афв чизиғини тортмоқчи эдим. Неники фикрлаб, режаласак, тескари бўлиб чиқаётир.

Хоқон Кебек Манғитга чекинмоққа рухсат этди-да, ясовулга яна қози Жалолиддин Исҳоқ Самарқандий ва амир Мизробни ҳузурига чорлашни буюрди.

Хонага ташвишли қиёфада нохуш хабарни туйган Самарқандий, ортидан амир Мизроб кириб келди.

– Бузоқнинг қочгани сомонхонагачадир, онҳазрат! Кечмиш ўлсин! Исёнчи хоинлар мутлақо ҳақ этдиги жазоларини олажаклар! – деди ҳаяжондан овози тутилла-тутила Исҳоқ Самарқандий. – Зотан, тузингиз кўр қилажак ул муртаднинг мулку давлат тўпламоққа киришганию, бу хусусда барчани ортда қолдиргани ҳар касга маълум эди. Молу мулкда тенгсизликка эришган

кишига бир нарса – ҳокимияту тож-тахт керак бўлади. Кимса унга қош қайириб, бир гапини икки қилмайдиган даражага етишгач, одам зоти ила ҳисоблашмай қолган эди. Вазирларга берган амри фармонидан зоти олийларининг хабарлари бўлиши керак. Салтанатимиз тўра ва тузугида шундай ёзилган. Бироқ у зоти олийларига бирини айтса, бирини айтмас эди. Ҳеч ким бу ҳақда сизга оғиз очолмас, унга бунчалик ҳақ-ҳуқуқ, ваколатни подшоҳ берган деб биларди. Давлат қувватининг шароби ва ҳукумат қудратининг кайфидан унинг димоғи шу қадар шишиб, бурни кўтарилиб кетдики, ниҳояда кўриб турганимиз каби итоат бўйинбоғини ечиб улоқтирдию, итоаткорлик жомасидан юз бурди.

Қози Исҳоқ Самарқандийни тик турганча диққат билан тинглаган султон оҳиста юриб бориб садаф қадалган ёнғоқ оғочидан қилинган тахтга ўтирди. Унг қўл ишорати билан мулозимга ичгулик келтиришни буюрди.

Лагандан анор шарбатини олиб ярмини ичган хоқон мулозимга бошқаларга ҳам шарбат улашишни ишорат этди-да, сиз не дейсиз дегандек амир Мизробга қаради.

– Муҳтарам қози жаноблари, ғоят рост ва ҳақ сўзларни сўзладилар. У аллақачон илдизим сувга етди ва мени ҳеч ким ўз жойимдан кўзғата олмайди деган ўю хаёлда ҳаракат этар, кимсани писанд этмай қўйган эди. Фикри ожизимча, айна дамда буни муҳокама этмай, сотқинлар куч тўплаб кучаймагунча изларига тушиб, етган жойимизда янчиб ташламоғимиз керак. Акс ҳолда дарёнинг шимолидаги қардош рақибларимиз ва ғарбдаги тожу тахт васвасасига тушган хешу ақраболаримиз билан тил топишиш ҳаракатига тушадилар. Ижозат беринг, хоқони саид ҳазратлари, мен улар изидан тушай. Қўшиним бошкент атрофида. Қўшимча кучлар ортимиздан йўлга чиқса яхши бўларди, – дея шартта-шартта фикрини баён этди амир Мизроб.

Нурали ҚОБУЛ

– Маъқулдир. Зотан, пойтахтда сиздан бошқа бекнинг лашкари-тўқис эмас. Ёнингизга салтанат сайисхонаси амири Кебек Манғитни қуловуз ўлароқ олинг. Исёнчилар жўнаган томонни билади. Хабарларини топгач, сўнг билгилар-ла амирни биз томон жўнатинг. Ортингиздан мен ҳам юраман. Чопаримиз Сеистон ва Гармсер сарҳадларидаги черикларнинг кўмак учун юришлари ҳақидаги фармонни олиб жўнайди. Амирзода Улуғбек ва амир Шоҳмаликни қувватламоқ учун Астробод томонга ҳам қўшин юборишимиз керак. Исёнчилар масаласини тезроқ ҳал этсак, лашкар жilовини у тараф бурмоғимиз керак бўлади. Сиз муҳтарам амиримизнинг мулки давлатимиз, тахту салтанатимизга кўрсатган садоқату хизматингиз тақдирга шоёндир. Йўлингизу юзингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! – тахтдан юриб келиб амирни йўлчи этди султон. – Исёнчилардан қай бири қўлга тушса қадарларини қисмат қиличига қай тарзда топширмоқ ҳақ-хуқуқи сизга оиддир! Зотан, итга ит ўлими! – дея хайрлашув сўнгида овозини баландлатди хоқон.

– Амри фармон улуғ хоқони саидимизнингдир! – дея гурсиллатиб ўнг қўлини кўксига урди амир Мизроб.

Амир шахдам одимилар-ла султон кўринишхонасини тарк этди.

– Ана энди бу исёну хоинликка сабаб бўлган воқеа тафсилотини муҳокама этсак бўлади, – деди хоқон қози Исҳоқ Самарқандийга қараб тахтга оғир чўкаркан.

Султон қаршисидаги курсига ўтирган қози қўлидан эвроқларга қараб, вазир Хожа Ғиёсиддин Солорнинг Жаҳонмулк исёнига сабаб бўлган янглиш молиявий жинояти хусусида ҳисобот бермоққа киришди.

– Зоти олийларига маълумким, онҳазрат Мозандарон қўшинини Сеистонга ўтказишга фармон бердилар. Лашкарни тўплаш, манзилга етиб бориши ва Сеистонда туриши масрафлари ҳисоб-китоби давлат мулкларини

тасарруф этгувчи соҳиб девон Хожа Ғиёсиддин Солор-га юкланди. Соҳиб девон бу рақамларни қаердан олган, ўзию ёлғиз Оллоҳга маълум. У тақдим этган сарфи харажат рўйхатида амирлар ва давлат арбоблари номига гўёки улар харжлагандек ҳар бир ман¹ эт ўрнига бир қўй, ҳар бир ман арпа ўрнига ўн ман арпа ва бир халта сомон ўрнига бир ҳарвор²дан сомон ёзилган. Юз берган қаҳатчилик туфайли бу молларнинг баҳоси бозорда отасининг нархида бўлган. Соҳиби девон мана шу рўйхатдаги моллар учун давлат хазинасидан бир ақча ўрнига ўн ақча олган. Орадаги фарқ, яъни тўққиз ақчани Жаҳонмулк билан арра қилган деган фикр туғилади. Турк қўмондонлар олган тиюл³ларнинг эса бирини тўрт қилиб ёзган. Лашкарбошилар бу маошларни олмаган ва ўртада норозилик туғилган. Бугунга келиб уларнинг молиявий жинояти очилиб қолди ва сиз ҳеч қачон бунга рози бўлиб, хазинадан бир ўрнига ўн динор сарфланишига йўл қўймагайсиз. Энг ёмони, улар бу маблағларга муҳтож кишилар эмаслар. Еганлари олдида, емаганлари кетида бўлган давлат одамларидир. Ўша эски ота сўзимиз – тўқни тўйдириб бўлмас экан, султоним, – дея ҳисоботини яқунлади Исҳоқ Самарқандий.

– Ҳа, тўймоқ – тоймоқдир дейдилар. Улар янглиш сарф этганлари маблағни қайтариб хазинага тўласалар гуноҳларидан ўтар эдик. Бунинг учун исён кўтармоқнинг хожати йўқ эди-ку? – хаёли паришон эди хоқоннинг.

¹Ман – оғирлик ўлчови. Турли ўлка ва турли замонда “ман” тушуни-рилган ваэн ҳар хил бўлган. Ҳиротда ҳар бир ман 250 мисқол (бир мисқол 4,25 гр) бўлган.

²Ҳарвор – оғирлик ўлчови. Тахминан уч юз килограмм ҳажмни анг-латган. Бир эшак ёки хачир кўтариши мумкин бўлган юк.

³Тиюл – ҳарбий бошлиқ, қўмондонларга бериладиган ер-мулк. Бу ерда эса лашкарбошиларнинг маоши учун ажратилган маблағ маъ-носида.

Нурали ҚОБУЛ

– Отилажак солқон отилмай қолмас, онҳазрат. Бундан шу нарса аёнки, уларга бош кўтармоқ учун баҳона керак бўлган.

– Нодонлик, нодонлик! – дея такрорлади подшоҳ овозини баландлатиб. – Кимга инонсанг, эътимод этсанг, сўнгида шу аҳвол. Бу кетишда кишининг инсон зотига ишончу эътиқоди қолмайди-ку, устоз Самарқандий.

– Афсуски, шундайдир, давлатпаноҳ! Одам бола-си комукаммал яратилган экан-да. Зотан, араб тилида инсон сўзи унутувчи маъносини беради, султоним. Сиқилиб, изтироб чекманг. Сиёсату давлатчилик иши бор экан, бу каби хиёнат исёнлар бўлиб келган ва бундан сўнг ҳам юз бериши мумкин. Барчасини ўзингизга олаверманг. Бу дунёнинг ғаму ташвишлари аслида изтироб чекмоққа арзимайдир. Одам зоти на бир мусибат, на минг бир насиҳатдан хулоса чиқаради. Қорни тўйиб бир манзилга етгач, ҳар нарсани унутади. Керак бўлса ўзини одам қилган кишини ҳам сотади. Манфату жоҳиллик, бойлигу кибр бор экан, қардош қардош-ла яғий, бола отага мухолиф бўлаверади. Бундай ҳолатларни совуққонлик-ла қаршилаб, совуқ ақл ила қарор бермоқдан бошқа илож ва йўл йўқдир.

Кўшин қозисининг сўзларини диққат билан тинглаётган хоқонга ясовул фитначиларнинг йўлбошчилари ва уларга қўшилганларни аниқлаб келиш учун кетган амир Шайх Луқмон Барлоснинг қайтиб келганлигини билдирди.

Султон ҳузурига ҳаллослаганча қора терга тушган амир Луқмон Барлос кириб келди. Тобуғ расмини бажо келтирган бек тик турганча исён ҳақидаги билгиларни берди.

– Турум биз мушоҳада ва заҳн этганимиздан-да мушуқулу мураккаброққа ўхшайдир, султоним. Амир

Нуширвон Барлос ҳам бу хиёнатдан хабар топиб давлатпаноҳимизнинг амри фармонларини беклаётган эрмишлар. Кебек Манғит сўйлагани каби исённинг бошида бош ва устоз сотқин Жаҳонмулк турибди. Суиқасдга киришмоқчи бўлган тўдада Ҳасан Жондор ўғли Юсуф Жалил билан, Саодат Темуртош ва кичик қардоши Анвар Олтибет, Баҳлул Бобойтемур, Султон Боязид Усмон ва Намадаклар бордир, давлатпаноҳ. Улар Сеистонга юрмоққа фармон берганингиз лашкарга қўшилиб қочганлар ва бу черикни йўлдан урмоқ ниятида Жузўланг дашти томон юрганлар. Айна дамларда амир Мизробнинг Сеистондан келган қўшини хиёнатчиларни таъқиб этиб бормоқда.

– Унда сафар ҳозирлиги кўрилсин! Эртага сабоҳдан йўлга чиқамиз! – амр этди подшоҳ. – Бошкентдаги барча амиру қўмондонлар саваш тадоригини кўрсинлар! – Доруссалтанат Ҳиротнинг увол-савобини амирзода Иброҳим Султонга қолдирамиз! – солин узра юксак сасда султон амри янгради. – Амир Нуширвон Барлосга чопар юборилсинким, амир Шоҳмалик ва амирзода Улуғбек черигига қарши яғий тааррузга кечса ҳамон мудоҳала этсин! Қайду мирзо Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир ўғлига ҳам қўшини билан олий ўрдуда ҳозир бўлмоқ хабари етказилсин!

Эртаси куни эрталаб олий бош қўмондон етакчилигидаги қўшин амир Мизроб чериги изидан йўлга тушди.

Баҳор охирлаб ёз кирмаган бўлса-да, йилнинг қурғоқчил келишидан далолат бериб аллақачон жазирма иссиқлар бошланган, қаҳатчиликдан илик узилди бўлиб аранг қишдан чиққан деҳқону боғбон даласида кўш қўшиб, мола тортар, ариқларни тозалаб, уруғ сочарди.

Ошчи черик суворийлари йўл-йўлакай янтоқ ўриб кетишар, сувчилар уни қўшин ҳар тўхтаган жойда

Нурали ҚОБУЛ

қайнатиб, янтоқ дамламаса ҳозирлашар, қуёшнинг қовурувчи қизгин кунда одамлар чанқоғини босувчи ягона ичимлик шу эди.

– Лалми деҳқончиликка ишониб иш юритиб бўлмас экан. Сувли ғалла майдонларини кўпайтирмасдан, улусни дон-дун ила таъминламоқ муаммосини ҳал этиб бўлмайдиган кўринадир, – деди амир соҳибқироннинг машҳур Оқбулутдан тараган Кўкбулут бешинчини миниб бораётган Шоҳруҳ султон ўнг тарафида кетаётган амир Шайх Луқмон Барлосга.

– Эсингизда бўлса, улуғ хоқон замоналарида Хуросону Ҳирот атрофида қурғоқчилигу қаҳатчилик бўлса-да, ғалла масаласида сиқинти чекмас эдик. Боиси ғарбда Дамашқу Табриздан тортиб, шарқда Деҳлию Қандаҳоргача карвонлар бизда неки тақчил бўлса олиб келардилар. Қаршимиздаги исёну нотинчликлар каби воқеалар туфайли улар ҳаракати ҳам ярим издан чиқди, хоқон ҳазрати олийлари. Қолаверса, Пир подшоҳу Пир Али Тоз каби отадушман яғийлар халқимиз орасида қаҳатчилик баҳонасида норозилик ва нотинчлик оташи алангаланишини истайдилар. Карвонлар йўлини тўсиб талаганлари етмаганидек, уларни Ҳирот сари бормасликка тарғиб этадилар. Иншооллоҳ, қаршимиздаги фитнатуллоҳу шайтонуллоҳу лаънатуллоҳларни барта раф этсак бас. Бу масалалар ўз-ўзидан чўзилади, султоним, – отини ниқтаганича гапириб борарди амир Луқмон Барлос. – Бу ватан хоинлари ва миллат душманларига юрту улус эмас, беклигу бойлик керак. Уларнинг зангинликка оч кўзларига мил тортиб, еб тўймас қоринларига сомон тикмоқ лозим.

– Тўғри сўйлайдурсиз, амир жаноблари. Жилов бермас от ёмон, ўздан чиққан ёв ёмон деганларидек, айла ниб-ўргилиб ўзимиздан чиққан ётлар билан савашмоқ мажбуриятида қолмоқдамиз.

– Арабу тозий топишар, туркка бало ёпишар деганлари тўғри экан, султоним. Изтироб чекманг, карвон йўлда сафга тизилади. Салтанат иши ҳам шундай гап. Озарий турклари буни ёввош-ёввош, пейнер лаваш дейдилар.

– Буларга отадўсту отадушман қавми мўғулни ҳам қўшмоққа тўғри келади, – деди хоқон кўз илғар масофани тўлдириб бораётган Ҳирот қўшинини кузатар экан. – Туғилмоқ бор экан, бу ёруғ оламни тарк этмоқ ҳам муҳаққакдир. Бир сўз ила айтганда, ўлим ҳақдир. Ўлимни кўзга олиб ҳаракат этмаган одам ўзини ҳар қандай гуноҳу жиноятдан тия билмас номусулмондир. Бироқ ўлимдан ҳам баттар бир буюк жазо борким, бу Оллоҳнинг раҳмати эрмас, лаънатига дучор ўлмоқдир. Ҳар бир киши, билхосса, олиму фозиллар, давлат одамлари эътибору иффатини сақламас экан, шараф туйғусидан узоқлаша боради. Юртнинг бир қарич тупроғи нари турсин, ҳатто бир дона тошини ҳам бу шарафсизларга бермаймиз! Бул муқаддас тупроқ узаринда шарафсиз яшамоқдан кўра ватан тупроғи остида шараф-ла ётмоқ афзалдир...

Ҳаяжондан титраган султоннинг овози бўғилиб чиқарди. Имо билан мулозимга сув келтиришни буюрди.

– Биз интиқом эмас, адолат пешиндамиз. Қиблагоҳ каби бизда бу шонли йўлга тўнимиз ила баробар кафанлигимизни кийиб чиққанмиз. Шаҳодат эрса шаҳодат, ғозийлик насиб этса ғозийлик. Улуғ тангри ҳақнинг ёнидадир ва хоинлар ҳақ этган жазони олажаклар.

Асосий қўшин бошкент Ҳиротдан икки-уч манзил чамаси узоқлашган эди.

Султон икки қоровул йўлдошлигида от чоптириб келган Кебек Манғитни таниди. У хоқонга етмасдан эллик қадамлар нарида тўхтаб, оти жиловини қоровуллардан бирига тутди.

Нурали ҚОБУЛ

Чопонининг бари шамолда ҳилпираганча катта-катта қадам ташлаб подшоҳ қаршисига етиб-келди.

– Ватан сотқинларию улус яғийлари чериги амир Мизроб кўшини билан бўлган жангда енгилиб, Корубор суви томон қочдилар, султоним! Илк ғалаба муборак бўлсин! Назаримизда сувни ўзларига ҳисор қилиб, ҳимояланмоқ ниятидалар! Тиббий черик аскарлари юзидан оғир жароҳатланган амир Мизробни олиб келмоқдалар! Кўшин зоти олийларининг амри фармонларини бекламоқда! Арз этаман! – дея икки кўлини кўксига қўйиб тиз чўқди Кебек Манғит.

– Заҳн этганимиз каби турум маълум. Вазиятдан вазифа чиқарганлар дарё соҳили бўйлаб қочмоққа киришганлар. Кўринган кўйга қуловизнинг кераги йўқ! Ҳеч қачон юзма-юз келиб биз ила савашмайдилар! Шунга кўра зудлик ила ҳаракат этиб, уларни бирма-бир тутиш керак! Барча амиру кўмондонларга фармонимизни ет-қуринг! Фақат исёнчиларнинг бошлиқларини ҳадаф олсинлар! Имкони бўлса, қўлга тушириб, олий қароргоҳга юборсинлар! Қочмоқчи бўлсалар, маҳв этсинлар! Қаршилиқ кўрсатмаган сипоҳийу суворийга тиф теккизилмасин! Кимда неки куч-қудрат бор, кўрсатсин!

Олий бош кўмондондан амр олган баҳодиру лашкарбошилар соҳил бўйлаб тарқалдилар. Хоқон ўрдуси қирғоқнинг жанубий соҳили бўйлаб чодир хаймаларни тика бошлади.

– Бош табибимиз Абдулҳаким Торозийга сўйлангиз! Амир Мизробни тахтиравонга солиб, бошкент дорушшифосига элтсинлар! – амр берди хоқон.

– Сеистонга отланган кўшин ҳам ярим йўлдан ортга қайтиб етиб келибди! – деди от қўйиб келган Нуширвон Барлоснинг навқари. – Бош хоин Жаҳонмулкнинг тарафдорлари сув ёқалаб Шибарту томон қочмоқдалар!

– Яғийнинг ҳар бир амири дуч келган томонга қочмоққа бошлади, – деди қароргоҳга етиб келган навбатдаги суворий.

– Ҳар бир қочоқни бир нечадан амиру мингбегимиз таъқиб этсин! Қани кўриб боқайлик-чи, ким биринчи бўлиб ўлжа билан қайтади экан?! – сўнгги таълимотни берди султон.

Юртчиларга сув бўйида чоғроқ саропарда тиклаш амри берилди. Бу – қўшин юришда давом этади дегани эди. Ҳафта, ўн кун тўхталадиган манзилларда катта, шоҳона саропарда қад ростларди.

Чуҳраю кўрима, хумоюн узанги мулозиму ичкилари султон саропардаси чеврасида чодиру хаймаларини тика бошлади.

Хоқон қай бир манзилга бормасин, ҳамон қуриладиган кўчма таҳоратхона ва масжидда ибодат қилди. Мушқулини осон этган тангрига шукрона намозини ўқиди.

Жомедан чиққанида уни саропарда саҳнида амакиси Нуширвон Барлос Луқмон Барлос билан гаплашиб турарди.

– Алайкум-ассалом! Ассалому алайкум! Келсинлар, амир жаноблари! – дея амакисини илиқ қаршилади подшоҳ.

– Не ҳаводислар, муҳтарам улуғ аждод? – дея Нуширвон Барлосга юзланди хоқон улар саропардага кириб хонтахта атрофига ўтиришар экан.

– Сеистон томон йўлга чиққан қўшиннинг бир қисми олий ўрдуга қўшилди. Илгарилаб кетган бўлинмалар ҳали етиб келмади. Чопар юбордик. Кўчишга улгурмаган юзликлар амр бекламоқдалар, – Сеистон сафари ҳақида ҳисобот берди амир Нуширвон Барлос.

– Йўлга чиққан черик Сеистон сари юрмоқда давом этсин ва амир Шоҳмалик ёхуд амирзода Улуғбек билан

Нурали ҚОБУЛ

алоқа боғлаб, яна бир хоинбоши ва исёнчи Пир подшоҳ лашкари яқинига етиб, мавзе олсинлар. Кўчиб улгурмаган черик биз-ла баробар йўлга чиқажак.

Жаҳонмулк исёнининг таги кўриниб қолганлигидан, иш катта жангу жадалсиз, қону жонсиз битганидан мамнун навкару суворий дарё сувида отларини ювиб, чўмилишар, Пир подшоҳга қарши бўлажак юришга ҳозирлик кўришарди.

Корубор ёқасига қўнганнинг иккинчи куни шомга яқин илк исёнчининг қўлга тушгани хабари олий ўрдуга етди. Ўқдек учиб келган суворий амир Ҳасан Сўфининг амир Оқбуғо, Саодат Темуртош ва иниси Анвар Олтибетни Бодғисда тутиб, банди этиб келтираётганини айтди.

Киприги қовоғига туташ, бурни япалоқлигини билдирмаслик учун мўйлов кўйган, кажава қоринли лўлипутуш амир Саодатнинг кўзидан шашқатор ёш оқарди.

Саропарда саҳнида амир Ҳасан Сўфи ва уч банди амирни қаршилаган султон кўчма тахтда ўтирарди.

– Салтанат олдидаги хизматингиз тақдирга шоён-дир, амир жаноблари! – деди султон амир Ҳасаннинг меҳнатини қайд этиб. – Бу улус душмани ва ватан хонинини не жазога лойиқ деб биласиз? – бир бандиларга, бир амирга қаради подшоҳ.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним! Бизни Жаҳонмулк шайтон йўлдан урди! Бундин буён остонангизни ялаб хизмат қиламан! – тиз чўкканча ёлворди амир Саодат.

Озғин нашаванд каби жиккак қардоши Олтибет тош қотган нигоҳини султонга тикиб турарди.

– Бул шарафсиз шайтондан сўраяжак сўровингиз бўлмаса озғини боғлаб кўйсак! – деди амир Ҳасан подшоҳга қараб.

– Зотан, шунча иззату икром, ишончу олий мақсадлардан сўнг ҳам бу ишга қўл урган нобакорга

савол ҳам ҳайфдир! – деди бу ҳолатдан таъсирланган султон. – Шайтон амирнинг қаршисига амир, шоирнинг қаршисига шоир, носирнинг қаршисига носир бўлиб чиқади.

Амир Ҳасан банди Саодат Темуртошнинг оғзини белбоғи билан боғлади.

– Ижозат этинг, султоним, билхосса ўзим унинг сотқин бошини кундага етказайин!

– Муҳтарам ўрду бош қозиси не дегайлар? – Жалолиддин Исҳоқ Самарқандийга қаради султон.

– Қилинган жиноят олий жазога лойиқдир! Ясоққа етказилсун! – ўз фикрини билдирди қози.

– Муносиб!

– Боши кундага етказилсин!

– Қолганларини ҳам бирма-бир ёқалаб келиб, бошини кундага етказмоқ керак!

– Лошини қарға-қузғунларга бериш лозим! Жаноза ҳам ўқилмасин! – овозлар эшитилди.

– Жасадини авлодларига бермоқ керак! – деди амиру қўмондонлар сўзини тинглаган қози Самарқандий. – Хоқони саид ҳазратлари қайд этганлари каби биз интиқом пешида эрмас, адолат пешида бўлмоғимиз керакдир! Бир янглиш ишни иккинчи бир янглишлик билан тўғриламайдилар! Жонсиз тана тупроқдир! Тупроқни эса таҳқирламайдилар! – баланд-паст овозларга жавоб берган бўлди Самарқандий.

– Сени не жин урди, амир Оқбуғо? Нечун буларга қўшилиб қолдинг? – калтақдан юзи қонаган амир Оқбуғога қаради хоқон.

– Қўшилмаганим учун аввал сотқинлардан, сўнгра Ҳасан Сўфининг навкарларидан калтак еб шу абгор аҳволга тушдим, султоним. Имонини ютмаган бўлса мана бу ака-ука қардошлар айтишсин? – кўзида ёш-ла жавоб қилди амир Оқбуғо.

Нурали ҚОБУЛ

– Сенким, улуғ қиблагоҳнинг дўсту сафдоши, Анқара савашининг қаҳрамону баҳодири амир Эсонбуғонинг иниси бўлсанг! Аждодинг шаъни шавкати, улусу юрт шарафи ила боғлиқ бўлса? Недан бу нобакорлар ёнида юрибсан? Ақл бовар қилмайди, – афсусу шафқат оҳангида қўнишарди султон.

– Мана бу иккисининг имонини ит емаган бўлса айтишсин! Фитна сўзи қулоғимга чалинганидан бери Жаҳонмулк билан Намадакка бу йўлга кирмасликни англатаман дея она сутим оғзимга келди. Бироқ қулоқ солмадилар, султоним. Бу ерда Жаҳонмулк билан Намадакдан бошқа ҳеч кимда гуноҳ йўқ. Амир Саодат уларни қувватласа-да, мана бу кичик қардоши қўшилмади, – вазиятни англатарди Оқбуғо.

– Оқбуғонинг сўзини тасдиқлайсанми? – сўради хоқон амир Саодатдан.

Оғзи боғлоқлик амир бош ирғади.

– Сен-чи? – Саодатнинг инисига боқди.

У ҳам бош соллаб, тасдиқлади.

– Амир Оқбуғо ва кичик Темуртош гувоҳ ўлароқ ҳибсда сақлансин! Амир Саодат эса қисмат қиличига топширилсин! – сўнг амрни берди султон.

Ҳасан Сўфининг навкарлари амир Саодатни ёқапоча тутиб, дарё канори томон судрадилар. Оқбуғо билан кичик Темуртошни масжид каби тикланган кўчма ҳибсхонага элтдилар.

Кетма-кет келган чопарлар амир Черкаснинг Моҳонда Жаҳонмулк ва Намадакни таъқиб этаётганини, улар кундузлари яшириниб, кечалари Хоразм, ундан Дашти Қипчоқ сари қочмоқ ниятида эканлиги хабарини етказди.

Киборту қароргоҳидан Астробод томон йўлга чиққан хоқон сафар олдидан амир Нуширвон Барлосга сўнги таълимотни берди.

– Қочқинлар эртами, бир сугунми муҳаққақ қўлга тушажаклар! Сиз бир муддат шу манзилда амир Черкасдан хабар бекланг-да, сўнгра Ҳиротга қайта билурсиз. Амирзода Иброҳим Султоннинг ёнида бўлинг. Хоинларни таъқиб этаётган амир Черкасга чопар юборамиз. Икки нобакорни тутса, бошкентга юборади. Уларнинг тақдирини ўзингиз саодатсиз Саодат тариқасида ҳал этажаксиз. Биз Мозандарон сари юрмасак бўлмас. Улуғбекдан кўнглим алағда. Ёнида не қадар тажрибали бекларимиз бўлмасин, ёшлигига бориши мумкин. Амир Шайх Луқмон Барлос эса Пир Али Тозни таъқиб этади. Ҳеч бир салтанат душмани, ҳеч бир ерда ўзини тинч ва осойишта ҳис этмаслиги керак. Ҳар бир яхши-ёмон ҳодисадан дарсу сабоқ олинур. Талашсанг терс, аралашсанг чолорқа тушарсан дегандек, биз-ла тирлашиб, улус роҳатини бузмоқчи бўлганларнинг ҳолини кўрдик. Хабарчи ва узунқулоқларимиз яхши ишламаётир. Акс ҳолда биз салтанатнинг басиратсиз бош вазири ва амиру вазирларнинг суиқасду хоинлик йўлига кирганликларини аллақачон билган бўлур эрдик. Дарё ортидан ҳам хабардор бўлинг. Мир Саид Халипуллоҳ ҳазратлари бетоб эмишлар. Амирзода Иброҳим Султонга сўйлангким, ўтган ҳафтада Маккадан ул зоти олийнинг тўрт нафар ақраболари келган эди. Уларга мен бошкентга қайтгач, сизларни Туркистонга кузатамиз деган эдим. Турум шуни кўрсатмоқдаки, мен бир-икки ойсиз Ҳиротга қайта олмайман чоғи. Амирзода билан биргалиқда муносиб совға-саломлар ила мусофирларни Ўснатга йўлчи этингиз. Юзбоши Эсиргап Найманни топиб уларга қўшинг. Ва ҳар бир янгилигу ҳаводисдан бизни хабардор этиб тулинг! Одам зоти қуриб кетганидек мирзомиз ёнларига амир Намадакни қўйганимизни қаранг! – исёну суиқасд ғавғосидан ҳамон изтиробда эди султон.

Нурали ҚОБУЛ

– Ул шарафсизнинг кўп ҳурматли аблаҳ эканлигини зоти олийларига сўйлаган эрдим, – хотирлатди амир Нуширвон Барлос. – Бу оч кўпаклар не қадар тандир искашмасин, ниятлари курсоқларида қолажак!

– Эсимда. Сўйлагандингиз. Бул каби масалаларда аксар ҳолатда сиз ҳақ бўлиб чиқмоқдасиз. Ёш ва тажриба ўз ишини қилар экан. Биз каби ёш авлодингиз йўл қўйган хатоларни тузатмоқ ҳам сиздек улуғларимиз зиммасига тушади. Хайриятки, ёнимизда сизу Луқмон Барлос каби бекларимиз бор. Акс ҳолда билмадим, бу хоину сотқинлар орасида қандай яшаб, салтанатни қандай бошқарар эканмиз. Бахтимизга яратган тангримиз ҳам раҳмату марҳаматини дариф тутмай, мушкулимизни осон этмоқда.

– Менинг ҳам бошим қотган, султоним. На хешу, на дарвешга ишониб бўлмайд қолди. Сизнинг кўнглингиз тозалиги боис, барчани ўзингиз каби заҳн этасиз. Тўғрилиқ ва самимият эса ҳар доимо ҳам тақдирланмайди. Акс ҳолларда жазоланади, давлатпаноҳ. – Одатдагидек сўзлари нишонга тегар эди кекса амирнинг. – Бироқ ортга боқиб афсус чекмоқдан фойда йўқдур. Ўнгимизга боқиб, хатоларни такрорламаслик йўлидан бормоғимиз лозим. Янглишмасликдан шоҳу гадо, ҳеч ким муҳофаза этилмаган. Бироқ ҳали-ҳануз бундай иккиюзламачилардан қутуладиганга ўхшамаймиз.

– Булар икки юзли эмас, юзсизлардир, амир жаноблари. Улардан хушёр, закий ва тадбирли бўлмоққа мажбурмиз. Акс ҳолда ўз ичимиздан яғий чиқариб, салтанат илдизига болта уришда давом этаверадилар.

– Ҳақ ҳақнинг ёнидадир. Улар сиз айтган болтани тошга ва ёки ўз оёқларига урадилар. Шундан кўнглингиз роҳат топсин, султоним. Ҳеч бири одамга ўхшаб қаршимизга келмаётир. Бу ҳолат шуни кўрсатадики,

Салтанат тулпори

тожу тахт, мулку давлат бор экан, ўздан чиққан ёки ёту бегона бўлсин, унинг талабгори топилаверади. Буюк қардошингиз Мироншоҳ мирзоким, ётган жойлари нурга тўлгур султон соҳибқирон ҳазратларининг хоҳиширодаларига қарши борганларидек, бундай тахтсеварлар ўз авлодларингиз орасидан чиқиб қолмоғи ҳам эҳтимолдан холи эрмасдир. Бу ёруғ оламда не қадар сон-саноксиз одам бўлса, шу қадар феъл-атвор мавжуддир. Ҳеч кимга бул юзда-юз садоқатли, бу эса энг разил хоин дея ҳукм чиқариб бўлмас экан. Бул дунёда тоғу тошни чангитиб юрган жоҳил бир чўпон ҳам тоғлар ҳукмдори, ўзини хон, кўланкасини майдон санайди.

– Фикрларингизга тамоман кўшилурман, амаки. Бошкент ва қолажак кўшинни сизга, сизни худога топширдим. Фотиҳа берингким, йўлга чиқайлик. Пир подшоҳ можароси биз етиб бормасдан ҳал бўлса, сафарни узатмай, Ҳиротга қайтамиз. Яна қолганига Оллоҳ подшоҳдир, – дея улуғ амакиси Нуширвон Барлосни бағрига босди султон Шоҳруҳ.

– Йўлингизу юзингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! Дўстларингиз зиёда, яғийларингиз пиёда бўлсин! Ҳар замон тангрининг саломи ва севгиси узарингизда бўлсин! Омин, оллоҳу акбар!

Улар баробар қўлларини юзларига сийпадилар.

– Асл авлодимиз Муҳаммад Тарағай Улуғбек мирзоимизга дуои саломларимни еткуринг, султоним! – рижода бўлинди амир.

– Албатта. Ул авлодингизнинг ҳам сиз улуғ аждодимизу салтанатимиз устунига бўлган севгиси, меҳрмуҳаббати чексиздир! Сиз-да эгамга омонат бўлинг! – дуо қилди подшоҳ.

БЕШИНЧИ БОБ

Дунёдаги бутун ёмонликларнинг онаси жоҳилликдир.

Ҳадисдан

Хоқон-ла Корубор соҳилида хайр-хўшлашган амир Нуширвон Барлос жадал юриб, доруссалтанат Ҳиротга етиб келди. Оёғининг чанги билан улуғ малика Гавҳаршодбегимни зиёрат этди ва собиқ бош вазир Жаҳонмулк исёнининг барбод бўлишига доир тафсилотларни сўзлаб берди.

Сўнгра саройга кечиб, султон ноиби амирзода Иброҳим Султонга турумни англади.

– Султон Боязидни Жом атрофида қўлга олибдилар. Асир ўлароқ ҳузуримизга олиб келмоқда эканлар. Ул кишим бизга тоға мақомидалар. Табиийки, мендан қиблагоҳнинг гуноҳидан ўтишни сўраса керак. Бошим қотди, буюк амаки. Падари бузруквордан уни афв этишларини сўрасам дилларини ранжитиб қўймасмиканман? Ёки бу ишга аралашмайинми? – зиммасига илк бор Ҳирот каби бошкент ва салтанат тулпори жilовини бошқариш тушган амирзода самимий нигоҳини кекса амирга тикди.

– Қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазрати олийлари ҳам бул шарафсиз сотқинлардан ҳеч бирининг қонига ташна эмаслар. Шибарту атрофида амир Саодат Темуртош иниси билан ҳамда Аҳмад Оқбуғони амир Ҳасан Сўфи Бодғисдан тутиб келтирди. Амир Саодат бу ишга ташаббус кўрсатганлар сафида бўлганлиги учун қатлга етказилди. Иниси Олтибет ва Аҳмад Оқбуғони афв этдилар. Давлатпаноҳ хоқонимиз биз интиқом эрмас, адо-

лат пешидамиз дедилар. Онҳазрат келгунларига қадар уни ҳибсда сақлайлик. Не амр берсалар, шунга кўра ҳаракат этамиз, амирзодам, – маслаҳат берди Нуширвон Барлос.

Амирзода ва Нуширвон Барлос суҳбатидан ҳафта ўтди. Амир Черкаснинг чопари Мохонда Жаҳонмулк ва Намадаклар қўлга тушганлигини, юзбеги Эрсултон уларни бошкент сари олиб келаётганлиги хабарини етказди.

– Демак, исёнчилардан икки киши – амир Ҳасан Жондор билан ўғли Юсуф Жалиллар қолди. Иккисини тутсақ эди. Шунда уйқумизда ҳаловат бўларди, – деди эрталабки салом учун амирзода Иброҳим Султон қабулига кирган амир Нуширвон Барлос.

– Бул икки исёнчидан ҳам хабар бор, – деди амирзода отаси тахти ёнига қўйилган курсига ўтирар экан.

Подшоҳ қиблагоҳи уни ўз ўрнида ҳокимиятни бошқариб туришни топшириб кетган бўлса-да, у ҳукмдор тахтига ўтирмасди.

Ҳар кунги машваратни шу курсида ўтирганча ўтказиб, арзларни ҳам шу ерда тингларди.

– Не хабарлар, амирзодам? – сергакланди амир Нуширвон Барлос.

– Амир Ҳасан Жондор ўғли Юсуф билан Табас дашти йўли орқали қочиб, Исфаҳонга, амирзода Рустам ҳузурига кетмишлар.

– Кўҳистонга боғлиқ Табасда уларнинг султон соҳибқирон ҳазратлари берган суюрғол ерлари бор эди. Исфаҳонга бормай шу ерга кетгандирлар балки? – ҳайрон бўлди бек.

– Бизга ётиб келган ҳаводис шудир, устоз. Ақрабомиз мирзо Рустам амакисига суиқасд уюштирмоқчи бўлганларни қучоқ очиб қаршиламас керак ҳар ҳолда?

Нурали ҚОБУЛ

– Бу кўнуда бир нима дея олмайман, мирзом. Жилов бермас от ёмон, ўздаң чиққан ёв ёмон деганларидек, на ўз-ўзига, на ёту бегонага ишониб бўлмай қолди. Мирзо Умарнинг нағмасини кўрдингиз. Бул кетишда ул тарафдан янги мирзо Умарлар чиқиб қолса ҳам ҳеч таажжубланмайсиз.

– Шундай денг...

– Шундай, амирзодам. Мулку давлат, тожу тахтнинг ёзилмаган тўра тузуги шундай. Тош отганга тош, кесак отганга кесак отилади. Фақат буюк, улуғ бобонгиз ҳазрат соҳибқирон каби жаҳонгир фотиҳларгина ҳар қандай катта-кичик яғийни кечириб, бағрикенглик қилишлари мумкин. Бироқ биз эмас. Қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазрати олийлари оталари барпо этган буюк салтанатни сақлаб қолмоқ учун мужодала этар эканлар, барча хоинларни кечирмасликлари, қилмишларига яраша ясо ва йўсун ҳукмига топширмоқлари лозим. Акс ҳолда исёнлар болалайверади.

Эшик ўнгида кўл қовуштириб турган ясовул мударрис Шарафиддин Дизакий келганлигини маълум қилди.

– Устоз келибдилар. Мен бориб ул ҳазратдан бир оз сабоқ олайин, – деди амирзода назокат-ла ўрнидан туриб, кекса амирга ўз эҳтиромини билдирар экан.

– Ҳузурингизга чорлаб шу ерда сабоқ олсангиз ҳам бўлар, амирзодам, – жавоб қилди Нуширвон Барлос ўрнидан туриб мирзо ила қопу томон юраркан.

– Назаримда, одобсизлик бўлур, амир жаноблари. Қиблагоҳ ҳазратлари ҳам сабоқ олмоқ ва Қуръони карим таҳлили ила машғул бўлганларида доимо мударрислар ҳузурига борадилар. Уларни саройга чорлаб, дарс тингламоқ ахлоқу тарбиямизга уйғун эмас деган фикрдамен. Устоз Дизакий сўзлаганлари каби мактабу мадрасалар бизнинг ахлоқий йўлкўрсатгичимиз, сарою

Салтанат тулпори

кўшқлар эса сиёсату иқтисоднинг тамал тошлари битилгувчи масканларидир. Тангри таоло, дину диёнат ишини сиёсатга қориштиравермоқ улусга хайр келтирмайди, дейдилар ул устоз, – гапириб кетарди амирзода.

– Биз бир от чопиб, қилич сермаб юрган аскар бўлсак, олийнажот шаҳзодам. Сиз сўйлаган сарою мадраса сабоғини олмаганмиз. Сўзимизда қусур бўлса айбга буюрманг, – эҳтиётсиз гапидан хижолатда эди бек.

Улар кўринишхонада турган Дизакий билан саломлашдилар.

– Сабоқ олмоғимизга энг уйғун жой сизнинг хонангиздир, устоз. Лутфан бошлай билурсиз, – деди амирзода Иброҳим Султон таъзим-ла мударрис ила кўришар экан.

Устоз ва шогирд амир Нуширвон Барлос билан хайрлашиб, сарой қаршисидаги мадраса томон йўналдилар.

– Ўтрорда, улуғ бобом ҳазратлари билан сўнг бор суҳбатлашган киши сиз экансиз, устоз. Ҳазрат бобом ила не мавзуларда кўнишган эдингиз? – сўради амирзода баҳор куёшида қизий бошлаган тош қопламали ҳовлида кетиб боришар экан.

– Чинда кўп маротаба бўлганим боис, ҳазрат бобонгиз ул мамлакатнинг об-ҳавоси, жўғрофияси, халқининг урф-одатлари ҳамда кўшин тузилмаси ҳақида сўрадилар. Кўксарой кутубхонасида мавжуд бўлган чин файласуфлари китобларидан таржималар қилиб бергач, жуда қизиқиб қолдилар. Билхосса, Кон Фу Цзи фикрларини ҳайрат-ла қайта-қайта ўқир ва мендан сўрар эдилар.

– Демак, чин фалсафаси юнонларникидан-да эскироқдир. Шундай десак бўладими, устоз?

– Айнан шундай, амирзодам. Бугун биз улуғ бобонгиз ҳазратлари диққат-ла ўқиган ўша файласуфнинг фикрлари ҳақида мушоҳада этамиз, – шогирдининг сўровини

Нурали ҚОБУЛ

жавоблантирди мударрис. – Яна бир хусусда билгилар олмоқчиман. Айтишларича, чин мамлакатида шу қадар кўп халқ яшармишки, ҳатто улар лашкарининг умумий сони бизнинг Хуросон юрти нуфуси қадар эрмиш. Буларни улуғ бобом ҳазратлари билармидилар? Агар билсалар, недан ул юрт сари юрмоққа қарор қилдилар? Бу саволимга кимса жавоб бера олмади, устоз.

– Улуғ бобонгиз ҳазратларининг билмаган нарсаси, кўрмаган ўлкаси қолмаган эди, азиз амирзодам. Бироқ бул юриш, не қадар тўғри ёки нотўғри бўлганлигини муҳокама этиб хулоса чиқармоқ тарихчилар ишидир. Менинг шахсий фикримни сўрмоқчи бўлсангиз мутлақо кераксиз эди. Бироқ муҳтарам улуғ хоқон ҳазратлари шону шуҳрат, давлату салтанат пиллапоясининг шул қадар юксак шоҳсупасига кўтарилган эдиларки, ҳеч ким, ҳеч қандай куч ул зоти олийни бул аҳд ва йўлдан қайтара олмасди. Амир Боботурқдан бошқа ҳеч ким бунга журъат этмади ва бунинг учун уни Шоҳруҳияга бадарға этдилар.

– Бул юришга улуғ бобом ҳазратларининг асослари бўлгандир, албатта. Машваратларда бул ҳақда гап кетган бўлса керак. Туйган бўлсангиз шулар ҳақида ҳам сўйласангиз? – сўроқда давом этди амирзода.

– Албатта, амирзодам. Бобонгиз ҳазратлари сўз ва аҳди паймон инсони эдилар. Бировга ваъда бердиларми, юзда-юз бажарардилар. Бир ишга аҳд қилдиларми, охирига етказмай қўймасдилар. Султон соҳибқирон зоти олийларининг қаҳрини кўзгаган биринчи нарса чин подшоҳининг шахсларига нисбатан ҳақоратомуз маънода мактуб битганлигидир. У Турон давлатининг ғарбий қисмига даъвогарлигини такрорлар ва биздан йиллик бож тўлашни талаб қилар эди. Бир пайтлар мўғулларнинг Улуғ улуси уларга қараган бўлса, Жете-

ларга қарши юришларида бу ҳудудлар Турон давлати тасарруфига кечганди. Шунинг учун ҳам улуғ хоқон ҳазратлари бу сафарни ортга сурмадилар. Етти йиллик юришдан қайтгач, беш ойдан сўнгра Чин сафарига қарор бердилар.

– Англадим, устод. Энди ўша, улуғ бобом ҳазратларига асарларини таржима этганингиз чин файласуфи фикрлари ҳақида билги берсангиз?

Хос ҳужрасига етиб келган Дизакий хонтахтада юзмаюз ўтирган шогирди учун навбатдаги сабоқни бошлади.

– Унинг таълимотига кўра инсон – барча моддаларни ўзида жамлаган алоҳида бир мавжудотдир. У ўзининг ақл-идрокини эзгулик ёки ёмонлик йўлида ишлатишига қараб ё камол, ёки заволят топиш қобилиятига эга бўлиб боради. Ёвуз хатти-ҳаракатлари учун жазоланади, эзгу ишлари учун эса мукофотланади. Файласуф одамларни маънавий ва ақлий сифатларига кўра беш тоифага ажратади. Биринчи тоифа – энг қуйи даражадаги, нодон ва оми одамлар. Улар халқ орасида жуда кўп учрайди. Уларнинг бошқалар ҳавас қилса арзийдиган фазилатлари ҳам йўқ. Тили бўлгани учун гапирадилар. Айтган гапларидан халққа бирор-бир манфаат борми-йўқми, буни ўйлаб ўтирмайдилар. Яъни улар мақсадсиз, фақат яшаш учунгина яшаб юрган, биров буюрмаса, айтмаса ҳеч бир иш қилмайдиган, ҳайвондан фарқ этмайдиган одамлардир. Унинг қарашига кўра бундайларни фақат одамга ўхшагани учун, яъни кўзи, қулоғи ва оғзи бўлгани учун одам санаш мумкин.

– Узр тилаймен. Шу ўринда бир сўровим бор. Бу фикр Оллоҳнинг яратикларига жуда паст назар ила боқмоқ эмасму, устоз? – ҳайрон эди амирзода.

– Ул киши одамларни худо яратган деб билмайди. Чақалоқ – бу ҳали тўла маънодаги инсон дегани эмас,

Нурали ҚОБУЛ

осмон унга ақл-идрок, тафаккур бериб, фикрлашга қобил қилгандан сўнггина у инсон деган номга лойиқ бўлади, дея таъкидлайди.

– Демак, осмон деганини тангри деса бўладими?

– Бўлади, амирзодам.

– Яна бир бор узр тилармен, устоз. Сўзингизни жон қулоғим ила тинглаяжакман.

– Файласуф иккинчи тоифа одамларга саводли, ўқиган, маърифатли кишиларни киритади. Уларнинг ақли шу даражада ривожланган бўладики, улар оддий халқнинг ақли етавермайдиган нарсалар ҳақида фикр юритадилар. Бу тоифа кишилар тўра ва тузукка, урф-одатларга мувофиқ, онгли равишда мазмунли умргузаронлик қиладилар. Учинчи тоифа кишилар ҳам шундай феъл-атвор ва кўникма соҳиби бўладилар. Булар ҳам қайғули дамларда изтироб чекиб, шодлик онларида қувонадилар. Вазминлик ва олижанобликларини намоён этадилар. Лозим бўлган пайтда гапириб, керак замонида сукут сақлайдилар. Бу тур одамларни у файласуфлар дея баҳолайди. Тўртинчи тоифа одамларни эса энг самимий ва ҳақиқий олижаноб кишилар деб билади. Сўнги, бешинчи тоифани энг кам учрайдиган, ноёб шахсиятлар, яъни ҳар томонлама мукамал саналган комил инсонлар дейди. Давлат ишлари ўшандай кишилар қўлида бўлиши керак дея таъкидлайди олим.

– Бир суҳбатингизда деярли барча ҳукмдорлар ақлли, донишманд кишиларни хуш кўрмайдилар дея таъкидлаган эрдингиз. Демак, бечора олим бу қадар закоси ва фикри туфайли кўп тазйиқу маломатларга дучор бўлган бўлса керак-а? Бизда ҳам Беруний, Фарғоний, Форобий ва ибн Сино каби олимлар обрўси ҳукмдорларникидан ошиб кетгач, ота юртларини тарк этганлар ва бир парча тупроқлари мусофир юртларда қолиб кетган деган-

дингиз, устоз? – мураббийини диққат-ла тинглаб, айрим фикрларини қоғозга қайд этароқ сўради амирзода.

– Деган эдим, азиз амирзодам. Шундай ҳукмдорлар бор. Улар улуснинг асл ҳалол ва ватанпарвар, бутуну до-нишманд шахсиятларини кўрса қассобнинг безига айла-ниб, кун бермайдилар. Ўз айғоқчиларию узунқулоқлари орқали кечаю кундуз таъқиб этиб ҳибсга олади. Жабр-зулм этади. Бироқ маълум ва машҳур бўлганлиги учун маҳв этмоққа журъат қилолмай, бош олиб кетмоққа маж-бурлайди. Натижада, ўлка ва миллат ўзига тўғри йўл кўр-сатгувчи бир олиму ойдиндан мосуво бўлади. Улуси-нинг кўзини очиб, уни илгари бошламоқчи бўлган бир олим Дехли ёки Қоҳира, Боғдод ёхуд Дамашққа бориб бир парча экмак учун бирор-бир подшоҳ хизматиға ки-ради. Сарсон-саргардончилик, ночору муҳтожликдан кўл закий олимларимиз синиб, йўқ бўлиб кетганлар. Бунинг бош сабаби ҳокимият тепасида жоҳил ва разил кимсаларнинг турганлигидадир. Улуси ўнгини кўрган, кўрмоқни истаган ҳукмдор эса худди Оллоҳ жаннат рав-заларидан жой насиб этган бўлсин, улуғ ва ҳимматли бобонгиз каби бутун олам олимларини бошкент, яъни ўз мамлакатаида тўплайди. Боиси, илму билимсиз кел-ажак йўқдир. Диний илмлар билан киши овуниши, ўзига таскин бериши оила ва маиший ҳаётини изга солиши мумкин. Бироқ дунёвий ҳақиқатларга эришиб, уни кашф эта олмайди. Шул боис ҳам сиз олийнажот амирзодамиз пайғамбаримиз ҳазратларининг чинда бўлса-да, илм ўрганнинг деган сўзларига амал қилиб, чин тили ва фал-сафасини ўрганмоқдасиз. Ҳазрати пайғамбаримиз бе-жизга чин сўзини тилга олмаганлар. Боиси, чин мантиқ ва фалсафанинг ота ва она юртидир. Эндиликда ис-лом динига кириб, ҳали-ҳануз дунёвий билимларни ўрганмоқни Оллоҳга шак келтириш дея баҳолайдиган

Нурали ҚОБУЛ

мутаассиб диндорларимизнинг ота-боболари жоҳилият замонида яшаб ўз сингилларига уйланиб юрган даврларда тилга олганимиз чин олими оила ахлоқи тузуқларини ишлаб чиқиб, элини инсон каби яшамоқ ва меҳнат қилмоққа даъват этган. Одамлар қуёш нурига талпинганидек, унга интилганлар. Буни кўрган Сун вилоятининг бош қўмондони олим атрофига тўпланган кишиларни халқ тинчлик ва осойишталигини бузувчилар дея эълон этиб, файласуфни шогирду тингловчилари билан қувғин қилади. Буюк, серсоя чинорлар одамларга зарар бермоқда, бу дарахтларни яғий бир подшоҳ эктирган дея илдизи билан кўпортиради.

– Шундан сўнг бечора олим қайга боради? – сўради ҳамон ёзаркан мирзо.

– У Цлай вилояти томон йўл олади. Бироқ золим ва такаббур, ўзини барчадан ақлли санагувчи ҳоким бошида турган жамият уни қабул этмайди. Қўшни Чжен хукмдори уни ҳурмат билан қарши олади. У бу ерда асоссиз ўлим жазосига ҳукм этилган уч ватандошининг ҳаётини сақлаб қолмоққа эришади. Бироқ у бу ерда ҳам Сун вилоятидаги каби қаршиликка дуч келади. Файласуфнинг мароқли суҳбатлари туфайли обрўси ошиб, ўзлари эътиборсизлашиб қолишдан чўчиган вазирлар хавфли рақиб сифатида уни ёмонотлиқ қилишга эришадилар ва зиндонга ташлайдилар. Инсониятни ҳақ йўлга етакламоқчи бўлган Иброҳим алайҳиссалому ҳазрати Исо, Муҳаммад пайғамбару Будда. Барча-барчаси ана шундай оғир, машаққатли йўлни босиб ўтганлар. Олим қўшни вилоятлардан етиб келган суворийлар кўмагида зиндондан озод этилади. Ҳибсдан чиққач, шогирдлари билан қадимги подшоҳлар осмон шарафига қўрбонлик маросимларини ўтказган Пеншан чўққиси томон йўлга тушади. Бу пайтга келиб хукмдорлар бу манзилни унутган, асрий анъаналар бузилган эди. Бундан дили вай-

рон бўлган олим янги куч-ғайрат ила одамларга ҳақу ҳақиқатни бор овозда англлатмоқда давом этади, – сабоғини якунлади Дизакий..

– Олимнинг китоблари бизнинг кутубхонада йўқ экан. Суриштирсам, муаррих Ғиёсиддин Наққош устозда бор экан. Таржима этиб, келтирмоққа сўз бердилар.

– Мен таржима этганларимни ҳазрат соҳибқиронга берган эрдим. Бу қоғозлар зоти олийларининг хос сандиқлари ила Самарқандга жўнатилган эди. Билмадим, бугунги кунда кимнинг қўлига тушган, – билги берди мударрис.

– Иншооллоҳ, Самарқандга борсак топармиз. Бу ишга баробар киришсак савоб иш бўлғай деган фикрдамен, устоз, – таклиф этди амирзода. – Зотан, улуғ бобонгиз ҳазратларининг амрлари ила бу ишни бошлаган эдим ва давом этирмоқдамен. Она шахрим Дизақда бир муддат бекор қолганимда анчасини таржима этдим. Кўмак этсалар бир неча нусхада кўчиртирар эрдик.

– Англашдик, мухтарам устоз. Бу ҳақда кимсага сўйламанг. Мен ўз ҳисобимдан амалга оширгум, – савобли ишга бош қўшганидан хурсанд эди амирзода.

– Тангри олийнажот амирзодамиздан рози бўлсин. Иншооллоҳ, миллат корига ярагувчи бу хайрли ишларнинг ажри бордир, – дуо этди мударрис.

Тўртинчи ойнанинг олтинчи куни хоқон доруссалтанат Ҳиротга етиб келди.

Кетма-кет эришилган зафарлар муносабати билан маликалар султон ва шахзодалар бошидан сочқилар сочдилар. Меҳтар тақими¹ бошкентни тўлдириб султон Шоҳруҳ наққорасини чалар, шаҳар майдонларини қоплаган ёввойи каптарлар тўп-тўп бўлиб учишар, дарвешу қаландарлар кўчаларни тўлдириб зикру сано айтишарди.

¹Меҳтар тақими – салтанат оркестри.

Тилию дили бир,
Эллар бўлинмас.
Оқиллар жоҳилга,
Мудом эланмас.

Ғариб-ғуробога,
Жабр қилинмас.
Номард суфрасидан,
Экмак олинмас.

Нокас шафқатига,
Назар солинмас.
Миннатли маконда,
Тунаб қолинмас.

Буюрмас молу мулк,
Элга илинмас.
Муносиб рақибнинг,
Зарби билинмас.

Тобутни буроқиб,
Ясда кулунмас.
Сассиқ алаф қолиб,
Чечак юлинмас.

Қон юқи қўллардан,
Соврун олинмас.
Ҳадафга қўшдингми,
Йўлда ўлунмас.

Хоқон зиёрати учун Балхдан етиб келган мирзо
Қайду Пирмуҳаммадни Ҳиротга бир манзил етмасидан

Салтанат тулпори

қаршилаган амирзода Иброҳим Султон ва амир Нуширвон Барлос Туркистон муаммоларини муҳокама этиб келишарди.

– Бизга етган хабарларга кўра ота юртимизда уч куч ҳокимият талашмоқда. Булар ақрабомиз Халил Султон, Фарғона ҳукмдори Худойдод ҳамда Туркистонни элда тутиб турган ака-ука Бердибек ва Шайх Нуриддинлар. Бу тирлашувнинг оқибати қай тарзда битажақ, буни фақат устоз Нуширвон Барлос авомиз башорат эта билдилар, – деди оти жilовини ўйнаб келаётган Қайду мирзо.

– Отаси қатлини оғир қабул қилган ва бир муддат узлатга чекиниб, одамови бўлиб қолган амирзода ўзига келиб қолган эди.

– Охир-оқибат уч тахтпарастдан бири қолади ёки бир-бирини еб битиради, – деди кимсанинг олдида андиша қилиб ўтирмай гапни қўйиб юбораверадиган амир Нуширвон Барлос ишончли оҳангда. – Йўрганининг неча қаричлигини билмаган бу уч шарафсизликка номзодларнинг қисмати не ила тугаяжагини кўрасизлар. Ҳар учови ҳам ўзидан султон соҳибқирон Амир Темур ясамоқчи. Ҳаёт, одам зоти азалдан шундай. Тулпорга тақа қоққанда хачир оёғини кўтарар экан. Улар айнан бир-бирларига оёқларини кўтариб, тепа бошлаганда биз дабба қиламиз.

– Нуширвон амаким гапни оладилар-да, – амирнинг оғзига қараб қолган эди Иброҳим Султон. – Не десалар тўғри бўлиб чиқади.

– Бунинг учун бизга ўхшаб Эна дарёни эллик йил кечиш керак, авлодим. Эсимни танибманки, султон соҳибқирон ҳазратлари ёнларида хоину хоинваччаларга қарши курашаман. Салтанат бошкенти Самарқандга бораркан ҳам; Ҳиротга дўнаркан ҳам сотқину нонтепкиларга чалишиб йиқиласан...

Нурали ҚОБУЛ

Ҳангома куюқ давом этаркан, орқа тарафдан шитоб билан чопиб келаётган суворийнинг шовури эшитилди.

Қайду мирзонинг Балх чериги тўхтамоқ учун секинлади. Чопарнинг қиёфаси ташвишли эди.

– Қотил Пир Али Тоз ҳазора яна черик тўплаб, Бадахшон кофирларидан мадад олиб, Балхга бостириб келаётган эмиш. Бутун шаҳар аҳли таҳликага тушган! – отидан сакраб тушиб, тили бўғзига тикилганча сўзлади навкар.

Амир ва амирзодалар бир-бирларига қараб қолдилар. Икки шахзоданинг кўзи ҳам Нуширвон Барлосда эди.

– Демак, турум оғир, жигарларим. Сиз амирзодам, чопарни ёнингизга олиб ҳамон Ҳиротга қайтинг-да, бу хабарни хоқони саид ҳазратларига етказинг, – Иброҳим Султонга қаради бек. – Биз Қайдубек мирзо билан Балх томон юрамыз. Султон ҳазратлари не амри фармон берсалар, шунга кўра ҳаракат этамыз. Қаршимиздан чиқса савашамиз. Чекинажак бирор қарич еримиз йўқ.

Улар апил-тапил хайрлашиб, айрилдилар.

Амирзода Иброҳим Султон ярим кечада бошкентга етиб келди. Отаси одатдагидек Қуръон тиловот қилиб ўтирарди. Қиблагоҳининг элини ўпиб, нохуш хабарни айтди.

– Вазият маълум. Ҳозир бориб истироҳат этинг. Эр-тага эрталаб қўшин илғорига бош бўлиб, Балх томон йўлга тушасиз, – худди отаси амир Соҳибқирон каби давлат ишларини кўнишганда шахзодаларни сизларди Шоҳруҳсултон. – Ул безотнинг қўлидан ҳеч иш келмайди. Эллай биладиган ва ақли етадиган ягона иши – қойиллатиб қоча билмоқдир. Шунга кўра тадоригингизни кўринг, авлодим. Оллоҳ ёр, пирлару улуғ бобонгиз руҳи мададкор бўлсин! – дуо қилди ота.

Иброҳим Султон яна қиблагоҳи қўлини ўпиб хайрлашди.

Ҳирот илғори йўл танобини тортиб, Балх томон илдам борарди.

Пир Али Тоз эса рақибнинг бу қадар тез етиб келишидан беҳабар, Балхни қамал қилишга ҳозирлик кўрарди. Сараланган Ҳирот черигининг илк зарбасидаёқ, яғий қўшини парокандаликка учради. Ўнлигу юзликлар дуч келган сою дара томон ўзини урди. Юзлиги билан тўқнашувни юксакроқ тепалиқда кузатиб турган Пир Али Тоз яна ўз жонини қутқариш кўйига тушди. Нуширвон Барлоснинг сараланган суворийлари яна унга етолмадилар.

Қўшин илғори бошкентга қайтди.

Лашкар ортидан подшоҳ амакиси зиёратига мирзо Қайду ҳам етиб келди. Уни доруссалтанат Ҳиротда шоҳона кутиб олдилар. Қарама-қаршиликли пешкашу ҳадялар тақдим этилиб, зиёфатлар бошланди.

Хоқон салтанат боғидаги кўшқда амирзодалар Қайду, Иброҳим Султон, Бойсунқур ва Суюрғатмиш мирзолар билан гурунглашиб ўтирар, амирзодаларга имтиҳон тарзида турли саволлар берарди.

Боғ дарвозаси олдидаги ғала-ғовур суҳбатдошлари хизматчилар диққатини тортди.

Меҳмондорчиликка оталиқ қилаётган Нуширвон Барлос хабар олгани қопу томон йўналди. Бир муддат сўнгра қўлида хуржун билан қайтиб келди. Ёнида кийинишига қараганда ҳазора қавмига мансуб юзбоши бор эди.

Барча бирдек амирнинг билагидаги хуржунга тикилиб қолди.

– Пир Али Тознинг бемағиз боши, – деди хуржунни ерга қўяр экан. – Ҳазоралар Пир Али орамизда экан, фитнаю фужурдан бошимиз чиқмайди, дея калласи-

Нурали ҚОБУЛ

ни узиб, ичига сомон тикиб, мана бу юзбошидан бериб юборишибди, – сўзида давом этди кутилмаган воқеадан ҳайратини яширмай.

– Ё тавбангдан кетай, тангрим! Астағфируллоҳ! – деди султон калимаи шаҳодатни такрорлар экан. – Ўлдиришга ўлдирибдилар. Бироқ майитга бу қадар азоб бермоққа не хожат бор эди? – хуржунга тикилиб турган Нуширвон Барлосга қаради подшоҳ.

– Улар мавжуд таомилга амал қилганлар. Бошини юбормасак, хоқони саид ўлганига ишонмайди деб ўйлаганлар. Ваҳоланки, бу валиаҳдуш шарафсиз қотил ана шундай таҳқирли ўлимга муносибдир, – тилидан тоймасди кекса темурий бек.

Амир Нуширвон Барлос шундай деди-да, хуржунни кўтариб келиб Қайду мирзонинг оёғи остига ташлади.

– Ал қасос-ул мин ал-ҳақ! Бу ёруғ дунёда ҳеч бир жиноят қотиллик жазосиз қолмагай! Ҳар замон такрорлаганим каби биз ҳеч қачон ва ҳеч кимга нисбатан интиқом пешида бўлмадик. Адолат пешида бўлдик. Мулки давлат бадахшонликлар каби динсиз яшаши мумкин. Бироқ адолатсиз яшай олмайди. Тупроққа айланган бу кишининг давлату салтанатимиз, миллату мамлакатимиз олдидаги жинояти жуда катта эди. Бироқ бир мусулмон сифатида жасадининг бу тахлит таҳқирланиши дину диёнат ва инсонликка тўғри келмайди.

Воқеадан қаттиқ таъсирланган хоқон ўрнидан турганча хуржунга қараб қолган эди.

– Гапир! Недан бундай қилдилар? – сўради хоқон Пир Али Тознинг бошини келтирган ҳазора қавми юзбошисидан.

– Бу исён бошланиб, валиаҳд шаҳид этилганидан бери элимизнинг осойишталиги йўқолди. Унга қўшилиб ҳар бир ҳазора фитначию исёнчига айланиб қолди, сул-

тон ҳазрати олийлари. Бу аҳволда эрта кунда барчамиз қирилиб кетамиз. Хуросон мамлакатада барча элу элатларни ўзимизга душман қилиб қандай яшаймиз? Бу фасод хамиртуруши токи бизнинг орамизда экан, фитна давом этаверади ва барча бизни валиаҳд қотили деб биллади. Ҳазораликларнинг юзда ўни буни қувватлаганди, холос. Эндиликда улар ҳам ўз хатоларини англаб етиб, зоти олийларидан узр тиламоқдалар. Бизни теурийларга қарши қайрайвериб, ҳолдан тойдирган эди. Ундан қутилдигу елкамиздан тоғ ағдарилгандек бўлди. Хоқони саид зоти олийларига тобелигу садоқатимизни билдирмоқ учун оқсоқолларимиз ваколат-ла юзлигим билан мени ҳузурингизга йўлладилар. Менким, юзбеги Аҳмад Аъзам Ҳазора. Арз этамен! – дея тиз чўкиб тобуғ расмини бажо келтирди ҳазора юзбошиси.

– Турум маълум! Бизга қарши қилич кўтарган аскарларни афв этдим! Ҳукмдорни барча бирдек хуш кўрмаслиги, маълум бир гуруҳлар муҳолифатда бўлишига табиий ҳол дея қарамоқ керак. Ҳақиқий подшоҳ, ана шу нохайрихоху рақибларни ҳам тўғри ва одил сиёсатига ишонтириб, ўзига дўст қилади. Нодон, жоҳил, тақаббур ва золим ҳукмдор эса рақибларни ашаддий ғанимга, ҳатто дўстларини ҳам душманга айлантиради. Ўтоғоларингизга сўйланг. Ҳузуримизга келсинлар. Нуфусларингиздан келиб чиқиб, мамлакат ва улус вазиру амирликларини берамиз ҳамда қиблагоҳ, улуғ хоқон замоналаридаги каби тинч-тотув яшаяжакмиз, – дея сиз нима дейсиз дегандек амир Нуширвон Барлосга қаради султон.

– Тож-тахт орзусини қилган ҳар қандай ишламаган калланинг охир-оқибати мана шундай тугайдир, – деди амир қиличи учи билан хуржунни кўрсатиб. – Кимки бундан сабоқ олиб, хулоса чиқармас экан, бошига шу

Нурали ҚОБУЛ

каби фожиа тушаверади. Буюринг, хоқоним. Буни не қилайлик? Менга қолса Ўрусияда ўзини сохта валиаҳд сифатида шоҳ эълон этган Георгий Самозван дегани каби бу бошни тўлга тутиб отсак. Яъжуж (япон демокчи) ларда ҳам бир одат бор экан. Киши жиноятчими, ҳатто у вафот этган бўлса-да, лаҳаддан кавлаб олиб, жасадини маълум муддат дорга осиб қўйишар экан. Бу қотиллар қиролини шундай қилмоқ керак, – жазаваси тутганди амирнинг.

– Тўғрими, янглишми, ўз фикрингизни сўйламоқ ҳуқуқига эгадирсиз, амир жаноблари. Бу хусусдаги сўнг қароримиз шундай. Уни ҳазора юзбошиси қайтариб олиб кетсин ва танаси билан қўшиб, инсон каби дафн этсинлар! Авлодимиз мирзо Рустамга, Исфаҳонга элчи жўнатингким, ота-бола исёнчилар ҳузурига қочиб борган Ҳасан Жондор ва ўғли Юсуф Жалилни бизга юборсин! Тафтишларимиз шуни кўрсатдики, амир Султон Боязид Жаҳонмулк исёнини астойдил қўллаб-қувватламаган. Шул боис фарзанди аржумандимиз, амирзода Иброҳим Султоннинг шафоатлари ила унинг гуноҳидан ўтдик. Амир Черкас тутиб олиб пойтахтга юборган бош ва ёнбош исёнчиларни ярғучиларимиз сўроқладилар ва улар жиноятларига иқроор бўлдилар. Олий қози ҳукми ва шайхулислом ҳазратларининг ризолиги билан уларни ясоққа етказишга қарор қилиндиким, мен ҳам бу ҳукмни тасдиқлайман!

Амирлар Жаҳонмулк Қавчин ва Намадакларни қатл этмоқ учун Қирқ-қиз дарвозаси ташқарисига олиб кетдилар.

Ҳаяжонланган хоқон қайтиб жойига ўтирди. Амирзодалар қўл қовуштирганча тик туришарди. Ҳазора юзбошисини эргаштирган амир Нуширвон Барлос боғ

Салтанат тулпори

дарвозаси томон юраркан, хизматчиларга қўноқларни мусофир этмоқ учун қўйлар сўйиб, жой ҳозирлашни тайинлади.

Хоқону шахзодалар, ясовулу қоровул, чухраю мулозим, барчанинг кўзи ҳайрату даҳшат-ла ҳазора юзбеги-си елкасига ташлаган хуржунда эди.

Бутун салтанатни оёққа турғазган, Турон давлати валиаҳди, Амир Темур тахтининг ворисини қатлга етказган қотилнинг боши хуржунда солланиб борарди.

Бу ҳолдан таъсирланган амирзода Қайдунинг кўзларидан ёш оқар, мирзо Иброҳим Султон унга далда бўлгандек ўнг қўли билан елкасидан кучиб турарди.

– Унутманг, авлодларим, – деди анчадан сўнг чуқур нафас олган хоқон бўғиқ овозда. – Хуржунга солиниб оёқларингиз остига ташланган бу бош ёруғ оламда ҳеч бир зулму қотиллик жазосиз қолмаслигининг исботу далилидир. Ҳеч қачон ва ҳеч кимга ноҳақ жабру зулм этманг! Зуғуму зулмнинг тутаган хира шами билан ҳеч бир юрт обод бўлмаган! Ноҳақ тўкилган бир томчи қон бир кун келиб қон дарёсининг оқишига сабаб бўлади! – деди хоқон қўл қовуштирганча тик турган уч амирзодага боқаркан. – Сизлар боғ айланиб кеза билурсиз. Биз Нуширвон бобонгиз ила бир оз қўнишамиз, – деди сомон тикилган бош воқеасидан дили хуфтон бўлган султон.

Амир Нуширвон Барлос салтанат боғи дарвозасининг ўнг ва сўл тарафида, қоровуллар яшаб тунайдиган тимларга йўрган ва пўстак солдириб, тери ошлоқларини ёздириб, ҳазора юзлигининг суворийларини ўтқазар, бақириб-чақирганча ошчи ва баковулларга иш буюрарди.

Амирзода Иброҳим Султон бекни отаси кутаётганини айтгач, терлаб-пишиб қўшкка етиб келди.

– Ўтиринг, истироҳат этинг, амаки, – деди хоқон амир-

Нурали ҚОБУЛ

га қаршисидан жой кўрсатар экан. — Бу дунёнинг ташвиши бир сизга қолган кўринади. Мудозимларнинг ўзи қарашар.

— Одамгарчилик отангнинг қули эмас дегандек, уларга эътибор қилдик-да, жигарим. Бутун бошли ўрду қилолмаган ишни қилишибди. Тақдир этмоғимиз керак, онҳазрат. Ботир қони юракка, хоин қони челақка томади дегани шу-да.

— Киши ўзгалар нари турсин, ўз-ўзи учун ҳам хавфхатар манбаига айланса қисмат қотиби унинг тўқлик фармонини шу тахлит ёзажақдир. Бунинг барчаси тўлиб-тошиб кетмоқ, такаббурлик ва ҳаддидан ошмоқнинг аянчли ҳосиласидир. Ҳаддидан ошган ҳалок ўлур.

— Семизликни қўй кўтаради, султоним. Гадойликдан шоҳликка бит каби болоқдан ўрмалаб бошга чиққанлар буни англаб етмайдилар, — ўрнашиброқ ўтириб хангомани оларди амир.

— Биз зафар байроғини кўтарар эканмиз, аслида бу сўғишу савашнинг недан юз берганлиги ва унинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ўйламоғимиз керак. Марҳум валиаҳд Пирмуҳаммад ва амир Шоҳмалик кўшинининг Халил Султон ўрдусидан енгилиши жуда кўп отадушман яғийларимизни руҳлантириб, қичимаган жойларини қашитди. Модомики енга олмас экан, валиаҳди шаҳид бу ишга қўл урмаслиги, учи-қўйриғи йўқ ўз мамлакатини бошқариб ўтиравериши керак эди. Шу ҳудудларнида адли адолат ила йўнатмоқнинг, ҳокимиятни сақлаб қолмоқнинг ўзи катта гап эди. Инсонлар, айниқса, мулку ҳокимиятнинг ширин тотини тотгану туйган кишилар ўзларидан кўра уқувсиз бирининг тахтда ўтирганини кўрсалар, пайтаваларига қурт тушади. Нега мен эмасу, қобилияту салоҳиятсиз ўша, дея куну тун салтанат чортоғига от қўйиш ҳақида бош қотиради. Шунинг учун

Салтанат тулпори

хам элу элатларни онасидан подшоҳ бўлиб туғилганлар эмас, оқил ва доно шахсиятлар бошқармоқлари керак. Нонни "нанна" деб юрган бизнинг амирзодаларга ҳали-бери буни англашиб, уқтириб бўлмайдиган чоғи, – ҳорғин оҳангда кўнишарди султон.

– Энди бу каби паст-баланд гап-сўзлар ғавғою шўришлардан изтироб чекиб, ўзингизга олавермайсиз, давлатпаноҳ султоним. Дунё дунё бўлибдики, бундай машмашалар бор. Сиз шаҳзодаю амирзодаларни айтасиз. Тоғдаги чўпону боғдаги боғбон билан отамлашсангиз-да, авлодининг ношўдлигидан нолийди. Бориға барака, йўғига ҳаракат этмоқдан бошқа иложимиз йўқ. Айни дамдаги энг муҳим ишимиз – султон соҳибқирон тузган давлату мамлакатнинг парчаланишига йўл қўймаслик. Бир мамлақату вилоятга имкон берилдими, тамом. Ўйин бузуқилик давом этаверади.

– Афсуски, бу иш ўз жигаримиз бошчилигида бошкентдан бошланди. Бу эса амир Худойдоду Шайх Нуриддин, Пир Али Тозу Пир подшоҳ кабиларга дастак бўлди. Биз барча ишни Халил Султон ила англашароқ қилганимизда бугунги кунда вазият ўзгача бўлармиди?

– Сулҳу шартнома воситасида англашилмагач, амир соҳибқирон ҳазратлари айтган ўша, тўққиздан бир бўлган сўнги чора қўлланилади, султоним. Кечаги юришда кўрдингиз. Салтанатимиз кўшини эллик мингдан ошди. Яна бир ғайрат қилсак, олтмиш, етмиш мингга чиқара оламиз. Бундай ўрду қаршисига ҳеч ким юрак ютиб чиқа олмайди. Кўктошга орқасини ишқаб ўтирган ақрабомизнинг кўшини жондор оралаган сурувдек тарқаб кетмоқда экан. Ундан қочиб Хоразмни эгаллаган қоратурклару ироқликлар, ҳазоралару эронликлардан хабарингиз бор. Биз катта кўшинни йиғиб йўлга чиқайлик. Бунинг хабарини эшитган рақибу яғий Тўхтамишхон каби

Нурали ҚОБУЛ

шимол ўрмонларидан бўрию тулкини қувиб чиқаради. Сабр туби сариқ олтин, султоним. Самарқандга қочиб борганлар, энди Сайраму Султония йўлини тутадилар ва ўшанда ҳам сиз уларга раҳм-шафқат қилиб, меҳр-мурувват кўрсатасиз.

Беихтиёр жилмайган подшоҳ амир гапини маъқуллагандек бош ирғади.

Кўшк этагига келиб турган ясовулбоши кўл қовуштирганча, подшоҳнинг қош-қовоғига қараб турарди. Боғ дарвозасига яна қандайдир суворий етиб келган бўлиб, қоровуллар билан гаплашарди.

– Не ҳаводислар? – сўради султон ясовулбошини қаршисига чорлаб.

– Амирзода Рустам ҳузурларига кетган элчимиз амир Ойдўст Бурулдой қайтиб келди. Сафар тафсилотлари ҳақида ҳисоб бермоқ учун пешингизни ўпмоқни сўрайди.

– Қочоқлар амир Жондор билан ўғлини ҳам олиб келибдими? – ясовулнинг бу ҳақда гапирмаганидан ҳайрон бўлиб сўради султон.

– Йўқ, давлатпаноҳим. Бир ўзи келди. Ёнида тўрт суворийси ҳам бор.

– Чорла! – амр этди хоқон.

ОЛТИНЧИ БОБ

*Тупроқнинг узаринда шарафсиз
яшамоқдан кўра, Ватан тупроғи
остида шараф-ла ётамиз.*

Тошохур битигидан

Тобуғ расмини бажо келтирган амир Ойдўст Бурулдой садоқату самимиятини изҳор этароқ подшоҳ пешини ўпди.

Амирнинг калласи тарвуз каби юм-юмалоқ бўлганлиги учун уни орқаворотдан “амир тарвузбош”, “тарвуз калла” дея аташарди.

– Зоти олийларига шавкатли амирзода Пирмуҳаммад мирзо Умаршайх ўғлининг дуои саломларини олиб келдим, султоним! У тарафлардаги вазият бир оз хатарли ва қоришиқ кўринадир, – сўз бошлади элчи.

– Мен сизни амирзода Рустам ҳузурига юборган эрдим. Сиз эса менга Пирмуҳаммад мирзодин дуои салом келтирмоқдасиз? – ҳайрон бўлиб сўради подшоҳ.

– Биз ҳеч нимадан беҳабар Пирмуҳаммад ва Рустам мирзоларнинг жанги устига бориб қолибмиз, онҳазрат. Бу сўғишу савашда жонимизни аранг қутқариб қолдик. Амир Ҳасан Жондор ҳам ўғли билан амирзода Рустам кўшинининг буронғорида экан. Уларнинг даҳшатли жанглари олдида биз томонда бўлаётган тўқнашувлар ҳолва экан. Сўнгида амир Жондор ва ўғли мирзо Рустам енгилгач, ғолиб мирзо Пирмуҳаммад ҳузурига қочиб борганлигини эшитдик. Амирзода Пирмуҳаммад форс лашкари билан Шаҳрак ва Гандумон яйловларида отларини семиртирмоқ учун бир муддатга тўхтатган эканлар. Олийнасаб амирзодамиз бизни ғоят илиқ қаршилаб, му-

Нурали ҚОБУЛ

рувват кўрсатдилар. Мурожаатимиздан кейин ота-бола амир Жондор ва ўғлини мулозимлари билан банди этмоққа буюрдилар. Бизга беклари Муҳаммад Қипчоқий ва Иса баковулларни кузатувчи ўлароқ тайин этиб, хайр-хўшлашдилар. Бироқ йўлда кутилмаган ҳодиса юз бериб, Бароон булукидан ўтганимизда бандилар занжирларини синдириб, қўриқчиларни боғлаб, қочиб кетганлар. Биз ҳам таъқибдан зўрға қутулиб, ҳузурларига этиб келдик, султоним. Ишончингизни оқлаб, юклаган вазифангизни бажара олмаганим учун бир қошиқ қонимдан кечинг! Гуноҳим бўйнимдадир.

– Икки амирзода астойдил жанг қилишибдими? – хайратланиб сўради султон.

– Савашганда қандоқ. Ўтган йилги тўқнашувда мирзо Рустамнинг қўли баланд келган экан. Қасос ўтида қовурилиб юрган Пирмуҳаммад мирзо катта қўшин тўплаб Исфаҳонга, амирзода Рустам устига юрган.

– Жиян амирзодаларимиз орасида асл инсон ва шоҳ ҳисобланган Пирмуҳаммад Умаршайхдир. Қани энди, бошқа авлодларимизда ҳам ундаги шоҳона бош ва инсоний сифатлар мужассам бўлганда эди, – деди хоқон амир Ойдўст Бурулдойнинг ахборотини диққат-ла тингларкан. – Набиралар орасида қиблагоҳ тарбияларига ва насихатларига қулоқ тутмоқда мумтоз ягона асл авлод Пирмуҳаммадбекдир. Ул кишим мендан икки ёш кичик бўлиб, қардош каби улғайдик.

– Тўғри сўзлайдурсиз, султоним. Қайд этганингиз каби мирзо Пирмуҳаммад мукамал бир лутф, тугал ҳиммат, қон-қардошлик муносабатларида одил ва меҳрибон, мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этмоғу бошқа дин вакилларига адолат-ла боқмоқ бобида камолга етган дейдилар. Тўғрими, амир Бурулдой? – элчига қаради амир Нуширвон Барлос.

Салтанат тулпори

– Тўғридир, давлатпаноҳим, – таъзим этанча сўзламоқда давом этди амир Бурулдой. – Олийнасаб амирзода шундай ҳукмлар чиқарган эканларки, ҳеч бир киши бошқа бировнинг бир ман сомонини қонун-қонидасиз ололмас эрмиш. Вилоятларга келиб-кетувчиларнинг сарф-харажатлари давлат хазинаси ҳисобидан тўланар экан. Амирзоданинг иниси мирзо Рустамга кўрсатган мурувват ва тарбиятлари ҳақида кўп яхши гаплар эшитдик. Ораларига мирзо Рустам кўзига мил торттирган амир Саид Барлос тушиб икки қардош савашиб ўтирибди, султоним. Зоти олийлари ваколат-ла улуғ амирларингиздан бирини юбориб, бу жигаркушлик сўғишига чек қўйишларини айтсалар, балки инсофга энарлар, – ўз фикрини баён этди амир.

– Шундай бўлади ўзи. Орага бирор эшагу хачир тушиб, тулпорлар тепишади, – деди амир Барлос.

– Амирзодалар орасидаги муаммою можароларни бартараф этишдан ортиб, раият, халқнинг аҳволи билан қачон шуғулланамиз, амаки? Не қадар инсофу имонга, сулҳу амниятга чақирмайлик фойдасиз кўринмоқда? – савол назари билан амир Нуширвон Барлосга қаради подшоҳ.

Не дея жавоб беришни билмаган амир қошини чимирганча елкасини қисди.

...Иниси мирзо Рустамнинг ўзига нисбатан беҳурматлик қилаётганлиги, кўзига мил торттирган бир амирни баҳона қилиб қардошлик ришталарини узмоққа тайёр эканлигидан қаҳри кўзиб қони қайнаган амирзода Пирмуҳаммад лашкар тўплашга астойдил киришиб, мамлакат ҳудудидаги қалъалар, буржу бораларини мустаҳкамлашга киришди. Лашкарга мўлжалдагидан ортиқ тортиқ ва улүфалар бериб, тартибга келтирилди.

Яроғ-аслаҳалари мукаммал, сафлари тугал Шероз лашкари Исфаҳон томон юрди.

Нурали ҚОБУЛ

Мирзо Рустам ўтган йилги ғалабадан ҳамон сармаст, ҳавода учиб юрарди. Буюк бобосининг амир Жондор ва ўғли Юсуф Жалил каби номдор амирлари ўзига келиб қўшилганидан янада мағрурланган амирзода “Нега амакимга суиқасд уюштирмоқчи бўлганларни қучоқ очиб қаршилашим керак? Амир Темурнинг ўғлига хиёнат қилган зот унинг набирасига дўстлик қиладими?” дея ўйлаб ҳам ўтирмади.

Исфаҳонда эса вабо тарқалган, хасталик юқмаслиги учун оғзи-бурнини боғлаган одамлар вафот этганларга ёрма қабр кавлаб, юмалоқ-ястик қилиб кўмишарди.

Вабодан узоқроқ туришни ўйлаган мирзо Рустам Гандумон яйлоғидаги султоний саропардасида чоғир ичар, машшоқларни тинглаб, кўзи сузилганча раққосалар ўйинини томоша қиларди.

У билан бирга раққосаларга суқланиб ўтирган девкелбатли амир Султоншоҳнинг хос кўримаси елкасини қисганча яқин келиб, ниманидир пичирлади.

Амир сергак тортиб, амирзодага боқди. Энг яқин кишисининг ташвишли қиёфасига кўзи тушгач, ҳадик-ла “не гап” дегандек қаради.

– Амирзода Пирмуҳаммаднинг форс қўшини биз томон келаётган эмиш, давлатпаноҳим! – деди амир Султоншоҳ кўп ички ичганидан овози қалдираб.

– Қўшин эмас, Шероз карвонидан бир тўдаси биз учун совға-салом олиб келаётгандир балки? – деди амирзода тиши орасидан қўнишиб.

Подшоҳдан бу жавобни кутмаган амир тили айланмай, каловланиб қолди.

– Ўтган йилги шармандали мағлубият сабоқ бўлмабди-да буюк қардошимизга! Охир-оқибатда бошини астойдил, сўнги бора кундага қўяр экан-да! Майли, ўзи

билади. Модомики, майдонталаб бўлиб келган экан, муносиб жавобни олажақдир.

– Илгариги савашимиз ғалаба ила тугаган бўлса-да, хатолиғ эрди, амирзодам. Бир хатони иккинчи бор хато билан тўғриламайдилар. Яхшиси, сулҳ таклиф этиб, бу тўқнашувдан ўзоқ турганимиз маъқул, – капалағи учиб кетган эди амирнинг. – Ҳар қандай ғалаба ҳам ҳар икки томонга обрў-эътибор, шаъни шараф келтирмайди. Халойиқ қардош қатлиомига яхши кўз ила боқмайди.

– Биз одамларнинг оғзига қараб салтанатни бошқармаймиз. Кишилар сўқоқда неларни демайди. Тангри бизга ақл-идроқ, истеъдоду салоҳият берганлиги боис мана шу мақомга эришганмиз. Бу олий, муқаддас рутбани бирор-бир амирзода ёки бек эрмас, берган Оллоҳнинг ўзи олади! – тилидан тоймас эди мирзо Рустам.

– Амир Султоншоҳ тўғри сўйлайдилар, подшоҳим. Сулҳ ила битажак ишни нега савашга буришимиз керак? Зотан, ораларингизда хўсуматдан бошқа пойлашилажак ҳеч нима йўқ. Иккинчис икки мамлакатнинг султони бўлсангиз! – гапга қўшилди амир Маҳмуд Оқбуқойи.

– Маъқул. Фикрларингизни қабул қилдим. Саваш эпкени эсиши билан сиз улуғ бекларимизнинг бу қадар чўчиб, шайтонлашингизни ақлимга сиғдира олмадим. Бундай кайфият билан, албатта жанг майдонига тушиб бўлмайди, – писанда қилди ҳукмдор.

Подшоҳ беклари орасида бошланган мунозара, ҳукмдорнинг овози баландлашганини туйган машшоқу раққосалар девонбегининг ишорати билан пилдирашганча саропардани тарк этдилар.

Амир Жондор ҳузурига кириб келганида мирзо Рустам вазият жиддий эканлигини англади чоғи, ўйга толганча амакиси Шоҳруҳмирзога қарши исён ва суиқасд уштирмоқчи бўлган бобосининг сафдош беги амир Жондорга қараб қолди.

Нурали ҚОБУЛ

– Не ҳаводислар, амир жаноблари? – сўради гапни нимадан бошлашни билмай турган амирнинг ҳадик ва кўрқув акс этган кўзига боқиб.

– Яғий яқинлашиб қолган кўринадир, подшоҳим. Савашадиган бўлсак ҳозирлик кўриб, ясол тузмоқ лозим. Акс ҳолда бу аҳволда...

– Савашадиган бўлсак, акс ҳолда бу аҳволда ишимиз пачава демоқчисиз? Шундайми?

Не гап гапирса беҳудалигини англаган амир Жондор хижолат чекканча ерга қаради.

Подшоҳ ортига қайтиб тахт ёнида қўл қовуштирганча, серрайиб турган Султоншоҳ ва Маҳмуд Оқбуқойининг олдига борди.

– Ҳамон савашга ҳозирлик кўрилсин! Улар эмас, хужумни биз бошлаймиз. Яғийни доғда қолдириб, тун босқиси уюштирсак янада яхши. Фармонни барча минглик ва юзлик, амиру лашкар бошлиқларига еткуринг! Уғруқни шу ерда қолдирамиз! Ўзимиз илгари юриб, жанг учун қулай бир мавзени танлаймиз!

Эртаси куни эрталаб сароларда тикилган манзилдан икки фарсанг¹ ичкари юрган амирзода Рустам чериги текис бир майдонда, қоровуллар бир-бирини кўрадиган масофада тўхтади.

Кеч кириб қолган, хужум учун ноқулай вақт эди. Қоровул ва посбонлар бир-бирларини пойлашиб, тонг оттирдилар.

Пирмуҳаммад мирзонинг меҳтар тақимида бурғу садоси ва курко ҳайқириғи янгради. Шероз қўшини сафларига тартиб бериб, ясол торта бошлаганди.

¹Фарсанг ёки фарсах – масофа ўлчови. Ундан тушунилган масофа миқдори йўл шароитига қараб турли мамлакатда турлича бўлган. Ҳиротда бир фарсанг деганда етти-саккиз километр масофа кўзда тутилган.

Жалбоншоҳ Барлос ва Тоҳир Сайфиддиннинг бурун-ғори, амирлар Саид Барлос, Шайх Муҳаммад Жавон ҳамда Сиддиқларнинг қули, Ҳожа Ҳусайн ва яна неча номдор бекларнинг жувонғори қиличу найзаларини шайлаб, саф тортишган, ич-ичидан исталмаган саваш-нинг сулҳ ила барҳам топишидан умидвор нигоҳларини қарши тарафга тикиб туришарди.

– Улар ҳужум бошламаса, сўнг дақиқагача ҳаракат этманг! Ёйчиларимиз ҳам бирор дона ўқ отишмасин! Имкон қадар ишни сулҳ ила битирмоқ жаддида бўлурмиз! – амирзода Пирмуҳаммаднинг сўнги фармони қўшинга етказилди.

Бироқ сулҳ умиди пучга чиқди. Қулида Султоншоҳ ва қози Аҳмад Содий, жувонғорида Содир ўғлон ва мирзо Искандар, бурунғорида мирзо Рустамнинг ўзи ва амир Ҳасан Жондор турган Исфаҳон чериги орқа-олдига қарамай ҳужумга ўтди.

– Улар пухта тайёргарликсиз, шоша-пиша ҳамлани бошладилар. Сафлари тартибсиз кўринади. Бир кучли зарба билан парокандаликка юз тутадилар! Шунга кўра ҳаракат этинг! – амирларига тавсиялар берди мирзо Пирмуҳаммад.

Амирзоданинг ҳисоб-китоби тўғри эди. Астойдил жангга кирган исфаҳонликларнинг сафи сийраклашиб, қолган-қутган суворийлар кечга яқин қочмоққа тушдилар.

Мирзо Рустам, Ҳасан Жондор ва ўғиллари, Султоншоҳ ҳамда Оқбуқойилар билан Кошон сари қочиб борарди.

– Сизлар Кошонда қолинг. Мен Хуросонга, амаким Шохруҳ султон ҳузурларига бораман. Мен-ла бирга борсангиз бошингиз кетажаги тайин! – деди мирзо Рустам амир Жондорга.

Нурали ҚОБУЛ

– Мен-чи? Мен не қилажакман? – сўради мағлубиятдан изтироб чекиб келаётган мирзо Искандар.

– Сйз эса мён билан Ҳиротга кетасиз. Энди бизнинг бу ҳудудларда қолмоғимиз кўп хатарлидир.

– Амаким бизни қандай қабул этар эканлар? Ул зоти олийга қарши исён кўтарган кишини қайтариб юбормадик.

– Ҳозир бу масалани муҳокама этмоқнинг вақти-замони эмас. Тезроқ хатарли манзилдан узоқлашмоғимиз керак. Эгилган бошни қилич кесмас. Амаким даргоҳи кенг, кечиримли, асл подшоҳ ва илмли мусулмондир.

Ака-ука амирзодалар Кошондан Хуросон томон ярим манзил узоқлашган эдилар. Уларни қувиб келган Шероз суворийлари амир Жондор ва ўғилларини қўлга туширди.

– Лашкаримиз жангдан сўнг ҳеч кимсага тиф кўтармасин! Қарши тараф черигининг мол-мулки ва жонига дахл этилмасин! Барчага молу жон омонлиги беражагимизни, истаганлар бизнинг сафга ўтишини, истамаганлар кўйу қасабаларига кета билишини Исфаҳон ўрдусига етқуринг! Амирзоданинг энг яқин беку лашкарбошиларига ҳам афви умумий эълон этамиз! Ҳеч тараддудсиз ҳузуримизга келишлари мумкин! – тавочилар подшоҳ Пирмуҳаммаднинг фармонини тарқатарди.

Афв ва омон-омонлик фармонини туйган исфаҳонликлар лак-лақ, черик-черик бўлиб амирзода Пирмуҳаммад саропардаси томон оқиб кела бошлади ва барчаси ҳукмдорнинг раҳми шафқати, меҳр-мурувватига сазовор бўлди.

Кошон, Журбодоқон ва ўша атрофдаги булуқлар тасарруфини ҳам яхши сўз, одил сиёсат билан ҳал этган мирзо Пирмуҳаммад ҳудуди сарҳадлар муаммосидан кўнгли тинчиб, Исфаҳон томон юрди.

Кун сунбула буржига кирган бўлса-да, вабо фалокати туфайли Исфаҳон дон-дуни ўрилмай ётар, аҳоли боши оққан томонга тарқалиб кетаётганди.

– Биласизким, шаҳарда вабо авжига чиқибди. Мағлуб амирзода Рустамнинг Гандумон ўтлоғидаги саропардаси бузилмаган экан. Шу ерда қолсакмикан? – деди девонбеги вазифасини бажараётган, сўнгги савашда баҳодир дея эълон этилган Жалбоншоҳ Барлос.

– Кўп минг сонли рақибу ғанимлар, менман деган баҳодирлардан чўчимаган Жалбоншоҳ баҳодир вабодан кўрқадими? – кулиб жавоб қилди амирзода. – Ихлосу имон билан тангрига таваккал қилиб шаҳарга кирамиз. Халқни оғир аҳволга ташлаб қўйиб, ўзимиз хилват яйлоқда жонимизни асраб-авайлаб ўтирмоғимиз инсофдан эрмас. Улусга шундай кунда кўмак этмасак, бизнинг подшоҳлигимиз қайда қолди. Ҳамон ҳузуримга бош табибимиз мавлоно Фаҳриддин Ҳазинийни чорланг. Ўлимдан кўрққанлар яшамоққа нолойиқдирлар!

Кўп ўтмай ҳукмдор саропардасида икки нафар шогирди билан табиблар либосини кийган Ҳазиний ҳозир бўлди.

– Бизга вабо ва ўлат ҳақида билги берсангиз, муҳтарам табиб жаноблари. Амир Жалбоншоҳ вабо туфайли шаҳарга кирмайлик демоқдалар. Бу хусусда сиз не дейсиз? Менинг фикри ожизимча, бундай аянчли кунда томошабин бўлиб ўтирмоқ виждону адолатдан эрмас! – дея Ҳазинийга юзланди подшоҳ.

– Маълумингизким, саодатли подшоҳим, ўлат хасталиги кишига нафас орқали ўтади ва оқибатда оғзидан қон кетиб, тош каби қорайиб ўлади. Исфаҳон халқи бошига келган вабо балоси эса сув орқали ўтган. Бу касалликни чўнқайма ҳам дейишади. Кишининг ичи кетиб, ҳолдан тойиб вафот этади. Айни дамда зудлик-

Нурали ҚОБУЛ

ла Исфаҳон халқи ичаётган сув манбаларини ўрганиб чиқиб, шаҳардаги мавжуд ҳовуз ва сардобалар сувини оқизиб юбормоқ керак. Аҳолига шаҳар ташқарисидаги булоқлардан сув келтирмоғимиз даркор. Модомики, шаҳарга кирар эканмиз, кўшин ўзи билан кўп миқдорда тоза ичимлик суви олиб кириб ичиши ҳамда халққа тарқатишлари лозим бўлади. Товачи ва жарчиларимиз шаҳар кўчалари бўйлаб одамларни лашкар бермаган сувдан бошқасини ичмасликка чақиришлари керак. Иншооллоҳ, шундан сўнг яратганнинг раҳми шафқати келиб, бу фалокатдан халос бўлсак, – фикрини баён этди табиб Хазиний.

– Кўшин қўмондонлигини бош табибимиз мавлоно Фахриддин Хазиний ҳазратларига топширажакман! Лашкарнинг ярми вабо балосини даъф қилмоққа сафарбар этилсин! Ярми эса Исфаҳон ғалласини ўриб-йиғиштиришга киришсин! – фармони янгради ҳукмдорнинг.

Шаҳар сари от қўйган ўнлаб жарчилар халқни огоҳлантириб, жинкўчалар бўйлаб кезишар, бақириб-чақиришарди:

Одамлару одамлар,
Боғда битган бодомлар.
Ун ялаган аллофлар,
Қон ялаган қассоблар.
Дўкондаги баққоллар,
Хасислиги яққоллар.
Сақичфуруш атторлар,
Ҳам ўғрию таррорлар.
Эшитмадим деманглар,
Сўнгра пушмон еманглар.
Аҳли шаҳри Исфаҳон,
Жарчи сўзига инон.

Хушёр тур куну туно,
Ёрдир мадади Сино.
Ховуз сувини ичманг,
Кўлу кўлобдан кечманг.
Лашкар сувидан ичинг,
Вабо дардидан кечинг.
Оллоҳ сизни кўриydi,
Меҳри билан ўрайди.
Аҳли шаҳри Исфаҳон,
Жарчи сўзига инон...

Мирзонинг қадами қутлуғ келди. Шерозликлар шаҳарга кириб, тегишли тадбирларни қўллашлари билан вабо балоси кўтарилди. Барча ҳайрон эди. Буни амирзоданинг пойқадами шарофати дея талқин қилдилар. Ўрилган ғалла пешма-пеш шаҳарга етказилиб, оч-наҳор халойиққа тарқатилар, боғ-роғлар суғорилиб, ариқлар тозаланар, ойлаб тўпланиб қолган ахлатларни лашкар шаҳар ташқарисига таширди. Шаҳарда яна эски, тўкин-сочин ва маъмур ҳаёт бошланган эди.

Доруссалтанат Шерозга қайтишдан бир кун олдин сарой аҳлини тўплаган Пирмуҳаммад подшоҳ сўнг қарорини эълон этди:

– Исфаҳон ва вилоятлар раиятига еткурингким, вабо балосидан куни кеча қутилган халқ мавжуд солиқ-харожларни тўлай олмайди. Шу туфайли бу олиқ-солиқларни бекор қиламиз!

– Бу солиқ ва харожлар улуғ хоқон замонларида, ул зоти олий томонларидан таъсис этилган, султоним! Қандай бўлар экан? – ўз фикрини айтди девонбеги Жалбоншоҳ Барлос.

– Ҳа, тўғри. Қандай бўлар экан? – уни қувватлади Хожа Хусайн Шарбатдор.

Нурали ҚОБУЛ

– Солиқ ва хароҷлар халқнинг аҳволи, моддий туруми ва даромадига қараб белгиланади. Шу туфайли мен бундай қарорга келдим. Эл бойиб, улуғ бобомиз ҳазратлари давридаги зангинлигига эришса, солиқлар яна қайтадан таъсис этила билур. Тўра ва тузук, қонун ҳамда қоидалар ҳам тош каби қотиб қолган бир нарса эмасдир. Уларни қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириб бормоқ лозимдир. Ибтидоий замонларда ҳам аждодларимиз ўзларича қандайдир қоида, тартиб-интизом билан яшаганлар. Ҳозирда эса бу қоидалардан асар ҳам йўқдир. Инсоният тараққий этар экан, унинг яшаш шaroитлари, ясо ва юсуни ҳам янгиланиб, такомиллашиб боради.

Солинга қабристон сукунати чўқди. Кимса оғиз очиб, дафъа жавоб айтмади.

– Аҳли Исфаҳонда кимда кимнинг солиғу хароҷ бобида кечмишдан қолган қарз-ҳаволаси бўлса, ундан-да воз кечамиз!

– Қойил! Ана ҳақиқий султонлик! – деб юборди амирзода Рустам кўзига мил торттирган амир Саид Барлос. – Қани энди, султон соҳибқирон ҳазратлари сиз зоти олийларини валиаҳд эълон этиб, тахти салтанатни топшириб кетганларида эди!

– Бизни сўзимиздан чалғитманг, амир жаноблари! Ҳозирда улуғ бобомиз ўрниларида хоқони саид амалчимиз Шоҳруҳ султон ўтирибдилар! Амир соҳибқирон ҳазрати олийларидан қолган ўттиз олти ўғил ва ўн беш қиз авлоднинг ҳар бири аравани ҳар тарафга тортса, биллингки, бу салтанат хароб бўлади! Шул боис, кўнишмоқда гапларингизни ўйлаб, зако сузгичидан ўтказиб сўйланг! – амирга танбеҳ берди подшоҳ.

– Узр тилармен! Бир оз ҳаяжонландим! Сўзларимни қайтиб олдим! Бир қошиқ қонимдан кечинг, шаҳзодам! – кечирим сўради Саид Барлос.

– Исфаҳон шаҳри ҳокимиятини эрса ота-боболаримиз сўйлаганлари каби ўнга, яъни сонга кириб қолган авлодимиз Умаршайх Мирзога топширгаймиз. Улуғ бекларимиз Саид Барлос, шайх Муҳаммад Жавон ва амир Фозил устозларимиз мирзомиз ҳузурларида бўладилар. Хожа Музаффаруддин Масъуд Натанзий ҳазратларини девонбеги-этиб тайинладик. Амир шайх Ясовул эрса Кошон ҳукуматыни бошқаради. Биз эса доруссалтанат Шерозга қайтажамиз!

Темурийлар сулоласининг энг одил ва шарафли шаҳзодаси Пирмуҳаммаднинг ҳумоюн ўрдуси ғалласи ўрилган чексиз ангорларни тўлдириб, ғолиблик ва бирлик байроғини кўтарганча бошкент, афсонавий Шероз томон борарди.

ЕТТИНЧИ БОБ

О-о! Сен Улуғ Темур каби буюксан!!!

Жорж БАЙРОН,

**“Наполеон Бонапартга
олқиш” қасидасидан**

– Бир нарсага ҳайронман, амаки, — дея Нуширвон Барлосга қаради Шоҳруҳмирзо. — Буюк шаҳид қардошим Умаршайх мирзо фарзандларининг орасидаги бу ғанимлигу савашнинг сабаби недир? Наҳотки, уларни яраштириб, сулҳу инсофга чақириб бўлмаса?

– Ғишт қолипдан кўчган, давлатпаноҳ! Энди уларнинг боши ҳеч қачон қўшилмаса керак. Амир Идику Барлоснинг ўлимидан норози бўлган мирзо Искандар Кермон мамлакатига эга чиқишни орзулайди ва Шерозга элчи юбориб, Пирмуҳаммад мирзодан ўзига дастак беришни рижо этади. Бироқ Шероздан хабар келишини бекла-

Нурали ҚОБУЛ

масдан йўлга чиқади ва Рафсанжонга боради. Рафсанжонликлар Кермондан қўмак келар деган умидда Искандар мирзога қарши курашадилар. Бекланган ёрдам келмагач, амирзодадан омонлик тилайдилар. Искандар мирзо уларни кечириб, кимсага зиёну заҳмат етказмайди. Даруғаси қочиб кетган Кубинонни ҳам эгаллайди-да, ҳар икки шаҳарга ўз ноибларини тайинлаб, Язд томон юради. Амир Идику Барлоснинг ўғли Соҳиб Султон катта халойиқ билан Кубинонга босиб келади. Искандар мирзо эга чиққан ўлжаларни Яздга юбориб, ўзи Кубинонга уч фарсах етмасдан ортга қайтади. Амирзода Рустам бир муддат Кермон лашкарига қарши тургач, кечга яқин шаҳарга киради. Кермон лашкари сон жиҳатидан кўп бўлса-да, амирзода кўшини билан савашга кирмайди. Катта черик мирзони чалғитиб, сой-сойга, пистирмага уриб кетади. Мирзо Яздга қараб жўнайди. Пистирмалардан чиққан кермонликлар Рафсанжон ва Кубинондан амирзоданинг одамларини ҳайдаб чиқарадилар.

– Янглишмасам, бу уч қардошни бир-бирига қайраган, фисқу фасод оташини аланга олдирганлар, уларнинг беклари ва энг яқин мулозимлари бўлса керак? – фикр билдирди подшоҳ.

– Шундайдир, онҳазрат. Фитна ва ёвлашув олови шу қадар аланга оладики, охир-оқибатда Пирмуҳаммад мирзо амирзода Искандарни Яздда ҳибсга олишга буйруқ беради. Яздга ўз кишисини тайинлаб, хазиналарни Шерозга олиб келтиради. Ноин даруғаси Умар Қурчидан бошқа барча мавзе ва атрофларнинг даруғалари Пирмуҳаммад мирзо хузурига келадилар.

– Шундан сўнг амирзода Исфаҳонга юрадими? – яна сўради хоқон.

– Тўғри сўйладингиз, султоним. Амирзода Исфаҳонга яқинлашади. Маълумингизким, Исфаҳон тахтининг

соҳиби амирзода Рустам. Исфаҳондан бирор сипоҳий ёки суворий Шероз қўшинига қарши яроғ кўтариб чиқмайди. Бу турумдан мулзам бўлган Пирмуҳаммад мирзо Искандарни банди қилиб Хуросонга, зоти олийлари ҳузурларига юборади. Унинг қисматини зоти олийлари ҳукмига ҳавола этмоқни лозим кўради. Бироқ мирзо Искандар Табас мавзесидан ўн тўрт фарсах чамаси нарида бандни узиб, дашт йўли билан Исфаҳоннинг Ноин бўлукига қараб қочади. Укасини Ноинда шоҳона қаршилаган мирзо Рустам уни Исфаҳонга келтириб, иззат-ҳурмат кўрсатади. Икки кичик қардошининг иттифоқ тузганлигидан хабар топган Пирмуҳаммад мирзонинг пайтавасига қурт тушади ва амирзода Искандарнинг Шероздаги навкарларини ҳибсга олишни буюради. Ана шу сабаб баҳонасида мирзо Искандар ва мирзо Рустам биргаликда Шерозга қараб юрадилар.

– Бу юк аждодларимизнинг бир отасўзи эсимга келди, амаки. Отанг ишга буюрса номозингни бузиб айт, уруғингга сўз айтсанг, орасини узиб айт дегандек, бу хешу ақроболаримиз билан на орани тузибу узиб бўлади, на бузиб. Билмадим, улар билан қандай гаплашмоқ керак экан? – ўйга толди хоҳон.

– Сўйлаганингиз каби узмайсиз ҳам, бузмайсиз ҳам. Арқонни узун ташлаб, масофани сақлайсиз. Индамагин калга, ўзи келар ҳолга деганларидек, бир кун келиб Халил Султондан мирзо Рустамгача бўлган барча жигарларимиз остонангизга бош уриб келадилар. Салтанатни йўнатмоқ иши осон эрмас. Бироқ улар ҳали-бери бунга англаб етадурғон кўринмайдилар.

– Хуллас, Пирмуҳаммад мирзо икки инисига қарши қандай чора-тадбир кўради? Булар қилаётган ҳар бир ҳаракат, сўғишу саваш қиблагоҳ қону жон, имону эътиқод

Нурали ҚОБУЛ

эвазига қурган давлату салтанатнинг илдизига болта уради-ку? – ташвишли нигоҳини суҳбатдошига тикди хоқон.

– Афсуски, айнан шундайдир, султоним. Ит боласини қоплоним, қуш боласини палапоним дегандек, бу ақраболаримиз ўзини шеру қоплон санайдилар. – Пирмуҳаммад мирзо амир Темурхожани Танги Форук дарасига манглой ўлароқ юбориб, улар йўлини тўсмоқни буюради. Мирзо Искандар Машҳади Модари Сулаймон алайҳиссалом орқали Кахар қишлоғига етганида Темурхожа унинг қаршисидан чиқади. Мирзо саваш учун чумоли ўрмаласа кўринадиган шу майдонни танлайди. Амирзода Искандар қаҳр-ла жидду жаҳд билан Шероз қўшини устига ташланади. Темурхожа Танги Форук танглигини тарк этиб, сувни кечиб, асосий қўшинга етиб келади.

– Бу пайтда Пирмуҳаммад мирзо қайда бўлади?

– Шероз қўшини амирзода кўмондонлигида соҳилнинг қарши тарафида ушбу тўқнашувни кузатиб туради. Мирзонинг амирлари бамаслаҳат ўз минглик ва юзликларини сувнинг муҳим кечикларига ерлаштириб, вазиятни назорат этадилар. Қаршисида Пирмуҳаммад мирзо турганини кўрган амирзода хужум этмоққа журъат қилмай акаси мирзо Рустам томон юради. Ўша кунни ҳаво булутли бўлиб, кеч кириб қолган, об-ҳаво ҳам икки кичик қардош амирзоданинг зиёнига ишлаётгандек туюлади. Ёмғир ёғиб, дарё суви тошса, Шероз қўшини панжасидан қутулиб кетолмаймиз дея фикр қиладилар. – Англашувга кўра Исфаҳон лашкари энг катта Канкорий кечиги қаршисига келиб, карнайу нағоралар садоси остида форс лашкарига ташланади. Амирзода Искандар чериги билан Жашниён кечигидан нариги соҳилга ўзи-

ни уради. Икки кечув қўлдан кетганлигини кўрган бошқа бўлинмалар ҳам кўриқлаётган кечувларни тарк этади. Мирзо Пирмуҳаммад ишнинг бўёғи синганини англаб, оти жilовини Шероз томон буради. Бағрикенглик қилиб, кечикларни ташлаб қочган ўзининг кўриқчи бўлинмаларини жазоламайди.

– Об-ҳаво ҳам Шероз кўшини ишини қийинлаштирган дейдилар.

– Шундай бўлган, онҳазрат. Суворийлар ёмғирда бўкиб, аранг шаҳарга етганлар. Мирзо Рустам акасини таъқиб этиб, Шерознинг Салм дарвозасига етиб келади ва ўз лашкаргоҳини қуради. Бироқ лойгарчилик туфайли тоғ этаги томон кетишга мажбур бўлади. Қамал қирқ кун давом этади. Ҳар кун эртадан кечгача савашиб, бир-бирларини ўлдирадилар. Мақсадига эриша олмаган исфаҳонликлар шаҳар атрофидаги кўй ва қасабалар, экинзору боғ-роғларни кунпаякун қилиб, ўлжалар билан Шерозни тарк этадилар.

– Демак, амиримиз Ойдўст Бурулдой шоҳиди бўлган саваш ўша мағлубиятнинг алами учун экан-да? – сўради хоқон.

– Шундай, онҳазрат. Айтишларича, мирзо Рустам зоти олийларининг қошларига меҳру нажот истаб келаётган эмиш. Мирзо Искандар эса Ҳиротга келмоқдан бош тортибди.

– Недан? – ҳайрон бўлди хоқон.

– Ўз-ўзидан маълум, султоним. Бизни ўзига дўст санамаганидан, – жавоб қилди амир.

– Ваҳоланки, келса, бошимизу кўзимиз устида ери бор эди-ку?

– Яхши, одами соз инсон барчани ўзига дўст деб биллади. Ичи қоралар эса ҳаммани ўзидек деб ўйлайди, султоним.

Нурали ҚОБУЛ

– Махфийларимизга таълимот беринг. Амирзоданинг хатти-ҳаракатини кузатсинлар. Бу иш ила бевосита ўзингиз илгиланинг. У ҳар замону маконда бирор фитнани бошлаши мумкин, – амр берди подшоҳ.

– Унда менга рухсат этинг, давлатпаноҳ. Шу вазифа ила шуғулланайин, – ўрнидан қўзғалмоққа чоғланди амир Нуширвон Барлос.

Хоқон ўйга толганча бош ирғади.

Боғ дарвозаси тарафдан ҳазора черигининг ғала-ғовури эшитилар, катта қозонда қайнаётган шилон (фақат эт, сабзи ва пиёз солиб қилинадиган шўрва) шўрванинг иси боғни тўлдирганди.

Амир Нуширвон Барлоснинг ака-ука амирзодалар ҳаёти ва қисмати ҳақидаги ҳикоясидан таъсирланган хоқон ўрнидан туриб, қўлини орқасига қилганча, боғ ай-ланишга чиқди.

Болалигида кечган бир воқеа ёдига тушди. У ўшанда буюк бибиси билан Кешга, ундан қиблагоҳининг ёшлиги кечган хушҳаво Қорабоққа борган эди. Уларни қаршилаган кадхудонинг қанжиғи болалаган экан. Қўни-қўшнилар кучукваччаларни олиб кетишган, иккита гидик қолганди.

Амирзода Шоҳруҳ чексиз қувонч билан икки кучукваччага эга чиқди. Кадхудо ҳам бундан мамнун эди.

– Кучук болалари нима ейишади? – сўради мирзо кадхудодан.

– Улар дастлаб онасини эмадилар. Сўнгра эгаси унга сут, қатиқ, сал каттаргач, итоши қилиб беради.

– Итларнинг оши қанақа бўлади? – сўроқда давом этди мирзо.

– Итоши биз тановул қиладиган аталага ўхшайди, амирзодам. Фақат кепакдан тайёрланади, – жавоб қилди кадхудо.

– Мен ҳозир кучукваччаларимга нима берсам бўлади?

– Ана соғимчиларимиз сут соғишяпти. Шу сутдан берасиз, амирзодам, – дея ёнида турган подачига эски ёғлоғини кўрсатиб, сут олиб келишни буюрди кадхудо.

Подачи ёғлоғида олиб келган сутни таъзим этиб, амирзодага узатди. Мирзо Шохруҳ сутни олиб ўзига яқин турган чиройлироқ олапарнинг олдига қўйди. Бироқ у сутга оғиз урмади. Иккинчи кучуквачча эса аразлаганча бошини қуйи эгиб, бостирма томон кетди.

Ҳайрон бўлган амирзода кадхудога қаради.

– Ит зотининг ҳам ўз феъл-атвори, тартиб-интизоми бор, улуғ амирзодам. Арлон ва қанжиқлар бирга экан, итоши арлоннинг олдига қўйилади. Эркаги емакка оғиз урмагунча, урғочиси очидан ўлса-да, яқинлашмайди. Сиз қанжиқнинг олдига ёғлоғини қўйганингиздан арлони аразлаб кетди. Усиз урғочиси эса сутга теғмади.

– Энди нима қиламиз? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода.

– Итлар тез хафа бўлиб, тезда унутадилар. Арлоннинг хафагарчиликни унутиб, қайтиб келишини кутамиз.

Шохруҳмирзо ошчилар ўтин ёрадиган кундага ўтирганча, ўзи от қўйган Қоратойнинг қайтишини кутди.

Бир коса қимиз ичгулик муддат ўтди. Қоратой думини ликиллатганча қайтиб келиб, амирзоданинг йилтироқ, шоҳона этикчасини ялай бошлади.

Мирзо сут солинган ёғлоғини суриб қўйди. Қоратой ҳафсала билан сутни ялашга киришди. Олапар бўйнини ичига тортганча думини ликиллатиб ёғлоғига яқинлашди...

САККИЗИНЧИ БОБ

*Қорачор Нўён авлоди билан
кенгашиб иш юритинг.*

**Чингизхоннинг ўғилларига
насиҳату васиятидан**

Рақибларини бартараф этган, буюк қардоши Умар мирзо тутқунидан халос бўлган Абу Бакр ҳам ғолиблик ҳавосида амру фармонлар жорий этиб, улусу лашкар эътиборини қозонмоқ ҳаракатида эди.

Ҳибсда кечган азобли кунларини эсласа беихтиёр асабийлашар, акасини туттириб келиб, ўша – Султония қалъасига қамашни ўйларди.

Зулҳижжа ойининг охирида ишончли кишилари Шукруллоҳ Жамолиддин Булғор, Бердибек ва Шарафшоҳ Торамийларнинг Шайх Ҳожи Ироқийни маҳв этганлигини эшитган амирзода Арғун қўриғидаги султоний саропардасини йиғиштиришни буюрди. Сижос йўли билан юриб келиб Гўзалдарага қароргоҳ қуражагини маълум қилди. Мирзонинг энг хавфли душманини бартараф этган амир Шукруллоҳ ҳисоб бермоқ ва қўлини ўпмоқ учун Гўзалдарага ошиқди. Муносиб тухфалар ила тақдирлаб, вазирлик мансабига тайинлади.

– Одамларим Қора Юсуф Туркманнинг Султония томон келаётганини сўйладилар, подшоҳим! Бу бободушман қари тулки кўп хатарли. У билан ҳазиллашиб бўлмас, – деди Абу Бакр мирзога ҳукуматида ҳал қилувчи сўзга эга бўлиб қолган амир Шукруллоҳ саропарда этагидаги сой бўйида чоғир ичиб ўтиришаркан.

– Тўғри айтасиз, муҳтарам амир жаноблари! Улуғ бобом ҳазратларидан қолган икки тарихий ғанимларимиз

– Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуф Туркмандан эҳтиёту огоҳ бўлмағимиз керак. Улар ҳеч қачон бизга дўст эмаслар. Айниқса, Қора Юсуф Туркман. У биз тасарруф этаётган ҳудудларни ҳам ўзиники деб билади. Султон Аҳмад Жалойир бир оз нарида, Боғдодда, – жавоб қилди мирзо Абу Бакр. – Султоннинг ўғли шаҳзода Алоуддавла Самарқанд маҳбуслигидан озод бўлиб, отаси ҳузурига етишган деган гапни эшитдим. Шу тўғрими?

– Ота-боланинг бир-бирига сарилиб, ўғлини кўриши билан отдан тушганлиги ва Алоуддавланинг қиблагоҳи оёғига йиқилиб хўнграб йиғлаганлигини бир амири ҳикоя қилиб берди. Ота-бола кўришгач, тўй-томошалар қилиб, кунларини айш-ишратда ўтказибдилар. Султон Аҳмаднинг бир разил иши борким, шу туфайли уни улус севмайди. Шу ёшга етса-да, болалар билан ўйнашишдек аҳмоқона ишини ташламабди. Эшитишимизча, султон Боғдодда, ўғли Алоуддавла эса Ҳиллада экан. Ўғил кўриб, исмини Шайх Хусайн кўйибди.

Абу Бакр мирзонинг султон Аҳмад Жалойир билан алоҳида ҳисоб-китоби бёр эди. Кейинги пайтда султоннинг ёнига буюк бобоси иним, жигарим деб юрган Шайх Иброҳим ҳам кўшилди. Бу ёқда Қора Юсуф Туркман. Бир ўзининг бу уч қудратли ҳукмдорга қарши курашмоғи осон кечмас.

Амирзода Абу Бакр Табризда қишлар эди. Мирзо Умар ва мирзо Рустамлар уни Райнинг Совуқбулоқ мавзесида турган ўғруқини талаб. Исфаҳонга олиб кетганлигини эшитди. Зайниддин Қазвиний ва Муҳаммад Давлатийларни Табриз муҳофазаси учун қолдирган мирзо Исфаҳон сари от сурди.

Амир Давотий Табриз дарвозаси ва муҳофаза деворининг тош отадиган жойлари, буржу бораларини таъмирлаб, ўқ узиладиган даричалар қурдириб, шаҳар

Нурали ҚОБУЛ

ҳимояси учун лозим бўлган ишларни халойиқни мажбур этса-да, бажарди.

Қоровуллар амир Бистом Жогирнинг Пешчинга етиб келганлиги, бир-икки кунда Табриз деворлари қаршисида пайдо бўлишини айтганда амир Давотий ўтирган жойида ерга қапишгандек бўлди.

Эс-хушини йиғиб бирор фикрга келиб улгурмасидан Озарбайжон ҳукмдори Шайх Иброҳим ўз пойтахти Табриз томон бостириб келаётганлигини туйди.

Бир яғийга қарши курашмоқ учун иккинчиси билан англашиб, сулҳ тузмоқ керак, фикр қилди Давотий. Одамларининг маслаҳатига кўра амир Бистомни танлади.

Табриз даруғаси билан сулҳ тузган амир Бистом йигирманчи шаввол (ўнинчи апрель) Табризга кирди. Осмондан тушган ғалабадан мамнуну мағрур амир айш-ишрат денгизига калла ташлади.

Амир Бистомнинг номақбул ҳаракатлари ва гап-сўзлари қулоғига етган Шайх Иброҳим унинг ўғли Муҳаммад ва кичик қардоши Мансурни асир олди.

Амир Бистом ва Шайх Иброҳим ғавғосига қоришмоқни истамаган Абу Бакрнинг ишончли беги Зайниддин Қазвиний ёнига амир Муҳаммад Дамашқийни олиб, кимсага ошкор этмай Боғдодга, Султон Аҳмад Жалойирнинг ҳузурига ошиқди.

Қазвиний мирзо Абу Бакр ва унинг давлати пойидорлигига ишонмас эди. Ўз қардошлари билан душмандан беш баттар жикқа мушт бўлаётган темурийзодадан бизга не хайр келади дея фикр қилди.

Амир Қазвиний, айниқса, мирзонинг отаси Мироншоҳ Кўрагонни ҳурмат билан тахтга ўтқазиб, сўнгра азл этиб, бу тахтга ўзи ўтиргандан сўнг, янада ҳафсаласи пир бўлди. Отани бундай ноумид, сазойи қилмаслик керак эди. Усиз ҳам султон соҳибқирон даврида тахтдан индирилиб, сазойи бўлгани етарди. Отасини оғритган муро-

дига етолмайди. Бундай подшоҳнинг ёнида турмоқдан не фойда дея фикр қилди.

Амир Қазвиний Боғдодга икки манзил қолганда тўхтади. Кўл бўйига чодир тикиб, истироҳат учун ҳозирланаётган эди. Шаҳар томондан икки суворий от кўйганча етиб келди.

— Кимсиз ва нечун бу кўл бўйига чодир тикдингиз? — сўради отликлардан бири.

— Амир Зайниддин Қазвинийдирман. Улуғ Султон Аҳмад Жалойир ҳазрати олийларининг ҳузурларига бормоқдаман. Шеригим амир Муҳаммад Дамашқийдир, — жавоб қилди амир.

— Султон Аҳмад ҳазрати олийлари бугун эрталаб йўлга чиқдилар ва икки намоз ораси муддат сўнгра мана шу манзилдан ўтадилар. Отларининг сув ичиши ва чодирларини тикмоқ учун кўл бўйи бўш ва озода бўлиши керак. Шунинг учун чодирларингизни йиғиштириб, бошқа манзилга кўчинг! — вазиятни англатди суворий. — Сизларнинг келганлигингиз хабарини султон ҳазратларига етказамиз. Олган жавобимизга кўра хабар берамиз.

Амир Қазвиний кўч-кўронни тоғ этагидаги дарага кўчиришга буюрди. Ўзи эса Дамашқий билан отларига минганча Султон Аҳмад Жалойирнинг йўлини пойлади.

Кўп ўтмай, султоннинг юртчилари кўл бўйига етиб келиб, шоҳона чодирларни тўқа бошлашди.

Шомга яқин ўша суворий икки амирни султон беқлаётганини айтиб келди. Совға-саломларини икки хачирга ортган амирлар султон чодир томон йўналдилар.

Ҳаддан зиёд семириб кетган султон уларни ўтирганча қабул этди. Ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

— Табриз ва теграсидаги ишлар қоришиқдир, султон ҳазратлари. Шайх Иброҳим Табризни кўлга киритган амир Бистомнинг укаси ва ўғлини ҳибс этди. Бундан қахланган амир Бистом Шайх Иброҳим устига бости-

Нурали ҚОБУЛ

риб бормоқчи бўлди. Биз унга бу иш жуда мушкулдир. Сен не қадар чиранма, Шайх Иброҳимни енга олмайсан. Ўз ақли-бўйингдан ошажак ишга қўл урма дея насихат этдик. У сўзимизга қулоқ солиб, саваш аҳдидан воз кечди ва Табризнинг Саров мавзеси томон юрди. Биздан бошқа ёнида номдор амирлардан Муҳаммад Давотий, Шайх Муҳаммад Қассоб, Хожа Шайх Муҳаммад Кажжажий ҳам бор эдилар. Пешчинга етгач, Қашқо яйлоғидан ўтиб, юксак тоғлар орасидаги кўктамзорга чодир тикди. Ортда қоровул бўлиб келаётган Шайх Қассоб ва Қосим Анкутийлар амир Шайх Иброҳим олиб кетган ҳашам¹лардан бир неча хонадон ва от-уловларни олиб келдилар ҳамда амир Шайх Иброҳимнинг Табриз томон бораётганини айтдилар. Шундан сўнг амир Бистом табризликларга кетмоққа рухсат берди. Биз зоти олийлари остоналарини ўпмоқ учун Боғдод томон шошилдик. Амир Бистом сиз зоти олийларига ўз саломларини етказишни рижо этиб, Ардабил томон йўналди.

– Абу Бакр мирзо аини дамда қаерда? – сўради Султон Аҳмад Жалойир бўғиқ, хириллаган овозда.

– Амирзода Озарбайжон тарафдадир, – жавоб қилди Қазвиний.

– Ҳар иккингишга салтанат амирлиги унвони берилиб, тегишли от-улов, хайма ва мулозимлар тақдим этилади. Қавму қабилаларингизга хабар йўллаб, черигингизни кўпайтирмоқ жаддида бўлинг. Тегишли улуфа ва маошларни хазинадан олурсиз, – ашаддий душмани набирасининг улуғ амирлари хизматига келганидан қониқиш туйган эди Султон Аҳмад Жалойир. – Шайх Иброҳим ва Абу Бакр мирзоларнинг ҳаракатини кузатмоқ учун ул тарафларга киши юборингким, бизга лозим бўлган маълумотларни етказиб турсинлар!

¹Ҳашам – мулозимлар, маҳрамлар, уруғ, қабиладош маъносида ишлатилган.

– Амри фармон султони мизнингдир! – дея ортга тисланди Қазвиний.

Султон Аҳмад Жалойирнинг Боғдод чериги шитоб-ла Табриз томон борарди.

Қазвинийнинг Табриздаги узунқулоғидан хабар келди. Муҳаммад Давотий ва Муҳаммад Кажжажийлар амир Шайх Иброҳимнинг қайтул¹ига етиб борадилар. Шайх Иброҳим уларни ҳибсга олади ва жуда кўп мол эвазига озод этади. Ҳозир ўзи Табризда айш-ишрат ила машғул. Бир муддат сўнгра Ужонга жўнар эмиш...

Зайниддин Қазвинийнинг сўзини диққат билан тинглаган султон Аҳмад Жалойир бошини ирғаганча, ўйла-ниб қолди:

– Амир Бистом ҳам, амир Шайх Иброҳим ҳам Темурнинг ялоқхўри эди. Айниқса, Шайх Иброҳим. Яҳудийларнинг таълимини олган бу озарий Темурнинг енгидан кириб, этагидан чиқарди. Темур охиратга йўл олганида ўн туя, ўн от, йигирма буқа ва юзта қўй сўйиб тўй қилган эдик. Буларнинг ҳеч қайсиси ул оқсоқнинг бир тукига арзимайди. Барчасини қисқа муддатда Ироқу ажам, Эрону Озарбайжон тупроқларидан ҳайдаб чиқармоқ лозим. Дўст ва иттифоқчимиз Юсуф Қора Туркманнинг қарори ҳам ана шундай. Жалойирлар билан туркманлар бирлашар экан, уларга қарши туражак куч топилмайди. Бир-бирининг этини еб, суягини ғажиб ётган беоқибат темурий-ваччаларнинг барчаси эртага Ҳирот ёки Самарқанддан бошпана излайдилар. Улар бизнинг фарзанди аржумандимиз Алоуддавлани ўн йил Самарқанд зиндониде асрадилар, бироқ биз улар каби номард эмасмиз. Ҳеч бирига хусуматимиз йўқ. Мамлакатимизни ўзимизга қолдириб, қаёққа кетсалар кетишсин. Шуларнинг қорасини кўрмасак бўлди, – оғзини тўлдириб гапирарди султон Аҳмад Жалойир.

¹Қайтул – қароргоҳ, манзилгоҳ.

Нурали ҚОБУЛ

– Самарқандда шахзода Алоуддавлани кўрган эдим. У арк зиндонида эмас, Бўстонсаройда, вазирлар каби яшар эди, – деди Муҳаммад Дамашқий Қазвинийга улар султон саропардасидан чиққач.

– У пайтда Алоуддавла каби ўнлаб шахзодалар Самарқандда яшарди. Устига тупроқ тортилган одам ҳақида ҳар ким оғзига келганни гапираверади-да, – жавоб қилди Қазвиний.

– Лекин шоҳу гадо, ким бўлмасин ҳақиқий баҳосини устига тупроқ тортилгандан сўнг олади. Тирикликдаги кўтар-кўтар, мақтову олқишларнинг барчаси ёлғон ва ўткинчидир, биродар. Дунёни танг қилиб савашаётган бу ҳукмдорларнинг барчаси аҳмоқ ва нодондир. Тангри инсон зотига ҳаёт, умр деган илоҳий неъматни бунинг учун бермаган, – бироз қизишди Дамашқий.

– Секинроқ кўнишинг, муҳтарам амир. Атрофимизда девор йўғу, бироқ эпкин эсиб турибди. Деворда кулоқ бўлганидек, шамолда тил бўлади. Яхшиси, худо умрни нима учун берганлигини сўйлангим, миямиз тархи бир оз очилсин, – деди Қазвиний атрофга олазarak боқаркан.

– Умр Оллоҳ томонидан инсониятга яхшилик қилмоқ, хайр келтирмоқ учун берилган улуғ бир имконият, илоҳий неъматдир. Сўқоқдаги кутурган кўппак каби куну тун бировларни ўлдиришни ўйламоқ ва савашмоқ учун эмас. Қай бири билан гаплашсанг, бир юртни босиб олиш, бировни енгиш ҳақида оғиз очади. Аллақачон буларнинг барчасидан қўлимни ювиб, қўлтиғимга урганман. Барчаси халқни эмас, халқумини, эртага тобутга айланадиган тахта тахтини ўйлайди. Бунинг учун ҳеч бир разиллигу ботилликдан тоймайдилар. Ўзгага жабру зулм ўтказароқ, ноҳақу беҳуда қон тўқароқ саккиз нафар шарафсизга яхшилик қилиб, бойитиб, хайри-сахо-

Салтанат тулпори

ват. кўрсатаётган бу золимлардан этакни кесиб қочмоқ керак. Фақир фуқаро, бева-бечора ризку насибаси, ҳаёти эвазига ейилган ҳар бир луқма аввало ҳаромдир, сўнгра албатта тешиб чиққайдир. Инсоф ёху, дўстим! Инсоф! Зотан, диннинг ярми инсоф, ярми сабру шукрдир! Эътибор берсангиз, барчасининг гапи эшини еб қўйган сигирнинг сутидай бемаза. Минганлари бировларнинг оти-ю, охур тузадилар бу қонхўрлар. Билмайдиларки, отаси сочар қаҳрини, боласи чекар захрини! Қалбида нур йўқ инсон, билхосса, ҳукмдор элу юртнинг иймону эътиқодини ҳам нурсизлантиради. Ўйлаб кўрганда бизнинг ўзимиз, ҳўкизнинг ортига қараб қолган одамлар ўлароқ шу ҳукмдорларга муносиб бўлсак керак. Боиси, адолат ҳисси ва амали анқонинг уруғи. Бу туйғудан узоқ улус эса улус эмас, тўдадир. Ноҳақлигу ҳақсизликка учраган одилу фозилга раҳми шафқат қилмаган қавм асп инсонликдан айро тушгандир. Шуларни кўриб таркидунё қилиб, ҳажга кетсаммикан деб турибман, амир жаноблари, – қўлини паҳса қилганча тўхтаб-тўхтаб гапирарди амир Дамашқий.

– Сиз барчамизнинг азалий орзуйимиз ҳақида гапирмоқдасиз, дўстим. Ёмғирдан қутилиб, дўлга тутилгандек икки подшоҳдан қутилиб, учинчисининг қўлига тушиб ўтирибмиз. Бир муддат сукут сақлағайсиз энди. Табризга яқинлашишимиз билан бу каби гап-сўзлар султон қулоғига етса яхши бўлмайди. Усиз ҳам энг яқин кишиларининг иккимизни томдан тараша тушгандек Боғдод остонасида султонга йўлиқиб, амирлик рутбасига эришганимиздан елкалари тиришганини сезиб турибсиз. Вазият қалтис. Етти эмас, ўн етти ўйлаб иш тутмоқ керак. Ҳеч иккиланмай иккимизни Абу Бакр мирзо ёки Шайх Иброҳимнинг айғоқчилари дея эълон қилиб-қатл этишлари ҳеч гап эмас.

Нурали ҚОБУЛ

– Атрофингизни жоҳилу шарафсизлар, очкўзу такаб-
бурлар ўраб олганда, ҳар қандай фалокатни кутиш мум-
кин, муҳтарам амирим.

Султон Аҳмад Жалойирнинг Боғдод лашкари салобат
ила Табриз томон юрар, ўрдунинг қоровули шаҳарнинг
чет маҳаллаларига кирган эди.

Оқ от устида чуқур ва оғир нафас олганча тебраниб
бораётган султоннинг бир пайтлар ўз мулки бўлган
кадрдон Табризга нигоҳи тушиши билан кўзи ёшовлади.

– Ё Оллоҳ, – деди ичидан тўлиб-тошиб келаётган
қувонч йиғисини зўрға босиб. – Эгаси иноят этса, бир
томчи қон ҳам тўкмай Озарбайжону Эрон мулки пойтах-
тини қўлга киритса бўлар экан. Бундан сўнг ҳам меҳр-
шафқатингни дариг тутмагин, эгам! – лаблари пичирла-
ди султоннинг.

Худди шу пайт қоровуллар амир Шайх Иброҳимнинг
чопари мактуб-ла келгани хабарини етказди. Султон-
нинг юраги барча ишларнинг хайриятлиғ ила ҳал бўли-
шидан дарак бергандек ҳаприқарди.

– Ҳамон келсин! – буюрди султон.

Отини султон жиловдорига тутган чопар яроғ-
аслаҳасини навкарларга топшириб, ўрмалаганча келиб,
ерни ўпди.

Султоннинг амир ул-умароси унинг қўлидан мактубни
олди.

– Очиб ўқий билурсиз! – буюрди султон.

Амир ул-умаро зарфни очиб, овоз чиқариб ўқиди.

– *“Неча муддатдирки, биз зоти олийлари мансуб
бўлган муборак хонадонга нисбатан ихлос йўлида
муқим туриб келмоқдамиз. Мулки давлат майдони
холи қолиб, фуқаро ҳар кимнинг таъма-ю тазйиқидан
заҳмат чекаётганлиги учун биз Табриз сари юзлан-
дик ва улусни муҳофаза этдик. Хонадону мулк соҳиби
саодат-ла ташриф буюрар экан, биз ўз уйимиз сари
қайтажакмиз”.*

– Илгари у оқсоқ Темурга шу каби аллаловчи мактублар битиб; кўнглини оларди. Энди эса бизга шундай қилмоқда. Бул озарий дегани армани каби авраб, ўз ишини битириб юради. Ҳар икки амирнинг ҳам Табризни тарк этиши яратганнинг бизга иноятидир. Амир Шайх Иброҳим қардошимизнинг йўли очиқ бўлсин!

Саратон бошланиши билан Табризга кирган султонни шаҳарни байрамона безаган акобирлар кутиб олдилар. Илгариги аҳди паймонни қайтадан янгиладилар. Шайх Али Уйрот ва Муҳаммад Сору Туркман султонга тўққизтадан асл тулпор тортиқ этди.

Кутилмаган қаршилов; ҳеч бир эътирозсиз шаҳарга кириб келмоқдан ўзида йўқ мамнун султон Хожа Муҳаммад Кажожий, амир Низомиддин Жаъфар, Хожа Маъсудшоҳ ва Хожа Зайниддин Қазвинийларни девон вазирлигига тайин этди.

Эртаси куни эса орқаси тутиб, сўзидан қайтди. Уларни яна вазифаларидан азл этиб, катта мол солиғи солди. Жонини ҳовучлаган бир кунлик вазирлар топган-тутганларини топшириб, қутулдилар.

Мўлжаллаган мол-мулкни ундирган Султон Аҳмад уларни яна лавозимларига тиклади.

Султоннинг азалдан эрталаб бир, тушда икки ва ниҳоят кечқурун уч хил гап қилишига, ҳаммага шубҳа ва гумон билан қарашига ўрганиб қолган атрофидагилар бу ҳолатдан ажабланмадилар.

Султон Аҳмад Жалойир болалик ва ўспиринлигида кўп келган ва кўчаларини чангитган Табризда ҳушу хурсандчиликни бошлаб юборган эди. Назр ва ҳадя ўлароқ турли эл-улуслардан келтирилган бокира қизлар билан тўлиб тошган. Ҳарамда ҳам ҳаёт қайнар, созу сўз садоси саройни тўлдирганди.

– Унинг худо уриб, пайғамбар ҳассаси билан туртган

Нурали ҚОБУЛ

устод разил эканлигига энди имон келтирдингизми, хў-
жам? – деди амир Дамашқий султон ҳузуридан чиқиб
уйга қайтишаркан Қазвинийга.

– Ҳазрат соҳибқироннинг одам танишликларига энди
тан бердим. Бекорга уни қароқчидек қувғин қилмаган
экан. Ўз вазирини куппа-кундуз куни талаган подшоҳни
илк бор кўришим, – бўлиб ўтган воқеадан ҳамон ўзига
келмаган эди амир Қазвиний. – Ўзиму хотинларимнинг
ўлимлиги учун олиб қўйган гуможу харжликларни ҳам
олиб келиб топширдим, биродар. Бундай одамнинг ва-
зири бўлгандан кўра, тоғу тошга бош олиб кетиб, чўпон-
лик қилган маъқул, – ярим бойу ярим гадога айланган
эди бек.

– Султон Аҳмаднинг яна бир разил одати бор экан.
Барча хайрли ва савоб ишларни ўз номи билан, оси-
шу ўлдириш, ўғрию қароқчиликни атрофидаги вази-
ру амирлари қўли билан қилар экан. Ҳалиям сиз осён
қутулдингиз. Одатда у юз берган барча хатою камчи-
ликлар, гуноҳу жиноятларни сиз каби ўзига энг яқин
юрган кишиларга ағдариб, гўеки улус кўз ўнгида барча
камчилигу нуқсонларда улар айбдорлигини исботлаб,
жомелардаги маърузаларда эълон эттиртириб, сўнгра
зиндонга ташлатар экан. Енгил қутулдингиз, муҳтарам
амирим. Шукур қилинг! – иддаоли кулди амир Дамашқий.

– Саройу сиёсат иши шундайдир, қардошим. Манфа-
атлар терс тушганда ёки бир золим сенга кўз тикканда,
бошу лошни топширишга тўғри келади, – руҳи тушиб
кетган эди амир Қазвинийнинг.

– На илож, биродар. Бошни кундага ётказиб, зиндон-
га ташламагани учун унинг оёғини ўпиб, дўсту душман
кўзи дуо қилиб турамиз. Йўқса, бу кунимиз ҳам кўплик
қилиб қолади.

– Алҳазар! У кундан яратганнинг ўзи асрасин! – деди
Қазвиний дами ичига тушиб.

Эртаси куни Қазвинийнинг навкари келтирган хабар нохуш эди. Исфаҳон савашаида ғалаба қозонган Абу Бақр мирзо Табриз томон от қўйиб келарди.

Ўз одамидан бу гапни эшитган Қазвиний шунча гап-сўздан сўнг султон ҳузурига кириб, юрак ютиб бу нохуш хабарни айта олмаслигини англаб, ўз-ўзидан тахтага айланди. У бундан бир ой бурун Абу Бақр мирзонинг вазири эди. Султон унинг гапини қандай тушунади, қандай йўқ.

— Менга қара, — деди у ўзидан амр кутиб турган навкарнинг кўзларига тик боқиб. — Сен мени танимайсан, мен сени. Амир Бистом Ҷеригидан қочиб, сиз тарафга ўтган навкарман дейсан. Табриз томон келаётганимда; бир суворий шу гапни айтди дейсан. Мана бу ақча тўла қопчиқни ол-да, султон ҳузуридан чиққандан сўнг, тўппа-тўғри уйингга жўна ва кимсага қорангни кўрсатма. Англадингми? — яна суворийнинг кўзига тикилди амир.

Қора терга тушган суворий қўрқа-писа бош ирғади.

— Унда султон саропардасига бор-да, эшик оғаси ёки ясовулбошига учраш. Чиққандан сўнг эса бошинг оққан томонга кетавер.

Қазвиний узоқроққа бориб саропардани кузатиб турди. Суворий чиқиши билан султон қароргоҳида ғалавор бошланди.

Бу қадар қиёмат қўпишига сабаб бор эди. Султон икки ўт орасида қолганди. Азал-азалдан Темур ёки темурийзодалар деса оёғи қалтираб; жони халқумига келарди. Бунинг устига куни кеча у Саидободдан, Шайх Али Абу Туробнинг вазири бўлган ўз кишисидан махфий мактуб олган бўлиб, у хатида Абу Туробнинг Боғдод томон юриш нияти йўқ эмаслигини айтганди. Бунинг устига Абу Бақрнинг Табриз томон келишини ҳам таъкидлаганди.

Нурали ҚОБУЛ

Ҳар қандай вазиятда салтанат бошкенти ҳисобланган Боғдодни қўлдан бериб бўлмайди.

Султон Аҳмад Табриз атрофига тарқалиб кетган қўшинидан аранг етти мингини тўплай билди. Табриздан чиқиб, Ужон томон борди. Маслаҳату машваратдан сўнг, Боғдодга юришга қарор қилди. Султонга боғлиқ бўлган Озарбайжон лашкари эса тарқалиб кетди.

Абу Бакр мирзо Табризга етиб келди-ю кира олмади. Шаҳарда вабо тарқалганди. Шанби Ғозонда бир муддат дам олиб, Нахчивон томон юрди. У ердан туриб Курдистон ҳокими Малик Иззуддинга элчи юбориб, ҳузурига чорлади. Малик Иззуддин яшин каби Нахчивонга етиб келди.

– Султон Аҳмад Жалойирнинг Табризга кирганлиги ва халойиқ билан эҳсиси каби англашгани ҳақида эшитгандирсиз!? – деди Абу Бакр Малик Иззуддин тухфаларини самимият-ла қабул қилиб, иззат-ҳурматини жойига қўйганча муносиб қаршилар экан.

– Туйдим, подшоҳим. Бироқ сизнинг шаҳарга яқинлашишингиз билан ўтакаси ёрилиб, Боғдод йўлини тутганлигини ҳам туйдик. Шайх Али Абу Туробнинг Боғдодни эгаллашидан чўчиб, ҳамон ортга дўнибди, – жавоб қилди Малик Иззуддин.

– У билан қай тарзда қўнишмоқ керак деб ўйлайсиз? – сўради амирзода тажрибали Малик Иззуддиндан.

– Уни ўз ҳолига қўймоқ лозим. Ёши бир жойга бориб қолган. Бунинг устига ҳаддан ташқари семириб кетган хаста бир инсон ва подшоҳ. Султон Аҳмаддан бизга қатта бир хавф йўқ деган фикрдамен. У юрак ютиб сизга қарши курашмайди. Темурийлар билан савашмасликка қасам ичган дейишади.

– Англашилди. Унда Қора Юсуф Туркман масаласини нима қиламиз? Бизга қарши жангга ҳозирлик кўриб юрибди, деган гаплар қўлоғимизга чалинмоқда.

— Бу гапда жон бор, подшоҳим. Қора Юсуф табиатан бўйсунмас, ўлар ҳўкиз болтадан тоймас қабиллида иш юритувчи, рақиб билан сўнгига қадар тирлашувчи, кимсага мирламас бир кишилиқдур. Султон Аҳмад тасарруфингиздаги мамлакатлардан узоқда ва сизга ҳеч қандай даъвоси йўқ. Қора Юсуф эса мулкингизга даъвогар. Шундоққина бурнингиз остидадир. Бизнинг ҳам ўзига қарам бўлишимизни истади.

— Модомики шундай экан, унда биргалашиб, кучаймасидан бу хатарни бартараф этайлик. Шу билан бу балодан абадулабад қутуламиз.

— Розиман, подшоҳим. Улуғ бобонгиз султон соҳибқирон ҳазратларига берган сўзимиз сўз, ваъдамиз ваъдадир. Қўшинимнинг бир қисми зоти олийларининг измидадир!

Малик Иззуддиннинг сўзларидан руҳланган амирзода лашкарни савашга ҳозирлашга буюрди.

Қора Юсуф ҳам шуни кутарди. Икки савашталаб лашкар Арс сувининг икки соҳилида бир-бирига қарама-қарши келди.

Кузнинг ўртаси бўлса-да, ҳаво совий бошлаган, лашкар ёзлик либосидан куз кийимига ўтган эди. Сипоҳийлар дагала¹ кийишган, баҳодирларнинг устидаги довудий совутлар² кузнинг илиқ куёшида товланарди.

— Яғийга камон ўқида мактуб йўллаб, сулҳга даъват этайлик. Биз ила савашмоқ бефойдалигини англатайлик, — деди шахзода амирларига қараб.

Беклар шу мазмунда мактуб ёзиб, қарши тарафга отдилар. Яғий томондан “Енгилишингиз муқаррар эканлигини билиб, сулҳ таклиф этмоқдасиз” деган жавоб келди.

¹Дагала — сипоҳийлар киядиган устки кийим.

²Довудий совут — ривоятга кўра, Довуд пайғамбар темирчи ўтган бўлиб, темирчиларнинг пири ҳисобланади. Шунинг учун совут пиримиз қўлласин дея довудий аталган.

Нурали ҚОБУЛ

Ёйчилар ўқларга паст-баланд гапларни ёзиб, бир-бирларини ерга уриб, яна бир муддат ёйандозлик қилдилар.

Мунозарадан иш чиқмаслигини англаган Абу Бакр мирзо эртаси куни сабоҳда сафларни ростлаб, савашга кирмоқ амрини берди.

Майдонга лашкарни ўзи бошлаб кирган амирзода баҳодирларча савашди. Бироқ унинг қўшини астойдил жанг қилишни истамай, душман сафларини ёриб кирмади. Асир тушганлар ҳам оз эмасди.

Арс сувидан ўтган амирзода ҳам, лашкар ҳам жанг майдонини ташлаб, орқага қайтди. Марандга етган мирзо аламидан Табризни талашни буюрди. Мўри малахдек шаҳарга ёпирилган лашкар қўлга илингулик нарса ни қолдирмади. Уй-жойлар вайрон бўлиб, халойиқ боши оққан томонга кета бошлади.

Шаҳар даруғаси Шайх Қассоб амирзода бекларидан Мазид бакананинг чандовул¹ қисмидан бўлган икки навкарини тутиб, бошини кундага етказгач, қолган аскарлар талон-тарожни тўхтатиб, қоча бошлади.

Шайх Қассобнинг одамлари тун бўйи саҳрода олов ёқиб чиқдилар. Бир неча кун шу ерда туриб, лашкарни тартибга келтирмоқчи бўлган амирзода Абу Бакр туркманларнинг янги кучлари етиб келмоқда деган ўйда кўчмоққа қарор қилди. Шайх Қассоб мирзони таъқиб этиб, Саидободга қадар борди.

Султонияга етиб олган Абу Бакр қалъани мустаҳкамлаб, қишни Райнинг Совуқбулоқ мавзесида кечирди.

Бироқ қиш таътили кўнгилдагидек ўтмади. Шаҳриёр қалъасидан исён хабари келди. Қалъани топшириб

¹Чандовул – лашкарнинг ёки лашкар бўлинмаларидан бирининг орқа қисми (арьергард).

Салтанат тулпори

қўйган Баён қавчиннинг Мозандаронга, мирзо Умарга киши жўнатиб, "Қардошингиз Қора Юсуф Туркмандан енгилиб, Қазвин томон қочиб келиб, заифу ғофил бир аҳволда ўтирибди. Агар бир гуруҳ лашкар билан ўзингиз келсангиз, унинг устига юриш қилиб, сиз зоти олийларига қилган хиёнатлари учун таъзирини берардик" дея фитна кўзгагани маълум бўлиб қолди.

Фурсатни ғанимат билган Абу Бакр мирзо амир Ширинбекни Қазвинда қолдириб, ўзи Шаҳриёр қалъаси томон жўнади. Қалъани қамал қилди. Амир Баён астойдил қаршилиқ кўрсатди. Оғир жанглардан сўнг амирзода чериги қалъа деворларига чиқди. Ҳимоячилар таслим бўлиб, омонлик тилади. Амир Баён ва исёнга ундаган кишиларни қатлга етказган амирзода қалъани Али Сиддиққа топширди.

Абу Бакр мирзо Шаҳриёр қалъасини қамал этиб тураркан, қардоши Умар мирзонинг амир Баён сўраган лашкари етиб келди. Бироқ черик Абу Бакр қўшинига хужум қилмади. Қўллари қуруқ қайтмаслиги учун икки минг мўғул оиласини Астрободга олиб кетишди.

Шаҳриёр қалъаси ишини битирган Абу Бакр мирзо Совага қараб юрди. Сова ҳам нотинч эди. Шаҳар ҳокими Тоҳирнинг кичик ўғли Муҳаммад билан қардоши Тайфур ҳокимият талашарди.

Амирзоданинг келганидан хабар топишгач, шаҳарни топширдилар. Абу Бакр уларни ҳибсга олиб, бир пайтлар ўзи ётган Султония қалъаси зиндонига жўнатди.

Икки ака-ука бандини Султония зиндонига юборар экан, бу воқеа унга қаттиқ таъсир этди. Бир пайтлар зиндон хужрасининг шифтига термулиб, кимлардандир нажот истаб худога нола қилиб чиқарди. Энди эса иккита ўзига ўхшаган амирзодани оғзининг ели билан зиндонга жўнатмоқда. Мана яратганнинг хоҳиш иродаси.

Нурали ҚОБУЛ

Истаса сени бир кунда олам султониға айлантиради. Истамаса зах зиндон ҳавосини раво кўради. Куни кеча амир Баён Шаҳриёр қалъаси қутволи, кимсан Амир Те-мурнинг набираси, чексиз бир мамлакатнинг подшоҳига тутун қайтариб турган бек эди. Энди эса ғассол ва гўрковлар унинг узилган бошини танасига тикиб, тупроққа тикиб келдилар. Мол-мулки, хотинлари ва қизига ҳам Али Сиддиқ эга чиқди. Йўл-йўлакай амир Баённинг иниси ҳам қўлга тушди ва Султония зиндонига жўнатилди. Мана сенга тақдирнинг аҳмоқона ўйини, қисмат қиличининг тос-тепанга тушиши, вақти замони етгач, кимса ундан қочиб қутулолмайди. Киши қай замон ва қай бир маконда ажал ёқасидан тутажагини ва шундан сўнг қўйиб юбормаслигини билмайди.

Шу ўй-хаёллар билан саропардада ўтирган амирзода хазина амирига Сова раиятидан моли омон олишни буюрди. Етти нафар амир – Тукал Ўрис Буқо, Пир Хусайн Барлос, Исмоил Атка, Шайх Муҳаммад даруға, Нуширвон Барлос¹, Хожа Пир Хусайн ва Хожа Бердиларни тўпланиб қолган молларни йиғиб келиш учун Курдистонга юборди. Ўзи эса Ҳамадон ва Даргузинга қараб юрди.

Ҳамадон йўлида кетаркан, амири Умар Катук етказган хабардан тепа сочи тик бўлди.

– Ўзингиз унвону рутба, молу мулк берган бир тўда амир сизни ўртадан кўтариб ташлаб яна падари бузрукворингизни тахтга ўтқазиб режасини тузмоқдалар. Султония ва Қазвинни босиб, талон-тарож этишга аҳд қилишибди! – деди амир Катук тили бўғзига тикилганча, отдан сакраб тушаркан.

– Улар қандай ва қаерда тил бириктиришган? – сўради амирзода кайфи учиб.

¹Бу бошқа Нуширвон Барлосдир.

Салтанат тулпори

– Энг еткили етти бекингизни мол учун Курдистонга юборган эдингиз. Улар шу сафар чоғи маслаҳатлашиб, ахдлашишган, султоним!

– Гапинг ёлғон бўлса, бошинг кетади-я!

– Биламан. Бундай турумда янглиш ҳаракат этсам кузгун лошга кўнади, подшоҳим! Гапим рост! Бу гапни амир Қутлуқхожа ҳам эшитди. Мана ёнимда бирга келди.

– Тўғрими, амир? – Қутлуқхожага қаради мирзо.

– Тўғридир, султоним!

– Бундан қиблагоҳнинг хабарлари борми ёки орқаворотдан қилишдимикан? – боши қотди амирзоданинг.

– Фикри ожизимча, қиблагоҳингизнинг розиликларисиз бундай ишга қўл урмасалар керак. Яна худо билади. Бу ҳақда билгим йўқдур!

– Унда оғиз очиб, бу гапни кимсага сўйламанг! Мен ҳам эшитмадим. Сиз ҳам гапирмадингиз! Менинг саропардам ортидаги хос ҳужрага кириб туринг. Лозим бўлганда чақираман, – деди амир Умарга.

– Курдистон сафаридан қайтган бекларимизни машварага чорланг! – буюрди амирзода эшик оғасига.

Саропардага Тукал Ҳус Буқо, Пир Хусайн Барлос ва Исмоил Аткалар кириб келди.

– Қолган амирларимиз қаердалар? – сўради подшоҳ вазмин оҳангда.

Беклар бир-бирларига қараб қолишди.

– Жалпод! – ҳайқирди амирзода. – Учовини ҳам ҳибса олинг! Бироқ бошини танасидан жудо этмай туринг! Буларнинг бутун мол-мулкларини Али Сиддиққа ўтказилсин!

– Нуширвон Барлос билан Хожа Бердилар қочиб кетибдилар! – деди эшик оғаси янги хабарни етказиб.

– Менга қара, Ҳус Буқо! Ҳурнимга кимни тахтга ўтказмоқчи эдинглар? – сўради амирзода.

Нурали ҚОБУЛ

– Мирзо Мироншоҳни! – жавоб қилди қўли орқасига боғланган амир.

– Бундан отамнинг хабарлари бор эдимиз?

– Йўқ, подшоҳим!

– Учовининг ҳам боши кесилиб, уч вилоятга юборилсин! Отамни эса хонабанд этинг! Менга суиқасд хабарини етказиб нону тузимни оқлаган амирлар Қутлуқхожа ва Умар Катукларнинг ҳар бирига бир мамлакат хирожига тенг келгувчи муҳташам камар тақдим этилсун! Отамизнинг амирларидан кимда кимнинг бу фитнадан хабари бўлса, боши кундага етказилсин!

Фитнаю суиқасд ишини ниҳоясига етказган амирзода Даргузинни тарк этиб, улуғ бобоси ўтган-қайтганда тўхтайдиган Арғун кўриғи томон юрди.

Баҳор тўрт тарафга кўм-кўк сепини ёйганига ҳам безътибор амирзода қонли воқеалар таассуротидан қарахт бир ҳолда от устида ўйга толиб борарди...

Ортидан чолиб келаётган суворийнинг шовури эшитилди. Ўгирилгач, ҳансираб келаётган Қутлуқхожага кўзи тушди.

– Мироншоҳ мирзо ҳазратларини не қилайлик? Саропардаларида сақлайликми ёки?..

– Саропардаларида тутинг! – буюрди амирзода зўрға тили айланиб.

Қутлуқхожа оти жиловини ортга буриб, қамчи босди.

Амирзода Абу Бакр беихтиёр, Қутлуқхожа от чоптириб кетаётган мағриб томон боқди.

Баҳорнинг қизғин қирмизи қуёши уфқни шафақ рангига бўяб ботарди.

Шафақ қонталаш эди. Бу қонли шафақларнинг акси ҳали-ҳануз жилваланаверади чоғи ҳаёлидан кечди амирзоданинг.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

“Ёмон кетиб, яхши келмас”.

Ота сўзи

Хукумат адашаётганда
ҳақ бўлиши хатарли.

ВОЛЬТЕР

Абу Бакр мирзонинг Қора Юсуф Туркманга қарши туражак қудрати йўқ эди. Қолаверса, Қора Юсуф билан сичқон-мушук ўйини ўйнаб бўлмайди. Буюк бобосига ҳам дум туттирмаган, шу пайтгача ҳеч кимдан енгилмаган бу пихини ёрган амир ўтга тушса ҳам бутун чиқадиганлар хилидан. У билан Султонияда савашга кирса аҳоли азобда қолиб, шаҳар талон-тарож бўлади. Султонияга кўзи учиб турган бўлса келсин. Қандай кириб келган бўлса, худди шундай чиқиб кетади. Энг муҳими, қон тўкилиб, одамлар қурбон бўлмайди.

Мирзо Султонияда, буюк бобоси қурдирган саройда яшарди. Бу оқ мрамор-ла қопланган мухташам иншоотга ҳар кириб чиққанида кўкси тоғ каби юксалар, ичидан афсонавий бобосига бўлган меҳр ва соғинч жунбушга келарди.

– Султониянинг увол-савобини сенга топшираман! – деди у ҳузурига чорлаган Дарвеш Қушчининг чап елкасига ўнг қўлини қўяркан. Ёнингга икки юз нафар сара суворийни қолдираман. Агар Қора Юсуф шаҳарга кирса қарши курашиб, кишилар хунига зомин бўлма. Зудлик-ла шаҳарни тарк эт ва ҳузуримга етиб бор. Мен Дамованд тоғи этакларида бўламан.

Дарвеш Қушчи давлатпаноҳининг айтганини қилди. Туркманларнинг катта қўшини Султониянинг ғарбий

Нурали ҚОБУЛ

дарвозаларида пайдо бўлар экан, у икки юз суворийси билан шарқий дарвозадан чиқди. Яғий ҳаракатини кузатиб, икки кун турди. Сўнгра шимол томон йўлга чиқди.

Абу Бакр Мирзо ёзни соя-салқин Дамованд тоғи этагидаги сой бўйида ўтказарди.

– Амир Қора Юсуф беклари билан Султонияга кирди ва шаҳарни ғорат қилишга амр берди, – Султония фожиасини сўзларди Дарвеш Қушчи амирзодага. – Аҳолини эса оилалари билан Табриз, Мароға ва Ардабилга бирга олиб кетишди. Улар Султонияда экан, Султон Увайсининг қизи томонидан Қора Юсуфнинг набираси бўлган Султон Зайнобиддин ибн Шоҳ Шужъоннинг ўғли Султон Муътасим қайтиб келди ва Қора Юсуфдан мадад сўради. Қора Юсуф унга марҳамат этиб, Ҳамадон ва Нуристонни берди. Ўзи эса Табризга қараб юрган.

– Бу ўша, улуғ бобом ҳазратларидан кўрқиб қочиб юрган шаҳзода Султон Муътасимми? – сўради Абу Бакр.

– Ўшадир, султоним.

– Шоҳ Шужъо раҳматли ўлими олдидан улуғ бобом ҳазратларига мактуб битиб, авлодларини омонат топшириб кетган. Уларга биз ҳам ҳар замон раҳм-шафқату меҳр-мурувватда бўлиб келганмиз.

– Султон Муътасим Қора Юсуфга ақрабо бўлганлиги туфайли амир соҳибқирон ҳазратларидан қочиб юрган дейишади, олийнажот султоним. Арғун кўриғида қўлингизу пешингизни ўпиб юрган Шукруллоҳ булғорни айтмайсиэми?

– У бизни олий даражадаги вазиримиз эди-ку? Не ўйин кўрсатди? – ҳайрон бўлди амирзода.

– Ул хоин сиз Султониядан узоқлашишингиз билан Гилон ҳокими Амир Саййид Ризокиёга тобелик эълон этиб, Қазвиндан Рудбор томон юрган.

– Наҳотки? – шаҳзоданинг ранг-рўйи оқарди. – Унга салтанат хазинасининг учдан бирини ишониб топшириб,

сақламоқни тайинлаган эдим. Астойдил сотибди-да, ярама! Ўзи сотилиб, ўлиб-нетиб кетса-да, давлат мулки, раияту лашкар ҳақиға хиёнат қилмаслиги керак эди. Тезда унинг изига тушишимиз керак! – безовталанди Абу Бакр. – Қазвин томон юрамиз!

Қазвинга от қўйиб етиб келган амирзода Хожа Шарафиддин Ҳомидий билан Саййид Иззуддин бошчилигидаги амиру уламоларни Шукруллоҳни сўз-ла йўлга солиб, ҳузурига олиб келишни буюрди. Воситачилар сўзига кирган вазир Шукруллоҳ Қазвинга келди. Амирзода ундан тўлаши керак бўлган барча мол-мулкни талаб қилди. У анча-мунча хазина молини сарфлаб қўйган бўлиб, амирзодани ҳисобдан чиқара бошлаган эди. Борбудини топширган вазир Шукруллоҳ қийноқ пайтида ҳалок бўлди.

Куз ўртасида Султонияга етиб келган Абу Бакр икки кун мобайнида Султония муаммолари ила машғул бўлди-да, Ардабил томон жўнади. Аскарларига Ардабил атрофини ёғмалаш¹ учун уч кун муҳлат берди. Бу уч кун давомида лашкар ақлига келган номаъқулчиликни қилди. Қўлга тушган ўлжанинг асосий қисми ўғруқ²қа юборилди. Сўнгра у Мароғани талон-тарож қилишни буюрди. Тийиқсиз лашкар хотин-халаж ва болаларга нисбатан ахлоқсиз ишларни қилдики, халойиқ тиззасига муштлаб уни қарғади.

Мўл-кўл ўлжаларни қўлга киритган, лашкарининг кўнглини олган Абу Бакр Жийжамолдан қишлоқ солишга қарор қилди ва баҳорга қадар айш-ишратдан боши чиқмади. Бу орада Қурдистонга лашкар юборди. Лашкар туя-туя, хачир-хачир мол билан қайтди.

Рай сарҳадларидаги қоровуллардан Самарқанд томондан катта бир қўшин келаётганлиги хабарини олган Абу Бакр, Дарвеш Қўшчини элчи ўлароқ жўнатди.

¹Ёғма, ёғмалаш – талон-тарож этмоқ, тортиб олмоқ

²Ўғруқ – ҳукмдорнинг оила аъзолари, ҳарами.

Нурали ҚОБУЛ

Дарвеш Қушчи юборган чопар йўлга чиққан қўшин Халил Султон хизматидан бош тортиб, Хоразм ва Мозандарон чўли орқали Райга келаётган жоникурбоний қавмлари бўлиб, улар бошида амир Наврўз билан амир Абдурахмон турганлигини айтди.

– Қўшиннинг сони қанча экан? – сўради амирзода чопардан.

– Беш минг чоғи, султоним!

– Беш минг. Кичик сон эмас. Демак, Халил Султон кадрдонимизнинг ҳам Кўктошга кетини ишқаш муддатининг тугашига узоқ қолмабди. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, буюк бобомнинг дўстлари Ўткун Тегин оқиннинг башорати амалга ошадиган кўринади. Ўткун Тегин деган оқинни эшитганмисан? – сўради амирзода чопардан.

– Эшитганим бор, султоним! Улуғ хоқон ҳазратларининг яқин дўстлари бўлган дейишарди, – жавоб қилди навкар.

– Унинг битикларидан биласанми?

– Йўқ, султоним. Мен бир жоҳил аскар бўлсам.

– Ана шу ишинг бўлмайди-да, жоҳил аскар. Жоҳил аскардан фақат жаллод чиқади. Ақлписидан кўмондон. Сен ҳам ҳаракат этиб, ўқиб-ўрганишинг керак.

– Ёрдам беринг, султоним. Жон деб ўқир эдим.

– Тамом, бу масалани ҳал этамиз. Энди мен сенга Ўткун Тегин бахшининг ўша битигини айтиб берсам, – дея саропарда тўридаги тахтидан тушиб, юра бошлади амирзода бек ва вазирларига қараб қўйиб. Шундай ўтиришли аёл ҳам ўғил туғадими ёки замбилсифат шу эркақдан ҳам ўғил туғиладими деганларидек, ул биродаримизнинг охир-оқибатда қовун тушириши бошдан белгили эди, – негадир бу хабардан амирзоданинг бирдан кайфияти кўтарилганди. Сўнгра юрганча, битикни ўқий бошлади:

Кўктошга кети теккан
Ҳар каски Темур ўлмас.
Қулмижозлар зирвада,
Ватан мудом ҳур ўлмас.

Кўктошга кети теккан
Ҳар каски Темур ўлмас.
Фосиқ сўзи сўз экан,
Улус мудом бир ўлмас.

Кўктошга кети теккан
Ҳар каски Темур ўлмас.
Эл бўлмаган элатнинг
Хиргойиси ир бўлмас.

Кўктошга кети теккан
Ҳар каски Темур ўлмас.
Аҳди мавҳум улуснинг,
Иймонида нур ўлмас.

Кўктошга кети теккан
Ҳар каски Темур ўлмас.
Ватансиз қавмларнинг,
Саҳроси бўзқир ўлмас.
Юртга хоин бош ўлса,
Ата Турон бир ўлмас.

– Тасанно!

– Қойил!

– Султонимизнинг қуввайи ҳофизалари кўп кучли-да!
– овозлар эшитилди.

– Сен ҳамон ортга дўн-да, Дарвеш Қушчига сўйла.
Ҳар икки жониқурбоний амири ва лашкарларига оғзига
сиққанини берамиз. Келишсин ва бизга қўшилишсинлар!

Нурали ҚОБУЛ

Бекларни ҳам шоҳона қаршилаймиз. Сўзларимни англадингми?

– Англадим, султоним! – яна чўк тушиб, ёрни ўпди чопар.

– Дўна билурсан! Суворийга яхши от, кийим-қушам ва яроғ-аслаҳа берилсин!

Абу Бакрнинг амирлар Наврўз ва Абдурахмонга берган тухфалари, қўша-қўша отлари Самарқанд султони-никидан кам эмасди. Беш минг кишилик жоникурбоний лашкари Даргузинда амирзода қўшинига қўшилди.

– Ана энди Озарбайжонни озод этиб, сизларга ўша мамлакатни топширсак бўлади, – деди амирзода икки бек шарафига зиёфат бераркан.

– Улар ҳам ўзимизнинг оқ қўйинли туркманлар. Қандай бўлар экан, шаҳзодам? – деди амир Абдурахмон бу кутилмаган таклифдан шошиб.

– Шаҳзодамиз тўғри сўйладилар. Қўл остимиздаги беш минг суворий ва унинг аждоду авлоди учун яшашга бир мамлакат керак-ку. Бунча одамга ҳеч бир давлат ҳукумдори ўз юрти дарвозаларини ланг очиб қўймайди. Мол-мулк ҳам, тож-тахт ҳам ҳадя этилмайди. Забт этилади; – амирзоданинг гапи сархуш амир Наврўзга маъқул келган эди.

– Зотан, сизларга маълум, ҳозирда у юртларни босиб олган Қора Юсуф бободушманимиз. Ҳеч қачон бизга дўстлик қилмаслиги Мозандарондаги ҳар бир шеру мушуккача аёну баён.

– Унда ўзларингиз биласиз, – деди амир Абдурахмон бўшашиб.

– Рақибнинг кучайиб, устимизга бостириб келишини кузатиб ўтириш шарт эмас деган фикрдаман, муҳтарам дўстларим, – амирларни астойдил иқно этарди мирзо. – Кетига сал жир битиши билан Султён Аҳмад Жалойир

аввал Султония, сўнгра Табризга босиб келди. Бироқ қандай келган бўлса, зарбамиздан чўчиб, худди шундай Табризни тарк этиб қочди. Султоннинг бу ҳаракатини Қора Юсуф ҳам такрорлаши ҳеч гап эмас. Аскар йиғиш борасида амир Бистом ва амир Хусайн Саъдлар билан олиб бораётган музокараларидан хабаримиз бор. Амир Наврўз жаноблари айтганларидек, тожу тахт жанг майдонию сиёсат пойгасида отини жадал қамчилаганники. Иқтидорни олтин лаганда тақдим этмайдилар, – амирзоданинг сўзлари кескир, фикрлари тош босар эди.

Ҳар икки жониқурбоний беги, саропардага йиғилган бошқа амиру вазирлар ҳам бош ирғаб, подшоҳ сўзини маъқулладилар.

Икки кун ўтгач, Абу Бакр қўмондонлигидаги катта қўшин Табриз томон борарди.

Амирлар фитнасидан сўнг отаси билан орасига соувқлик тушган Абу Бакр ҳали-ҳануз қиблагоҳини ярим чодир ҳибсда сақлар, илгариги ота-болалик меҳр-муҳабати, самимияти ўртадан кўтарилган эди.

Отасининг истаган жойига саропардасини тиклаб, кўнгли тусаганча кезишига рағбат кўрсатиб юрган амирзода энди кўримани кучайтирганди.

Бу қоровул қисми илгари қиблагоҳини ғанимлардан қўриқлаган бўлса, эндиликда унинг ўзини ўйинбузар бекларидан муҳофаза этарди.

Номдор амиру амирзодалар, катта-кичик ҳешу ақраболар Абу Бакрнинг изнисиз келиб Мироншоҳ мирзо ила кўришиб, гаплаша олмас, ўғруқи ва озайиб қолган лашкари ҳам хос назоратда эди.

Улар ака-укадек эдилар. Мироншоҳ мирзо қирқ ёшда бўлиб, Абу Бакр ундан бор-йўғи ўн тўрт ёш кичик эди.

Абу Бакр энг катта ўғил бўлиб, марҳум иниси мир-

Нурали ҚОБУЛ

зо Умар ундан бир ёш кичик, қолган қардошлари Усмон Чалабий ўн етти, Ийжал ўн уч, Алангир ўн икки ва Суюрғатмиш тўққизда эди.

Укаси мирзо Умар ўзини Султония қалъасига зиндонбанд этганидан сўнг барча қардошларига бўлган ишончини йўқотди. Отасига нисбатан алоҳида эътимоди бор эди. Ўзига нисбатан уюштирилган ва амалга ошмаган суиқасддан сўнг бу эътиқод қояси ҳам дарз кетди.

Мулки давлат, тожу тахт бор жойда отангу болангдан тортиб, ҳеч бир кимсага ишониб бўлмас экан. Бу илону чаёнларга подшолик қилиш учун энг катта аждар бўлмоқликка маҳкум ва мажбур экансан. Ҳокимият ипининг учини сал қўлларига тутқаздингми, тамом. Аввал белиннга, сўнгра елканнга, охир-оқибат бошинга қараб ўрмалайди. Зийракликни кўздан қочирдингми, жанозангни ўқийдилар.

Мироншоҳ мирзонинг ҳам тўнғичига меҳри айрича эди. Қиблагоҳи раҳматли уни подшоҳликдан азл этганда, ўрнига Абу Бакрга фармон берганди. Отасининг кўзи тирик экан, тахтига ўтирмаслигини айтиб, буюк бобо амри ва иқтидорни рад этганидан сўнг ўғлининг ақли, журъату жасоратидан ҳайратга тушган эди. Тахт иккинчи ўғил – мирзо Умарга кечганди.

– Бугунга келиб мулки давлат, сулолаю салтанатдаги ўша ҳашам, салобату салоҳият рўёга айланиб қолди. Ит эгасини танимайдиган ва боқмайдиган бир замон бўлди. Иш юришса, шиша сандон синдирар, юришмаса буламиқ¹ дандон синдирар² экан.

Ўз билганидан қолмайдиган Мироншоҳ мирзонинг кейинги ўн йилда иши юришмади. Ёш бўлса-да,

¹Буламиқ – атала, холвайтар.

²Иккинчи варианты – толе ёр бўлса, шиша сандон синдирар, толе ёв бўлса атала дандон – тиш синдирар.

тожу тахтсиз подшоҳга, болаларининг қўлига-ю оғзига қарайдиган отага айланиб қолди.

Шоҳ эрсанг-да, гадой бўлсанг-да болангни ўйлайсан. Боланг сенинг ортингдан тахтга чиқса-да, сени эмас, боласини ўйларкан.

Ёруғ оламдаги энг даҳшатли нарса умр бўйи қилиб келган тоат-ибодатинг мевасини кўрмай, унинг барбод бўлганлигини ҳис этмоқ экан.

Омад келиб ишинг илгариласа, айнан итинг ҳам ўтлаб кетавераркан. Оёқ тойса ҳатто отинг ҳам фирмас экан. Эҳтиётсиз ов ёмон, ўздан чиққан ёв ёмон дегандек, ёту ғанимга қарши ҳисоб-китобингни қилиб, масофангни олиб юрасан. Бироқ бу ташвиш, таҳлика ўз ичингдан чиқса...

Кишининг феъли чўрт, атвори баҳор ҳавосидек ўзгарувчан бўлса, ҳаёти бир текис кетмас, мудом боши тошга урилиб, оёғи қоқилиб юраркан.

Қилажак иш қолмагач, келажакка умид сўниб, борган сари кечмишни хотирламоғу ҳасрат этмоқдан бошқа юмуш қолмайди чоғи. Учинчи ўғли Халил Султон Самарқандда, буюк бобосининг тахтида ўтирибди. Бироқ бу ҳолатдан ҳам қониқиш туймайди. Кўнгли алағда. Уни барибир тинч қўймайдилар. Ишқилиб, Умар мирзодек шаҳид этмасалар бўлди. Ота юртдан келаётган турли хабарлар, ишлар фарзандининг фойдасига кетмаётганини муждалайди. Ёмон кунлардан тангрининг ўзи кўрисин. Амирзодалар ўртасидаги тахт талашу қирпичоқ давом этаверса, бирортаси ҳам соғ қолмайдикун! Сўнгида салтанат барбод бўлади. Бу шарафсиз ва мутсиз кунларга шоҳид бўлгандан кўра оёқни узатиб ўтиб кетган маъқул эмасми? Иккинчи ўғли Умар мирзо аввал отасига, сўнгра амакиси Шохруҳмирзога қарши тиг кўтарди ва шу тигнинг қурбони бўлди. Ўзининг бо-

Нурали ҚОБУЛ

шига ҳам не балою қазо ёғажакса, болалари орқасидан келадиган кўринади.

Ҳамон бир ҳафта бурун кўрган туши таъсирида юрибди. Айланиб-ўргилиб эсига келаверади. Шундай тушлар бўлади. Ҳеч қачон, не қадар ҳаракат этиб ўзингни чалғитишга уринма, унута олмайсан. Бу туши ҳам шундай шекилли.

...У сўрисифат текис бир тахтанинг устида, яланғоч, чолорқа ётибди. Бош учида отаси унга тикилиб турибди. У нажот сўраб кўлини узатар, бироқ қиблагоҳи унга қарамас эди. Сўнгра отаси тилга кирди.

– Қара ўғлим, кўряпсанми? – сўради ота қалдираган сасда.

– Нимани? – сўради ўғил.

– Куёшни, – жавоб қилди ота.

– Қанақа куёшни?

– Чиқаётган куёшни.

– Мен қиблага бош узатиб ётибман! Куёш машриқдан чиқади-ку, ота?

– Йўқ, бу куёш мағрибдан чиқаётир!

– Кўролмаяпман, отажон! Сиз кўряпсизми? – сўради энтикканча.

– Сен ётганинг учун кўрмаётгандирсан? Мен кўрмоқдаман!

– Мени турғазинг, отажон! Мен ҳам кўрайин!

– Йўқ, энди сен кўролмайсан!

– Нега, отажон!

– Буни ўзинг биласан!

– Мени кечиринг, отажон! Сизнинг тоғлар қадар юксак кўнглингизга кўл озорлар бердим!

– Энди мен ҳам кечира олмайман! Элимдан келмайди, болам! Олисдаман, узатсам-да сенга кўлим етмайди!

– Ёлвораман, отажон!
– Ёлворма! Энди ёнимга келасан!
– Бирга бўламизми, отажон?
– Бирга бўламиз, бўтам! Мен қандай сендан айрилган бўлсам, сенинг бошинга-да шу кунлар тушибди! Худонинг хоҳиши шундай экан.

– Энди билдим, отажон! Энг яхши ер сизнинг олдингиз экан!

– Қолганлар ҳам шу ерга келадилар!

– Отажон! Ёрдам беринг! Мен тушиб кетяпман!

– Қўрқма! Барча тушган жойга тушмоқдасан!

– Отажон! Ёрдам!..

Ётган тахтаси билан пастга тушиб кетди...

...Босинқираб уйғонди. Аъзойи бадани жиққа терга ботган, хансираб нафас оларди.

Кўзини очганда кечаю кундуз бирга бўладиган мулозимини сафар олдидан чала уйқудан уйғонганича, гарангисиб, тепасида турарди. Девордаги шамлар милтиллаб ёнарди.

– Тузукмисиз, ҳазратим? Босинқираб уйғондингиз? Рўёнғизда қиблагоҳингиз раҳматли ила кўришдингиз! Юсуф пайғамбар яхшиликка йўйсин! – чўк тушди мулозим.

– Ҳеч бундай туш кўрмаган эдим, Сафар! Қиблагоҳамгин қиёфада бошимда турибдилар...

Ётган тахтаси билан чуқурликка тушиб кетганини мулозимга айтмади. Одатда ҳар қандай яхшию ёмон туш ҳеч кимга айтилмайди. Юзда-юз ишонганинг, жонга яқин ичи ачиринг бўлса бошқа гап. Қани ўшандай одам?! Пушти камарингдан бўлган боланг тобут каби бир тахта тахт учун сени хору зор қилиб ўтирипти! Йўлнинг сўнги кўриниб қолган чоғи! Ё Оллоҳ! Шармандаи шармисор қилмай туриб, елдай елиб, селдай келиб, омонатингни

Нурали ҚОБУЛ

ол! Пушти камарингдан бўлган болангнинг қош-қовоғига ҳам қаратма! Бевафо дунёнинг охир-оқибати шу экан...

Ғамгин ва нурсиз нигоҳини чодир шифтига тикканча қилт этмай ётган хўжасига қараб қолган мулозим нафас олишни ҳам унутгандек эди.

– Алғов-далғов тушлар кўрибман, Сафар. Ишқилиб, тинчликми? Бизни хонабанд этганлар тарафдан бирор-бир гап-сўз йўқми? – хаста овозда сўради Мироншоҳ мирзо. – Подшоҳнинг қоровуллари ҳануз қароргоҳимизни ўраб туришибдими?

– Эски тос, эски ҳаммом, ҳазрати олийлари. Ҳожатхонага борсам-да таъқиб этишади. Барчамизнинг юрагимиз сиқилиб кетди. Бу аҳволдан безган бир мулозим билан Обид ошчининг ўғли Оқил қочиб кетишибди.

– Қайга қочишибди?

– Ким билади дейсиз? Қочганларнинг аксари Ҳиротни қора тортиб кетмоқдалар.

– Ўшалар ҳам биздан кўра омадлироқ экан, Сафар. Қардошим Шоҳруҳбек Ҳиротга даъват этиб, ёнимда хон каби яшаб юринг, дея мактуб йўллаганида рози бўлмаганимга энди пушаймонман. Биз ҳовлиқма туркларнинг ақли тушдан кейин киради, дер эдилар раҳматли қиблагоҳим. Энди ўйлаб қарасам, тушдан кейин ҳам кирмас экан. Тўнғич фарзандимнинг қўлида асиру банди бўлиб ўтирсам-а! Ўйлаб ўйимга етолмайман, Сафар. Тоғу тахт деган аждаҳодан аллақачон қўлимни ювиб, қўлтиғимга урган бўлсам. Унинг кўзни олувчи жилоси, ўзига тортар оҳанрабоси, ўндан тўққиз ҳукмдор бошини кунда ёки дорга элтади. Буни англаб етмаганлар парвонадек ўзларини салтанат тахтига ураверадилар. Парвонанинг умри эса шам ўтида битади. Минг йўлдошдан бир сирдош яхши бўлиб, ёнимда якка-ёлғиз сен қолган кўринасан...

– Сиз одатдагидек эрта уйкуга кетган эдингиз, ҳазратим... Олий қароргоҳидан хабар келди. Черигимиз жангга ҳозирланиб йўлга чиқиши керак экан. Келган чопар сизни уйғотмасликни айтиб, шу фармонни етказишни тайинлади.

– Қаерга, кимга қарши савашар эканмиз? – сергак тортди Мироншоҳ мирзо.

– Табриз томон юрар эканмиз. Қора Юсуф Туркманга қарши, – овози товланиб жавоб қилди чухра.

– Тушунарли. Авлодимиз ёнига амир Наврўз билан Абдурахмонни олиб, ўзини кучли санаб, бу фитнани бошлаган кўринади. Мирзо хато қилмоқда. Темурдек одам билан тортишиб, мирламаган Қора Юсуфу Султон Аҳмад каби кекса бўриларни бир ёқлик қилиш бўйидан ошажак ишдир.

– Қисмаган қетга бало бор дея бот-бот такрорлайсизку, ҳазрат.

– Шундай, Сафар. Ёшлик ҳою ҳаваси, ҳукмдорликнинг илоҳий ҳоври одамни кўтараверади. Айни дамда улар шундай ҳолатдалар. Насихат қилиб, тўғри йўлни кўрсатмоқчи бўлсанг, энсалари қотиб, ғашлари келади. Негадир бирдан қорним очиқиб кетди. Бир парча емак билан бир коса қуюқроқ айрон келтир.

– Истасангиз, қуртава қилиб бераман, ҳазрат.

– Ярим кечада ошчиларни безовта этма. Ўзинг ҳам дам ол. Эртага йўлга чиқадиган бўлсак, ҳозирлик кўришимиз керак: Демак, рўёларим бежизга безовта эмас экан. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

Чухра саропардага туташ ошхонага чиқиб кетди.

Мироншоҳ ўтирган жойида икки тирсагини хонтахтага тираганча бир неча кундан бери ҳофизасида айланаётган сатрларни қоғозга тушира бошлади.

Темурий иймонлар ларзада бугун,
Катта-кичик рақиб арсада бугун,
Ота безорилар марзада бугун,
Маъно-мантиқ йўқ ҳеч нарсада бугун.

Оғоч тахт атодин устун бўлдимми?
Разолат хатодин устун бўлдимми?
Хиёнат вафодин устун бўлдимми?
Жиноят жафодин устун бўлдимми?

Сен қутлуғ қонларга хиёнат этдинг,
Беғубор тонгларга хиёнат этдинг.
Жон каби жонларга хиёнат этдинг,
Пок шараф-шонларга хиёнат этдинг.

Қадар куллик экан, қисмат султонлик,
Ҳаёт неъмат экан, ўлим ултонлик.
Жон-чи, нафасдадир, бир дам, бир онлик,
Охираёт муҳаққақ, муваққат жонлик.

Умр рўё каби оқиб ўтаркан,
Ҳаёт ғам-ташвиши кечиб кетаркан.
Армонлар андуҳи кўкка ётаркан,
Хайрсиз авлоддан қадринг битаркан.

Ўзимдан ўтганин ўзим биламан,
Чоҳга қандай тушдинг, кўзим, биламан.
Улус амниятин лузум биламан,
Ёруғ замонларни тўзим биламан.

Битик битмоқдан тўхтаб бош кўтарганда, Сафар
чуҳра лаганга солинган айрон ва емакни тутганча, тела-
сида қотиб турарди.

Салтанат тулпори

– Емакларни супага қўй-да, истироҳат эт, Сафар. Бомдоддин сўнг йўл ҳозирлигини кўрамиз, – деди йиғига ўхшаган овозда. – Оллоҳ сендан рози бўлсин.

Сафар чухра тисланганча, чодирдан чиқиб кетди.

– Зотан, ёнимда сендан бошқа ҳеч ким қолмади, Сафар! – деди ўз-ўзига чухра чиқиб кетгач, кўзидан дувиллаб ёш қуйилар экан.

У узоқ йиғлади. Ҳаётда ҳеч қачон бу қадар юрак бағри тўкилиб, елкалари силкиниб кўз ёши тўкмаган эди.

Бир оз енгил тортгандек бўлиб, яна ҳолсиз узанди. Кўзи тинди. Хонтахта устидаги экмак ва айрон ҳам қолди...

Яна ўша туш давом этарди. Энди у ўша чуқурга тушиб кетган, отаси эса ҳамон ўша юксакликда турарди.

– Отажон! Мени тортиб олинг! – дея ёлворди зўрға саси чиқиб. – Мени кечиринг! Сиздек улуғ қиблағоҳнинг қалбига озор бердим! Энди такрорламайман! Бир қошиқ қонимдан кечинг!

– Энди фурсатинг етмайди. Мен кечирсам-да, азоб берганинг, ноҳақ қонини тўкканинг Хитой баҳодир каби инсонлар кечирмайдилар! Бу гуноҳларинг учун жавоб берасан! Ҳисобсиз дунё, жазосиз жиноят йўқлигини унутиб қўйган эдинг! Одамларга қандай муносабат қилган бўлсанг, худди шундай жавобни оласан! Сени жону жигарим бўлганлигинг учун мен кечирган эдим! Мендан бошқа ота бўлса кечирмас эди! Энди калимаи шаҳодатни қайтар!

У бетиним калимаи шаҳодатни қайтарарди.

Абу Бакр мирзодан юриш таълимотини олган черик бевосита қўмондони бўлган Мироншоҳ мирзонинг амри-сиз йўлга чиққан, суворийлар Табриз йўлига тушгандилар.

Нурали ҚОБУЛ

Ҳар нарсага бефарқ бўлиб қолган Мироншоҳ мирзо Сафар чухра билан гурунглашиб борар, ундан тўқнашув ва юришга оид билгиларни сўрарди.

– Қора Юсуф Туркман Шанби Ғозонга келибди. Хандақлар қазиб, мудофаа истехкомлари тиклаётган эмиш. Амир Бистом Жогир қардошлари Мансур ва Маъсум, ўғли амир Фараж, амир Ҳусайн Саъд биродари Муҳаммад билан Қора Юсуфнинг ёнида тўпланибдилар. Қўшин сони йигирма мингдан ошиб кетибди, – эшитганларини сўзлаб борарди чухра.

– Йигирма минг. Кўп, – деди Мироншоҳ мирзо. – Бизнинг лашкардан анча кўп. Бироқ сон эмас, лашкарнинг руҳи жанг тақдирини ҳал этади, – тушкун оҳангда гапирарди Мироншоҳ.

Қўшинлар Сардруд манзилида қарама-қарши келдилар.

– Бу авлод яна хато қилди, Сафар! Уларнинг бу қадар иштиёқ ва шижоат билан ташланишини қара! – деди Мироншоҳ мирзо зудлик билан атрофларини ўраётган яғий лашкарига қўрқув-ла боқаркан. – Абу Бакр қаерда? Нега бизни ўзининг марказидаги ғули ҳимоясига олмади? Бу турумда аҳволимиз хароб-ку!

Кайфияти бўлмаган Мироншоҳ подшоҳлик тўнини ҳам киймаган, оддий извошчи каби нимча устидан совут таққанди.

Чухра ва мулозимлар подшоҳ отини жиловидан тортиб, хавфсизроқ жойга олиб чиқмоққа уринишар, бироқ бунинг иложи йўқ, отни қай томонга қараб сурмасин ганим аскарларига дуч келишар, амирзода қўшинининг четроқдаги суворийлари душманни ўраб олгандек кўриниб, от чоптирганча, дуч келган тарафга қараб қочишарди.

Улар томон суворийлар сафини ёриб кирган амир Бистом икки қилич сермашда икки отлиқ аскарни ағдарди. Пир Умар, Байрамбек Жалолоддин Дизаклар арслон каби ташланиб, Табриз лашкарини қийратиб тўзғитганча отларини қамчилаб, Абу Бакр томон келишарди.

– Барчангиз шу уч амирни тутишга киришинг! Бошлиқларини қатл этсак, жанг тугайди! – ёнида турган амирларига буюрди Абу Бакр.

Амир Байрам билан Пир Умар қочиб кетди. Жалолоддин Дизакнинг отини йиқитиб қўлга туширдилар. Қўлини орқасига қилиб, амирзоданинг олдига судраб келишди. Кўзи қонга тўлган Абу Бакр ўша заҳотиёқ унинг шакар томирига қилич солди.

Қарама-қарши тараф тўс-тўполонда қоришиб, бирига аралашиб кетди. Ким ғолибу ким мағлублигини англай олмай турган амирзода Абу Бакр суворийларининг жанг майдонидан сирғалиб чиқаётганини пайқаб қолди. Сездюю юрагидан нимадир чирт этиб узилгандек бўлди.

Хос минглиги билан яғийни савалаганча, қувиб бо-раётган амирзода бекларнинг чақириғи билан ортга, жанг бошланишида турган тепаликка от чоптириб чикди. Яна илгариласа қўлга тушар эди.

Тепаликдан жанг майдонига боқар экан, лашкарининг учдан бири қолганини кўрди.

Турум оғир, лашкари пароканда эди.

– Тўпланган суворийларга еткуринг! Султония йўлига тушсинлар! – қочишга қарор қилган эди амирзода. – Бор-будимиздан айрилдик! – деди фақат ўзи эшитадиган овозда. – Энди бу ёғи қийин кечади! Озарбайжон батамом қўлдан кетди! Ироқ мамлакатлари ҳам! Султонияга бу ердан бир от чоптирса етажак манзил. Яхшиси,

Нурали ҚОБУЛ

доруломан Кермонга, Идику Барлоснинг ўғли Султон Увайснинг олдига боргани маъқул! Ўзга боражак ери, сиғинажак одами-қолмади!

Ярим йўлда ортидан етиб келган Сафар чухра амирзодага қиблагоҳи Мироншоҳ султоннинг жангда шаҳид кетганлиги хабарини етказди.

Дийдаси қаттиқ шаҳзоданинг кўзига бир томчи ёш ҳам келмади. От устида фотиҳа сурасини ўқиб, юзини сийпади.

– Сен қайтиб бор. Қиблагоҳнинг жасадларини топиб, ишончли бир қабристонга кўминглар. Сўнгра Табризгами, Шерозгами кўчирамиз, – буюрди отнинг жиловини силкиб яна йўлга тушар экан. – Қиблагоҳ қони ерда қолмагай! – деди отига қамчи босаркан.

Остидаги асл тулпор елдек учиб борар, отаси ўлимини эшитганда ҳам намланмаган кўзидан тирқираб ёш оқарди.

Қора Юсуф Туркман қароргоҳида ғалабанинг тантанавор руҳи ҳукмрон эди.

Юксак тепаликка кўчма тахтни ўрнатган амир Қора Юсуф диққат ила атрофни кузатиб, амиру вазирларига таълимот берарди.

– Ўлжаларни дастлаб бир жойга тўплаб, сўнгра тенг тақсимланг! – буюрди амир Бистомга. – Барча сипоҳию суворий, ўнбошию юзбошига рутбасига қараб улашинг! Кимсани норози этманг! Жангчи ва суворийларни алоҳида тақдирланг!

Тепалик томон от қўйиб келган суворий кесилган бош-ни Қора Юсуф ўтирган тахтнинг пойига ташлади.

– Кимнинг боши бу? – қонга беланган каллани танимади Қора Юсуф.

– Энг катта душманимиз Мироншоҳнинг! – жавоб қилди суворий. – Жангда ўлган экан, бошини кесиб олиб келдим улуғ амирим!

– Не демоқдасан, ҳайвон! – ўрнидан туриб кетди Қора Юсуф!

Унинг оёқлари остида отини эшитса, тиззалари титраб, уйкуси қочадиган Амир Темурнинг учинчи ўғли султон Мироншоҳнинг тулпроқ ва қонга беланган боши ётарди.

Ақли шошган Қора Юсуф тилига калима келмай ҳайкалдек қотиб қолганди.

– Нима дединг? Ростданми? – яна қайта сўради сипоҳийдан.

– Сизнинг ашаддий душманингиз Мироншоҳнинг боши, султоним! Унинг бутун уғруқи, ҳарами ҳам қўлимизга тушди!

– Амир Бистом бу бошни олинг-да, ювиб-тозалаб кўринг-чи? Ростдан ҳам Мироншоҳ Кўрагонийнинг боши эканми? Сиз уни танийсиз, – буюрди Қора Юсуф.

Мулозимлар қумғонда сув келтиришди. Амир Бистом кесик бош юздаги қотиб қолган қонни авайлаб ювди-да, белбоғини ёзиб, устига қўйди.

– Мироншоҳ мирзонинг боши! Кўп ёмон иш бўлибди! Айтишларича, юзбошими, мингбошими кийимида эканлар! Суворийлар танишмаган! Акс ҳолда қилич кўтармас эдилар! – деди амир Бистом Қора Юсуфнинг олдига келиб.

– Жаллод! – ҳайқирди Қора Юсуф – Мироншоҳ Кўрагонийнинг азиз бошини хор этиб таҳқирлаган сипоҳийнинг боши кундага етказилсин! Подшоҳни ўлдирган ким бўлса ҳам толиб, қатлга етказинг! Амир Бистом! Зудлик ила подшоҳнинг танасини топтиринг ва ювиб-тараб, тулпроққа беришга бош-қош бўлинг! Марҳумнинг яқинлари ёки мулозимлари келса тегмангиз! Дафн маросимида иштирок этсинлар! – амр этди Қора Юсуф.

Нурали ҚОБУЛ

Қора Юсуф сўзини тугатар-тугатмас хуни-бийрон йиғлаб икки киши унинг қароргоҳига етиб келди.

– Мен бахтли султон мирзо шаҳид Мироншоҳнинг мадрасада бирга ўқиган дўсти мударрис Шамсиддин Ғурийдирман. Бу эса подшоҳимизнинг чухра бошиси Сафарали Сайробдур. Шаҳид султонимиз жасадларини бизга берсалар, ҳазрати олийлари! – рижо этди мударрис Шамсиддин Ғурий. – Майитни тупроққа топширсак.

– Бу вазифани амир Бистомга юкладим. Кўнишиб, бир қарорга кела билурсиз. Марҳумнинг эгалари нени истасалар; биз розимиз, – деди бу фожиали воқеадан астойдил таъби тирриқ бўлган Қора Юсуф.

– Ижозатингиз ила зоти олийларини Қизилсувда тупроққа берсак. Ҳарамларининг фикрлари ҳам шундай, ҳазрати олийлари, – дея султон жасадига эга чиқди Шамсиддин Ғурий.

Қора Юсуф мотамсара қиёфада бош ирғади.

Шамсиддин Ғурий хўнграб йиғлаганча, белбоққа солинган бошни ердан авайлаб олди-да, султон саропардаси турган жойдан узоқлашди.

Бу орада амир Бистомнинг аскарлари маҳоффага, солинган жасадни олиб келдилар. Уни султон таҳоратхонасида ювиб, кўчма масжидда жаноза ўқидилар. Сўнгра Қизилсув томон жўнадилар.

– Мен Мироншоҳ Кўрагонни аллақачон душман санамай кўйган эдим. Бу савашда ҳам унинг ҳеч бир айби гуноҳи йўқдур! Бутун қабоҳат ота сўзига ҳам кирмайдиган, уни асиру хонабанд сақлаётган бебош ўғлидадир. Улардан қай бири кўлимизга тирик тушса-да, шахсиятларига муносиб эътиборни кўрсатар эдик, – деди амир Қора Юсуф ёнида ўзидан амр беклаганча қўл қовуштириб турган амир Фаражга.

– Ҳозир ҳам ҳақиқий бир мўъмин-мусулмон подшоҳга

хос иш қилдингиз, султоним, — жавоб қилди амир Фараж. — Асиралар орасида шаҳиднинг балоғатга етмаган бир набираси бор экан, дейдилар. Ожизани не қилсинлар?

— Ожиза кимнинг қизи экан? — сўради амир Қора Юсуф.

— Абу Бакр мирзонинг!

— Ҳарамга кўндарсинлар ва маликаларга кўрсатиладиган иззат-ҳурматда бўлсинлар! Ҳар неки шароитни муҳайё этсунлар! — буюрди амир.

— Амри фармон султонимизнингдир! — дея чекинди амир Фараж. Амир Қора Юсуф шом намозини ўқиб бўлиб, саропарданинг истироҳат бўлмасига ўтганида Мироншоҳ султоннинг дафн маросимини ўтказган амир Бистом қайтиб келди.

— Не ҳаводислар? Абу Бакр қай томонга кетибди? — сўради амир қаршисига оғир чўккан, ҳорғин бекка қараб. — Марҳумни тупроққа бердиларми?

— Шаҳидни кўмдик, давлатпаноҳим. Амирзоданинг Султония томон қочганини сўйладилар. Бироқ Абу Бакрнинг у ерда қолдирган қушбегиси Дарвеш Қушчида икки-уч юз чоғли суворий бор, холос. Султон Аҳмад шаҳарни талон-тарож қилиб, тош устида тош қолдирмаган. Фақат Султония қалъаси тик турибди. Ҳар қандай шароитда бу қалъа уларнинг қўлида қолмаслиги керак, — вазиятни англади амир. — Абу Бакр Султония қалъасидаги бойликларини олиб, Кермон томон кетса керак. Бошқа қочиб боражак ёри йўқ.

— Турум маълумдир. Унда Оллоҳ насиб етган бу зафарга ўз ҳиссаларини қўшган амиру диловарларимизга ўз мамлакатларига кетмоққа изн берамиз. Сиз эса юртингиз Ардабилга боринг-да, тегишли ҳозирликни кўриб, Султонияга юринг. Дарвеш Қушчи билан ишни сулҳ-ла

Нурали ҚОБУЛ

битирмоқ жаддида бўлинг. Кўнмаса, шунга қараб иш ту-
тинг. Қалъани олгач, қутволликни кимга берасиз?

– Зоти олийлари маъқул кўрсалар, иним Маъсумга топширсам.

– Розиман. Хазинадан истаганингиз қадар мол-мулк олишингиз мумкин. Бугундан эътиборан Ироқи ажам ҳукумати сиз ҳурматли ва садоқатли дўстимизу амири-
мизга топширамиз! Сардруд зафари эски рақибларимиз белини синдириш бобида муҳим бир ғалаба бўлдиким, энди улар анчагача ўзларига келолмайдилар. Ва бу фатҳу зафарнинг бош қаҳрамону баҳодири сизсиз!

– Садоқату хизматкорлик остонасидан ҳеч қачон оёғимизни узмағаймиз! – таъзим-ла жавоб қилди амир.

Тахтсиз, мулки давлатсиз подшоҳ Абу Бакр мирзо минг бир ўю хаёл билан Кермон томон борарди. Ота-си ва буюқ қардошидан сўнг Кермон ҳокимлигини эгал-
лаб турган Султон Увайс амирзода Абу Бакр мавкаби-ни ҳурмат-эҳтиром, дабдабаю аъъаса билан муносиб қаршилади.

– Биз бу хонадоннинг бандаси ва бир қулваччасимиз! Ҳазрат соҳибқироннинг фарзанд ва фарзандзодалари-
га нисбатан бирор хизмат қилиш бизнинг қўлимиздан келса, ҳеч қандай давлат бунинг ўрнига ўта олмайди. Мол-мулк, хазина-дафиналарнинг барчаси қўш-қўллаб тақдим этилади ва онҳазратдан буни қабул қилмоқ ку-
тилади, – деди шаҳар остонасида амирзодани нону туз ила қарши олган Султон Увайс.

Бироқ бу апоқ-чапоқлик, меҳр-муҳаббатлашув узоқ-
қа чўзилмади. Султон Увайс амирзодага не қадар хизмат этмасин, ўзини мустақил подшоҳдек тутарди. Унинг бу ҳаракати мирзонинг энсасини қотирар, амир соҳибқирондек жаҳонгирнинг набираси бўла туриб, шу Султон Увайсчалик мулки давлати йўқлигидан асабий-
лашиб, изтироб чека бошлади.

Икки тарафнинг нафрати айни замонда ошқор бўлди ва қиличлар қинидан чиқди. Амирзода бир амаллаб жонини қутқариб қолди.

Дашти биёбонни азоб-уқубат ила босиб, Сеистон сарҳадига етиб келди. Султон Шоҳруҳга нисбатан кин сақлаб юрган Шоҳ Қутбиддин уни шоҳона қаршилади.

Бу Ҳирот иқтидорига қарши исён ва сотқинлик эди. Улар Шоҳруҳ давлату салтанатини йўққа санаб, аҳду паймонни бир жойга қўйдилар.

Абу Бакр мирзо қардоши, амирзода Умар қилган хиёнат сўқмоғидан ҳеч тап тортмасдан, шаҳдам одимлаб юрмоққа қарор қилганди.

Бундан хабар топган хоқон Шоҳруҳ у қадар ҳайратга тушмади. Ўз қондошу жондошларининг хиёнату иккиюзламачилигига кўника бошлаганди.

Амиру вазирларни ҳузурига чорлаб, қисқа машварат ўтказди. Барчанинг нигоҳидан навбатдаги юришнинг оғир ва узоқ кечажаги ташвиши акс этиб турарди.

— Сўнг исёндан барчангизнинг хабарингиз бор, Шоҳ Қутбиддиннинг оёқ олишидан ҳам. Бир йилдан бери ундан ҳеч қандай сас-садо йўқ эди. Бу ҳолат бўрондан олдинги сокинликка ўхшайди. Қора Юсуфдан шармандаларча енгилиб, бу жангда қиблагоҳи буюқ қардошимиз Муъиззуддин мирзо Мироншоҳ ҳазратларини шаҳид этиб Сеистонга қочиб борган Абу Бакр энди бизга қарши фитнани алангалатибди. Нодону нокаса ҳеч қандай мусибату насиҳат сабоқ бўлмаслиги аёну баёндура. Ўрдак билан топишган хўрознинг катагини сув босади. Бу шунчаки сув босиш бўлмайди. Улар бу кўлда бўғилажаклар! — деди хоқон босиқ ва вазмин оҳангда. — Кимда қандай фикр бор? Сўйлай билурсиз!

— Сеистон томон отланмоқ керак! Ўз вақтида жавоб берилмаса, атрофдаги бошқа ярим дўсту душманларимиз ҳам исёнга қўшилиши мумкин!

Нурали ҚОБУЛ

– Ўт билан ўйнашган шу ўтда ёнади!

– Ҳамон юрмоқ лозим! – солиндан овозлар эшитилди.

Олтмиш мингга яқинлашиб қолган лашкар мамлакатнинг турли тарафларидан Сеистон томон оқарди.

– Туркистон сафари олдидан бу пашкарга яхши машқ бўлади, – деди хоқон ёнида турган амир Шайх Луқмон Барлосга.

– Зотан, лашкар бу юришга аллақачон ҳозир. Фақат Хуросондаги ташвишлар оёғимизни боғлаб турибди-да, – жавоб қилди амир Барлос.

– Бироқ кўшин орасида бу гап тарқалмасин! Аксинча, бизнинг Мовароуннаҳр томонга юрмоқ ниятимиз йўқлиги ҳақида кўнишсинлар.

– Англадим, онҳазрат.

Сеистоннинг қайта фатҳига уч ой чамаси фурсат кетди.

Бу орада амирзода Пирмуҳаммад Шерозий билан бўлган жангда енгилган мирзо Рустам давлатпаноҳ ҳузурига етиб келиб, султоний марҳаматлар кўрди. Хоқон мирзони амир Мизробга кўшиб, Зараҳ вилояти фатҳига юборди.

Худди шу пайтда амир Нуширвон Барлосдан чопар келди.

Сўргичланиб муҳрланган мактубда куйидаги жумла-лар битилганди:

“Мирзо Рустам Хуросонга, зоти олийлари ҳузурларига кетгандир. Мирзо Искандар ҳам Хуросонда. Тун ҳамда Табас мавзелари орасидаги Аҳмад қасабасида беркиниб, махфий яшаб юрибди. Хоқони саид ҳазрати олийларидан амр бўлса тутиб, остоналарига етказажакмиз. Унинг бирор-бир фитнани бошламоқ нияти бор эканлигини тахмин этмоқдалар. Хоқон ҳазратларидан сўнг амрни беклагаймиз”.

Сеистон ишини ниҳоясига етказган хоқон мактубни қўйнига солди-да, энди Мовароуннаҳру Туркистон масаласини ҳал этсак бўлади, хаёлидан ўтказди ўйга толганча.

Хуросонда султон соҳибқирон замонасидаги салтанат тўла тикланган, исёнчи ва бебошларнинг барчаси ин-инига кириб кетган, улус эски, дориломон даврлардаги каби тинчу осойишта яшай бошлаганди.

ЎНИНЧИ БОБ

Ит оғзидан суяк олинмас.

Ота сўзи

Мироншоҳ мирзонинг шаҳид кетиши ҳам султон соҳибқироннинг қайтиши каби Арабу ажам, Ироқу Эрон, Мозандарону Хуросон ўлкаларига шамол тезлигида тарқалди. Дўсту ёр қайғуда, яғию рақиблар очигу пинҳона байрам қилишарди.

Марҳумни шом намозига таъқибан тупроққа бердилар. Мусулмончиликнинг одати шундай. Майитга озор бермайлик дея кеч кирмасдан элтиб кўмадилар.

Янги дўппайган қабр бошида икки киши ўтирарди. Бири Қуръон тиловат қилар, иккинчиси кўз ёш тўқарди.

– Йиғлашни тўхтат, Сафарали. Подшоҳимизнинг аскарларидан иккитасини топиб кел. Туркистонлик бўлсин. Шу ерликлардан эрса, турк ёки туркман асиллилардан топ. Араб ёки эрони бўлмасин. Тур ўрнингдан, – деди Шамсиддин Ғурий чухрабошига. Черик ва мулозимлар шу атроф маҳаллаларга тарқалиб кетган бўлса керак.

– Аскарнинг нима кераги бор? – ҳайрон бўлиб сўради Сафарали.

– Сўнгра биласан! Айтганни қил! Мен шу ерда ўтириб тураман!

Нурали ҚОБУЛ

Сафарали чориғини судраганча қабристондан чиқди. Кўп ўтмай қирқ ёшлар чамасидаги икки туркманбашара сипоҳий билан биргә қайтиб келди. Мударрис Шамсиддин Мироншоҳ мирзо черигида хизмат қилиб келган икки бедилли аймағидан бўлган туркман сипоҳийни таниди. Улардан бирининг оти Бердимурод эди.

– Ваалайкум-ассалом, Бердимурод, сенинг келганинг яхши бўлибди-да. Шеригинг ҳам ишончлими? – сўради мударрис иккинчи сипоҳийни зимдан кузатар экан.

– Амаким бўлади. Оти Қутлуғмурод. Сўзимдан чиқмайди, – таъкидлади сипоҳий.

– Унда яхши, қардошим. Бу қабр кимники эканлигини биласан-а?

– Биламан, Шамсиддин устод. Шаҳид султонимизники. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин! – жавоб қилди Бердимурод қайғули оҳангда.

– Шоҳ бўлса ҳам кун кўрмади. Ҳаёти сўнгида хору зор бўлди, бояқиш. Тангри кимсанинг бошига бу каби кўргуликни солмасин. Сиз икки биродаримдан рижойим шулки, шаҳид подшоҳимиз қабрларини бир муддат кўриқлаб турсангиз. Розимисиз?

– Не демак, устод. Бош устига. Шу пайтгача сояи давлатларида нону туз еб келганимиз улуғ султон учун ҳар қандай хизматга ҳозирмиз.

– Оллоҳ сизлардан рози бўлсин. Ойлик маошни олдиндан мендан олиб турасизлар. Демак, вазифани англадингиз?

– Англадик, устод мударрис, – кутилмаганда зиммаларига юкланган масъулиятдан ҳайрон эди Бердимурод сипоҳий.

– Бир киши кечаю кундуз албатта қабристонда бўлиши керак. Кечалари анави қоровулхонада ётса бўлади. Бугун биз шу ерда тунаймиз. Сизлар ишларингизни саранжомлаб, эрталаб, бомдоддан сўнг келингиз, – дея сипоҳийларга кетмоққа изн берди мударрис.

Улар яна бир муддат мунғайишганча бошларини куйи эгиб, қабр бошида ўтиришди.

– Сафарали, – деди мударрис анчадан сўнг шеригига қараб. – Сен гузарга бориб бирор егулик топиб кел. Мен қоровулхонада бўламан. Ўша ерда тунаймиз. Пулинг борми? Бўлмаса...

– Ақчам бор, устоз.

Сафарали маҳалладан нон ва қатиқ олиб келди. Наридан бери тамадди қилишиб, қоровулхона саҳнидан қайрағоч остидаги сўрига узандилар.

– Энди нима қиламиз, мударрис устоз? – сўради Сафарали улар бошларига чопонларини кўйиб чолорқа ётишар экан.

– Нима қилишимизни сезмаётибсанми? – сўради мударрис ғамгин оҳангда.

– Сезмоқдаман.

– Сезган бўлсанг нега сўрайсан?

– Устозсиз. Ёшингиз катта. Шаҳид ҳазратимизнинг болалик дўстисиз. Маслаҳатингиз билан иш қилайлик деган ўйда сўрмоқдаман-да.

– Улуғ мирзомиз сенга бирор нима деганмидилар?

– Дегандилар, устоз.

– Не деган эдилар?

– Қабрим бу ерларда қолиб кетмасин. Сўнгаларимни қуббат ул-хизро Кешга, икки буюқ қардошим Жаҳонгир ва Умаршайх мирзоларнинг ёнига элтиб кўйингиз, дегандилар кўзда ёш билан. Марҳум дафнига бош-қош бўлганингизга кўра сизга ҳам васият қилганга ўхшайдилар. Шунини сўрмоқчи эдим, устоз?

– Ҳа, айтган эдилар, Оллоҳ раҳмат қилгур. Эрта қайтишларини билар эди, бечора мирзо.

– Йўғ-е, ростданми?

– Ҳа, билардилар. Бу кўнуда икки бор суҳбатлашган-

Нурали ҚОБУЛ

дик. Иккисида ҳам сархуш эдилар. Акс ҳолда бу ҳақда оғиз очмасдилар. Ёшликларида Бухоройи шарифда бир фолбинга фол очирган эканлар. Фолбин “ростини айтийми?” дея сўраган экан. Мирзо “айтавер” дебдилар. “Ўлимдан қўрқасанми?” сўрабди фолбин. “Йўқ” деб жавоб берибдилар. “Унда қирқдан ошмайсан, шаҳид кетасан” дебди.

Ёшлиқда бу гапларни жиддийга олмаган эканлар. Табриздаги ғавқолару тахтдан азл этилишларидан сўнг фолбиннинг гапи миясига ўрнашиб қолиб, бурғудай бурғулайверибди.

– Бу ҳақда менга ҳам бир марта айтгандилар, – деди Сафарали.

– Билишимча, иккимиздан бошқа ҳеч кимга дардини ёрмаган, бояқиш.

– Шундайга ўхшайди, устоз.

– Тожу тахтдан азл этилиб, хароб бир аҳволда Табризга қайтганларидан сўнг бир воқеа содир бўлган эканки, уни ҳам минг бир изтиробу кўзда ёш ила айтиб берган эдилар. Табриз кўчасида отда кетаётганларида қаршиларидан чиққан бир кампир “Икки ўғлимни ноҳақ дорга остирдинг! Бири ўттиз саккиз, бири қирқда эди. Сен ҳам қирқингда қийил! Мана энди мени ҳам ос, золим!” дея кўкка нола қилган экан. Кампирнинг фарёди қулоқлари остида тинимсиз янграйверади. Тушларига кириб чиқади. Шу воқеадан сўнг мулозимларига кампирнинг ҳолидан хабар олишни топширибдилар. Хизматчилар олиб борган нарсаларни кўрган кампир “Мен қотилу золимнинг қўлидан нон емайман! Олиб бориб ўзига бер, исоқотига ишлатсин!” дебди.

– Ул кишим ҳақ қарғиш тошни тешади деган гапни кўп такрорлар эдилар. Демак, шу воқеани назарда тутар эканлар-да, – гап қўшди чухрабоши.

– Эндиги ишимиз эт суяқдан ажралиб, жасаднинг қуришини кутмоқ. Бизда кунлар иссиқ. Ёзда жасад тезда эриб кетади. Уйғун бир замонда уни Кешга олиб кетаман. Сен ҳам маъна бу сипоҳийларга бош бўлиб, шу ерда тургин. Мен юртим Ғурга бориб келаман-да, шу ерда бўламан.

– Вазияту вазифани англадим, устоз. Келгунингизга қадар сипоҳийларга бош бўлиб тураман. Дўстдан душман кўп дер эдилар ҳазрат. Ашаддий яғийлар ҳар қандай номаъқулчиликка боришлари мумкин. Подшоҳимиз кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирдилар. Ҳимоясиз қолганлари учун ҳам шаҳид кетдилар. Отани хонабанд этган ўғил уни яғий кўлига куллуқланган кўй каби топшириб қўйди. Оқибатда дуч келган ғаним суворийси бошига қилич солди, – дардини мударрисга ёрди Сафарали.

– Ёруғ очунда кишини хароб этажак икки нарса бор, авлодим. Бу феъл-атвордаги қусур ва тақдир синовларидан қочиб қутула олмаслик. Ана шу икки омил подшоҳ қадарини ҳал этиб, бошини қисмат қиличига тутиб берди. Инсон бу қилич остига ўз оёғи билан боради. Дунёни суяб турган султон шу хоҳаншоҳ бўлма, умринг барча яратиклар каби шарафли ёки шарафсиз равишда барҳам топади. Шаҳид шоҳимизнинг қисмату қадарлари энг аввало ўз авлодларига, сўнгра бошқаларга ибрат намунаси бўлмоғи лозим. Бироқ, не қадар сўйлама, тажриба этиб кўрсатма, кишилар ҳаётининг сўнги дақиқасигача хулоса чиқармайдилар.

Боғи Сафедда қардош Мироншоҳ мирзо вафоти муносабати билан халойиққа хайри худойи қилиб, ош-сув берган Шоҳруҳ султон эртаси куни Чин элчиларини қабул қилди.

– Осмон ўғли, подшоҳимиз сизга отангиз, буюк хоқон

Нурали ҚОБУЛ

Амир Темур ҳазрати олийларининг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этадилар, — дея ўз ҳукмдори сўзини етказди буюк элчи.

— Мамлакатимизга хуш келдингиз. Қўшни чин халқига фаровонлик ва равнақ тилаймиз. Эллаштирмақ элчидан, ёвлаштирмақ ёвчидан дегандек, бизнинг дўст бўлиб яшамоқдан бошқа ниятимиз йўқдир. Сизларнинг ушбу таклифингизни ҳам ана шу олий мақсадга хизмат этади дея ўйлаймиз. Бошкентимизни кезиб, кўринг. Истадигингиз қадар мамлакатимизда қола билурсиз, — дея элчиларни очиқ юз-ла қаршилади хоқон.

— Давлатпаноҳ подшоҳимиз яна бир гапни тайинладиларки, уни сўйламоққа ижозат берсангиз, — деди қиёфаси тош каби қотган, ҳис-туйғусини сездирмайдиган элчи жиддий оҳангда.

— Буюринг. Сўйланг. Элчи бизга маъқул келмайдиган, ҳатто уруш очмоқ ҳақидаги хабарни олиб келган бўлса-да, тинглаймиз. Бу унинг вазифасидир, — деди султон қисиккўз чин элчисига қизиқсиниб боқаркан.

— Олампаноҳ подшоҳимиз айтдиларки, Самарқанд ҳукмдори Халил Султонга яхши муносабатда бўлар экансиз.

— Ул подшоҳ менинг яқинда шаҳид бўлган буюк қардошимнинг ўғли, менинг ҳам фарзандим кабидир. Унга нисбатан ҳеч қачон ёмон муносабатда бўлмадик, бундан сўнг ҳам бўлмағаймиз. Подшоҳингизга еткуринг, бу масала зоти олийларининг бу қадар безовта этмасин! Ўйлайманки, осмон ўғлининг бундан-да муҳимроқ юмушлари бўлса керак! — дея елкаси тиришиб жавоб қилди хоқон.

Шарофиддин Дизакий султон сўзини таржима этганда ҳам элчининг киприги қилт этмади. Ҳайкал каби диққат-ла эшитди-да, бош ирғади.

— Сеистондан қайтиши билан лашкарнинг Бодғис яйло-

вига тулланиш амри берилган, вилоят ва бўлукларнинг чериклари кўч-кўронини ортиб, Энадарё томон оқиб келарди.

Бундан хабар топган амирзода Халил Султон кўшинини жамлаб, Термиз йўлини тутди.

Кешга етганида эса амир Худойдод Хусайнийнинг Хўжанд дарёси бўйига етиб келгани ҳақида хабар олди. Амирзоданинг ёнида энг ишончли мингбошиси Қулман Қиёт бор эди. Қароргоҳда саросима бошланган, амирзода ҳам эсанкираб қолганди.

– Амир Худойдод Хўжанд суви бўйида эмиш. Бир от кўйса Зомину Дизак орқали Самарқандга етиб келади. Не қилсак экан? – сўради амирзода мингбошидан.

– Унга қарши икки-уч амир бошчилигида черик юборилса бўлади, султоним, – жавоб қилди Қулмон Қиёт.

– Уч минг суворий етармикан? – хаёли паришон эди амирзоданинг.

– Етмаса ортидан яна кўмак юборилади, – мушкул аҳволда қолган эди мингбоши.

– Ёнимдаги амиру вазирларнинг ҳеч бирига ишонмайман. Дарё бўйига бориб, у билан англашсалар-чи. Унда нима бўлади? – боши қотган эди амирзоданинг. – Сўйланг, амир Арғуншоҳ билан амир Оллоҳходни чорласинлар. Худойдод амир Оллоҳходнинг иниси. Балки ишни тўқнашувсиз битирар.

Кўп ўтмай подшоҳ ҳузурида икки амир ҳозир бўлди.

Зийрак мингбоши Қулман Қиёт салтанатнинг номдор амирлари қиёфаси, хатти-ҳаракатида ҳам гангиш, Термизу Дизак томондан Самарқанд сари икки кўшин келаятгани хабаридан саросимага тушганликларини сездди.

– Унга қарши черик юбориш керак, – деди подшоҳнинг ўзларига умид ва нажот нигоҳини тикиб турганидан не

Нурали ҚОБУЛ

деярини билмай амир Арғуншоҳ, тунги маишатдан кўзлари қизариб.

Мен нима дейману қўбизим нима дейди дегандек, биз не аҳволдаму булар кечаю кундуз чоғир ичмоқ ила машғул, хаёлидан ўтди амирзоданинг.

Бу аҳволда у худонинг олдидан ялангоёқ қочган амир Худойдодга қарши қандай савашамиз ва енгамиз?

– Ҳарҳолда сафар пайтида ички ичмоқни чеклаб, бироз ҳушёр бўлсак яхши эди, – деди амирзода тилига келган сўзни қайтармай.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, олийнажот султоним! Меъёрни бироз қочирибмиз, – қалдироқ овозда ғулдираб жавоб қилди амир Арғуншоҳ. – Ҳар қандай шароитда сизу салтанат учун бошимизни тикиб, жангга кирадурмиз. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

– Фидокорлик сўз ила қилинмайди, амир жаноблари. Хоин Худойдод шундоққина бурнимизнинг тагида турибди. Бир от қўйса Дизаққа, ундан Мулунғурга етади. Сўнгра савашмоққа-да хожат қолмаса керак. Хўжанд сувию Энадарё орасида от чопажак майдон топилмас балки бизга! – овози титрай бошлаганди амирзоданинг.

– Буюринг, султоним! Неки амрингиз бўлса ҳарфиян ерига келтиражакмиз! Бир амир Худойдодга бас келажак кучга соҳибмиз! Унинг ишини аллақачон битирмоқ лозим эди! Бироқ зоти олийлари бағрикенглигу кўнгилянлик қилиб, Фарғона томон юрмоғимизга изн бермадилар. Ундан илҳом олган Шайх Нуриддину биродарлари, қолаверса бошқа болоқдаги битлар ҳам кўзғалиб қолишлари мумкин. Шулар боис бу ишнинг исини чиқармай битирмоқ керак! Бу хабар Хуросон лашкарининг шамига-да ёғ қуяди.

– Амир Худойдод сизнинг кичик қардошингиз. Менинг отабегим. Орамизда пойлашилажак ҳеч бир нарса йўқ.

Билмадим, недан бизга кўз тикиб қолдилар, ҳайронман. Имкон қадар ишни сулҳ йўли ила битирмоқ керак. Саваш – сўнгги чорадур. Бунинг устига Хуросон қўшини ҳам йўлга чиқибди. Хуллас, икки ўт орасида қолдик. Уч минглик черик етадимми? – ўйга толганча Оллоҳдоддан сўради Халил Султон.

Амирлар бир-бирига қарашди.

– Етса керак, – жавоб қилди Оллоҳдод қизариб-бўзариб.

– Етади, – деди Арғуншоҳ қатъий, енги билан юз ва пешона терини артаркан.

– Ўнда суворийларни саралаб, йўлга тушинг! Уни Хўжанд сувидан бу тарафга ўтказмаслик чора-тадбирини кўринг! Сизларга неки кўмак лозим бўлса чопар йўлланг! Ортингиздан черик юборамиз! Керак бўлса ўзим ҳам етиб бораман! Биз учун Хуросон қўшинидан-да Худойдод ўрдуси хавфлидир! Ҳирот чериги ҳали-бери Самарқандга етиб келолмайди! Уни йўлда қаршилаймиз ва тўхтатамиз! Бироқ Худойдод бизга жуда яқин. Бунинг устига у тажрибали ва айёр. Ичимизда юриб, сир-асроримизни билган бир беғу кўмондон. Амир ва ўғилларини яхши сўзу ваъдалар ила яна ўз тарафимизга оғдирмоғимиз лозим. Ҳатто ул устозни амир ул-умаро этиб тайинламоққа ҳам розиман. Амир жаноблари илгаригиси каби биз ила баробар бўлсалар, Хуросон ўрдусининг мағлубияти муқаррардир, – ётиғи билан вазиятни англатарди Халил Султон.

– Иншооллоҳ, тангри тўғри йўлни кўрсатар, подшоҳим. Инимиз ҳам инсофга келиб, сўзимизга кирар. Зоти олийлари сўйлаганлари каби орамизда талашадиган ҳеч бир нарса йўқдир, – подшоҳга таскин бермоққа уринарди амир Оллоҳдод.

– Сиз муҳтарам амирларимизга ишончим юксақдир! Билхосса, мени бу мақомга кўтарган салтанат устунла-

Нурали ҚОБУЛ

ри ҳам сизлар! Хизматларингизни ҳеч қачон унутмайман ва қадрлайман! – сўзлари у қадар ишончли чиқмас эди подшоҳнинг.

Буни билганингда амир ул-умароликка қай гўрдаги бир муттаҳамни тайинламай, бирортамизни кўяр эдинг, деган икки нигоҳ унга таънали қараб турар, бироқ бошлар эгик бўлганлиги учун амирзода ҳам улар томонга қарамас, кўзлар тўқнаш келмасди.

– Унда йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин, устозлар! – деди Халил Султон узокроқда тўпланиб турган бошқа бекларга кўз қирини ташлар экан. – Бутун умидимиз сиз, улуғ амирларимиздан!

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, шарафли султоним! Элимиздан келганда-келмаганда ишни уддаламоқ жаддида бўлурмиз! Сизни-да Оллоҳ ҳифзи ҳимоятида сақласин! Оллоҳ ёр, эгамиз шоҳистайи жаннат, ғарику раҳмат этган буюк бобонгиз султон соҳибқирон руҳлари мададкор бўлсин! – деди елкасига оғир юк тушган амир Оллоҳдод.

Кешдан шитоб билан чиққан уч минглик сараланган суворий Тахти Қорачар довонидан ошиб, Ургут йўли ила Ўснат этагидаги Қорақишлоқ манзилига етиб келди.

Қорақишлоқ қасабасининг кадхудоси Худойберди Хитойюз уларни кўю эчки сўйиб қаршилади.

Аскарларнинг дарёда чўмилиб, отларини ювиб-тараб, ўзларига келмоқ учун бир кунлик истироҳат эълон қилинди.

Амирлар Оллоҳдод ва Аргуншоҳ дунёнинг тўрт бир томонидан олдига йўлчилар келиб турадиган, билмаган нарсасию кўрмаган балоси қолмаган, амир соҳибқирон ҳам ҳурмат этадиган Худойберди Хитойюз билан бироз гурунглашиб, вазиятни тузукроқ ўрганишга қарор қилишди.

Туркпатир ва кўмоч, қайнатма шўрва ва қовурдоқ та-

новул этиб, айрону шубат ичишди. Йилнинг учинчи ойи бўлганлиги учун ҳали қимиз чиқмаган, қўй айрони ҳам йўқ эди.

– Энди бу ёғи нима бўлади, Худойберди биродар? – деди амир Оллоҳдод шубат ичган косасини ошлоққа қўяр экан. – Сайхун ёқдан амир Худойдод қилич ўқталиб келаётир. Энадарё тарафдан Шоҳруҳмирзо. Икки ўртада қолдикми, дейман? Сиз кўпни кўрган, ирмоғу наҳрларнинг қай замон ва қай томон оқишини биладурғон бир одамсиз. Бизга йўл кўрсатинг? – кадхудога пишанг берди амир Оллоҳдод.

– Ҳа, тўғри. Бизга маслаҳат беринг, Хитойюз биродар. Сиз ҳеч қачон бўш ва бўлмайдиган гапни гапирмайсиз, – шеригини қувватлади амир Арғуншоҳ. – Қари билганни пари билмас дейдилар. Яхши чоғирлардан борми?

– Ўша пари деган фариштангиз йўқ-да, Арғунбек. Йўқ бўлгандан кейин нени ҳам билсин? – жавоб қилди кутилмаган мақтовлардан бироз шишган кадхудо оёқ-қўли чаққон хизматчига чоғир келтирмоққа ишорат этаркан, бошини соллаб. – Замон ғалати бўлиб қолди, муҳтарам амирларим. Билдим дединг тутилдинг, билмадим дединг қутулдинг. Оллоҳ ғаний-ғаний раҳмат айлаган бўлсин, амир соҳибқирон ҳазратлари иқтидорга келмоқларидан бўрун Турон мулкида худди шундай, ит эгасини, қул бекасини танимас бошбошдоқлик ҳукмрон эди. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш бир ҳолатнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Хуросону Ҳиротда Шоҳруҳмирзо ҳазратлари қардошу ёт исёнчиларни бостириш билан оворалар. Салтанат пойтахтида бобосининг Кўктошига ўтирган амирзода Халил Султон иқтидор пешида, Эрону Мозандаронда Мироншоҳ мирзо ўғиллари кимсага сўз бериб, тан олмоқ ниятида эрмаслар. Ироқу аҷамда Умаршайх мирзо авлодлари ҳокимият талошида. Темурийзодалар

Нурали ҚОБУЛ

орасида кетаётган бу рақобатдан буюк ғанимлик оғочи униб-ўсмоқдаки, ундан ҳеч кимсага хайр келмас. Бу сулолага мансуб шахзодалар ғавғоси. Улуғ амиримизнинг ёнларида юрган амир Шайх Нуриддину Худойдодларнинг даъвоси ҳам бундан кам эмас. Мўғулистон хони Муҳаммадхону укаси Шамъи Жаҳон ҳам бу тўс-тўполондан фойдаланиб қолмоқ ниятида эканлигини яширмаётир. Билмадим, бу турумда эрта кунда ҳолимиз не кечажак? Ишқилиб, кечмишда юз бергани каби яна яъжужу маъжужга қул бўлмасак эди! – фикрлари дадил эди кадхудонинг.

– Бу масалаю муаммолар бизга маълум, Хитойюз оға! Биз бошкентга босиб келаётган амир Худойдодга қарши бормоқдамиз. Шу қўнуда бизга маслаҳат беринг! – қишлоқ оқсоқолининг ўзлари каби номдор бекларга ваъз ўқиганидан ғаш келганди, йўл-йўлакай чоғир ичиб келаётган амир Арғуншоҳнинг. – Ҳаводаги эмас, товадаги қушдан гапиринг. Кечаги дўстимизу ақрабомиз амир Худойдод билан қандай орани очиқ қилиб, англашмоғимиз керак? Биз султонимиздан ишни сулҳ, агар кўнмаса савашга кириб бартараф этмоқ амрини олганмиз, – овозини баландлатди амир.

– Бу палови сафедни муҳтарам амиримиз Худойдод ила ўзларингиз пиширгансиз. Бугунга келиб уни биргаликда емоққа тўғри келади, амир жаноблари, – энсаси тиришди кадхудонинг ҳам. – Биргаликда ёш подшоҳимизга байъат келтириб, этакларини бирга ўпган ўзларингиз. Энди не бўлдики, ораларингиздан мушук эмас, ит ўтиб қолибдур? Дўстлар, узанги йўлдош биродарларнинг яғийга айлангани кўп хатарлидир. Бундай қалтис вазиятларда лашкар қолиб, лашкарбошининг азиз боши кетади ва шу билан тўкнашувнинг олди олинади. Қон тўкилмайди. Ёки ўзаро англашилиб, сулҳга эришилади.

– Қардошим сулҳга кўнармикан? – гапга қўшилди Оллоҳдод.

– Бу таклиф этилган шартларга боғлиқдир, муҳтарам амирим, – жавоб қилди Хитойюз.

– Бизнинг уч минглик черигимиз бор. Уникини етти минг дейдилар. Шу гап тўғрими?

– Бу ҳақда илгию билгим йўқ, амир жаноблари. Кимсан Амир Темур Кўрагоннинг Кўктошида ўтирган подшоҳга қарши от қўйган кишининг ҳам ўз ҳисоб-китоби бўлса керакки, бўйнини дорга тикканча бу ишга азми қарор қилган, – мулоҳазали оҳангда фикрини сўйлади кадхудо.

– Хитойюз қардошимиз рост сўйламоқда. Кимсан Халил Султонга қарши қилич кўтарган одам барча чора-тадбирини олган бўлса керак, – кўз қорачиғлари каттарганча, икки эли бармоқларини ёзиб, пешанасини тириштириб гапирарди амир Арғуншоҳ бетиним чоғир хўпларкан.

– Шошиб, ҳаяжонланиб фикр билдирманг, амирим. Бу кайфияту ҳафсала билан яғийга қарши бориб бўлмайти. Гап-сўзимизни черик туймасин. Акс ҳолда, ортимиздан ўлжа иштиёқида эргашиб келаётган уч минг суворийни Ойқорнинг ҳеч бир дараю сойидан ҳам тополмай қоласиз. Ёнимизда кўзимизнинг ёғини еб юрган уч-тўртта мингбошию юзбоши иккимизни оёқ-қўлимизни боғлаб, Худойдодга топширади, – йўлдош амирнинг кайфиятидан капалаги учиб кетган эди Оллоҳдоднинг. – Одатда ичувчи ва чекувчи одамлар шундай, бироз ваҳимачи бўладилар. Кўзларига қуён ҳам Ойқорнинг айиғи бўлиб кўринади.

– Мен сизни хонимсеварлигингизга тил теккизаётганим йўқ, бек жаноблари. Сиз ҳам бизнинг ишга аралашманг, – деди амир Арғуншоҳ шеригининг оғриқ жойидан олганидан ўксинган оҳангда.

Нурали ҚОБУЛ

– Узр. Аравакаш тавба қилибдур. Яхшиси, аччиқ бўлса да, тўғри сўзни сўйлайдиган Худойберди қардошимизни тинглайлик. Бу одаъ ернинг остида илон қимирласа биллади. Ёки ўзларини элчи ўлароқ амир Худойдод ҳузурига юборсакмикан? – кадхудога қаради амир Оллоҳдод.

– Умримда элчилик қилганим йўқ. Бироқ қон тўкилмаслиги учун амир ҳузурларига боришим мумкин. Ул кишим ҳам худди сизлар каби мана шу Қорақишлоқ манзилида бўлиб, тузимизни еганлар. Сухбатларини олганман. Отамлашганмиз. Бек жаноблари ҳам осмондан тушмаганлар. Вазиятни англаиб, тўқнашувнинг олдини олмоқ керак. Бир саваш бўлган жойдан ўн йил барака кўтарилади, – амир Оллоҳдоднинг таклифига розидек эди кадхудо.

– Сиз бизнинг кимга байъат келтириб, кимнинг пешини ўпишимизни муҳокама этмоққа қандай журъат этдингиз, биродар? – туриб-туриб кадхудонинг гапи таъсир қилган амир Арғуншоҳ бирдан кадхудога ташланиб қолди. – Сиз мени ва амир жанобларини ким деб ўйлаясиз?

– Биладан, амир жаноблари, биладан. Билароқ сўйламоқдаман. Тўғрими, нотўғрими ўз фикримни очиқ-ойдин айтганим учун бошимни олмасангиз керак? Бош кесмоқ бор, бироқ тил кесмоқ йўқ. Агар жуда позим бўлса бу аҳмоқ ва кекса калла сиз каби улуғ амирдан айлансин! Бироқ аввал амирнинг боши кетадими ёки кадхудоники, бу ёлғиз эгасига маълумдир. Шундай экан, менга бола каби ёзғирманг! Мен ҳам сиз қирови одамман!

– Баҳсу мунозарани йиғиштирайлик, биродарлар. Бу аҳволда амир Худойдод Дизакдан ўтиб, Қорақишлоққа етиб келади, – кадхудо ва амирни мурсасага келтирмоқчи бўлди Оллоҳдод.

– Гапини қаранг буни, Оллоҳдодбек! Кадхудо бўла-туриб, Самарқанднинг ҳокимига ақл ўргатади. Хизир назар қилмаса, эшак бозорига даллол ҳам бўлмайсан дейдилар, биродар. Мен бу рутбани Султон Соҳибқирон ҳазрати олийларидан олганман ва ҳамон шараф ила бажариб келмоқдаман.

– Самарқанд даруғаси бўлсанг бўлибсан! Нима қилай? Оёғингни ўпайми? Мен ҳаётимда бир кишининг, улуғ хоқон ҳазратларининг пешини ўпганман. Бошқа амиру ҳоким билан ишим йўқ. Мени шу қасабанинг халқи сайлаган. Ҳеч ким бу лавозимга тайин этмаган ва ҳеч кимдан қарзим йўқ. Подшоҳимиз Халил Султоннинг тўғри ва ҳақ амри фармонларини бажармоқдамиз. Янглиш ва хато йўриқномалар келса ўринлатмаймиз. Боиси, эртага бу нотўғри ишнинг жавобини биздан сўрайдилар. Сизнинг эса улуғ хоқон ҳарами ва хоқони саид Шоҳруҳмирзо ҳазратларининг амирзода Улуғбек бошлиқ фарзанди аржумандларига кўрсатган одамшавандлигингиз ҳамон тилларда дoston. Буюк малика Сароймулкхоним нашаванд ўғлингизни зиндондан озод этган эканлар! Сиз эса ул муҳтарама маликани бошкент дарвозасидан киритмагансиз! Янглишмасам, бу ҳам одамгарчиликка киради. Шундай экан, менга кўпам тилингизни узатаверманг! Мен Султон Соҳибқирон ҳазратлари билан Тошқўрғонда, ғорда ётиб юрганнимизда сиз муҳтарам бек почангизни шимариб юрган бўлсангиз керак! – бўш келмасди Худойберди Хитойюз.

Амир Арғуншоҳ қилич сопига қўл узатган эди, уни Оллоҳдод ушлаб қолди. Кадхудо ҳам ўрнидан туриб бир неча қадам тисланиб, қаршилиқ кўрсатишга шайланди.

Шу пайт Илонўти томондан от қўйиб келаётган қоровулнинг қораси кўринди.

– Айтмабмидим сизларга! Жигаримиз амир Худойдод

Нурали ҚОБУЛ

Дизаққа етганга ўхшайди. Қоровул шунинг хабарини олиб келаётир-ов, – от чоптириб келаётган суворийга қўлини айвон қилиб тикилди амир Оллоҳдод.

– Мен бир нарсани англамаётирман, амир жаноблари, – Оллоҳдодга қаради Худойберди Хитойюз. – Амир Худойдод сизнинг отаю она бир, туғишган инингиз бўлса. Тангри раҳматига олган бўлсин, кечмишдаги амир ул-умаромиз амир Сайфиддин жаноблари ҳам ота бир она бошқа қардошингиз бўлиб, кўп улуғ давлату салтанат одами эдилар. Қолаверса, амир Худойдод жаноблари подшоҳимиз Халил Султоннинг отабегилари бўлсалар. Орадан не гап-сўз ўтганки, аҳвол бу даражага етган. Ёки амирзодамиз устозларига муносабатда бирор-бир қусурга йўл қўйдиларми? Ахир, бу мулку давлат, тахту салтанат барчага етиб ортади-ку! Тўқнашув бир тарафнинг синиши билан ниҳоя топади! – андишасини тилга келтирди кадхудо. – Ёки кичик қардошингиз ила ораларингиз соз эмасми? – ҳайрон эди Хитойюз.

– Подшоҳимиз билан оталиқлари орасида не гап-сўз бўлиб ўтган, бизга қоронғу. Улар ота-ўғил каби яқин ва бир-бирларига меҳрибон эдилар. Билмадик, орага Бобо Тармишга ўхшаган пасунаслар тушди шекилли, амир Худойдодбек салтанат узангисидан оёғини тортиб, давлатдорлик эълон этдилар. Шундан буён уйқумизда ҳаловат йўқ. Еганимиз ичимизга тушмайди. Амирзодамиз қардошим билан қўнишиб, муаммони сулҳу битим ила ҳал этмоқни рижо этдилар. Бироқ билмадим, иним бунга кўнармикан?

– Мени элчи ўлароқ юборганингиздан кўра ўзингиз ҳузурларига борсангиз бўлмайдимми?

– Боришга тортиниб турибман. Душманнинг тарафини олиб, менга қарши қўшинга қўмондонлик қилиб келдингми? Сендан бошқа одам қуриб кетганмиди дея

тўини тескари кийиб оладими деган андишадаман. Битта-яримта суворийси таниб-танитай қилич кўтариб ёки ўқ отиб қолиши ҳам мумкин.

– Унда аждаҳонинг оғзига кўра била туриб мени юбормоқда экансиз-да, амирим? – хайрон бўлди кадхудо.

– Сиз бетарафсиз, Худойберди биродар. Бетараф элчига завол йўқдир. Қолаверса, қардошим Худойдод сизни хурмат қиладилар. Бу ҳаракату жасоратингиз билан улусу ўрду юқини енгиллатасиз деган умиддамиз. Бизнинг паст-баланд гапларимизга эътибор берманг. Иккимизнинг ҳам бошимиз қотган. Не еб-ичганимизни ҳам билмаймиз. Подшоҳимиз фармонларини рад қилмоққа бетимиз чидамади. Ноилож йўлга чиқмоқ мажбуриятида қолдик. Ичимиздан ўтганини ўзимиз биламиз, – ниҳоят ёрилди амир Оллоҳдод.

– Ангашилди, амирим. Шаҳзодалар ўз отабегилари сўзларини ўн тўрт-ўн беш ёшларигача бажарадилар. Сўнгра ўзларини мустақил малик ҳис-этиб, билганларидан қолмайдилар. Отабегилар эса буни ҳазм этолмайдилар. Амир Худойдод Халил Султондан олдин ҳам Самарқандни эгаллашга уринган эди. Қадрли дўстингиз амир Арғуншоҳ бошкент дарвозасидан шаҳзодалардан тортиб маликаларгача киритмаётганини туйгач, яна қайтиб бориб Халил Султонга қўшилганлар. Бу ҳаракат иккинчи уринишдир, – фикрини баён этди кадхудо.

– Сўзларингиз тўғридир, биродар. Эътироз билдира олмайман. Хуллас, бу чигал тугунни ечишда бизга кўмак этинг. Мана, яхши отларимиз бор. Бирини минингда, биз билан йўлга тушинг.

Тошлоқ дарёсининг Буюк Ипак йўли кўпригидан ўтган икки амир ва кадхудо баҳор ёмғиридан кўпчиган соҳил бўйлаб, Дизақ томон боришарди.

Нурали ҚОБУЛ

Улар олдида кетаётган эллик чоғли қоровул суворий-си қарши тараф ҳаракатини кузатиш учун анча илгарилаб кетган, юмшоқ ерни шудгорга айлаёттирган қўшин ортдан келарди.

Дизақ ҳудудига етганда қоровул яғий черигининг кўзга ташланганини, суворийлар от чоптириб машқ қилаётгани хабарини берди.

– Ёнингизга суворийлардан қўшайликми? – сўради амир Оллоҳдод Худойберди Хитойюзга қараб.

– Ҳеч кимнинг кераги йўқ. Бир ўзим боравераман, – деди кадхудо нигоҳи ила амир Худойдод қароргоҳини изларкан. Сўнгра отини йўрттирганча узоқдан қорайиб кўринган амир қўши томон юрди.

Вужудидан ғайрат ва жасорат балқиб турган амир Худойдод улуғ хоқон ҳадя этган султоний чодир тўрида, олтин суви ила зарҳалланган тахтда ўтирарди. Атрофини ўраган бек ва мингбошилар унга ҳисобот берардилар.

Ясовул Хитойюзнинг келганини айтганда машврат ўз-ўзидан тўхтади. Худойдод кадхудога тикилганча қотиб қолган эди.

– Сиз нечун бу ўйинбузуқиларга қўшилиб юрибсиз, оға? – сўради ўрндан туриб элчи томон келаркан.

– Қўшилганим йўқ, амирим. Элчи ўлароқ келдим. Бир қошиқ қонимдан кечинг! – жавоб қилди Хитойюз таъзим бажо келтириб.

– Келишга юраклари дов бермай, сизни йўллашибдида?

– Сизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромларини етказишимни сўрадилар. Савашмоққа-да қарорли эмаслар, амир жаноблари. Сулҳу англашма ниятида эканликларини астойдил, такрор ва такрор қайд этдилар, – қарши тараф фикрини етказди кадхудо.

– Савашсалар-да, аҳволлари маълумдир. Улар учун энг маъқул йўл сулҳдир. Бироқ Амир Темурдек бобоси ва Шохруҳ хоқондек амакисининг хоҳиш-иродасига қарши борган Халил Султондек омонат ҳукмдорнинг сўзига кириб, хато қилмоқдалар. Сиз қайтиб бориб буни уларга айтинг. Шогирдимиз Халил Султон Мовароуннаҳр ҳукмдорлигини эплай олмайди. Ундан бу тахтни Шаъми Жаҳон ёки амир Нуриддингами ўхшаган бири тортиб олади. У эс-ҳуши жойида экан, этагини ёлиб, Кўктошни хоқон Шохруҳга топширмоғи керак. Бизнинг хатти-ҳаракатимиз шу йўлдадир. Биз ҳеч қачон султон соҳибқирон тахтларига даъвогар бўлмадик ва бўлмасмиз. Ҳақимизда бичиб-тўқилган бор миш-мишлар уйдирмаю ёлғондир. Сўзларимни англадингизми, қардошим? – тик турганча ўнг кафтини кадхудонинг чап елкасига кўйди амир Худойдод Хусайний.

– Улар сулҳ мунозарасини давом эттирмоқ учун ҳузурингизга келсинларми? Мен мақсадингизни англадим, амирим, – жавоб қилди Худойберди Хитойюз.

– Билмадим. Менга кўра ташрифларига лузум йўққа ўхшайдур. Биз ҳам ҳеч кимнинг қонига ташна эмасмиз. Кимсага хусуматимиз йўқ. Шогирдимиз Халил Султонбекнинг ҳам бир тола сочини тўкмоқ ниятида эмасмиз. Ва сўйлангким, биз ҳеч қачон биринчи бўлиб ҳужумга ўтмаймиз: Энди юринг, биз билан бирга емак енг. Очиққан бўлсангиз керак, – дея кадхудони емақхона вазифасини ўтовчи чодирга бошлади амир Худойдод. – Уларга айтинг, қурол-яроғларини топшириб, таслим бўлишсин! Сўнгра яроғларини қайтариб берамиз.

Амир қароргоҳида муносиб қаршилланган кадхудо Самарқанд чериги кўшига қайтиб келиб, амир ила ораларида бўлиб ўтган мулоқот тафсилотини сўзлаб берди. Кўшинлар бир-бирига қарама-қарши тўрт кун турдилар. Ҳеч бир тараф журъат этиб, ўқ ҳам отмади.

Нурали ҚОБУЛ

– Нима қиламиз? Бу аҳволда узоқ туриб бўлмайдикун? – деди жони сиқилган амир Арғуншоҳ Оллоҳдодга қараб.

– Мен икки ўт орасида қолдим, биродар. Қаршимда қардошим, ортимда подшоҳим. Нени лозим топсангиз, сиз қарор беринг. Мен розиман, – деди қора терга тушиб амир Оллоҳдод.

– Унда подшоҳимизга чопар юборайлик. Вазиятни англатайлик. Келиб, сўнг қарорни ўзлари берсинлар. Жангга кириб, черикни тўкиб ташлашдан ҳеч муддао ҳосил бўлмайди, – фикрини айтди амир Арғуншоҳ. – Кўриниб турибди. Рақиб биздан икки баробар кўп. Савашмоқ фойдасиз.

– Маъқулдир, амирим. Унда чопарни ўзингиз танлаб, таълимотни беринг, – рози бўлди Оллоҳдод.

Чопар етиб борганида Халил Султон қўмондонлигидаги асосий қўшин ҳамон Қуббат ул-хизро – Кеш атрофида ер тепиниб турарди.

– Биз тўрт минг илғор суворий билан йўлга тушамиз! – деди подшоҳ амир ва мулозимларига баланд овозда. – Менинг ёнимдан узоқлашманг, мингбоши! – буюрди хос мингликнинг беги Қулмон Қиётга. – Амир Худойдод оталигим, устозим эди. Энди ашаддий душманимга айланди. Ақл бовар қилмайди. Зудлик билан Тахти Қорачар довонини ошиб, Дизаққа етиб боришимиз керак!

Амир Худойдод шоҳона чодирда наридан бери юрганча Самарқанд черигидаги одамидан хабар бекларди.

Ниҳоят, амир кутган навқар етиб келди.

– Амир Арғуншоҳнинг таълимоти билан Кешга чопар юборилиб, амирзодадан кўмак сўрашди, – сўнг билгини етказди хуфия.

– Сен ҳамон йўлга туш ва чопарни таъқиб эт ҳамда амирзоданинг ҳаракати ҳақида хабар бериб тур! – тайинлади амир. – Мен ҳам ортингдан одам жўнатиб, тегишли амрни бериб тураман.

Хуфия сас-садосиз бош ирғади.

Энг яқин бекларини махфий машваратга чорлаган амир ҳал қилувчи қарорини эълон этди.

– Шом намозига қадар қарши тарафга кўриниш бериб, истехком ва муҳим тепаликларда бир нечтадан одамларимизни қолдириб, қоронғи тушиши билан шитоб ила йўлга чиқамиз! Суворийу пиёдаларга амр берингиз! Рақибни ғашига тегадиган ҳеч бир хатти-ҳаракат қилишмасин! Биз зудлик ила Равотдан ўтиб, Новқа ва Ўснат орқали Мулунғур наҳрига етиб борамиз. Келаётган кўшимча кучни ҳуркитиб юборишимиз керак. Бизнинг Хуросондаги иттифоқчиларимиз ҳам йўлга тушишган. Уч-тўрт кун ичида етиб келадилар.

– Кўшинга кимлар кўмондонлик қилмоқда экан, улуғ амир жаноблари? – сўради амир ул-умаро вазифасини бажараётган амир Нусрат Абдулпраззоқ.

– Эски дўстларимиздан бирортаси бўлса керак. Бизга бунинг аҳамияти йўқ ва уларга яғийлик кўзи ила боқмагаймиз. Муддаомиз салтанат бошкенти тахтини қонуний ворисига олиб бермоқ. Бундин ўзга мақсаду аъмолимиз йўқдур. Агар шундай ниятимиз бўлганида қаршимизда турган, сон жиҳатидан биздан анча оз бўлган черикни эзибу янчиб аллақачон Самарқандга етиб борган бўлур эдик. Сабаби, бошкент айни дамда соҳибсиз. Кўшин Хуросон лашкари билан савашмоқ учун Термиз йўлига чиққан, – вазиятни аңглатган бўлди амир Худойдод ва савол-жавобларни узатмаслик учун ўрнидан кўзғалди.

Кўпни кўрган, султон соҳибқирон ҳам фикри билан

Нурали ҚОБУЛ

ҳисоблашадиган амир Худойдод шу пайтгача ҳеч қачон сувни кўрмасдан этик ечмади. Мақсаду муддаосига эришиши аниқ-тиниқ кўринмаган-ишга қўл урмади. Бу йўлда керак замон ва маконда лозим бўлган усулу услубни қўллади. Ҳозир ҳам шундай қилди. Қўшинга Халил Султоннинг бош бўлиб келаётганини айтиб, қўмондону лашкарни чўчитмади. Ҳукмдорни тангрининг ердаги сояси деб биладиган аксар навкар унга қарши қилич кўтармай жуфтакни ростлаши ёки тутун қайтариши мумкин. Самарқандга исёнчи сифатида эмас, адолатни қарор топтиргувчи улуғ амир сифатида кириб боришни мўлжаллади.

Эндиликда ўзига ақл ўргата бошлаган шогирдваччасини аслида муносиб бўлган жойга ўтқазиб қўйишнинг вақти замони келган эди. Амир Худойдод султон соҳибқирон ҳазратларининг тавсия ва рағбатлари билан унга ўн икки йил оталиқ қилди. Отаси ўрнида ота, керак бўлса оналик вазифасини ҳам бажарди. Барча бирдек унинг ўз отабеги амир Худойдодни амир ул-умаро этиб тайинлашини кутарди. Амирнинг ўзи ҳам бунга ишониб қолган эди. Бироқ ишлар мутлақо тескарисига айланиб кетди. Бир тамға¹нинг босқиси билан насли насабининг тайини йўқ, кимлигини кимса билмас киши томдан тараша тушгандек бош вазир этиб тайинланди. Бу амир ул-умаро жонивор саккизта сўздан тузук-қуруқ жумла тузиб сўзлашни билмайди. Ўзини билмас ҳукмдорларга худди шундай, етовга ўрганган итлар керак. Ўз-ўзлигини билганлар эса бундайларга хизмат этмайдилар.

Сўнгра тамға, Зубайдаи сония бобосининг барча энг яқин бекларини саройдан узоқлаштириш амрини берди. Аёл оёғи орасига кириб қолган калла ишламайди. Под-

¹Тамға – жория, канизак.

шоҳ эса унинг тўғрию нотўғри барча маслаҳатларига амал қилди.

Бошкентдаги беқарорлик, улуснинг эрта кунига ишон-маслиги оқибатида амирзода Халил Султон салтанатидан путур кетди. Хуфиялар Шайх Нуриддин билан Мўғул хони Муҳаммадхоннинг тил бириктириб Амир Темур пойтахти ва Туркистонни қўлга киритиш режасини пиштаётганлиги хабарини етказдилар.

Султон соҳибқироннинг завжаси Тумон оқони хотинликка олган амир Шайх Нуриддин малика билан биргаликда улуг хоқоннинг мулки давлати, тожу тахтига ҳам кўз тиккан чамаси. Олиб бўпсан, қари тулки!

Амир Худойдод ўзи тарбиялаб вояга етказган амирзоданинг бир аёл кутқуси билан бу қадар қисқа замонда ўзгариб, хазинани хароб, мамлакатни абгор, лашкарни паришон этишини ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Пойдевори янглиш қўйилган бинони қайта бошдан бузиб куришга тўғри келади. Барча амирзодалар Шохруҳмирзо атрофида бирлашиб, ўзаро англашароқ катта-кичик ишларга қарор берганларида вазият ўзгача бўлармиди? Афсуски, булар ҳеч қачон келиша олмайдилар. Улуг хоқон сочининг бир тўкига арзимаса-да, ҳаммаси ўзини Амир Темур чоғлаб, бути айрилиб юради.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

*Халифа халифалигини қилсин!
Беш вақт ибодатини қилиб, рўзасини тутсин!
Давлатлару ҳукуматлар ишига аралашиб,
эл-улуслар бошини қотирмасин!*

Султон САНЖАР

Халил Султоннинг ўттиз минглик мукаммал қуролланган қўшини бўлиб, бундай лашкар Шохруҳмирзода ҳам йўқ эди. Шу туфайли юрак ютиб, Энадарёдан ўтолмади. Акс ҳолда, аллақачон Самарқанд кўчаларини чангитарди.

Танрининг хоҳиш-иродаси билан бу қисмату қадар амир Худойдодга насиб этгандек бўлиб турибди. Бу ҳам яратганнинг иноятидир. Эгаси бераман деса бераверади.

Амирзоданинг ўн минг сонли чериги қолган бўлса ҳам катта гап. Сўнг бор беш минглик туркман лашкари айрилиб қочгач, бели синди. Унга қадар қора татарлар, сўнгра ироқликлару хоразмликлар сирага тургандек бир кечада ғойиб бўлаверди. Қолган-қутган ўрдуси эса эгасининг иродаси ила Фарғона лашкарининг зарбаси билан парокандаликка юз тутди.

Фарғона қўшини икки манзил¹ йўлни бир кечада босиб ўтиб, Мулунғур сувидан ўтди ва хуфия ҳамда қоровуллардан рақиб черигининг қай манзилда эканлиги хабарини беклади.

¹Бир манзил ўттиз километр атрофида бўлиб, қўшин бир кунда ўртача бир манзил юрган.

– Черик Шероз қишлоғига келган. Сони тўрт минг атрофида. Лашкар бошида подшоҳнинг ўзи, – амирнинг қулоғига шивирлади хуфия.

– Шероз қасабасини ўраб, чамбарга оламиз! Рақиб лашкарига савашмай тарқалиб кетмоқни таъкидлаб, ўқ отманг! Қўшин қўмондонлари, амирзодами, бекларми, ким бўлмасин, тиғ теккизманг! Кимки бу ишга журъат этса, авлоди билан қатағон қилинажак! – от устида туриб амр берди Худойдод. – Барчангизга Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин!

Пешин ибодати пайтида Фарғона черигининг илк бўлинмалари ғаним лашкарига етиб борди. Қиличлар баҳорнинг илиқ қуёшида ярқираб, камон ўқлари визиллаб уча бошлади. Ярадор отларнинг кишнаши ва одамларнинг оҳ-воҳи эшитилди.

Фарғона лашкарининг шитоб-ла савашга кирганини, тўлқин каби бостириб келаётганини кўрган Самарқанд черигида саросима бошланди.

Тажрибали амир Худойдоднинг етти эмас, ўн етти ўлчаб кесган режаси тўғри чиққан, Самарқанд черигининг сафлари иккинчи зарбадаёқ бузилаётган эди. Четроқдаги суворийлар аллақачон отлари жоловини дуч келган сой томон бурган, бунга кўзи тушган марказ ва ғулдаги бўлинмалар ҳам жаңгдан чекинаётганди.

Ярим вайрона Шероз ҳисори қаршисида турган Халил Султон тўқнашувни бу қадар тез юз бериб, ғаним фойдасига ҳал бўлишини кутмаган, шу боис ақлдан озгудек даражада ўзини йўқотиб қўйган эди.

– Султоним! Ҳисорга кириш! Рақиб шиддат-ла бостириб келмоқда! Бирор кори ҳол юз бермасин! – деди Халил Султоннинг ёнида турган мингбоши Қулман Қиёт. – Турумимиз оғир, подшоҳим!

– Лашкар бизни сотди! Тузимиз кўр қилсин! Қаранг! Барчаси қиличини қинига солиб, тарқалиб кетмоқда!

Нурали ҚОБУЛ

Наҳотки бизнинг салтанат қуёшимиз сўнса! – деди кўриб турган манзарадан ҳайрат ва ваҳимага тушган Халил Султон:

– Тангридан умидимиз бор, султоним! Амир Худойдод ўзингизнинг узоқ йиллик отабегингиз ва улуғ бекларингиздан! Ўзаро англашиб кетажаксизлар! Бу мулки давлат кимлардан қолмаган? Амир жаноблари ҳеч кимни яғий ўлароқ кўрмаймиз! Мақсадимиз Самарқанд ва салтанатни Шайх Нуриддин кабилардан ҳимоя этмоқ, деган эмишлар! – амирзоданинг кўнглини олмоқчи, овутмоқчи бўларди Қулмон Қиёт. – Юринг, султоним! – подшоҳ отини харобага айланиб қолган Шероз Ҳисори томон етаклади мингбоши:

У саккиз юз еттинчи товуқ йили рамазон ойининг ўн олтинчисида бошкент Самарқандга тантанавор киришидан олдин, маъна шу вайрона қалъа қаршисига бобосининг султоний саропардасини тикиб, бир кеча қолиб, тахтга ўтириш ҳозирлигини кўрган эди.

Ўша сананинг келишига ўн икки кун қолибди. Бугун милодий минг тўрт юзу тўққизинчи йил учинчи ойининг ўттизинчи куни. Демак, у ўн икки куни кам тўрт йил улуғ бобосининг Кўктошида ўтирибди.

Тўрт йил, тўрт кун, балки тўрт дақиқаю сония каби ўтиб кетибди. Кўз очиб-юмгунга қадар у шоҳликдан қочоққа айланиб ўтирибди. Уни не қисмату қадар кутмоқда? Бу фақат яратганга маълум!

Алвидо, Кўксарой! Алвидо, Шод Мулк! Алвидо, кадрдон Самарқанд! Ишончларингизни оқлай олмаган ношуд подшоҳингизни кечиринг! Тақдир уммонининг шафқатсиз тўлқини энди уни қай бир манзилга улоқтириб ташлайди? Бу ҳам эгасига аён.

Амирзода ва мингбоши қалъанинг бузилмаган солинига кириб, ёғоч курсиларга ўтирган эдилар. Ёнлари-

да ўн чоғли кўрима навқари ҳам бор эди. Хонага эллик чоғли тиш-тирноғигача қуролланган аскар кирди.

Уларга кўзи тушган Халил Султон пинагини бузмади. Бир коса сув ичгулик муддат ўтар-ўтмас солинга беклари билан амир Худойдод кириб келди.

Амирга кўзи тушган шаҳзода ўрнидан туриб, салом берди.

Собиқ шогирдига бир муддат тикилиб қараб турган амир тўрдаги бўш курсига бориб ўтирди. Ўзи билан кўришмоқчи бўлган Халил Султоннинг юзига қарамади.

Халил Султон эса ҳамон серрайганча тик турарди.

– Ўтиринг, амирзодам! Узоқ йўл юриб чарчаган кўринасиз! Бироз дам олиб ўзингизга келинг! Сўнгра кўнишамиз! – деди амир Худойдод сенинг масаланг мен учун муҳим эмас деган маънода подшоҳнинг тик турган мулозимларини кузатар экан. – Амир Нусратбек! Ҳозироқ бир минглик ила бошкентга кириг! Бобо Тармиш билан Шод Мулк деганини ҳамон ҳибсга олинг! Улар атрофидаги мулозимларни ҳам! Эртага биз Кўксаройга борамиз! Саройда кимса қолмасин!

– Уларни қаерда сақлайлик, улуғ амирим? – сўради бош вазир Худойдоддан.

– Бобо Тармишни арк зиндонига ташланг! Ана у ақли ноқис чуқрани эса ўзи буюк малика Сароймулкхонимни қамаб қўйган ва заҳарлатиб ўлдирган хонада асранг! Менинг амримсиз Самарқанд дарвозаларидан кимса кирмасун ва чиқмасун!

Амир Нусрат Абдулраззоқ одамлари билан чиқиб кетди. Бироқ кўп ўтмай яна қайтиб кирди. Амир Худойдод зарур гап борлигини англаб, имлаб уни ёнига чақирди.

– Хоқон Саид Шохруҳмирзо ҳузурларидан амир Черкас келибдур. Қабулингизни бекламоқдалар, – деди у амирнинг олдига келиб.

– Юртчилар ташқарида саропарда тикмоқдалар. Сўй-

Нурали ҚОБУЛ

ланг, элчи амирни ўша ерда қабул қиламиз. Сиз кета билурсиз, — деди амир Худойдод энди сизнинг масалангизни ҳал қиламиз дегандек Халил Султонга қараб.

— Мени ҳибсга олсангиз-да Шод Мулкга тегманг, устоз! — деди Халил Султон йиғига ўхшаган овозда.

— Сизни ҳибсга олмасак-да, уни маҳкум этамиз, амирзодам. Сизни йўлдан урган ҳам, сиздан-да кўп гуноҳу жинойат қилган ҳам ўша, собиқ маликангиз. Бунинг барчаси маҳкамада кўриб чиқилади ва қозиларимиз тайин этган жазога тортиладилар, — жавоб қилди амир Худойдод. — Бироқ сизни ёрғуломоқни ўзимизга эп кўрмаймиз. Бугундан эътиборан Мовароуннаҳр вилояти бизнинг тасарруфимиздадир. Сизни ўз ёнимизда ва назоратимизда хон ўлароқ қолдираамиз. Илгаригиси каби ҳукм ва фармонларга муҳрингизни босасиз. Сочингизнинг бир туки тўкилмайди. Неки истак ва хоҳишингиз бўлса, Нусрат Абдулраззоққа айтасиз. Яшашингиз учун ҳозирча ушбу хонани таъсис этамиз. Ёнингизда битта мулозимингиз қолиши мумкин.

Халил Султон ўтирган жойида қотиб қолган эди.

Амир Худойдод хонага кирганда собиқ шоғирдиннинг юзига қандай қарамаган бўлса, яна шу тарзда қопу томон йўналди.

Саропарда саҳнида Шоҳруҳмирзога суиқасд уюштирмоқчи бўлган Хуросон бош вазири Жаҳонмулк ва амир Намадакни тутиб, оёқ-кўлини боғлаб Ҳиротга жўнатгандан сўнг янада машҳур бўлиб кетган амир Черкас Худойдодни бекларди.

Таниш беклар кучоқлашиб кўришдилар.

— Хуш келдингиз бизнинг тупроқларга, амир жаноблари! — деди Худойдод ғолибона овозда.

— Хуш бўлдик! Зафар муборак бўлсин! — деди амир Черкас юз берган воқеага муносабат билдирмаса ноўрин бўлишини фаҳмлаб.

Салтанат тулпори

– Яратган эгамиз бойликни истаганимга, илмни истаганга бераман дегандек, фатху зафарни ҳам раво кўрганга берар экан, муҳтарам амирим! Султон соҳибқирон ҳазратлари бошкентидаги номаъқулчиликлар Шохруҳ-мирзо зоти олийларини ҳам роҳатсиз этгани бизга маълумдир! – дея қўноқни саропардага бошлади амир Худойдод.

– Хоқони саид ҳазратларининг саломларини келтирдим, муҳтарам амирим. Вазиятни билиб, зоти олийларининг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиб, зудлик-ла ортга қайтмоғим керак, – деди амир Черкас саропарда соҳиби кўрсатган курсига ўтирар экан.

– Барчамиз султон соҳибқирон ҳазратларининг садоқатли қуллари эканмиз, ҳеч бир замон оёғимизни итотау хизмат узангисидан тортмагаймиз. Шундай экан, ул кишимнинг ворислари, хоқони саид ҳазрати олийларига-да қуллик этмоқ бурчимиздир. Кўриб, шоҳиди бўлганингиз воқеа эса хизматкорлик юзасидан содир этилди. Бундан буён мен ва амирларим, улусу черигим хоқони саид зоти олийлари хизматидамиз. Ул шарафли султон неки ҳукму фармон берсалар, шунга кўра ҳаракат этажакмиз! Бизнинг кимса мол-мулки ва тожу тахтида кўзимиз йўқдир! Оллоҳнинг берганига шукр қилгувчи бир бандамиз, – ғоят сермулозамат ва одамшаванда эди амир Худойдод. – Хоқони саид зоти олийларидан амр келгунларига қадар амирзодамизни хонабанд этиб тура-миз. Сизга қўшиб эса ўз навкарим ва мирзо Муҳаммад Жаҳонгирнинг-да навкарини қўшиб юборамиз. Улар ҳам бизнинг тилагу ниятларимизни еткурмоқ баробарида хоқони саид ҳазратларининг амри фармонларини олиб қайтадилар. Фақат бир рижода бўлунгаймизким, буни зоти олийларига еткурсангиз.

Нурали ҚОБУЛ

Амир Худойдод энди гапининг давомини амир Черкасдан кўзини олиб қочган ҳолда сўзлар, асабийлашганидан оёқ-қўли титраётгандек эди.

– Сўрову таклифимиз шундан иборатким, агарда хоқони саид ҳазратлари лутф этиб, қиблагоҳлари салтанати бошкенти тасарруфини амирзода Муҳаммад Жаҳонгир Муҳаммад султон ўғлига топширсалар, биз ҳамон амирзода Халил Султон ва малика Шод Мулкни аълоҳазрат қароргоҳларига етказажакмиз...

Амир Худойдоднинг гапини эшитган Ҳирот беги Черкас не дея жавоб берарини билмай карахт бир ҳолда унга қараб турарди. Худойдод Халил Султон каби валиаҳд Муҳаммад султоннинг ўн икки ёшли ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг ҳам отабеги эди. Амирзода баҳонасида у бутун Туркистонун Мовароуннаҳр юртига эга чиқмоқчи, хаёлидан кечди амирнинг. Иштаҳаси карнай бунинг...

– Фикр ва таклифларингизни албатта давлатпаноҳ хоқони саид ҳазратларига етказажакман. Зотан, онҳазрат элчиларингизни қабул этганларида бу таклифингизни тилга келтиражаклар, – деди амир Черкас улуслараро муносабатлар ахлоқи ва тартиби доирасидан чиқмай.

Амир Черкас бир кеча Худойдоднинг мусофири бўлди-да, отларини алмаштириб, Работи Ём орқали изига қайтди.

Қичаб юрган амир Черкас Самарқанд элчилари йўлдошлигида амир Қутлуғ Темур Работида олий қароргоҳга етишди. Шоҳруҳ подшоҳ ўз амири ва Самарқанддан келган навкарларни диққат билан тинглади.

– Масала қундай равшан, – деди хоқон маъноли бош ирғаб. – Сизлар-ла бирга бизнинг элчимиз Чубин қавчин ҳам амир Худойдод ҳузурига борадир. Ва шул сўзларимизни муҳтарам амир жанобларига етказади. Мавжуд

турум бизнинг Мовароуннаҳр сари бормоғимизни тақозо этаётир. Модомики, амир Худойдод сўнг сўз айтмоқ ихтиёрини бизга ҳавола этган эканлар, ул муҳтарам бегимизнинг самимияту садоқатлари учун фақат ташаккур билдиргаймиз ва қадрлагаяймиз! Турон мулкида миллат ва юрт учун неки тўғри ва ҳақ иш амалга оширилиши керак бўлса, айнан шундай қилингайдир. Амир Худойдод жаноблари эрса ҳеч бир тараддудсиз ҳузуримизга кела билурлар! Дўстона ва самимий сўзларимизни амир жанобларига етқуринг! Бизнинг ул кишига бўлган ҳурматимизни алоҳида таъкидланг! – дея ўз элчиси ва самарқандлик навкарларга кетмоққа ижозат этди хоқон. Бошкентни идора этмоқни Муҳаммад Жаҳонгирга топшириш масаласини Самарқандга боргач, маслаҳатлашиб, ҳал этажакмиз.

Зулқаъда (апрель) ойининг еттинчисида йўлга чиққан Хуросон ўрдуси ўн беш кун деганда Энадарё сувига етиб келди.

Далаю даштни тўлдирган ҳумоюн мавкаб¹ зўр иштиёқ, ғолиблик руҳида салобат-ла илгарилар, қус², курко³лар еру кўкни ларзага келтириб гумбурларди.

Қўшин Термиздан ўтиб, Кеш йўлига тушганди. Бухоро томонга кетган хабарчи, қоровул ва тилчилар бошлиғи Эсиргап Наймандан чопар келди.

Қора терга тушган суворий тиз чўкканча, мактубни хоқонга узатди. Подшоҳ битикнинг муҳимлигини англаяроқ ўзи олиб ўқиди.

"Қулингиз пешингизни ўпароқ Бухоро мулкидаги сўнг билгиларни муборак эътиборларига ҳавола этгумдир.

¹Мавкаб – подшоҳ ёки улўғ амирларнинг юришида уларга йўлдош бўлган суворий гуруҳи, лашкар.

²Қус – дўмбира.

³Курко – ноғоранинг катта тури.

Нурали ҚОБУЛ

Маълумингизким амир Шайх Нуриддин олий ўрдудан айрилиб, Туркистон томон кетмоққа ижозат сўраганда Хуросон чериги не замон ота юрт томон юрса қаршилаб, кўнишмоққа сўз берган экан. Улуғ амир жаноблари шу ниятда юқоридаги булжор¹га амал қилиб, ҳумоюн ўрду томон йўлга тушади. Бу воқеадан хабар толган амир Худойдод Шайх Нуриддин Бухорога етиб келганида дорулсалтанат Самарқанддан кўшини илғори билан чиқиб, ҳужум қилади. Шайх Нуриддин черигини тор-мор этиб, бошкентга қайтади. Ҳаддидан ошган амир Худойдод мирзо Аҳмад Мирак ва мирзо Сайди Аҳмадни Ҳисор вилояти забтига юборган. Улар бу ишдан ва амир Худойдодга бўйсунушдан бош тортиб, зоти олийлари ҳузурларига бормоқдалар. Малика Шод Мулкни қўлга олган Абдуллахожа ҳам уни олий қароргоҳ томон олиб кетган. Янги таълимотларингизни беклагаймиз”.

Термиздан чиққан олий ўрду Қўҳитанга етиб келган, хоқон кўчма масжидда ибодат ила машғул эди. Ташқаридан суворийлар шовури, одамларнинг ғалағовури эшитилди.

Эшик оғаси хоқонни масжид қопусида бекларди.

— Не ҳаводислар? — сўради саропарда саҳнига чиққан хоқон.

— Амир Худойдод ҳузуридан амир Абдуллахожа келмиш. Амирзода Халил Султоннинг ҳарамлари, малика Шод Мулкни канизаклари ва хизматчилари ила келтирмиш, — қўноқлар ҳақида билги берди мулозим.

Хоқондан ўн қадамлар нарида амир Абдуллахожа бош эгиб таъзим қилиб турар, бироз наридаги малика бошлиқ хонимларнинг барчаси бирдек тиз чўкиб, йиғлаб-сиқтаб таъзим этишарди. Маликанинг ёнида икки-уч ёшлар чамасидаги қизи ҳам бор эди.

¹Булжор — лашкар қисмларининг сафарга чиқиш олдидан тўпла-ниши лозим бўлган жой ва вақт ҳақидаги аҳдлашув.

Салтанат тулпори

– Амир Худойдод жаноблари маликани канизагу хизматчилари-ла ҳузурингизга элтишни буюрдилар, – деди арабпутуш амир Абдуллахожа тиз чўкиб.

– Амирзодамиз қайдалар? – сўради хоқон бир бекка, бир хонимларга қараб.

– Мирзо Халил Султон амир жанобларининг ёнидадирлар. Эрта-индин амирзодамизни ҳам ҳузурингизга жўнатмоқ ниятида эканликларини юксак диққат-эътиборларига етказишимни таъкидладилар, – жавоб қилди амир Абдуллохожа.

– Бошқа сўзлаяжак сўзингиз борми?

– Йўқ, зоти олийлари.

– Чекина билурсиз. Сўнгра яна ҳузуримга чорлайман. Ундан сўнг дўнажаксиз, – дея амирга кетмоққа изн берди хоқон.

Амир ул-умаро Ҳасан Жондор етиб келиб амр бекларди.

– Собиқ маликани банди этайликми, онҳазрат? – сўради бош вазир яқин келиб.

– Йўқ! Ким бўлмасин, у темурийлар маликаси. Фарзанди ҳам бор экан. Бир маликага неки шарт-шароит лозим бўлса муҳайё этингиз. Эрта-индин амирзодамиз ҳам келиб қолар экан. Кўнгиллари тусаганча яшайверсинлар. Эру хотиннинг орасига кирмоққа ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқдур! – амир берди хоқон. – Ҳар ким ҳаддини билмоғи керақдир.

– Амри фармон султонимизнингдир! – дея чекинди амир ул-умаро Ҳасан Жондор.

Ҳирот қўшини Ғузорга етган эди. Лашкар экин дала-ларини четлаб, эҳтиёткорлик билан Самарқанд томон борар, хоқон не қадар сўраб-суриштирмасин, амир Худойдоддан дом-дарак йўқ эди.

Кешда ётиб қолган хоқон Оқсаройни кўздан кечириб, иншоот атрофида чала қолиб кетган ишларни ниҳоясига

Нурали ҚОБУЛ

етказиш таълимотини берди. Сарой атрофи супуриб-сидирилмаган, қаровсиз бир аҳволда эди.

Ясовулбоши амир Худойдоддан айрилиб қочган амир Нусрат Абдулраззоқ хоқон ҳазратлари пешини ўпишга келганлигини маълум қилди.

– Сўйланг, келсун! – буюрди султон.

Тобуғ расмини бажо келтирган амир Абдулраззоқ сўнгги воқеалар тафсилотини баён этди.

– Амир Худойдод мирзо Халил Султонни банди қилиб, Андигон томон қочди! – деди амир йиғламсираб. – Амирзодамизнинг жонига қасд қилмаса эди?

– Нечун қочади? Гап-сўз, ваъдаю аҳдлар бошқача эди-ку? Бекни иззат ҳурмат-ла қаршилаб, улуғ амирларимиз сафида кўрмоқ ниятида эдик.

– Амир жаноблари сизга неки сўз берган бўлса барчаси ёлғондир, хоқоним. Ул кишимнинг ниятлари Мовароуннаҳр мамлакатини мустақил бошқармоқ. Шу масалада амир билан англаша олмадик. Аранг қутулиб, ҳузурингизга ошиқдим. Зоти олийларининг ота юрт сафарлари унинг режаларини остин-устун қилиб юборди.

– Зотан, унинг феъли айниганини амир Шайх Нуриддинга қилган муносабатидан сўнг англаган эдик. Начора! Кимга ният, кимга қисмат. Амир Худойдодми, бошқасими, бизга қандай муносабатда бўлса, шунинг икки мислини олажак. Сизни эса улуғ амирликка кўтариб, хизматингизни муносиб тақдир этамиз.

– Амир Саид Алибек! Сиз ўз черигингиз билан зудлик ила Самарқандга отланинг ва шаҳар бошқарувини қўлга олинг! – буюрди хоқон ёнида турган Саид Али Тархонга.

Хоқон саропардаси Работи Ёмга тикилган, олий қароргоҳда байрам ва ғалаба ҳавоси эсарди.

Шарафли қўшин давлату иқбол билан шаъну шавкатнинг сўнг манзили, дорулсалтанат Самарқанд остонасида турарди.

Хоқон Шоҳруҳ шом намозини одатдагидан кўпроқ ўқиб, тангрига шукроналар келтирди. Жойнамозни йиғиштириб саропарда тоқчасига қўйиб, ташқарига чиқди.

Саропарда саҳнида султонни амир Мубашшир бошлиқ Самарқанд улуғлари, беклар, олиму шоирлар тик турганча кутишарди.

Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир бошлиқ амирзодалар келиб хоқоннинг қўлини ўпдилар. Подшоҳни улуғлаш ва эъозлаш расм-русумларини бажо келтирдилар. Маликалар тўпланган амирзода ва беклар бошидан сочқи сочдилар. Карнай-сурнай, наққора ва довуллар саси Туркистон тизмалари этагини ларзага келтирди.

Лашкар залварли сас ила хоқонни олқишларди:

– Ҳақ дўст ё Оллоҳ!

– Замони хоқон биллоҳ!

– Ата юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас!

– Хоқони саидга олқиш!

Кешда хоқони саидни қаршилашга борган Масти Қаландар бор овозда тўпланиб турган аскарларга сўнги битигини ўқирди:

– Шарафли эл эрлари,
Адолат-ла жўшдилар.
Асл теурийзода,
Асолат-ла Кешдалар.

Нокасу номард доғда,
Хутбалари бўшдалар.
Тангрининг марҳамати,
Бухорою Ўшдалар.

Шоҳу гадой насиби,
Тупроқ омоч қўшдалар.
Эгам хоқон ризқини,
Ата юртга қўшдилар.

Киши еттисида не,
Етмишда шул ёшдалар.
Зотан, ақл ёш эмас,
Тожли-тожсиз бошдалар.

Емак, экмак заҳмати,
Чўнг хирмону чошдалар.
Улус ғамини туйсанг,
Қадринг кўзу қошдалар.

Сотқину ватансизлар,
Адоватга эшдилар.
Элим, юртим деганлар,
Шаҳодатга қўшдилар.

Хоқони саид мудом,
Саодатни сечдилар.
Энди элат олдида,
Баракот-ла бурчдалар.

* * *

Золим оёғини ялаган жоҳил,
Олим сиёқлини талаган жоҳил.
Отарчи оғзига қараган қавм,
Сотарчи бўғзига яраган қавм.

* * *

Бу не макондир, боқсангу,
Тиниқ осмон кўринмаса.
Далли девона кезсангу,
Наҳри уммон кўринмаса.

Юракда журъат жўшсаю,
Ҳа дер имкон кўринмаса.
Бошни тошу деворга ур,
Ҳақ дер имон кўринмаса.

Адолат дея айқирган,
Бутун виждон кўринмаса.
Чироқ ёқиб изласангу,
Ҳазрат инсон кўринмаса.

Самарқанддан келган олиму ақобирлар ила кўришиб саломлашган хоқон лашкар олқишларига эл соллаб жавоб қайтарди. Юраги сўз ила тасвишлаб бўлмас ҳистуйғуларга тўлган ҳолда Туркистон этаклари, бутун Работи Ёмни тўлдириб турган қўшинга тикилганча қараб қолди. Қиблагоҳи билан шу манзилдан бирга ўтган дамларни хотирлади.

Олиму фозиллар ортидан олтин лаганларга олтин ва кумуш ақчаларни тўлдирган бир гуруҳ одамлар келар, олтинлар баҳорнинг ўтли қуёшида кўз қамаштириб жилоланарди.

– Булар кимлардир? – сўради хоқон ёнида турган амир Мубашширдан.

– Биз улар ила баробар келмадик, хоқоним. Демак, ўйланиб-ўйланиб, охири йўлга чиқибдилар. Булар амирлар Оллоҳдод ва Арғуншоҳ, амир ул-умаро Бобо Тармиш ҳамда нақшбандия тариқатининг пешвоси Мир Абдулаввалдир.

– Нечун Худойдоднинг ортидан қочмай биз томон юзландилар? – ҳайрон эди хоқон.

– Зоти олийлари! Бир қошиқ қонимдан кечинг. Бирор-бир тарафга юзланмоқ иккинчи масала. Бунинг

Нурали ҚОБУЛ

учун одам зотида аввал, юз бўлмоғи лозимдир. Юзу қиёфа бўлмаганидан сўнг, унинг қай бир томонга қараб қарамаганининг аҳамияти йўқдир, – жавоб қилди амир Мубашшир.

Хоқон саропардасига йигирма қадамча қолганда тўда тўхтади. Амир Арғуншоҳ ажралиб чиқиб, бўри юриш қилиб, лўкиллаганча Шоҳруҳсултон ва Мирзо Улуғбек томон кела бошлади. Амирнинг икки кўлида устига қирмизи кимхоб мато ёпилган сипар (лаган) бўлиб, шаҳар дарвозаларининг калити турарди.

Амир Арғуншоҳнинг қил-қизил юзи бўғриқиб кетган, титраётган оёқларини аранг кўтариб босиб, хоқон ва шаҳзода томон минг бир ҳадику кўркувда келарди. Беш қадамча қолганда ҳаяжондан оёғи чалишиб, юзтубан тушай деди. Аранг ўзини кўлга олиб, яна бир неча қадам босди. Эгилиб таъзим этганча сипарни хоқонга тутди. Подшоҳ унинг кўлидаги сипарни олиб, орқасида турган амир ул-умаро Ҳасан Жондорга узатди. Тиз чўкиб пешини кўзига суртмоқчи эди, хоқон яқтаги барини унинг кўлидан тортиб олди. Ўрнидан турган амир яна таъзим қилди. Орқасида турган хазина мулозими яна бир сипар тўла олтинни олиб келиб, Арғуншоҳга тутди. Амир лагандаги олтинларни бошидан сочмоқчи бўлиб, амирзода Улуғбекга яқинлашди. Мирзо Улуғбек беихтиёр, тисланди. Олтин тангалар оёқ остига сочилди. Амир Арғуншоҳ бўш лаганни мулозимга узатиб, ўзини амирзоданинг оёғига ташлади. Ҳайрат-ла не қиларини билмай қолган амирзода амирнинг кўлларидадан этагини тортиб олиб, яна орқага чекинди.

Ўзини йўқотиб қўйган амир Арғуншоҳ кўзидан ёш оққанча орқага ўрмалади. Унинг пешона ва бурнида лой изи бор эди.

Амир Арғуншоҳга бўлган муносабатни кўрган амир

Оллоҳдод ва соҳиб ихтиёр Бобо Тармиш ҳайкал каби қотиб туришарди.

Ҳоқон саропардага кириб кетганда хос қўрима суворийлари учовини ҳам ҳибсга олди.

Самарқанд ақобирларига амир Мубашшир бош-қош эди. Кўп ўтмай ҳоқон иззат-ҳурматини жойига қўйиб, тўққиз-тўққиз пешкашлар билан амир Шайх Нуриддин ҳозир бўлди. Ҳоқон ҳам мезбон уларни самимият-ла муносиб қаршилади.

– Бухорода белимиз мертилиб, хизматларига етиша олмадик, давлатпаноҳ! Бир қошиқ қонимиздан кечинг, ҳазрати олийлари! — дея узрхоҳлик қилди амир Шайх Нуриддин.

– Кечмишга эмас, келажакка боқамиз, устоз амири жаноблари. Диққатли ҳаракат этайликки, бундан сўнгра беллар мертилмасин. Аҳдларимизда собит турайлик, — деди ҳоқон амирнинг узоқ муддат ғойиб бўлиб кетганлигидан ҳайрон бўлиб, шубҳа туйган оҳангда.

Падари бузруквори ёнидан бир қадам ҳам жилмаган амирзода Улуғбек барча гап-сўзларни диққат билан тинглар, бу тантанавор қайтиш, сон-саноксиз қўшин, меҳтар тақимининг самони ларзага келтирувчи садосидан вужуди ларзага келган, юраги ҳаприқарди.

Қишнинг қировли қаҳратонида бобо шаҳрига кира олмай, совуқдан дийдираб Бухоро йўлига тушган ўша уқубатли кунларда бошкентга худди мана шундай, шаъну-шавкат-ла қайтмоқни орзу этган эди. Тангри ниятига етказди. Ўзига шукур!

Ҳоқони саид мусофирлар ва бекларини саропардага таклиф этди.

Амирзода Улуғбек устози амир Шоҳмалик, амирлар Шайх Нуриддин, Алоуддин Алика ва Мубашширларни назокат ила саропардага таклиф этди. Бошқа амирзода ва беклар саропарда ташқарисида қолдилар.

Нурали ҚОБУЛ

– Энг зарурий вазифаларни маслаҳатлашмоғимиз керак. Ишни недан бошламоқ лозим, амир жаноблари? – дея Халил Султоннинг собиқ беги Мубашширға қаради хоқон.

– Молия амирини мулозимлари ила ҳамон Қўқсарой ва хазинага юбормоқ керак, аълоҳазрат! Билмадим, хазинада не бору не йўқ, барчасини қайд этиб, қабул қилиб олмоқ лозим, – жавоб қилди амир Мубашшир.

– Унда сиз ҳамон девон амин¹ларингиз билан бошкентга йўл олинг! – молия вазири Алоуддин Аликаға қаради хоқон. – Мулк ва хазина ҳисоб-китобини собиқ соҳибларидан қабул этинг! Амир Саид Али ўз минглиги билан шаҳарни эгалласин!

Амир Алоуддин Алика тисланганча султон саропардасини тарк этди.

– Оҳ! Бу ота ёдгори тупроқлар! Унга қайтмоқ ва меҳр-муҳаббат-ла уни авайлаб босмоқ барчамизга хайрли бўлсин! – деди хоқон овози титраб. – Шу кунларга етказган раббимизга шукрлар бўлсин! Ота бошкентни бир томчи қон тўқмасдан, бирор-бир инсоннинг бурнини қонатмасдан қайта олдиқ! Биз бу фатҳни бурунроқ амалга оширишимиз ҳам мумкин эди. Бироқ давлат тепасида ўз жигаримиз турганди ва қон тўкилишини ис-тамадик. Ҳар неки ишнинг вақти-соати, эғаси насиб этган даму дақиқаси бор эканким, шу онни сабру тоқат-ла бекламоқ керақдир. Мулку давлатнинг асп соҳиби улусдир! Бизнинг вазифамиз Турон миллати ва ислом умматига хизмат этмоқдир! Биз хоқонмизми, чўпонмизми, ким бўлмайлик, элу юрт хизматкоримиз! Ҳукм этгувчининг энг биринчи хислати қиблагоҳ бот-бот таъкидлаганлари

¹Амин, аминлар – ишончли кишилар демек. Асосан, молия ва кишлоқ хўжалигини бошқариш билан шуғулланувчи, давлат девони томонидан тайинланадиган амалдор.

каби марҳаматли бўлмоқдир. Хукмдор марҳаматсизми, билинги, унинг ўғри ва қароқчидан фарқи йўқдир! Бундай кимсалар ҳеч қачон ва ҳеч бир замон миллат қалбига қувват, онгига ёрқин шуур бахш эта олмайдилар. Демак, халқ жоҳилликнинг ботқоғига ботиб бораверади. Адолат, марҳамат ва виждоннинг саси бўлмаган ҳар қандай хукмдор йўқлик ва унутилмоқликка маҳкумдир. Ота-боболаримиз бу тупроқларни бизга ватан айладилар! Бу ер бизга ризқ-рўз, нон-насиба, авлоду келажак ато этди! Юрт тупроғи, миллат ғами учун ўз жонларини тиккан аждодларимизга раббимдан такрор-такрор раҳмат ниёз этамиз! Бизни меҳр-муҳаббат-ла, самимияту садоқат-ла олқишлаётган бу азиз ва асил инсонлар, бу сас-садосиз юксак тоғлар, бу чексиз адиру даралар, оқар сойлару ерга бағрини босиб, она тупроқни кучиб ётган тошлар сабри каби инод-ла яшаган инсонлар, шаъну шавкатли халқимиз бор экан, миллату давлатимиз даври қиёматга қадар яшаяжақдир!..

Ҳаяжонланган хоқон бир зум тўхтаб, кўзларини юмди. Яна бир оз кўнишса йиғлаб юборадигандек эди. Мулозим келтирган лагандаги косадан бир неча қултум сув ичди-да, сўзида давом этди.

– Юқорида қайд этганимиз каби, инсоният марҳамат ва ҳамият туйғусини йўқотганда ўзлигини қайб этади. Биз теграмизда нафақат марҳаматни, ҳатто ўз инсонлик сифатини-да йўқотган кишиларни кўриб турибмиз. Раҳматли падари бузруквор бир сўзни кўп такрорлар эдилар. У замонлар бу галнинг туб моҳиятини англаб етмаган эканмиз. Уларга хонлик керак, бизга эса ватан, дердилар ҳасратли оҳангда. Киши ҳар неки тақдир тажрибани бошидан кечирмас экан, асл ҳақиқатни бор бўй-басти ила англаб етмас экан. Қиблагоҳнинг Оллоҳ раҳматига қовушганларига тўрт йилдан ошди. Бироқ

Нурали ҚОБУЛ

шу қисқа муддат ичида ишимиз фақат тахт талашувчилар исёнини бостирмоқ бўлди. Ётлару ўзимизникилар бўлсин, ўлар-тириларига қарамай қилич кўтариб тахт томон от қўяди. Бу тилсиз ва юраксиз Кўктош эса бир донадир. Бу ғалаёну исёнлар, тахту мавқе талашувлари теграмизни ўраган эътимодсиз, улуснинг улуғ дарду мақсадларидан айри тушган, кўзига мансабу бойлик, маишату мавқедан бошқа нарса кўринмайдиган ўткинчи кимсаларнинг ишидир. Биз бўлиб ўтган ишларни тасбид ва ташхис этажакмиз! Усулий ақл ва услубий закоила иқтисоду сиёсатнинг барча тошлари жой-жойига қўйилажақдир. Ноҳақ ва носамимий кишилар ким бўлмасин, охир-оқибатда учоворадан чиқиб, олабўжига айланиб қоладилар. Бундайлар ҳеч қачон ва ҳеч кимга тўғри маслаҳат бериб, тўғри йўлдан юришни билмайдилар ва ҳеч қачон буни англаб етмайдилар. Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг ипнинг учи қочганини барчангиз кўриб турибсиз. Қолса кўнгил топилмас, чиқса жон деганларидек, билмадим, бу қалб яраларининг битмоғи учун не қадар замон керак? Ёшлигимда падари бузрукворнинг бир бекни тергаганларини эшитиб қолганман. Сутдай кўпирманг, авлодим, тагингиз куйиб кетади деган эдилар. Фожиали томони шундаки, ёнимизда нону тўзимизни еб, эски тўнимизни тавоф қилиб кийиб юрган ақрабо, дўсту ёрларимиз коса лаби каж келганда ўзгариб қоладилар. Одатда шундай бўлади. Товуқ семирса, кети тораяди...

Хоқон шундай деганда кўзи беихтиёр, амир Шайх Нуриддинга тушди. У шўрва ичган калдек терлаб, қизариб-бўзариб ўтирарди. Амирнинг турумига ҳайрон бўлган подшоҳ беихтиёр, даврага кўз югуртирди. Ҳар ким ҳар хаёлда ўтирар, подшоҳнинг оғир ва залворли фикрлари суҳбатдошларини ўйлантириб қўйган эди.

– Тўғри ва соғлом фикр этмоқ оқил кишининг энг

биринчи фазилати, очик кўзли инсоннинг ҳаёт дастуридир. Шундай одамлар бўладики, уларга ҳар қандай ҳақ ва тўғри гапни айтиб ёки бирор фикрига эътироз этиб бўлмайди. Боиси, бундай илмсиз ва билимсизлар ҳамма нарсани ҳаммадан яхши биламан деб ўйлайдилар. Киши не қадар билимсиз бўлса, у шу қадар ўзи ишонган янглиш эътиқодларига суяниб қолади. Кирли ва кинли эллар мудом бир ғалваю ғалаённи бошлаб юради. Зотан, илондан илон, чаёндан чаён дегандек, мамлакатимизнинг қай бир бурчагу ҳудудида бўлма-син, ота душманларимиз улус тинчлигию хотиржамлиги, миллат рафоҳиятини бузмоқдадир. Бу ғайриинсоний ҳаракатларнинг эл ва лашкарга алоқаси. йўқдир. Бир гуруҳ ҳаётини тожу тахт, мулки давлатсиз тасаввур эта олмайдиган худбину шарафсизларнинг кирдикорларидир. Энг катта жиҳод кишининг ўз ичидаги салбий менлигига қарши қилинадиган жиҳоддир. Ана шу менлигу худбинликни енга олмаган инсон ҳеч қачон ва ҳеч бир замон ватан ва улус дея жонини жабборга беролмайди. Бундайлар ҳатто ўз фарзандларини ҳам одам каби севолмайдилар. Кичик жиҳод эса ватан ва миллат учун қилинадиган жиҳоддир. Ўзининг такаббуруна менлигини (эго) енга олмаган киши ҳеч қачон улусу юрти ҳақида ўйламайди. Бу кимсалар не қадар тузоқлар қўйиб, фитналар уюштирмасинлар, эгаси ва улуснинг ўз ҳисоби бордир. Билхосса, қиблагоҳимиз султон соҳибқирон ҳазратлари ва ул зоти олийнинг таълиму тарбияларини олган биз авлодлари ҳеч бир тадбиру ишимизда хом сут ичмадикки, шу туфайли қорнимиз оғримайди. Ҳар замон авлодимиз Халил Султон ва унинг отабеги амир Худойдодга тўғри, адолат-ла муносабатда бўлдик. Бот-бот элчилар юбориб, аҳди паймонимизни такрорладик ва англашмаларни янгиламоққа ҳозирлигимизни қайд этдик.

Нурали ҚОБУЛ

Бугунга келиб шоҳиди бўлганимиз манзарани ўзингиз кўриб турибсиз. Ҳамон бизнинг уларга нисбатан кўнгил ва афв эшигимиз очиқ. Уларга-хабар-етказингким, ҳеч тортинмай ҳузуримизга келаверсинлар ва иззат-икром ила муносиб қаршиланажаклар. Ҳақлари бўлган вилоят-ту ҳудудлари қайтариб берилади, – дея машваратнинг расмий қисмини ниҳоясига етказган бўлди хоқон. – Энди бизга емак учун мева ва шарбат келтирингиз, – буюрди хоқон мулозимларга. – Дўстона суҳбатлашиб ўтирамиз. Менинг сиз муҳтарам амиримиздан сўраяжак сўровим борким, жавоблантирсангиз мамнун бўлар эдим, – дея амир Мубашширга юзланди подшоҳ.

– Буюринг, хоқони саид ҳазрати олийлари. Бизга лутфу марҳамат кўрсатиб, бошимизни кўкка етказдингиз. Саволу сўровларига билганим қадар жавоб бермоққа ҳозирман, – жавоб қилди амир Мубашшир.

– Улуғ қиблагоҳ ҳазинасини элга кечирган, мукамал силоҳга эга лашкарга соҳиб амирзодамиз бу қадар тез ва кутилмаган ҳолда амир Худойоддан енгилиб, бунинг устига кўлига туткун ўлароқ тушиб, хароб бўлиб ўтирибдир? Бир мени эрмас, бу савол барчанинг ақлига келмоғи табиийдир. Тўғрими? – амир Шайх Нуриддинга қаради султон.

– Ҳақ сўйладингиз, онҳазрат! Ҳеч ким амир Худойоддан бу ҳаракат ва жасоратни бекламаган эди. Бу хусусда муҳтарам Мубашширбек барчадин яхши билдилар. Ул кишим сўйласинлар, – дея амирга қаради Шайх Нуриддин. – Бу хусусда билги соҳиби бўлган яна бир киши борким, бу мавлоно Мир Абдулаввалдир. Ул зотдан ҳам зарур маълумотларни олмоқ мумкиндир. – Султон соҳибқирон замонларидаги олиму уламо, фозилу фузалолар бўри оралаган сурувдеқ тарқаб кетган дейдилар.

Салтанат тулпори

– Ҳа, устоз Абдулқодир Мароғий шогирдлари билан, амирзода Улуғбекнинг мударрислари ва Шарофиддин Дизакий ҳам паноҳ истаб Ҳиротга бордилар, – деди хоқон эшик оғасига Мир Абдулаввални чорлашни ишорат этаркан.

Саропардага сертавозе мавлоно Абдулаввал кириб келиб, ўз жойини олди.

– Сўровингиз маъносини англадим, онҳазрат. Кундузи юрган илоннинг умри қисқа бўлади деганларидек, амир Худойдод ҳеч тап тортмасдан, марҳум улуғ хоқон хотирасию унинг авлодларини хурмат этмасдан, куппа кундузи дорулсалтанат Самарқандга бостириб келса бўладими? Барчамиз шошиб қолдик. Ҳеч ким ундан бу ҳаракатни кутмаган эди. Ҳатто туғишган акаси амир Оллоҳдод ҳам. Бироқ Оллоҳнинг бандаси, Муҳаммад уммати эканмиз, тўғриси сўйламоғимиз керақдир. Биз, бу қабоҳату разолатнинг илдизини амир Худойдоднинг қилмишидан эмас, бобо тахтини босиб олган авлодимиз хатти-ҳаракатидан изламоғимиз керақдир. Ҳаёт мазмунини аёл зотининг хотидан излаган ҳукмдор охири, бир кун амирзодамизнинг аҳволига тушмоғи муқаррардир. Давлат тепасида туриб, салтанатни бошқараман деган киши борким, вақти-замонини аёл зоти билан ўтқазиб нари турсин, уларни ҳукумат ишларига бевосита ёки билвосита аралашмоқликларига йўл қўймаслиги керак. Хотин зотида шайтоний васваса кўзиганда у ҳар қандай давлат қасри ёки салтанат кўшкени хонавайрон этади. Амирзодамиз бунга англамадилар. Англамоқни истамадилар. Бошлари маишат, кайфу сафодан чиқмади. Пешин намозидан сўнг бирров Кўксаройга келардилар-да, яна навбатдаги боғ базмига равона бўлардилар. Амирзода билан дастлаб аразлашган, сўнгра тескари тушган амир Худойдод шаҳар халқи ва лашкарнинг кайфияти-

Нурали ҚОБУЛ

даги норозилиқдан ўз вақтида фойдаланмоқнинг уддасидан чиқиб, осонгина уни қўлга туширди. Самарқанд чериги астойдил савашмади ва кўз очиб-юмгунча тарқалиб кетди. Мўғулистон томонга кетган амир Худойдод тезликда Сайхун соҳилига қайтиб келди ва Ўратепа билан Шохруҳияни эгаллади. Қардоши Оллоҳдод ва амир Арғуншоҳ Дизақда унга муносиб қаршилик кўрсатмади. Бир неча кун сичқон-мушук ўйини ўйнаб, қарама-қарши турдилар. Уларни лақиллатган амир Худойдод бир кечада Ойқор этагидан ўтиб келиб, Шероз ҳисори ва Самарқандни эгаллади. Буюк бобо Кўктошини банд этиб ўтирган азамат амирзодамиз эса айни дамда унинг қўлида асиру бандидир, онҳазрат, – дея фикрини яқунлади амир Мубашшир. – Амирзодамиз мартабаларини осмон билиб, қудратларини ер билмай янглишдилар. Мушт уймоқ ўрнига ғишт қўймоқни таржиҳ этсалар эди, қисмату қадарлари ўзгача бўлурми?

Хоқон бошини маъноли соллаганча мавлоно Мир Абдулаввалга қаради.

– Авваламбор, ота тупроқларга хуш келибсиз, хоқони саид ҳазрати олийлари! – дея назокат ила сўз бошлади тик турганча Мир Абдулаввал. – Амир Мубашшир жаноблари, кўп маъкул ва ҳақ гапларни гапирдилар. Мен сўзни узатмасдан бир воқеани сўйлайин. Икки жума намозида амирзодамиз ила бирга бўлдик. Бири ҳазрат соҳибқирон жомъесида, иккинчиси Сароймулкхоним масжидларида. Амирзодамиз икки ибодатга ҳам сархуш ҳолда келдилар. Биз мавлоно Хожа Муҳаммад Парсо ҳазратлари билан ёнларига бориб, бу ҳақда ўз фикримизни айтдик. Қуръони каримда айтилган “сархуш ҳолда ибодат қилманг” деган оятни хотирлатдик. Кейин билсак, амирзодамиз бу танбеҳни оғир олибдилар ва биз душманга айланиб қолибмиз. Шундан сўнг

барча олий мартабали уламоларимизнинг ул кишимдан ихлослари қайтди. Жомъеларда одамлар ич-ичидан ул киши салтанатининг таназзули учун дуо қилга бошладилар. Охир-оқибат эса зоти олийларига маълум. Кўпнинг дуоСИ кўлдир деган гап ҳақ бўлиб чиқди. Амир Худойдод ҳақида гапирадиган бўлсак, аълоҳазрат, у азалдан оти кўндаланг чопадиган одам эди...

– Қимматли билгилар учун ташаккур сизларга. Инсоф ёху, адаб ёху, ахлоқ ёху деган ибораларни қиблагоҳ кўп такрорлардилар. Ҳар неки меъёридан ошса – мурдордир! Кечиккан адолат адолат эрмас деганларидек, меъёридан ошган зулм – куппа-кундузи қилинган қотиллик. Қотиллик бўлганда ҳам инсон қалби ва қадрига қилинган қатағон, қотилликдир! Инсонлар қорнига эрмас, қадр-қийматларига йиғлайдилар. Одам боласи ҳеч қандай ҳақорат, ҳақсизлик ва адолатсизликни кишилик шарафию қадрига қилинган ҳақсизлигу тажовуз каби оғир қабул этмайди. Ҳар қайси мансабдор, ҳар қандай макону замонда ҳар бир кишининг қадри қиммати ва меҳнатига қараб адолатли муносабатда бўлиши, кимлигидан қатъи назар уларни айирмаслиги лозимдир. Улус ва мамлакат ишига кўнглил берган, ватану миллат дардида яшаган инсон ҳеч қачон раиятнинг кўнглини оғритмайди. Бундай кишилар имону виждонини улус шарафига бахшида эта билган шонли шахсиятлардир. Кимки турон миллати ва ислом умматининг қонини ноҳақ тўқаркан, вақти замони етиб, ана шу бегуноҳлар қонида шаксиз бўғилажақдир. Қиблагоҳ ила бир куни Кеш тепасидаги Қорабоғда эдик. Падари бузруквор бизга оталари, улуғ бобомиз, Муҳаммад Тарағай туғилган Тарағай кишлоғини кўрсатиб келмоқликка қарор қилдилар. Барчамиз мамнуният-ла отларга миниб, сой бўйлаб тоғ томон ўрлаб кетдик ва узоқ юрдик. Кейин билсак, у ерда улуғ бо-

Нурали ҚОБУЛ

бомизнинг болалик дўсти Дўстмурод бобо яшар экан. Қиблагоҳ ота дўстини зиёрат этиб, бизга падари бузрукворлари туғилган қишлоқни кўрсатмоқни ният қилган, бобомиз таваллуд топган жойни унутмасликни ишорат этган эканлар. Дўстмурод бобо бизни кўзда ёш билан қаршилади. Кампири вафот этиб, чўкиб қолган экан, бояқиш. Бизни эчки сўйиб, меҳмон қилдилар. Гурунг бердилар. Ул муҳтарам зотнинг сўзлари ҳамон хотирамда. Оллоҳ тагимга от берди, кўпқари чопмасам ҳам зот¹ берди деб ўзларингдан кетманглар, болаларим. Дономи, нодонми, уқувлию уқувсизми яратган эгам ҳар бир кишини синамоқ учун уч мартагача омад, мартаба ва мулки бойлик бериб синаб кўради. Эгасининг синовидан ўтган, ўзини таниганлар бу илоҳий имкониятлардан истифода эта биладилар. Ўзига эш бўлолмаган, бировга пеш бўлолмаган каби боридан ҳам айрилади. Сўнгда биз ила хайр-хўшлашар экан, катта атамиз билан болаликларидан эшитган бир айтувни айтиб бердилар.

Олатоғ ғава-я²,
Қоратоғ тава-я³,
Ғариб бўлдим ана-я,
Қариб тўлдим ана-я.

Хоқон фикрини жамламоқ учун тин олиб эртапишар Самарқанд гилосидан еб, шарбат ичди.

– Тахта тахт ила тахта тобут орасида кечган қуш

¹Зот – Қашқадарёда, Чироқчида, барлос шевасида кўпқарида маррага улоқни ташлаганда бериладиган мукофот – солимни зот дейишади.

²Ғава – Туркистон туркчасининг барлос шевасида чексизлик демак.

³Тава – худди шу лаҳжада кенглик дегани.

уйқуси каби қисқа умрни абадий деб билганлар янглишадилар ва қаттиқ қоқиладилар. Хаёллари сувга тушган амир Худойдод ва амирзоданинг барча хатти-ҳаракати ва ҳукмдорлик қисмати барчамизга сабоқ бўлмоғи керак. Ҳеч қачон янглиш иш ва югуриш билан бирор манзилга етиб бўлмайди. Унутмангким, амри фармон бермоқда диққатли давранмоқ лозимдир. Боиси, амр темирни кесар дейдилар. Сиз янглиш бир амр бердингизми, вақти замони келиб у ўз соҳибининг бирор-бир аъзосини кесади. Атрофимизни ўраб, биздан меҳр-муҳаббат, бир оғиз ширин сўз ва дуо беклаган азиз инсонлар, бизга оби ҳаёт берган тоғу тош, муқаддас тупроқ, ота-боболаримиз қони ила шарафлангандир! Уни кўз қорачиғимиз каби қошу қабоғимиз орасида асраб-авайламасак, у ҳам бизни асрамайди. Барчангиз Оллоҳга омонат бўлинг! Иншооллоҳ, эрта-сабоҳда, бомдод намозидан сўнг ота бошкентимиз Самарқанд сари йўлга чиқажақмиз! Ва қиблагоҳнинг сўнг манзилларини зиёрат этажакмиз!

– Самарқанд фатҳи муборак бўлсин!

– Ота тупроқларга хуш келдингиз, сафо келдингиз!

– Барчамиз хоқони саид ҳазратларига бандафармонликда муқиммиз!

– Ислом уммати ва Турон миллати бахтига омон бўлинг! – саропардадан саслар эшитилди.

Хоқон саропардадан ташқарига қаради. Аср ибодати пайти бўлган эди. Барча бирдек кўчма масжид томон юрди.

Амирзода Улуғбек аср намозини қиблагоҳининг орқасида туриб ўқиди. Падари бузруквори ила узоқ намоз ниятини қилди.

Барча тарқалгач, ота-бола саропарда саҳнига чиқдилар. Баҳорнинг сўнгги ойи бўлса-да, кунлар исий бош-

Нурали ҚОБУЛ

лаган, жазирамадан дуч келган соя ва инларига уриб кетган жонзодлар секин-аста бош кўтариб, емак излашга тушган, тоғ томондан сарин эпкин эса бошлаганди.

– Юксак тоғларда шамол пастдан эсса, булутлар тўпланиб, ёмғир ёғади. Агар шамол юқоридан эсса, булутлар тарқалиб, ёгингарчилик бўлмайди, – деди ота ўғлига қорли тоғларга тикилиб боқаркан. – Бир пайтлар айна мана шу манзилда қиблагоҳ, буюк бобонгиз билан тўхтаб, саропардамизни тиклаган эдик. Мен сизга айтган гапни падари бузрукворимдан эшитгандим. Энди сизга айтмоқдаман. Сиз эса вақт-замони келиб, авлодларингизга айтажаксиз. Чархи даврон шу тариқа айланаверади. Шуни унутмангки, ўғлим, улусга амр этмоқдан олдин унга хизмат этмоқни ўрганинг!..

Юраги тўлиб кетган хоқон ҳаяжонини босмоқ учун бироз тин олди.

– Бу ям-яшил яйлову оғочлар, бу биллур каби оқар сувлар, бу чексиз даралар не қадар табиатга, бу сонсаноксиз кабутарлар самога оид бўлгандек, бу тупроқлар ҳам бизга оиддир, авлодим!

Ота бошкентимиз, қолаверса, бутун Туркистон заминида шундай вазият юзага келганки, от изи билан ит изини айириб, иш тутмоққа тўғри келади. Бу вазиятни ўнгламоқнинг фақат битта йўли бор. Ҳокимият тепасига улус ишонган ва истагани замон дардини айта биладиган ва уни тинглайдиган яхши кишиларнинг келишидир. Бу нарса, билхосса, тахтда ўтирган подшоҳга боғлиқдир. Давлат бошида яхши одам ўтирса, атрофига яхшилар тўпланади. Разил ҳукмдор эса кечаси чироқ ёқиб бўлса ҳам ўзига ўхшаганни қидириб топади. Яхши, одил подшоҳ улусида яшаш завқини яратиб, оширади. Ёмони эса бу завқни сўндириб, миллатни умидсизлик ботқоғига

ботиради. Ҳукмдор давлат одами васфини ташимади-ми? Демак, у миллату умматнинг асил мақсаду манфаатидан узоқ бир кимсадир. Иродасиз киши иқтидорида идора ҳам бўлмас...

Яна бир алдоқчи кун ўтиб кеч кирар, ғуборли уфқда бир неча кунлик ой бўғриққанча ўтовлаб чиқарди.

Ота-бола бир-бирларини сассиз-садосиз англаган-дек қорли тоғларга тикилишар, амирзода бошини қуйи эгганча қўл қовуштириб қиблагоҳи сўзларини тингларди.

– Ой ўтовласа ойлик, кун ўтовласа кунлик ғамингни е дер эдилар раҳматли қиблагоҳ. Демак, ёғингарчилик бўлади, – деди ота ойнинг кўтарилишини кузатар экан.

Этақда саф-саф бўлиб тарқалаётган лашкар олий бош қўмондонни олқишларди:

– Туркистондир шонимиз!
Турондир унвонимиз!
Ватан жону танимиз!
Унга фидо қонимиз!..

Қаршида умиду ишонч, кечмиш соғинчию армони, келажак орзуси, кўнгиллар роҳати, меҳр-муҳаббат шаҳри она Самарқанд шон-шавкатли авлодларини кўзи тўрт бўлиб бекларди...

Миллату умматнинг шаъни шарафини кўкларга кўтарган, элига буюк бир мулки сарват ўлмиш тана тупроғи она тупроққа айланган жаҳонгир, ота ҳам ўғли ва набирасини, ўзи омонат этиб қолдирган байроқни қўлларида мустаҳкам тутажак улусини бекларди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

*Кунига юз тулки олса ҳам
тозининг ит оти қолмас.*

Ота сўзи

Амири харос ноиби Аббос Хўжа Модарзот Бўстонсаройдаги хужрасига энди кириб келган, кун бўйи сарой аслаҳахонасида ўн йилдан ортиқ ишлаган ҳарбий асирларни ўз юртига жўнатиш билан машғул бўлиб, чарчаган эди.

Одатда доимо қоронғи тушганда олдига келадиган одами Охун Сарикуйғур илосланганча хужраси эшигида пайдо бўлди.

Сарикуйғурнинг ташвишли қиёфаси, бежо кўзларидан хайрли гап билан келмаганлиги сезилиб турарди.

– Тинчликми, оғайни? Серташвиш кўринасан? – яктагини девордаги илгичга иларкан сўради Аббос Хўжа.

– Тинчлик эмас, устози аъзам, – деди Сарикуйғур овозини пастлатиб эшиқдан кирар экан, теварак-атрофга ҳадик-ла боқиб.

– Кир. Ўтир ва сўйла? Не нохуш хабар келтирдинг? – хонтахтага икки тирсагини қўйганча, оғир чўқди хона соҳиби.

– Эшитиб, қулоқларимга ишонмадим, хўжайин. Хабарингиз бор, бир ой чамаси бурун кичик малика Тўкал хоним вафот этган эдилар. Ақраболари эрта-индин қирқини қилмоқчилар.

– Хўш? Бу ўлимда бир сиру синоат бормикан? – ичи қизиб сўради Аббос Хўжа.

– Ҳамма гап шунда-да, устози аъзам. Маликамиз заҳарланган эканлар, – бошини хонтахтага эгиб янада овозини пастлатди Сарикуйғур.

- Йўғ-е? – ҳайрон бўлди Аббос Хўжа.
- Шундай экан, устози аъзам. Эшитиб лол бўлдим.
- Сен кимдан эшитдинг?
- Хотинимдан.
- У қаерда ва кимдан эшитибди?

– Хотиним бош маликамининг олтину заргарлик дўкони юритадиган аёл билан дугона. Гоҳида бориб ёрдам бериб ҳам туради. Маликаминга ва ана у шилликқа совға этганимиз қимматбаҳо ашёларни ҳам шу аёл топиб берганди. Хуллас, дўкончи хоним билан яқин алоқадамиз. Олди-бердимиз бор. Тўқал хоним Оллоҳ раҳматига қовушмасдан бир неча кун бурун маликамин амрлари билан бир канизакка рўмолчада тугилган кўп миқдорда олтин, дуру жавоҳир берибди. Қуни кеча яна бир тугун нарса берибди. Буниси энди маҳди улё Сароймулкхонимни заҳарламоқ учун экан. Эшитиб, тахтага айландим. Кимсага оғиз очиб айтадиган гап эмас, устоз.

Сариқуйғур келтирган хабардан ҳайрон бўлган Модарзот бир зум пастки лабини тишлаганча суҳбатдошига тикилиб қараб қолди.

– Бу ишга қўл урганларга ёзиқлар бўлсинким, гапингда жон борга ўхшайди. Халқ кўрмайди, бироқ ҳис этади дегандек, одамлар соппа-соғ юрган, ҳеч бир жойи оғримаган малика ўлимидан шуни тахмин этишаётган экан. Бундай гап-сўзлар менинг ҳам қулоғимга чалингандай бўлувди. Айтганинг каби кимсага сўйлайдиган гап эмас. Бу қадар қотилликкача бориб етибдиларми, демак, ўзларининг охир-оқибатлари ҳам айнан шундай тугайди, – бошини соллаганча чуқур нафас олиб, хона деворига суянди Аббос Хўжа. – Мана шундай одамларга хизмат қилмоқдамиз. Демак, уларнинг гуноҳу жиноятларига шерикмиз.

Нурали ҚОБУЛ

– Мен ҳам кўрқиб қолдим, хўжайин. Ўз юртим Қашқарга қайтиб кетсаммикан? – кўзлари ола-кула бўлди Сарикуйғурнинг.

– Кўрқма. Фақат хотинингга тайинлаки, бу ҳақда инсон зотига оғиз очмасин. Сен ҳам айтмадинг. Мен ҳам эшитмадим. Бугун мингбоши Эртўғрул Туронни кўрдингми?

– Кеча кўрган эдим.

– Мадрасага бор. Ўша ерда бўлса керак. Менинг олдимга келсин. Ўзинг эса мендан хабар бекла. Кўча-кўйда ҳаяжонланмай, ҳовлиқмай, синингни бузмай, орқалдингга қараб юр. Атроф тўла айғоқчи.

– Англадим, устози аъзам.

– Оллоҳга омонат бўл! – дея ўйга толганча Сарикуйғурни кузатди ҳужра соҳиби.

Эртўғрул Турон Бўстонсаройга хуфтонга яқин етиб келди.

– Мадрасада не гаплар, мингбошибек? – деди Аббос Хўжа зиндондош дўстидан ҳол-аҳвол сўраган бўлиб. – Амир Боботурк жанобларининг фарзандлари соғу саломат ўқишаётгандир, иншооллоҳ?

– Танрига шукурлар бўлсин, яхшилар. Улардан ташқари султон соҳибқирон ҳазратлари Кешдан ўқитмоқ учун келтирган Абдурахим ва Бобоёр исмли талабалар ҳам борки, улар улуг ҳоқондан бизга омонатдир. Уларнинг аҳволидан ҳам хабар олиб турибман. – Бобоҳасан қиблагоҳининг олдиларига бориб, Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратларидан сабоқ олмоқчи. Мен билан Боғмозор Барлосга кетаман деб хархаша қилмоқда. Отасидан изнсиз қандай олиб кетаман? Мудирдан бирор ҳафтага жавоб сўрашга тўғри келади шекилли, – жойлашиб ўтирганча дўстининг саволини жавоблантирди мингбоши. – Ўзингизда не гаплар? Сарикуйғур биродаримизни

бироз ташвишли кўргандек бўлдим? Сиз ҳам руҳан тушкун ҳолда ўтирибсиз?

– Бугун эшитган гапдан ақлим шошди, дўстим. Раҳматли Тўкал хоним заҳарланган экан. Энди навбат буюк маликамизга келибди. Не қиларимни билмай, сизни ёнимга чорладим. Ҳеч бир жўяли фикр ақлимга келмаётир.

– Бундай иш уларнинг қўлидан келади, дўстим. Афсуски, уларга қарши ҳеч нарса қила олмаймиз. Айниқса, одам зиндоннинг тупроғини ялаб чиқиб суддан оғзи куйгач, қатикни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолар экан. Не қилиб бўлса ҳам буюк маликани огоҳлантиришимиз керак. Мени Кўксаройга киритмайдилар. Биргина умид сиздан, – суҳбатдошининг юзига тикилди Эртўғрул.

– Ўзим тўғридан-тўғри борсам, бўлмайди. Одам топиш керак. Бироқ кимни? Буни ҳеч кимга айтиб бўлмайди. Гапни етказадиган ҳам аёл бўлиши керак. Маликани бутун бошли бир ўнлик кўриқлайди. Хуллас, бошим қотди, дўстим.

– Бекорга ул дажжолни амир соҳибқирон ҳазратлари ўлимга ҳукм этмаган эканлар. Зоти олийлари одам танир эдилар, – деди ғамгин оҳангда Эртўғрул.

– Султон соҳибқирон ҳазратлари кимни ўлимга ҳукм этганлар? – ҳайрон бўлиб сўради Аббос Хўжа.

– Маликаларнинг кушандаси саналмиш маликани. Ёқа ушлайдиган томони шундаки, уни бу ўлимдан айнан Сароймулкхоним зоти олиялари асраб қолганлар.

– Ҳаётини сақлаб қолган халоскорига ўлимни раво кўрса-я?

– Гап бир маликада эмас, дўстим. Унга шу ҳақ-ҳуқуқни бериб қўйган ҳукмдорда!

– Тўғри айтасиз. Инсон зоти ҳам шу қадар ёвуз бўладими? Ҳукмдорнинг ҳам бу гап-сўзлардан хабари бўлса, демак... – Подшоҳимизни ҳам бош малика қўлларида

Нурали ҚОБУЛ

Ўсиб-улғайган дейдилар-ку? Наҳотки бунга рози бўлса? – ҳамон ҳайратда эди Аббос Хўжа.

– Тожу тахт деган нарса ҳеч нимани танймайди ва тан олмайди. Тилга олганингиз икки малика аввал бошдан бугунга қадар подшоҳимизнинг Кўктошга ўтиришига қарши, Шоҳруҳмирзо тарафдалар. Малик ва малика буни ҳеч қачон ҳазм эта олмайдилар ҳамда кечирмайдилар. Не қилсак экан-а?

– Бир йўл топишимиз керак. Сиз кетманг. Менинг хужрамда тунаб қолинг. Кечаси билан ўйлайлик-да, эрталаб бир чора-тадбирини кўрайлик, – деди ҳорғин Аббос Хўжа ўтирган жойида узанар экан. – Сиз ҳам истироҳат этинг.

Кечаси узоқ вақт тўлғониб ётиб уйқуси келмаган Эртўғрул Туроннинг сабоҳга яқин кўзи илинди.

Бомдодга яқин бир-бирига қарама-қарши қурилган Кўксаройу Бўстонсарой ҳовлисида ғала-ғовур бошланди. Уйғонганида Аббос Хўжа жойида йўқ эди. Таҳорат қилиб, намозини ўқиб бўлганида у қайтиб келди.

– Кечикибмиз, дўстим. Буюкмаликамизнинг аҳволлари оғир эмиш, – деди мунгли овозда. – Менга кўра Оллоҳ раҳматига қовушганлар. Бироқ буни халққа айтишга шошилмаётирлар. Ими-жимидида ўзлари ҳозирлаган мақбарага элтиб кўмадилар, чамаси. Кўксаройга кимсани йўлатмаётирлар.

– Худо раҳмат қилсин! – деди Эртўғрул ўтирган жойида уни тингларкан. – Бир ҳадис бор. Сен бировга яхшилик қилсангу, сенга ёмонлик қилмасдан бу дунёдан кетмаса, билгинки, у зинодан туғилган. Демак, буларнинг иши ҳам шундай, биродар. Қотилларнинг бу жинояти кишининг ўз ота-онасини ўлдирмоғи ила баробардир. Ожиз фикримча, бу разиллигу қонхўрликнинг жазоси оғир бўлажак. Яна эгаси билгувчидир, – шом туби қоронғи эди мингбошининг.

– Бу вазияту иқлимда Кўксаройда қолиб бўлмайти, қардошим. Тезроқ кетмоқ керакка ўхшайди. Акс ҳолда, ана у томдан тушган садри аъзамми, бошқасими менга ҳам шу каби бирор ишни буюриб қолиши мумкин. Ҳукмдор билан бўлган учрашувимизда шу ҳақда гап кетган эди. Уй қурган ўлимини унутади дегандек, булар биз давлат қурдик дея эрта куннинг интиҳосини ақпларининг учига ҳам келтирмаётирлар.

– Буларнинг тирикчилиги от ўлса ит қутурар, эшак ўлса бўри қабилида. Ҳар неки яхши-ёмон ишнинг ажри савоби, тақдиру жазоси бордир. Имкони бўлса буюк маллика жанозаларига қатнашайлик-да, сўнгра бўрки ёнга олиб қўйиб ўйлаб, бир фикрга келайлик. Эшитишимча, валиаҳди шаҳид Пирмуҳаммад билан бирга устоз Алп Туркаш ҳам ҳалок бўлган. Ул кишим устоз Боботуркга хокларини Қўрғонтепа қўйиндисига элтишни васият этган эдилар. Бу хабар амир жанобларига етган бўлса, кутаётгандирлар. Мен кўчада қолган бир одамман. Бироқ сизнинг саройдан узоқлашишингиз масаласини қандай ҳал этиш мумкин?

– Ўзи билан ўзи бўлиб қолган подшоҳимиз анчадан бери мени сўрмаётирлар. Эсларидан ҳам чиқиб кетган бўлсам ажаб эмас. Бобо Тармиш билан эса баҳона топиб, соққасини бериб, ҳар қандай ишни битирса бўлади. Унга Хўжанд ва Ўратепа жалойирларидан минглик черик тўплаб келаман, дея изн сўрайман. Йўқ демаса керак. Лашкарнинг учдан иккиси қочиб кетди. Не қиларини билмай туришибди.

– Маъқул ўйлабсиз. Минглик тўплангунча бир гап бўлар. Эр озиғи билан бўри озиғи йўлда. Устоз билан маслаҳатлашиб, балки Ҳиротга кетармиз. Чопқир тозини тулки севмайди деганларидек, сизу бизга ўхшаганларни бу ерда хуш кўрмайдилар. Тулки ўзига ўхшаган

Нурали ҚОБУЛ

тулкиваччаларни излаб топади. Эгар-жабдуқ ўраган билан эшак от бўлмайти. Имкон қадар Боғмозор бар-лосга эрта жўнашимиз керак. Булар чириган сомонни шопирмоқдалар.

– Унда юринг, ҳовлига чиқайлик-чи. Ташқарида не гап-сўз, – дея ўрнидан турди Аббос Хўжа. – Мана уч йилдирки, Самарқандда яшайман. Икки йил Кўксаройнинг зиндони тошини яладим. Бир йилдирки, саройнинг амиру вазирларнинг хос хонасида яшамоқдаман. Бироқ зиндонми, муҳташам сарой одасими, қаерда кун кечирмайин, қил устида, қилич тифида, гўёки эрта-индин бошимга бирор-бир фалокат ёғиладигандек юрагимни ҳовучлаб юраман. Биздек эркину озод одамлар учун саройлар ҳам зиндон экан, – гапириб борарди Аббос Хўжа.

– Мен ҳам Турон ўрдуси Сивас атрофларида экан, кўшиндаги ноҳақлигу ўлимларни кўриб, устоз Боботуркга тезроқ сарой хизматидан четлашмоғимиз кераклигини, Ойқор этақларига бориб, чўпонлик қилишни орзу этаётганлигимни айтган эдим. Шунда устоз саройдан, давлат ишидан узоқлашишинг билан бу жоҳил ва саводсиз одамлар сени эшагу от ўғрисига айлантирадилар. Худога шукур деб сабру тоқат-ла улуғ хоқонга хизмат этиб иш ўргану ризқингни териб еб юравергин. Бу ҳам буюк бир давлат. Сену менинг мавқею мартабамга орзую ҳавас, ҳасаду ғайирлик қилиб юрганлар сочимизнинг тукидан кўп деган эдилар. Ёш эканман. Бу гапларнинг маъносини энди, дарвешу девона каби сўқоқда қолганимдан сўнг англадим.

– Амир Боботурку сиз каби инсонлар гирди мактабу гирди сарой кўриб улғайган кишиларсиз. Бошкенту буюк шаҳарларда ўниб-ўсган ва яшаган кишилар кўю қасабаларда яшай олмайдилар. Амир жаноблари

тўғри айтганлар. Бизга ўхшаган, одамлар ўғри, қароқчи, махфия дея атайдиган бечоралар учун эса сарой ҳам зиндондир. Биз мудом ўзимиз хон, кўланкамиз майдон бўлиб яшаб келганмиз ва бировга қарам бўлган ҳаётни ҳазм эта олмаймиз. Биз султону шаҳаншоҳлар ҳашаматли қасру саройларида олтин тахтларида ўтириб ёки юз минглик ўрдуси билан ҳал эта олмаган ишни Каттасойу Боғмазорсой бўйида чоғир ичароқ ҳал этамиз, қардошим. Улуғ хоқон Амир Темур ҳазратлари ана шуларни билганлари учун мени ўлимга ҳукм этмадилар. Акс ҳолда ўн бора дорга осдирсалар ҳам ҳақли эдилар. Бу дунёдаги энг муҳим, энг учида битириладиган ҳаёт-мамот ишлари биз орқали амалга оширилади. Бунинг учун мен саройда эмас, тоғу тошда, далаю даштда яшамоғим, ҳеч кимга ҳисоб бермаслигим лозим. Тегирмонда туғилган сичқон момоқалдиरोқдан кўрқмаганидек, биз ҳам ҳеч ким ва ҳеч нимадан кўрқмаймиз. Кечмиш замонларда бир гаплар бўлиб ўтганким, буларни Ойқор йўлига тушганимизда айтиб бераман. Эндиги кунда у ғавғою машмашаларни бировга айтсанг ишонмайди. — Кўксарой ҳовлисининг кун ботиш, малика яшайдиган томонига етиб келганда гапдан тўхтади Аббос Хўжа.

Тўпланаётганларни ҳадик-ла, ёқтирмай кузатаётган амир ул-умаро Бобо Тармиш маросимга бош-қош эди.

Қорóвуллар унинг имо ишораси билан эркагу аёлни саройга яқинлаштирар, хуш кўрмаганларни навкарларга ияги билан ишора этганча узоқлаштиришни буюрарди.

— Мен ана унга яқинлашмайин. Сиз олдига боринг, — деди Эртўғрул Аббос Хўжага садри аъзамни имо этиб. — Айбдорнинг чўпдан ҳадиги бор дегандек, янги иқтидор одамлари эски ҳокимият кишиларини кўрганларида қассобнинг безига айланиб, шайтонлайдилар.

Нурали ҚОБУЛ

– Тўғри сўйлайдурсиз, қардошим. Майли, мен борайчи. Сиз шу ерда бўлиб туринг, — дея атрофини навкарлар ўраб турган Бобо Тармиш томон юрди Модарзот.

Аббос Хўжага кўзи тушган Бобо Тармиш кўзлари чақчайиб, сергак тортди.

– Ҳа, Аббос Хўжа? Нима қилиб юрибсан? — деди у қўлидаги ўроғлиқ қоғозни шотири Суюнбой Қўнғиротга узатар экан.

– Зоти олийларини узоқдан кўриб қолдим-да, бирор хизмат бормикан дея келдим, — жавоб қилди Аббос Хўжа таъзим этароқ.

– Қара, малика вафот этибди. Ҳаёт дегани шу экан-да. Одам боласи бугундан эртага нима бўлишини билмайди. Азроил дегани ёшу қари деб ўтирмайди, — тез-тез гапирарди Бобо Тармиш. — Ўзингнинг ишларинг қалай? — гапни асосий мавзудан бурди бош вазир.

– Худога шукур. Бир нави. Шавкатли подшоҳимиз ва ўзларининг сояларида ризқи насибамизни териб еб юрибмиз, — жавоб қилди амири харос ноиби.

– Яхши, яхши. Туткунлик муддати тугаган арабу эрониларни чиқардингми? Қанчаси бошкентда қолдию қанчаси кетди?

– Ўндан тўққизи Самарқандда қолди, амир ул-ума-ро жаноблари. Эронлилардан олти киши юртига жўнади. Араблардан бир киши ҳам кетмоқни истамади. Улар Самарқанд каби жаннат юртни ташлаб ўзларининг саҳроларига кетармидилар?

– Бола-чақаси борлари ҳам кетмадиларми?

– Кетмади. Бизнинг мамлакатимизни Қуръону карим-да тасвир этилган жаннатнинг бир гўшаси эканлигини айтиб юрар эдилар. Ким бу гўшани ташлаб кетади, ус-тоз? Араб деганига даставвал хотин, сўнгра ватан ке-

рак. Бизда бола белда, хотин йўлда, ота-она қайдадир деган гап бор. Улар авроту бойликни кўргач, барчасини унутадилар.

– Улар ҳам ўзимиздан экан-да, – дея ёқимсиз тиржайди Бобо Тармиш.

– Маликамиз хаста эмас эдилар. Недан вафот этмишлар? – бош вазирнинг совуқ нигоҳига қаради Аббос Хўжа.

Бобо Тармиш кўзини суҳбатдошининг нигоҳидан олиб қочди.

– Султонимиз ҳам келсалар керак? – сўзида давом этди Аббос.

– Билмадим. Бироз тоблари йўқ эди. Келишлари гумондир-ов, – каловланди амир ул-умаро Модарзотга гапни узатма дегандек чақчайиб боқаркан.

– Эркакларни сарой ҳовлисига йўлатишмасин. Борларини ҳам чиқаришсин! – амр берди яқинида турган Суюнбой Қўнғиротга. – Бориб амири Харос Бешкал Манғитга айт. Сарой ҳовлисига фақат аёлларни киритсин! Қолаверса, аёлларнинг бу ерга келишига ҳожат йўқ. Пешин намозига таъқибан марҳумни чиқарамиз. Ўша жоъмега борсалар ҳам бўлади.

– Маслаҳатингизни олажак бир иш бор эди, устоз. Не замон ҳузурингизга келсам? – сўради Аббос Хўжа ўзидан узоқлашишга чоғланаётган соҳиб девондан.

– Шом намозидан сўнг кел, – жавоб қилди Аббос Хўжанинг ҳадяларига мазахўрак бўлиб қолган Бобо Тармиш марҳума ётган ҳужра томон юраркан, кўзи ўйнаб:

– Турумга қараганда жанозага ҳам фақат хонимларни саралаб қўядилар, шекилли. Менинг боришимни ҳам елкаси тиришиб қаршилади мумсик дўстимиз. Одамлар сиёвсигандан сўнг, аср намозига яқин ёки сўнгра бориб, фотиҳа ўқиймиз. Унгача кетмоққа ҳозирлик кўрайлик.

Нурали ҚОБУЛ

Сиз ҳам ишларингизни битиринг. Мен-да Сарикуйғур билан кўришиб, тегишли таълимотларни бермоғим лозим.

Улар Кўксарой давозаси олдида айрилдилар.

Шаҳар кўчалари сипоҳийлар билан тўла, миршаблар эркагу аёлни сўроғу саволга тутиб Кўксаройу Бўстонсарой, Амир Темур ва Сароймулкхоним масжидларидан узоқлаштирар, бозорга бораман дея тутун қайтарганларни туртиб-суртиб судрашарди.

Булар бир бечора аёлнинг ўлиmidан ҳам сиёсат ясаб, халқни кўрқитиб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар. Гўёки, шу билан иқтидору ҳокимиятларини мустаҳкамламоқчи бўладилар. Ҳокимият, мулки давлат қону жон билан эмас, адолату ишонч билан мустаҳкамланади, ўзича фикр қилиб мадраса томон борарди Эртўғрул.

Бобоҳасанни мадрасадан олган Эртўғрул Аббос Хўжанинг хужрасига етиб келганда у Сарикуйғур билан суҳбатлашиб ўтирарди.

– Биз Сарикуйғур қардошим билан бир масалани муҳокама этаётгандик. Мен сафарга ижозат олсам-да, хаёлларига бошқа фикр келмаслиги учун хужрани топширмасам. Сарикуйғур дўсти душман кўзи келиб, хабар олиб, тозалаб туради. Хотинидан қочиб келиб яшаши ҳам мумкин. Шунга сиз не дейсиз? – мингбошига қаради Аббос Хўжа.

– Маъқулдир. Бу ердаги вазият мендан кўра ўзларига аёнду, – жавоб қилди Эртўғрул.

Турумдан шу нарса аён бўлмоқдаки, подшоҳимиз ва атрофидагиларнинг уйкусида ҳаловат йўқ. Эртами кеч бошларига қай томондан бўлмасин бир хавф-хатар келишидан, еганлари ичларига тушмаётир. Ишлар янглиш кетаётганини атрофидаги амир Мубашшир ва мингбоши Қулмон Қиёт каби кишилар биладилар. Бироқ

ич-дардлари ичида. Юрак ютиб, бир фикрни айта олмайдилар. Ҳеч бири ноҳақликка учраган кишини ҳимоя этолмайдилар.

– Ёш ҳукмдоримиз юртда обрўли саналган, одамлар оғир кунларида арз дод этадиган ва этагига намоз ўқиш мумкин бўлган барча кишилар хатти-ҳаракати, гап-сўзини чеклаб, кўпларини эса эшак ўғрисига айлантириб бўлдилар. Кўплар эса Ҳирот йўлини тутди. Инсон қорнига эмас, қадрига йиғлайди. Инсон қадри ер ила баробар бўлган давлату жамият ҳам эрта бир куни кунпаякун бўлади, – Аббос Хўжа фикрини давом эттирди Эртўғрул Турон.

Бобоҳасанни Сарикуйғур билан Бўстонсаройда қолдирган Аббос Хўжа ҳамда Эртўғрул султон соҳибқироннинг бош маликаси дафн этилган саройнинг шундоқ биқинидаги масжид-мақбара томон юрдилар.

Мақбара атрофини ҳануз сипоҳий ва миршаблар ўраб туришар, одамларни бинога яқинлатишмас, жанозага келганлар майит қўйилган жойга яқин келиб фотиҳа ўқишарди.

Эрта куз бўлганлиги боис, кун тез қорайди. Шомнинг ғира-ширасида уй-уйларига қайтаётган кишилар ўзаро суҳбатлашиб келишарди. Икки дарвеш ортидан кетаётган Аббос Хўжа ва Эртўғрул улар суҳбатини тинглаб боришарди.

– Эски бош маликани янгиси жойини солган дейишадими?

– Ким билади. Бироқ унинг қўлидан ҳар нарса келади дейдилар.

– Мўғулистон подшосининг қизи Тўкалхонимни ҳам ўша тинчитган эмиш.

– Йўғ-е?

Нурали ҚОБУЛ

– Ҳа, шундай экан.

– Собиқ маликалар Шоҳруҳмирзога тезроқ келиб отангиз тахтини эгалланг дея мактуб битиб одам-жўнатган эканлар. Подшоҳ буни билиб қолибди.

– Подшоҳимизнинг бундай ишга журъат этиб, рухсат беришларига ишониш қийин. Бироқ ана у аждаҳонинг аммаси ҳеч балодан қайтмайди. Наҳотки султон ўзини тарбия этган онаси каби инсонга шу қисматни раво кўрса?

– Эридан рағбат бўлмаса малика бундай ишга қўл урмайди. Бунда подшоҳнинг қўли борга ўхшайди.

– Тожу тахт, мулки давлат бор жойда ота-болалигу, қон-қардошлик ҳам унутилади. Иқтидор деган алвасти ким бўлмасин, қаршисида турган борки жонзодни тириклайин ютади. Бу бевафо оламда неки бор нисбий, неки бор ўткинчи. Одамзод деган тирик тупроқ не қадар кучайиб, қудрат соҳибига айланса, шунчалик ёвузлашади.

– Жоҳил ҳукмдорлар ёвузлашадилар. Донолари эса ҳалимлашади, мутавозелашади.

– Тўғри.

Дарвешлар хонақолари жойлашган кўчага бурилдилар. Эртўғрул билан Аббос Хўжа ортга қайтишди.

– Бу ёруғ оламдаги ҳар бир инсон ўзини тенгсиз ва ягона деб билади. Бундан бир неча йил бурун ким ўйлаган эдики, жаҳонгир Амир Темур ҳам барча ўлим бандалари каби ўтадию, унинг бош маликаси ярим бандиликда хору зор бўлиб бу тахлит дунёсини тегиштиради деб. Мана сизга тақдирнинг аянчли ўйини, – деди улар Бўстонсарой томон руҳсиз одимлар экан Эртўғрул.

– Ишонасизми, дўстим, мен ҳали-ҳануз султон соҳибқирон ҳазратларининг ҳаётдан кўз юмганларига ишониб, кўника олмадим. Бундай афсонавий шахсият киши кўзига ўлмайдигандек кўринар экан.

– Тўғри, – шеригининг сўзини маъкуллади мингбоши.
– Бундай катта тарихий шахсларнинг баҳоси ва қадр-қийматини бугунги халқ билмаслиги мумкин. Боиси, бизда ўндан тўққиз, балки ундан-да кўпроқ киши жоҳилдир. Вақту замонлар ўтиши, ҳозиргига ўхшаган алғов-далғов кунларни кўраверишлари билан у кунларни қумсаб, қадрига етадилар. Кўриб турибсиз, улуғ хоқон тангри раҳматига қовушгандан бери мамлакатнинг ҳеч бир ҳудудида тинчлигу осойишталик йўқ. Бу ҳолат давом этса этадики, тўхтамайди. Мулки давлат иши шунақа, энди ёт яғийлардан қутулдим деганингизда ўз ичингиздан ўт чиқади. Амирзода бобо тахтига ўтиргандан бери бирор йилни юришу савашсиз кечиргани йўқ. Аҳвол бу тарзда давом этиши мумкин эмас. Бўрон олдидаги сокинликка ўхшаган буюк бир таҳликали кунлар олдида тургандекмиз, биродар, – фикрини ўртоқлашарди Эртўғрул Турон.

Улар Бўстонсаройга етиб келгандилар.

Шомга яқин ҳужрасидан чиққан Аббос Хўжа Кўксарой томон йўналди.

Бобо Тармиш хонасида ёлғиз ўтирар, очик эшикдан унинг ниманингдир ҳисоб-китобини қилаётгани кўриниб турарди.

– Ҳа, Аббос Хўжа! Кел, – деди у терлаган кал бошини белбоғи билан артаркан. – Ўтир. Нима гаплар?

– Бир маслаҳатингиз керак эди, устоз. Зомин, Ўратепа ва Хўжанддаги дўстларимдан одамлар келиб турибди. Салтанатимиз кўшинидан минглаб одамларнинг қочганлигини эшитибдилар. Ўша тарафдаги жалойирлардан бирорта минглик тузиб келсам деган фикрда эдим. Зиндону жазо ишларига амири харосимиз, Бешкалбекнинг ўзлари қараб турсалар ҳам бўлаверади. Шундай қилсам давлатпаноҳимизга кўпроқ фойдам тегармиди? – мулоҳазакор оҳангда сўради Аббос Хўжа.

Нурали ҚОБУЛ

– Битта минглик тузиб кела оласанми? – кутилмаган таклифдан ҳайрон бўлиб, Модарзотга қаради бош ва- зир.

– Керак бўлса иккита минглик тузаман. Олампа- ноҳими-зу сиз изн берсангиз бас.

– Яхши гап. Подшоҳимиз ҳам эшитсалар хурсанд бўладилар. Қанча вақт кетади бунга?

– Икки ой чамаси.

– Сенинг қўлингдан келади. Оғзингга олган ишни ўринлатмай қўймайсан. Қани энди ҳамма сенга ўхшаган бир сўзли бўлса. Барчаси улуғ хоқон хазинасининг таги кўрингунча султонимизга ҳамду сано ўқиб турди. Томиш тўхташи билан бирин-кетин даъф бўлаётир!

– Шуни ўйламоқдаман-да, устоз. Мен ҳеч кимдан бир чақа сўрамайман. Черикни тўплаб келганимдан сўнг маош боғланса бўлди. Бу ҳақда султонимизга ўзингиз айтарсиз. Хузурларига кирмоғимга ҳожат йўқдир.

– Ўзлари сўрамасалар кирмаганинг маъқул. Хўжа Ис- мат Бухорийнинг шогирди Замон Мухторий зоти олийла- рига бағишлаб қасида битган экан. Кириб подшоҳимизга ўқиб бераман дея туриб олди. Кирмагин, кечаги маи- шатдан сўнг бошлари оғриб, таъблари тирриқ бўлиб ту- рибди. Молия девонимиз амири Маллабек Мўғол каби бошингга довод билан тушириб қолмасинлар тагин де- дим. Сўзимга қулоқ солмади. Кириб кетди. Бир чоғи со- линдан гурсиллаган овоз келса бўладими! Подшоҳимиз баҳодир жангчи эмасмилар. Бир туширганларида су- лайиб, ҳушидан кетиб қолибди. Икки киши зўрға судраб чиқдик. Навкарлар уйига элтиб қўйдилар. Юзига сув се- пиб, зўрға ўзига келтирдик. Шундан буён ўзлари чорла- масалар ҳеч кимни киритмаётиман.

– Маъқул, устоз. Оллоҳ сиздан рози бўлсин. Мен эр- тага йўлга чиқмоқ ниятидаман. Одамим Сарикуйғур шу

ерда. Неки хизмат бўлса айтаверасиз. Қилган яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмайман, – деди Аббос Хўжа бош вазир билан хайрлашар экан. – Сарикуйғур эртага келиб сизга учрашади.

Бобо Тармиш уни сарой ҳовлисига қадар кузатиб чиқди. Модарзотнинг елкасидан тоғ ағдарилгандай эди. Эркин қуш каби боши оққан томонга учгиси келарди. Нега шу ҳақда илгарироқ ўйламадим. Йўлини қилиб, аллақачон бу фисқу фасоду фитнанинг уясидан кетишим керак экан, дея ўйлаганча Бўстонсаройдаги хужраси томон борарди.

– Қалай? Бўрими, тулки? – деди Эртўғрул ўй босиб келаётган шеригидан.

– Бўри, жўра. Устозга оладиганининг учини чиқарсанг бас. Ҳар нарсага рози бўлади. Берганингни эса кўндаланг ютади. Камроқ берсанг, талаб қилаверади. Шу баҳонада ундан ҳам қутуладиган бўлдим. Тангри ишимизни ўнглагани рост бўлсин. Энди йўлга ҳозирлик кўрайлик. Мен зиндонга тушиб келайин. Олажак ашёларим бор. Сизлар битта қайнатма шўрва қилиб туринглар, – деди Кўксарой ертўласи томон жўнаркан Аббос Хўжа. – Той қоқилмай йўл топмас, эр қоқилмай дўст топмас деганларидек умр сўнгида топган дўстим сизу амир Боботурк бўлдингиз. Биздан ҳамма чўчийди ва ўзини тартади. Сиз мени ҳеч бир шубҳаю гумонсиз ўзингизга яқин олдингиз. Ёшда катта бўлсам-да, бошда кичик бўлиб, садоқат-ла ёнингизда туражакман, дўстим, – йиғига ўхшаш овозда гапирарди Аббос Хўжа. – Аспида бизнинг махфияю ўғрилигимиз – тўғрилиқдан. Терадаги салтанат миқёсидаги ўғрилигу фарлиқлар олдида бизники ҳолва. Фақат отимиз ёмонга чиқиб қолган-да, мингбошибек. Бироқ оти чиқмаган йигитдан оти чиққан тера афзал. Бу дунёдаги энг нодон ва бефаросат одам

Нурали ҚОБУЛ

– яхшию ёмонни ҳамда дўсту душманни танимаган одамдир, дўстим, – зиндондан чиққанидаги каби руҳий ҳолатда эди Аббос Хўжа.

– Сиздан-да Оллоҳ рози бўлсин, дўстим. Майли, бориб келинг. Сиз ила суҳбатимиз тугамайдиغان кўринади. Насиб этса эрта, йўлда давом эттирамиз, – дея хужра соҳиби билан ҳовлигача чиқди Эртўғрул Турон.

Шаҳарга куз оқшоми чўккан. Кўчалардаги ғала-ғовур тинган. Масжид минораларидан хуфтон азони эшитиларди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Турк тилини ўрганинг! Чунки уларнинг ҳокимияти узоқ яшайди.

КОШҒАРИЙ

Ойқор томон отини йўрттириб уч киши борарди. Аббос Хўжа салтанат сайисхонасидан учта қорабайир йилқи олди. Бош вазир амр берган экан, хазина муҳосиби йўл масрафларини ўтади.

– Ҳаётимда илк бор давлатмулкидан фойдаланмоқдамен, Эртўғрулбек, – деди улар отларга миниб шаҳардан чиқишар экан Аббос Хўжа. – Биз мудом экмагимизни бирор-бир қону жон, имону нон билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этмоқдан топиб келганмиз.

– Буни ота-боболаримиз экмагини тошдан чиқарди дейдилар шекилли, – жавоб қилди мингбоши.

– Янглишмасам, бу атамани оғир ва машаққатли меҳнат-ла парча экмак толганларга айтишади. Бизникини қилич тиғи устида юриб, нон емоқ деса бўлар-ов. Давлату ҳокимият хизматида юриб осон ризқ толганларнинг нечун сарой деган оҳанрабога ўзларини парвона

каби уришларини энди англаб етдим. Сарой ҳам бозорга ўхшаш бир жой экан. Айланишсанг, яланишаркансан, – ҳангома бериб борарди Аббос Хўжа.

– Шундай, – йўлдошининг фикрига қўшилди мингбоши. – Тож кийган бош ақлланур деганларидек, саройу иқтидор одамни тарбиялаб, маълум бир изга солади. Чориғини судраб юрган кишининг ҳам бу ерда юришу туриши ўзгариб, ўзини давлат одами ҳис эта бошлайди. Гўёки салтанатни ўзи бошқараётгандек қуйидагилар ва омиларга ақл ўргатмоққа киришади.

– Бунинг энг яхши тимсоли бизнинг устоз, – Бобо Тармишга ишора қилди Аббос Хўжа. – У аслида фаҳми фаросат билан оёғига пайтава ўрашни билмайди. Бироқ мамлакатдаги борки амиру маъмур унинг оғзига қарашга мажбур.

– Тўғри, дўстим. Ҳаёт ўзи шунақа. Ҳеч қачон, ҳеч бир иш кишининг кўнглидагидек амалга ошмайди. Тўғри кетаётган қарвонни ортга бурсанг, маймоқ туя олдинга ўтиб кетади. Нотўғри кетаётган қарвонни ортга бурсанг, унда эшакка эргашиб юришига тўғри келади, Аббос Хўжабек, – деди кузнинг эрта қори тушган тоғларга боққанча Эртўғрул Турон.

Бобоҳасан эса уларга етиб юрмоқ учун отини тақими билан ниқтаганча жilовини силкитарди. Мадрасанинг илк тўрт синфини битирган ёш талаба устозлари маслаҳати билан Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратларига шогирд тушмоқ ва сабоқ олмоқ учун Боғмозор барлосга келаётган эди.

– Ойқор йўлида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғаройиб гапларни айтиб бераман деган эдингиз. Фурсати келди. Жон-қулоғимиз ила тинглағаймиз, – деди Эртўғрул, улар Мулунғур наҳридан ўтиб, Пастки барлостурк қасабаси йўлига тушар экан.

Нурали ҚОБУЛ

– Эсимда, дўстим. Эй сен, амир Боботуркнинг ўғли! Отингни қамчилаб олдинга тушгин-чи! Бу гапларни сен эшитмоғинг шарт эмас, – деди Аббос Хўжа Бобоҳасаннинг отига қамчи ураркан. – Қардошинг Бобоҳусайнни нега олмадинг? Отасини соғинмадими? Авлиё ҳазратлари ҳузурларига боришингдан сенинг ким бўлишинг маълум. Уканг ким бўлмоқчи?

– У амирзода Улуғбек Кўрагон ҳазрати олийларининг амири бўлмоқчи. Зўр амир бўлмоқлик учун вазир Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” деган асарини Кўксарой кутубхонасидан олиб, кечаю кундуз ўқиб, ёдламоқда.

– Аъло! Бизга амир Боботурк каби беклар керак! Демак, келажагимиз таъминланган! Энди отингни қамчилаб олдинроқ юр! Бизнинг қўнишажак гапларимиз бор!

Бобоҳасан отини йўрттириб, сўнгра чоптирганча илгарилаб кетди.

– Ҳаётимда ҳеч кимга сўзламаган воқеа ва ҳодисаларни, сиз дўстимга айтаман. Улуғ хоқон ҳазратларининг кўзи тирикликлариде бу ҳақда оғиз очиб бўлмас эди. Вақт ва замон лойқа сувларни тиндириб, тиниқ дарёларни лойқалатаверар экан. Мен у пайтда Ишқободнинг кун юриш томонидаги тоғларда яшар эдим. Рухсат бермасам олдимга ҳеч ким бора олмас, бир фарсаҳ¹ масофада йигирма чоғли киши мени кўриқларди. Олдимга дастлаб Қора Юсуф Туркманнинг одами келди. Уни диққат билан тингладим. Оғзинга сиққанини олу бизнинг хўжайиннинг душманини тинчитиб бер, деди султон соҳибқирон ҳазратларини назарда тутиб. Гап-сўзларига муносабат билдирмай, совуққонлик билан тингладим. Бизнинг ишимизда ҳар қандай таклифу юмушни амалга ошириш мумкин бўлса-бўлмаса ҳамон йўқ дейилмайди. Арқон узун ташланади. Ўйлаб кўрамиз дея ортга қайтардим.

¹Бир фарсаҳ – 28-30 километр атрофидаги масофа.

Ярим йилча муддат ўтиб, султон Аҳмад Жалойирнинг одами келди. Унинг ҳам дарди шу. Буниям мужмал жавоб билан йўлчи этдим.

– Улар ростдан ҳам шу иш сизнинг қўлингиздан келадди, дея олдингизга келишганми? – ҳайрон бўлиб сўради Эртўғрул.

– Бўлмаса келишармиди? Улардан кейин бўркни ёнимга олиб қўйиб ўйладим. Не қилмоғим керак? Икки дунёда ҳам бу ишга қўл урмайман. Улуғ хоқонга бирор-бир ёмонлик қилиш нари турсин, у олий зотни кимса олдимда ёмонлай олмас эди. Бу гапларни тинглаб туриб, индамай кетсам ҳам амир соҳибқирон ҳазратларига нисбатан хиёнат бўларди. Ниҳоят бир фикрга келиб, бу ҳақда у кишининг соҳиб хабарлари Алп Туркашбекнинг ёнига киши юбордим. Одамим Алп Туркаш ўзи билан сидқидил, очиқ кўнгил-ла гаплашганини ва менга салом сўйлаганини айтиб келди.

– Алп Туркашбек сўзингизни амир соҳибқирон ҳазратларига айтганмикан? – бу гапдан ҳайратга тушган эди мингбоши.

– Бу ёғи менга қоронғу, дўстим. Туркашбек қардошимиздан бу ҳақда сўрагайман деб юрсам валиаҳди жувонмарг Пирмуҳаммад мирзо билан бирга шаҳид кетибдилар. Оллоҳ ғариқу раҳмат, шоҳистайи жаннат қилган бўлсин!

– Ўсмагга боргач, устоз билан маслаҳатлашиб, хокларини Балхдан Қўрғонтепага олиб келишимиз лозим. Ҳойнаҳой, амир жаноблари бу ишни менга топширсалар керак. Улуғ инсон эди устоз Туркашбек. Тангри раҳмат айласин! – юзини сийпаб дуо этди Эртўғрул. – Сўзингизни бўлдим. Узр тилайман. Давом этинг.

– Хуллас, Сарахс карвонсаройи соҳиби Такатуркманнинг чақуви, амир Боботуркнинг кўрсатмаси билан қўлга

Нурали ҚОБУЛ

олиндим. Улуғ амир ҳазратлари мени Чечакту қалъасида сўроқ қилдилар. Зоти олийлари бемалол бошимни кундага етказишга ҳукм эта билардилар. Гуноҳларим ҳам бунга етарли эди. Бироқ шафқат қилдилар. Шу боис, юқоридаги воқеа ҳақида гап очмадим. Ўлимга ҳукм этганларида айтардим. Орада ўзлари бу бевафо дунёни тарк этдилар. Сир сирлигича қолди.

– Алп Туркашбек билан амирзода Боботурк жаноблари жону қон дўст эдилар. Балким, ул кишимга айтгандирлар. Бир сўраб кўрсак бўлар экан, – қизиқиб қолганди мингбоши.

– Тўғри айтасиз. Амир жаноблари билсалар керак, – маъқуллади Аббос Хўжа.

Улар Туятортар, Юмалоқбош, Ўларман ва Жарбулоқ кўйларидан ўтиб, шом номозини Новқа масжидида ўқидилар. Новқабулоқ бошида бир оз тамадди қилиб, истироҳат этган бўлдилар.

Хуфтон номозига таъқибан Боғмазор барлосга етишди.

Бироз ўзига келиб қолган Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари шогирди Қаршибой кўмагида таҳорат қилиб, шом ибодатига ҳозирлик кўрарди. Қўноқларга кўзи тушган амир Боботурк улар истиқболига ошиқди.

Бобоҳасан югурганча отасининг бўйнига осилди. Амирнинг кўзлари ёшовлади. Сўнгра меҳмонлар билан қучоқлашиб кўришди. Аббос Хўжага тикилганча бир зум туриб қолди.

– Ҳаётимда илк бор ёмонлик қилган кишига яхшиликни раво кўрган инсонни кўрдим! – деди миннатдор оҳангда. – Зўрнинг кети тегирмон тошини юритади, деганлар юзда юз тўғри экан, – дея мусофирларни салом бермоқ учун масжид эшиги олдида намоз вақтини кутиб ўтирган Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари ҳузурига бошлади.

Сўнгра жамоат ибодат учун Жомега кирган ва ҳазрат Халилulloҳ ортига сафга тизилдилар.

– Хуш келдингиз, сафо келдингиз, азиз мусофирларимиз, – деди Мир Саид Халилulloҳ улар намоз ниятини қилиб бўлишгач.

– Бошкентдан не муждалар келтирдингиз?

Подшоҳимиз зоти олийларининг аҳволи руҳиялари яхшими? Раияту лашкарда не гап? – дея Аббос Хўжага қаради.

– Тангрига шукурлар бўлсин, ҳазратим. Шавкатли султонимиз хоқони ғозий боболари тахтларида ўтириб, юрту улусни сўрамоқдалар. Аҳли Самарқанд ҳам кунлик ташвиши ила машғул бўлиб, умргузаронлик қилмоқдадир, – кутилмаганда шайх ҳазратларини ўзига мурожаат этганидан ноқулай ҳолга тушган эди Аббос Хўжа.

– Бирор ҳафта бурун қардошимиз, шайхулислом мавлоно Мир Абдулаввал ҳазратлари келган эдилар. Шаҳардаги мавжуд турум ва подшоҳларидан бир оз нолигандай бўлдилар. Ҳақиқий олижаноб, бағрикенг, барчага баробар очиқ кўнгилли ҳукмдор, тангрининг ердаги соясидир. Оллоҳ ягона, улуғу қудратлидир. Тожу тахт, мулки давлат, иқтидору истиқбол, салтанат сурмоқ ҳаваси ягона эгасининг куч-қудратини намоён этувчи рамзлар эканлигини унутган подшоҳу райят қоқилади. Шоҳу султонлик ҳумой қушининг сояси бўлиб, у хос кишиларга насиб этади. Тангри бундай инсонларни ўз раҳми хоҳиши ила танлайди. Асл ҳукмдорлик бахти, лаззати ва шаън-шавкати шарафини туймоқ ана шундай танланган одамлар чекигагина тушади. Сонсаноксиз лашкару чек-чегарасиз мулку давлат билан бу олий рутбага эришмоқ мумкин эрмас, Мабодо мен янглиш

Нурали ҚОБУЛ

кўнишсам, тузатасиз бек жаноблари, – дея амир Боботуркга қаради шайх.

– Астағфируллоҳ! Шайх ҳазратларининг сўзларини тузатажак мақомга эга эмасмиз, устоз. Бироқ султони ғозий зоти олийлари ўттиз олти йил мобайнида тўплаган хазинани, олтину кумушларни, дон-дунни ўлчамоқ учун мўлжалланган идишларда тарқатилганини эшитиб, ёқа ушладик. Давлатсиз мулк бўлиши мумкин. Бироқ мулк-сиз, хазинасиз давлат бўлмас. Бу олтину кумуш, гумошу мўйналарни олган ироқлигу мазондаронлик кўшинлар аллақачон жуфтакни ростлаганлар. Улар ҳатто ўттиз йилдан ортиқ Турон давлатига оид бўлиб келган Хоразмни эгаллаб, отадушман Пир подшоҳни ҳукмдор эълон этибдилар. Кечмиш замонларда бу каби воқеалар раиятнинг тушига-да кирмасди. Начора ҳар бир улусу юрт, унинг подшоҳу ватандоши феъл-атворига яраша яратган эгасидан мукофоту жазосини олар экан.

– Кўп маъкул сўйладингиз, мухтарам амир жаноблари. Мамлакат тахтида ким ўтирмасин, адли адолат, раҳм шафқату тўғрилиқ билан иш юритмоғи, ҳатто ўзига қарши, нохайрихоҳ ёхуд бетараф одамга ҳам марҳамату мурувват ила боқмоғи, уни жамоадан айириб, дишламаслиги керак. Боиси, у яхшию ёмон, очу тўқ, бою камбағал, девоною дарвеш, бир ибора ила айтганда шоҳу гадойнинг ҳукмдоридур. У шу эътиқод ила иш тутиб, ҳаракат этмас экан, инқирозга юз тутиши муқаррардир. Амирзодамиз эришган олий мақом ҳар кимга-да насиб этмас. Султони ғозий раҳматли замоналарида етти иқлим, ер юзида Самарқанд каби маъмур ва обод шаҳар бўлмаган. Амир соҳибқирон авлодлари бундан сўнг улуг боболари каби буюк иншоотлар барпо эта олмасалар-да ул зоти олий бино этган обидаларни сақлай билмоқларининг ўзи буюк хизмат ва чексиз ва-

тану миллатпарварликдир. Ўтган куни Кешдан бир шогирдимиз келди. Жаҳон обидаси Оқсарой улуғ амир вафотларидан сўнг ўз ҳолига ташлаб қўйилган, маошлари ўталмагани учун бекчилар ҳам йўқ эмиш. Ваҳоланки, бу тенгсиз иншоотни тиклашга Амир Темура ҳазратлари бутун умрларини тиккан эдилар. Бобо меросига бундай муносабат, унинг азиз хотирасига бўлган янглиш давранишдир. Киши кимники хор этса, боқий замон ўтиб, шу инсонлар меҳру мурувватига зор бўлади. Ниманики қадрига етмаса, бир кун келиб шунга муҳтожлик сезади. Сиз азиз қардошим салтанат аркида амири харос ноибни ўлароқ хизматда экансиз. Бизнинг қулоғимизга чалинаётган шу гаплар ростми? Ҳақиқатан ҳам мулки давлат бошқарувида маликанинг сўзлари сўзми? – яна Аббос Хўжага юзланди шайх.

Аббос Хўжа “не десам экан” дегандек амир Боботуркага қаради.

– Усиз ҳам шайх ҳазратларининг содир бўлаётган барча гап-сўзлардан хабарлари бор. Сиздан гувоҳ ўлароқ аниғини сўраб билмоқчилар, – деди амир Аббос Хўжага бемалол қўнишаверинг деган маънода.

– Менинг фикри ожизимча, амирзодамиз не қадар улуғ боболари тахтларига ўтирмоқни орзу этмасинлар, атрофларидаги султони ғозий қаршиларида тиз чўкиб қасам ичган ва эртаси куни қасамини бузган беклар қутқусига учмасликлари, оталари каби инсон, Шоҳруҳмиро ҳазратлари ила бамаслаҳат иш тутмоқлари лозим эрди. Бу иш учун азиз амирзодамиз бир оз шошилдилар. Пухта ўйланмай қилинган ҳар қандай ишнинг охири бахайр бўлмаслиги маълумдир. Катта маошу уллуфа билан ушлаб турилган лашкар томаётган томчи озайиши билан ўзгаради ва ўзга, дадилроқ томчини излай бошлайди. Бизнинг Бошкентда ҳам шундай вазият ҳукмрон. Фақир-

Нурали ҚОБУЛ

фуқаро кўрққанидан, еб турган бир парча элмагидан мосуво, сўғишу саваш оқибатда сарсону саргардон бўлмаслик учун ҳам подшоҳи ҳақиға дуо қилиб, алқаб ўтирибди. Баттарнинг баттари бор деганларидек, бунданда оғир кунларга қолмаслик учун тишини тишига қўйиб, сабр оғочини кўкартирмоқда, – дея янглиш кўнишмадимми дегандек яна амир Боботуркга қараб қўйди Аббос Хўжа.

– Воқеалар бу тарзда ривожланар экан, буюк хоқон авлодлари Туркистонда иқтидорни қайб этишлари мумкин, устоз. Султон соҳибқирон ҳазратлари Ўтрорда Оллоҳ раҳматиға қовушар экан, энг катта қўшин амир Худойдод Хусайнийнинг қўлида эди. Амирзодамиз Халил Султоннинг эски отабеги эканлигидан истифода этиб, арқдаги хазинани талон-тарож этмоқ эвазига ўрдунинг асосий қисмини қўлидан сақлаб қолди. У бежизға бу ишни қилмади. Амирнинг нияти Халил Султонни Кўктошға ўтқазсам, отабеги бўлганлигим учун, албатта амир ул-умаро этиб тайинлайди ва мен мамлакатнинг Амир Темуриға айланаман дея фикр қилган. Амирнинг тушлари сувға оқиб кетди. Эшитишимизча, у ўғли Абдумалик билан биргалиқда Халил Султонни тахтдан ағдариш дардига тушган. Амир Худойдод шогирдининг моддиятан синганлигини билиб турибди. Қолаверса, айни кунда Турон мулкида устоз улуғ хоқоннинг уч улуғ амири борким, учови ҳам салтанат бошқарувида сўз соҳиби бўлмоқлик ниятида. Булар амирлар Шайх Нуриддин, Шоҳмалик ва Оллоҳдод Хусайнийлардир. Учовлари ҳам йигирма беш ёшли Халил Султон ва ўттиз ёшли Шоҳруҳмирзоларнинг ота ва боболаридан қолган тожу тахтни рисоладагидек бошқариб кетишларига ишониб-ишонмайдилар. Бутун ғалваю машмаша, исёну ғалаён ана шундан. Ахир, Амир Темурнинг дўсти

бўлмоқлик, султон соҳибқирон бўла билмоқлик эмас-ку? Улар буни англаб етмай, ўзларини салтанат пойгасига урмоқдалар. Кўпқарида уч киши эмас, бир киши улоқни маррага элтади. Улар тўғри вақтда, тўғри маконда ва тўғри одамнинг ёнида турмас эканлар, қузгунлар тожлар бошларга эмас, лошларга кўнажак, – одатдагидек сўзлари тош босарди собиқ бекнинг.

– Фикри ожизимча, Самарқандга олам олиму донишмандлари, асл ҳунарманд устозлар тўпланган эдилар. Эшитишимизча, уларнинг барчаси жондор оралаган сурувдек пароканда бўлиб, Қашқару Ҳинд, Эрону Рум, Дамашқу Миср томон бош олиб кетмоқда эканлар. Шу гап тўғрими? – даврага савол назари билан мурожаат этди шайх.

Меҳмонлар бу қалтис саволга жавоб бермоқликка тараддудланиб, амир Боботуркга қарашди.

– Ижозатлари ила бу сўровларини ҳам мен жавоблантирсам, устоз, – дея мусофирларни ноқулай вазиятдан қутқарди бек. – Илму урфон, меъморчилигу бунёдкорлик ишлари катта масраф талаб этади. Ҳиндистондан Хоразмий ва Беруний устозларнинг китобларини топиб келтирмоқ учун олийнажот амирзодамиз Улуғбек Ашраф Аҳмадий бошлиқ бир гуруҳ ёш олимларни юбориб, бутун харажатларини ўз зиммаларига олгандилар. Ваҳоланки, мирзомиз ҳали ёш, зангинликлари ўзларига яраша. Демоқчиманки, илм-фан ила шуғулланмоқ, адабиёт, санъат, маданияту маърифатни ўстириб ривожлантирмоқ ақлий ва маънавий фидокорлик талаб этади, устод. Нимагадир эришмоқ учун, нимадандир воз кечмоққа тўғри келади. Бошкентда султони ғозий ҳазрати олийлари амрлари ила ташкил этилган бир неча хазина бор эди ва буни ғоят тор доирадаги амиру вазирлар билардилар. Бу хазиналарнинг биридаги маблағ дорилфунуну дорушши-

фо ва дорул китоб каби муассасалар учун эрса, бошқа бири лашкар, учинчиси зироат учун сарфланарди. Бу хазиналар олтину кумуш, адрасу шоҳи, банорасу парча каби турли туман гумошларга тўла эди. Бу бойликни бутун бошли котиблар ўрдуси ҳисоб-китоб қилиб, адади-га ета олмасди. Хазиналарни неча ўн, балки юз йиллар давомида Эрону Турон подшоҳлари Урусиядан Румга, Ҳинддин Шомга, Хоразмдин Дашти Қипчоққа, Қалмиғу Черкас, Болғордан Фаранггача бўлган мамлакатлардан тўплаган эдилар. Бу бойликларни Турон давлати тасарруфига кирган ўлкалардан йиғилган хирож билан қўшиб ҳисоблаганда дунёнинг сарватига айланади. Мана шу, оламнинг ҳеч бир ҳукмдори кўрмаган хазина, йигирма бир ёшли амирзодамиз қўлларига тушди ва кўз очиб-юмгуничалик қисқа муддатда очкўз ва хоин лашкарга тарқатилиб, елга совурилди. Хазинанинг туби кўришиб қолганлигини кўрган барча отаю она душманлар ўз-ўзидан ғимирлаб қолдилар. Эндиликда аввало, Оллоҳ билуру, Самарқандда ўтирган жигарларимиз учун на олдинга кетмоққа ва на орқага дўнмоққа йўл йўққа ўхшайди.

– Турум оғир кўринадир. Амирзодамиз аввал бошдан амакилари Шохруҳмирзо ила кенгашиб, ул муҳтарам зотнинг дуою маслаҳатлари ила иш юритмоқлари керак эди. Энди ғишт қолипдан кўчганга, бўёқларнинг ранги ўчганга ўхшайдир. Шоху гадой, ким бўлмасин, ҳар бир хайрли, хайрсиз ишдан яхшилик изламоғи, ишни сулҳу амният томон бурмоғи лозим. Ёмонни ёмон десанг ёв, яхшини яхши десанг ёғ дейдилар. Бир давлату мамлакат тепасида турган икки қон-қардош, жон-жигарки англаша билмас экан, эл-улусу, қавму қабилалар боши қўшилиб бирлаша олмайдилар.

– Тўғри сўйлайдурсиз, муҳтарам амир жаноблари.

Маблагини идора эта олмайдиган, оиласини, мол-мулкени идора эта билмас киши эса мамлакатни йўната олмайди. Чўпон таёғию туёғини, деҳқон қўл-оёғи кетмонини сотмайди, дейдилар. Мулки давлатсиз, хазиначисиз мамлакату салтанат бўлмайди. Мулк кимнинг элида экан, тож-тахт ҳам шунга тегишлидир. Қолаверса, давлату миллат, уммату раиятни бошқара билмоқ буюк бир салоҳияту санъатдир. Тангри бу иқтидору қобилиятни ҳар кимга ҳам раво кўравермайди. Чин машойихининг фикрига кўра, оламни теран идрок эта билажак кишилар инсониятнинг юздан учини ташкил этармиш. Бу гапга сиз қандай қарайсиз? – амирга боқди шайх.

– Чин ва юнон кáби олам фалсафасининг тамал тошини қўйган улус ва мамлакатларда ҳар юз кишидан учтаси шундай шахслар бўлиши мумкин. Бироқ мантиғу фалсафа ҳақида тасаввурга эга бўлмаган сахройи қавму қабилаларда турум ўзгачадир, устод, – фикрини билдирди амир Боботурк.

– Ижозатлари ила бир нарсани сўйламоқни жоиз деб билдим, ҳазрат, – дея шайхга таъзим этди Эртўғрул Турон. – Мен бир муддат Бошкентда бўлиб, зиндондан тортиб, сўқоққача бўлган шаҳар ҳаётини яшадим. Беку дарвеш, мударрису талаба билан суҳбатлашдим. Кишини ҳайратга соладиган бир ҳолатга дуч келдимки, буни ҳали-ҳануз англаб эта олмайман. Шаҳардаги номдор ва машхур, халқ эътимод этган улуғ шахслар борки, таъқибга олинган. Улар шундай бир ҳолатга солинганки, тўрт нафар одам тўпланган жойда кўринмасликлари, бирор-бир фикр айтмасликлари, умуман борликларини сездирмасликлари керак. Мабодо шундай ҳолат юз бергудек бўлса, ҳукмдоримиз ва маликаимизнинг ғазаблари қўзир экан. Бу ақлли ва доно қаердан пайдо бўлди? Нима, у айтган гапларни биз билмас эканмизми? Жуда

Нурали ҚОБУЛ

оқилу доно бўлиб қолибдими ўша дея сўкиниб, тўс-тў-полон кўтарйшār экан. Машҳур кишиларни зиндонга ташлаш ноқулай бўлганлиги учун бола-чақасини оч-наҳор қолдириб, ўзи ва қавм-қариндошини сиқуву таъқибга олишаркан. Хукмдорнинг қаҳри кўзиб сўкингани шотирлари учун ишорат экан. Шу ондан бошлаб, тазйиқу қатағон ўрдуси ишга тушиб кетаркан. Эчкиси эгиз туққанию, яйловдаги байталини қулуни билан бирга ўғри урмагани учун ҳам подшоҳни алқаш ва ҳақиға дуо этмоқ керак экан.

– Аксар ҳукмдорлар шундай бўладилар. Ҳатто халифаларимиз орасида ҳам бундайлар учраган, – гап қўшди мингбошини диққат билан тинглаётган шайх. – Фикрингизда давом этинг. Сўзингизни бўлганим учун узр тилайман.

– Астағфируллоҳ, устод. Не демак, – дея шайхга эҳтиромини билдириб сўзида давом этди Эртўғрул. – Хотин сўзи сўздек бўлса, эркак юзи бўздек бўлар деганларидек, мен олийнасаб подшоҳимизни юзда-юз айбдор санамоқ фикридан йироқмен. Фикри ожизимча, бутун қабоҳат тасодифан, кўз очиб-юмгунча зубайдаи сонийга айланган маликамиздадир. Подшоҳимизнинг хатолари маликамиз асирига айланиб қолишидадир. Маликамизни қуйи табақадан чиққан, ҳеч нарсани билмайдиган бир киши ўлароқ кўрсатмоқ ҳам янглишдир. Бу хоним ҳамма нарсани билади ва неки ишга қўл урса, билиб туриб қилади. Боиси, Оллоҳ раҳмат этган собиқ амир ул-умаромиз амир Сайфиддиннинг канизаги ўлароқ бутун сарой ўйинларидан хабардор, қай бинога тошу қай бирига ғишт қўйишни яхши билади. Унинг хатоси шундан иборатким, мулки давлат, девону хазина ишини беш-ўнта дордан қочган номуносибу нолойиққа топшириб қўйди. Оқибат шунга олиб келдики, малика подшоҳ

тили билан, подшоҳ эса хоними тили ила қўнишадиган бўлдилар. Бу фаолият асносида давлату мамлакат сиёсати шу аҳволга тушдики, катта-кичик барча амри фармонлар ҳеч бир ерда ўқимаган, тузук-қуруқ таълим-тарбия олмаган сарой базми жамшидларидан бошқа ҳеч бир нарсани кўрмаган аёлнинг қош-қовоғи, ожизона фикру закосига боғлиқ бўлиб қолган. Подшоҳ аталмиш олий зотнинг муроду мақсади бир сочи узуннинг адли ихтиёрига бўйсундими, тамом! Бу юртда мулку давлат иши изидан чиқади. Буни барча олиму муддарислар бир оғиздан ақлсизлигу девоналикдир дея баҳолаб, бундай султонлар ким бўлмасин, омадсизлик ботқоғига ботиб бораверадилар дея баҳоламоқдалар. Ўзингиз сўйланг, муҳтарам шайх ҳазратлари. Бир амир тамғасининг хизматкори бўлиб, бўз ва каноп кийимлик сотиб келган дўкончини шундай улуғ ва катта мамлакатга соҳиби ихтиёр этиб тайинламоқ мумкинми? – дея шайхга қаради мингбоши.

– Янглиш! Янглиш! – деди шайх ҳайрат-ла уни тинлар экан. – Аравани от тортар, қўланкасида ит ётар қабилда давлат ишини юритиб бўлмас. Улус бошида эл ҳурматига сазовор, шу мансабу мартабага ўтирмақ каби маънавий ҳуқуққа эга шахсиятлар турмоғи керак. Акс ҳолда даври даврон тўзиб, эшаклар отлардан ўзиб кетаверади, авлодим, – деди шайх бошини маъноли солларкан. – Ўша соҳиби девон ҳақида сўйлангим, у ҳақда қулоғимизга да турли гап сўзлар етиб келдиким, ишониб ишонмай турибмиз.

– Бош устига, муҳтарам шайх ҳазратлари. Қайд этганингиз каби айни дамдаги амир ул-умаромизни мана бу биродаримиз Аббос Хўжабек яхши танийдилар. Менинг сўзларимда қусур ва хатолар бўлса тўғрилайдилар. Маликамизнинг бир одатлари бор эканким, теварак-ат-

Нурали ҚОБУЛ

рофидаги, билхосса, сарой ва қасрлардаги барча хушсурат эркагу аёлни бадарға этдилар. Асирига айланган шаҳзодāмиздан узоқда тутмоқ учун хушрўй хоним зотини Кўксарою Бўстонсаройдан узоқлаштирганлигини англаш мумкиндир. Бироқ турқи таровати жойида бўлган амиру маъмурларнинг ҳам ҳайдалишини ҳеч ким тушунмаётир. Вазифага олинган одамларнинг афт-башарасига қараб ёқангизни ушлайсиз. Бобо Тармиш тасқараи олийлари эса ана шу бадбашараларнинг қиролидир. Бу таъвия-тароққоспарни маликанинг ўзи кўргазмада мол излаган каби қай бир гўрдан қидиртириб топар экан. Шилпиқ кўзли, сепкил юзли, қабоҳат суратли, тарбиясиз ва ёқимсиз ахлоқли соҳиб ихтиёрни кўрсангиз, наҳотки мулки давлатимиз шу басиратсиз кимсага қолган бўлса, дея изтироб чекасиз. Эндиликда маликанинг турли тарафдан тўпланган, қум йиғилиб тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас жамоасига қул киши пешводир. Ул кишимнинг сохта обрўларига нарвон етмайди. Девон муҳокамаларини ечмоқ ва салтанат масалалари ижросига аралашиб ҳал этмоқ ҳам унга топшириб қўйилган. Маҳдумасининг чек-чегарасиз куч-қудрати туфайли шавкатининг кескинлигидан амиру маъмур, ясовулу қоровул, ким бўлмасин ҳеч ким унинг сўзини икки қила олмайди. Тили қўлидан, қўли тилидан узундир. У ҳеч тап тортмасдан Арғуншоҳ ва Оллоҳдод каби улуғ амирлар хузурида оёғини узатиб ўтиради ҳамда бу ишни маҳдумасининг таълимоти ила қилади. Малика кимни таҳқирлаб, хўрламоқчи бўлса, унга амр беради. У эса ўша одамни истаганича камситиб, оёқ ости қилади. Бу ҳақорату маломатларга дуч келган кишилар унга она мақомида бўлган султони ғозий ҳазратларининг маликалари бўлдиларким, уларга нисбатан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шарафсизликларни раво кўради. Бизга

маълум бўлган ахборга қараганда, икки улуғ маликамиз заҳарланиб, маҳв этилган...

– Йўғ-е! – сапчиб тушди шайх. – Наҳотки?

– Биз эшитганимизни сўйладик. Биродаримиз Аббос Хўжа ҳам шу каби воқеалардан сўнг, Бошкентни тарк этишга қарор қилдилар.

– Кўп ёмон бўлибдур. Кўп ёмон. Бу каби ёвузликлар кимсага хайр келтирмас. Гуноҳи азимдур, – асабийлашганди шайх.

– Ҳатто Шохруҳмирзо ҳазратларининг ўғил ва қизларини гаров ўлароқ бандда ушлаб туриб, яқинда малика Хонзодабегимга қўшиб жўнатдилар. Бу қардошлик меҳр-муҳаббатидан эмас, эрта куннинг қўрқувидан, демоқда халқ, – сўзида давом этди мингбоши.

– Шохруҳмирзо ҳазратлари ҳадемай қиблагоҳлари зиёратларига келиб қоладилар. Барчангиз бунга ҳозир бўлингиз ва жабр-зулм этувчилардан узоқ турингиз. Золим ўнгида сукут сақламоқ ҳам аслида зулмга ризоликдир. Бироқ ким бўлмасин, ҳар бир банда учун Оллоҳ берган жон азиздир. У бу жонини асрагиси ва дуч келган шарафсизнинг қўлида ҳалок бўлмоқликни, қарғаларга кўзини чўқитмоқни истамайди. Инсонларни тушуниш, тушунишни истамоқ керак! – деди шайх ўйга толиб.

– Ижозатлари ила айна дамда бошкентда шоир Шоҳи Қаландарнинг кўп машҳур бир битигини ўқиб берсам, ҳазрат, – деди мингбоши таъзим-ла: – Жиддий суҳбатдан бир оз чалғирмидик?

– Ўқинг, ўқинг, авлодим!

Ҳақ танимай, инсоф деган,
Очиқ кўзли қодирларга.
Ер-ла баробар этдингиз,
Етмай туриб қадрларга.

Шукрлар ҳам увол ўлди,
Юрак тўлди сабрларга.
Гуноҳларни юкладингиз
Ношуд, нодон садрларга.

Оёқ учида боқдингиз,
Асил, азим кабирларга
Тузук жilовин тутдингиз,
Хом-хатала дабирларга.

Ўтар замон, кечар даврон
Аксин уриб асрларга.
Эй воҳ, ҳеч кунинг қолмасин
Руҳи абад асирларга.

Осмонларга етган бошлар,
Сигмаганлар қасрларга.
Сассиз, садосиз инарлар
Қора тупроқ қабрларга.

Шоҳи Қаландар, инонма,
Ҳамду сано, садрларга.
Тахтлар тафти ёмон ёқар,
Тоқат айла чодирларга.

ҮН ТҮРТИНЧИ БОБ

*Сендек одамга бош вазир бўл-
гандан кўра, шаҳид подшоҳим Ўрус-
хонниңг устига жасадимни кўяроқ
лаҳадга кирганим маъқулдир.*

**Идику Манғит¹нинг отаси, Дашти
Қипчоқ амир ул-умароси Балтичоқ
Манғитнинг Тўхтамишхонга айтган
гапи**

Бомдод намозини ўқиган подшоҳ эшик оғасига амир-
зодалар, вазир ва бекларнинг саропардага етиб келиш-
ларини буюрди-да, Қуръон тиловатига киришди.

Мулозим даъватлилар йиғилганини маълум қилганда
саропарданинг хос хонасидан тўплантилар солинга
чиқди.

Жой-жойларини олган шаҳзода ва вазирлар, беку му-
лозимлар тик турганча таъзим этиб султонни саломла-
дилар.

Хоқон тахтига ўтиргач, қўл ишорати билан йиғил-
ганларни ҳам ўтирмаққа ишорат этди.

— Ҳар неки ишда сўнг ҳукм, ҳукмдорлар ҳукмдори бўл-
миш Оллоҳ фазлининг атосидин ўзгача бўла олмасли-
гига барчамиз кўриб, имон келтириб турибмиз. Ворис-
лик мулкимиз бўлган Самарқанд салтанати тахти ҳеч
бир найза зарбию қилич сермашсиз бизга иноят этилган-
нининг шукрини адо этдик. Карами кенг эгам ҳақ таоло

¹Тарих манбаларида Идику Манғит, Идику Ўзбак, рус йилнома-
ларида Буранный Едигей номи билан тилга олинган шахс
қорақалпоқ халқининг миллий қаҳрамони Едигей Ботирдир. У
Амир Темурнинг садоқатли дўсти бўлган.

Нурали ҚОБУЛ

ҳар замони маконда ҳақ ва одилнинг ёнидадир. У мушқулимизни ўзимиз тасаввур этмаган қулай ва осон бир вазиятда ҳал этдики, бунинг учун тавба қилиб, шукрона келтирамиз. Аҳли Самарқанд бизни халоскор ўлароқ қабул этиб, йўлимизга ишончу умид ила кўз тикиб турибди. Не қадар асил ва нажиб, улуғ ва муборак бу миллат! Бу кўзи ва онги очиқ улусни тангри ҳеч қачон тўғри йўлдан адаштирмасин! Бугун йигирма еттинчи зулҳижжада (13 май, 1409) биз ота бошкентимизга кирамиз. Бутун лашкарга сўйлангим, йўлда юрар экан, бирор кишига қаттиқ-қуруқ гапирмоқ нари турсин, зироатчиларнинг бир қарич экин майдонини ҳам пайҳон этмасин! Кимсанинг бир сиқим буғдойига боқмасин! Шаҳарга икки хос минглик киради. Қолган чериклар Шероз ва Кони-гил лашкароҳига жойлашсинлар ҳамда изнсиз шаҳарга кирмасунлар! Вазифа англашилдими? – солинга мурожаат этди хоқон.

– Англашилди!

– Ҳозирмиз! – овозлар эшитилди.

– Амир Худойдод Хусайнидан не хабар? – бош вазирга қаради хоқон.

– Ҳеч қандай ҳаводису мужда йўқ, султоним. Амир Нусрат Абдулраззоқ айтганларидек, у яна бирор-бир фитнани режалаштираётган бўлиши мумкин. Қоровуллар унинг амирзода Халил Султонни банди ўлароқ ёнида олиб, Дизақ томон чекинганини ва тўрт тарафга одам юбориб, черигини кўпайтиришга уринаётгани хабарини келтирмоқдалар, – ҳисоб берди амир ул-умаро амир Жондор.

– Биз ҳали-ҳануз, муҳтарам Худойдодбекдан хайрли бир мужда, чин кўнгилдан иттифоқлик таклифини бекламоқдамиз. Азиз қиблагоҳимиз замонларида қандай иззату хурматда эрсалар, отақадрдони ва ота

дўсти ўлароқ бизнинг ҳузуримизда ҳам шу мақомда бўла-
жаклар. Сўзимиз сўз, ваъдамиз ваъдадир. Ҳаётимизда
берган сўзимиздан қайтиб, кимсага мунофиқлик этма-
дикким, бундан сўнгда қилмагаймиз. Улуғ амирларимиз-
дан бирлари ҳозир турсинларким, дарак бўлавермаса,
амир жаноблари ҳузурларига элчи ўлароқ боргайлар.

У ҳар бомдоддан сўнг, болалигининг излари қолган
қадрдон кўчалардан пиёда юриб қиблагоҳи ва буюк
бибисининг зиёратларига борар, одамлар билан
суҳбатлашарди.

Учинчи куни зиёратга борганида кекса ва жиккак
бир чол уни хонақоҳ ўнгида кутиб ўтирарди. Хоқонни
кўриб, кўз ёшларини тиелмади. Оқсоқол ва подшоҳ
кучоқлашиб, йиғлашдилар.

– Келганингиз хўп яхши бўлди-да, пошшо болам!
Қиблагоҳингиз улуғ хоқон ҳазратлари раҳматли ҳазрати
Хизр масжидидан чиқиб, йиғлаб кетаётганимда йўлда
учратиб кўнглимни сўраган, тила тилагингни деб, ўз от-
ларини ҳадя этган этиқдўзман. Хоқон ҳазратларининг
назарлари тушди-ю биримиз икки, маҳалламиз обод
бўлди. Қурилган хонақоҳ ҳам хоқонимиздан ёдгор-
лик бўлиб қолди. Мен сизни зиёрат-этиб, бир нарсани
сўрамоқчи бўлиб келувдим, пошшо ўғлим, – беғубор
кўзларини султонга тикди чол.

– Буюринг, ота. Сизнинг қиблагоҳ ҳазратлари билан
учрашувингиз ҳақида эшитганмен. Пайғамбаримиз
ҳазратлари Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларига
қадар буғдой нони ёмаган эканлар дея йиғлаб кетаётган
экансиз, – қарияни таниди хоқон.

– Ҳа, ҳа ўша чолман, пошшо ўғлим. Қаранг, дунё
шундай, дарёдан сув бағишлаган одамгаям вафо
қилмади-я? Яратган эгам жаннатининг равзаларидан
жой ато этган бўлсин, илоҳим! – дуо қилди оқсоқол

Нурали ҚОБУЛ

Шоҳруҳмирзонинг ўзини таниганидан хурсанд бўлиб. – Халойиқ бошкентга ўғилларини қўйиб, ўзлари яна Ҳиротга кетадилар демоқда, ўғлим. Шу гаплар тўғрими? – ташвишли нигоҳда подшоҳга тикилди чол.

– Буни ҳали ўйлаб кўрганимиз йўқ. Ҳали-бери Самарқанддан кетмоқ ниятида эмасмиз, – жавоб қилди хоқон кутилмаган саволдан ҳайрон бўлиб. – Ташвиш чекманг. Кетсак кетмасак-да бундан сўнг Самарқандда тинчлигу осойишталик ҳукм суради. Кимса халқни бевовта қилмайди, ота.

– Бу жўчи деганига ишониб бўлмайди, пошшо ўғлим. Йиқитишига ақли етган куни овчининг тозисидай югуриб келади. Мени айтди дерсиз, – қошлари чимирилди қариянинг.

– Гапингиз тўғри. Ҳар замон юртимиз бошига бало шул тарафдан келган. Бироқ ҳозир Дашти Қипчоқда раҳматли падари бузрукворимизнинг дўстлари Идику Манғит амир ул-умаро. Ул кишим бундай ишларга қўл урмайдилар. Сарой тахтида қай бир жўчинажот хон ўтирмасин, унинг измидан чиқмайди.

– Ахир, ўша Идику Манғит деганингиз Хоразмни босиб олибди-ку! – кўз косалари каттариб деди чол.

– Амир Идику Хоразмни босиб олмаган. У ердаги волиймиз амир Ҳасанко Самарқанддан борган исёнчи арабу форсларга қарши тура олмагани учун, мамлакат элдан кетмасин дея бизни ҳимоя этган. Элчилари Ҳиротга, бизнинг ҳузуримизга боришди. Истаганимиз замон шаҳарни бизга таслим этадилар, – қарияни тинчлантирмоқчи бўлди султон.

– Ҳа, шундай денг, пошшо ўғлим. Ким билади. Одамлар билиб-билмай гапираверар экан-да. Ўша айтганингиз, Идику Манғитни ҳам Тўхтамишхон каби ўрда тахтига отангиз ўтқазган. Одамлар уни Самарқанд тупроғини ялаб юрган кунларини ҳамон айтишади.

– Тўғри. Сўйлаганингиз ҳар икки подшоҳ ҳам салтанат сабоғини Самарқандда олганлар.

– Ота пойтахтини, бизларни ташлаб кетманг, пошшо ўғлим. Қанчалик ош-қатиқ бўлиб, қуда онти ичманг, бу жўчию мўғул деганига ишониб бўлмайди. Коса лаби каж келиб, оёғингиз тойган куни тўнини тескари кияди. Бола отани, ука акани сотиб кетаверади.

– Қон-қардошни сотмоқ балосидан биз ҳам халос эмасмиз, отахон, – деди хоқон оқсоқолнинг чап елкасига ўнг кафтини қўяркан ўйга толиб. – Дуо этинг. Иншооллоҳ; барчаси сизу халойиқ ўйлаган ва орзу этгани каби бўлажак. Мендан бирор-бир истагу тилагимиз борми?

– Йўқ, пошшо болам. Яратган эгам қиблағоҳингиздек бир улусу динпарвар пошшога дуч келтирган эди. Мана ул раҳматлининг султон ўғли билан ҳам кўришмоқ насиб этди. Кўнглим таскин топди. Падари бузрукворингиз аввал инсон, сўнгра хоқон эдилар. Сиз ҳам шундай экансиз, пошшо ўғлим. Кўп пошшолар тахтга чиқдиларми, инсонликни унутдилар. Кўп ўтмай инсонлар ҳам бундай пошшоларни унутадилар. Вақтингиз бўлса, меҳмонга келинг. Кампирим туркпатир қилиб беради. Самарқандда ундан бошқа ҳеч ким туркпатир қилолмайди.

– Унда англашдик, ота. Бормоққа ҳаракат этаман. Мободо бора олмасам, одамларим боришади ва албатта, момомизнинг патирларидан еймиз, – деди хоқон бобо билан қучоқлашиб хайрлашар экан.

– Сиз пошшомизнинг ҳам умрингиз узун, давлатингиз фузун, дўстларингиз зиёда, яғийларингиз пиёда бўлсин, ўғлим! – дуо қилди чол.

Кўксаройга ғамгин қайтаётган хоқон ёнида келаётган амир Ҳасан Жондорга бобо ила илгили таълимот берди.

– Хазиначимизга амр беринг. Бозордан ярим ботмон

Нурали ҚОБУЛ

буғдой уни олсинлар, ёнига қанд-қурс ва мева-чевалар кўшиб, отани зиёрат этсинлар! Олиб борган унларидан ўн-дона-патир-ёпиб, олиб-келсинлар!-Бобога-тўн, момога адрас олсинлар! Маҳаллаларда неки кам-кўст бўлса сўраб-суриштириб кўмак этсинлар! – Барча амиру вазирларимизга хабар еткуринг. Кўксарой солинида машварат ўтказамиз.

– Амри фармон хоқонимизнингдир! – дея бош эгди амир Жондор.

– Ота бошкентимиз Самарқандга кирмоқ насиб этганига тўртинчи кун кетмоқдаки, биродаримиз амир Худойдод Хусайнидан дом-дарак, хат-хабар йўқдир. Бу турумда не қилмоғимиз керак? Бўрон олдидан юз берадиган сукунатга ўхшаган бу жимлик хайр аломатга ўхшамайди. Чора-тадбирни кўрмасак, у юртнинг бошқа бир бурчагида исён кўтариши мумкин. Бунинг устига авлодимиз Халил Султон ҳам амирнинг қўлида. Алам ва ғазабдан мирзонинг жонига қасд ҳам қилиши ҳеч гап эмас. Сиз не дейсиз? – бек ва вазирларига қаради хоқон.

– Тўғри сўйладингиз, аълоҳазрат. Унинг ҳеч бир хатти-ҳаракатини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. У Самарқанд мулкига даъвогарликдан осонликча воз кечмайди ва ўлар-тириларига қарамай курашади. Шунинг учун илгари сўйлаганингиз каби бирор обрўли амиримизни ҳузурига юбориб, сулҳу амният борасидаги тақлифимизни янгилайлик. Шундан сўнг, бир қарорга келинса мақсадга мувофиқ бўлгувсидир, – ўрндан туриб фикрини билдирди амир Мубайшир.

– Ҳеч қандай музокара олиб бормасдан устига бостириб бориб, тор-мор этмоқ керак, – деди Шайх Нуриддин баланд овозда. – У яхши гапу одамшавандаликни англаб етадиган инсон эмас! Бекорга вақтни қайб этамиз! Яна давлатпаноҳ хоқонимиз не десалар, амрларига бўйсунажакмиз.

– Гапингизда жон бор, амир жаноблари. Амир Худойдоднинг ўжар ва кўрс феъли азалдан маълумдир. Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир навқари орқали Самарқанд тахтини амирзода учун сўраттириб, ўзи Туркистон Мовароуннахр юртини сўрамоқчи эканликларини билдирган эди. Бу сўровларини малика Шод Мулкни қароргоҳимизга олиб борган амир Абдуллахожа ҳам такрорлади. Ҳар иккисиди ҳам бу таклифга рағбат кўрсатилмаслиги, масалалар Самарқандга боргач ҳал этилажаги сўйланганди. Бироқ амир Худойдод зоти олийлари билан кўришмоқдан қочмоқда. Фикри ожизимча, бу норозилик ва исён белгисидир. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам ҳузурига одам жўнатиб, сўнгги маротаба сулҳга даъват этмоқдан фойда бор. Шунда ҳам тихирлик қилиб, у ён бу ён ташласа, гуноҳ ўзидадир, – фикрини баён этди амир ул-умаро амир Жондор.

– Амир ҳузурига кимни юбормоқни тавсия этасиз? – сўради хоқон.

– Менимча, энг муносиб номзод амир Ладуниё тархондир. Амир билан эски таниш. Вазиятни аңглатсалар, бу иш ҳам ҳеч бир сўғишу савашсиз ҳал бўлажак.

Хоқон амир ул-умаронинг сўл томонида турган амир Ладуниёга қаради.

– Амр этинг, хоқоним! Ҳамон отланиб, йўлга тушажакмиз! – деди амир Ладуниё таъзим этиб. – Зоти олийларига муносиб қул ўлмақдин ўзга лутф истамағаймиз!

– Унда амир Худойдод жанобларига шу сўзларимизни етқуринг. Эрлар мудом сўзларида турарлар. Ерлар эса каломларини ер-ла баробар этарлар. Биз, муҳтарам устоз каби бир шахсият, амир жанобларини ҳамон ҳурмат-эътибор-ла эрларча иш кўражакларига аминмиз. Умр, билхосса тангри тарафидан қўли узун этилган кишилар ҳаёти инсониятга хайр келтирмоқ учун берилган чек-

Нурали ҚОБУЛ

сиз бир имкон ва имконият, илоҳий неъматдир. Устод амир янглиш, сўнгига қадар ўйланмай қилинажак хатти-ҳаракатлари ила Турон мулкида бир томчи қон тўкилмай ўрнатилган барқарорликка доғ туширмасунлар. Шундагина ул амиримиз, қолаверса, бу сулҳу амният ишига дахлдор барча кишиларнинг улус кўнглида мустасно ери бўлажакдир. Яхши инсон ҳар нарсадан яхшилиқ излайди. Ёмон кимса эрса яхши, савобли ишдан ҳам қусуру нуқсон ахтаради. Бир маълум инсонга жабр-зулм этмоқ бир бегуноҳ кишини қатл этмоқ, инсониятга жабр-зулм этмоқ ва инсониятни қатл этмоқдир! Амир жаноблари вазиятни қориштириб, мамлакатни яна жанг майдонига айлантиришга уринсалар, оқибати хайрли бўлмаслигини англатинг. У кунни эгаси кўрсатмасин. Ҳис-туйғулари ақл посангисини босиб кетса, билмадим, унда бошларига ёғажак дўлу қорни курамоқ насиб этмай қолиши ҳам мумкин. Ул кишим менга етказган арзларининг бирида “Сиз учун бир иш қилдим” деган эдилар. Мен миннатдорчилик туйғуларимни етказган эдим. Энди эса турум шуни кўрсатмоқдаки, экиб ўстирган ям-яшил оғочларига ўзлари болта урмоқдалар. Амир жаноблари бизнинг сидқидил собит ва сабот қадамимизни вафодорлигу софдиллик йўлида дея англаган, яқину йироққа кўрсатаётган тарбиямиз турку тозикни қўллаб-қувватлаётганимиз ҳақида туйган бўлсалар, биздан ўзларини тортмоқлари учун бирор-бир сабаб йўқдир. Бизга келиб қўшилмасликлари ва биздан юз ўгирмоқликлари бир душманликни икки қилишини англаб етсалар керак деган умиддамиз. Мирзо Халил Султонни ҳам бизга келтириб топширсинлар.

Асабийлашган хоқон гапдан тўхтаб, амир Хизрхожага тикилиб қолди. Сўнгра муншийга имзо чекилган фармонни келтиришни ишорат этди.

– Сеистон иши бугун ҳал этаётганимиз Самарқанд ташвиши каби муҳимдир. Сиз муҳтарам амир Хизрхожа, амирларимиз Ҳасанко ва Хожагилларни ёнингизга олинг-да, эртагаёқ йўлга тушинг! Сеистонда турган амирлар Лутфуллоҳ ва Ҳамза қатуқуларга кўмакка етиб борингиз. Ул ҳудудда ҳеч қандай саваш ҳаракати йўқ. Бироқ ҳар кори ҳолда эҳтиёт бўлмоғимиз даркордир! – буюрди хоқон.

– Амри фармон хоқонимизнингдир! – дея таъзим этди амир Хизрхожа.

Хоқондан тегишли таълимотни олган амир Ладуний тархон Қорақишлоқ йўли билан юриб, Хўжанд орқали Андижонга етиб келди. Қоровуллардан сўраб-суриштириб, амир Худойдоднинг Андижон қалъасида эканлигини аниқлади. Халил Султон ҳақидаги сўровига жавоб беришмади.

Шоҳруҳмирзо элчисини шаҳар дарвозаси қаршисида кутиб туришини тайинлаган қоровулбеги қалъага кириб кетди ва узоқ муддат кўринмади. Очиқиб толиққан Ладуний тархон навкарларига энди қозон қайнатишни буюрганда қоровулбеги пайдо бўлди.

– Амир ҳазратлари сизни бекламоқдалар, – деди у совуқ оҳангда.

Амир Худойдод Ҳусайнийнинг Шерозда Самарқанд черигини енгиб, мирзо Халил Султонни банди этиб, бошкентга ғолибона кириб боргандаги шашти йўқ эди. Юзи қорайиб, жуссаси кичрайиб қолгандек кўринди у Ладуний тархоннинг кўзига.

Эски дўстини ҳорғин ва руҳсиз қаршилаган Фарғона ҳоқими унга ўнг тарафидан жой кўрсатди.

Самарқандни ташлаб қочганлиги ва бугунги вазият ҳам унга сабоқ бўлмаган кўринади, хаёлидан ўтди кўноқнинг.

Нурали ҚОБУЛ

Амир Ладуниё тархонни диққат билан тинглади. Гапини бўлмади.

– Айни дамда бир андишамиз бор, Ладуниёбек, – деди амир ўйга толганча.

– Сўйланг, мухтарам дўстим. Хоқон ҳазратларининг мақсади истакларидан шуни англадимки, сизга нисбатан қалбларида ҳеч бир гина-кудурат, орт ният йўқдир. Сиз кутилмаганда Ҳирот қўшинининг юкини енгиллатиб, унга қарши турган амирзода Халил Султон черигини синдирдингиз. Орада катта тўқнашув юз бериб, қон тўкилмади. Хоқон ҳазрати олийлари бу хизматингизнинг фарқидалар. Ҳеч бир андишага хожат йўқдур, – вазиятни англатмоққа уринди амир Ладуниё тархон.

– Андишаларимиз бошида амир Шайх Нуриддин масаласи келади, дўстим Ладуниёбек. Хабарингиз бор. Биз унинг черигини Бухоро остоналарида тор-мор этдик. Ўзи аранг қочиб кутулди. Қўлга тушса не қору ҳол юз берар эди, бу ёлғиз Оллоҳагина маълумдир. Қолаверса, сувнинг оқимига қараб иш тутадиган бу қирриғ билан азалдан какпигимиз сайрашмайди. Улуғ хоқон ҳузурларида барчани қасам ичириб, ўзи томошабин бўлиб турган қари тулки куни кеча Шохруҳмирзо ҳазратлари ҳузуридан қочиб келиб, Халил Султоннинг одамлари билан мунозара олиб бораётган эди. Бугунга келиб у хоқон ҳазратларига садоқат кўрсатиб қолибдиларми? У кеча хоқонни қандай сотган бўлса, эрта бир куни яна худди шундай сотади. Менинг бир ёлғон сўзимни унутманг. Эллик йилдан бери биламан у қари бўрини. Имкони эл берган куни ҳеч кимни аямайди.

– Амир Шайх Нуриддин хоқони саид зоти олийларидан ошиб, сизга ҳеч қандай зиёни заҳмат етказа олмайди, – иддаоли эди амир Ладуниё.

– Билмадим. Кўнгил ва оёқ тортмаган ишга қўл урмоқ оқибати не ўлур, худо билур, дўстим, – иккиланди амир.

– Агар менга ишонсангиз, кафилман. Бу ҳаракатингиз билан хоқон ҳазратлари олдида фақат мавқе ва мартабангиз юксалади. Ўлик бўрини ит тишламас деганларидек, савашда енгилиб, бели бертилган Шайх Нуриддиндан сизга не хавф-хатар бор? Қадрингни билганга қирқ йил эгил дейдилар, дўстим. Хоқон ҳазратлари шу кунгача ҳеч кимга сизчалик илтифот кўрсатмаганлар. Қилич нари турсин, қамишни қия ушласанг кўлингни кесар дейдилар. Сиз дўстингиз амир Соҳибқирон ҳазратлари фарзандларига нисбатан ҳар замон дўстлик ва хайрихоҳлик мақомида турмоғингиз керак, деган фикрдамен. Ўйлаб кўрингу, тўғри қарор беринг. Бир янглиш қарор, ҳаракат, минг бир яхши ва савобли ишнинг устига чизиқ тортади. Қирғовул овига чиқсанг, уйдаги товукни унутма деганларидек, сизга садоқатли дўстлигимдан шубҳангиз бўлмаса керак, – мавжуд турумни астойдил англатмоққа уринарди Ладунийе тархон. – Сиз биродаримга дўстона маслаҳатим, онҳазрат билан қўлда қилич ила гаплашманг. Қўлига қилич олган баҳона қидирмаслигини менадан яхши биласиз.

– Бошим қотди, биродар. Бунча гап-сўзнинг устига амирзода Халил Султон ҳам қўлимизда. Хоқон ҳазратларининг бу ишга муносабатлари қандай бўлар экан? Барибир жияну жигарлари, – ҳамон тараддудларди амир Худойдод. – Ишлар, ўз-ўзлик топишар, ётга бало ёпишар қабилида бўлиб чиқиши ҳам мумкин, Ладунийебек.

– Менимча, ундай бўлиб чиқмайди. Ўйлаб ўтирмоққа ҳожат йўқ. Маъқул кўрсангиз, бирга кетайлик, – амирни икно этмоққа уринарди Ладунийе тархон. – Эр йигитнинг қадрини оғаси эмас, эл билар дейдилар. Хоқон

Нурали ҚОБУЛ

ҳазратлари сизнинг кимлигингизни жуда яхши биладилар. Сиз самимият-ла яхшилиқни экаверинг. Иншооллоҳ, уни эсонлик ўрар.

– Биз хоқон ҳазратларидан Самарқандни мирзо Муҳаммад Жаҳонгир илқига топширишни рижо этиб, икки бор элчи юбордик. Ҳар икки мурожаатимизга ҳам ижобий жавоб ола билмадик. Шундан келиб чиқадики, онҳазратнинг бизга бўлган ишончу рағбатлари фикр этганимиз каби бўлиб чиқмаяжқдир. Қай томондан ўйлаб қарамайлик, йўлнинг боши беркка ўхшаб кўринмоқда, биродар, – ҳамон тихирлик қиларди амир Ҳусайний.

– Менга маълум бўлишича, давлатпаноҳ хоқон бу масалани Самарқандга боргач, маслаҳатлишиб ҳал этамиз деган эдилар. Фикри ожизимча, ҳали-ҳануз бориб кўниша, музокара эта билурсиз, дўстим.

– Хоқон ҳазратларидан бирор-бир хавф-хатар бекламайман. Ул зоти олийлари ота дўстларига нисбатан бирор-бир янглиш ишга қўл урмаслиқларига аминман. Бироқ амир Шайх Нуриддин онҳазратнинг ёнларида экан, сўзсиз кайфиятларига таъсир этиб, ўйинни бузиши мумкин. Хоқон ҳазратларига сўйланг. Уни ҳибсга олсинлар. Ўша заҳотиёқ ҳузурларига етиб бораман, – ниҳоят асл мақсадга ўтди амир.

Кутилмаган таклифдан шошиб қолган амир Ладуниё тархон дўстининг гапига не дея жавоб бермоқликни билмай ўйланиб қолди.

– Сўнг сўзингиз шуми? – сўради ниҳоят тилга кириб амир.

– Шулдир, биродар. Қани бориб айтиб кўринг-чи. Шунга қараб ишимизга боқамиз, – отдан тушса ҳам эгардан тушмас эди амир Худойдод.

– Майли, қардошим. Биз ўз фикримизни сўзладик.

Қабул этиб-этмаслик сизнинг ишингиз, – деди Ладуние тархон ҳафсаласи пир бўлиб. – Амирзода Халил Султон ҳақида сўрасалар не демоғим керак?

– Амирзода масаласини онҳазратнинг берган жавобларига қараб ҳал этгаймиз. Бу муаммони мунозара этмоқ учун ҳали эрта, Ладуниебек. У мени, билхосса, ўз отабеги бўлган устозини ўлдирмоққа қасд қилган. Шундай яғийни оёқ-қўлини бўшатиб, қўйиб юбора олмайман. Уйғун бир вақти замонда қўнишурмиз, – гапни узатмади амир Худойдод.

Амир Ладуние тархон тушкун кайфиятда бош ирғади.

Бир ҳафта йўл юриб, кечаси Самарқандга етиб келган амир Ладуние вазиру амирлар билан бирга Кўктошли солинга саломга кирди.

– Туриш-турмушларига қараганда амир жанобларидан хайрли жавоб бўлмаган кўринади? – амир Ладуние тархонга қаради хоқон.

– Шундай десак ҳам бўлади, онҳазрат. Ул кишим ўз шартларини айтдилар. Шундан сўнг зоти олийларининг ҳузурларига келар эмиш.

– Не шарт экан? – ҳайрон бўлди хоқон.

– Амир Шайх Нуриддинни банди этар эмишсиз!

– Ие, жуда ғалати-ку! – ҳайрон эди подшоҳ. – Эплик эгизни еса, сеплик сёмизни ебди деганларидек ҳам эгизни, ҳам семизни ёмоқчиларми, амир жаноблари. Ул кишим амирзодаю улуғ амирларни банди қилиш бобида анча тажриба ортирган кўринадилар. Бул хусусда бизга ҳам сабоқ бермоқликка киришибдилар-да. Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Деяжак бирор-бир сўзимиз йўқ. Тавба! Тавба! Ажали етган ит мачитнинг деворини булғганидек, шартини қаранг-а? Сизлар амирнинг бу фикрига не дейсиз? – амиру вазирларига юзланди хоқон.

– Юртда сулху тинчлик бўлса, мен банди бўлмоққа розиман, онҳазрат! – деди амир Шайх Нуриддин капалаги учиб, зўраки жилмаяркан.

– Бир кишининг маҳкум этилиши билан юртда осойишталик ўрнатилса эди, аллақачон бу ишни қилган бўлур эдик. Демак, амир жаноблари янги ўйинни бошлайдиган кўринадилар. Марҳамат, муҳтарам вазиру беклар. Бу кўнуда фикрингизни сўйлай билурсиз? – бош вазир амир Ҳасан Жондорга қаради султон.

– Амир Худойдоднинг зоти олийларига бу талабни қўйишлари одоб юзасидан эрмас. Амир Шайх Нуриддинни Бухорода маҳв этиб, абгор бир аҳволга солган бўлса. Вазиятни янада таранглаштирмаслик учун биздан ҳеч ким бу ҳақда амир Худойдодга оғиз очмади. Энди эса бу талабни қўймоқдалар. Амирнинг ҳаракатидан савашнинг ҳиди келмоқда, онҳазрат. Не дея амр этсалар, шунга кўра ҳаракат этажакмиз! – фикр билдирди амир ул-умаро.

– Ижозатлари ила мен қўнишсам, – деди амир Худойдоднинг талабидан ҳамон ўзига келмаган Шайх Нуриддин қайта сўз олиб. – Айни дамда икки яхши қўшилса, бир-бирига қайишмайди, икки ёмон қўшилса, кенг дунёга сиғишмайдиганга ўхшаган бир турумдамиз, азиз биродарлар! – овози титраганча солинда қур олиб ўтирганларга бир-бир боқароқ сўзида давом этди амир. – Амирзода Халил Султонни-ку, тўрга тушган беданадек кўзини мўлтиратиб асир олдим. Қолганларни ҳам шундай қиламан дея фикр қилиб, ўзидан кетаётган собиқ сафдошимиз икки карра эмас, етти карра янглишмоқдалар. Шоҳруҳ султондек Соҳибқирон ворисини оғзидан онасининг сути кетмаган бир авлодимизга менгзаб, ўзининг кимлигини ва асил ниятини ошкор этмоқда. Биз барчамиз султонимиз хизматларига ҳозир эканлиги-

миз ва салтанат душманларини бартараф этмоқ нияту мақсадида атрофларида бирлашиб турибмиз. Мен ул бўйни йўғон гарданкашни болалигидан биламан. Султон соҳибқирон ҳазратларининг Кўктўриқ исмли бир отлари бўлар эди. Уни оғил томон етаклаб борганингизда эшикка етиши билан тисарилиб, оёғини тираб туриб оларди. Отхонага киритиш учун унинг орқасини эшикка тўғрилаб, ташқарига қараб тортиш керак эди. Шунда у тисарилиб сайисхонага кирарди. Амир Худойдод ҳам шунақа терсфеъл одам. У билан инсон каби гаплашиб, бирор нарсани ҳал қилиб бўлмайти. Ҳаддидан ошганининг боиси шундаки, султони ғозийнинг қайтишлари замонида энг катта қўшин унинг измида эди. Қўшиннинг учдан бири қўлида қолган бўлса-да, ҳеч нима қила олмайди. Отлар жоловини бўш қўйиб, қувиб етган жойимизда унинг таъзирини бермоғимиз керак, султоним. Унинг калласини олтин товоққа солиб, каллани ҳам, товоқни ҳам йиғлатмоққа хожат йўқ деган фикрдамен. Фурсатни бой бермаслик керак! – фикрини очиқ сўйлади амир Шайх Нуриддин.

Ўтирганлар амирнинг бу таклифини ўзаро муҳокама этганча шивирлаша бошлашди.

– Ёмон ёмонликка аҳд қилганда, қарши тараф бир оз сокин ва ақл-идрок билан ҳаракат этади, амир жаноблари, – сўз олди амир Мубашшир. – Рақибингиз қонталаб бўлиб турганида сиз босикроқ бўлмоғингиз, ёниб турган ўтга ёғ қуймаслигингиз керак, чамамда. Модомики, сулҳга боражак йўл очиқ экан, ундан истеъфода этмоқ лозим...

– Сулҳга йўл мени ҳибс этмоқ орқали боради, амир қардошим. Сўйладим-ку, банди бўлмоқликка ҳозирман деб. Мутлақо ташвиш чекманг! – қизишди амир Шайх Нуриддин.

Нурали ҚОБУЛ

– Ўзингизни босинг, ҳаяжонланманг, амир жаноблари. Худо дедим, бердисини айтганимча сабр қилинг. Мен ҳаччакалла ҳозир сизни ҳибсга олайлик деяётганим йўқ. Бу ерда ҳеч ким йўлда йўлдошини сотадиганлардан эмас. Мавжуд тўра ва тузукка биноан унинг олдига ўз вакилимизни юбордик. Қарши тараф ҳам лозим топган жавобни айтди. Биз буни қабул этмадик. Шундай экан, яна одам юбориб, талаби қондирилмаганлигини ҳам айтишимиз керакми? Шунда у йўлаб туриб, бу асосиз шартдан воз кечар ва сўнг сўзини айтар. Мен шуни сўйламоқчи эдим, хоқон ҳазратлари.

– Ул кимса ила энди сичқон-мушук ўйини ўйнамаймиз. Ҳузурига одамимизни ҳам юбормаймиз. Истаса, ўйлаб кўриб, шартимизга кўнса ўз элчисини юборар. Юбормаса ундан нарига. Лашкарни сафарга ҳозирланг. Қўшин индин эрталаб, Шероз қалъаси атрофида жам бўлсин! Эртага эрталабдан мирзо Рустам, амир Шоҳмалик, амир Саййид Али тархон ҳамда амир Нуширвон Барлосларнинг бирлашган чериги манғлой ўлароқ Шоҳруҳия шаҳри теграсини эгаллаш учун йўлга чиқсун! Мирзо Амирак Аҳмад ва биродари амирзода Бойқаро, амир Султоншоҳ Барлос ва амир Ҳасан Сўфи қўшинлари Хўжанд ҳимоясига отлансинлар. Бизнинг олий қароргоҳ эса Ўратепа яйлоқида бўлади.

Хумоюн ўрду Дизакдан ўтиб, Зомин ўтлоғига етган эди. Қоровуллар амир Худойдоддан чопар келганлигини маълум қилдилар.

– Амир Худойдоднинг чопари Абдумурод Шерқанглиман! – деди отлик хоқон қаршисига келиб тиз чўккан юзбоши рутбасидаги юзи қоп-қора, гавдали чопар.

– Сўйла, не хабар келтирдинг? – оти жиловини тортганча сўради султон.

– Амир Худойдод ҳазратлари шуни зоти олийлари-

нинг муборак эътиборларига етказмоқни амр этдилар. Амир Шайх Нуриддинни хузурларига жўнатсангиз, ўзаро маслаҳатлашиб, муаммони ҳал этажак шаклда англашажакмиз дедилар. Арз этаман! – деди чопар ер ўпиб.

– Амир ҳазратлари шундай дедилар дегин? – дея юзбошига қизиқсиниб боқди хоқон.

– Шундай дедилар! – тақрорлади чопар ердан бошини кўтариб.

– Яна не дедилар? – киноя билан сўроқда давом этди. Шохруҳмирзо.

– Бошқа ҳеч нима демадилар, султоним!

– Зотан, деяжак бошқа ҳеч бир сўзи ҳам бўлмаса керак. Модомики, сўзлай билмоқ имконига соҳиб экан, сўйлаб турганлари маъқулдир, – бошини маъноли соллаб, чопарга тикилди.

Хоқондан орқароқда келаётган амир Шайх Нуриддин ҳам етиб келган, бироқ чопарнинг ўзи ҳақидаги гапини эшитмаган эди.

– Чопар Шерқангли эски дўстингизнинг хузуридан келибди, амир жаноблари, – дея тиз чўккан юзбошига ишора қилди хоқон. – Сизни музокара учун қароргоҳларига чорлабдилар.

– Хайрият-е, онҳазрат! Башорат этганингиз каби илгариги хунук ниятидан қайтибди, ҳарҳолда. Индамагин калга, ўзи келар ҳолга дегандек, бу ҳам хайри аломат! Менинг амир дўстимизга ҳеч қандай даъвойи хусуматим йўқ. Ул кишининг ҳам қонимга ташна эмаслиқларини биламан. Ижозат этсангиз, боравераман. Ишқилиб, ўртада қон тўкилмаса бўлди. Ўтган гапларга эса саловат қиламиз, – деди амир Шайх Нуриддин кулимсираб бир хоқонга, бир чопарга қараркан.

– Унда чопар Шерқанглини ёнингизга олинг-да, отларинг! Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин!

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

*Халқ қилмади сени ҳимоят,
Ўз-ўзингдан қилгин шикоят.*

Саъди ШЕРОЗИЙ

Султон соҳибқирон Амир Темурнинг эски саропардаларидан бири амир Худойдодга теккан эди. Улуғ хоқон вазиру нозир, амиру маъмурлари, ҳеч кимдан ҳеч нарсани аямас эди. Волидаси Тахинабегимнинг нуридийдам, Темуржоним, сиз одамларга бирни берсангиз, Оллоҳ сизга мингни беради деганини бот-бот эслар ва такрорлар, ёши бир жойга бўриб қолганида шу сўзларни эсласа сўзи бўғзига тикилиб, кўзи ёшовларди.

Дўсти Амир Темур ҳадя этган саропарда солинининг тўридаги тахтида ўтирганча ўзини подшоҳ каби тутаётган амир Худойдод дўстининг набирасини банди қилиб, ўғли билан савашмоқчи бўлиб турибди. Бундан бир неча йил бурун ақлга келмаяжак ишлар...

Амир ўғли Абдумаликни кутаётган эди. Бола негадир кечикмоқда. Амир Шайх Нуриддин етиб келмасидан бурун маслаҳатлашмоқ керак эди.

Соҳилга тикилган саропардадан лойқаланганча буралиб оқаётган дарё кўзга ташланиб турар, саратон кира бошлаганлиги туфайли тоғ чўққиларидан қору-музликлар эриб, тўлиб-тошиб оқарди.

Этақда аскарлар тўр ташлаб балиқ овлашар, қарши соҳилда ерли кишилар қирғоққа тизилганча қармоқ тутиб ўтиришарди.

Дарё соҳилига етмоқ лашкар учун байрам демак. Аскарлар кечаю кундуз балиқ тутиб, арзон махсар ёғида қовуришар ва шўрва қилишарди. Ошчилар турли-туман

балиқларнинг бошидан амирга ҳам аччиққина шўрва тайёрлашар ҳамда қовуриб келишарди.

Ҳаммом нелигини унутган черик учун катта сувга дуч келмоқ эгасининг инояти эди.

Одамларга басма-бас турли қушлар ҳам ўзан бўйлаб пастлаб учиб тумшуғи билан балиқ овлар, битта балиқ тутган қуш ортидан ўнлаб қушлар таъқиб этишар, дадилроғи қувиб етиб овини тортиб оларди.

Иту қуш, неки жонзод бор, емак-ичмак талошида. Кучли кучсизнинг ҳақини ейди. Қаршилиқ кўрсатса маҳв этади. Қўли калта қўли, узуннинг қули, — ўзича фикр қиларди амир саропарда қопусидан кўриниб турган манзарага боқаркан.

Юраги сиқилган амир ўрнидан туриб саропарда қопуси томон юрди. Ташқаридан ўғлининг қалдироқ овози эшитилди. «Бола кечаси кўпроқ ичибди», — хаёлидан ўтди отанинг. Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур бўлганларидан бери ота-бола бир-биридан яшириб ички ичадиган бўлишди. Кўксарой ва Бўстонсаройда кечган бир ҳафталик султонлиғу кайфи сафо рўёга айланди-қолди. Бироқ ҳали эгасининг иноятидан умидини узгани йўқ. Мўғулистон ҳукмдори Муҳаммадхон рози бўлиб кўмак этса, яғийни Энадарёдан нарига улоқтиради. Темурийларга эски, отадушман бўлган Муҳаммадхон ҳам шундай қулай фурсатни кутиб ётган бўлса керак.

— Ваалайкум ассалом! — деди амир ранги-қути учган ўғлининг бош эғиб таъзим этишини зимдан кузатаркан. — Ичкининг бир оз озайтиринг, ўғлим. Қилич тиғида мақсад сари юрмоқдамиз. Бир оёқ тойса, қайтиб тура олмаймиз. Шунини унутманг. Тушларим ҳам негадир алғов-далғов. Бугун қон чиқариб, хатми қуръон қилиб юборамиз, — юрганча сўзларди амир Худойдод. — Сизла маслаҳатлашажак бир иш бор. Мен Муҳаммадхон

Нурали ҚОБУЛ

хузурига ёрдам сўраб одам юборган эдим. Бугун-эрта қайтиб келиши керак. Агар Муҳаммадхон бизга кўмак этажак бўлса, қароргоҳимизга келаётган амир Шайх Нуриддин билан мен кўришмайман. Ўрнимга сен кўнишасан. Шохруҳ подшоҳ ҳазратлари хузурига отам ёки ўзим етиб бориб, хизматларида бўламиз дейсан. Агарда Муҳаммадхондан ижобий жавоб олмасак, унда ўзим гаплашаман. Вазият ва вазифани тушундингми? – тўхтаб, ўглининг қизарган кўзларига боқди амир.

– Англадим, қиблагоҳ.

– Келган меҳмон билан одамга ўхшаб суҳбатлашмоқ, музокара этмоқ учун эса эс-ҳуш жойида, турку тароват тузгун бўлиши керак, – кесатди ота.

– Узр тилармен. Бундан сўнг такрорланмайди.

– Шундай бўлсин, – деди амир ўғлига кетмоққа ишорат этиб, тахт томон юраркан.

Мўғулистон хони хузурига кетган чопар оқшом усти етиб келди. Амир Худойдод ҳақ деб уни кутиб ўтирарди.

– Хайриятлиғ, улуғ амир ҳазратлари! – деди чопар Ўринбой Уйрот саропардага кирар-кирмас ҳовлиқиб. – Хон ҳазратлари кўмак этмоққа рози бўлдилар. Катта кўшин билан укалари валиаҳд Шамъи Жаҳон ортимдан келмоқда. Буюк ниятларингиз йўлдошингиз бўлсин! – гўёки тоғни ағдариб келгандек эди чопар.

– Бул садоқатли хизматинг мукофотини оласан, Ўринбой. Ҳозироқ мен билан йўлга чиқасан. Емак еб, бир оз дам ол. Яхши отлардан танла. Қўноқларимизни Тошканд теграсида қарши оламиз. Қароргоҳда ўғлим Абдумалик қолади. Ҳозир боргин-да, амир Абдумаликни хузуримга чорла.

Амир навкарни ўглининг қароргоҳи томон юборди-да, ўзи саропарда саҳнига чиқди. Теварак-атрофни кузатганча, бундан тўрт йил чамаси бурун, дўсти Темурнинг ўлими

ва ўзи бош-қош бўлиб, Халил Султонни бобо тахтига ўтказган қаҳратон кунларни эслади.

Тахтга ўтқазиб, байъат келтириш маросими шу яқин атрофда, сал этакроқ, Чиносга яқин соҳилда кечган эди, хотирлади амир. Шунга ҳам тўрт йил бўлибди. Ҳаёт шафқатсиз, умр бевафо. Кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади. Дарду ҳасрат, аламу армонни орқалаб қолаверасан. Ҳеч бир ишдан ва яхшилик қилганинг ҳеч бир кишидан кўнглинг тўлмади. Бу қониқмаслик ва домангириклик туйғуси бир умр ақли идрокингни банд этаверади.

Амир хаёл сурганча соҳилга етиб қолган эди. Кун ботиб борар, ёзнинг оташли қуёши ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлгандай тезроқ ботмоққа шошиларди.

– Мўғул тарафдан бекланган хабар келди. Тангрига шукур, хон раъйимизни қайтармади! Сен черикни йиғиб, қайта бошдан машқ қилдириб, Самарқанд фатҳига ҳозирликни бошла! Ҳирот қўшини сен томон эмас, бизга қараб юради! У билан ҳисоб-китобни биз қиламиз! Сен банди амирзодани ол-да, тоғ томонга қараб юр! У тарафлар хавфсизроқ! Унинг қўримаси қандай? – етиб келган ўғлидан Халил Султон ҳақида сўради амир Худойдод.

– Тинмай жавраб, қўйиб юборишини талаб қилади. Хотинини сўрайди. Ички ичади. Сизнинг бир, менинг бир юзлгим, жами икки юз киши икки ўрам тарзида қўриқламоқда. Яна бир юзликни учинчи доирада қоровулликка қўйганман. Олдига мушук ҳам кириб чиқолмайди.

– Майли, унга яхши гапириб тур. Кўнглини олган бўл. Емак-ичмақдан қисма. Вақти замони келиб, у яна бир мамлакатнинг тахтига ўтириб қолиши мумкин. Душманингни пахта билан бўғизла дейдилар. Амакинғиз билан эрта-индин англашмага борамиз ва шундан сўнг сизни

Нурали ҚОБУЛ

қўйиб юборамиз дегин, – ўғлига сўнги таълимотларни берди бек. – Мен ҳозироқ Тошканд йўлини тутаман. Хон иниси Шамъи Жаҳонни юборибди. Муносиб қаршиламоқ керак. Диққатли бўл ва чоғирни оғзинга олма. Амирзоданинг одамлари келиб, сенинг дуч келган мингбошию юзбошингга оғзига сиққан олтинни берса бас, бу очкўзлар отасиниям сотади. Амирзоданинг яшириб-ёпирган бойликлари кўп.

Отаси сўзларини диққат билан тинглаётган амир Абдумалик гап-сўзсиз бош ирғарди.

– Менинг саропардамга ўта қолгин ва амир Шайх Нуриддинни шу ерда қабул қил. У билан ҳам қадрдонларча, самимий суҳбатлаш. Отам бўлиб ўтган барча паст-баланд гап-сўзларни унутганлар. Сизни худди кечмиш замонлардаги каби дўсту хайрихоҳ деб биладилар дегин. Орага тушиб бизни Шоҳруҳмирзо билан яраштириб қўйинг. Бизга ҳеч қандай иқтидору ҳоқимият керак эмас дея таъкидла. Халил Султон масаласида гап очса, буни отам ҳал қиладилар. Бу хусусда мен ҳеч нарса билмайман дегин. Оллоҳ ёру ёрдамчинг бўлсин!

– Эгамиз йўлингизни берсин! – тилак тилади ўғил.

Амир Худойдод Ҳусайнийнинг кайфи чоғ эди. У Муҳаммадхондан бу қадар тез ва ижобий жавоб кутмаганди. Худо ишини ўнглаб турибди. Икки қўшин бирлашса, сон жиҳатидан Хуросон лашкаридан ортади. Бундан хабар топган Шоҳруҳмирзо балки савашмоқдан ҳам воз кечар. Шунда Шероз қалъасидан кўра янада осонроқ ғалаба билан Самарқандга тантанали кириб боради. Ана унда Шайх Нуриддину Шоҳмаликлар кўради амир Худойдоднинг кимлигини. Амир Темур ҳазрати олийлари ҳам осмондан тушмаганлар. Ёнларида амир Худойдод Ҳусайний каби кишилар турганлигидан иқтидору салтанатнинг ўша шоҳсупасига кўтарилганлар.

Шундай экан, нега энди чек-чегарасиз бу мамлакатнинг бир вилоятига у эгалик қила олмас экан? Шоҳруҳмирзо ҳазратлари Хуросон юртини эплаб-сепласалар ҳам катта гап. Бу давлату мамлакат, бу мулку бойлик ҳаммага етади. Беш панжани оғзига тикмоққа ҳожат йўқ. Етти иқлимни эгаллаб, отанг жаҳонгир Темур нега эришдики, сен недан умидворсан? – ўзича фикр қилиб борарди амир Худойдод.

Валиаҳд Шамъи Жаҳон Сайрам этагидаги водийдан ўтиб, Тошкандга яқинлашар, амир Худойдод чериги Чирчиқ дарёсидан кечиб, тоғ ёнбағри бўйлаб борарди.

Қоровулдан валиаҳд етиб келган манзилни аниқлаган амир Худойдод дарёнинг хушманзара ирмоқларидан бири бўйига саропарда тикиб, меҳмондорчиликка ҳозирлик кўришни, қулуну бузоқлар, қўйу эчкиларни сўйишни буюрди.

Саропарданинг кенг мусофирхонасида шу пайтгача мисли кўрилмаган базми жамшид учун ошпоқлар ёзилиб, сарпо-суруқлар тайёрланарди.

Амир Худойдод қўноғини саропарда тикилган манзилдан яна бир йиғоч¹ юриб бориб қарши олди. Ўзидан анча ёш бўлган Мўғулистон валиаҳдини оталарча бағрига босиб кўришди.

Улар суҳбатлашганча саропарда тикилган дарё соҳили томон юрдилар.

– Жуда тез етиб келибсиз, валиаҳд ҳазратлари! Оллоҳ сиздан рози бўлсин! – деди отда ёнма-ён кетаркан амир Худойдод.

– Қўшинимиздаги асосий отлар ўша, тарихий паст бўйли, чидамли мўғул отларидир. Қанча узоқ масофага юрманг, бу жониворлар чарчамайди. Бир оз дам олиб,

¹Бир йиғоч – тахминан уч километр.

Нурали ҚОБУЛ

хашагини еб, йўлида давом этаверади, – йўлни қисқа мuddатда босиб ўтганларига изоҳ берди Шамъи Жаҳон.

– Бу отларнинг асл аждоди ўша тарафлардан чиққан деб эшитганимиз бор. Демак, ҳали-ҳануз кўпайтиришар экан-да?

– Бизда ҳам озайиб кетган эди. Раҳматли буюк бобомиз Хизрхон бундан ўн йил бурун Чину Мўғилистон ҳудудидаги бу тур отларни йиғиб, кўпайтиришга амр берганлар. Бу кўп ақлли ва фойдали фармон бугунга келиб ўз мевасини берди. Ҳатто чинлиларга ҳам сотмоқдамиз. Буюк қоон Чингизхон ҳам ўз зафар ва ғалабаларини, чарчаш нималигини билмас мана шу отлар ва лашкарнинг асосий ёмаги саналмиш қуритилган от этига боғланганлигини эшитгандирсиз, – дарё соҳилидаги гўзал манзарани томоша қилганча ҳангома бериб борарди Шамъи Жаҳон.

– Эшитганман, валиаҳд ҳазратлари. Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин қароргоҳига тун босқиси уюштириб, тор-мор этган кўшин ҳам шундай отларда хужум этган дейишади.

– Тўғри сўйладингиз. Султоннинг қоровуллари мўғул черигининг хачирсифат пастак отларда қароргоҳларига яқинлашганини сезмаганлар ҳам Хоразмшоҳ тун билан ички ичиб, ғафлатда қолган. Акс ҳолда енгилмас экан. Олий кўмондонликда тартиб-интизом бўшашдимми, тамом. Кўшинингиз не қадар кўп ва машқи такомиллашмасин, мақсадга эришмоқ мушкул кечади, – ҳамон бўлажак тўқнашув ва Шохруҳмирзодан гап очмас эди Шамъи Жаҳон.

– Ҳирот кўшини ҳам Ўратепа яйлоғида деб эшитдик. Фурсатни бой бермай биргалиқда ҳаракатга кечишимиз керак, – деди ниҳоят амир Худойдод гапни асосий мавзуга буриб.

– Албатта. Бугун-эрта ўзаро маслаҳатлашиб, режани пиштайлик. Бу ишда шошиб-пишиб қарор олиб бўлмайди. Ўтириб, бафуржа кўнишамиз, – деди валиаҳд теварак-атрофида келаяётган мулозимларга назар соларкан.

– Маъкул. Маъкул. Ўтириб кўнишамиз, – кўноқнинг сўзини такрорлади амир суҳбатдошининг гапимизни ён-веримиздагилар туймасин деган ўйда мавзуни узатмади дея ўйлаб.

Улар амир саропардасига етиб келдилар. Меҳтар тақими амир Худойдоднинг каттакон наққорасини чалар, карнайларнинг садоси тоғу тошни ларзага соларди.

Очиқиб ва ҳориб келган ҳурматли меҳмонлар ўзларини ҳовури кўтарилиб турган эт ва қайноқ шўрвага уришди. Патир ва сафардаги лашкарнинг асосий емаги қотирмани шўрвага ботириб туширдилар. Чоғир ва мусалласни ҳам тўхтатмай олишди. Қовурдоқ, сўнгра солинни эртапишар ҳандалак иси тутиб кетди.

– Қорин тўйди, қайғу кетди. Энди нени лозим кўрсангиз кўнишамиз, – деди Шамъи Жаҳон ҳафсала билан ҳандалак еяркан.

– Буюк қардошингиз, улуғ ҳукмдор Муҳаммадхон ҳазрати олийларининг бу ҳиммату яхшилиқларини кўзим очик эркан унутмасмен. Зоти олийларига маълумким, бу мамлакатлар узоқ замонлардан бери Мўғулистон давлатига тобе бўлиб келган. Сизларнинг бу ишга аралашувингиз асосли ва қонунийдир. Хоқон Амир Темурдан ўттиз олти нафар амирзода қолган. Бунча шахзодани мулку давлат билан таъминламоқ учун боболари яна шунча мамлакатни босиб олиши керак шекилли. Улар ўзаро англашиб, салтанатни тинч-тотув бошқара олмайдилар. Мироншоҳ мирзонинг икки ўғли, амирзодалар мирзо Умар ва Абу Бакрлар амакилари Шоҳруҳга

Нурали ҚОБУЛ

қарши жангда ҳалок бўлдилар. Мирзо Султон Хусайнни Хирот ҳукмдори Ироқ дарвозаси қаршисида бошини кундага етказди. Шундай катта мамлакат қўлига топширилиб қўйилган валиаҳд Пирмуҳаммад маишатдан бош кўтармай Пир Али Тознинг қиличидан ўлим топди. Мирзо Мироншоҳнинг ҳам Қора Юсуф Туркман билан бўлган тўқнашувда шаҳид кетганлигини туйгандирсиз. Умаршайх мирзонинг уч ўғли Пирмуҳаммад, Искандар ва Рустам мирзолар ҳам бир-бири ила қирпичоқ. Икки акаси билан бўлган савашда енгилган Рустам қочиб келиб, Шоҳруҳмирзо остонасини ўпганини эшитгандурсиз. Бобоси Кўктошини танг қилган шогирдимиз Халил Султон бизнинг элимизда банди мақомида ларча эту экмак берсак ейди, бўлмаса кучуквачча каби қўлимизга қараб ўтиради. Мен муҳтарам қардошим, валиаҳд ҳазрати олийларига теурийзодалар аҳволининг бугунги кундаги манзарасини изоҳ этдим. Ишлар бу тартибда давом этар экан, Туркистонун Мовароуннаҳр ўлкасида тинчлик қарор топмайди. Халил Султон деганимиз эса шундай катта салтанату мамлакатни бир темирчининг тамға қизи ва Бобо Тармиш деган дўкончига топшириб қўйган. Уни шу пайтгача ақаси Пирмуҳаммад ҳам, амакиси Шоҳруҳмирзо ҳам енга олмади. Кучи етганда аллақачон биз каби тор-мор этиб, Самарқандни эгаллардилар. Оллоҳ бу ғалабани бизга насиб этди ва ҳукмдор ҳам асиримиз, – кечмиш воқеаларни батафсил ҳикоя қилиб берди амир Худойдод Хусайний.

Амирнинг ишончли ва қатъият ила сўзлаган гапларидан таъсирланган Шамъи Жаҳон бир муддат не дея жавоб қайтаришни билмай ўйланиб қолди.

– Айни дамда Самарқанд кимнинг элида? – сўради ўйга толганча.

– Қон тўқилмасин, инсонлар ўлмасин дея биз шаҳарни ташлаб чиқдик, – кутилмаган саволдан шошиб қолганди амир Худойдод.

Демак, шаҳарни ташлаб қочган. Шоҳруҳмирзога кучи етмаслигини тушуниб, жуфтакни ростлаган, хаёлидан кечди қўноқнинг. Хулоса қилганда, унинг айни кундаги мақоми номи улуғ, супраси қуруқ, олий даражадаги қочоқ. Бизнинг қўлимиз билан илон овламоқчи.

– Турумни англадим, амир жаноблари. Вазифа ҳам тушунарли. Сиз ғоят тажрибали, кўпни кўрган, устоз бир амир ва қўмондонсиз. Юришу ҳаракат режасини тузиб, пиштиб қўйган бўлсангиз керак. Мана, бугун зоти олийларининг қўноқлари бўлиб, тузларини едик. Оллоҳ сиздан рози бўлсин. Мусофирпарварлик учун чексиз миҳнатдормиз. Эртага Сайрамда бизнинг ҳам меҳмонимиз бўлинг. Худо насиб этса, ўша ерда аҳди қарорни бир ерга қўйиб, ҳаракатни бошлағаймиз. Хон ҳазратларидан олган фармоним ҳам шундайдир. Иншооллоҳ, яратган эгам йўлимизни очиб, мушқулимизни осон этар! – сўнг сўзни айтди валиаҳд Шамъи Жаҳон.

– Қуллуқ, олийнажот валиаҳд зоти олийлари! Умид ҳам шунчалиқдир! Биз ҳам хон ҳазратларига сидқу садоқат ила хизмат этиб, солиқу хирожларни ўз вақтида етказиб турамыз. Бундан сизнинг-да, хон ҳазратларининг-да кўнгилларингиз тўқ бўлсин! – валиаҳд кўрсатган ҳурмат ва унинг сўзидан яйраб кетган эди амир Худойдод. – Истасангиз, бизнинг қароргоҳда тунаб қолинг! – рижо этди амир.

– Ташаккур, амир ҳазратлари. Бунча меҳмонни сизнинг қароргоҳингизга сиғдириб бўлмас. Бир ўзим бўлганимда бажонидил қолардим. Биз борайлик. Эртага лозим топган кишиларингизни ёнингизга олиб, суфрамизга ташриф буюринг.

Нурали ҚОБУЛ

– Даъватлари учун ташаккур. Кўпчилик бўлмаймиз. Ўз-ўзимиз гурунглашиб, маслаҳатлашиб олмоғимиз керак, – деди амир меҳмонни кузатиб чиқаркан.

Валиаҳд Шамъи Жаҳон оғир, қарама-қарши фикр ва ўйлар оғушида амир кўшини тарк этди. Тўлишига бир неча кун қолган ой ёруғида Сайрам томон юраркан, ёнига энг еткили икки амири Раҳимберди Жалойир билан Остонакул Тулкичини чақирди.

Валиаҳд ишорати билан амиру мулозимлар илгарилаб кетган, икки бегини ёнига олган валиаҳд отлари жиповини бўш қўйганча маслаҳатлашиб боришарди.

– Аҳволу вазиятни фаҳмладингиз. Бу турумда қандай ҳаракат этмоғимиз ва қай йўл тутсак тўғри бўлажагини муҳокама этмоғимиз керак. Назаримда, амир Худойдод жуда хавфли, ортга дўниб бўлмас янглиш бир йўлдан кетмоқда шекилли? Бошим қотиб қолди. Бизга унинг Самарқандни фатҳ этиб, бутун Туркистонга ҳукмини ўтказмоқда деб хабар етказгандилар. Энди билсак, Самарқандни аллақачон подшоҳ Шохруҳ эгаллабди. Амир жаноблари соҳилида ўтирганимиз дарё бўйидаги чангалзорларни макон қилганга ўхшайдилар. Бу аҳволда қандай сиёсат юритмоғимиз керак? Ўйланиб қолдим! – амирларидан фикр бекларди валиаҳд.

– Биз ҳам турумдан хабардор кишилардан сўраб-суриштирдик, валиаҳд ҳазратлари. Аҳвол кўп қоришиқ ва таҳликали эмиш, – деди валиаҳднинг ўнг томонида келаётган амир Раҳимберди Жалойир. – Амир Худойдод Барлос бўйи ва ақлидан ошажак ишга қўл урган, чамамда. Биз ҳам амир Остонакул билан шу ҳақда гаплашиб келаётган эдик.

Шамъи Жаҳон сўл томонидаги бек Тулкичига қаради.

– Бу гапни биз эмас, шунчаки тепадаги воқеа ва ҳодисалар моҳиятини англаб-англамаган суворию сипоҳий ҳам

Салтанат тулпори

сўйламоқда, ҳазрати олийлари. Биз келиб-келиб кимсан, етти иқлимни титратган султон соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазратларининг ворису меросхўри Шохрух хоқонга қарши курашамизми демоқдалар.

– Бу гапда асос бор! – деди бекнинг гапидан хаяжонланган амир Жалойир. – Айтишларича, султон соҳибқирон васиятини бузиб, амирзода Халил Султонни бобо тахтига ўтқозишга ундаган ҳам шу, амир Худойдод экан.

– У дастлаб Кўктошни мўлжаллаб, Самарқанд сари от қўйганда, Арғуншоҳ билан Хожа Юсуф шаҳар дарвозаларини беркитиб Халил Султонни кутаётганларини туйиб, тарвузи қўлтиғидан тушганча ортига қайтиб, яна шогирдининг оёғини ўлган, – қўшимча қилди Шамъи Жаҳон. – Қавми барлосдан чиққан ҳар бир бек Амир Темур бўлавермайди-ку!

– Демак, ўшанда ич дарди ичида қолган экан-да. Амирзоданинг бобо хазинасини совуриб, лашкарнинг пароканда бўлишини кутиб, пайт пойлаган дейдилар. Бир ўйлаб кўрайлик, олийнажот валиаҳдим. Амир Худойдод Ҳусайний барлос қавмидан Амир Темурдан сўнг давлату салтанатнинг энг юксак поғонасига кўтарилган одамдир. Болалик дўсти ва сафдошидир. Соҳибқирон ҳазратларининг шунчалик инояту марҳаматларига қарамай унинг набирасини банди қилиб, ўғлига қарши курашиб ўтирибди. Шундай одам подшоҳимиз Муҳаммадхон ва сизга не каромат кўрсатади? Мен шунга ҳайронман. Бу нотоза ўйинга аралашмаганимиз маъқул, – фикрини очиқ сўзлади амир Тулкичи.

– Не тарзда ҳаракат этмоқни таклиф этасиз? – сўради валиаҳд.

Бу саволга жавоб беришга тайёр бўлмаган амир тарддудланиб қолди.

Нурали ҚОБУЛ

– Уни тутиб, Шоҳруҳсултонга топшириш керак, – деди амир Жалойир Шамъи Жаҳон томон эгилиб.

– Уни тирик топшириб бўлмайди, – қўшимча қилди амир Тулкичи.

Валиаҳд индамади.

– Эрта оқшом уларни қўноқ этамиз. Меҳмондорчиликни менинг чодиримда уюштиринг! Иккимизнинг хос суҳбатлашмоғимиз лозимлигини айтиб, бирга келган бекларини бошқа чодирга олинг! Зиёфат охирлашига яқин мен ҳожату таҳорат баҳонасида ташқарига чиқаман! Шунда ишини битиринг! – шивирлаган овозда ҳал қилувчи амрни берди шаҳзода. – Сўраяжак бирор-бир сўровингиз борми?

– Йўқ, валиаҳд ҳазратлари!

– Англадик! – жавоб қилди дами ичига тушиб кетган икки бек кетма-кет.

Улар ўрдунинг Сайрам қароргоҳига етиб келгандилар.

Эрталаб барвақт уйғонган шаҳзода таҳорат қилиб, бомдод намозини ўқиди-да, қорли тоғлардан оқиб туншаётган сой томон юрди. Чодир яқинида амирлар Тулкичи билан Жалойир қўл қовуштирганча, уни беклашарди.

– Режалар пишдимми? – сўради шаҳзода юришда давом этаркан.

– Ҳаммаси жойида! – жавоб қилди амир Жалойир шериги билан валиаҳднинг ортидан эргашаркан.

– Ишни кимга топширажаксиз?

– Жаллодбоши Рустам Шоғуломга! – жавоб қилди амир Жалойир.

Шаҳзода маъқуллагандек бош ирғади.

– Унга иш битирилажак онда амр беринг! Сўнги дам-

га қадар ҳеч ким, ҳеч нарсани билмаслиги керак. Амиру мулозимларига тегишмасин! Мол-мулкларига ҳам!

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, шаҳзодам. Ҳар бир хатти-ҳаракатнинг майда-чуйдасигача ҳисоб-китобини қилдик. Кечаси билан мижджа қоққанимиз йўқ.

– Унда бу суҳбатимиздан сўнг бир оз истироҳат этингиз. Воқеадан сўнг унинг қўшини ҳаракатини ҳам назардан қочирмаслик керак. Шохруҳия тарафда ўғли амир Абдумалик турибди. Улар аламларидан амирзода Халил Султонни маҳв этишлари мумкин, – андишасини тилга келтирди шаҳзода.

– Бизга маълум бўлган турум шундай, шаҳзодам, – суҳбатга қўшилди амир Тулкичи. – Бу хабар қулоғига етиши билан қўшини тарқаб кетади. Зотан, амир лашкаридаги барлос, арлот ва жалойирлар «Шохруҳмирзога қарши жангга кирмаймиз. Кирсак-да қарши тарафга ўтиб кетамиз» дея тил бириктиришмоқда экан. Бунинг устига Самарқанддан чиққандан сўнг қўшини ҳам сиёвсиб қолган дейдилар.

– Бу гап ҳам қароримиз не қадар ҳақлигини кўрсатувчи яна бир муждадир. Бизнинг Туркистонун Мовароуннаҳр тупроғининг бир қаричида кўзимиз йўқдир. Энди бориб истироҳат эта билурсиз, – деди шаҳзода бекларига кетмоққа ижозат бераркан.

Икки бек таъзим бажо этганча тисландилар. Шаҳзода қўлини орқага қилганча сой ёқалаб юрмоқда давом этди.

Совға-саломларни ўн от ва хачирга орттирган амир Худойдод пешин намозидан сўнг Сайрам ўтлоғига етиб келди.

Амирнинг кайфияти чоғ, руҳияти баланд эди.

– Сизни бизга яратганнинг ўзи етказди! Иңшооллоҳ, қадамингиз кутлуғ келажак! – дея қучоқ очиб келарди амир Худойдод.

Нурали ҚОБУЛ

– Иншооллоҳ! Иншооллоҳ! – деди валиаҳд ҳам икки кўлини ёзаркан.

– Ҳой, улуғ амир жаноблари! Бизга қай бир чодирда жой ҳозирладингиз! – мурожаат этди шаҳзода амир Раҳимберди Жалойирга.

– Улуғ амир иккинги роҳат-ла суҳбат этинг дея мана бу шоҳона чодирга, шаҳзодам, Биз беклар эса қаршидаги чодирда гурунглашамиз, – валиаҳдининг шоҳона чодир томон таклиф этди амир.

– Яхши бўлибди. Қўнишажак кўп гапларимиз бор эди, – деди амир Худойдод алоҳида эътибордан яйраб.

Косаларнинг кети узилмас, амир Худойдоднинг тили зўрға айлана бошлаганди. Соқийлар амирга арроқ, шаҳзодага сув тўла бардоқни узатар эдилар.

– Жуда заҳар қистаб кетди. Ижозатингиз-ла бирров чиқиб келсам, – деди шаҳзода ўзини сархушликка солиб.

– Бемалол, бемалол, олийнажот шаҳзодам. Сиз қайтиб келгач, подшоҳлар пиёда боргувчи ул манзилга мен ҳам бориб келаман, – деди амир ҳирқироқ овозда.

– Улуғ амиримизнинг қадаҳларини тўлдиринг. Мен ҳозир келаман! – дея амр берди шаҳзода эшик олдида кўл қовуштириб турган дастурхончи ва баковулга.

– Бу ёққа кел, эй баковул! Мен билан бир косадан арроқ ич! – Ташқарига чиқаркан амирнинг сўзини эшитди шаҳзода.

Энди шаробнинг қолганини ўша ёқда ичасан, хаёлидан кечди кўчма таҳоратхона ва масжид томон юраркан.

Амир Раҳимберди Жалойир Рустам Шоғулумга таълимот берди.

– У ҳала-ҳулага жойидан қўзғала олмайди. Кира солиб туртиб юборгандек бўлиб, ўнг тарафдаги машъала-

ни тушириб юборасан ва чодир ёниб кетмасин дегандек ташқарига отасан. Ним қоронғуда бир сермаш билан ишни битир.

Рустам Шоғулом гап-сўзсиз бош ирғади.

Жаллодбоши қопуда кўриниши билан баковул ва дастурхончи чодирдан отилиб чиқишди. Улар ортидан ёнаётган машъала улоқтирилди.

Чодирдан эшитилган “оҳ” деган овозни амир Жаллойирдан бошқа ҳеч ким туймайди.

Шаҳзода таҳоратхонадан чиққанда икки бек амир Худойдоднинг қонга беланган бошини хуржунга солишарди.

– Амир билан келган кишиларга нима дейлик? – сўради амир Тулкичи.

– Сўйланг! Тўрт тарафлари қибла! Аслида бу ишларда уларнинг ҳам ҳиссалари бор! Бироқ биз кечираемиз! Бош исёнчининг қисмати уларга сабоқ бўлсин!

Валиаҳд Шамъи Жаҳон шундай деганча, саропардаси томон йўналди.

– Бу бошни ҳозирда бизга энг яқин турган амир Шоҳмаликка жўнатамиз. Ўзингиз олиб борасиз ва қатл тафсилотини айтасиз! – амр этди валиаҳд.

– Вазифани англадим, шаҳзодам, – жавоб қилди амир Жаллойир.

Амир Раҳимберди Жаллойир эртаси куни хуфтонга яқин Шоҳруҳияга кириб келди.

Амир Шоҳмалик шаҳар қалъасида эди.

– Итга ит ўлими! – деди амир Шоҳмалик кутилмаган бу воқеадан ҳайратга тушиб. – Сиз Сайрамга қайта билурсиз. Мен бу хабарни хоқони саид ҳазратларига етказажаман. Зоти олийларининг ўзлари валиаҳд қардошимизга чопар жўнатсалар керак, – деди Шоҳмалик амир Жаллойирга миннатдорчилик билдириб. – Шаҳзода зоти

Нурали ҚОБУЛ

олийлари бизнинг мушкуллимизни осон этдилар. Ул кишимнинг барча мушуқларини яратганнинг ўзи осон этсин ва қўлласин! Бу сидқу садоқат ҳамда хизматларини ҳеч қачон унутмагаймиз!

Амир Раҳимберди Жалойир Шоҳмалик билан хайрлашиб, Сайрамга қайтди.

Туркистон тоғлари этаклари, Ўратепа яйлоқларида саратоннинг жазирамаси сезилмас, олий қароргоҳ соя салқин Ўратепада турарди.

Юртнинг тўрт бир ёнидан чопар ва элчилар келиб турар, Туркистоннинг барча беклари хоқон Шоҳруҳга ўз тобеликларини билдириб, совға-салом жўнатардилар.

Раҳимберди Жалойир кетганининг иккинчи куни амир Шоҳмалик ҳузурига мирзо Рустам билан амир Саййид Али Тархон кириб келди.

– Амир Оллоҳдоднинг кимлигини айтмаган бир навқари унинг бошини қалъанинг жанубий дарвозаси қоровулларига қолдириб кетибди.

– Амир Оллоҳдод буюк қардоши Худойдод каби бизга ашаддий яғий эрмас эди. Ёмон бўлибди, – деди амир Шоҳмалик таассуф билан.

– Бироқ у амирзода Халил Султоннинг ёнида биз учун тўрт йилдан бери таҳликали бир шахсият эди, – деди Саййид Али тархон. – Калласи сапчадек узилгани тўғри бўлган. Буни хоқони саид ҳазратларига етказишимиз керак.

– Мен амир Худойдоднинг бошини қариндошларига топширдим. Жасади билан бирлаштириб кўмишларини айтдим. Бу бошни не қиласиз, ўзларингиз ҳал этинг. Қолаверса, амирзодамиз не десалар шу бўлғай, – мирзо Рустамга қаради амир Шоҳмалик.

Хоқон амақиси олдида бирор жасорату баҳодирлик кўрсатиб, эътиборини қозонмоққа тиришаётган амирзо-

Салтанат тулпори

да узилган бошини хуржунга солганча Ўратепа яйлоғи томон жўнади.

Амирзода Рустамни ўраган юз чоғли суворий хоқоннинг Ўратепа қароргоҳи томон от қўйиб борар, отликларга кўзи тушган деҳқонлар кетмонларига суянганча улар ҳаракатини кузатишарди.

Иссиқдан оғочлар соясига ўзини урган хотин-халаж ва бола-бақра кўркуву ҳадик-ла ўзларини панага олишарди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

*Чигамай улусининг умри юз йи-
гирма беш йилга етди. Чингизий
Ҳалокулар давлати Эронда юз
ўттиз беш йилча яшади. Халос-
кор амир Қазағон кенагасдан сўнг
орада кечган ўн икки йиллик давр
ҳалокатли ва ҳаёт-мамонт онла-
ри эди. 1370 йилда давлату мам-
лакат жilовини қўлга олган Буюк
Амир Темур яна Турон деган дав-
лат атамаси ислоҳини муқаррам
тарзда зикр эта бошлади. Фармо-
ни олийларида азалий ва қадимий
ном ифтихор билан қайд этилди.*

Поён РАВШАНОВ

Хоқон қароргоҳида ғалаба ҳавоси эсар, барча ишлар-
нинг сўғишу, савашсиз битаётганидан амиру маъмур,
сипоҳийу суворий мамнун эди.

Саропардада сўнгги кунларда юз берган воқеа ва
ҳодисалар сарҳисоб этиларди.

Нурали ҚОБУЛ

– Салтанат ташвишлари билан бўлиб Боғмозор барлосга, шайх Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари зиёратларига борә олмадик-да, – деди хоқон қаршисида ўтирган амирлар Шайх Нуриддин, Ҳасан Жондор билан Нуширвон Барлосга.

– Келишимизда ёвнинг изига тушиш имкони бўлмади, онҳазрат. Қайтар чоғи албатта Ўсмагга буриламиз, – жавоб қилди амир Нуширвон Барлос.

– Ул зоти олийни зиёрат этмасдан кетсак бўлмас.

– Шайх ҳазратларини анчадан бери оғир дейдилар. Амир Боботурк бошларида ҳақ деб турган эмишлар, – суҳбатга қўшилди Шайх Нуриддин.

– Қазо қадар етганда тупроққа топширишни ҳам амир жанобларига васият қилган эмишлар, – гап қўшди Ҳасан Жондор.

– Воқеалар оқими шуни кўрсатмоқдаки, узоғи билан ҳафта, ўн кун ичида сафаримиз қарийдиган кўринади. Маъқул десаларингиз яғийдан тамизланган Ўзгандни амирзодаларимиздан бирига суюрғол этиб берсак? – бекларига боқди подшоҳ. – Кимни бунга лойиқ деб билгайсиз?

Амирлар бир-бирига қараб қолишди.

– Зоти олийлари бу хусусда не фикрдалар? Ёш нуқтаи назаридан боқсак амирзодаларнинг энг каттаси Рустам мирзо. Ўттизни қораламоқда. Яна ўзлари биладилар, давлатпаноҳ, – фикрини айтди Ҳасан Жондор.

– Амирзода Рустам бу тарафларда эмас, Эрону Ироқ томонларда ўсиб улғайган. Унга ўша ёқдаги бирор вилоят берилса бўлар. Бу ҳудудларга Умаршайх мирзо ўғилларидан Амирак Аҳмадни қўймоқ керак. У ҳам ёш эмас. Йигирма иккига тўлди, – эътироз билдирди амир Нуширвон Барлос.

– Тўғри таклиф. Мен ҳам қувватлайман, – деди амир Шайх Нуриддин.

– Маъқулдир. Амирак Аҳмад мирзонинг ёнига иниси амирзода Бойқарони қўйликким, иш ўрганиб, тажриба орттирсин. Тиш қоққан амирларимиздан Мизроббек ила Мусоколарни улар узангисига тайин этайлик.

– Тўғри бўлади!

– Маъқул! – хоқон сўзини қувватлади амирлар.

– Менинг ҳам давлатпаноҳ хоқонимизга рижойим бор! – деди амир Шайх Нуриддин Худойдод ва Оллоҳдодлар фожиасидан ҳамон ўзига келмаган оҳангда. – Зоти олийларига маълумки, бизнинг вилоят шаҳзода Шамъи Жаҳоннинг мўғул лашкари билан тўла. Иним Бердибек ҳам не қилмоқни сўраб, чопар юборибди. Агар ижозат этсалар, мен Туркистон томон бориб, вазиятни назорат этсам?

– Яна илгаригиси каби сизни тополмай, жойингизни пайпаслаб қолмасак бўлгани, амир жаноблари? – деди чўрткесар Нуширвон Барлос бекнинг кўзига тик боқиб.

– Турумни тафтиш этиб, мўғул черигини сарҳадларимиздан кузатиб қўйиб қайтажакман, – деди амир қизаринқираб, эски айбларини бўйнига олгандай.

– Тўрт йил бурун Ҳиротдан кетаётганда ҳам шундай деган эдингиз-да, биродар, – чекинмасди Нуширвон Барлос.

– Биз хато қилсак, узр сўрагувчи, ҳақ бўлсак, сусгувчи бир бандамиз. Кеча кеча, бугун бугундир, амир жаноблари. Ортга эмас, олдинга, ўннга қарамоқ замонидир. Ўтган гаплар ўтди-кетди. Уни такрорлаб, қўзғамокдин фойда йўқдир, – қизариб-бўзарганча жавоб қилди амир Шайх Нуриддин. – Мен узоғи билан бир ой ичида қайтурман.

– Мунозарага лузум йўқдир. Майли, муҳтарам амир жанобларига ижозат этгаймиз. Фақат қайта дўнмоқ шар-

Нурали ҚОБУЛ

ти ила, – дея баҳсга нуқта қўйди подшоҳ. – Унда шаҳзода Шамъи Жаҳонга элчи ҳам юбормаймиз. Бизнинг номимиздан хизматлари учун ташаккур айтиб, музокара эта билурсиз.

– Амри фармон хоқонимизнингдир.

– Чекина билурсиз, амир жаноблари, – деди хоқон Шайх Нуриддинга кетмоққа ижозат бераркан.

Хаёли қочган амир тисланиб, саропардани тарк этди.

– Сўнги муаммомиз Худойдоднинг ўғли амир Абдухолиқ ва Халил Султон масаласидир. Улар ҳақида не хабарлар бор? – қолган икки амирга қаради подшоҳ.

– Иккисининг ортидан тушган бекларимиздан чопар келмади, онҳазрат. Демак, уларнинг изларига ростламадилар ёки ҳар иккиси-да бирор-бир сойу дарага уриб кетган, – жавоб қилди Ҳасан Жондор. – Бугун-эрта хабар келиб қолар.

– Унда ўғруқ ва лашкарга етказинг. Хўжанд томон юрамиз. Унгача излаганимиз кишилар ҳам топилар, – амр берди хоқон.

Лашкар тўлқини Хўжанд вилоятини тўлдирганча Сайхун соҳилига етиб борди.

– Ерлик одамлар султон соҳибқирон ҳазратлари Дашти Қилчоқ томон юрганларида дўстлари Эдигей ботир билан қўноқлаган манзилни кўрсатдилар. Шу жойга саропардани тикладик, онҳазрат. Шундоққина дарёнинг кун юриш соҳилида, – хоқонга ҳисоб берди амир Ҳасан Жондор.

– Кўп яхши қилибсиз. Шаҳардаги мўборак манзилларни зиёрат этиб, халойиққа хайри худойи берайлик, – буюрди хоқон қад ростлаган саропардани кўздан кечирар экан.

Амиру мулозимлар аср намози учун ҳозирлик кўришарди. Ясовул Султоншоҳ Барлоснинг навқари етиб келганлигини маълум қилди.

Хоқон оҳиста қадам босганча дарёга туташ саропарда саҳнига чиқди. Чағалайлар пастлаб учиб бапиқ овлар, этакда суворийлар отларини чўмилтиришар, пиёдалар ҳам соҳил бўйлаб ёйилганича, қармоқ ташлаб ўтиришарди.

– Амир Султоншоҳ Барлосдан нома келтирдим! – деди ўнбоши либосидаги араб қиёфали чопар.

Хоқон навқарнинг қўлидан мактубни олиб кўз югуртирди.

“Хоқони сауд ҳазрати олийларининг палосларини ўпароқ сўйлайманки, амир Худойдод воқеасидан сўнг, амирзода Халил Султон бир гуруҳ нигоҳбонлари билан Ало қалъаси томон қочган. Отаси ва амакиси қатлидан талвасага тушган амир Абдухолиқ ҳам оз сонли чериги билан қароргоҳини тарк этган. Сўнги олган хабаримизга қараганда боши айланиб, ўнгини кўра олмай қолган амирзода Халил Султон ўзини асир олиб, банди қилган одамнинг ўғли Абдухолиқ Барлосга бориб қўшилган. Бу воқеани эшитиб ҳайрон бўлдик ва зоти олийлари ҳузурларига чопар йўлладик. Амри фармонингизни беклаяжакмиз”.

Чопарни кутаётган амирлар беихтиёр хоқон саропардаси томон оқиб келишарди.

– Амирзода ва амир Абдухолиқнинг изига тушмоқ ҳамда қўлга олмоқни ўзларига юкласак! – деди хоқон амир Шоҳмаликка қараб. – Иккисининг-да сочидан бир туки тўкилмасин! Иззат-ҳурматларини сақлаган ҳолда қароргоҳга келтиринг! Демак, улар Ало қалъаси томонда. Не қадар суворий лозим бўлса ола билурсиз!

Суворийлар Ало қалъаси томон шитоб-ла юриб, уни қамал қилдилар. Амирзода Халил Султон ҳам, амир Абдумалик ҳам қалъа ичида эди.

Нурали ҚОБУЛ

– Лашкар истироҳат этсин. Қамалдагилардан хабар беклаймиз, – деди амир Шоҳмалик мингбоши ва юзбошиларига.

Дастлаб Халил Султондан чопар келди.

– Амирзода йўлларини очиб қўйишингизни ва қалъадан чиқиб кетажакларини етказишни сўйладилар! – деди амир Шоҳмалик ҳузурига келган навкар.

– Мен ўзим қарор бермайман. Қалъага қайт ва биздан хабар бекла, – жавоб қилди Шоҳмалик.

Навкар кетиши билан хоқонга чопар юбориб, Халил Султон хусусида не амр беражакларини сўради. Чопар подшоҳнинг “майли, йўл очиб беринг” деган амрини олиб келди.

Эртаси куни амир Абдухолиқнинг элчиси етиб келиб арз этди.

– Амиримиз қалъани мусохара этиб турган черик дарвозадан узоқлашсин. Мен ўзим хоқон ҳазрати олийларининг ҳузурларига бораман демоқдалар, – дея унинг талабини Шоҳмаликка етказди суворий.

Амир Шоҳмалик қалъа мусохарасини тарк этиб Хўжандга, олий қароргоҳга қайтди.

Хоқонга кечмишда қиблагоҳи қўнган манзил ёққан, бу сўлим ва хайрли гўшадан кетгиси келмасди.

– Амир Шайх Нуриддин бир ойда қайтиб келаман деган эди. Кетганига қирқ кун бўлди. Дараги йўқ. Бирор фитнаю фасодни бошламаса эди, – деди амир Нуширвон Барлос хоқон билан дарё қирғоғини кезганча суҳбатлашаркан.

– Уни бу каби ишга қўл уради дейсизми? – ҳайрон бўлиб сўради хоқон.

– Отам замондан қолган бу одамнинг қўлидан ҳар бало келади, аълоҳазрат.

– Йўғ-е?

– Менинг яна бир ёлғонимга ишонаверинг, давлатпаноҳим. Нияти тоза бўлганда айтган вақтида етиб келарди. Кечикдимми, демак, бир гап бор. Ишқилиб, Ало қалъасидан қочиб чиққан Халил Султон бориб унга қўшилмаган бўлсин денг. Амирзодани шундай, тўрт тарафинг қибла дея қўйиб юбормаслик керак эди.

– Тўғри айтасиз, амаки. Мен ҳам уни қамалдан чиқиб қароргоҳимизга келар деб ўйлагандим. Туркистон тарафга кетди дейишганди.

– Демак, тўппа-тўғри Ўтрорга борган.

– Унда амир ҳузурига одам юбориб, вазиятни биллайлик. Шунга қараб иш кўрамиз, – деди хоқон ўйга толиб. Мавлоно Қутбуддин Қарумий билан амир Тукал қарқараларни амир ҳузурига юборамиз. Амир Тукал йўл-йўлакай Халил Султон хатти-ҳаракатидан ҳам хабардор бўлиб боради.

Кўшинга дарё соҳили бўйлаб, Шоҳруҳия орқали Тошканд томон юрмоқ амри берилди. Хоқон ўз номи берилган бу шаҳарда бир кеча тунади.

Бу орада Қутбуддин садр билан Тукал қарқаро ҳам Ўтрордан қайтиб келдилар.

– Амир жанобларининг феъл-атворлари ўзгариб қолган кўринади, – деди Қутбиддин садр амир Тукал билан саропардага кириб, кўрсатилган жойга ўтиришгач. – Зоти олийларининг кўрсатган марҳамату иноятларини юсак қадрлайман ҳамда шу пайтга қадар йўл қўйган хато ва гуноҳларим учун яна бир бор узр тилайман. Ҳозирча мени олий ҳузурларига бормоқдан маъзур тутадилар деган умиддамен. Шоҳона байроқлар Хурсонга қайтгач, бу банда мирзо Улуғбек Кўрагоннинг хизматларига жон белига бир камарни боғлаб, жонни эса

Нурали ҚОБУЛ

камардек белга боғлаб ҳозир бўлурман дея таъкидладилар, султоним, – дея Шайх Нуриддиннинг жавобини етказди.

– Отасига кўрсатмаган иззатни ўғлига кўрсатар эканми? Унинг бу навбатдаги ёлғону самимиятсизлигига ким ишонар экан? – ҳайрон бўлиб амир Нуширвон Барлосга қаради хоқон. – Яна сиз ҳақ бўлиб чиқдингиз, амаки.

– Худойдоду Шайх Нуриддин ва Ҳамза сулдусларнинг тупроғи бир жойдан олингандир. Уларнинг ҳеч биридан хайру садоқат кутмоқ, марҳумдан садақа сўрамоқ каби дур! – ҳар галгидек сўзи наштарли эди Нуширвон Барлоснинг. – Униям аслида шу ерда, амир Худойдод каби жойини солмоқ керак эди. Боиси, у бизга энди ҳеч қачон яхшиликни раво кўрмайди. Уч йил мобайнида Халил Султоннинг Энадарёдан бизни нари улоқтиришини дайди кўппак каби пойлаб ётди. Бизнинг бу қадар катта куч ила келиб, бир томчи қон тўкмасдан ота юртни қўлга киритишимизга ишонқирамай турган. Эришганимиз фатҳу зафар қаршисида шайтонлаб қолди ва Шамъи Жаҳон қўшинини баҳона қилиб, жуфтакни ростлади.

– Бошим қотди. Мен буларнинг барчасини ота дўст дея иззат-ҳурматини сақласам... Ҳеч бир ёмонликни раво кўрмасам. Ҳайронман. Улар билан энди бошқа тилда кўнишмоққа тўғри келади, шекилли? – амирнинг исён каби гапидан таажжубда эди хоқон.

– Демак, ота душман дўст ўлмас, ота дўст душман ўлмас деган. боболар сўзига ҳам эҳтиётлик билан ёндашмоққа тўғри келар экан, султоним.

– Шундайга ўхшайди. Ота душманлар қолиб, ота дўстларига қарши курашмоқни ўйлаб кўрмаган эканмиз. Бу иш анча оғир кечади, чамаси.

– Энди чекинмоқ йўқ, онҳазрат. Қўл остингиздаги қўшин билан бир эмас, ўнта Шайх Нуриддиннинг корини

қилса бўлади. Ҳамон юришни тезлатмоғимиз керак, – ўз фикрини айтди Нуширвон Барлос. – Амир Худойдод билан Шайх Нуриддиннинг кўзи ҳам Кўктошда бўлган, онҳазрат. Иккисини-да зоти олийларига кучи етмаслиги маълум. Бироқ иқтидоридан путур кетган Халил Султонни йўлдан олиб ташлаш осонлигини яхши билганлар. Агар Шайх Нуриддинда амир Худойдод каби кучлироқ қўшин бўлганида, у бу фитнани аллақачон амалга оширур эди. Бироқ улгурмади. Улоқни амир Худойдод олиб кетди ва охир-оқибатда бу фатху зафар эвазига ҳаммадан ақлли санаган бошини топширди. Ҳаддини билмас ҳалок ўлур, деган гап бор. Фожиа ҳеч кимнинг ақлига келмаган ва тушига-да кирмаган бир вазиятда юз берди. Буни кўриб турган амир Шайх Нуриддин ҳам унинг хоинона йўлидан бормоқда ва натижасини кўражакмиз, иншооллоҳ. Исёну хоинлик йўлидан дўнмас экан, эмган она сутини қон каби қусдирамиз.

– Турум англашилди. Қўшин Ўтрор йўлига тушсин! – амр берди ҳоқон.

Бу орада амирзода Халил Султоннинг Шайх Нуриддинга қўшилганлиги хабари етиб келди.

Лашкар Оқсулотга етган эди. Қоровуллар ёши бир жойга бориб қолган, ҳоқон яхши танийдиган, султон соҳибқирон навкарларидан бўлган Яҳёкони эргаштириб келдилар.

Яҳёко юкуниб келиб, ҳоқон палосини ўпди.

– Амирзода Халил Султон инингиз ўлароқ сиздан раҳм-шафқат ва мурувват беклайдилар. Ул кишим томонидан йўл қўйилган хато ва гуноҳлар устига афв чизигини тортмоғингизни сўрайдилар! – деди у ер билан битта бўлиб.

– Биз ҳар замон амирзодамизни ўз фарзандимиз каби кўриб келдик ва бундан буён ҳам шу аҳду ниятимизда

Нурали ҚОБУЛ

муқиммиз. Бироқ авлодимиз ёшлик қилибми, бир-икки нобакорнинг сўзига кирибми, ўзларини нотўғри ва но-муносиб тутмоқдалар. Биз ул кишимни Ало қалъасидан чиқибоқ ҳузуримизга келадилар, дея бағримизни очиб турган эдик. Аммо амирзода бизга тихирлигу ғайирлик қилиб турган Шайх Нуриддиннинг даргоҳини маъқул кўрибдилар. Начора. Бу каби хатолар тўғри йўлни топмоқларига бир восита бўлар балким. Амирзодамизга сўйланг, ҳеч тараддуд этмасдан кела билурлар. Қон-қардошлик эҳтиромини ўринлатажагимизга заррача шубҳа туймасинлар, – дея Яҳёкони кўнглини тўқ қилиб жўнатди хоқон.

Бироқ икки кун ўтгач, Яҳёко яна этана бўлиб, қайтиб келди.

Тобуғ расмини бажо келтириб, тиз чўқди.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, давлатпаноҳим! Яна остоналарига бош уриб келдим! – деди йиғлоқи овозда.

– Амирзодамиз сўзимизга ишонмаганлар, шекилли. Акс ҳолда Оқсулоту Ўтрор йўлини чангитмаган бўлур эдингиз? – навқарга маъноли тикилди хоқон.

– Онҳазрат подшоҳ амаким илгаригиси каби аҳду паймон тузсалар, бекларидан ким бўлмасин, биз тарафга келса ва фарзандлари унинг-ла биргаликда ҳумоюн ўрдуга юзланажак. Зоти олийларига муносиб авлод ўлмоқдин ўзга лутф истамам дея рижо этдилар. Элчига завол йўқдур. Амирзодамиз сўзларини айнан юксак эътиборларига етказмоққа мукаллафман! – тили бўғзига тикилиб сўйларди дарвешсифат кийинган, бо-шидаги бўрки ҳам қаландарлар кулоҳига ўхшаш Яҳёко.

– Бизнинг сўзимиз сўз, ваъдамиз ваъдадир. Шу пайт-гача шоҳу гадо, ким билан бўлмасин, шартлашиб, қилган аҳди паймонимизни бузмадик. Буни амирзодамиз ҳам жуда яхши биладилар. Ота пойтахтимиз Худойдод ба-

лоси ила қарама-қарши қолмаганида эди, Туркистонун Мовароуннахр ўлкасига юрмоқ ниятида ҳам эмас эдик. Бошкент муҳофазасига келиб не қадар тўғри иш қилганлигимизни эл-юрт, аҳли Самарқанд ва сўнгида амирзодамизнинг ўзлари ҳам кўриб турибдилар. Биз келмасак турум не кечажагини, Шайх Нуриддину Халил Султонни хароб этган амир Худойдод яна не номаъқулчиликлар қилажагини ёлғиз тангри билур эди. Ана шу аҳвол, яратган эгасининг ноқўрлик қилганларни не тарзда жазолаганини кўриб билиб турган жиянимиз булардан хулоса чиқармай, биз қолиб икки сўзли Шайх Нуриддин кабиларнинг этагини тутар экан, табиийки, эртага бунинг сарҳисоби ва ажри бордир. Менинг амирзодамизга ёмонлик тилашим, қиблагоҳимиз руҳи покларига қарши бормоғим, ул кишининг хотираларини чирқиллатмоғимдир. Бир мўъмин-мусулмон подшоҳ ўлароқ, наҳотки, мен шундай ишларга қўл урсам? Буни ҳақ ҳам, халойиқ ҳам кечирмайди-ку! Мен дохил ҳеч бир кимса фарзанд Халил Султоннинг жонига қасд қилмағай. Буюк қардошим, шаҳид Мироншоҳ мирзо руҳи поки ҳаққи ҳурмати уни азиз ва муқаррам тутаман. Унга яғийлик кўзи ила қараганлар муҳаққақ жазоларини олажаклар. Фиску фасодчи ва ғаразчи кимсаларнинг сўзига қулоқ солмоқ ўзини таниган инсон ва подшоҳнинг иши эмасдур!..

Хоқон сўзини тинглаётган Яҳёконинг кўзидан милтиллаб ёш куйиларди. Ҳаяжонини босмоқ учун бир дам тин олган султон босиқ ва вазмин оҳангда сўнг сўзини айтди.

— Амирзодамизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, ҳузурларига амирларимиз Шоҳмалик, Ҳасан Сўфи ва Алика кўкалтошларни йўллаймиз. Менинг сўзимни бошқа амиру вазирлар қаторида бул уч нафар муҳтарам беги-

Нурали ҚОБУЛ

миз ҳам эшитиб турибдилар. Элчилар қофиласига ўзингиз оталиқ қилинг ва амирзодамизни аҳди-паймонимизга иқно этиб, маъқул десалар-бирга олиб-келинг! — амир-Шоҳмаликка қаради хоқон. — Биз Узунато мавзесида бўламиз.

— Амри фармон хоқонимизнингдир! — деди амир Шоҳмалик таъзим-ла ўрнидан қўзғаларкан.

Амир Шоҳмалик Ўтрор сафарини бўйнига олдию, йўлга чиққач, ўйланиб қолди. Халил Султон Шайх Нуриддинни қора тортиб келган. Икковлари бирга бўлсалар керак. Эски, ҳеч қачон мирламайдиган ғанимининг олдига тўппа-тўғри бориб бўлмайди. Кўзлари очиқ экан, улар англаша олмайдилар. Буни ҳар иккиси ҳам биледи. Бироқ сар берса-да, сир бермайдилар. Ўзи ярим манзил берида қолиб, Ўтрорга Ҳасан Сўфи билан Алика кўкалтошни юборади.

Амир Шоҳмалик билан Шайх Нуриддин орасидаги муносабатдан хабардор икки бек вазиятни тушунганча, Ўтрорга қараб кетишди.

Амир Шоҳмалик сув ёқасига чодир тикишни буюрди.

Ҳасан Суфи ва Алика кўкалтош етиб борганда Халил Султон билан Шайх Нуриддин амирзода чодири ўнгида суҳбатлашиб туришарди. Улардан орқароқда қўл қовуштирганча мингбоши Қулман Қиёт нигоҳи ила атрофни назорат этарди. Икки амирни кўргач, ҳурмат юзасидан ўрниларидан туриб, улар истиқболига ўн қадамча юрдилар. Эски қадрдонлар каби қучоқлашиб кўришдилар.

Бу ташрифдан Халил Султон не қадар ташвиш чекиб турган бўлса, амир Шайх Нуриддин шунчалик мамнундек эди.

Амирзода сабаби баҳонасида бошига Шоҳруҳмирзо гурзиси тушиши, ўйлаб юрган пинҳона режалари амалга

ошмаслиги мумкин эди. Ундан қанчалик тез қутулса, шунчалик ғавғодан узоқлашади. Бироқ Халил Султон озодликка чиққач, амакиси Шохруҳ хузурига бормай унинг олдига келиши ҳали-ҳануз амирнинг Туркистон мулкида сўз соҳиби эканлигининг исботи каби эди.

Навкар Яҳёко хоқоннинг сўзларини Халил Султонга оқизмай-томизмай етказди.

– Бу сўзларга биз шоҳидмиз ва ростлигига кафилмиз!
– деди Ҳасан Сўфи ишончли оҳангда.

– Мен ҳам шоҳидлик бераман! – тақрорлади Алика кўкалтош.

Халил Султон беихтиёр амир Шайх Нуриддинга қаради.

– Ало қалъаси қамалидан чиқибоқ, ҳеч бир тараддуд-сиз хоқон амакинғиз хузурларига бормоғинғиз керак эди. Зоти олийлари сўзда ва ўзда муқим ҳукмдордирлар. Ул кишимдан сизга фақат яхшилик келгусидир, – деди муаммонинг осон кўчганидан энгил тортиб амир Шайх Нуриддин.

Бироқ ўзининг бориб-бормаслиги ҳақида оғиз очмади. Амирлар ҳам бу хусусда сўрмадилар.

Подшоҳ амакисининг иноятига инонган, аҳди паймонига эътимод этган амирзода олий қароргоҳ томон йўл олди.

Узунота мавзесида тикилган саропардада кўзда ёш билан келиб амакисининг қўлини ўпди. Хоқон уни бағрига босиб, самимий қаршилади.

– Энди Самарқандни, қиблагоҳнинг сўнг манзилларини зиёрат этароқ Ҳиротга дўнмоқ замони ҳам келди. Биз Узунотадан яна Оқсулот томон юрамыз. Ундан Дизақ ва Илонўтти йўли орқали Ўсмат томон буриламиз. Шайх Мир Саид Барака ҳазратларини зиёрат этгач, Мулунғур сувидан ўтиб, Самарқандга қайтамыз. Сиз, амир ул-ума-

Нурали ҚОБУЛ

ро жаноблари! – Ҳасан Жондорга мурожаат этди хоқон.
– Мирзо Халил Султон бошчилигидаги барча вазиру бекларимиз билан Қароқишлоқ манзилдан тўғри бошкентга йўл оласиз. Биз икки-уч кунда ортингиздан етиб борадурмиз.

– Амри фармон хоқонимизнингдир! – таъзим этди амир Ҳасан Жондор.

Подшоҳ амр этганидек, кўш Қароқишлоқ манзилида айрилди. Кадхудо Худойберди Хитойюз хоқон пойқадамига поёндозлар тўшяроқ кутиб олди.

Ҳасан Жондор ва Халил Султон бошлиқ гуруҳ эса тўхтамасдан Самарқанд сари юрди.

– Ота юртга қайтувингиз муборак, мулки давлатингиз боқий бўлсин, хоқоним! – дея мурожаат этди кадхудо, хоқон ташрифидан боши кўкка етиб. – Қиблагоҳингиз султон соҳибқирон ҳазратлари йўлларидадан бориб, Турон мулкида бирлигу баробарлик, тинчлигу осойишталик ўрнатдингиз. Биз сиз зоти олийларини анча илғари беклаган эдик. Тангрига шукур, умидимизни пучга чиқармади! – хоқонни ўзининг кўноқхона вазифасини ўтовчи хос чодирини – қора уйга бошлади Хитойюз. – Бу чодирда Оллоҳ раҳматига олган бўлсин қиблагоҳингиз ҳазратларини ҳам мусофир этганман! Ул зоти шариф кўноқликларидан сўнг бузмадим ва жойини ўзгартирмадим! Қора уйнинг безак ва жиҳозлари улуғ хоқоннинг нигоҳлари тушган ҳолда турибди! Унча-бунча одамни киритмайман! – хоқоннинг олдига тушиб, гапириб борарди кадхудо.

Қора уйга кирган подшоҳ тик турганча, деворларга осилган катта-кичик сўзана ва чорсилар, айиқ ҳамда йўлбарс териларини кўздан кечирди. Ўтов ўртасидаги хонтахтада дастурхон ҳозир эди.

– Бу суфра бизгами? – кулиб сўради хоқон.

– Албатта-да, зоти олийлари. Тўрт йилдан бери

ошлиқ ҳозирлаб сизни кутамиз. Қани, тўрға марҳамат қилсинлар! Қадамларига ҳасанот, давлатпаноҳ! Сиз асил теурийзодадан ўзим айланайин-а! Ҳа, ана шундай, роҳат қилиб, узаниб ўтиринг! Ёстиқларни қўлтиққа олинг! Туркпатиру қўй ва эчкининг ёғини сиз азиз подшоҳимиз учун атайлаб ҳозирлатганман. Ширвоз шўрваю каклик димламалар тайёр, – оёғи ерга тегмас эди кадхудонинг. – Энди бу юртларни дуч келган насукас, иту битга қолдириб кетманг, султоним. Ота юртда жоҳиллар эмас, оқиллар от ўйнатмоғи керак.

Хоқон қора уйга Нуширвон Барлос билан бирга кирди.

– Тўғри бир гапни айтдингиз, – деди хоқон кадхудо қуйиб узатган қимиздан ҳўплаб косани хонтахтага қўяр экан. – Шаҳзодаю бекзодами, деҳқону чўпон боласими, истеъдодсиз кишини тарбияламоқ – жоҳилликдир. Бундайлар умри охирига қадар, энг олий мақом ва рутбаларга етсалар-да, жоҳилликларича қоладилар. Ёвузлик ва талон-тароҷ этмоқликдан бир оёқлари гўрда бўлса-да, воз кечмайдилар, – суҳбати ғаройиб бу кадхудо ҳақида эшитган эди хоқон.

– Мана, худога шукур. Зоти олийларини кўрмоқу суҳбатларидан баҳраманд бўлмоқ шарафига ҳам ноил бўлдик. Улуғ хоқонимиз, қиблагоҳингиз раҳматли тош устига тош қўйган, даъвосига бош қўйган олам султони эдилар. Эгам сиз азиз фарзанди аржумандларига ул шарафли зотнинг йўлларини берсин! – Шохруҳмирзо ташрифидан чексиз мамнун эди Худойберди Хитойюз. – Бир нарсадан ҳамон ўзимизга келмаймиз, онҳазрат! Султон соҳибқироннинг шарофатлари билан одам бўлган, вазиру амир ул-умаролик мақомига етиб эл таниган, давлату мамлакат сўтининг қаймоғини ялаганларнинг барчаси бугун иккиюзлилик ботқоғига ботиб турибдилар...

Нурали ҚОБУЛ

– Сўйлаганингиз тирикчилик икки юзлик эрмас, юз-сизликдир, кадхудо жаноблари, – Хитойюзнинг сўзини бўлди хоқон. – Шунинг унутманг ва улусга еткурингким, ислон уммати, турон миллатининг қонини ноҳақ тўкканлар шак-шубҳасиз ана шу қонда бўғилажаклар! Улусга сўйлангким, болоқлардан чиқиб келиб юртни сўрамоққа даъвогарлик қилмоқчи бўлганлар сўзига қулоқ солмасин! Мамлакатнинг ҳар бир ҳудуди, барча бурчакларида соҳибқирон Амир Темур тўра ва тузуқлари кечарлидир! Бунга амал қилмаганларнинг гуноҳлари ўз бўйинларидадир!

– Одамлар мендан бир нарсани бот-бот сўрамоқдалар, султоним. Зоти олийлари Самарқандда туриб мамлакатни идора этадиларми ёки яна Ҳиротга қайтиб кетасизми? Ҳамма шундан ташвишда! – асосий сўровни сўради кадхудо:

– Бу хусусда ҳали аниқ бир қарорга келганимиз йўқ, кадхудо жаноблари, – дея кулимсиради хоқон, иссиққина туркпатирнинг четидан синдириб, ёққа ботираркан. – Бу хусусда сиздан сўрсам не маслаҳат берган бўлур эдингиз?

– Жаҳонгир султон соҳибқирон ҳазратларининг қутлуғ Кўктошларига ўтирмақ ҳақ-ҳуқуқига фақат сиз соҳибсиз, онҳазрат! Ақли идрокимизда бошқа бир фикр бўлмағи мумкин эрмас, – жавоб қилди кадхудо.

– Самарқанд бошқаруви тўғрисида шу пайтгача ҳали ҳеч ким билан, ҳатто биз ила туз тотиб ўтирган буюк қардошим Нуширвон Барлос авога ҳам оғиз очганим йўқ. Тўғрими, аво? – амир Барлосга қаради хоқон.

– Тўғри, тўғри, онҳазрат! – саволни жавоблантирди амир бундай муҳим салтанат аҳамиятига молик масаланинг кадхудо ўтовида муҳокама этилаётганидан ҳайрон бўлиб.

– Менинг тушунчам шундай. Туркистон ва Мовароуннахр мамлакатини ўн беш ёшли ўғлим мирзо Улуғбекка топшириб, отабеги ва устози, улуғ амиримиз Шоҳмалик раҳнамолигида иш юритмоғини олий ёрлиқ ила таъсис этамиз. Сўнг қарор бермоқ ва ҳар неки ишни ҳал этмоқ ваколатини амир Шоҳмаликнинг одил фикрию, оқил тажрибасига ҳавола этажакмиз! Не дейсиз? Ҳар иккинги-да ҳеч тортинмай ўз фикрингизни айтишингиз мумкин!

Амир ва кадхудо бир-бирига қараганча сукутга толдилар.

– Одил қарор, онҳазрат! – деди амир Нуширвон Барлос. – Ғоят тўғри ўйлагансиз. Турон давлатининг тўртдан уч қисми айни пайтда зоти олийлари ҳукмронлик қилиб турган Хуросону Қандаҳор, Эрону Мозандарон ва Ироқи ажам юртидадир. Зоти олийларининг ўша тарафда билхосса, Ҳиротда бўлмоқликлари шарту шароит тақозосидир. Олийнажот амирзодамиз ва отабеги амир Шоҳмалик бу ҳудудларни муносиб равишда идора эта биладилар, – фикрини баён этди амир Барлос.

– Амир Шоҳмалик билан суҳбатда бўлганман. Бек бўлса-да, шоҳ ақлига соҳиб кишилик. Мирзо Улуғбекни ҳам кўп ўқиган, одам ва дунё таниган олиму подшоҳ бўлиб етишмоқда дейдилар. Амр темирни кесар дейдилар; давлатпаноҳ! Мен берган саволга жавобни сиз неча йиллардан бери ўйлаб, доноликнинг сўнг сузгичидан ўтказиб юрганлигингиз маълум бўлди. Бошқа сўрову изоҳга ҳожат йўқдур. Амир жаноблари бу масалани ғоят тўғри аниқладилар.

– Биздан яна не сўроқ ва тилагингиз бор? – сўради хоқон бўлиб ўтган фикр алмашувдан қониқиш туйиб.

– Эшитишимга қараганда, Усматга, Шайх Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари зиёратларига борар экансиз.

Нурали ҚОБУЛ

Шарофатингиз ила мен ҳам шу улуғ зотни зиёрат этсам дегандим, — рижо этди кадхудо хижолатли оҳангда.

— Бажонидил, муҳтарам кадхудобек. Узоқ йўлда сиз каби кўпни кўрган ва билган киши ила суҳбатлашиб кетмоқ ҳар кимга ҳам насиб этмас. Усиз ҳам сизни йўлбошловчи ўлароқ олиб кетмоқчи эдик. Болалигимда Ойқор тоғининг Кўкқўтон ёзлоғи этагидаги Камар чортоғига кўпқари тамошо қилгани келган эдик. Бутун Қўрғонтепаю Ўсмаат, Оқсулоту Зомин, Дизақу Ўратепа музофотларининг чавандозлари шу ерда кўпқари чопишар экан. Ҳамон эспайман. Қору бўрон кам тушадиган, шамолпана бир жой эди. Икки томони ярим тик қиялик бўлиб, биз усмонли тупроқларида кўрганимиз амфитеатрларга ўхшарди. Шу тепалиқда ўтириб, кўпқари ва пойгани тамошо қилганмиз. Қўрғонтепа қалъасида бир неча кун тунаб, Дўлана манзили орқали Самарқандга қайтгандик.

— Сўйлаганингиз Камарда ҳозир ҳам кўпқари чопилади, султоним. Айниқса, кеч куз ва эрта баҳорда, — хоқоннинг таклифидан хурсанд эди кадхудо.

— Ҳозир биз Ўсмаат йўли билан юрамизми ёки Михтепа йўли орқали? — сўради хоқон улар йўлга чиқаркан.

— Хотираларига тасанно, хоқоним. Ҳирот каби олис бир ўлкада яшаб, бизнинг дараларнинг сўқоғини ҳам унутмасиз-а? — ҳайрон бўлди Хитойюз.

— Ата юртининг, ватаннинг бир қарич тупроғи, бирор-бир гиёҳу бутаси унутилмайди, оқсоқол. Бегона юртда ҳоким бўлганингдан, ўз юртингда етим бўл дегандек, биз ул тарафларда юрт сўрасак-да, қону имонимиз шу тоғлар, даралару дарёларда. Қисмату қадар зиммамизга оғир ташвишларни юкладики, энди не ҳаракат этмайлик, уни ўринлатмоқ мажбуриятидамиз.

— Бу ота сўзи бева-бечора, фақир-фуқаро учун айтилгандир, султоним. Мени ҳам Исфаҳонга ҳоким

қилиб қўйинг, от ўйнатиб бошқараман, – одатдагидек ҳангомани олди кадхудо. – Бегона тупроқ – девона тупроқ дегани ғариб ғурабо учун, зоти олийлари. Инсоннинг ўз ватанида иши юришмаса, парча экмакка зор бўлиб, зулм кўрса, бундан буюк бахтсизлик йўқдир. Одамлар ана шундай дамда она юртларини тарк этадилар. Ҳазрати олийлари сўйлаган ул илоҳий туйғуни ҳар ким ҳам ҳис эта билмайди. Мулки давлат, иқтидору салтанат шундай экан-да, хоқоним. Жуда камдан-кам амиру маъмурлар эл-юрт, улусу мамлакатни ўйлайдилар. Бошини Шамъи Жаҳон улоқ қилиб чопган амир Худойдодга нима етмасди? Бу атрофда ундан бой-бадавлат одам, дасти узун ҳукмдор йўқ эди. Халил Султон ҳам отабегим дея мушугини пишт демасди. Ҳеч тап тортмасдан куни кеча пешини ўпиб юрган Амир Темур бошкентига бостириб боргани-чи? Эшитиб, қотиб қолдик. Хайрият, сиз етиб келдингизу, томир отмасдан бошимиздан кўтарилди. Бир қўчқорнинг боши кетгунча неча тўқлининг бошини ейди дегандек, орқасидан иниси Оллоҳдоду қанча-қанча кишиларни калласи кетиб, юртини тарк этиб, сарсону саргардон бўлдилар.

– Бунинг барчаси тўлиб-тошиб кетмоқ, иқтидору имконларнинг меъёридан ошиб кетганлиги ва киши феъл-атворидаги очкўзликнинг юзага урганлигидир, – суҳбатга қўшилди амир Нуширвон Барлос.

– Шундай. Бир тўлган, бир тўкилади, амир жаноблари, – бекнинг сўзини маъқуллади кадхудо. – Улар буюк наҳр оқиб турар экан, унинг ёнидан қудуқ қазимоқчи бўлдилар. Биз бу ота қадрдонларингизни дўст деб билар эдик. Бироқ улар билмадиларки, дўстига хиёнат қилган, охир балосига йўлиқади.

– Унинг қаршисидаги даъвогар ҳам суст эди-да, кадхудобек. Биласизким, даъвогар суст бўлса, қози муттаҳамлашаверади.

Нурали ҚОБУЛ

Қофила Ойқор тоғи этагидаги Тайпоқсой яйлоғи ўрта-сидаги Девқўрғон қалъасига етиб келган эди. Хоқон амри билан отларга бироз дам бериб, кўрғонда сояламоққа қарор қилдилар.

– Шайх ҳазратлари ҳузурларига қандай борамиз? – сўради хоқон кўрғондан чиқиб қорли тоғларга кўлини пешанасига айвон қилиб боқаркан.

– Биз ҳозир шу йўлдан Ўсмаатга борамиз. У ердаги муқаддас манзилни зиёрат этиб, сўнгра Новқага ўта-миз. Новқа зиёратгоҳидан сўнг, Боғмозор барлос келади, султоним, – изоҳ берди кадхудо.

Улар Ўсмаатга келиб, Ўсмаотани зиёрат этдилар. Хоқон Қўрғонтепа қалъасини кўздан кечирди.

– Бу қасаба амир Боботурк жанобларининг ватанларидир, – Қўрғонтепани таъриф этди Худойберди Хитойюз.

– Қиблагоҳнинг энг яқин дўстлари Турон баҳодир ҳам шу юртдан. Янглишмасам, мана шу қабристонга кўйилганлар. Падари бузруквор уни кўп сўрар эдилар, – деди хоқон қалъадан туриб кунчиқишдаги кўйиндига боқар экан.

– Турон баҳодирнинг ўғли Эртўғрул Турон ҳам амир Боботурк билан бирга шайх ҳазратларининг ёнида деб эшитдим. Улар амирзода Халил Султон хизматига кирмадилар. Ҳатто мирзомиз уни шоир Масти Қаландар ва ҳофиз Шерозий билан бирга шеър ўқиганлари учун зиндонга ташлатибдилар деб ҳам эшитдик.

– Олиму фозил, шоиру носир, илму фан кишиларига нисбатан подшоҳлар кечиримли бўлмоқликлари керак. Биринчидан, бундай шахсиятлар бировга жабр этиб, бировнинг ҳақини емайдилар. Ҳукмдорлар уларнинг танқидий, ўзларига маъқул келмаган фикрлари учун таъқиб этадилар. Кучли, мард ва ақлли ҳукмдор бундай қилмайди. Ожиз ва кўрқоқ, саводсизу жоҳил подшоҳ эса

дуч келган эс-хуши бутун одамдан ўзига рақибу яғий ясайди. Бош кесмоқ бор, тил кесмоқ йўқ дейдилар. Жиноятчини айби учун калласини кундага етказишингиз мумкин. Бироқ фикр, тушунча учун кишининг тилини кесмайдилар.

Гурунглашиб-аср намозига яқин Новқа булоғига етиб келдилар. Қишлоқ сокинлари хом ғишдан кўтарилиб, усти қамиш билан ёпилган омонатгина масжид атрофида тўпланишиб, ибодатга ҳозирлик кўришар, этакдаги тўрт тегирмонни юргизадиган биллурдек сойдан сопол ва мис кўзаю қумғонларда сув олиб, таҳорат қилишарди.

– Шундай улуғ ва баҳаво масканда тузук бир масжид йўқ экан-да, – деди хоқон тўпланганлар билан саломлашар экан.

– Шу жомени ҳам ҳашар билан тикладик, – деди ўзини имом дея танитган озғин, заҳил юзли киши.

– Биз сизга бир масжид куриб берамиз. Масжид биносининг тикланишига Шайх ҳазратларидан фотиҳа оламиз-да, бу ишни амир Боботуркга топширамиз. Масрафлар хазина ва менинг ҳисобимдан бўлади. Не дедингиз, кадхудобек? Бизнинг таклифимизни маъқуллайсизми? – Хитойюзга қаради хоқон.

– Оллоҳ сиздан бир эмас, минг қарра рози бўлсин, хоқоним! – Ижозат этсангиз мен ҳам амир Боботуркнинг ёнларида туриб, бу улуғ ва савобли ишга ҳиссамни кўшсам. Урнимга янги бир кадхудони сайлатиб, оилам билан Новқага кўчиб келаман. Худо берган умрининг қолганини шу ерда ўтказаман, – кўзда ёши билан кўнишарди бу гапдан руҳланган кадхудо.

– Демақ, англашдик. Ишбоши ҳам топилди. Оллоҳнинг бўйи, юрту улусимизга хайри баракот келтирсин! – тилак билдирди хоқон. – Новқа атрофидаги ерларни сизга суюрғол қилиб бердик.

Нурали ҚОБУЛ

Хоқон Боғмозор барлосга етиб келган эди. Амир Боботурк бошлиқ кишилар подшоҳ Шохруҳни кўзда ёш ила қарши олдилар. Бу мёҳр-мўҳаббат, бу сәммимияту садоқатдан таъсирланган султоннинг ҳам кўзи ёшовлади.

– Шайх ҳазратларининг аҳволлари нечук? – сўради хоқон унинг кўринмаганидан ташвишланиб.

– Ўртача, – жавоб қилди амир Боботурк. – Замон-замон ўзларидан кетиб қолмоқдалар. Оллоҳдан шифо тилаб турибмиз.

– Айни дамда ҳузурларига кирсак бўладими? Табиби-миз ҳам шу ерда.

– Бўлади, онҳазрат. Бироз бурун ўзларига келиб сув ичдилар.

Шохруҳмирзога нигоҳи тушган шайхнинг кўзларидан ёш қуйилди. Подшоҳ эгилиб, шайхнинг қўлини ўпди.

– Ваалайкум-ассалом! Келишингизни билар эдим, хоқони саидим! Қиблагоҳнинг қутлуғ тахтлари муборак бўлсин! Сиз бу тахтда узоқ ўтирасиз! – аранг тилга кириб гапирди шайх.

– Сизга Оллоҳдан шифо, узоқ умр тилаймиз, устод! Новқага бир масжид барпо этмоқни ният қилдик! Шунга бир фотиҳа беринг! Бўшашманг! Ҳали қилажак ишларингиз кўп! Жомемиз битгач, ўзингиз имом ўтиб, илк ибодатни бошқарасиз! – деди хоқон шайхнинг бош томонига чўкаркан.

– Қиблагоҳингиз, султони ғозий ҳазратлари мана шу жомени қуриб берган эдилар. Сиз Новқадаги масжидни қурсангиз... Қандай улуғ савобли иш. Тангри сиздан сўнгсиз рози бўлсин! – дуо қилди шайх. – Умр, ҳаёт дегани шу экан. Яратган бандаси охир-оқибатда тутдек тўкилар экан. Одам боласи ҳолати эллиқдан сўнг йилда, олтмишдан кейин ойда, етмишдан ошгач, соатда ўзгаради. Эгам барчангизга икки дунё саодатига эришмоқни насиб этсин...

Ҳазратнинг бошида ўтирган хоқон, қаршисида тик турган кишилар ҳам бу сўзлар шайхнинг сўнгги видоси эканлигини тасаввур этмагандилар.

Хоқон табиби беморнинг кўкрагига қулоғини тутиб, қон томирини ушлаб кўрди.

– Юрак уришдан тўхтабди, – деди табиб ғамгин оҳангда.

– Шайх ҳазратлари сизга илҳақ эдилар, – деди амир Боботурк йиғламсираб.

– Ё Оллоҳ! Бу учрашув! Авлиёлар ёруғ оламини шундай тарк этадилар! Оллоҳ раҳматига олган бўлсин! – деди хоқон кўз ёшини тиёлмай.

Хоқоннинг ўзи бош-қош бўлиб Шайх ҳазратларини сўнгги йўлга кузатдилар.

– Новқадаги масжид қурилишини эртаданоқ бошланг! Мирзо Улуғбек билан эски дўстингиз, устоз амир Шоҳмаликни Туркистонун Мовароуннаҳр тасарруфи учун қолдирамиз! Сизни эса Ўсмаат музофоти ҳокимлигига тайин этамиз. Бошкентга бориб, уларга ҳам қўлқанот бўлиб туринг! – деди хайрлашаркан хоқон Боботуркка.

– Оллоҳ сиздан рози бўлсин, шарафли хоқоним! Бу эътиборингиздан бошим кўкка етди. Менинг ёшим ҳам бир жойга...

– Амир Худойдод сиздан ўн ёш катта эди, янглишмасам. Шу ёшда ҳеч тап тортмай Кўктош орзусида Самарқанд сари от қўйди. Модомики ота дўсти экансиз, мен сизнинг хоқонингиз эканман, амримизга бўйсунасиз! – бекнинг сўзини кесди хоқон.

– Уэр тилайман, султоним! Бир қошиқ қонимдан кечинг! Амри фармон хоқонимизнингдир! Ижозат этинг, зоти олийларини бошкентгача кузатиб борай! Амирзода Улуғбекни ҳам жуда соғиндик! – деди бек юраги тўлиб.

Ёзнинг қизғин қуёшида найза учлари ва дубулгалари ялтираб кетаётган суворийлар тўпи Вастмандни тарк этиб, Мулунғур суви томон борарди.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

*Яхши хотин эрни кўндиради,
Ёмон хотин эрни синдиради.
Халқ сўзи*

Бошкент муҳофазаси учун қолдирилган Мирзо Улуғбек Кўксаройда қиблагоҳидан хабар беклар эди.

– Султон зоти олийларининг хос топшириқлари ила келдим. Давлатпаноҳ шайх Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари зиёрати учун Ўсмагга кетдилар. Амир улумаро Ҳасан Жондор мирзо Халил Султонни олиб, Самарқандга келмоқда. Амирзодани яхши қўрима билан Боғи беҳиштга жойлаштирар экансиз! – дея подшоҳнинг амрини ўғлига етказди навкар.

– Амирзода Халил Султон қўлга тушдимиз? – ҳайрон бўлиб сўради мирзо.

– Шундай, улуғ амирзодам! Бош эгиб келиб, хоқони саид қўлларини ўпдилар ва афв этилдилар! – жавоб қилди навкар.

– Ё Оллоҳ! Ана унинг қудрати! – деди амирзода қўлини орқага қилиб наридан бери юраркан. – Ҳар неки ишнинг охир-оқибат ҳисоб-китоби бор экан-да! Улар не замон этиб келадилар?

– Икки намоз ораси муддат ўтса керак, амирзодам, – жавоб қилди чопар.

– Унда Боғи беҳишт томон кетдик. Мусофирларни қаршилайлик, – деди амирзода кутилмаган хабардан ҳаяжонланганча, саройдан чиқаркан.

Улар Боғи беҳишт дарвозасига етиб боришлари билан этакда Мулунгур яйлови тарафда суворийлар қораси кўринди.

«Ана тақдирнинг ғалати ўйини. Амирзода қардошим бизни қаҳратоннинг қировли кунда бобо бошкентимизга киритмай, кўча-кўйда хору зор этган эди. Энди эса мен у кишини муносиб қаршиламоқ учун Боғи беҳиштда ҳозирлик кўрмоқдаман. Қиблагоҳ ҳазратлари Боғи беҳиштда кўрима билан сақланг дебдилар. Шаҳарга киритмангиз деганлари бўлса керак бу. Падари бузруквор амирзоданинг қисматини қай тарзда ҳал этар эканлар? Ҳар қандай вазияту шароитда уни Туркистонда қолдириб бўлмайди. Ҳойнаҳой, уни ўзлари билан бирга олиб кетсалар керак», отлиқлар тўдасини яқинлашишини кузатганча ўзича мушоҳада этарди Мирзо Улуғбек оҳиста қадам босганча, кўшк томон юраркан.

– Мусофирларни қаршилаб, кўшкнинг буюк солинига олиб-киринг! – буюрди ортидан келаётган ясовулбоши Ражаб Турдиқорага. – Мен уларни ўша ерда қарши оламан.

Амирзода Улуғбек солин ўртасида турарди. Халил Султон амир Ҳасан Жондор билан суҳбатлашиб келарди. Унинг эғнидаги шоҳона тўни унниққан, қадам босишлари ҳам пойинтар-сойинтар эди.

Мусибат ва бахтсизлик шундай. Одам тўппа-тўғри йўлда ҳам оёғи чалишиб, адашиб кетади. У Самарқандга кира олмай, сарсону саргардон Дабусия қалъасининг совуқ хонасига етиб борганида, Бухоро аркида Халил Султоннинг одамлари босиб келиб, бор-будларини тортиб олган, аранг Қорақўл орқали Энадарёгача қочиб борганида ҳис этган эди бу туйғуни. Энди эса у кўргиликлар бир рўёга ўхшайди. Бошига шу кунларни солган, буюк қардоши каби инсон энди асиру маҳкум

Нурали ҚОБУЛ

мақомида ҳузурига келмоқда. Бекорига улус одамгарчилик отаннинг қули эмас демайди. Эгаси инсон ўлароқ яратган, кишилиқ даъвосидаги ҳар-бир бандаси, ҳар қандай шароитда одамийлик шаън-шарафини, қалбу қиёфасини йўқотмаслиги, злу юрт кўз ўнгида ўзи, сўзи ва юзи бир бўлмоғи керак. Шундай фазилатга эга шахсиятларгина комиллик йўлида илгарилаб, ҳаққа ета билурлар.

Ўйга толган амирзода Улуғбек солин ўртасида ҳамон ҳайкалдек қотиб турарди. Хотираларнинг зил-замбил юкидан бош кўтариб қўноқлар сари бир қадам ҳам босолмади.

Мирзо Халил Султон йиғламсираган қиёфада келиб, уни қучоқлади.

– Биздин ҳар неки хатолиғ ўтган бўлса кечиринг, амирзодам! Буюк хатолиғ ўтди! Нобоп маспахатчилар ва ота душманлар йўл-йўриғига қулоқ тутиб, янглишдик! Энди ҳеч нарсада кўзимиз йўқ! Фақат хоқони саид ҳазратларининг раҳми шафқатлари, ҳиммату марҳаматларига сиғинаман! – деди амирзода гуноҳ қилган боладек қизариб, ярим йиғи оҳангида. – Доғда қолдик, ота яғийлар бизни бир-биримиздан айирдилар.

– Хуш келдингиз, қардошим. Келинг, ўтиринг, истироҳат этинг! – меҳмонни солин тўридаги курсига бошлади амирзода унинг аҳволига раҳми келиб, кўзи ёшовларкан. – Қиблагоҳдан амр олдим! Сизни ушбу боғда мусофир этмоқни тайинладилар! – Биз сиз азиз буюк қардошим ила жон-жигармиз! Кўнглингизга ҳеч бир шубҳа келмасун! – деди Улуғбек самимий оҳангда.

– Оллоҳ рози бўлсин хоқони саид зоти олийларидан. Мени ўз фарзандлари каби қаршилаб, ҳар неки шарт-шароитни муҳайё этдилар! – ўзини босиб олмоққа уринарди мирзо Халил Султон.

– Ёшдан хато, улуғдан узр дейдилар. Йўлдан чарчаб келдингиз, амирзодам. Истироҳат этинг. Йўлнинг сўнги ҳаётнинг сўнги эмасдир. Қиблагоҳ эртага етиб келар эканлар. Иншооллоҳ, насиб этса кўришурмиз, – деди. суҳбатни не тарзда давом эттиришни ўйлаб кўрмаган Мирзо Улуғбек. – Муҳтарам амиримиз Ҳасан Жондорга неки эҳтиёжингиз бўлса сўйларсиз. Оллоҳга омонат бўлинг!

– Жуда йўрғунман. Таппа ташлаб ухлайман. Сиздан-да эгамиз рози бўлсин, амирзодам! – деди ҳаяжонини босиб олган Халил Султон Улуғбекни солин эшигига қадар кузатиб келаркан тўхтаб, Улуғбекнинг чап елкасига ўнг кафтини қўйди.

У қандайдир муҳим бир гапни айтадигандек ўйга толиб, чуқур нафас олди. Юмганида кўзидан дувиллаб, ёш оқди. Унинг аҳволига ачинган Улуғбек мирзо не дегарини билмай амирзодани бағрига босди.

– Ақлингизга ҳеч бир ёмон фикр қелмасин, қардошим! Қиблагоҳ ҳазратлари сизга чексиз меҳр-мурувват кўрсатадилар! – деди тилига бошқа калима келмай.

– Бошга тушганни кўз тортади, амирзодам! Дунёда шундай ишлар борки, жигарим, уни ақл-идрок тарозисига тортиб, изоҳ этиб бўлмас. Мен номаълум бир қисмату қадар қаршисида турибман! Бир нарсадан кўнглим тинч-ким, бобо бошкентимиз сиз каби наиф ва зариф, кўнгли пок бир авлодимиз элига кечмоқда! Қасд қилганлар паст бўлдилар! Авваламбор, минганингиз салтанат тулпори муборак бўлсин! Бу тулпор ҳеч қачон толмасин! Сиздан бир рижойим борки, жигарим, буни бошқа ҳеч кимга айтмайман. Айта олмайман. Менинг Шод Мулқдан уч ёшли бир қизимиз бор. Бошимга бир иш келажак бўлса уни сизга, сизни эса худога топширдим! – елкалари титраганча йиғлаб юборди Халил Султон. – Сиздаги асиллик ва одилликка ишончим томдир, мирзом!

Нурали ҚОБУЛ

Бу гапдан шошиб қолган Мирзо Улуғбек яна меҳр-ла уни кучоқлади.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, қардошим! Оллоҳнинг изни ила ҳар неки истагингиз бўлса бажо келтиражакман, – деди овози товланиб. – Сизнинг барча ҳассосиятингизни кўз ўнгимизда тутажакмиз!

Ўзини йиғидан тўхтата олмаётган Халил Султон Улуғбекни қаттиқ бағрига босди-да, гап-сўзсиз ортга бурилди.

Улуғбек қутилмаган бу суҳбат ва шоҳликдан бандиликка тушган қисмат қаршисида лолу ҳайратда туриб қолди.

Амирзода шу қадар оғир ва тушкун аҳволда эдики, унинг кўнглини бирор илиқ сўз ёки ҳаракат билан олиб, тасалли этиб бўлмасди.

– Сиз-да қолинг ва боғни муҳофаза этаётган юзликни назорат этиб туринг! – деди Мирзо Улуғбек ортидан келаётган Ражаб Турдиқорага.

Дарвоза томон юраркан, беихтиёр, орқага ўтирилди. Ўзи амирзоданинг келишини кузатган еридан Халил Султон унга қараб турарди.

Таппа ташлаб ухламоқчи эди, хаёлидан кечди амирзоданинг.

Мирзо Халил Султон қайтиб курсига ўтирганча пичирлаб, шеър ўқирди.

– Қоғоз-қалам келтира билурмисиз? – деди қаршисида қўл қовуштириб турган мингбоши Қулмон Қиётга.

Мингбоши қопу ўнгида ошчи ва баковулларга иш буюраётган амир Ҳасан Жондор томон юрди. Муншийдан қоғоз ва қалам олиб келди. Амирзода бир муддат қоғозни қитирлатиб лаби пичирлаганча ёзди.

– Бир битик битдим. Келинг, мингбошибек. Қаршимга ўтиринг, – деди Қулмон Қиётга курсини ишорат этаркан.

– Шеър ёзиб ўзимни чалғитмасам юрагим тарс ёрилиб кетадигандай.

– Буюринг, подшоҳим! Жоним билан эшитгайман, – деди мингбоши шаҳзода қаршисига оғир чўкаркан.

Амирзода ҳазин овозда шеър ўқимоққа тутинди:

Ёруғ олам менга тор,
Йўқ кўзим қароқлари.
Не замонким битажак,
Ҳижроннинг сўроқлари.

Наҳот бўлса бегона,
Оташин дудоқлари.
Рўё бўлиб қоларми,
Ғамзали яноқлари.

Дардима эди малҳам
Ул нозик бармоқлари.
Нозу карашма ила
Ҳолими сўрмоқлари.

Бизни ҳалок этарми,
Ғанимлар қармоқлари:
Шуми қисмат қадарнинг,
Юзини бурмоқлари.

Қиёматга қоларми,
Ортимдан бормоқлари.

– Кўп яхши битик, – деди Қулман Қиёт амирзоданинг шундай оғир кунда ҳам ишқ-муҳаббат ҳақида шеър ёзганидан ҳайрон бўлиб.

Нурали ҚОБУЛ

– Айтишларича, Шод Мулк Термизда эмиш. Уни келтирмоқларини хоқон ҳазратларидан сўрасакмикан? – Ҳаёмон ҳаёли элдан кетган тожу тахт эмас, маликада эди амирзоданинг.

– Маликани келтиришни билмадиму, хоқон ҳазратлари бизни ўша томонга олиб кетсалар керак, – жавоб қилди мингбоши.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми?

– Менимча, шундай, подшоҳим. Малика ҳақида хоқон ҳазратларига гап очмоққа лузум йўқдир. Барибир маликани сиздан айирмайдилар, – фикрини айтди Қулман Қиёт.

– Шу битикни мактуб ила бирор навкар орқали юборсакмикан? – сўради амирзода мингбошидан.

– Хоқон ҳазратлари бошкентга етиб келсинлар. Тақдиримиз ҳал бўлсин. Шунга қараб ҳаракат этсак маъқул бўлармикан, султоним, – маслаҳатомуз оҳангда жавоб қилди Қулман Қиёт.

– Тўғри айтасиз. Амакимнинг кишиларини беклайлик. Хуллас, ҳамма нарса элдан кетди, мингбоши. Энди фақат жоннинг омон қолиши ҳақида қайғурмоқ керакка ўхшайди. Атрофимда сиздан бошқа кимса қолмади шекилли. Сиз ҳам мени ташлаб кетманг! – деди Халил Султон ўксик овозда.

– Кўзим очиқ эркан, танамда қоним оқаркан, ёнингизда бўлурман, подшоҳим! Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин! – жавоб қилди мингбоши.

– Бошим айланиб, кўнглим айнимоқда. Мени ётоқ хонасигача кузатиб боринг, – деди амирзода ҳорғин ва ўксик овозда.

Қулмон Қиёт амирзодани суяганча солин тўридаги ётоқ одаси томон элтди. Ечинтириб, ётқизди. Амирзода яна чақириб қолармикан деган ўйда хона эшиги ёнига бир курсини олиб келиб ўтирди. Кутганидек хонадан амирзоданинг овози келди. Бироқ у битик айтарди:

Сенла кечган кунлар қадрин билмадим,
Сенсиз кечган ҳеч бир куним кулмади.

Бир зум жимиб қолган амирзода яна шеър ўқий бош-
лади. Бу гал шоир Саккокийнинг ўзига бағишлаган бити-
гини ўқирди:

Тарихқа саккиз юз доғи ўн эрди-ю, қадр ахшоми,
Бир ой туғилди дунёда ким мамлакатда хон эрур.

Шоир зоти ҳам ғалати бўларкан, ўйларди мингбоши
солинни кузатар экан. Ким тахтга ўтирса шунга ҳамду
сано ўқиб, мадҳия битаверишади. Бироқ улар орасида
Лutfий каби ҳатто Амир Темурдек одамга ҳам мадҳия
битмаганлари бор.

Тун бўйи уйқуси бўлиниб, ағдарилиб чиққан Мирзо
Улуғбек бомдод намозини ўқиди-да, бир оз ҳаво олиб
айланмоқ учун Кўксарой ҳовлисига чиқди. Амирзоданинг
сарой саҳнида юрганини кўрган амир ул-умаро Ҳасан
Жондор Бўстонсаройдан чиқиб, ёнига етиб келди.

– Хайрли сабоҳлар, улуғ амирзодам! – дея салом
берди амир Жондор таъзим-ла.

– Ассалому алайкум. Ваалайкум-ассалом. Амирзода-
мизнинг кечаги аҳволи руҳияларини кўриб кўп мутаас-
сир бўлдим. Шоҳликдан амир Худойдод қўлига асирлик-
ка тушиб, ўзларини анча олдириб қўйибдилар, – деди
амирзода бош-вазир билан бирга айланар экан.

– Шоҳликдан маҳбусликка тушмоқнинг ўзи бўлмай-
ди, шаҳзодам. Ҳалиям амирзодамизнинг юраклари
бақувват экан. Бошқа бири бўлганда шайтонлаб қолар
ёки интиҳор¹ этарди. Амирзодамиз от миниб, оталарини
ҳам унутдилар, – гап қўшди амир Жондор.

¹Интиҳор этмоқ – ўз-ўзини ўлдирмоқ, ўз жонига қасд қилмоқ.

Нурали ҚОБУЛ

– Бир китобда ўқиганим бор. Буюк севги, ишқ-муҳаббат ҳам кишини ҳар қандай оғир тўсиқлардан эсон-омон ўтишига куч-қувват бахш этаркан. Кечаги уч-рашувда бир ҳолат диққатимни тортди. Амирзода мен ила қўнишмоқдалару хаёллари жойида эмас. Ҳойнаҳой, маликаларини ўйлаётган бўлсалар керак, дея захн этдим.

– Бироқ хоним зотига ўч эркак мулки давлатга ҳам муккасидан кетган бўлади. Аёл зотининг ўндан тўққизи ана шу – мулк ва давлати учун эркакларни эъзозлайдилар. Балким малика ўша, ўндан бир, ишқу муҳаббат-ла эркакка боғланиб қолган аёллар сирасига кирар. Буни энди кўрамиз, – мушоҳадали қўнишарди амир Жондор. – Шаҳвоний ҳиссиз яшай олмайдиган эркак ва аёл борким, уларнинг кўзига ўшал муносабатдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Бундай хасталиқдан худо сақласин. У охир-оқибатда ҳар икки жинс вакилини ҳам фалокатга етаклайди.

– Ҳа, одатда катта муҳаббатлар фожиа билан тугайди дейдилар, – амир Жондорни диққат билан тингларди Мирзо Улуғбек. – Хуллас, бугунги иш режамиз қандай? Қиблагоҳ ҳазратлари не замон етиб келар эканлар?

– Ҳарҳолда аср намозигача келиб қолсалар керак. Кўксаройдаги буюк бобонгиз ҳазратларининг хос хоналарини ва Боғи Дилкушони ҳозирлаб қўйдик. Қаерни кўнгиллари тусасалар шу ерда қолажаклар. Пешин намозидан сўнг қаршиламоқ учун йўлга чиқсак бўлади. Унгача мен Боғи Беҳиштга бориб қоровулларни кўздан кечириб, амирзода Халил Султондан хабар оламан.

– Маъкулдир. Мен Кўксаройда бўламан. Бирор янгилик бўлса хабар етказарсиз, – деди амирзода сарой томон юраркан. – Ҳа, айтгидек, бир нарсани сўрамоқни

Салтанат тулпори

унутибман, – дея ортга қайтди. – Амирзода Рустам қаерда? Сиз-ла баробар келдими ёки қиблагоҳ билан биргами?

– Давлатпаноҳимизнинг амрлари билан Боғи Жаҳон-намога ерлаштирдик, амирзодам.

– Ул кишимнинг қардошлари Пирмуҳаммад ва Искандар мирзолардан не хабарлар бор? Анча бўлди Эрону Ироқ томондаги воқеалардан бехабармиз?

– Маълумингизким, сўнгги тўқнашувда Пирмуҳаммад мирзо икки кичик қардоши устидан ғолиб келган. Хуросон томонга қочган мағлуб мирзоларнинг бири хоқон ҳазратлари узангасидан нажот топди. Жайхун томон юзланган амирзода Рустамнинг нияти дастлаб Қайду мирзони қувиб чиқиб Балхни эгалламоқ бўлган. Одамлари панд бериб, қочиб кетгач, тарвузи қўлтиғидан тушиб, Жайхун томон юрган. Навбатдаги мақсади падари бузруквори мулки бўлган Ўзганд мамлакатини эгалламоқ эди.

– Қиблагоҳ Ўзгандни мирзо Амирак Аҳмадга суюрғол қилиб берибдилар-а? Нега буюк қардоши Рустамга бермадилар?

– Мирзо Рустамнинг феъл-атворида исёну ғалаёнга мойиллик бор. Бугун унга Ўзгандни берсангиз, эртага Самарқандни, индин эса Бухорони талаб қилади. Хоқони сайд зоти олийлари шуни назарда тутдилар, чамаси. Лозим кўрсалар унга ҳам, Халил Султонга ҳам раҳматли падари бузрукворлари ҳукмронлик қилган мамлакатлардан бирор-бир вилоятни берсалар керак. Фикри ожизимча, воқеалар оқими шуни кўрсатмоқда. Илиб-илиб ёз бўлар, совиб-совиб қиш бўлар дегандек, ҳар ким феъл-атворида яраша олажагини оладир, амирзодам.

– Англадим. Демак, мирзо Рустам амир Худойдод

Нурали ҚОБУЛ

билан тил бириктириб ёки ўзбошимча отамерос Ўзганд мамлакатини эгалламоқчи бўлган экан-да? – ҳайрон эди мирзо.

– Шундайдир, амирзодам. Бироқ ёнида қолган сўнги амиру мулозим, суворийу сипоҳийлари ҳам қочиб кетиб, режаси пучга чиқади ва қолган-қутган отлари билан Андхуд яйлоғига етиб келади. Андхуд ҳокими амир Саййид Аҳмад тархон уни муносиб қаршилайди ва ўз вақтида чопар билан мактуб юбориб, бу ҳақда хоқони саид ҳазратларини хабардор этди. Султон ҳазрати олийларининг амрлари билан чопарнинг кўлига иккита мактуб тутқаздик. Бири Хуросон ҳудудларида амирзода Искандарга зиён-заҳмат етказмай келган томонига ўтказиб юбориш ҳақида нишон бўлса, иккинчиси амирзода Пирмуҳаммадга эди. Мактубда мирзо Искандарни ҳузурига чорлаб, инояту шафқат кўрсатиб, мамлакатнинг чекка вилоятларидан бирини бермоқликни таъкидладилар. Бу мактуб амирзода учун нажот вазифасини ўтайди ва у Шероз томон отланди. Бироқ йўлларнинг бошланиш жойлари ва чегаралар кўриқланганлиги учун саҳрома-саҳро, даштма-дашт юриб, ит азобида Шерозга етиб боради. Пирмуҳаммад мирзо инисининг одамларини шаҳар дарвозаси ташқарисида қолдириб, бир ўзи келганлигини ифтор қилаётиб эшитади ва эҳтирому эътиқод билан ҳузурига чорлайди. Қардошларча меҳрмуҳаббат кўрсатиб, подшоҳлик ашёларини муҳайё эттиради ва Шоҳ Шужонинг Мурдастон маҳалласидаги ахта¹ чиси Рамазон оқога тегишли ҳашаматли уйига жойлаштиради.

– Пирмуҳаммад мирзо билан Султон Аҳмад Жалойир орасидаги қарама-қаршилик ҳам ҳануз давом этмоқда эмиш. Кеча Исфаҳондан келган бир савдогар Султон

¹Шоҳларнинг йилқичиси, отбоқари.

Аҳмаднинг Самарқандда банди бўлган ўғли Алоуддав-ла отасига қарши исён кўтарибди дебди. Шу гаплар тўғримиқан?

– Тўғрига ўхшайди, олийнажот амирзодам. Биз Ўт-рорда эканмиз, Пирмуҳаммад мирзо Ироқу Форс мам-лакатларидаги сўнги воқеалар баёни битилган мактуб-ни чопарлари орқали жўнатибдилар ва ҳар доим хоқони саид амри фармонларига боғлиқ қолажақларини қайд этибдилар.

– Мирзо Пирмуҳаммад Шерозий барча темурийзода-ларнинг асили ва одилидир! – деди Мирзо Улуғбек унга ҳаваси келиб.

– Бироқ катта ва чексиз ҳокимият манаман деган ҳукмдорни ҳам гоҳида издан чиқаради, амирзодам. Кам-дан-кам подшоҳлар иқтидори юксак нуқтага етганда-да олий даражадаги инсонликларини сақлаб қоладилар. Амирзода Пирмуҳаммад билан Гандумон яйлоғида кўришган эдим. Том шоҳ ақли-закосига соҳиб бир подшоҳдирлар, – амирзоданинг фикрини қувватлади Ҳасан Жондор.

– Уэр тилармен. Сўзингизни кесдим. Султон Аҳмад Жалойир ва ўғли ҳамда Пирмуҳаммад мирзолар муно-сабати ҳақида билги бермоқчи эдингиз?

– Пирмуҳаммад мирзо Ироқу Форс мамлакатлари-ни забт этгач, Ҳувайза, Шустар ва Хузистоннинг бошқа шаҳарларига қараб юрадилар. Боиси, бу шаҳарларнинг ҳокимлари Хонд Саид Барлос, Шайхзода ва амир Ту-каллар Султон Аҳмад Жалойир билан хуфёна тил би-риктириб, амирзодага тутун қайтара бошлайдилар. Мирзо бу уч ҳокимга уларнинг жону моллари омонлиги, шаъну номусларига даҳл қилмаслик, бўлиб ўтган пасту баланд гапларни қўзғамаслик ва Хонд Саид Барлоснинг

Нурали ҚОБУЛ

гуноҳидан ўтажагини таъкидлаб, уч ҳурматли амирини юборади. Ҳокимлар ўзаро маслаҳатлашиб, Шустардан бир фарсах нарига етиб келиб саропарда тиккан амирзода ҳузурига хазиналару қимматбаҳо тортиқлар билан келиб, палос ўпиш шарафига муяссар бўладилар. Ўзлари ҳам шоҳона лутф-марҳаматлар, совға-саломлар билан тақдир этиладилар. Шустар дорулиморасига келиб тушган подшоҳга курд ҳашамлари ва Жазира бадавийлари вакиллари Саййид Юнус ва Саййид Абдуллоҳлар муносиб тортиқлар юбордилар.

– Султон Аҳмад Жалойир шу юришлардан сўнг Пирмуҳаммадга қасдланадими?

– Айнан шундайдир, амирзодам. Амирзода Султон Аҳмад Жалойир ҳеч қачон теурийларга қарши биринчи бўлиб ҳужумга ўтмаган. Доимо пусиб, чекиниб, қочиб юрган. Қора Юсуф билан бўлган жангда Мироншоҳ мирзонинг шаҳид этилганидан руҳланиб, илк бор бу ишга журъат этади. Катта кўшин билан келган султон Аҳмад, Ҳувайза, сўнгра Дилфуз қалъасини эгаллайди.

– Султон Аҳмад Жалойир Ҳувайза қалъасини тонг қоронғусида, қалъа ҳимоячилари уйқуда эканлигида босиб, барчани тиғдан ўтказган дейдилар. Шу тўғрими?

– Шундайдир, олийнажот амирзодам. Жуда оз киши бу қирғиндан омон қолиб, асир тушади. Султон Аҳмад асирларга тегмайди. Бундан хабар топган Пирмуҳаммад мирзо Нуширвон ва Тукал барлосларни Ҳузистон бекларига ёрдам учун жўнатади. Амирлар Ромхўрмуз ҳокими Улусбек билан биргалашиб қаршилиқ кўрсатадилар. Шаҳар аҳлига Мавлоно Қутбиддин бошчилик қилади. Бироқ икки амир Султон Аҳмаднинг катта кўшинидан чўчиб қочадилар. Қалъа ҳимоячилари яғий тиғи остида қолади. Султон Аҳмад Жалойир қози Қутбуддинни бир гуруҳ ҳимоячилар билан бирга қатл этади. Соғ

қолган одамларни Шустарга ҳайдаб кетиб, Ромхўрмуз қўрғонини вайрон қилади. Хузистон ишини битириши билан Боғдоддан нохуш хабар, ўғли Алоуддавнинг ғалаён қилиб, Табризга юрганлигини туяди-да, бошкент томон от суради. Отасининг рағбатисиз Озарбайжон сари отланган Алоуддавгани эса Қора Юсуф Туркман тутиб, Абдулжуз қалъасида банди ўлароқ сақлайди. У ҳозир ҳам ўша қалъада дейдилар.

– Демак, ота билан бола ўртасида ҳам тахт учун талашмоқдек разил ҳолат юз берар экан-да? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода Улуғбек.

– Одатда оталар раҳм-шафқатли бўладилар, мирзом. Болаларнинг хомлигидан фойдаланган хоин фитначилар шахзодаларни оталарига қарши қайрайдилар. Машҳур Султон Муҳаммад Ўзбакхоннинг ўғли Жонибекхонни ўз фарзанди Тўхтақия қатл эттиргани каби. Султон Аҳмад ҳам ўзининг буюк қардошини ўлдириб, тахтини эгаллаган. Болалар буюрса боладир, буюрмаса балодир. Жумладан, қардошлар ҳам. Фарзанд шахзодаю валиаҳд бўлса бир эмас, минг балодир.

– Энди менга ижозат этинг. Акс ҳолда мўлжалдаги ишларга улгурмайман, – дея мирзодан кетмоққа рухсат сўради амир.

Амирзода бош вазирни ҳовли дарвозасигача кузатиб келди.

– Отларни ҳозирланг! Қўрима черигини чорланг! Қиблагоҳни кутиб олмоқ учун Қорадарё бўйига борамиз! – буюрди амирзода ясовулбоши Ражаб Турдиқорага. – Устоз Шоҳмалик ҳазратларига ҳам хабар йўллангким, ул киши ҳам Қорадарё бўйига борсинлар.

Дарё бўйига аллақачон етиб келган амир Ҳасан Жондор қисқа муддатли истироҳат учун чодирларни тикдирган, баковул бошчилигидаги ошчилар емак-ичмак ҳозирлашга киришгандилар.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Ўзгалар уддалай олмаган буюк ишларни бажарганингда бир яғий нохайрихоҳинг ўн бўлади. Боси, сенинг тафаккуринг етган чексизликка уларнинг ўй-хаёллари ҳам етолмайди.

Тошоҳур битигидан

Султоннинг шоҳона чодирини дарёнинг кун чиқиш томонига тикилган, олий бош кўмондонини таъқиб этиб келаётган кўшин Конибил ўлани томон узанган соҳил бўйлаб тарқаларди.

Болалиги ва ўспиринлигининг қадрдон соҳилларида кезган хоқоннинг диққатини этакда қурилган янги кўприк тортди.

– Илгари бу кўприк йўқ эди, чамамда. Янгидан бино бўлибди чоғи? – сўради султон амир Жондорга қараб.

– Кўприк янгидир, онҳазрат. Маликамиз Шод Мулк қурмишлар, – жавоб берди амир Жондор.

– На қадар муҳташам кўприк тикламышлар. Маликамиз бу каби савоб ишларга ҳам қўл урганларини табрик этмоғимиз лозимдир. Хом сут эмган одам боласининг бир одати бор. Бировни қораласа шу қадар балчиққа белаидики, ер-ла яксон этмагунча тиниб-тинчимайди. Кўкларга кўтарса-да меъёридан ошириб, ҳолини хароб этади ва ул киши охир-оқибатда ўша юксакликдан тушиб кетиб, чилпарчин бўлади. Биз амирзодамиз Халил Султон ва малика амалга оширган хайрли ишларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Қани юринг-чи, кўприкни бориб кўрайлик, – дея этакка қараб юрди подшоҳ.

Амиру мулозимлар хоқонга эргашдилар. Икки арава сиғарли, рисоладагидек кўприк йўловчилар ва деҳқонлар мушкулани осон қилган эди.

Хоқон бошлиқ амирлар ва қаршиловчилар шоҳона чодирга кирдилар. Қози Абдулаввал марҳум Мир Саид Халилуллоҳ вафоти муносабати билан Қуръони каримдан тиловат қилди.

Амир Боботуркни кўрган Мирзо Улуғбекнинг қувончи чексиз эди.

– Устозингиз Боботуркни Ўсмат волийси ўлароқ тайин этдик. Баробар юрту улусга хизмат этажаксизлар! – деди хоқон Туркистон мулкида берган илк фармонини очиқлар экан. – Бугун барчангиз истироҳат этинг. Эртага эрталаб Кўксаройда ҳал қилувчи сўзимизни айтамыз. Ота юртда узоқроқ қолиб кетдик. Вазият бизнинг Ҳиротга эртароқ қайтмоғимизни тақозо этмоқда, – эртанги кун режасини маълум қилди подшоҳ.

Хоқон шаҳар томон йўлга чиқаркан, ўнг ёнида амир Шоҳмалик, сўл тарафида амирзода Улуғбек борар эди.

– Кеча амакимиз Халил Султонни кутиб олиб, Боғи беҳиштга жойлаштирдик. Мирзонинг қисмати не кечажак, қиблагоҳ? – сўради паст овозда отасидан Улуғбек.

– Амирзодани ўзимиз-ла бирга Ҳиротга олиб кетамиз. Бу тадбир мирзомиз учун ҳам маъқул ва беҳатардир. Тўрт йиллик ҳукмронликлари даврида етарли қадар душман орттирганларким, улар ҳеч қачон амирзодани кечирмайдилар. Қиблагоҳи каби яқин инсон, отабеги амир Худойдод келиб тахтдан ағдариб, банди қилиб ўтирганлигининг ўзи кўп нарсадан далолатдир, – ўғлининг саволини жавоблантирди хоқон.

– Эрталабки машваратга амирзода Халил Султонни ҳам олиб келсинларми? – сўради амир Шоҳмалик.

– Амир Жондорга тайинланг. Боғи беҳиштга бориб, ўзи билан бирга олиб келсин! – буюрди подшоҳ.

Нурали ҚОБУЛ

Бомдод намозини ўқиган хоқон сарой ҳовлисига чиқди. Қиблагоҳининг ташқарига чиққанини ўз хонасидан кузатиб турган амирзода Улуғбек ҳам ҳовлига юзланди. Отабола узоқ муддат кўришмагандек қучоқлашдилар.

– Қиблагоҳ раҳматли, қай бир ўлкада бўлмай, Самарқанд ва Кеш яқинидаги Қорабоғ манзили ҳавосини туймадим дер эдилар. Ҳақиқатан ҳам Самарқанд обҳавоси ўзгача, бу тиниқ осмон, бу юксак тоғлар, бу кенгликларда бир илоҳийлик бор назаримда. Киши ўзини бир неча минг йил бурунги одамлар орасида яшаётгандек ҳис этади, – оҳиста қадам босганча сўзларди хоқон.

– Бобом ҳазратларининг Самарқанд нонининг ушогини еган қуш Маккадан-да қайтиб келади деган сўзларини кишилар айтиб юрганини эшитдим, қиблагоҳ.

– Ҳа, султони ғозий бобонгиз замоналарида Самарқанд жаҳоннинг пойтахти эди. Мана қаранг, кеча кечқурун аср намозини ўқиганимиз бобонгиз отлиқ масжид ёки келаркан тунаганимиз Оқсарой каби иншоотларни барпо этмоқ ҳеч бир ҳукмдорнинг элидан келмайди. Сизу биз мана шу отамерос обидаларни муносиб равишда сақлай билсак ҳам катта гап. Бу вазифалар энди сизнинг зиммангизга тушади, ўғлим. Мовароуннаҳр ва Туркистон мулкани сизга топширамыз. Отабегингиз амир Шоҳмалик йўлбошчилигида эл-юрт дардига дармон бўлиб, оғирини енгил этажакларингизга ишончим комил. Астрободда подшоҳлик қилиб, бир оз тажриба орттирдингиз. Отабегингиз ила бамаслаҳат, издан чиққан мулки давлат ишини йўлга қўяжаксизлар, иншооллоҳ.

– Қуллуқ, қиблагоҳ! Сиз азиз ва мўътабар падари бузрукворга муносиб авлод ўлмақдан ўзга лутф истамам! Неки амри фармонингиз бўлса бошим ва кўзим устидадир! Ҳар бир сўзингизни ҳарфиян ерига келтирмак жидду жаҳдида бўлурман! – юкуниб деди амирзода.

– Бош фарзандим, ворису валиаҳдим сифатида сиз азиз авлодимдан орзу умидимиз, нияту илинжимиз ҳам шулдир зотан. Бошқа мамлакатлар подшоҳларининг масъулияти бир бўлса, сиз ила меники ўндир. Боиси, биз султон соҳибқирондек улкан оғочнинг шоҳларимиз. Халойиқ ҳар бир оёқ олишимизни жаҳонгир бобонгизнинг қадамлари билан ўлчайди. Уларнинг наздида салтанат салоҳияти, мулки давлат эътиборини сақлашимиз, ҳеч бир номақбул хатти-ҳаракатимиз билан мулки мамлакат, сулолаю салтанат обрўсини кичик туширмаслигимиз керак.

Ота-бола ҳовлидаги садақайрағоч остига қурилган нақшинкор сўрига бориб ўтиришди.

– Ошчиларимизга сўйланг. Нонуштани шу ерга келтирсинлар. Бир муддат бўлса-да, ота пойтахти суврати-га тикилиб, тўяйлик. Бу гўзал кўринишлар нигоҳимизга қуюлиб қолсин. Тўйиб-тўйиб нафас олайлик, – буюрди хоқон яқинида турган ясовулга.

Дастурхончи сўри устига суфра ҳозирлади. Иссиқ Самарқанд экмаги, қаймоқ, ҳусайни ва қора кишмиш келтирди. Чин элчилари ҳадя этган чойдан дамлади. Нўхатли қайнатма шўрвани қозони билан олиб келиб суздилар.

Бир оздан сўнг даврага амир Шоҳмалик билан амир Нуширвон Барлос келиб қўшилди. Нонушта ниҳоясига ета бошлаганда сарой дарвозасида вазиру амирлар кўринди. Улар Бўстонсаройдан чиқиб, Кўксарой томон келишарди.

– Барчангиз шарафли қиблагоҳимиз султони ғозий ҳазратларининг қутлуғ Кўксаройларига хуш келибсиз! – деди ҳамма ўтириб бўлгач, хоқон аста сўз бошларкан, – Бугунги машваратимиздан асосий мақсад шулким, Мовароуннаҳр ва Туркистон мулки мамлакатини саодат-

Нурали ҚОБУЛ

ли фарзандимиз, руҳимиз роҳатию дилимиз қуввати, кўзимиз нурию динимиз кўмакчиси Мирзо Улуғбек Кўрагон авлодимизга бағишляжакмиз! Олийнажот амирзодамиз учун салтанат асбобларини муҳайё этиб, ёнларига шижоатли, довюрак амирлару фаросатли ва юсак лаёқатли вазирларни тайин этамиз! Мамлакатнинг ҳал қилишу ман этиш жиловию йиғиб олиш ва тарқатиш ихтиёрини адли адолатда пешқадам, ҳақу ҳуқуқ танимоқда беназир саналмиш олижаноб улуғ амиримиз Ғиёсиддин Шоҳмаликнинг тўғри раъйи ва зийрак фикрларига топширамыз! Амирзода Улуғбекнинг муҳтарам отабеги ўзларининг теран билими, ўткир зақоси ва синовлардан кечмиш тажрибасига таяниб ниманики муносиб кўрсалар, мамлакат ишларини шу тартибда йўлга солсинлар! Улуғ амир Шоҳмаликнинг адолат-ла иш юритуви, раиятга меҳр-мурувват-ла муносабатда бўлмоқликларига заррача шубҳамиз йўқдир! — дея кўнишмасининг илк бўлимини тугатиб, атрофга боқди хоқон.

— Ғоят аъло фармони олий!

— Муборак бўлсин!

— Хоқони саид зоти олийлари не десалар қабулимиздир!

— Оллоҳ шавкатли амирзодамизга буюк боболари султони ғозий ҳазрати олийларининг қутлуғ ва шонли йўлларини берсин!

— Ярасун! — овозлар эшитилди солиндан.

— Яратган Оллоҳ барчангидан рози бўлсин! Зотан бу фатҳу зафаримиз, меҳнату машаққатимизнинг бош меъмори сизларсиз! Тангрининг раҳмати ва марҳамати узарингизда бўлсин! Мужодаламиз давомида шаҳид кетган биродарларимизни Оллоҳ ғани-ғани раҳмат айласун! Роббим жаннат жамоли ила мушарраф этсун! Пайғамбарликдан кейинги мақом шаҳидликдир! Бу

шаҳид авлодларимиз ота-оналарининг фарзандлари эдилар! Энди эса улуғ, шарафли ва қаҳрамон улусимизнинг авлодларидир! Турон миллати ва ислом уммати яшар экан, бу баҳодир аждодларимиз хотираси абадул абад яшаяжақдир! Боболардан омонат бу давлат қон ва кўз ёши ила бино бўлган! Олтин товоқда тақдим этилмагандир! Қиблагоҳ ҳазратлари кўп бора таъкид этганларидек, куч бирликда, қудрат адолатдадир! Ҳеч қачон миллат кўз тиккан адли адолат майдонини бўш қолдирманг! Уни бўш қолдирдингизми, тамом! Хоину шарафсизлар эгаллайдилар ва тўлдирадилар! Мулки давлат бошига муносиб киши келса муносибларни йиғади. Мунофиқ келса агар, мунофиқлар тўпланеди. Тил узун бўлиб, оғзингиз билан қуш тутсангиз-да миллат ва уммат қадр-қийматини ўрнига қўймас экансиз, давлату мамлакат юксалмайди! — Саодатманд фарзандимиз ва олижаноб бегимиз адолат усулларини қўллашу адо этиш, иқтисоду сиёсат ҳукмларини юргизиш бобида йўл кўрсатишу тушунтирмаққа муҳтож бўлмасалар-да, оталик шафқати ва ҳукмдорлик одоби юзасидан айрим насиҳатларни қилмоққа бурчлидурман. Кишининг тушунчаси, фикри билан қилаётган иши айни эмас экан, у ҳеч қачон ўз мақсадига эриша олмайди. Инсон мавқею мартаба, зангинлигу дасти узунликда не мақомда бўлмасин, меъёрни тута билмоғи керак. У ўлчовни қочириб, жуда кўп нарсани истай бошладимиз, тамом. Бу нафс ва хирс уни кулфату фожиалар сари етаклайди. Боиси юксакдагилар пастдагилар қадар гуванда, хавф-хатарда эмаслар. Кишининг не қадар баландликка юксалмоғи қай тарзда бўлмасин, тушмоқ ва йиқилмоқ ила сўнгина нажақдир. Бу буюк ва муқаддас сафарда тангри ҳеч қачон сизни тўғрию одил йўлдан адаштирмасин! Ҳеч қачон масъум ва маъдур инсонлар кўнглидаги уми-

Нурали ҚОБУЛ

ду ишонч эшигини ёпманг! Ҳеч қачон қон дўндиражак ҳақиқатлардан юз бурманг! Ақлингиздан кечган ва имону виждонингиз сўзғичидан ўтган фикру мулоҳазаларни тилингизга келтиринг! Дилингиздаги эмас, ақлингиздан кечган ҳақиқатларга амал қилинг! Ва ҳеч қачон хатоингизни сўнгига қадар қабул этмоқдин чекинманг! Боиси, ҳеч биримиз бенуқсон, тўрт-тўртлик инсон эмасмиз! Мулки давлат, аскару раиятга муносабат, дўсту душман ила қўнишмоқда ақл синирларини зўрпаяжак ва ошажак гап-сўзлару хатти-ҳаракатлардан узоқ турмоғингизни рижо этаман! Ақлимдан кечгани тилимда деганидек, юрту мамлакат, тахту салтанатимиз барқарорлиги учун ҳали кўп мужодала этмоғимизга тўғри келади.

Ҳаяжонланган хоқон солин қопўсига тикилганча гапдан тўхтади. Фикрини жамлагандек бир зум сукут сақлади-да, сўзида давом этди.

– Тангри таоло бизга буюк инъом ва улуғ марҳамат ато этди. Яроғу аслаҳамиздаги эксикликлар, турумиздаги нуқсонларга қарамай мурувватидан бебаҳра қолдирмади ва амри фармонимизни олам мамлакатлари узра жорий қилди. “Бу Оллоҳнинг лутфидир, Оллоҳ уни хоҳлаган кишисига ато қилади”¹, – дея ўнг тарафидан турган ўғли Мирзо Улуғбек томон ўгирилди хоқон. – Бошга қўнган давлат қуши ва подшоҳликдан тангри марҳаматининг қадрини билиб, илоҳий неъмат шукрини бажо келтиринг, ўғлим! Инсофу адолат эшикларини хожатмандлар юзига очиқ тутинг! Барча ишларда оятдаги “Ё Довуд, биз сени халифа қилиб тайин этдик, энди сен одамлар орасида ҳаққоний ҳукм юрит!”² деган сўзларга амал қилинг! Оллоҳ ўз саломини йўллагур пайғамбар ворислари бўлмиш олиму уламоларни эҳтиром кўзи тагига

¹Қуръони Карим. 57-сура, 21 оят.

²Қуръони Карим. 38-сура, 25 оят.

олиб, инъом назари билан мамнун тутинг! Диний муаммо, масала ва можаролар бобида улар фатвоси бўйича иш юритинг! Миллату динимизнинг далили шайхулислом Абдужалил ал-Марғинонийнинг шарафли ва олий мақом хонадонига нисбатан иззат-эҳтиромда бўлиб, ул зоти олийнинг авлод-аждодларидан тортиб, дини ислом машойихлари ва замона сарвару йўлбошчилари бўлиб келаётган фарзандларини эъзозлаб, барча ҳолларда уларнинг шаън-шавкати мулоҳазасига риоя қилинг! Ул зоти шарифнинг машҳур “Ҳидоя” асарини бир қанча нусхада кўпайтириб, мамлакатдаги барча мадрасаларга тарқатинг! Қозилар кўлини шариат ҳукмлари ижросида қувватли тутинг! Олам ободонлигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя этиб, адлу инсоф билан ўзингизга яқин олинг! Давлат чегараларининг нигоҳбонлари ва мамлакат ичкарисининг кўриқчилари бўлган сипоҳий ва суворийлар, жамики лашкар тоифасини очиқ-юзлик ва хушмуомалалик билан ўзингизга сидқу садоқат-ла мутъе ва итоаткор этинг! Уларнинг улуфа ва маошларини белгиланган вақтда етказиб туринг! Жонсипорлик шартларини бажаришда алоҳида жидду жаҳд кўрсатган аскарларга инъомни зиёди билан беринг! Баъзи вазифасини ташлаб кетгувчилар ва қочоқларни саза бериб жазоланг! Оғир жазолар бермоқликка шошилманг! Барча катта-кичик ишларда ишнинг энг яхшиси ўртачасидир деган ҳадисга амал қилиб, ҳаддан ортиқ ёки керагидан оз чора кўришдан эҳтиёт бўлинг! Мамлакат чегараларига тажрибали, сўғишу саваш кўрган, оқ-қорани таниган, тирикликнинг аччиқ-чучугини татиган, ўз ақли идроки ила қарор бера билажак кишиларни тайин этиб, у ерлар қалъаларини мустаҳкамлаш борасида зарурий чораларни кўринг! Сўзимни мухтасар этар эканман,

Нурали ҚОБУЛ

барчангиз Оллоҳга омонат бўлингиз! Фармони олий бўйича Самарқандда қоладиган амиру вазирлар ишга киришсин! Доруссалтанат Ҳирот томон юргувчи амйру маъмурларимиз сафар ҳозирлигини кўрсинлар!

Йиғилганлар кўзгалар экан, хоқон амир Шоҳмалик билан Мирзо Улуғбек ва қози Абдулаввалга қолмоқ ишоратини қилди.

– Ҳибсга олинган маҳкумлар яргуси ва маҳкамаси қай йўсинда давом этмоқда? – сўради хоқон қози Абдулаввалга қараб.

– Яргу ва маҳкама ишимиз узоқ давом этадиганга ўхшайди, хоқон саид ҳазратлари. Даъвогарлар жуда кўп ва Бобо Тармиш ҳамда амир Арғуншоҳдан неники сўрмайлик малик ва маликамиз амри фармонлари билан қилганмиз демоқдалар.

– Бу ишда шошманг ва ким бўлишидан қатъий назар ҳеч бир киши ноҳақ жазога тортилмасин! Бир кичик ноҳақлик ўнта ҳақ ва тўғри ишингизнинг устига қора чизиқ тортади.

– Биз ҳам ана шу мақсадда, кимсанинг ноҳақ бурнини қонатмаслик учун ҳар бир ишни ипидан игнасигача ўрганиб, қозилар ҳайъатида кўриб чиқилгандан кейин сўнгги қарорни бермоқдамиз, онҳазрат!

– Маъқулдир. Унда юрингиз. Ота мероси ва ёдгори Кўксаройни бир айланиб чиқайлик. Ҳиротда ҳам битта шундай сарой ва мадраса қурмоқчимиз. Бош маликамиз Гавҳаршодбегим ҳам буюк бибимиз жомелари каби бир масжид қурмоқ ниятидалар. Оқсаройни тиклаган барча уста меъмор у наққошларни тўплаб, Ҳиротга юборишга тўғри келар балки.

Хоқон сарой томон юраркан, таққа тўхтаб, амир Шоҳмаликка қаради.

– Сиз амирзодамизнинг отабеги ва Туркистону Мо-

вароуннахр юртининг амир ул-умароси ўлароқ давлатимизга хизмат этар экансиз, салтанатнинг улуғ амири сифатида шу пайтгача илгиланиб келганингиз хабарчи, узунқулоқ айғоқлар ила ишлаш, уларни танлаш, таъқиб этиш ва йўналтиришдек муҳим вазифани зиммангизда қолдирамиз. Бу хабарчиларимиз бутун мамлакат ҳудудида сизнинг назоратингиз остида фаолият юритадилар. Бу хусусда юзбоши Эсиргап Найман ва амирзода Халил Султоннинг мингбошиси Қулман Қиётлар анчайин тажриба соҳибидирлар. Улардан фойдаланмоқ жоиз.

Ўйга толган подшоҳ яна жимиб қолди. У ота қадрдон амир ва валиаҳд ўғлига тикилганча энг муҳим гапни айтмоққа ҳозирлик кўрарди.

– Сизларга юкланажак асосий вазифа шундан иборатким, амир Шайх Нуриддин каби дўст ва хайрихоҳга эга бўлмоқ улусу салтанат иши учун не қадар хайрларга васила бўлса, унинг каби яғий бир кишилиқ ҳам шу қадар хатарлидир. Дўстларингни ўзингдан узоқлатма, душманларингни ундан-да яқин тут нақлига амал қилиб, амир ила муносабатларда чегарадан чиқмай, сулҳу амният, мурсою мадора йўлидан борингиз. Душманингни хас, хас ҳам бўлса бас деганларидек, бўрифеъл амирга нисбатан дўстдан бир ҳазар, душмандан минг ҳазар қабалида сиёсат тутингиз. У билан ҳеч қачон тирлашиб, майдон савашига кирмангиз!

Солин даҳлизига етиб келган султон тўхтаб, амир Шоҳмаликка қаради.

– Бирор фикрингиз бўлса очиқ-ойдин сўйлай билурсиз, амир жаноблари? – деди Шоҳруҳ амир Шоҳмаликнинг авзойидан нимадир демоқчилигини фаҳмлаб.

– Ғоят теран ва маъноли фикрларингизни жон қуломимиз ила тингладиқ, онҳазрат. Юзда-юз ҳақсиз. Бироқ

Нурали ҚОБУЛ

биз тек турсак-да, у мулки давлат даъвосини қилмоқда давом этади. Кўппак терисидан пўст, амир Нуриддиндан дўст чиқмаслигини эндиликда Самарқанддаги шоҳу-гадой, барча бирдек англаб етди. Ожиз фикримга кўра, биз ҳар замону макон, даму дақиқада ундан хушёр бўлишимиз, имкон қадар қарши курашмоққа ҳозир турмоғимиз лозимдир. У табиатан ҳар қандай киши қилган яхшилигу илиқ муносабат, ақлли фикру ташаббусга паст назар билан қарайдиган, ўзидан қуйидаги кишининг хайри саховатини ҳақорат ўрнида қабул қилгувчи бир кимсадир. Модомики дўсту душманлиги ўртада бўлган амир жанобларининг ўзлари ўйинни бузгудек бўлсалар, томошабин бўлиб туролмаймиз, султоним, – гумонини тилга келтирди амир Шоҳмалик.

– Бундай туруму шароитда ҳар қандай қарорни қабул этмоқ ҳақи-ҳуқуқи сиз муҳтарам амир жанобларига сўнгига қадар берилади. Фақат бир рижойимиз шулки, шогирдингиз бўлмиш амирзодамиз ҳар кору ҳолда бошкентни тарк этмасинлар.

– Хоқон ҳазрати олийларининг барча амри-фармонларига ҳарфиян уяжакмиз! – деди амир Шоҳмалик таъзимла бош эгиб.

Кўксаройни айланиб кўрган султон ҳовлига чиқди ва ўша садақайрағоч остидаги сўрига келди. Ўй босганча Самарқанднинг сокин ва тиниқ осмонига тикилиб қолди.

– Кузда Самарқанднинг самоси шундай беғубор ва осуда бўладики, асти қўяверасиз, – деди ҳамон кўқдан кўзини узмай.

– Айниқса, илк куз ёмғири ёққандан кейин, – гап қўшди амир Шоҳмалик.

– Ҳа, шунда чангу ғуборлар босилиб, Туркистон тизмаларининг ҳар бир дараю сойи, олис Ойқор қоялари ҳам аниқ-тиниқ кўзга ташланади, – сўзида давом этди Шоҳрўхсултон. – Бу мусаффо юрт осмонига шундай

тўйиб-тўйиб тикилмоқ яна қачон насиб этар экан? Ё қудратли тангрим! Шу юрт, шу тупроғимиз, шу азизу асил миллату умматимизни ўз паноҳингда асра! – дея юзига кафтларини сийпади хоқон.

Амир ва шаҳзода ҳам юзларига фотиҳа тортдилар.

Тўлқинланган хоқон бир оз ўзига келмоқ учун орқа эшиқдан таҳоратхона сари йўналди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Подшоҳи шоиру битикчисини
излаган халқ бахтли, ёзару шоири
подшоҳини излаган халқ бахтсиз-
дир.*

**Амир Темурнинг Хўжа Ҳофиз
Шерозийга айтган сўзи**

*Бироқ подшоҳ шоирни излаб то-
пиб, уни маддоҳга айлантирса, бу
халқ икки қарра бахтсиздир.*

**Хўжа Ҳофиз Шерозийнинг Амир
Темурга жавоби**

Хоқон ўрнидан кўзғалиб таҳоратхонага йўналиши билан амир ва амирзода ўрниларидан туриб, қўл қовуштирганча қайтмоғини беклади.

Солинга қайтиб чиққан подшоҳ фикрини жамлаган-дек ўй сурганча эшикка қадар бориб қайтди.

Бек ва шаҳзода ҳамон тавозе ила бош эгиб, тек туришарди.

Ҳаяжон-ла қўнишаётган отасининг овози товланганини сезган зийрак шаҳзода беихтиёр бошини эгди. Хоқоннинг кўзида ёш айланди.

– Сизлардан рижо этажагим яна икки муҳим иш

Нурали ҚОБУЛ

борким, ўзаро англашиб, бу юмушларнинг бошида турсаларингиз. Қиблагоҳ таълимотлари билан Мосул шаҳридан ҳазрат Дониёл пайғамбарнинг муборақ сўякларини Самарқандга олиб келиб, Афросиёб кўрғонининг кунчиқар томонидаги раҳнасида, Қорадарёнинг кун ботиш ёқасига кўмдириб, мақбара тиклатиб, тева-рак-атрофни обод этган эдим. Хўжанд сафарига чиқаётганимизда зиёрат қилдик. Қаровсиз қолибди. Маош олиб ишлагувчилар кетиб қолган. Ерлик аҳоли баҳоли қудрат қараётган экан. Бу зиёратгоҳни худди илгаригиси каби таъмир этиб, улуснинг роҳат-ла ибодатини адо этиб, ҳудойи мазорисини ўтказмоғига қулай имконият яратингиз. Иккинчи масала шундан иборатким, катта энамиз, падари бузрукворимиз ҳазратларининг волидалари Тегинабегимнинг сўнг манзиллари ҳам анча таъмирталаб бўлиб қолибдур. Зудлик-ла бу хайрли ишни ҳам амалга оширсак, савоби барчамизга тегажақдир. Қиблагоҳу волидалари руҳи шод бўлгувсидир.

– Амри фармонлари бошимиз устигадир, онҳазрат! Ҳамон юксак сурат-ла бу ишга киришгаймиз, – жавоб қилди амир Шоҳмалик. – Шаҳзодамиз ила маслаҳатлашиб, биримиз Кешға борғаймиз, биримиз эса Хўжа Дониёл зиёратгоҳи ила илгинажакмиз.

– Кешға бормоққа мен ҳозирмен, қиблагоҳ! – деди шаҳзода таъзим-ла бош эгаркан.

– Оталиғингиз, амир жаноблари нени раво кўрсалар, кулоқ тутинг ҳамда амал қилинг. Маслаҳатли тўй тарқамас дейдилар. Мен сиз азиз ва қадрдон устозу шогирднинг ҳар бир ишни ўртоқ зако ва ақлисалимлик ила ҳал этишингизга инонурман, – деди хоқон ота дўсти, тажрибали бек ва ўғлига бир-бир боқаркан. – Яратган тангри ҳар замон элу юрт олдида барчамизнинг йўлимизу юзимизни очиқ, сўзимизни кечарли қилсин!

– Омин! – деди Шоҳмалик таъзим-ла.

– Ҳар иккингиз чекиниб, истироҳат эта билурсиз! – дея амир ва шаҳзодага кетмоққа изн берди хоқон.

Устоз ва шогирд подшоҳ ҳузуридан чиқдилар

– Хайриятки, қиблагоҳ мендан ҳазрат Дониёл пайғамбар ҳақида сўраб қолмадилар, – деди амирзода ҳовлига чиққач, қора терга ботиб отабегига.

– Нечун? Дониёл пайғамбар ҳақида билгингиз йўқ-миди? – сўради амир шогирдидан.

– Билсам-да, узўқ-юлуқ эди, устоз! Фақат ул зотнинг қабрларини бобом ҳазратлари кўчиртириб келтирганликларини биламан.

– Бу менинг ҳам айбим, амирзодам. Келинг, садақайрағоч остидаги сўрида ўтириб, бироз тин олайлик. Сизга у пайғамбар ҳақида ҳам сўзлаб бераман, – деди амир Шоҳмалик сўри томон юаркан.

– Хоқони саид зоти олийларини йўлчи этганимиздан сўнг сиз Кешга бориб келасиз. Мен эса ҳазрат Дониёл зиёратгоҳи таъмири ила машғул бўламан. Бу ерда ишлар кўпдир, амирзодам. Не дейсиз? – шогирдига боқди амир.

– Сиз улуғ устоз не десангиз шул бўлғай. Қайд этганингиздек, дастлаб қиблагоҳни муносиб равишда кузатмоғимиз лозим. Сўнгра сўйлаганингиз каби иш тугатармиз, – жавоб қилди мирзо Улуғбек.

– Энди сизга ҳазрат Дониёл пайғамбар ҳақида билганларимни сўзлайин. Эксиклари бўлса кутубхонамиздаги китоблардан ўқиб тўлдиражаксиз ва менга ҳам ҳикоя қилиб беражаксиз, амирзодам. Ривоят қилишларича, Дониёл пайғамбар милоддан аввал олти юзу учинчи йилда Қуддус ва Довуд алайҳиссалом авлодидан дунёга келганлар. Бобил ҳукмдори Новухудоносор беш юзу саксон олтинчи йилда Исроил давлатини босиб олади

Нурали ҚОБУЛ

ва жуда кўп кишини асир олароқ Бобилга олиб кетади. Бу асирлар орасида ўн етти ёшли Дониёл ҳам бўлади. Бақувват, зеҳни ўткир ҳамда хушбичим ёшларни подшоҳ саройида хизмат қилиш учун тайёрлайдилар. Дониёл ҳам бу гуруҳга олинади. Фариштасифат чеҳраси, кучли иродаси, дину диёнатига бўлган эътиқоди туфайли сарой аъёнларининг ҳурмат-эътиборини қозонади. Дониёл сарой мулозимлиги давомида подшоҳ яқинлари ва салтанат аҳлининг кўрган тушларини таъбир этмоқ ва башорат қилиш билан ҳам шуғуллана бошлайди. Бу борадаги муваффақиятларини ҳисобга олган Новухудонсор уни ўз саройининг барча башоратчи ва сеҳргарларига бошлиқ этиб тайинлайди. Новухудонсордан кейин тахта ўтирган подшоҳ даврида эса у қадимий, сирли битикларни ўқиб, маъносини ҳукмдорга англатади. Бундан мамнун бўлган подшоҳ унга катта мол-мулк ҳадя этади. Шу тариқа Дониёл Бобил давлати ва мамлакатининг энг азизу мукаррам шахсиятларидан бирига айланади. Ўз-ўзидан маълумки, киши не қадар юксалса, шу қадар рақибу душманлари кўпайиб, фиску фасод турини тўқий бошлайдилар. Кичик кишининг ғаними ҳам ўзига ўхшаган майда бўлади. Буюк шахсиятларнинг душмани ҳам ўзларига яраша улкан ва ашаддий бўлади. Ғанимлар бирлашиб, унга қарши тухмат тошини отиб, кураш бошлайдилар. Ниҳоят, бу иғвою бўҳтонлар ўз мевасини беради. Подшоҳ Дониёлни оч шерлар чоҳига ташлашни буюради. Буни қарангки, шерлар тилка-пора қилиб еб ташламоқ ўрнига уни ялаб-юлқаб, тавоф қиладилар. Душманларининг пайтавасига қурт тушади. Улар бу ерда бир ҳийлаю найранг ишлатилиб, подшоҳ олдида ҳам кўзбўямачилик қилинаётганлигини иддао этадилар. Боши қотган ҳукмдор бир неча кундан сўнг Дониёлни яна ўша чоҳга ташламоққа амр беради. Яна ўша, ялаб тавоф этиш ҳолати такрорланади.

– Сеҳргару башоратчилар сардори ўлароқ бутун бошли саройни ётқизиб тургизган одам тўртта шерни ҳам сеҳрлаб, ўз изнига юритиши мумкин, – деди амирзода оталиғини диққат билан тингларкан.

– Сизга ҳақ бераман, амирзодам. Пайғамбарлар, инсонлар ва улар бошида турган ҳукмдорларга ўша давр нигоҳу тасавури, фикрлаш даражаси нуқтаи назаридан ёндашмоғимиз лозимдир. Хуллас, Дониёл ва шерлар воқеасидан лолу ҳайрон бўлиб ақли шошган подшоҳ бу ҳолатни тангрининг марҳаматига йўяди. Ўша заҳотиёқ тухмат уюштирган кишиларни шерлар чоҳига ташламоқ амрини беради. Оч шерлар уларнинг суякларигача ғажиб еб қўядилар. Айнан шу дамдан эътиборан Дониёл подшоҳ томонидан пайғамбар дея эълон қилинади ва Бобил мамлакатининг учдан бир худудига ҳоким этиб тайинланади, – дея Дониёл пайғамбар ҳақидаги ҳикоясини мухтасар қилди амир Шоҳмалик.

– Бир китобда ўқиган эдим. Ровийларнинг нақл этишларича, Дониёл пайғамбарнинг турбати сақланган маконда одамлар бой ва тўқ яшашаркан. Унинг руҳи эса халқу мамлакатни барча балою офат, қазою қадардан сақлар экан, – отабегининг ҳикоясидан таъсирланган эди мирзо Улуғбек.

– Шунинг учун ҳам бобонғиз, султон соҳибқирон ҳазратлари ул азизу муқаддас турбатни Самарқандга келтиргандилар, амирзодам.

– Буюк бибим ҳазрати олиялари билан бир неча бор зиёратга борган эрдик. Зиёратгоҳдаги қабр ғоят узундир. Бибим зоти олиялари Қуръон тиловат қилиб ўтирган шайхдан бунинг сабабини сўрадилар. Бу турбатда икки улуғ зот дафн этилгандир. Бири билганингиз каби ҳазрати Дониёл. Иккинчиси эса, тангри ундан рози бўлсин, Қусам ибн Аббоснинг ёронларидан биридир. Унинг

Нурали ҚОБУЛ

исми ҳам Дониёл бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиваччалари Қусам ибн Аббоснинг қабри билганингиздек Шоҳи Зиндададир деган фикрни айтди.

– Тўғридир, амирзодам. Бу зиёратгоҳ бағоят сербаракотдир. Турбатнинг бош тарафидан бир шифобахш булоқ оқиб чиқиб, Қорадарёга қуйилади. Улус уни муқаддас билиб ичади ва чўмилади. Сувнинг кўп хасталикларда даво эканлигини таъкидлайдилар. Пайғамбаримиз бошда, барча ўтганларга тангрининг раҳмати бўлсин!

– Каромату башорат этмоқ хусусида қандай фикрда-сиз, устоз? Асл даҳо ва донишманд кишилар келажакни тахмину тасаввур этишлари мумкин. Бироқ бир юмалаб ўзича башоратчию фолбинга айланган кимсаларга эътимод қилмоқ янглишдир, менимча, – ўз фикрини билдирди ҳикоядан таъсирланган амирзода.

– Инсонларга аянчли ва асл ҳақиқатдан кўра кўнглини кўтаргувчи тотли алдов ва аллаловчи ёлғону ниқоблар афзалдир, амирзодам. Сиз кўзлагану тасаввур этган адли адолат, ҳақу ҳақиқат манзилига етиб бормоқ учун ҳам илму маърифат, билиму кўникма керак бўлади. Бир мутолаамизда Аҳмад Югнакий ҳазратларининг «Ҳалол киши қани? Унинг ўзи кўринмайди. Шу кунда ҳалол кишининг ўзи қаерда? У ким ўзи?» деган фикрларини мушоҳада этган эрдик. Олтмишни қораладим, мирзом. Бироқ на Югнакий ҳазратлари айтган ҳалол одамни, на дунёни англаб етган бир асл донишмандни учратдим. Энди бир умиду илинжим сиздан. Сиз олийнажот амирзодам ўн олти ёшингизда шундай теран ва закий фикрламоқдасизки, фикру қарашларингиз, ҳаракату давранишларингиздан қалбу идроким ларзага келмоқда. Бизда одамлар тақдим этилган фикр, ғоя ва қарашларни муҳокама этиб ўтирмайдилар. У ёки бу

ҳолату турум ўзгача, бошқачароқ ва янада яхшироғу мукамалроқ бўлиши мумкин-ку, дея ўйлаб ўтирмайдилар. Одам боласи шундай аҳволдаки, оғзига келганини сўйлаб, олдига келганини еб кетаверади. Ҳаёт ва турмуш шароитлари шундай. Улар ҳали-бери ўзгача бўла олмайдилар, амирзодам. Фикрларимда нуқсон бўлса қусурга боқмай, эътироз эта билурсиз.

– Фикрларингизни қўлайман, устоз. Сиз қайд этган муаммоларни чўзмоқнинг бирдан бир йўли мактаб ва мадрасаларимизда дунёвий илмларни ўқитмоқликдир. Олий диний таълим олиб муқаддас китобимизни ёд олмоқ ва ҳадисларни мукамал ўрганмоқ билан биз миллату умматни ҳақиқий илму урфоннинг олтин остонасига элта олмаймиз. Инсоний эҳтиёжи учун лозим бўлган шарт-шароитларга эга бўлмоқ учун барча фанларни ўқиб ўрганмоғимиз керак деб ўйлайман. Шу мақсадда фикру зикрим куну тун бир олий мадраса бино этмоқдадир, – мақсадини сўйлади амирзода ҳаяжон-ла.

– Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, мирзом! Оллоҳ насиб этса, орзу этганимиз нурли йўллар узоқ эрмас! Шу дамгача неники кўнгилга туккан бўлсак, яратган марҳаматини дариг тутмади. Бундан сўнгда раҳмат назари ила боқар! – ният қилди амир Шоҳмалик.

– Омин! Иншооллоҳ! – деди Улуғбек отабегининг қанотбахш сўзларидан руҳланиб.

– Кеч ҳам кирди, амирзодам. Энди истироҳат этинг. Мен ҳам хужрамга борайин. Оллоҳга омонат бўлинг, – деди амир шогирди билан хайрлашмоқ учун ўрнидан турар экан.

Устозу шогирд меҳр-муҳаббат-ла кучоқлашиб хайрлашдилар. Амирзода отабегини ҳовли дарвозасига қадар кузатиб келди.

Вазиру амирлар, сарой аъёнларию мулозимлари-

Нурали ҚОБУЛ

нинг қопудан чиқишларини пойлайдиган дарвешлар сафойилларини шалдиратганча айтув айтишар, нико-
вўллар¹ олчин тўқмоқларини² ўқталганча уларни дарво-
задан узоқлатишарди.

Дарвозага яқин келга мирзо Улуғбек дарвешлар ай-
тувига қулоқ тутди. Улар Масти Қаландарнинг сўнги
битикларини ўқишарди:

Ор ўйида бўлсанг-да, умр ўтар,
Ёр қўйнида бўлсанг-да, умр ўтар.
Сор илгингда бўлса-да, умр ўтар,
Дор бўйнингда бўлса-да, умр ўтар.

Оталар юксалса, юксалар инсон,
Ўлимга тик боқиб, тик турар инсон.
Дўст-душман олдида тик юрар инсон,
Авпод нобоп, гўрга тик кирар инсон.

Шухрат офатлигин билардим, нетай,
Танҳолик бахтлигин билардим, нетай.
Шаҳидлик нақдлигин билардим, нетай,
Тупроқнинг тахтлигин билардим, нетай.

Бузилмасин, асрий соғлом кўприклар,
Намланмасин, мудом собит киприклар:
Эзилмасин, отамерос тупроқлар,
Эгилмасин, азал қалққан байроқлар.

¹Никовул – посбон, миршаб, овул қўриқчиси.

²Олчин тўқмоқ – олчин уруғи аскарлари қўллаган узун дастали
тўқмоқ. Саваш қуроли.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

*Ҳар ишга шубҳа билан қаранг.
Айниқса, тарихи ёлгон араблар
билан форсларга. Мени форсча
мақтагандан кўра арабча сўккан
маъқул.*

БЕРУНИЙ

Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмалик бошлиқ Самарқанд ақибчилари хоқон Шоҳруҳни Дабусия қалъасига қадар кузатиб келдилар. Қўрғонида бир кеча қолиб, эртасига бошкентга қайтдилар.

Амир Боботурк билан қўнишмоққа фурсат бўлмагани учун Мирзо Улуғбек бобо қадрдон инсон билан роҳат-ла гурунглашиб келар эди.

– Валиаҳд Пирмуҳаммад билан бирга Алп Туркашбекнинг шаҳид кетганликлари салтанатимиз учун буюк мусибат бўлди. Қиблагоҳ ҳам ғоят изтироб чекдилар, – деди амирзода улар Дабусиядан чиқиб Самарқанд йўлига тушар экан.

– Биз ҳам бу хабарни хоқон ҳазратлари ва амир Шоҳмалик таълимотлари билан Боғмозор барлосга келган юзбоши Эсиргап Наймандан эшитиб, қайғуга ботдик, амирзодам, – жавоб қилди бек. – Ҳирот лашкари билан Эртўғрул Туронни юбордик. У Балхга бориб, дўстимиз жасадини Ўснатга олиб келади. Васиятларини бажо этмоғимиз керак.

– Ҳа айтгандек, Турон баҳодирнинг авлоди, шогирдингиз мингбоши Эртўғрулбек айна дамда не хизматда? – сўради мирзо.

– Ҳеч бир хизматда эмас эди, олийнажот амирзодам.

Нурали ҚОБУЛ

Мен-ла баробар шайх ҳазратлари ёнларида кунини кунлаб юрганди. Уни Бобоҳасан ва Бобоҳусайдан хабар олмоқ-учун Самарқандга-юборганимда. Масти. Қаландар ва ҳофиз Шерозий билан биргаликда арк зиндонининг тупроғини ҳам ялаб чикди. Хуллас, Ҳиротга йўлчи этганимиз собиқ ҳукмдоримиз меҳр-шафқатларидан биз ҳам бенасиб қолмадик. Хоқони саид ҳазратлари фармони билан мен Ўснат ҳокими, Эртўғрулбек қутвол ўлароқ тайинландик.

Сўнгра Боботурк Қўрғонтепа даруғаси ва қутволнинг ўз жонига қасд қилишига боғлиқ тафсилотлар ва махфия бобоси Аббос Хўжанинг уларни жазолаганлиги воқеасини ҳикоя қилиб берди.

– Махфия деганингиз шу қадар кучли бўладими, аво?
– сўради амирзода бу ҳикоядан ғоят таъсирланиб.

– Давлату мамлакат иши шундай. Унда ҳалоллар ёнида ноҳалоллар, тўғри қаршисида ўғри баробарида махфияси ҳам, лўлиси ҳам, девонаю дарвешини ҳам бўлади, шарафли амирзодам. Сиз ана шу, турли-туман тоифа ва табақаларнинг подшоҳисиз. Салтанатга содиқ кишиларни рағбатлантириб, мансабу мартабага кўтарганингиз каби улуснинг бир парчаси саналмиш бу тоифани ҳам кесиб ташлай олмайсиз. Ҳар бирига ўзига яраша мурсою мадора қилмоқликка тўғри келади.

– Мен сиз устозни бошкентга келтирмоқчи эдим. Қиблагоҳ ҳазратлари Ўснатга тайин этибдилар. Не қилсақ экан? – яна сўради мирзо.

– Менинг ёшим ҳам бир жойга бориб қолди, амирзодам. Балхдан қайтса Эртўғрул Туронни ёнингизга олишингиз мумкин мирзом. Ҳадемай Бобоҳасан ва Бобоҳусайн ҳам етишиб қоладилар. Уларни сизга, сизни тангрига топширгум. Бир пайтлар Шоҳруҳиянинг ҳокими эдим. Энди эса Шоҳруҳсултон ҳазратлари амрлари би-

лан Ўсмату Қўрғонтепа ҳокимлиги насиб этди. Хоқони саид зоти олийларининг сўзларини икки қилмаслик учун рози бўлдим. Сиз олийнажот амирзодам ёнларида жуърату жасоратли, ақл-фаросатли ёшлар турмоғи, биз кабилар эса насиҳату маслаҳат бериб турмоғимиз лозимдир.

– Ўсмат узоқ эрмас. Тез-тез келиб турасиз. Биз ҳам Ойқор сайрига боргаймиз, – деди амирзода бекнинг жавобидан қониқиш туйиб. – Биз-ла бир муддат бошкентда қолинг. Сўнгра Ўсматга кета билурсиз, – дея амирни вақтинчалик Самарқандда олиб қолди Мирзо Улуғбек.

Самарқанд аҳли эса амир Арғуншоҳ ва Бобо Тармиш бошлиқ кишиларнинг ярғу ҳамда маҳкамасини муҳокама қиларди. Улар ёрғуланаётган маҳкама биноси олдига ҳар куни халойиқ тўпланарди. Подшоҳ Улуғбек отабеги амир Шоҳмалик ва амир Боботурклар Кўксаройда салтанат масалаларини муҳокама этиб ўтиришарди. Эшик оғаси қози Абдулавлал келганлигини маълум қилди.

– Қози жаноблари кеча ҳам келган эдилар. Амир Арғуншоҳ масаласи ҳал бўлган кўринади, – дея икки амирга қаради подшоҳ. – Кирсунлар!

Султон кўринишхонасига қозиларнинг узун чопонини кийган ва бошига хос салласини ўраган, белига бир неча бор айлантириб ўраладиган оқ фўта боғлаган мавлоно Абдулавлал кирди.

– Қозилар ҳайъати амир Арғуншоҳни дорга осмоқликка қарор қилди, амирзодам. Шунини зоти олийларига маълум қилмоқ учун келдим! – деди қози кўлидаги қоғозларни тиззасига қўйиб амирлар қаршисига ўтираркан.

Султон Улуғбек беихтиёр оталиғи амир Шоҳмаликка қаради.

– Модомики давлатимиз тўра ва тузук асосида юридилар, шариат қоидаларига амал қилинар экан, қозилар

Нурали ҚОБУЛ

олий ҳайъати не қарорга келса, бўйсунмоқ мажбурияти-дамиз, – деди амир Шоҳмалик бир султонга, бир қозига бораркан.

– Ишимизни улуғ бобомизнинг бир таниқли амирини осмоқдан бошласак қандай бўлар экан? – бу қарор кутилган бўлса-да, тараддудда эди подшоҳ.

– Ярғу давомида шу нарса маълум бўлдики, амир Арғуншоҳ бу жазони ҳақ этгандир. Гуноҳкор амир Юсуф Хожанинг қутқусига учмасдан Сароймулкхоним ва Шайх Нуриддин бошлиқ улуғ хоқон наъшини олиб келаётган қофилага Самарқанд дарвозасини очганида эди, аҳли Самарқанд ва бутун теурийлар сулоласи шу пайтгача содир бўлган ташвиш-тахликаларга маъруз қолмаган бўлур эди. Унинг энг катта жинояти султон соҳибқирон тахтини васият ва тузукка хилоф равишда бошқа бир кишига олиб бермоғидир. Бутун фожиалар ана шу хоинликдан сўнг бошланган. У аслида тахтни Халил Султон эмас, салтанат инқирозига сабаб бўлган бир аёл қўлига ўтишига хизмат қилган. Бу фитнада қатнашганлардан икки киши тирик қолган. Бири Арғуншоҳ бўлса, иккинчиси Ҳамза Сулдуздир. Уларни ҳечам омон қолдириб бўлмайди, султоним. Золимга марҳамат – мазлумга зулмдир. Арғуншоҳ коса лаби каж келса думини бурадиган, кимсага ёзда сояси, қишда панаси тегмас бир кишидир, – ҳайъат ҳукмига изоҳ берди қози Абдулаввал.

Султон Улуғбек яна амирларга қаради.

– Қозилар ҳайъати ҳақдир, – деди амир Шоҳмалик.

– Менимча, бу масалани қозилар олий ҳайъати ҳал этгани маъқул. Подшоҳимизнинг афв этмоқ ёки жазони енгиллатмоқ ҳуқуқлари бор. Бироқ амир Арғуншоҳ ва Бобо Тармишлар бу марҳаматга лойиқ одамлар эрмаслар, султоним, – фикрини билдирди амир Боботурк.

– Амир жаноблари тўғри сўйлайдилар. Сизнинг бу

ишлардан узоқда, холис турганингиз маъкул, – бекнинг гапини дастаклади амир Шоҳмалик. – Бобо Тармиш маҳкамаси тугадими? – сўради қозига қараб.

– Беш-олти нафар гувоҳ билан юзлаштирмақ қолди. Ҳафта сўнгида битиб қолса керак, – жавоб қилди қози.

– Унда олий ҳайъат қарори нени тақозо этса, шунга кўра иш тута билурсиз, – деди амир ул-умаро Шоҳмалик амир Арғуншоҳ тақдири кўнусида сўнги сўзини айтиб. – Идъом саҳфоси бўлса, идъом саҳфоси!..

Қози мавлоно Абдулаввал тисланганча кўринишхона қопуси томон йўналди. Эшик очилганда бир аёлнинг йиғлаб-сиқтагани эшитилди. Солиндагилар ҳайрон бўлиб боқдилар. Эшик оғаси сарой хонанда ва чолғувчилари бекаси Адолат бибининг қўлидан тутиб турар, у эса кўринишхонага кирмоққа уринарди.

Султон Улуғбек эшик оғасига ўнг қўлини кўтариб, хонимни киритмоққа ишорат этди.

Кўринишхонага йиғлаганидан кўзу қошларига сурган сурма ва бўёқлари юзига оқиб тушаётган биби Адолат кириб келиб, ўзини Кўктош ёнига қўйилган тахтада ўтирган Мирзо Улуғбек оёғига ташлади. Подшоҳнинг этиги хонимнинг кўз ёшидан ҳўл бўлди.

– Бечора Арғуншоҳга раҳм қилинг, султоним! У пешонаси шўрқисган итдек елиб-югуриб подшоҳимиз билан Шод Мулкнинг айтганларини бажарган! Ҳеч бир кишига ўз-ўзича жабру зулм этмаган! – айюҳаннос солиб йиғларди аёл.

– Ўрнингиздан туринг, синглим! Ёш бир қиз эмассиз! Арз ила келган бўлсангиз, уни султонимизга ётиги билан англатинг! Бир ватандош ўлароқ ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя этмоқ имкониятига эгасиз! – деди амир Шоҳмалик сарой қўшиқчилари ва раққосалари бекасига.

– Ўзингизни босинг. Мана бу курсига ўтиринг! Хонимга сув келтирингиз! – мулозимга буюрди султон.

Нурали ҚОБУЛ

Эшик оғаси косада сув келтирди. Сув ичиб, соч ва рўмолини тўғрилаган Адолат биби бирдан бўшашиб, ҳолсизлангандек жимиб қолди.

Султон Улуғбек отабеги амир Шоҳмаликка қаради.

– Биз ҳам шу масалани муҳокама қилиб турган эдик, синглим, – деди бу каби ҳолатларни кўравериб кўникиб кетган вазири аъзам совуққонлик билан. – Қозиларимизга имкон қадар гуноҳкорлар жазоларини енгиллатмоқни тавсия этдик. Умид қиламизки, сизнинг хўжангиз ишига ҳам раҳм-шафқат ила ёндашадилар, – дея аёлга таскин берган бўлди амир. – Бу қадар шовқин-сурон-ла саройни бошга кўтармоққа лузум йўқдир.

– Ўша одил қозилар Арғуншоҳдан аввал амир соҳибқирон ҳазратларининг завжаларини заҳарлаб ўлдиртирган мегажин Шод Мулкни ярғуласинлар! Ҳолвани ҳаким ейди, калтакни етим ейди экан-да! Қанчадан қанча одамларни ўлдиртириб, сургун қилдирди! Бу ҳақда ҳеч ким лом-мим демайди! Одамларнинг кўзини кўрқитмоқ учун бечора Арғуншоҳни осар эмишлар! Қани адолат, қани инсоф?! – гапидан тоймас эди аёл.

– Биздаги билгиларга қараганда ўша айтганингиз мегажин маликамизни Биби Чаманно билан бирга излаб топиб, амир Ҳожи Сайфиддинга тақдим этган, сўнгра эса амирзода Халил Султонга қўшиб қўйган ҳам сизлар! Масалани чуқурлаштириб, туб моҳиятига етиладиган бўлса, навбат зоти олияларига ҳам етиб келиши мумкин. Агар сўзларимда янглишлик бўлса, мана султони-миз ҳузурларида сўзлашингиз мумкин? – хонимга зимдан тикилди амир Шоҳмалик.

Бу гални кутмаган биби Адолатнинг тили курмовга келмади. Ўтирган жойида аъзойи баданини совуқ тер босиб, бошини эгганча яна йиғлай бошлади.

– Қолаверса, ўзингиз ҳам амир билан никоҳсиз яшагансиз. Буниям барча билгану амир ва сизнинг шоғирдингиздан қўрқиб, тилга келтира олмаганлар. Эрон каби бир ўлкада яшаганингизда бундай гуноҳлар учун тошбўрон қилишарди. Киши бировларни сўрғиламоқ, ҳақ талаб этмоқдан олдин ўзининг янглиш ва хато ишларини тарозига солиб кўрмоғи керак, синглим. Сизни ҳам сўроқ учун чорламоқчи эдилар. Ҳиротга олиб кетилганлиги, барча ишларнинг бошида малика турганлиги боис, бунга хожат йўқ дедик. Ким, қаерда бўлмасин, қилган жинояти учун жазосини чекади. Бу дунёда бўлмаса, у дунёда. Қолаверса, бир киши юрт ва миллат олдида гуноҳкор бўлса-ю, кўзи очиқ жазодан қутулиб кетса, бунинг азоби-ни авлоди тортади, – сўзлари оғир эди амирнинг.

Кўксарой бекасининг дами ичига тушиб кетган, масаланинг бу тарзда тескари айланиши хаёлининг учига ҳам келмаганди. «Барча эркагу аёл айғоқларнинг жилови амир Шоҳмаликнинг қўлида деганлари тўғри шекилли», – хаёлидан кечди хонимнинг.

– Ҳар кимнинг қисмати қадари Оллоҳдан. Биров бировга сабабчи бўлиши мумкин. Бироқ ҳеч қачон яратганининг пешонага битганидан ортиғи бўлмайди, – деди ўзига келгандек яна тилга кириб хоним. – Кимга бўлмасин, сидқидил хизмат қилганман. Савоб тағорасининг таги тешиклигини мендан яхши биласиз, амир жаноблари, – паст келмас эди Адолат биби. – Майли, мен кетай. Яна бир бор султонимизнинг марҳаматларига сиғинаман! Эгам дилингизга раҳм-шафқат солсин! – деди бека яна Улуғбекнинг оёғига бош ураркан.

Биби Адолат хаёли қочиб, тисланганича кўринишхонани тарк этди.

– Тожу тахт, мулку салтанат иши шу каби ғавғолардан

Нурали ҚОБУЛ

иборатдир, амирзодам. Сабру тоқат, қунту совуққонлик-ла кўникмоққа тўғри келади. Яхшини яхши дея осмонга кўтариб, ёмонни ёмон дея ерга киритиб бўлмайди. Бироқ айбдорга ҳақ этган жазосини бермасангиз, бу каби жиноятлар болалайди ва мулки давлат тузуги бўшашади, – бу ғавғога яқун ясаган бўлди амир Шоҳмалик.

Эртаси куни тонг-саҳарда амир Арғуншоҳ катта бозорда қурилган дорда осилди. Бу ишни амалга оширган амири харос Бешкал Манғит уни дор остига олиб бораркан ва мурдасини ўғли қўлига топширар экан, деярли ҳеч кимнинг нигоҳида ачиниш ҳиссини кўрмади. Фақат уни танимаган, отини эшитиб юрган, шаҳар ташқарисидан келган деҳқонларгина кўз ёши тўкиб, қайғуришарди. «Бирор-бир ҳукмдор узоқ муддат иқтидорда туриб, одамларнинг жонига тегиб кетса шундай бўлар экан», – ўзича фикр қилди амири харос жаллод ва мирғазабларга дорни бузиб, арк омборхонасига элтиб топширишни буюрар экан.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

*Халил Султон – ҳазрат султон
ус салотининг воқеасидан сўн-
ра Самарқанд тахтида салтанат
қилди. Зурафо ва шуаро мажлисида
жам бўлурлар эрди. Машхурдирким,
ўзи шеър айтур эрди. Андоққим, де-
вони таърифида Хожа Исмадуллоҳ
қасида айтибдур, аммо тилаб то-
пилмади, ушбу матлаудан ўзгаким:*

*Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,
Коми дилимиз, лаъли равон бахш раво қил.*

**Алишер НАВОИЙ,
“Мажолис ун-нафоис”**

Қози Абдулаввал бошлиқ ярғучилар банди Бобо Тармишни дўкони тортиб олингандан сўнг, изтиробдан фалаж бўлиб қолган тужжор Аброр Усмон билан юзлаштирмоқ учун кўнчилар маҳалласи томон олиб боришарди.

Ялғарс ва ғариб аҳволдаги маҳбуснинг қўлига кишан урилганди. Соч-соқоли ўсиб кетган собиқ соҳиб ихтиёр икки миршабнинг ўртасида борарди.

Гуруҳ кўнчилар тери ошлаш ва ювишда фойдаланадиган улкан ҳовуз ёнидан ўтарди.

Миршаб ва мирғазаблар бир неча бор калтакласаларда собиқ бош вазирни қаттиқ зикновга олишмас, оёғига кишан уришлари шарт бўлса-да, шафқат қилишган эди.

Кечаси севалаб ўтган ёмғирдан йўллар нам тортиб қолган, ҳар ер-ҳар ерда кўлмаклар ҳосил бўлганди.

Гуруҳ шалоपлаган товушдан хушёр тортиб, ҳовуз бўйига югуриб борди. Бобо Тармиш пайт пойлаб, ўзини ҳовузга отган эди.

Нурали ҚОБУЛ

– Ичига сув тўлгач, бошини кўтариб чиқади, – деди биринчи миршаб.

– Йўқ, чиқмайди. Чиқадиган бўлса ўзини ташламасди, – жавоб қилди иккинчиси. – Бу маймундаҳан одам бизни ҳам қози жаноблари олдида разил қилди.

– Зиндонда уни бири ўлдирмоқчи ҳам бўлганди. Билиб қолган эдик. Шундан кўрқди шекилли.

– Арғуншоҳни Катта бозор майдонида осиганидан сўнг, сал бошқачароқ бўлиб қолувди ўзи.

– Ўн дақиқадан ошди. Энди чиқмайди.

– Одам сув тагида уч дақиқада ўлади.

Бу вазиятдан таъсирланган қози Абдулаввал ҳовуз бўйига келганча, миршаблар сўзига қулоқ солиб, сувга тикилиб турарди.

– Барибир дорга осилар ёки боши кундага етарди. Қутулди кетди, – деди биринчи миршаб қозига қараб, хижолатомуз оҳангда.

– Бу ҳолат икковинг ишингдаги қусурдир. Оёғига кишан урмасанг-да, билагидан тутиб юришларинг керак эди, – миршабларга танбеҳ берди қози Абдулаввал.

– Тўғри, қозийи калон ҳазратлари. Айб бизда. Бир қошиқ қонимиздан кечинг! – гуноҳини бўйнига олди биринчи миршаб.

– Султонимиз олдиларида барчамизни шарманда қилдиларинг. Сенлар туфайли биз ҳам ўз ишига масъулиятсизлик билан боқувчи маъмурга айланиб қолдик. Кўксаройга бориб, содир бўлган воқеани англатишим керак, – асабийлашганча, ортга қайтди қози. – Энди ўзларинг сув тагидан жасадини топиб, яқинларига берингиз. Ҳе бу қозилик деганиям қуриб кетсин. Бошинг қону жон ғавғосидан чиқмайди, – гапириниб кетарди қози Абдулаввал. – Пайшанбанинг келиши чоршанбадан маълум. Бу нобакорлар отган ҳар бир қадам уларни дор сари етакларди.

Самарқандда бир муддат қолган амир Боботурк хайрлашмоқ учун султон кўринишхонасига келди.

– Подшоҳимиз сизни сўраган эдилар. Ҳузурларида амир Шоҳмалик ҳазратлари бор. Кира билурсиз, – деди эшик оғаси қопуни очаркан.

Амирни ҳурмат-ла тик туриб қаршилаган Улуғбек мирзо ўтирмаққа жой кўрсатди.

– Қиблагоҳингиз хоҳони саид зоти олийларидан не хабарлар? Эсон-омон дорулсалтанат Ҳиротга етиб боргандирлар, иншооллоҳ? – ҳол-аҳвол сўради амир Боботурк.

– Алҳамдулиллоҳ! Падари бузруквор ҳазратларининг Туркистон томон юз бурганларини эшитган бир-икки нонтепки фурсат билиб, исён байроғини кўтармоқчи бўлибди. Бироқ Оллоҳнинг иродаси билан муддаоларига эриша олмаганлар. Биз Жайхун тараф юришимиз билан эса Султон Али Астрободга от кўйибди. Бироқ содиқ навкаримиз Абул Лайсининг гурзиси бошига тушиб, бузғунга учрабди. Унинг ҳам бошини кесиб, Ҳиротга жўнатибдилар, – дарё орти янгиликларини сўйларди шаҳзода. – Бу давлату салтанат осонликча тикланмадики, осонликча яғий элига топширилса. Бироқ бир нарсани англамаётирман, устоз, – амир Шоҳмаликка қаради мирзо. – Бош узиб рақиб томонга жўнатишдек жоҳилонаю қотилона бу тартиб не замонга қадар давом этади?

– Дину эътиқодидан қатъи назар бу расм дунёнинг барча давлату салтанатларида бор, шаҳзодам. Бунинг барчаси сўйлаганингиз каби жоҳилликча тирлашув ва такаббурлик ортидан келиб чиққандир. Ғанимлик оқибатида бир томон иккинчи томонга ҳаддан зиёд жабру зулм ўтказади ёки куни кеча асиру қули бўла туриб, оғзи ошга етиши билан исён кўтариб, қилич ўқталади. Бундай ҳаёт-мамот дақиқасида ҳақ бўлган томон қаҳр-

Нурали ҚОБУЛ

ғазабга минади. Ва бир калла эмас, минг каллани сап-чадек узмоққа ҳозир бўлади. Яғийлар тирик эканлар, бир-бирлари ила орани очиқ қилмай қўймайдилар. Энг ғалати ва фожиали томони шундан иборатким, бу ҳисоб-китоб улардан бирининг ёки иккисининг устига тупроқ тортилгандан сўнг ҳам давом этади. Марҳум амир Арғуншоҳ ва Бобо Тармишлар ўлиmidан сўнг бўлиб ўтган воқеаларни айтсам, ёқа ушлайсиз, шаҳзодам. Хоқони саид ҳазрати олийлари сўйлаганлари каби биз интиқом эрмас, адолат пешиндамиз.

– Уларнинг жасадларини Шоҳизинда қўйиндисига қабул қилишмагани қулоғимга чалинди, – деди шаҳзода сергак тортиб.

– Маълумингизким Арғуншоҳ осилган. Бобо Тармиш кўнчилар ҳовузига чўкиб ўлган. Иккисининг қариндошлари ҳам Шоҳизиндага гўрков юборганлар. Бироқ масжиддаги намозхонлар норозилик билдириб, гўрковни ҳам ҳайдаб юборишган. Майитни кўмиш керак. Не қиларини билмай Жумабозордаги эски бир қабристонга элтиб кўмишибди. Дала-даштда нима кўп, дайди иту оч жондору чиябўри кўп. Иккисининг ҳам жасадини оч итлар ёки чиябўрилар кавлаб, суягигача ғажиб кетишибди. Бир-иккита сон сўнгагини топиб қайта кўмишибди, шаҳзодам.

– Тавба! – деди амир Боботурк ёқасини ушлаб. – Дунёда энг ёмон қарғиш гўринг кўйсин деган қарғиш дер эдилар. Бу каби ҳодисани илк бор туйишим.

– Гап рамзий маънода, амирим! Устига тупроқ тортилгандан сўнг, Оллоҳнинг лаънатиға қолмоқ – гўрнинг куймоқлигидир. Кишилар яхши одамнинг қабри бошиға бориб дуо этсалар, Оллоҳ раҳмат этсин дейдилар. Ёмон кимса қабри ёнидан эса Оллоҳнинг лаънати бўлсин дея ўтадилар. Кимса билмас бу қабристон халойиқ

томоша учун боргувчи жой бўлиб қолибди. Шаҳарликлар Арғуншоҳ ва Бобо Тармишнинг ўлгани ҳақиқатан ҳам ростми дея ишониб ишонмай, қабрларини кўриб келишаётган эмиш. Ҳеч ким қабрлари бошида дуо этиб, худо раҳмат қилсин демаётган, Оллоҳдан уларга лаънат тилаб қайтишаётган эмиш. Боиси, ёмон ҳеч қачон яхши бўлмайди. Шунинг учун ҳам бежизга ёмон ўлди деса ишон, ёмонлигини қўйди деса ишонма демайдилар. Буқри билан ёмонни гўру ер тузатади. Бу очофатлар тишлари билан ўзларига лаҳад қазидилар. Бироқ уларга шу лаҳад ҳам буюрмади. Ҳаётнинг ёзилгану ёзилмаган қонунлари бор. Ҳар кетганнинг орқасидан ағланмас.

– Буюк қоон Чингизхон ҳам шунинг учун ўз қабрини кимса билмаслигини истаган экан-да, – отабегининг ҳикоясидан ҳайратда эди шаҳзода.

– Ўлик дуога тўймагунча, тирик дунёга тўймас деганлари шудир балки, – гап қўшди амир Боботурк. – Ҳақиқий ҳукмдорлар аввал тирикларга эга чиқадилар.

– Тирик ҳам дуога тўймоғи учун боргандан сўнг дунёга тўяди деганидир бу, амирим, – қўшимча қилди амир Шоҳмалик. – Бу отасўзининг ўлик оятдан тўймагунча, тирик овқатдан тўймас деган шакли ҳам бор. Энди ўлим-нетимни қўйиб, улус ташвиши билан боғлиқ ишларга ўтайлик, – дея Боботуркка қаради амир. – Хоқони саид ҳазратлари амри билан сарикечи йурук уруғидан Қиёмиддин Қарлуқ исмли чўпон бир сурув халаб эчкисини ҳайдаб келибди. Иссиқ ва сувсизликка чидамли бу жониворларни султон соҳибқирон зоти олийлари Халабда кўриб қолиб, Туркистон томонда ҳам уларни боқиб кўпайтириш амрини берган эканлар. Юртдаги алғовдалғовлар туфайли бу сурув энди етиб келибди. Бу эчкиларни Ойқор, Илонўтти ва Мағгузар тоғларидаги равот ва ёмларга уч бўлиб, тарқатсак. Ём ва равотларда

Нурали ҚОБУЛ

ишчилар кўп, яхши қарашади. Тоғлардаги чўпонларга берсак, иту қушга едириб, кўпайтирмайди. Таклифимга не дейсиз? – амир Боботуркка бокди отабеги.

– Маъқулдир, амир жаноблари. Сурувни сўйлаганингиз каби тарқатамиз ва назорат этамиз, – жавоб қилди амир Боботурк. – Олийнажот шаҳзодамиз ва сиз мухтарам амиримиз ила яна бир муаммони муҳокама этмоқни ният қилган эдим. Хабарларингиз борким, Кеш атрофидаги Макрид кўриғида улуғ хоқон фармонлари билан салтанат отлари ва султон соҳибқирон ҳазратларининг ўзал, хос тулпорлари урчитилар эди. Текин зотли айғирлар билан араб биялари чатиштирилишидан етиштирилган бу йилқиларнинг туёғи қаттиқ бўлиб, нағалсиз ҳам тоғу тош, дашту саҳроларда тез юра оларди. Энди билсак, бу салтанат сайисхонаси ҳам талон-тарож бўлган. Йилқиларнинг юзда тўқсонини қочоқ навкарлар ўғирлаб кетган. Ҳозир бизнинг Қўрғонтепадаги юзликларимизга камида юз эллик чоғли от керак. Бироқ сотиб оладиган ҳам, етиштирадиган ҳам бирорта жой йўқ.

– Бу отлар сафар давомида юз йигирма-юз олтмиш чақирим масофани тўхтовсиз босиб ўтади, дея эшитганим бор. Шу тўғрими? – сўради шаҳзода амирнинг бу гапидан таъсирланиб.

– Тўғридир, олийнажот шаҳзодам. Ҳозир равоту ёмларимизда бир-иккитадан шундай отлар қолибди, холос. Маълумингизким, янги бир насл от етиштириш учун неча ўн йиллар керак бўлади. Эсимда бор. Бундан ўттиз сана бурун соҳибқирон ҳазратлари Кеш ва Қўрғонтепа атрофида беш минг араб биясини аҳолига тарқатиш амрини берган ва бу ишни доимий равишда, билхосса, ўзлари назорат этгандилар. Бундай катта ишни йўлга қўйиб, натижа олмоқ учун замон керак бўлади. Барбод этмоққа эса саноқли кун етиб ортади. Шу хусусда бир

хос фармони олий қабул этиб, ишни қайтадан ташкил этмоқ керақдир, амирзодам.

– Жуда маъқул фикрни айтдингиз, бек жаноблари, – маъқуллади амир Шоҳмалик. – Шаҳзодамиз амр берсалар бугуноқ фармон ҳозирлаймиз.

– Ғоят аъло иш бўлур эди, – ҳамон дастаклади Улуғбек мирзо. – Эзгу ишларни ҳеч қачон ортга сурмаслик керак.

– Демак, бу қўнуда бир қарорга келдик. Хоқони саид зоти олийлари Новқа жомеси қурилиши, шайх Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратларининг қабрларини обод этмоқ ва мрамар лавҳа ўрнатмоқ учун ҳам бир миқдор масраф қолдирдиларким, уни сизга топширсак. Бу савобли ишнинг бошида ўзингиз турсангиз, – деди амир Шоҳмалик хазинадан маблағни олиб келмоқни буюриш учун ўрнидан қўзғалар экан.

Шаҳзода Улуғбек билан амир Боботурк ҳам бош вазирнинг ортидан турдилар. Гурунглашганча Кўксарой ховлисига чиқишди.

Куз охирида, қиш бошланган, Қонигил кенгликлари-дан эсадиган Қорадарёнинг совуқ шамоли этни жунжитирар, шаҳар ўзининг одатдаги қиш олди ҳаётини яшарди. Ўтин ортган аравалар шаҳар кўчаларини тўлдириб, Катта бозор томон ўтиб қайтишар, боғ-боғ шох-шаббалар устига ўтириб олган эшак-аравали ўтинчилар молини мақтаб, бақириб-чақирешарди.

– Ўйламайин десам-да боя қўнишганимиз даҳшатли воқеа ҳаёлимдан кетмаётир, амир жаноблари, – деди Улуғбек отабеги хазина томон кетгач, амир Боботуркга.

– Бул ёруғ очунда киши қадр-қийматини ерга урадиган нарса ҳукмдорларнинг инсонларни инсон ўрнида кўрмай, ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиб, жабру зулм ўтказишларидир. Киши ким бўлмасин, қорнига эмас, қадрига йиғлайди, амирзодам. Султони ғозий ҳазратлари етти

Нурали ҚОБУЛ

Йиллик юриш давомида Самарқанднинг увоп-савобини мана шу Арғуншоҳга топшириб кетдилар. Халил Султон бошкентни эгаллагандан сўнгра ҳам отда қолди. Мана шу йиллар мобайнида у раиятга зуғум ўтказиб, жонига тегди. Эсингизда бўлса, Конибил майдонида эт нархини оширганлиги учун шаҳарнинг бош қассоби дорга осилганди. Аслида унинг ўрнида дор ҳалқасида Арғуншоҳнинг боши бўлиши керак эди. Қассоб ундан кўрққанидан, нархни ошириш унинг амри билан бўлгани ҳақида оғиз очмай, сўнгги дақиқагача Арғуншоҳ мени кутқариб олади дея ўйлаб, осилиб кетди. Энг ёмони, буни билганлар асил гуноҳкор ҳақида улуғ хоқонга оғиз очиб сўйлай олмадилар. Сўйласалар ўзларининг орқалари очилиб қолишидан кўрқдилар. Сен бўрини аясанг, бўри сени талайди дегандек, биз уларни аядик. Улар эса миллатни таладилар, – вазиятга аниқлик киритган бўлди амир. – Разил ва такаббур одам кўзи очиқ экан, улуснинг нафратига дучор бўлади. Устига тупроқ тортилгандан сўнг эса бу нафрат лаънатга айланади ва авлоди билан уни қарғаб, лаънатлаб ўтади. Одамни одам йўқламаса, қисир кўйнинг туёғидан ҳам қадрсиз бўлади, дейдилар. Улуснинг кўзгуси саналмиш олиму битикчилар, аҳли маънавият ва маърифат жамоасини давлату ҳукумат бошида турганлар йўқлаб, меҳнатларини тақдирламаса, миллат қадрсиз бўлади. Мадрасаларни айландим. Абдулқодир Мароғийдан тортиб бир қатор олиму мударрислар кетиб қолибди. Йўлини қилиб уларни чақирмоқ керак.

– Кўксаройнинг бошқарувчиси Муҳаммад Қушчи устоз ҳам Қўниёга кетган эканлар. Одам юборамиз. Ўғиллари Али Қушчибек билан бирга етиб келадилар. Тўрт йил бурун бошлаган барча ишларимизни қолган жойидан

давом эттираминг, иншооллоҳ, – овозида умид ва ишонч барқ урарди шаҳзоданинг.

Шаҳзода билан кучоқлашиб хайрлашган амир Боботурк хаста дўсти Шоҳи Қаландар ётган хонақоҳ томон юрди.

Уни хонақоҳ ҳовлисида йиртиқ-ямоқ яқтакли Масти Қаландар қарши олди. Шоҳи Қаландарга бир оз қуртава ичириб, гурунглашиб ўтирдилар.

– Ҳузурингизга келарканман, хонақоҳ ўнгида мени шогирдингиз Масти Қаландарбек қарши олдилар. Эгни-бошларига қараб бўлмайти. Яқтаклари титилиб, чориқлари сўкилиб, бир аҳволда турибди. Бу турумда куннинг илиқ, иссиқ пайтларида юриш мумкин. Бироқ сизнинг дарвешу қаландарлар лашкари қишнинг қировли кунларида ҳам шундай кезадилар. Шамолламайдилар, совуққа ўзлариғи олдирмайдилар ҳам, Ҳарҳолда уларга дуо кетган шекилли? – Шоҳи Қаландардан сўради амир Боботурк.

– Бизнинг бу тахлит кийинишимизнинг ўзига хос тарихи бордир, амирим. Дарвешлигу қаландарлик аслида бизнинг ўлкаларга Ҳиндистон ва Мўлтон мусулмонлари орқали келгандир. Бизнинг дарвешлар аслида насроний ва ҳиндуларнинг роҳиб деб аталмиш тарки дунё қилган кишилари каби ҳаёт кечирадилар. Роҳиб ва дарвешлар ҳам турли мазҳаб ва жамоаларга бўлинадилар. Шундай энг эски жамоалардан бири ҳинд юртида бикурлар деб аталади. Улар аслида Сарандиб оролларида келиб чиққан бўлиб, мусулмонларни ёқтирадилар ва хайрихоҳлик билан боқадилар. Ёз ойларида яланғоч ва ялангоёқ юришади. Авратларини тўрт энлик латта билан беркитишиб, белларига боғлаб қўйишади. Қишда ўтлардан ясалган чипта киядилар. Баъзилари эса ажралиб турмоқ учун рангли ямоқлар солинган яқтак ва тўн кийишади.

Нурали ҚОБУЛ

– Масти Қаландарнинг нега қуроқ ятак кийиб юришини энди англадим. Бу ўша, ҳинд дарвешларидан келган экан-да, – Шоҳи Қаландарнинг сўзини бўлди амир Боботурк.

– Топдингиз, амирим. Масти Қаландарнинг бобокалонлари ҳам мўлтони ўтган-да, – ҳазин кулди Шоҳи Қаландар. – Биз ҳам унга ақрабо бўламиз.

– Қусурга боқманг, дўстим. Сўзингизни кесдим. Ҳикоянгизда давом этинг, – ўз тилади амир.

– Хуллас, бикур дарвешлари ўлгандан сўнг ёқилган ҳиндларнинг кулини юзларига суртиб оладилар. Соқларини тарашлаб қирдирганча соқол ва мўйлабларини териб ташлайдилар. Бошқа дарвешлардек булар тирноқларини ўстирмайдилар. Ҳар бир дарвеш ўзи билан одамнинг бош суягини олиб юради. Ўзини кибрдан сақлаш, ибрат олмоқ учун шу бош мия тосидан сув ичади ва овқатланади.

– Тавба! – деб юборди бу гаплардан ҳайратга тушган амир Боботурк. – Ана такаббурлар учун энг буюк сабоқ!

– Такаббур лаҳадга киргунига қадар ҳам ўнганмайди, амирим. Боиси, такаббурлик, манманликнинг илдизи асосан киши руҳиятидаги нуқсонун қусурга бориб тақалади. У ҳеч қачон дарвешнинг нега бош мия чаноғида емак еганини англаб етмайди. Шундай қилган кишини жинни, ақлдан озган деб билади, – изоҳ берди Шоҳи Қаландар. – Сўзимизни давом эттирсак. Сарандибликлар сўнгги пайғамбар, Муҳаммаднинг зухур этилгани ҳақида эшитадилар. Узундан-узоқ маслаҳатлашиб, зеҳни ўткир, арабчани оз-моз биладиган бир қабиладошларини хизматкори билан Арабистонга элчи сифатида жўнатадилар. Унга Муҳаммад пайғамбарни қидириб топиш, кимлигини аниқлаш, одамлар орасида нималарни тарғиб қилиб, нималарни ясоқлаганини билиш вази-

фасини юклайдилар. Сарандиблик сайёҳнинг кемаси фалокатга учраб, Бандарабасу Басра бандаргоҳларида қолиб кетиб, дашту сахроларда сарсонун саргардон кезиб, Мадина шахрига Оллоҳнинг расули вафот этгач, ит азобда етиб боради. Бу пайтда Абу Бакр¹ ҳам оламдан ўтган, халифалик Ҳазрат Умарга кечган бўлади. Сарандиблик халифа Умарга учраб, Муҳаммад пайғамбар ҳақида сўраб-суриштиради. Ҳазрати Умар² унга Расулulloҳ ҳақида ҳикоя қилиб беради. Сафардан кўнгли тўлиб қайтган элчи йўлда, Эроннинг Арабистон денгизи соҳилидаги Мекрон шахри яқинида хасталаниб, вафот этади. Элчининг хизматкори ватанига қайтиб келади. Муҳаммад ва Абу Бакр ҳақида юртдошларига эшитган ва кўрганларини айтиб беради. Хизматчи халифа Умарнинг доимо ҳақир юришини сўзлаб, ямоқ солинган кўйлак ва яктак кийиб юришини, кечаларни эса масжидда тоат-ибодат билан ўтказишини сўзлайди. Шу воқеадан сўнг дарвешлар орасида камсуқумлик ва бечораҳоллик удумга айланади. Шундан бери Масти Қаландар ва менинг ўтмишдошларим Умар ибн ал-Ҳаттоб каби ямоқли кийим киядилар.

– Биродаримиз Масти Қаландарбекнинг ҳақир-ликларини энди тушундик, – деди амир Боботурк бу ҳикоядан таъсирланиб.

– Ҳангомамиз қуруқ бўлмасин. Янги битиклардан эшитайлик, эртага юртга қайтамиз, – деди амир Шоҳи Қаландарга.

Шоҳи Қаландар бошини қуйи эгганча, чордона қуриб ўтириб олди ва солланиб, айтувини бошлади:

¹Абу Бакр ас-Сиддиқ – Муҳаммад (с.а.в)нинг сафдоши, қайнотаси ва биринчи халифа (632–634 йиллар).

²Умар ибн ал-Ҳаттоб – Муҳаммад (с.а.в)нинг сафдоши ва иккинчи халифа (634–644-йиллар).

Нурали ҚОБУЛ

Ҳаётда суюлиб, суймагандан кўрк,
Улус ғам-аламин туймагандан кўрк.
Муғойир қилмишин қўймагандан кўрк,
Ёрилиб ўлса-да, тўймагандан кўрк.
На одобда илоҳий илм кўрдим,
На ахлоқда инсоний билим кўрдим.
На чеврангда бир аҳли салим кўрдим,
Нигоҳингда ситаму зулм кўрдим.

Умр бир очилиб битар сумандир,
Чўққиларга олиб учар самандир.
Бугундан эрта кунинг ҳам гумондир,
Ҳаёт-абад ақлинг етмас тумандир.

Золимлар тўғри сўзни сўйламаслар,
Тахт ғамидан ўзгани ўйламаслар.
Ғурабо-ла бўйларин бўйламаслар,
Дардини баҳам кўриб, тўйламаслар.

Не-не азиз бошларни хор айладинг,
Иснод иблисларини ёд айладинг.
Насли насабсизларни бор айладинг,
Сенга кўз тикканларни зор айладинг.

Замон тўзса, оқил нодон шаклинда,
Далли девоналар султон шаклинда.
Азал ҳақиқатлар ёлғон шаклинда,
Шайтон ёнгинангда, инсон шаклинда.

Амир Боботурк Самарқанддан Ўсмагга қайтгач, Зулфон ўтарчининг етим қолган икки ўғлини топиб, халаб эчкиларини боқишни топширди.

Бир ярим ой сўнг, қишнинг қировли кунларида Эртўғрул Турон Алп Туркашнинг наъшини олиб келди.

Амир Боботуркнинг қайғуси янгиланди. Бир умрлик содиқ дўстини шогирди Эртўғрулнинг қиблагоҳи Турон баҳодирнинг ёнига, Қўрғонтепа қабристонига қўйдилар.

Сўнг дуои фотиҳа қилинган, тўпланган одамлар тарқала бошлади.

Икки қабр бошида икки одам ўтирарди.

– Сенга сўнг васиятимни сўйлайин, Эртўғрул! – деди ҳазин ва ғамли овозда амир шогирдининг юзига қарамай.

– Сўйланг, устоз! – ҳаяжонланди шогирд.

– Қазойи қадар ҳақдир, Эртўғрул! Охири бир кун барчамиз ҳақ даргоҳига қайтамыз! Биз мамлакат ва миллат савдоси йўлида улуғ устоз хоқон ҳазратлари зоти олийлари ортларидан сайронлигу кафанлигимизни кийиб чиққан эдик. Не-не жангу жадаллар, қирғин баротлардан омон қолдик. Бироқ ўзимиз тарбиялаб вояга етказган бир хоиннинг қиличидан шаҳид кетишимизга бир баҳя қолди. Кўрар кунимиз, ризқи рўзимиз бор экан, ер босганча ерни босиб юрибмиз. Вақти соати етиб, омонатини олганда мени қиблагоҳингиз ва дўстимнинг ёнига қўясиз!..

Шогирднинг тилига ҳеч бир калима келмади.

Қабристонда қабристон сукунати ҳукмрон эди...

Устоз ва шогирд сўнг бор Қуръон тиловат қилиб, қўйиндидан чиқдилар.

Қишнинг қизгин қуёши бутун борлиқни қоплаган оппоқ қор, ўлигу тириклар узра бирдек илиқ нурини сочар, қора уй ва кулбалардан бурқсиб кўтарилаётган оппоқ тутун самога ўрлаб, булутларга қўшилиб кетаётгандек эди.

– Шоҳи Қаландарнинг аҳволи нечук экан? Бирор ҳафта дам олган, Самарқандга бориб, кўриб келасан. Эртага сени қутвол этиб тайинланганинг ҳақидаги Шоҳруҳ Султон ҳазратларининг ёрлиқларини улусга ўқиб эшиттирамыз. Қўрғонтепа черигини қайта тузиш керак, – деди

Нурали ҚОБУЛ

амир йўлда давом этаркан. – Шу онда дўстимизнинг бир битиги ёдимга тушди.

– Айтинг, – деди Эртўғрул ғамгин овозда.

– Могу мулкнинг савдоси,
Қўлнинг кири, гоҳликдир.
Чалганинг ҳаёт куйи,
Дугоҳу сегоҳликдир.

Мулки давлат ғавғоси,
Ғарибон бир шоҳликдир.
Қасру қабр ён-ёна,
Сўнги оҳу воҳликдир.

Ўзни топу ҳақни топ,
Яшамоқ огоҳликдир.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

*Фақат ўзига ишонган кишиларгина
доимо ўзгалардан бир қадам олдинда
юради.*

Тошоҳур битигидан

Хумоюн ялов шитоб-ла Энадарё томон юрарди. Наҳрга етмоқликка бир манзил қолган, хоқон саропардаси мадинат ул-рижол Термизнинг кун чиқиш томонидаги яйлоққа тикилганди.

Кузги ёгингарчиликдан ер юмшаб, ўт-ўлан кўкариб, далаларда кўклам ҳавоси эсар, буғдойиқлар отнинг тишига илинадиган, кўзилар тўядиган бўлиб қолган эди.

Туркистон сафаридан талафотсиз зафар-ла қайтаётган қўшиннинг руҳи баланд, ўлжалар ҳам кўнгилдаги-дек эди.

Саропардада дарёга кўприк боғлаш ва кечиб ўтиш муҳокама этилиб, махсус кўприкчи бўлинмаларга топширилди.

Оғоч ва гупсарларни кўтарган аскарлар ишга киришди.

Амиру мулозимларни янги машваратга даъват этган ҳоқон қози аскар Исҳоқ Самарқандий билан суҳбатлашиб ўтирарди.

– Тарих китобларида мадинат ул-рижол Термиз хусусида кўп муҳим битикларни ўқиган эдим. Буюк қоон Чингизхон босқинидан аввал Термиз Турон юртида тенгсиз бир шаҳар бўлган дейдилар-а? – қаршисида ўтирган суҳбатдошига савол назари билан қаради султон.

– Шундайдир, онҳазрат. Мўғул қўшинлари ўн кун ичида Термизни вайрона ҳолига келтирадилар. Кечмиш замонда уни фотиҳ Искандар ҳам ололмаган экан. Термиз қалъасининг етти дарбанди бўлиб, олти йил ичида Искандар биргина энг пастки дарбандни ола билган. Қалъанинг тупроғи кўрғошиндан, ғиштлари тошдан бўлган дейишади. Асоси сувда, қуббаси фалакда бўлиб, атрофини Жайхун худди ҳожилар каби етти маротаба айланиб ўтган экан, онҳазрат, – ҳоқон саволини жавоблантирди қози Самарқандий.

– Ана сизга шаҳар қалъаси ва истеҳком қурмоқ санъати! Демак, ҳали аждодларимиздан ўрганажак кўп ишлар бор экан. Жангу жадаллар, сиёсату тижорат ишларидан чекиниб, тариху фалсафа, мантиғу жўғрофия ҳақида суҳбатлашиб турайлик, қози жаноблари, – деди ҳоқон мулозимларни саропардага чорлашни имо этаркан.

Вазиру амирлар тўпланар экан, ҳоқон қози Самарқандий билан амир Жондор ҳозирлаган олий фармонни имзолади.

Нурали ҚОБУЛ

Ҳамминг кўзи отамерос мамлакатлар подшоҳлигини олажак амирзода Муҳаммад Жаҳонгирда эди.

Шоҳона тўн-кийиб, мўъжазгина тожли қалпоқ кийган шаҳзода ийманибгина хоқоннинг ўнг томонида биринчи бўлиб турарди. Унинг ёнидан жой олган амирзода Халил Султон қизариб-бўзарганча, қўлини қаерга қўйишини билмай, гоҳ қовуштирар, гоҳ бармоқларини асабий букар, беихтиёр дуч келган томонга боқарди. Барча амирзодаларга ота мулклари қайтариб берилмоқда. Демак, мени ҳам Ироқи ажам ёки Озарбайжонга бадарға этсалар керак, – ақлидан кечди собиқ Самарқанд султонининг.

Ўйга толганча томоғини қирган хоқон жамоага мурожаат этди:

– Барчангизга маълумким, энг буюк қардошимиз Муҳаммад Жаҳонгирнинг набиралари, амакимиз, вали-аҳд Муҳаммад Султоннинг фарзанди аржумандлари амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ота юртимизга келганимиздан бери узангимизда, иззатимизда сидку садоқат-ла муқимдир! Мулку миллат яғийлари мирзомизни қўллаб, Туркистон юртини эгалламоққа уриниб кўрдилар. Бироқ хоинларнинг шами тонггача ёнмади. Адолат қарор топди. Ҳар икки ўтган шарафли аждодимизни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин! Уларнинг юз-хотирларини эъзоз этган ҳолда авлодларига ҳар замон ғамхўрлик кўрсатиб, меҳр-мурувват-ла ёндашиб келдик. Бундан сўнг-да шафқату марҳаматимизни дариг тутмаяжакмиз. Тангрининг мана шу, хайри саодатли бир кунда Ҳисори Шодмон вилоятини мирзо Муҳаммад Жаҳонгирга суюрғол этмоқликка қарор қилдик. Вилоятнинг олиқ-солиғини амирзодамиз девонининг сарф-харажатлари учун қолдираемиз. Авлодимиз ёш эмаслар. Ўн тўрт ёш шаҳзодалар учун ўспиринлик ёши саналмайди. Ҳар бир ишда

адолат ва яхши амалларга таянсалар, мулки давлатлари юксалиб, эл-юрт эътиборини қозонажаклар. Оятда айтилганидек, Оллоҳ яхши иш қилганларни мукофотдан маҳрум этмайди. Унинг шафқатига эришмоқ бандаларнинг ўзига боғлиқдир¹ деган тангри амрини бажо келтирмоқ жаддида бўлсинлар. Эл-улуслар орасида тенглик ва қардошликка риоя этиб, омил²ларига буюрсинларким, улар кучлилар тарафида туриб, заифларга илтифотсизлик ва адолатсизлик ила боқмасинлар. Бизнинг чек-чегарасиз мамлакатимизда турли ирқ, дин ва миллатларга мансуб кишилар истиқомат қиладилар. Буларнинг ҳақ-ҳуқуқ, ризқ-рўзларини таъмин ва ҳимоя этмоқ бизнинг асосий бурчимиздир. Амиру маъмурларимиз ҳеч кимга айрилиқ ва ғайрилиқ кўзи ила боқмасликлари лозим. Инсонларни кўз ва соч, ирқу динига қараб айирмоқ, буюк Оллоҳ таоло кечирмаяжак гуноҳи азимдир. Тўра ва тузук, давлатимиз меъмори, султон соҳибқирон амри фармонлари кечган барча ўлкаларда бирдир. Маъмурларнинг мавжуд қонун-қоида, дастуру тартибларни четлаб ўтиб, янги тузук ва интизомлар жорий этмоқликларига йўл қўймангиз! Амирзодамиз ўзининг илму билими, идроку фаросатга таянган сиёсати билан улусга зўравонлик қилмоқликка уринган ҳар қандай кимсани жиловини тортмоққа ҳозир турсин! Ушбу насиҳат ва тавсияларимизни розилик қулоғи билан эшитинг ва унга амал қилинг! Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлғай!

Машваратда Халил Султон ҳақида ҳеч қандай сўз бўлмади.

Салтанат амиру вазирлари мирзо Муҳаммад Жаҳонгирни Ҳисори Шодмонга кузатиб қўйдилар.

Олий ўрду Энадарёдан ўтиб, Бодғис яйловига яқин хушманзара манзилга қўнди.

¹Қуръони карим, 18-сура асосида айтилган фикр.

²Омил – солиқ йиғувчи амалдор.

Нурали ҚОБУЛ

Учқур отли чопарлар тулпорлари бошини Балх томон қўйдилар. Хоқони сайд мирзо Қайдуни зудлик-ла хузурига етиб келишини амр этганди.

Амирзода ихлосу иқбол ила етиб келгач, султон Шохруҳ навбатдаги фармони олийни эълон этди.

– Аҳли сарой, вазиру вузароларимиз яхши биладиларким, амир соҳибқирон замонларида Қандаҳор, Кобул, Ғазниндан тортиб, Синд дарёси соҳилигача бўлган ҳудудлар ва афғон ерларидан ташкил топган мамлакат валиаҳд Пирмуҳаммад мирзога берилган эди. Айни дамда шаҳид ажодимизни раҳмат-ла ёд этароқ, унинг бобомерос ҳаққи бўлган ўлкани азиз фарзандлари Қайду мирзо Пирмуҳаммад ўғлига иноят этамиз! Авлодимиз Қайду баҳодир ҳақу ҳақиқат, меҳру шафқат қопусини кенг очиб, мамлакатни равнақу ободлик, тинчлигу тотувлик йўлига бурмоқлари керак! Азиз қиблагоҳлари қисматидан сабоқ олароқ, хулоса чиқарароқ отадушманлардан бир эмас, ўн карра эҳтиёт бўлмоғи, йўл қўйилган хатоларни тақрорламоқ бориб турган фожиа ва фалокат эканлигини чуқур англаб етмоқликлари жоиздир. Ёдда тутингим, қадрли иним, мулк куфр ила боқий қолиши мумкин, бироқ зулм ила ҳеч бир замон боқий қолмас! Одат ва феъл-атвор жilовини теран ақл ва зийраклик элига тутқазинг! Ҳеч бир ишда шошилманг ва ёши улуғлар маслаҳатига амал қилинг! Унутмангим, хайри барака – буюклар-ла баробардир! Сизга Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин, азиз авлодим! – дуо этди подшоҳ.

– Хоқони сайд зоти олийларига муносиб авлод ўлмак ва ишончларига сазовор ўлмакдин ўзга лутф истамагаймиз! – дея миннатдорчилик билдирганча, келиб амакиси қўлини ўпди Қайду мирзо.

Амир ул-умаро янги подшоҳга фармони олий битилган ёрлиқни тақдим этди. У нишонни ўпиб пешонасига теккизганча қабул қилди.

– Энди Ҳиротдан амирзода Иброҳим Султонни даъват этинг! – амир ул-умарога буюрди хоқон. – Зудлик-ла етиб келсин!

Хоқон Туркистон томон юраркан, бошкент Ҳирот ва Хуросон мамлакатини бошқариш учун ўғли Иброҳим Султонни қойим мақом ўлароқ тайин этган эди.

Амирзода Иброҳим Султон Андхуд чегарасида қиблагоҳи қўлини ўпиш шарафига муяссар бўлди.

Қоровуллар амирзоданинг яқинлашаётгани ҳақида хабар берганларида хоқон амакиси амир Нуширвон Барлос билан ўғли ҳақида маслаҳатлашиб ўтирарди.

– Менга айтишларига қараганда, амирзодамиз ёш бўлишларига қарамай бир оз маишат ва ичкига берилганроқ дейдилар. Сиз ҳам буни сезгандирсиз? – сўради хоқон амир Барлосдан.

– Биламан, онҳазрат. Оллоҳдан яширмаганимизни сиздан яшириб не қилдик. Авлодимизнинг шундай номақбул одатлари бордир, – жавоб қилди амир одатига кўра рост сўйларкан.

– Шунинг учун амирзодани бир мамлакатга подшоҳ этиб, зиммасига масъулият юклаб, бир оз хушёр торттирсакмикан дегандим. Уни Балх ва теҒрасидаги музофотларга ҳоким этиб тайинласак. Не дейсиз?

– Бу тўғри қарор, онҳазрат. Бошкент Ҳирот атрофидаги вилоятлар тепасида ўз фарзандларингиз тургани маъқул. Бироқ танганинг икки томони бўлганидек, бу масаланинг ҳам икки учи бордир, давлатпаноҳ. Бири сўйлаганингиз каби масъулиятни англаб, ён-верига қараб тўғри йўлдан юрмоғи. Иккинчиси, шундай катта мамлакатнинг подшоҳи эканлигидан ўзидан кетиб, маишатни

Нурали ҚОБУЛ

янада авж олдириши мумкин. Шундан бир оз тараддуд-даман, – фикрини баён этди амир.

– Бу гумон мени ҳам ўйлантирмоқда, амаки. Шунинг учун фармони олийни кўлига олиб, Балх томон жўнаш олдидан сиз у билан яккама-якка бафуржа суҳбатлашинг ва бизни безовта этаётган масалани англа-тинг. Агар бу қилиқларингни ташламасанг, тожу тахтсиз, боқиманда бир шахзода ўлароқ дуч келган бир қалъада яшамогинга тўғри келади, дея тушунтиринг. Иншооллоҳ, инсофга келиб, юзимизни ёруғ қилса, – дардини ёрди ота қариндошига. – Ишқилиб, охир-оқибатда бу авлодлар бизнинг-да, бошқаларнинг-да жонини ёқмаса бўлгани эди.

– Вазифани англадим, онҳазрат! Лозим бўлган оҳангда амирзодамиз билан кўнишурман, – оғир юкни елкасига олган эди амир Нуширвон Барлос.

Нафасидан ички ҳиди анқиган амирзода Иброҳим Султон саломга борган куёвболадек қизариб, юкунган-ча қиблагоҳи кўлини ўпди. Хоқон ўғлидан бошкентдаги вазият ва раият аҳволини сўради.

– Оллоҳга шукур. Доруссалтанат Ҳирот тинч, омон. Улус амният рафоҳият ичида яшамоқда. Фақат отадуш-ман Пир подшоҳнинг ўғли Султон Алини қардошим Мир-зо Улуғбек ишончли ноиблари Абул Лайсга қолдириб, амрингиз билан Туркистон томон юргач, Астрободга бостириб келган. Қонли жанг бир неча кун давом этган. Савашда яраланган Султон Али ҳалок бўлган. Абул Лайс кўшини чексиз ғаниматларни кўлга киритган. Сул-тон Алининг бошини Ҳиротга юборгандилар, чопардан қайтариб бериб юбордик, – энг муҳим воқеани отасига етказди шахзода.

– У меҳнат-ла бизнинг узангига етишиб, чексиз ино-ятларимизга сазовор бўлган эди. Бутун бошли кўшинига

маош боғлаган эдик. Сеистон юришида садоқат-ла мулозимликда эди. Бироқ Фараҳ қалъаси фатҳидан сўнг бир кечада ғойиб бўлди. Демак, нияти бузуқ экан-да, — деди хоқон ҳайрон бўлиб Нуширвон Барлосга қараркан.

— Ўша эски отасўзи ҳақ-да, онҳазрат. Отадушман дўст бўлмас. Яғийнинг сиртида эмас, ичида бўл деган нақлга амал қилиб, орамизда сиримизни билмоқ учун юрган ўшанда. У шу қочганича, отаси вафот этган Рустамдорга қочиб борган. Амир Қаюмарз Рустамдорий унга аввал пишанг, сўнгра ёрдам берган. Отасининг қолган-қутган навкарлари ҳам шу ерга йиғилган. Биз Туркистон томон юзланишимиз билан у Астрободга ҳужум қилган. Не қадар аҳком кесмасинлар, биз уларнинг кимлигини биламиз.

— Тўғри, — дея тасдиқлади Иброҳим Султон.

— Ҳақ таолонинг амри шундай. Ҳар ким экканини ўради. Энди эса амиру вазирларимизни чорлаб, мўлжалдаги ишимизни ниҳоясига етказайлик, — деди хоқон эшик оғасига ишорат этаркан.

— Салтанатимиз устунлари бўлмиш амиру вазирларимиз, мулозиму қўмондонларимиз! Сиз азиз биродарларимиз ва узанги йўлдошларимнинг дуойи тилаклари ила Балх ва Тохаристон мамлакатини Кобулу Бадахшон чегарасигача авлодимиз Абулфатҳ мирзо Иброҳим Султонга тақдим этмоқ қарорига бордик. Доруссалтанат Ҳирот атрофидаги вилоятларда алоҳида ободончилик ишлари амалга оширилиши керакким, иншооллоҳ, мен дохил барча амиру вазирларимиз бу ишда шаҳзодамизга қўлқанот бўлмоғимиз лозим! Бул вилоятни юксалтирмоқ, кенгайтирмоқ, итоатда тутишу қўлда сақлаш каби ватаний ишларини шаҳзодамизнинг етук ақли ва адолатли ҳукмига топширгаймиз. Яратган эгамиз ҳар неники иноят қилса, бандасини синаб қўра-

Нурали ҚОБУЛ

ди. Агар у берган ризқу насибасига шукрона этиб, яратганларини ардоқласа, инсониятга яхшилик, инсонликка хизмат қилса, неъматини янада мўл-қўл қилади. Кибр ва ношукроналик йўлидан юрмоқда давом этса, тавбаю тақво этмаса, ризқу насибасини қисади. Зулм байроғини йиқмаган, жабр шиорини ўчирмаган шоҳу амир, қозию ярғучи охир-оқибат ана шу ғайриинсоний жафоларнинг қурбони бўлгувсидир! Жабру ситам кўрганнинг қарғишидан кўрқинг! Мазлумнинг қарғиши тошни тешгувсидир! Адолат, хайри саховат, ҳамияту марҳамат ила эзгулик биносини тиклай билурсиз! Аввал адолат, сўнг-ра марҳамат! Бир кишига адолатсизлик қилмоқ эвазига иккинчи кишига марҳамат қилинмайди! Бундай турумда адолат адолатсизликка айланади! Ва унутмангким, кечиккан адолат адолат эрмас!

Қиблагоҳи элидан ҳумоюн нишонни олган шаҳзода Иброҳим Султон Балх томон отланди.

Амир Нуширвон Барлос уни бир манзил масофагача кузатиб борди.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Буюк шахслар гоҳида буюк виждонсизликлар қилдилар.

Машойихлар ҳикмати

Туркистон сафаридан зафар-ла қайтган султон Шоҳрух Хуросону Мозандарон мулки мамлакатларининг аҳволи, юришда экан юз берган воқеалар тафсилотини сўраб-суриштириб, таҳлил этарди.

– Яқин фурсатда машғул бўлажагимиз муҳим вазифалар нелардан иборатдир? – дея сўради хоқон

қаршисида ўтирган амир ул-умаро Ҳасан Жондор ва амир Нуширвон Барлосдан.

– Бугун-эрта Дашти Қипчоқ хони Пўлатхон ва амир ул-умароси Идику Ботир, ҳамда Хоразм волийси амир Анконинг хос элчилари доруссалтанат Ҳиротга етиб келадилар. Элчилар ила илгиланувчи шиқовулбоши Қутбиддин Олчинга таълимотлар бердик, – дея хоқонга ҳисоб бера бошлади соҳиб ихтиёр. – Иккинчи масала буюк қоон Чингизхоннинг ўғли Тулихон амри билан бундан юз тўқсон тўрт йил бурун вайрон этилган Марв шаҳрини қайта тикламоқ ишидир. Шаҳар Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги туфайли унинг ободонлиги, тижорату қарвонлар йўлчилиги учун ғоят муҳимдир, онҳазрат.

– Ўтган қайтганимизда кўзимиз тушиб, юрагимиз эзилди. Хуросон шаҳарларининг тожи, кечмиш бахтиёр султонларининг тахтгоҳи бўлиб келган бу шаҳарни янада обод ва мукамал шаклда қайта бунёд этмоғимиз керак. Салтанат тўра ва тузуги фаровонлик тадбирлари билан мустаҳкамланади ва мамлакат ерлари зироату боғдорчилик-ла гуллаб-яшнагайдир. Ҳамон бу ишнинг режасини тузинг ва сўнг бора машварат этиб, қароримизни берайлик. Маъқул кўрсангиз ушбу буюк савобли ишга улуғ амирларимиздан Алоуддин Алико Кўкалтош, амир Мусо ва девонимиз ҳайъатидан амир Али Шақонийларни жалб этайлик. Ушбу бекларимиз ила қурилажак бинолар, қазилажак ариқлар ва бошқа ишлар тарҳини чизиб, девонга тақдим этингиз! – Марв шаҳри қурилиши ҳақида таълимот берди хоқон.

– Амри фармон хоқонимизнингдир! – дея таъзим бажо этди амир Жондор. – Зотан, шаҳар лойиҳаси муҳандисларимиз элида. Режа тарҳини ҳафта ичида олий эътиборларига тақдим этажакмиз. Учинчи масаламиз Омул ва Сорий мамлакатадаги Саййид Муртазо

Нурали ҚОБУЛ

исёнидир, давлатпаноҳ. Бу иш бўйича муҳтарам улуғ амиримиз Нуширвон Барлос илгиландилар. Ижозат этсангиз лозим билгиларни олий эътиборларига арз этсалар, – дея назокат-ла амир Барлосга сўз берди Ҳасан Жондор.

– Буюринг, улуғ амир ҳазратлари. Қулоғимиз сизда? – Нуширвон Барлосга қаради хоқон.

– Рум ва Шом сафаридан қайтар экан, султони ғозий зоти олийлари Сорий ва Омул мамлакати жиловини Ҳазрат Али розиаллоҳу анҳу авлодларидан саналмиш муҳтарам зот, муртазойи аъзам Саййид Алига иноят этган эдилар. Султон соҳибқирон тахтларига ўтиргач, хоқони саид ҳазратлари ҳам қиблагоҳлари қарорларини таъкидлаб, мулки давлат ишини амир Саййид Алига топшириб қўйдилар. Ҳумоюн ялов Мовароуннаҳр сари юрганда амир Саййид Алининг кичик қардоши амир Саййид Муртазо қайнотаси амир Саййид Иззуддин ва одамлари воситасида Ҳазора Жариб саййидларининг ёрдами билан қўшин йиғади ва акасини юртдан қувиб, тахтини эгаллайди. Амир Саййид Али кеча кечқурун Ҳиротга етиб келди ва сарой даҳлизидида қабулингизни бекламоқда.

– Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, Ҳазрат Али Шери даргоҳ ҳурматлари амир Саййид Алини ҳузурларига бориб қарши олайлик, – деди хоқон ўрнидан туриб, даҳлиз томон йўналар экан.

Амирлар подшоҳга эргашдилар. Хоқонни ўзи томон келаётганини кўрган амир Саййид Али самимияту садоқат-ла Шоҳруҳ султон томон талпинди. Қардошларча қучоқлашган подшоҳ мусофирни кўришнишхона сари бошлади.

– Бизда обрў ошдан, жанжал қариндошдан деган ота сўзи бор, муҳтарам амир жаноблари. Душмандан бир,

дўстан минг ҳазар деганларидек, қавми қариндошдан эҳтиёт бўлмоқлик керак. Бизнинг ишимиз ҳам ўз жияну амакиларимиз саналмиш амирзодаларни тинчитишдан иборат бўлиб қолди. Бу ташвиш сизнинг ҳам бошингизга тушибди-да, – амирга тасалли берган бўлиб, ўтирмаққа жой кўрсатди хоқон.

– Шундай бўлди, давлатпаноҳ. Жондор ини тарафидаги отарга тегмайди дер эдилар. Бироқ бўридан ҳам баттар чиқди бу қардошлар, – арз қилди амир Саййид Али таассуф-ла.

– Бизда ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош деган гап ҳам бор, амир жаноблари. Қавми қариндош билан тўй-маърака, мотаму жанозада кўришинг. Ўчоғидан ўт бермасаям бошқа пайти ўз-ўзига омон бўлсин, – гапга кўшилди Нуширвон Барлос.

– Бироқ амиру саййид, хеш-ақраболар билан бундай муносабат қилиб бўлмас экан-да, амир жаноблари. Унда бугунги кунимиз ҳам ҳолва бўлиб қолади. Бизнинг авлодларнинг ҳар бири ўзини ҳазрат Али санаб қолган. Бу ғоят хатарлидир. Кечмиш фожиалари уларга сабоқ бўлмаган кўринади, – жавоб қилди амир Саййид Али.

– Аслида сиз саййиду саййидзодалар ҳар бир ишда биз каби фақиру фуқарога ўрнатилган бўлишингиз, бизни ҳақ ва унинг расули йўлига бошқармоқда қуловузлик қилишингиз керак, – иддаоли қўнишарди амир Барлос.

– Пайғамбаримиз ҳазратлари мен арабман, бироқ барча араб мен каби эрмас деганлар. Оллоҳ расулининг айтганларига ихлосу эътиқод ила амал қилсангиз, қонлари бўлишимдан қатъи назар мenden кўра, сиз яқинроқсиз. Гап имонда, қонда эмас, муҳтарам амирим.

– Назаримда имоннинг бутунлиги ҳам қону жондан келиб чиқади, саййидзодам. Қазисан қартасан, асли наслингга тортасан дейдилар. Гапингиз тўғри. Қон

Нурали ҚОБУЛ

бузуклиги сўзсиз имоннинг эксиклигига олиб келади. Қони бузук кимсани минг бир мадрасада ўқитиб, султон саройига бош вазир тайин этинг, бефойда. Қум йиғилиб тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас дегандек пастлиги ва наслига тортаверади.

– Фикрингизга қўшиламан, – деди амир Саййид Али бу масалада мавзуни чуқурлатмаслик учун.

– Қон ва имон масаласини ҳал этдик. Баҳслашмасдан дўстлашмасан дегандек, бир оз тортишиб, дўстлашиб ҳам олдик. Энди ҳал этилажак ишларимизга ўтсак, – деди хоқон икки амирнинг мунозарасига яқун ясаган бўлиб. – Амир жанобларига биздан не кўмагу мадад лозимдир?

– Иним, Саййид Муртазо бу ҳаракати билан бутун аждоду авлодимизни беобрў қилди. Усиз ҳам мендан зангин, хотину канизаги мендан кўп, дасти мендан қисқа эмас эди. Киши ким бўлмасин, моли мулки ошгани сари тошаркан, онҳазрат. Буюк қардошлар меҳр-оқибатли, кичиклар эса шафқатсиз бўлар экан. Одамлар айтишганда ишонмаган эдим. Бошимга тушгач, кўрдим. Мен унга ҳеч бир ёмонлик тиламайман. Боши омон бўлсин. Фақат унга ўтириши лозим бўлган жойни кўрсатиб қўймоқ керак. Бу иш сиз хоқон ҳазратларидан бошқа ҳеч кимнинг элидан келмас. Сизнинг аҳду иродангизга сиғиниб келдик!

– Инингиз тахтни эгаллаш давомида қон тўқдими? – сўради хоқон.

– Йўқ, онҳазрат. Кимсанинг жону молига зиён-заҳмат етказмади. Мен ва мулозимларим қўлга илинган кўч-кўронимизни орқалаб қочдик ва остонангизга етишдик. Уларни инсофга чорлаб, йўлга солмоқ фақат хоқони саид ҳазрати олийлари ҳадди ҳуқуқлари, зако ва куч-қудратлари доирасидаги ишдир.

– Унда мен сизга соҳиби аъзам Хожа Шамсуддин Симноний ҳазратлари номига битилган бир мактубимизни бераман ва ул зоти олийнинг маслаҳатлари ила ҳаракат қилмоқни тавсия этаман. Мактуб ва насиҳатнинг жаво­бига қараб, ҳаракатга кечгаймиз. Ҳузуримизга мунший ила қози аскар Исҳоқ Самарқандийни чорланг! – буюр­ди хоқон.

– Мен сизларга Симноний ҳазратларига ёзилажак мактуб матнини сўйлайин. Сўнгра матнни кўриб чиқиб, қош-кўзини тўғрилайсиз, – дея фикрини сўйламоққа бошлади хоқон. – Оллоҳ ғаний-ғаний раҳмат этган бўл­син султон соҳибқирон ҳазратлари Омул ва Сорий ви­лоятини Саййид Али ибн амир Саййид Камолиддин ибн амир Саййид Қавомуддинга иноят қилган эдилар. Биз учун жаҳонгир султони ғозийнинг амрлари амр, сўзла­ри сўздир. Қулоғимизга етган хабарга кўра муртазовий амир Саид Муртазо ўз қардошини ватани тупроғидан қувиб, тахтини эгаллаган. Амир Саййид Али улуғ хоқон Амир Темур ва биз тайин этган шу мулки мамлакат соҳибидир. Бул инсонга ҳурматсизлик ва бепарво­лик, бизга нисбатан қилинган эътиборсизлигу ғайри ҳаракатдир. Биз тарафдан содир бўлгувчи эътироз ва хавф-хатардан ҳадиксирамай бундай ишга қўл урмоқ ғоят янглишдир. Бу каби ғайри эътиқодий ва ғайри улу­сий ишга қўл урмоқ, амир Саййид Муртазонинг идроку фаросатига тўғри келмайдир. Амиру маъмуримиз, бу­тун раиятимизга маълумким, биз амир Саййид Али­га нисбатан иноят ва риоят қилишни лозим деб била­миз. Ҳамда амирни Омулу Сорий юртининг ҳукмдори ўлароқ таниймиз. Унинг рижоларига қулоқ соламиз ва истакларини ўрнига келтирамиз. Оқилу одил инсон би­рор жиддий сабабу эътироз бўлмасдан туриб, ўз уми­ди ниҳолининг кўкариш замини бўлмиш мамлакатнинг

Нурали ҚОБУЛ

подшоҳи ғазабини кўзғатиш фикрига ўз қалбидан ўрин бермаслиги лозимдир. Итоат йўлидан юз ўгирмасдан тобелик расмини ўрнига-қўймоғи керакдир. Биз Ҳазрати Али авлодларининг хурмат-эътиборини мудом жойига қўйиб келганмиз ва сидқу садоқат-ла бу хизматда муқиммиз. Ҳазрат Али авлодларининг бугунги кунда ҳам ўз замонасининг етакчилари, улусини ўнгга бошповчи бир мўмин-мусулмон эканликларига шак-шубҳамиз йўқдир. Умид қилурмизки, амир Саййид Муртазо бизнинг дўстона, хайрихоҳлик ниятидаги сўзларимизни қабул қулоғи ила эшитиб, дилида бирор бузуқ андиша ва димоғида бирор ботил ғурур бўлса, кўнглидан чиқариб отар. Биз ким, султон соҳибқирон Амир Темур вориси, мулки Турону Хуросон, Эрону Ироқи ажамда сўзимиз кечиб турган ҳукмдор ўлароқ, саксон минг мукаммал қуроқ-яроғли суворий ила хатти-ҳаракатингизни кузатиб турибмиз. Ва ҳар бир ишнинг хайр ила тугашига ниятдошмиз. Юз берган ҳодисага ўтган ишга саловот, қолганига баракот дея боқамиз. Атроф-ҳудудларимиздан хотиримиз жамдир. Омул ва Сорийни яна забт этиб, раиятга озор етказмоқ орзу ниятида эмасмиз. Шоҳона узаңгининг юришга отланмоғига зарурият бўлмаса керак деган фикрдамиз. Чегараларимизда турган лашкарлар бир имо-ишоратимизга интизордир. Модомики қардошимиз амир Саййид Муртазо адолат сасини эшитмасликка олиб, ўзларини янглиш тутсалар, ақли идрок ила тўғри маслаҳатга қулоқ солмасалар, муносиб равишда туйдириб қўймоқ мажбуриятида қолажакмиз. Вал-ҳукми ли-плаҳил-алийул қадир.

Хоқони саид элидан мактубни олган Симноний билан Саййид Али Астробод йўлига тушдилар.

Саййид Али ва Симнонийни йўлчи этган хоқон сарой ҳовлисида амир Нуширвон Барлос билан Бадахшондаги аҳволни муҳокама қилиб, наридан бери юришарди.

Сарой ҳовлисига кирадиган дарвозахона ўнгида қози аскар Исҳоқ Самарқандий кўринди. Хоқон ишорат билан мударрисни ёнига чорлади.

– Зарур ишларингиз йўқми, устоз? Биз ила бир оз айлана билурмисиз? Уфоқ-тефак саволларимиз бор эди. Шуни жавоблантирсангиз? – деди хоқон мударрисга назокат-ла.

– Амри фармон хоқонимизнингдир. Подшоҳимиз сўровларини жавоблантиришдан муҳим ва шарафли иш бўлмас, – сертавозе эди Исҳоқ Самарқандий.

– Биз ҳозир Астрободга амир Саййид Алини кузатдик. Маълумки, ул кишимнинг аждодлари Ҳазрат Али суйидан келадилар. Улар динимиздаги шиа мазҳабининг етакчиларидир. Бизга шиалик ҳақида билганларингизни сўзлаб берсангиз? Қай бир шаклда мулоқотга киришмайлик, булар билан англашмоқ мушкул кечаётир, – мударрисни ҳам юришга даъват этди хоқон.

– Бош устига, онҳазрат. Мен улар орасида бўлиб, бу мазҳабни имкон қадар ўргандим. Шиа араб тилида гуруҳ, тарафдор деган маънони англатади. Ер юзи муслмонларининг ўндан бири ана шу мазҳабдадир. Бу оқим халифа Ҳазрат Али тарафдорларидан иборат тўда сифатида вужудга келгандир. Шиалик диний-ақидавий таълимотда суннийликдан маълум даражада фарқ қилади. У ўз лайтида халифалар ҳокимиятига қарши кураш олиб борган гуруҳларнинг, ҳатто исёнларнинг асосий ғояси сифатида майдонга чиққандир. Аслида келишмовчиликлар ҳокимият талашувига бориб тақалса-да, ихтилофлар асосан ислом таълимотидаги тафовутларда намоён бўлган ва бу тортишувлар ҳамон давом этмоқда. Шиалар ҳам биз суннийлар каби Қуръони каримни илоҳий дея эътироф этадилар. Бироқ халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деган даъвони қиладилар. Шиа

Нурали ҚОБУЛ

илоҳиётчилари Қуръоннинг мазмунини мажозий талқин қилиш йўли билан ўз таълимотларини асослайдилар. Сунна, яъни одат, анъана ва хатти-ҳаракат тарзида улар фақат Али ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ бўлган ҳадисларни тан оладилар. Шундай ҳадислардан иборат тўпламларни ахбор деб атайдилар.

– Янглишмасам, улар беш ақидага амал қиладилар. Бу амаллар суннийликдагидан фарқлими? – сўради подшоҳ мударрисни диққат-ла тинглар экан.

– Фарқлидир, онҳазрат. Шиаликда тавҳид, адл, нубувват, имомат ва қиёматдан иборат беш ақидага эътиқод қилинади.

– Ҳа-а, демак, булардан тўрттаси суннийлик эътиқоди билан мос тушар экан-да?

– Айнан шундайдир, хоқон ҳазратлари. Тавҳид – Оллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш, адл-адолат, Оллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси, нубувват – набийлик, пайғамбарлик, қиёмат ёки маод – охират кунининг келиши ва марҳумларнинг тирилиши. Бешинчи ақида – имомат, яъни имомларнинг ҳокимиятини эътироф этмоқ, суннийлик ва сунний халифалар ҳокимиятига қаршилиги билан фарқланади. – Улар ҳазрат Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини тан оладилар. Шу туфайли барча халифаларни, бил-хосса, илк халифалар Абу Бакр, Умар ва Усмонни ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган кишилар сифатида қоралайдилар.

– Бунинг барчаси мавқе ва ҳокимият талашувидир. Аспида бу аждодлар бирлигу баробарликда қолган элу элатларга ибрату намуна бўлмоқликлари керак эди. Сувни бошдан ўзлари лойқалатганлар. Эски ота сўзи тўғридир. Араб бор жой харобдир, – суҳбатга қўшилди амир Нуширвон Барлос.

– Бу иккинчи масала, амаки. Мударрис жанобларини

чалғитмайлик, – оқсоқол амирнинг сўзини бўлди хоқон.
– Давом этинг, устоз.

– Шиалар етти ёки тўққиз ёшида бедарак йўқолган Муҳаммад ал-Маҳдийни “яширинган” деб биладилар. Замона охир бўлганда унинг қайтиб келишига ва адолат ўрнатишига ишонадилар. Уни охир замон имоми дейдилар.

– Муҳаммад ал-Маҳдийни ўлдирилган дейдилар-ку?

– Аслида шундай бўлса керак, онҳазрат. Бу тасаввур маълум бир даражада суннийликда ҳам тарқалган.

– Урф-одатларда ҳам тафовутлар бор, албатта?

– Табиийдир. Шиалар суннийлар каби Макка ва Мадинани муқаддас санаш билан бирга Карбало ва Нажаф шаҳарларида жойлашган шиа имомлари қабрларини ҳам зиёрат қиладилар. Улар шариатида жаъфария мазҳаби етакчидир. Имом Ҳусайн ўлдирилганидан буён унга мотам тутадилар. Шаҳий-вахий дея ном олган мотам юришларини ўтказадилар. Ўзларини ўткир темир ва занжирлар билан уриб таналаридан қон чиқарадилар.

– Шаҳий-вахий дегани Шоҳ Ҳусайн, воҳ Ҳусайн дегани-да-а?

– Шундай, султоним. Бу мотам юриши ҳар йилнинг муҳаррам ойи бошида ўтказилади.

– Шиалар орасида ҳам бирлик йўқ дейдилар?

– Тўғридир, онҳазрат. Ихтилофлар туфайли зайдийлар, исмоилийлар ва ибодийлар деган тариқатлар вужудга келганким, улар ҳеч бир замон англаша олмайдилар.

– Булар орасида нусайрийлар дегани ҳам бор экан. Буларнинг фарқи нима-да?

– Уларни алавийлар ҳам дейдилар. Бу оқимга мелодий тўққизинчи асрда яшаган ибн Нусайр асос солгандир. Нусайрийнинг асл мақсад ва ақидаси шиаларнинг

Нурали ҚОБУЛ

биринчи имоми саналмиш Алини илоҳийлаштирмоқдир. Алавий сўзи ҳам шундан келиб чиққандир. Нусайрийларнинг диний таълимот ва маросимларига насроний дини ҳамда айрим эски, қадимий эътиқодлар ҳам таъсир этгандир. Улар ҳам насронийликдаги муқаддас учлик каби, Муҳаммад, Али ва Салмон ал-Форисийни худонинг уч тур намоён бўлиши дея эътиқод қиладилар.

– Эски туркларимиз Кўктангрига сиғинганларидек, хануз Ой ва Қуёшга сиғинар эмишлар-а?

– Тўғри. Ой, Қуёш ҳамда ёритқичларга сиғинадилар. Жоннинг кўчиб юришига ишонадилар. Халифалар ва хукмдорлар томонидан таъқибу тазйиқ этилганликлари боис, ўз эътиқодларини тун кечаси, махфий равишда адо этадилар. Уларда биздаги каби намоз, рўза каби маросимлар йўқ. Масжид каби ибодат ерлари ҳам йўқдир. Энг ғалатиси, улар кечаси аёлларини яланғочлаб, унга сиғинадилар.

– Тавба, тавба!

– Демак, улардаги қонун-қоидалар қайд этганингиз каби жаъфария йўналишида олиб борилади? Шундайми?

– Айнан шундайдир, онҳазрат. Шиалиқдаги турли йўналишлар ичида ўн икки имомга эътиқод этгувчи имомийлар асосий ўрин эгаллайди. Имомийлар олтинчи имом Жаъфар ас-Содиқни шиалиқ фикҳ тизимининг асосчиси деб биладилар. Аслида бу ҳуқуқий тизим бир қатор мужтаҳид ва илоҳиётчилар томонидан тўққизинчи ва ўнинчи асрларда ишлаб чиқилган. Имом Жаъфарнинг фикҳ ва илоҳиётга доир ҳеч бир асари йўқдир. Бироқ шиалиқ ҳуқуқ тизими имом Жаъфар номи билан боғланиб, суннийликдаги тўрт мазҳаб, ханафия қатори бешинчи ҳуқуқий мазҳаб ҳисобланади. Бу мазҳабни Эрон ва Ироқдаги шиалар хукмрон ҳуқуқ тизимига айлантирмоқ учун мужодала этмоқдалар.

– Биз суннийлар шиалар билан англаша оламизми? Зотан, суннийларга нисбатан озчилик бўлган бу қавмни йўлга солиш мумкин бўладими? – сўради хоқон.

– Уларга тожу тахт, мулки давлат бериб, маълум бир муддатга англашиб туриш мумкин. Бироқ бу муносабат ҳеч қачон узоқ давом этмайди. Йўқ ердан ихтилофлар келиб чиқаверади, – жавоб қилди мударрис Самарқандий.

– Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратларининг Маккадан келган Маккий отли бир ақраболари келиб сиз хоқон ҳазратлари билан ҳам учрашган эди. Амрингиз билан уларни муносиб қаршилаб, кузатиб қўйгандик. Шунда бир неча кун суҳбатда бўлдик, – яна суҳбатга қўшилди амир Нуширвон Барлос. – Бир гапларини айтмоқ фурсати келди чамамда, хоқоним, – подшоҳга қаради амир Барлос.

– Сўйланг, сўйланг, – деди Шоҳруҳ султон амакисига сиздан мудом кутилмаган бир гап чиқади дегандек қошларини чимириб боқаркан.

– Ўша Маккий деган киши Қоҳирадаги машҳур бир мадрасада сабоқ берган экан. Биз учун шиалар мусавийлардан-да хавфлидир. Мусавийлар душманимиз бўлсалар-да, динимизни парчалай олмайдилар. Бироқ шиалар бу ишни қилиб келганлар ва бундан сўнг ҳам давом этадилар деди.

– Бу гапда жон бордир, хоқоним, – амир Барлоснинг сўзини тасдиқлади Самарқандий. – Бўлиниш ва сотқинлик ҳар бир дину элатнинг ўз ичидан чиқмаса, ўзлари имкону шароит яратиб бермасалар, ғанимлар ҳеч қачон бу халқларни истаганларича ўйнатиб, ўзларига бўйсундира олмайдилар.

Шу пайт қалъа дарвозасида отлиқлар кўринди. Шиқовул хорижий элчиларни кутиб оларди.

Суҳбатдошлар ортга қайтдилар.

Нурали ҚОБУЛ

– Нусайрийлар орасида курдлар ҳам борми? – сўради хоқон сарой томон юришаркан.

– Бордир, давлатпаноҳ. Улар ҳаёти билан қизиқар эканман, аёлларини жин дея аташларига ҳайрон бўлдим.

– Бу биздаги жин ва ажина маъносидами? – ҳайрон бўлди подшоҳ.

– Айнан шу маънода қўлланар экан, олампаноҳ. Сақлаб ва биз Урусия дея атаганимиз қавм ҳам хонимларини жинжина деб атармиш.

– Қаранг-а, мўғуллар хотунларини қанжиқ дея атагани каби ғалати экан-а? – ҳамон ҳайрон эди подшоҳ.

Элчиларнинг яқинлашиб қолганлиги ғаройиб суҳбатнинг белига тепган эди.

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ

*Ҳуши жойида киши,
Билажак қилар ишин.*

Дашти Қипчоқ элчиларини эргаштириб кўринишхонага кирган шиқовул Қутбиддин Олчин меҳмонларни хоқонга тақдим этиб, таништирар, элчилар тиз чўкиб, тобуғ¹ расмини бажо келтирарди.

– Дашти Қипчоқ хони Пўлатхон зоти олийларининг хос элчиси Ярлақаб Парчаюз!

– Дашти Қипчоқ амир ул-умароси Идику Ботир жанобларининг хос элчиси Ўринбой Боёвут!

– Хоразм ҳукмдори амир Анқо жанобларининг хос элчиси Самандар Сарибош! – элчиларни хоқонга танитди шиқовулбоши Олчин.

– Хуш келдингиз, сафо келтирдингиз! – дея элчиларни

¹Тобуғ – туркий эллар орасида олий ҳуқумдор олдиди тиз чўкиб, таъзим бажо келтириш расм-одати; бўйсунуш ва итоат белгиси.

очиқ юз билан хуш қаршилади хоқон. – Иншооллоҳ, хон қардошимиз ва амир ул-умаро биродаримиз соғу саломатдирлар! – Дашти Қипчоқ элчиларига қаради султон.

– Оллоҳга шукур, соғу саломатлар! Хоқони саид зоти олийларига дуо ва саломларини етказишни сўрадилар! – жавоб қилди Идику Ботирнинг элчиси Ўринбой Боёвут. – Зоти олийларига тўққиз-тўққиз тортиқлар баробарида шунқор ва овчи қушларини келтирдиким, оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрғайсиз.

– Айни дамда Дашти Қипчоқ тахтига Пўлатхон ўтирдиларми? Шодибекхоннинг вафот этганларини ҳам яқинда эшитдик. Марҳум хон ҳазратлари Сарой Берка тахтида неча йил салтанат сурдилар? – сўради хоқон хон элчисига қараб.

– Хоқони саид зоти олийларига маълумким, соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффар рағбату кўмаклари ила Ботухон тахти насиб этган Темур Қутлуғ ибн Ўрусхон улуғ боболари тахтида салтанат суриб, хонлик маснадида тўрт йил ўтирдилар. Оллоҳ раҳматли хонимиз Ботухон тахтининг йигирма бешинчи хони эдилар. Ул марҳум саодатли подшоҳдан сўнг қардошлари Шодибекхон ота-боболари тахтига оро бериб, саккиз йил мобайнида салтанат поғонасида турдилар ва халойиқни эҳсону адолати ила шод қилиб, яхши отлиғлик гўйини даврон майдонидан олиб чиқдилар. Боқийлик боғи эшиги ҳам бу олийнасаб султон юзига очилиб, салтанат мулкидан юklarини йиғиштирганларида фарзанди аржумандлари Пўлатхон ибн Шодибекхон Дашти Қипчоқ мамлакатининг йигирма еттинчи хони сифатида ота тахтига ўтирдилар. Айни саодатбахш кунларда давлатпаноҳ подшоҳимиз Шодибекхон хонлик тахти ва ҳукмронлик олий маснадидадирлар. Подшоҳимизнинг энг адолатли хизмат ва мурувватлари шундаким, ул кишим ҳар бир юксак давлату ҳукумат мақому мансабларига фақат му-

Нурали ҚОБУЛ

носиб ва лойиқ одамларни тайин этмоқдалар. Хоқони саид ҳазрати олийларининг соҳибқирони аъзам Амир Темур Кўрағони муаззамнинг ҳақиқий вориси сифатида танийдилар ҳамда амакилари Оллоҳ раҳматига олган подшоҳ Темур Қутлуғхон ибн Темурбек ўғлон ибн Ўрусхон ўғлининг салтанатга келишда кўрсатган хизматларини юксак қадрлайдилар, тақдир этадилар. Султони ғозий замонларида келишилган барча сўзли ва ёзили аҳдномаларга амал қилишни таъкидлайдилар.

– Ҳуши жойида киши, билажак қилар ишин деганидек, сиз қардошларимиздан бу сўзларни эртароқ беклаган эдик. Бироқ ҳар ишда бир хайр бордир. Ҳечдан кўра кеч бўлгани ҳам маъқулдир, – мийиғида кулиб, хон элчисига боқди хоқон.

– Зоти олийларига маълум бўлган сабаблар юзасидан бу хайрли элчиликни амалга оширишнинг имкони бўлмади. Бу орада саодатли подшоҳимиз Шодибекхон вафот этиб, салтанат осмони бироз хиралашди. Сувлар тиниб, мулки давлат карвони ўз йўлига тушгач, интиқлигу эҳтиром ила ҳузурларига отландик, – тавозе билан жавоб қилди Ўринбой Боёвут. – Улуғ амир жаноби олийлари ҳеч қачон султон соҳибқирон авлодларига нисбатан иззату ҳурмат, эътиқоду эҳтиромда қусур этмаяжакларини алоҳида урғуладилар.

– Ҳадялар учун ташаккур. Қулоғим сизда. Амир ул-умаро қардошимиз Идикубекдан не муждалар бор? – бош вазир элчисидан сўради хоқон.

– Амир ул-умаро Идику Ботир Дашти Қипчоқ черигининг Хоразмни эгаллаш масаласини зоти олийларига англатишимизни буюрдилар. Бу воқеа қаро татар ва ироқлик қочқин черикларнинг Хоразмга эга чиқмаслиги учун қўлланган бир тадбир эканлигини юксак эътиборларига етказишни рижо этдилар. Хон ҳазратларининг

ҳам, ўзларининг ҳам Турон салтанатининг бирор қарич ерида кўзлари йўқ эканлигини алоҳида қайд қилдилар, — қора терга тушиб вазиятни англаган бўлди элчи. — Бул тадбиримиз ироқликларни Хоразм ҳокимиятига йўлатмаслик учун қилинган бир чора эканлигини хоқони саид ҳазратлари тўғри англашларини сўрадилар.

— Агарким турум хон ва амир ул-умаро сўйлаганлари каби бўлса, буни тўғри тушуниш ҳамда ишониш мумкин. Вазиятдан вазифа чиқариб, Турон салтанатида аввалги куч-қудрат йўқ, ёғли патирдан биз ҳам ўз улушимизни олиб қолайлик деган ўю мақсадда қилинган бўлса, бу айри бир масаладир, — дилидагини тилига келтирди подшоҳ.

— Биз айнан шу масалага очиклик ва ойдинлик киритмоқ учун оstonаларига бош уриб келдик, онҳазрат! — дея суҳбатга қўшилди хон элчиси Ярлақаб Парчаюз.

— Демак, Шодихон вафот этиб, Пўлатхон Ўрда тахтига ўтирганлар. Айни дамда мулки давлат ул хон қардошимизнинг илкида, шундайми? — сўради хоқон бир хон, бир амир Анконинг элчисига боқаркан.

— Шундайдир, аълоҳазрат. Дашти Қипчоқ тахтига Пўлатхон ўтирдилар, — жавоб қилди хон элчиси. — Зоти олийларининг қутлуғ номлари, билхосса, падари бузрукворлари амир Соҳибқирон ҳазратларининг шон-шухратлари Дашти Қипчоқда маълум ва машҳурдир. Давлат чашмаси ва саодат манбаи бўлмиш фахрли Самарқанд ери муборак қадамлар ёғдуси билан янги зийнат топиб, ул вилоятлар янгитдан олий девон фармонбардорларига тааллуқли бўлган кунларда табригу қутлов шартларини бажо келтирмоқ учун хон ҳазрати олийлари бизни йўлладилар. Таклифу таржиҳлари шундан иборатким, икки орадаги муносабатлар султонни ғозий замонларидаги каби тузатилса. Тарафлар ўр-

Нурали ҚОБУЛ

тасида иттифоқлик вужудга келса. Биз ва мамлакатлар дўст бўлсалар йўллар нотинчлик ва офатлардан эмин бўлғусидир, дея алоҳида қайд этдилар.

– Ақлимизнинг бир учиди Хоразм муаммосида бир тур саволлар бор эдиким, ушбу суҳбатдан сўнг, бу сўровларга жавоб олгандек бўлдик. Муҳтарам элчиларимизга шоҳона кулоҳу камарлар инъом этилиб, елкаларига кашмири чопонлар ёпилсин! Пўлатхон, амир Идику Ботир ва амир Анколларга хусравона тортиқлар ҳозирлансин! Оқшом эрса, мўътабар қўноқларимиз ша-рафига зиёфат тартиб этилсун! – амр этди подшоҳ.

– Амир ул-умаро Идику Ботир жанобларининг сиз зоти олийларига алоҳида бир совғалари борким, ижозатингиз ила шуни тақдим этсам, – дея шиқовулга ишора этди элчи Ўринбой Боёвут.

Шиқовул тугилган бўғчани келтириб, элчининг олдига қўйди.

– Бу тибет тулкиси терисидан ёқа қилинган, Шибирияда яшовчи ноёб бир жониворнинг терисидан ишланган шоҳона пўстиндир. Амир жаноблари бир замонлар худди шундай пўстинни қиблагоҳлари султон соҳибқирон ҳазратларига тортиқ қилган эканлар. Оллоҳнинг сизга-да бу ҳадяни тақдим этиш насиб қилганига шукроналар келтириб, самимият-ла бериб юбордилар, – дея султоний пўстинни очиб сарой аъёнларига кўрсатди элчи.

Амир ул-умаро пўстинини элчининг қўлидан олиб, подшоҳ қаршисидаги хонтахта устига қўйди.

– Амир ул-умаро Идикубекдан Оллоҳ рози бўлсин! Зотан, ул улуғ зот падари бузрукворимизнинг садоқатли дўсти ва узанги йўлдоши эрдилар. Отақадрдон буюк қардошимизни ҳар замон қадрлагаймиз, – миннатдорчилик билдирди подшоҳ. – Биз сизларнинг ташриф ха-

барларингизни туйиб, ўзаро бир маслаҳат қилган эрдик. Бугунги суҳбатимиз ғоят хайрли бошланиб, хайрли тугади. Ана шу савобни қўша қилмоқни ният этдик. Эшитишимизча, амир Идику Ботирнинг бир қизлари бор эканким, шу каримани ўғлимиз Жўгий Баҳодирга сўрамоққа қарор қилдик. Бўлажак келинимиз аждодининг бир учи буюк қоон Чингизхон авлодига, Пўлатхон хонадонига туташажагидан суюндик. Улуғ амиримиз Ҳасанко совчи сифатида сизлар ила баробар Сарой Беркага борадилар.

– Ғоят хайрли бирлашув!

– Икки ёш бахтли бўлсин!

– Ота-боболарига муносиб авлодлар бўлсинлар! – солиндан овозлар эшитилди.

Хоқон мусофирларни улар шарафига тартиб этилган зиёфат суфрасига даъват этди.

Саййид Алини Астрободда қолдириб Сорийга борган Хожа Муҳаммад Симноний Саййид Муртазо билан учрашди.

– Буюк қардошимиз келиб энди набираларини боқиб ўтирсинлар. Ул кишининг жону молларига ҳеч қандай таҳдиду таҳлика солмагандик. Ҳиротга югуриб боришларига ҳам лузум йўқ эди. Тожу тахт қилич билан бошқарилади. Бориб ул кишимга айтинг. Омул ёки Сорийга келиб, умргузаронлик қилсинлар, – деди амир Саййид Муртазо Хожа Симнонийни муносиб қаршилаб кузатар экан.

Бу гапни эшитган амир Саййид Алининг тепа сочи тик бўлди. Хожа Симноний орада бўлиб ўтган гап-сўзни маълум қилиш учун Ҳиротга жўнади.

Симнонийдан бир ҳафта бурун Астрободдан етиб келган чопар Сорий ва Омул ила боғлиқ сўнгги хабарни хоқонга етказди.

– Симноний ҳазратлари Ҳиротга жўнагач, амир Сай-

Нурали ҚОБУЛ

йид Али Астробод ҳамда атрофидаги сорийликларни тўплаб, амир Хизрхожадан бир тўп навкар олиб, Сорий сари юзланди. Иниси Саййид Муртазони ҳайдаб, ўз мамлакати тахтини қайта эгаллади.

– Ҳар неки қисмату қадар, тожу тахт насиби ёки заволи, тақдири илоҳийдир, – деди чопарни эшитган хоқон бошини маъноли соллаб.

– Бу араб акраболаримиз Самарқанду Қоҳирадами, Дамашқу Боғдоддами қайда бўлмасин, бирор-бир фитнани бошлаб юрадилар. Уларнинг саиду шариф, феллоҳу фуқаросининг фарқи йўқ. Манфаат деганда ҳар нарсани сотадилар, – деди бу гапни эшитиб ўтирган амир Нуширвон Барлос.

– Қай бир миллатга мансуб бўлмасин, умматимиз ичида эътимоду эътиқод кўя билажак инсон кам экан, амир жаноблари. Шул боис, кимга ишонч билдириб, бирор муҳим вазифани топширмаққа ўйланиб қоласан. Ҳа, айтгандек Марв шаҳрини қайта тиклаш режаси ва тархи ҳозир бўлдими? – сўради хоқон амир Ҳасан Жондордан.

– Ҳозирдир, онҳазрат. Шу асосда фармони олий тайёрладик, – деди амир қўлидаги қоғозларни кўрсатиб.

– Унда ўқинг, – деди хоқон тахтига қулайроқ ўтирар экан.

– Хуросоннинг барча ҳудудларидаги турку тозик умароларимизга! Марв чеврасидаги ҳудудларнинг яқин-йироқдаги кишилари Турон давлатининг бу эски ва шонли шаҳрини яна қад кўтармоғи учун оёққа қалқиб, сафарбар бўлсинлар! Ушбу савобли ишнинг аввал бошида шаҳарга оқувчи Мурғоб дарёсидан келадиган тўғон қайта тиклансин! Мурғоб ариғи қайта қазилиб, шаҳарга етарли миқдорда сув етиб келмоғи ҳал этилсин! Мурғоб наҳридан қазиладиган ариқнинг узунлиги тўғондан бо-

шлаб, токи ҳазрат Муҳаммад расулллоҳнинг – Оллоҳ уни ва оила аъзоларини раҳмат қилсин – байроқдорлари ҳисобланмиш Бурайда ва Ҳакамлар мақбараси ўрнашган Дарвозайи аламдоргача ўн икки фарсанг, кенглиги бошланиш жойларида йигирма газ, қуйи оқимларида ўн беш газгача, чуқурлиги эса беш газдан кам бўлмасин! Шаҳар ичида аҳоли сонини ҳисобга олиб, масжидлар, бозорлар, ҳаммомлар, хонақоҳлар, мадрасалар, уйлар ва бошқа хайрли иморатлар курсинлар! Шаҳарни қайта барпо этмоқ иши ийди қурбон байрамига қадар тугаллансин! Шаҳар атрофидаги ерларда беш юз газ¹ жуфт ҳўкизли кўш зироат етиштирмоққа жалб этилсин!

Марв ариғига сув келиши билан бу ишга мутасадди беклар бошкентга, олий тахт поясига келиб ҳисоб бердилар.

Хоқон сарой аъёнлари йўлдошлигида Марв сари йўл олди. Олий даргоҳ Мурғоб сувигача борди. Жазирама туфайли юришни давом эттирмоқнинг иложи бўлмади.

Ҳумоюн жилов баҳаво Қийту яйлоғи томон бурилди. Қурбон байрамини шу манзилда қаршилаган хоқон бошкентга қайтди.

Султон соҳибқирон бошкенти Самарқанд, Туркистону Мовароуннаҳр яна Турон байроғи остида бирлашгани боис, барча тобе вилоятлар ва кўшни мамлакатларнинг чопар ва элчилари доруссаптанат Ҳиротга оқин этарди.

Юлдузларни кўзлаган салтанат тулпори устида жаҳонгирнинг ҳақиқий вориси Шоҳруҳ султон ойдаи балқиб, қуёшдай порлаб ўтирарди.

Тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

¹Газ – узунлик ўлчови. Ўзгариб турган. Етмиш сантиметрлик ўлчов бирлиги.

ИСТАНБУЛДАН МАКТУБ

Муҳташам асарлар силсиласи ёки ҳақиқий қаҳрамонини қадрламаган халқларнинг келажаги йўқ

1. *“Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич”*
 2. *“Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт”*
 3. *“Султоннинг сўнги кунини ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон”*
 4. *“Чингизхоннинг олтин тахти”*
 5. *“Жаҳон мулкининг султони ёхуд фотиҳ Темур ва Йилдирим Боязид”*
 6. *“Жон ва шон талвасаси”*
 7. *“Тириклик саодати”*
 8. *“Қадарнинг ғариб жилваси”*
- Муаллиф Нурали ҚОБУЛ.**

Азиз китобхон!

Юқорида номлари ёзилган асарларни ўқидингизми? Шояд ўқимаган бўлсангиз, кейин афсусланишингиз аниқ.

Биламан, сиз муҳтарамларнинг ҳар бири камида бир кўп шуҳрат эгаси, буюк қаламкашларнинг ҳужжатли, тарихий, бадиий, шеърӣ ва илмӣ мавзулардаги асарларни кунт билан ўқиб, маълумот эгаси бўлиб қолгансизлар. Хусусан асарлар ҳақида тақриз ёзиб ва ўз кўз қарашларини изҳор қилган адиблар диққатингизга сазовор бўлган. Чунки бу зотларнинг адабий қудрати энг оз муаллиф савиясига тенг, ҳатто ундан ҳам ўткир устод бўлишлари мумкин. Зеро ҳар қандай муаллифнинг асарига баҳо бериш осон эмас. Хусусан ўйлаб, ўлчаб ҳақ, халқ ва китобхон назарида фикр баён қилиш, китоб ёзишдан ҳам қийинроқ ишдир.

Каминадай чалақалам кишининг ёзилган асарлар ҳақида фикр баён қилиши тўғри бўлмаса керак деган фикрдаман. Лекин чин кўнгилдан эътироф қилишим самимиятимнинг исботи дея тушунганим учун ночиз фикримни изҳор қилишни маъқул кўрдим. Мақтов билан бошқасига маҳмадоналик ва лаганбардорлик қилиш ниётида эмасман.

«Йигитни ўлдир, ҳаққини ема» деган ота сўзига биноан юқорида ёзилган асарларни ҳаққоният туйғуси ила кунт билан ўқиб, хурсандчилигимни изҳор қилмоқчиман холос.

Бу зотнинг асарларидан олдиндан ҳам хабардор бўлиб мутолаа қилиб, қудратимга қараб ўзимча фойдаланганман. Лекин охириги асарлар менда бошқача таъсир қолдирди.

Қиличдан ҳам ўткир бўлганлигини пайқаб, гувоҳ бўлиб, бутун вужудимни миллий туйғу қамраб олди.

Мавзуга ўтмасдан олдин ўзим ҳақимда баъзи изоҳловчи нуқталарни очиқлаб қўймоқчиман. Албаттаки, рухсатларингиз билан.

Камина ҳаваскор китобхонман десам ажабланманг. Ҳар каллада бир хаёл дегандай ёшлигимдан бери китоб ўқишдан завқланаман. Ҳатто мавзулардан туйғуланиб тўлқинланиб, мен ҳам бир кун ҳисларимни ифодалаб ёза билармиканман деган ҳавас ва орзу бошимни қотирар эди. Аммо, афсуски, мактаб кўрмай, устоз тарбиясидан бенасиб умр кечирганлигимдан балки ҳайратга тушарсиз.

Келинг энди, худо дедим, бердисини ҳам эшитинг. Арзимас бу ёзувни охиригача ўқишингизни илтимос қиламан.

Мактаб кўрмадим, чунки Ватансиз эдим. Ўттиз кунлик чақалоқлигимда киндик қоним томган ота-онам

диёри муқаддас тупроқ, Ватанимдан сиёсий шартлар сабабли она қучоғида мажбуран 1931 қўй йили чет, ёт ўлкаларга кўчган эканмиз. Ғурбату мусофирлик ва бировлар ўлкасидаги қийинчиликлар, хусусан, ҳар ўлкада бир неча йил ва ҳар шаҳарда қисқа кунлар истиқомат қилиб, доимий кўч-кўч билан овора бўлиб, ўқишга фурсат қолмаганди. Ватан қидириш, хору зор саргардонлик ва моддий-маънавий камчиликлар ичида умр ҳаво бўлди. Токи 1952 йили қондош қардош ўлка Туркияга қадам босгунча. Бизга Отатуркнинг Туркия жумҳуриятидан бошқа ҳеч бир давлат ватандошлик бошбути (паспорт) бермади.

Ана шундан кейин бахт йўли очилиб, шу дақиқалардан эътиборан инсон эканлигимни пайқаб, боз устига бир кимликга (паспортга демоқчилар) эга бўлган эдим. Фурсатдан фойдаланиб мактабга кира билиш учун катта умид билан ёшимни 5 ёш кичикроқ ёздириб, расмийлаштиргандим. Аммо нахазинки кечим дарди билан овора бўлиб, ўқима чоғим сувдай оқиб, шамолдай ўтиб кетмоқда эди. Қачон бир мактаб олдидан ўтсам юрагим жизиллаб эзилиб, қўлида китоб тутган йигитчаларни кўрсам, юрагим ўйнаб кетарди. Шундай бўлса-да қаерда ташландиқ бир газет ва ё китоб кўрсам кўзимга тўтиё қилар, лотин ҳарфида ёзилган ибора ва сатрларни татаблаб, ҳижжалаб ўқигани уринардим. Чунки бу ўлкада кун ўтказиш учун озиди лицейни ўқиб чиққан бўлиш зарурий эди. Камина эса Афғонистон, Қобилда беш йил болачалар даврасида пушту тилини араб ҳарфида қоралашни ўрганиб, чалақалам эдим. Саводсизлик мени қийнар эди. Умрнинг энг керакли дамлари ўтиб борар, ичим қон йиғларди. Нариги томондан чақалоқлигимдан бери ота-онам ва узоқни ўйлаган баъзи юртдош, ақллик кишилар талқини билан юрт соғинчи ва ота тилимга садоқат ши-

ори қулоғимга кўрғошиндай ўрнашиб қолган эди. Бахтимга Туркиядек ажойиб ўлкада яшаш насиб бўлганди. Кўча тўзитиб санқиб юрсам ҳам ватанпарвар халқдан Ватан, Юрт, Мустақиллик ва ўзига хон, ўзига бек бўлиш мартаба ва маъносини пайқаган бўларди киши. Чунки бу халқ асорат деган сўздан қаттиқ хазар қилиб, нафрат қиларди. Ўйлар эдим, менинг азиз Ватаним, туғилган жойим асир эди. Бу ватанпарварона туйғу таъсирини кўрсатиб, Ватан ҳақидаги асарлардан фойдаланиш учун мутлақо лотин ҳарфини ўрганишим зарур эди. Бу ҳис мени эски газетларнинг ломи жимигача ўқиб чиқишга мажбур қилиб, интилиш йўлига чорлади. Шу ишонч туйғу файли дунё сиёсати, аҳволини, қуллик билан озодлик маъносини қудратим борича кўпроқ таҳлил қилган, асир Ватанимни яна кўпроқ эслагани бошладим. Кундан кунга алангаланган асир Ватан ҳасрати вужудимни куйдириб, қандай қилиб ўз Ватанимга фойдалиқ бўлишни чуқур ўйлар эдим.

Ана шу куйкиш, жаҳолат ботқоғидан қутулиш йўлига интилишим сабаб бўлиб, бу миллий туйғу мени доим қамчиллагани бошлаганди. Шу учкун тафти маънавий таъсирини кўрсатиб, она тилимда ёзилган китобларни қидириб топиб, имконим борича ҳавас билан ўқигани бошладим. Боз устига билган тилларимда ёзилган асарларни мутолаа қилиш фурсатини топдим, ҳатто бу юкумли касалликка шундай мубтало ва гирифтор бўлдимки, иш бошида ҳам, бўш дақиқаларни бой бермай Ватан ҳақида маълумот эгаси бўлиш учун ҳар турли журнал ва мақолаларни кучим етганча ўқув савиямга муносиб, қиррали мавзуларда асарларга яна кўпроқ қизиқа бошладим.

Асарлардаги Ватан, Юрт, Элу улус, Миллату халқ,

Хуррият ва Мустақиллик каби сўзларнинг маънавий таъсири остида қолдим. Хусусан, ота-онамнинг ўлим чоғида ҳам Ватан ва она тилимни унутма-деган-насихат, васият ва талқинлари қулоғимни қайта-қайта жаранглатарди. Киндик қони тўкилган Азиз, Муқаддас Юртимни содда ва қишлоқча бўлса-да, чин кўнгилдан ҳавас ва орзу билан телбача эшлашга йўналиб қолган эдим. Юқорида баҳс қилганим каби Онадопу Туркия халқи мен учун улуғ миллий ўрнак эди. Чунки бу муқаддас тупроқнинг тоғу тошига катта ҳарфлар билан "ЎНЖА ВАТАН", "ОЛДИН ВАТАН" деган сўз ёзилган эди.

Хусусан, аскарлик чоғимда йигирма уч ой бўйича дарслардан маънавий ватанпарварона сўзлар қулоғимга ўрнашиб, мени яна кўпроқ ватанпарварликка чорлар эди. Ватан сўзи камина учун гўё томиримдаги қон, асир Ватанимнинг аҳволини эслар ва йиғламсираддим. Шу боис халқи қул асил Ватанимни соғиниб, ўз юртимда нашр этилган ҳар турли асарни ўқишга шайландим.

1960-йилларда Ватандан сафар қилиб келган сайёҳларга дуч кела бошлагандим. Лекин бир тўсиқ бор эди. У замонлар сиёсий кўришлар сабабли советдан келганларни хавфсизлик идораси хуш қаршиламас, муҳожир юртдошлардан кўпи бу келганлар билан учрашувни хохлашмас эди. Шундай бўлса-да, ҳеч парво қилмай жасорат билан, қораланиб қолишни ҳам ўйламай, кўзни чирт юмиб кимлигидан қатъи назар алоқаларни уйғун кўрдим. Бу яқинлашиш қалби пок, тўғри инсонларни хурсанд қилар, икки томонлама фойдали бўларди. Чунки улар борлигимдан, мен эса Ватан ҳиди олиб келганликларидан хурсанд эдик. Шу туфайли кирилл ҳарфида ёзилган она тилимда китоб ва газета ўқишга муяссар бўлдим. Ҳатто улар ўз фалсафа

ва мақсадлари истиқомадида ёзилган баъзи ёзувчиларнинг асарларидан юборишни бошлашди.

Тошкентдаги Ватан жамияти бошлиғи, самарқандлик марҳум Зиё Амин ака ва Миод Ҳақимов Измир кўргазмасига қатнашган эдилар. Улар билан танишиб ўзбекча журнал ва китоблар олдим. Советлар сиёсатига уйғун ёзилган бўлса-да, ўзимга керакли сатр ва жумлалардан халқимиз онгидан бирор ишорат қидиргани бошлагандим. Ана шу ибора ва сатрлар орасида баъзи имоли бўлимларга дуч келдим. Бу умидбахш ёпиқ жумлалар илҳом булоғи эди. Юз йилдан бери ёзилиб, классик ҳисобланган ва 1916 йилдан бошлаб янги тузумга мос ҳар-хил фикрда нашр қилинган мавзуларни кучимга қараб анализ қила бошладим ва шу кичик тажрибалар туфайли 1953 ва 1965 йиллари орасида Покистоннинг Карачи шаҳрида Аъзам Ҳошимий исмли ватанпарвар муҳожир Туркистонли бир юртдош қарамоғида “ТАР-ЖИМОИ АФКОР” унвони остида нашр қилинган анти-совет, антикоммунист журналида чалақаламим билан “КИМДАН ДАРС ОЛАЙЛИК” бошлиқлик Ўктай лақаби билан ҳаваскорона мақола нашр қилиш менга насиб бўлди. Мана шу воқеадан кейин асир аслий Ватанга хизмат қилишдаги кўзқараш ва иштиёқим ўзгариб, миллий туйғум тобора қамчиланиб, аждодим тарихи билан олдингидан кўпроқ фахрлана бошладим. Чунки қул ва асорат остида бўлиб туриб ҳам баъзи ўзбек ёзувчилар имо йўли билан озодлик ва мустақилликни кўмсаб, орзулаб халқимизга ҳурриятни талқин учун вов каби вергул, нуқта ишоратлари билан советлар орасида айри бир миллат ва халқ бўлганлигимизни урғулаб ёзишган эди (албаттаки, бу каминанинг фикри).

Кўрқув ва тадбир сабабли муҳим жойларда буюк Со-

вет, Рус миллати дея мақтаб ёзиб, кетидан “туркий тил, ўзбек миллати ва ё халқи” каби имоли сўзлар ишлатишлари бежиз эмас эди...

Тўғрироғи, босқинчиларни улуғ халқимизгата нитмоқчи бўлишарди. Анъанавий миллий онг ва озодлик руҳи ҳануз сўнмаганлигининг, исботи учун уринганлар бор эди. Яъни, умид ва ишонч йўқолмаганлигини, оқил инсонлар имоли йўллар билан тушунтирмоқчи бўлишарди. Умидсизликка учраган фикр эгаси ҳеч бир замон вов ҳарфини ишлатиш, ҳатто ақлидан ўтказиши мумкин эмас. Ўз халқига содиқ бўлмаган бир киши паролнамо вов ҳарфини қаердан биларди...

Асардаги имоли сўзларни ёзган йигит ёзувчилар услубига ҳайрон бўлар, тўғрироғи, қувониб фахрланардим. Ана шу ишончим бўш чиқмай, мана шукур, бу кунлар мустақил Ватанимда бахтли халқ яшамоқда.

Осмонўпар ҳилпираган байроғимизни кўриб бошим кўкга етган эди. Лекин нариги томондан кўнглим ҳузун тўла, ота-онам ва Ватан, Ватан дея ёт элларда ўлиб кетганларни эслаб, кошки шу улуғ айём кунларни бир соат бўлса-да кўриб, беармон дорулбақога кўчишса эди, дея йиғлар эдим...

Чунки улар бир замонлар қолоқ миллатлар бўлиб, эҳсонимизга муҳтож бўлганларнинг таъна ва зулми остида умр тугатишган эдилар. Бу ачинарли драмани ёзишга қурбим етмагани учун афсусланаман. Ижодчилик санъатини ўрганиш учун кўп меҳнат кераклигини билиб афсусланар, вужудим ёнгандай бўлар эди. Ана шу маънавий дардимни эслаб, вақтингизни зое қилганим учун кечирим сўрайман.

Ўз дардим билан бўлиб мақсаддан узоқлашдим. Энди асосий мақсадга кўчиш фурсати келди.

Юқорида ёзганимдай Ватансизлик мани саводсиз қолдирганди. Аслида содда ибораларимни ўқишга ҳам мажбур эмассиз. Лекин сабр билан охиригача кўздан кечиришингизни ўтинаман. Чунки худо дедиму бердисини энди адо қилмоқчиман. Ҳар мавзуда китоб ўқиш ёнида камина учун энг қизиқарли тарихий воқеалар бўлган.

Чингизхон ва улуғ Амир Темур ҳазратлари ҳақидаги асарларни ўқиш мен учун вазифа бўлиб қолган эди. Ўзим билган тиллардаги китоб, журнал ва мақолаларни топиб, мутолаа қилардим. Чингизхон ва Амир Темур Соҳибқирон орасидаги ҳар томонлама фарқ, қариндошлик ва қон боғи мен учун муаммо эди. Чунки ҳар ижодкор ва тарихчилар ўз қалам қудрату маҳоратига ва маълумоту кўзқараши истиқоматида ёзиб тарихий воқеаларни ўз қаричлари билан ўлчаб тикиб, кийим кийдиришар эди. Мен кўпроқ тарих яратган икки хоқон орасидаги характер фарқию идорачилиқдаги маҳорат ва ютуқларини ўрганмоқчи бўлар эдим. Ҳар ёзувчи хилма-хил фикрлар билан ибораларга зеб бериб ёзишган эди. Ҳайрон бўлардим, токи юқорида ёзилган тарихий асарларни ўқигимча...

Кошки, сизларга баҳс қилинган шу асарлар, қирқ йил олдин ёзилган бўлиб, мен ўқиган бўлсайдим, деган афсусланиш вужудимни қамраб олди...

Шу олийжаноб муаллифнинг асарини ўқиб, мен ҳам бир пичоққа соп бўлсайдим, дея афсусландим. Ҳуқуқшунос, мусиқашунос, рассом ва ёзувчи бўлиш, ҳавас ва орзуси билан амалга ошмас экан. Ижодчилик санъатига эга бўлиш учун кўп йиллар қалам бўёғи ялаш кераклигига ишондим.

Юрагимда ғижим бўлиб ётган Ватансизлигу ғурбат алами ва хўрланган умримни ёзаман деган ният билан

юрар эдим. Маънан қайнар булоқ бўлиб ётган вужудимни куйдирган чигалимни ифшо қилиб, Ватан маъносини текинхўр баъзи Ватан безориларига тушунтириш нияти ва орзуси бор эди. Бугунгача баъзи майда-чуйда ҳикояча ёзиб юрганларни кўриб ҳавас қилсам-да, бошқаларнинг ижодига эга чиққан тақлидчиларга ҳайрон бўлардим. Ҳатто шуҳратга эҳтиёжи бўлмай, ижодчи қаламкаш ва ҳақиқий ёзувчиларни ва ўз қаламига хиёнат этганларни кўриб, бир маъно беролмасдим. Аммо қачонки юқорида исмлари ёзилган етти китобни ўқигач, муаллифнинг юксак қобилияти, услуби ва ҳақшунослигини кўриб, ўз ожизона ҳурматларимни уста муаллифга арз қилиш ниятига ўтдим. Шу ожизлигим билан шунчалар таъсирлансам, ким билади бу асарни ўқиган ҳақиқий уста китобхон ва қалам эгалари нима фикрга боришаркан, деган ўйга бордим.

Уч ярим минг бетга яқин бу асарларда ишлатилган юзларча ота сўзи ва зарбул масал, бир бор ёзилган бўлса, иккинчи бор ишлатилмаган бўлиши, мен ҳаваскорни довдиратиб қўйди. Чет элларда, ҳатто ҳали ҳозир Ватан ичида оҳори тўкилмаган сўзлар ишлатилган бўлиши ким билади тилшуносларга қандай таъсир қилиб, баҳо беришаркин, деб ўйланиб қолдим. Муҳтарам муаллифнинг саноқсиз соҳадаги маълумот ва етти иқлимнинг шаҳар ва қишлоқчалардаги аҳолининг урфу одати, тилу шеvasи, ишлаб чиқарган маҳсулотию санъати, деҳқончилиги-ю мевалари, ҳатто у минтақаларнинг ўзларига хос емаклари-ю қишлоқ халқининг савод савиясидан хабардор бўлиб фикр баён қилишига лол қолмай иложи йўқ кишининг.

Ҳар ўлканинг аскарӣй кучидан хабардор. Бачкана амир ва идорачиларнинг завқӣй томонлари ҳақида

чукур ҳайрат қилмай туролмайсиз. Қўлга тушиб ва байъат қилган амирул-умаро ва қутволлар ақлидан ҳам ўтмаган сўзларни кучли қалами билан пардозлаб, у бечораларнинг эътиборини кўтариб, энг қизиғи баъзиларни шу сўзлар билан ёмон оқибатлардан қутқариб қолган бўлиши, мақтовга сазовор. Ёзувчи бўлса шунчалар бўлар, деган қаноатга бориб қолади киши. Аслида дунёда машҳур мухтарам муаллифнинг ҳеч қандай мақтовга эҳтиёжи бўлмаганлигини барча ижодчилар билишади. Муаллифнинг ақл бовар қилмас ютуқларини изоҳ қилиш камина каби чалақалам эгаларининг ҳаққи эмас деб ўйлайман. Албаттаки, баҳо бериш қалами ўткир адибларнинг иши деган фикрга бориб қолдим. Лекин агар бу асарни ўқиб чиқмаганимда Турон ўлкасини бир бутун ҳолда келажак насл ва авлодларга Ватан қилиб ташлаб кетишни мўлжаллаган Амир Темур ҳазратларининг бу олий мақсадини билмаган бўлардим. Ҳофизии куръон бўлган ҳимматли, инсонпарвар, оққўнгил хоқонимиз ҳақида душманларча тўқилган тухматларга ишониб, алданган бўларканман. Хоқон ҳазратларининг чексиз адолат эгаси бўлганлигини шу асарларни ўқигач ўргандим ва бир тирик инсон минг ўликдан афзал маъносини яхшироқ пайқадим. Шу шиор соясида ҳар нафар аскар билан яқиндан алоқадор бўлиши ва Ватан йўлида жон берганларнинг жаноза ва азаларига қатнашиб, халқ кўнглини олиб, шод қилиб камтарлик билан эл-улус хизматкори эканлигини исботлаш муаллифнинг кучли қаламида ёзилган битикларда мавжуд, холос. Амир Темур ҳазратларининг ёлғизгина хоқон ва йўлбошчи бўлмай, айни ҳолда тарихчи, руҳиятчи, табиб, олим ва маърифатпарвар эканлигини шу асар исботлаб аниқлаган. Хоқонимизнинг бировларнинг ватани ва тупроғига ҳеч

бир замон кўз тикмай, фақатгина Туронзамин, Турк Ватани атрофидаги душманларни кўз остида тутиб, ўз миллий чегарасини обдон қўриқлаш нияти ва мақсади савашларга сабаб бўлган. Сулҳ эшигини доим очик тутганлиги, мазлумларга ёрдам берганлигининг исботи учун муаллиф жон куйдириб ҳақиқатни юзага чиқариш учун урлаган.

Турон ўлкасига хиёнат қилган найрангбозларнинг кўрпасини йиғиб қўяқолганлигини асарда ўқийсиз. Камини илк бор шу давр ҳақида ёзилган ушбу асарда миллий манфаат деган сўзга гувоҳ бўлдим. Шу истиқоматда халқ тинчлиги-ю фаровонлиги деган сўз ва таъбирларни хоқон ҳазратлари қўллаган экан, холос. Шу олий сўзларни ҳам муаллиф ёқимли жумлалар билан уқдиришга уринган. Ватан, тинчлик, озодлик маъносини анализ қилолмай адашиб хоқонга осий бўлиб Турон ўлкасига душманлик қилганларнинг пушаймонлик ва садоқат кўрсатиши яна хоқон адолатига сиғиниб ўз мавқеларини сақлаб қолган бўлишларини шу асарда тўлиқ кўрасиз. Бир кўп ёзувчи ва тарихчилар бу мавзуда атайлаб ёзишмаганлигини шу асардан ўргандим.

Дўстлик кўпригини доим очик ва адолат тарозисини устивор тутиб, олтин ҳарфлар билан номини тарих варақларга муҳрлаган хоқонимиз Амир Темур ҳазратларидан бошқаси эмас. Муаллиф, албаттаки, тарихий ҳужжатларни кўз ўнгида тутиб, бурро қалами билан ҳақни ҳақ эгасига топширишни виждоний вазифа билиб, ҳақни ҳақдорга таслим қилган.

Хоқон ҳазратлари ижроатларида доим маслаҳатни шиор қилиб, саркарда ва амиру умаролар билан кенгашиб, Ватан ва халқпарварлик шиорию жанг санъатини аскарларга талқин қилишни буйруқ берган.

Халқ онгига тарихий вазифасини сингдириб келажак-

ни ўйлаб, иш олиб борганлигини шу асардан тўлиғича ўрганиш мумкин. Турон юртдошининг асолатини сақлаш учун Россия сафарига хоқоннинг шу олий сўзларига диққат қилайлик. Аскарларим сариқ сочли, оқ танли, кўккўз нозанинларга иликиб қолмаслиги учун ҳар нафарига битта-битта тушинтирилсин маъносида қонун ўрнида қарорлар содир қилганлигини яна шу асар муаллифидан бошқаси ёзмаган.

Бу кунимизни юз йиллар олдин ўйлаб мўлжаллаган хоқонимизнинг фан, илму маърифат ва улуғ асолатни сақлаб қолиш каби улуғ шиорини шу муҳтарам муаллиф ёзган, холос. Шу китобни ўқимаган бўлсам, қалам кучи билан бу ҳақиқатлардан воқиф бўлолмасдим. Шу жумла ва ибораларни ўқигач, Турклигим билан қайта-қайта фахрланиб, ўзбекона қувондим. Бутун ҳаёти доим от сиртида сафарда кечган хоқонимизнинг дунё неъматлари ва аҳлу аелидан узоқ, лекин фикрию зикри Турон юрти масалалари билан машғул бўлишни ажойиб услуби билан ифодалаган муаллифни қутлаб, қадрлаш мен ожиз китобхоннинг виждоний бурчимдир. Табриклашим уммондан бир томчи эрса-да, вазифамни адо қилган бўлсам бахтлиман. Эътирофларимнинг маъносини муҳташам асарни ўқигач, пайқаш мумкин.

Муаллифнинг тили ва услуби ёлғизгина Навоий ҳазратларининг чизган йўли бўлмай, гўё дунёдаги барча Турк оламида яшовчи қондошларнинг ифода шакли дея ўйлайман. Ўзини Турк билган турли фикр эгаси ўз савиясига қараб ҳар томонлама лол қолиши аниқ.

Замонимизда Турон юрти даъво ва сўзи билан сиёсат олиб борганлар миллий чегара кузатилиб асарда ишлатилган шу тиниқ тил туфайли фикран бирлашиб қолиши кўриниб турибди. Тупроқ чегарадошлиги кутилмасдан

ҳам, соҳибқирон Амир Темурнинг асосий мақсадини биллиб олиш мумкин. Муаллиф ана шу тузган маржонсифат жумлаларда ифода ва имолари билан-миллий-онги юқсак кишилар маънавиятига ўз таъсирини кўрсатди. Соҳибқирон бир кўп ибратомуз мавзуларни ўзи билган ҳолда Боботурк, Туркашбек, Тоҳирбек, қози, мунажжим ва дарвешларни синаш учун муҳим масалаларни ўртага ташлаб, сафар йўлида юртни идора этмоқ мавзуларини соатларча маслаҳатлашганини уста муаллиф ихчам, дилкаш сўзлар билан китобхоннинг зеҳнини эгаллаб олиши, кишини ҳайратлантириб шоҳ асарини кўз-кўз қилгандай...

Ана шу қалам кучи халқтаълимида адиблар қудратини исботларкан, Турон халқининг ҳамиша юрт ободончилиги-ю бақоси учун замонавий усулда фан, илму санъат ва маърифатга эҳтиёжи борлиги тўғрисида зўр имолар бор. Бу хусусни Амир Темурнинг юз йиллар олдин уқтирганлигини чиройли мисоллар билан шарҳлаган муаллифни қутлаш, ҳар бир ватансеварнинг вазифаси деб ўйлайман. Бу асарнинг таъсирчан эканлигини пайқаш учун соҳибқироннинг шаҳзодаларга аскарӣй ва идорӣй сиёсат орасидаги фарқларни онгларига сингдириш учун йўл-йўлакай огоҳлантириб тарбиялашини яна шу асарда кўрасиз.

Ана шу таълимлар туфайли хоқон кўпроқ шаҳзодаю аскарлар кўнглини шод қилиб, ватанпарварликни онг ва кўнгилларга сингдиришини ажойиб саҳналаган. Бу мавзуни алоҳида эслатиб ўтиш ҳар ўқувчининг вазифаси бўлиб қолади. Кунимизнинг эҳтиёжи бўлган соҳибқироннинг ибратомуз мақсадларини уста муаллиф аниқ ёритган. Иймони комил юртсевар аскарларнинг маънавиятини юқсак тутиш учун навкарлар

аро улфатчилик қилиб, халқпарварлигини исботлаган шахзодалар падари бузрукворларининг насиҳатларига қанчалик қулоқ берганлигини аниқлаб исботлаган муаллиф бу саҳна пардаларини китобхон онгига очиқ, обдон миҳлаб, ёзувчилик санъати ютуғи ва қудратини янги насл ёзувчиларга яққол кўрсатди.

Хоқон Турон заминдан узоқларда от устида сафарда экан, чопарлар кунларча от чоптириб, Туркпатир, Фарғона оқ пиёзини, ҳусайни узум билан Самарқанднинг ширин-шакар меваларини совға олиб келишганда Темур ҳазратлари кўзларига суртиб кўзи ёшланиб, ўз юртини қумсаб, совға эгаларини мукофотлантирганликларини ўқиган олисдаги ғурбатзадалар додлаб таъсирланганликларини туйган Ватанда яшовчи бахтли Ватан эгалари ҳам кўз ёши қилишлари аниқ. Бу аламли завқни татиш учун олим ёки адиб бўлиши шарт эмас. Асарни ўқишнинг ўзи етарли. Хоқонларга лойиқ анвойи неъмат ва емаклар тайёр турганда Амир ҳазратларининг Турондан совға ниятида Туркпатири ва қуртова тамадди қилиб, кўз ёши билан юрт Ватаним деган маънавий соғинч ва армонларини муаллифнинг ифодаларида ўқиш керак. Армон билан Ватан ҳасратида умр кечирганларданман. Асарни ўқиркан, Амир Темур ҳазратлари ҳаққига дуо қилишдан бошқа йўл қолмади...

Бобуршоҳнинг Ватандан тупроқ олдириб келиб Ҳинд диёрида қовун эктирганлигини ўқиган эдим. Хоқон ва султонлар армонига шерик бўлиш ҳам кишига катта бахт экан.

Аждодимиз шу кунларни ўйлаб Туронни Ватаним, Юртим дея келгуси авлодларига муқаддас тупроқларни Ватан қилиб ташлаб кетганлигини ғурур билан исботлаган муаллифга минг раҳмат. Чунки миллий туйғум ортиб, Ватанимга муҳаббатим кучайиб кетди...

Шундан аминманки, Ватан эгалари юртдош, Ватан-дошларим шу даво ва меросни қиёматгача жонидай сақлаб, аجدодларига лойиқ бўлиш-учун-садоқат кўрса-тишади.

Муаллифнинг бу асарни ёзишидан мақсади ҳам шу бўлса керак деган ишончдаман. Чунки биз олисдагилар зеҳнан фуқаро-фақир эмас, балки Ватандош-юртдошмиз. Ватандошлик асолатни сақлаш билан исботланади.

Амир Ҳиндистон сафарида бир яланг оёқ мажусий ватанпарвар ҳинд авлиёсининг сўз ва ўлка туйғусига ҳурматан Деҳлини тарк қилиши улуғ хоқон ҳазратларининг бошқа миллатлар ватан ва халқига ҳурматда бўлиши асолатининг исботидир. Ана шу саҳналарни ўқигач, муаллифнинг нима мақсадда асар ёзганлигини тушунган ҳар бир китобхон қадрлашни виждоний бурч деб билиб қолади. Сиёсат санъати баъзан ота-бола, ака-укани ҳам келишмовчиликка олиб бораркан деган сўз тўғрига ўхшайди. Савашда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам зиёнда бўлганлигини яхши фаҳмлаган хоқон ҳазратлари доимо савашдан олдин икки ракат намоз ўқиб, яратганга илтижо қилиш саҳнасини ажойиб сўзлар билан ифодалаган муаллифнинг қалам кучини, бу асарни ўқиганларни бахтли кишилар деб биламан. Энг оғир масалалар ва идорий ишларни ҳам энг ост мартабадагилар билан маслаҳатлашиб, уларни ҳур фикрда озод қўйиб, гапиришларига изн бериб тинглаши ва мумкин мартаба сулҳ йўлини қидириши, хоқонимизнинг камтар ва сулҳпарварлигини яна шу муаллиф исботлаган. Саҳналарни пардоз ва оро билан ҳар бўлимда китобхонни қониқтириб ўқувчи қалбига етиб бориб маъқул даражада китобхонлик завқини борган сайин орттирган садоқату дўстлик риштасини соғлом ва маҳкам эканли-

гини билган хоқон ҳазратлари Боботурк, Туркашбек ва Тоҳир каби мушовир, олиму тарихчиларни тақдирлаб иш кўрган, хоқон руҳининг покизалигини исботлаган шу миллий адибимиз, холис.

Хусусан, камина каби ҳаваскорлар, ўқиб туриб таъсирланмай иложи йўқ. Бино қилинган асарнинг шоҳасар ибора ғиштлири сомонийлар ғишт санъаткорларидай жой-жойига ўрнаштирилган. Санъаткорона безанган бу асарни охиригача ўқишга шошади киши. Адиблар ўқигач, қандай баҳо бераркин дея қизиқаман. Муаллиф қахрамонлар баёнини худди уларнинг қалбига кириб чиққандай сўзларига кийим кийдириб, бурролаштириб, уларни хижолатдан қутқазмоқчи бўлиши ва меъёрида тиниқ мавзунини бойитиши адабиётга мароқли янги наслга қалам кучини яққол кўрсатиб қўйиши, муаллифнинг тарбиявий кучини кўрсатган хоқоннинг адолати соясида амир, қутвол мартабасига чиқиб қолган баъзилари мартабаларига ишониб хоқонга хиёнат қилиб, тиф кўтарганларни ҳам афв этиб, кечириб, насихат билан қайта бағрига босиши тарихда ўрнаги кўрилмаган воқеалардан...

Хоқоннинг мақсади доно-ю нодонни тарбиялаб, орадаги тафовутни кўтариб, Турон ўлкасида бирлик, бирдамликни устувор қилмоқчи бўлганлигини пайқаган муаллиф воқеани аён-баён ёзган. Аммо бу сезиш хоқон ҳазратларини мақташ учун эмас. Нодим бўлиб, тавба қилган адашганлар янгитдан давлат, чарх ва мавқеларида ўрин эгаллаб, садоқат билан хизмат қилишни онларига сингдирган, ана шу йўлларни ўз идроки билан исботлаган муаллифнинг асарини ўқиш янги адиблар учун бир мактаб бўлса керак.

Камина беш-ўн бўёқ ялаб, қалам ушлаб, уста кўриб ёзувчи бўлиш мумкин экан, дея ўйлаб юрар эканман.

Сабаби, мен ҳам баҳоли қудрат бир кўп муаллифнинг асарларидан фойдалангандай юрардим. Энди ижодчи муаллиф ёзувчи бўлишнинг қийинлигини идрок қилиб, энг шогирд ёзувчини ҳам ҳурмат қилишни ўрганиб, ўзимга шиор қилиб олдим. Бу муҳтарам муаллиф бу асарни ёзишдан олдин ўз қалам қудратига ишонса-да, ким билади, етти иқлим ва бир кўп бошқа ўлкаларнинг расму ривожи, феълу атвори-ю анъанавий жасорати мижози ва ватанпарварлик шиорини алифдан бошлаб бору йўғини торозуда тортиб, афсонавий тарзда тасвирлаши, меҳнатининг самараси бўлса керак деб ўйлайман.

Чингизхон ва Амир Темур ҳазратлари орасидаги ҳар томонлама фарқни шу асар орқали ўргангандай бўлдим. Зулм ва торож йўли билан инсон ҳаётига аҳамият бермай, ўлкаларни босиб олиб, тарих саҳифаларига қора хат билан ёзилган Чингизхон қаерда-ю, (аслида Чингизхон ҳам турк қонидан эканлигини ёзганлар бор) адолату инсонпарварлиги, инсоф эгаси ва аждодига содиқ, дунё бойлигига аҳамият бермай ҳаётини Турон мулкининг муқаддас тупроқларини келажакдаги авлодларга ватан қилиб қолдириб кетишдек тарбиявий ғояни шиор қилиб тарихга олтин ҳарфлар билан ёзилган хоқон Амир Темур ҳазратлари қаерда?

Ана шу муқаддас пок ниятни исботлаб асар ёзган муаллифнинг мақтовга эҳтиёжи бўлмаса керак.

Ҳар қалам эгасига насиб бўлмаган шу мавзунинг ўзи, ҳаққоният қайноғи қадрлашга сазовор.

Чегараси соғлом Турон заминни янги наслга ватан қилиб ташлаб кетиш ғоясини кутган хоқон, баъзи айшу ишратга мубтало рўдапо амиру маъмурлар кўрпасини йиғиб, думини тугиб, улар ўрнига одамшаванда, содиқ Ватан ва халқпарварларни моддан ва маънан қўллаб-

қувватлаб, мартабаларини қойим қилиб, тажовузчи душман қўшнилари ҳаддини билдириб, яна қайта Турон тупроқларига кўз олайтиролмайдиган қилиб, тўғрироғи таарруз журъатини кўрсатолмас ҳолга келтириб юртдош эътиборини обдон тиклаган хоқон ҳазратларининг руҳи шод бўлсин!

Бошқасининг ўлка ва бойлигига ҳеч кўз тикмаган улуғ хоқонимизнинг ҳолат ва руҳиясини тасвирлаш шу муҳтарам зот муаллифга насиб бўлган экан, янги наслга насиҳат ўрнидаги бу асар аждодга лойиқ бўлишни ёзганлиги аниқ. Савашларда асир ва тинч халқга зулм қилмаслик, ҳатто инсоний моддий ва маънавий ёрдамни эсиргамаслик шиорини онларга сингдирмоқчи бўлган. Адолат маъносини исботлаб, кўнгилларга кириш мартабасини улуғлаган хоқонимизнинг асолатини шу асарда кўрасиз. Кунимизда бир кўп муаллифнинг хаёллаш олмаган мавзудаги ҳақиқатларни исботлаганлигини асарни ўқигач билиш мумкин. Ҳаваскор каминага эмас, Амир Темур ғоя ва шиорини ва муаллифнинг мақсадини пайқаш бизларга вазифа эканлигидан кўпроқ ҳам қарз, ҳам фарздир. Юқорида зикр қилингандай, сиёсий келишмовчиликлар ботқоғига ботмасдан сулҳ йўлини ҳам излаб топаркан, масалан, хоқон ҳазратларининг улуғ хислати савашларда ғолиб кела туриб ҳам ғаним ва рақибларига раҳми келиб, саваш деган сўздан бутунлай нафрат қилиб, доим сулҳни афзал кўриб, мағлубнинг ғурур ва эътиборини ҳеч бир замон оёқ ости қилмай, ҳатто бахтни тахт қилганлигини шу асардан ўргандим. Ғолиблиқдан мамнун бўлмаган ягона хоқон Амир Темур мағлуб бўлган султон ва шахзодаларга қондошим, қардошим, ислом байроқдори дея ҳурмат қилиб, илтифот билан муомала қилиши асолатининг исботи,

хурматини жойига қўйиш, муҳаббат билан қучоқлашиб, ҳатто ўз қилмиш ва хатоларидан пушаймон бўлиб, дунёдан ўтганда жанозасига хоқон узоқ йўллар-босиб-маросимга қатнашган. Шу ғамхўрлиги билан миллатларини лол қолдирган хоқонимиздан бошқаси эмас.

Амир Темур ҳазратларининг азаматли ахлоқи-ю характери ни ёруғ, обдон аён-баён исботлаган, шу асарни ёзган ватанпарвар муаллифни ким қутламайди? Энди ёзувчи бўлиш ҳавас ва орзусидан воз кечмаган бўлсам-да, китобхон ва хоқон хизматчиси Боботурк бўлишни чин қўнгилдан ўйлаб қолдим. Ўз қаҳрамонини қадрламаган миллатларнинг келажаги йўқ. Ҳақиқий миллий қаҳрамонлик эса шу тарзда намоён бўлади.

Хоқон Амир Темур ҳазратларининг руҳи шод, макони жаннат бўлсин! Унга лойиқ бўлган асар муаллифига узун умр, қаламига бурролик тилайман! Барча қалам эгаларига ютуқ тилаш билан бахтлиман!

Ҳурматлар билан Собир Сайхон.

**20.02.2017.
Истанбул ТУРКИЯ.**

АДАБИЁТНИНГ ҚУДРАТИ, ЁЗУВЧИНИНГ КУЧИ...

“Темурийлар” эпопеяси миллий ва жаҳон адабиётида воқеа ва янгилик бўлган асардир.

Ниҳоят, биринчи маротаба, ўзбек туркий бадиий адабиётида романлар туркуми, – серияси, яъни “Темурийлар” эпопеяси дунёга келди. Бу усул жаҳон адабиётида ўзини оқлаган, юқори чўққиларга чиққан. Китобхонни мафтун этган. Мустақиллик офтоби биз учун ана шундай яшариш имкониятини очди.

Бу улуғ ва шарафли ишни истеъдодли адибимиз Нурали Қобул, айтиш лозимки, жасорату матонат билан айнан юқорида қайд этилганидек, жаҳон адабиёти талаблари даражасида муваффақиятли, профессионал даражада амалга оширди. Бу тасодифий эмас, халқимизнинг сеvimли ёзувчиси томонидан кутилган асарлар эди.

Нурали Қобул мустақилликка қадар ҳам эътибор қозонган, катта обрў орттирган улкан ёзувчи эди. Унинг “Тубсиз осмон”, “Салом, тоғлар”, “Бугдой пишиғига етмаганлар”, “Тоғбеги” қиссалари ва “Унутилган соҳиллар” романининг кўп саҳифаларини ёддан айтиб берган, қахрамонларини ардоқлаб гапирган китобхонларни кўрганман. Ўшанда Нуралига ҳавас қилганман.

Нурали Қобул ғоят билимдон, тарихга тўғри ва ҳалол нигоҳ билан боқувчи тарихчи. Дарсликлардаги тарихни эмас, бизга айтилмаган тарихимизни ҳам чуқур ўрганган ёзувчидир.

Мен иқтидорли ёзувчимизни кўп кузатганман ва чин дилдан узоқ-узоқ суҳбатлашганман. У ўз юрти, миллати, энг муҳими, ҳақу ҳақиқатни, адли адолатни севувчи ҳамда ундан бир қадам ҳам ортга чекинмагувчи ижодкордир.

У яхши кишиларни чин юракдан ардоқлагувчи, ҳаммага яхшилик соғинувчи самимий инсондир.

Мана шу юксак инсоний хислат ва фазилатлар, унинг покиза қалбида жўш урган, кишиларга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, бир сўз билан айтганда, асил инсонийлик ва ёзувчилик истеъдоди бутун турк улусининг бош миллий қаҳрамони, жаҳонгир Амир Темур ҳақида барчага маъқул келган ва адабиётимизда воқеа даражасига кўтарилган “Темурийлар” эпопеясини бита олмоқ, ёзганда ҳам қойиллатиб ёзмоқ учун тўла маънавий ҳуқуқ беради.

Барча қатори мен ҳам Буюк Амир Темурни ўз таним, ватаним, босқинчилар топтаган халқимизни озодликка чиқарган, миллат сифатида бўй кўрсатишга байроқдор бўлган улуғ шахсият деб биламан.

Етмишинчи йилларда эшитганим бир билгига кўра Европада Амир Темур ҳақида йигирма еттита роман ёзилган. Бугунги кунда ҳам ёзишмоқда. Боиси, бу буюк шахсият мана етти юз йилдирки, бутун олиму ёзувчиларнинг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Унинг фаолияти ва жасоратига бўлган қизиқиш бир дақиқа бўлмасин сусайгани йўқ. Зеро, Темур каби жаҳон тарихини ларзага келтирган буюк шахсиятлар бармоқ билан санарли.

Нурали Қобул иқтидори ва заҳматли меҳнати билан Буюк Темур ҳақида қандай ёзмоқ, ёза билмоқ кераклигини намойиш этди ва исботлади. Бу қутлуғ мавзени тирикчилик манбаига айлантирган айрим битикчилар эса Темур ҳақида қандай ёзмаслик лозимлигини кўрсатдилар.

Амир Темур ҳақида илмий мақола, турли оммабоп китоблар ёзиш мумкиндир. Бироқ бу такрорланмас та-

рихий шахс ҳақида ҳақиқий бадиий тарихий романлар силсиласини яратиш айтишга осон. Бу иш жуда катта билим, куч-қувват, сабр-бардош, гўзал тил ва иқтидор талаб қилади. Бунга ҳар қандай ёзувчи ҳам журъат эта олмайди. Иши муваффақиятли чиқмаса бедананинг юришини қиламан деб бути айрилган тўрғайнинг ҳолига тушиши мумкин. Ўз имкониятини янглиш чамалаган ва битиклари китобхонлар томонидан совуқ қаршиланган айрим ҳамкасбларимизнинг аҳволдан хабардормиз. Бундай қораламалар битикчининг ҳаётлигидаёқ қайта босилмайди.

Нурали Қобул бу миллий ва ватаний ишни жуда кўнгилдагидек адо этмоқда. "Темурийлар" эпопеясининг Ўзбекистон миллий кутубхонасида бўлиб ўтган тақдироти адабиётимиз байрамига айланди. Ёзувчи дўстимизни чин юракдан қутладик.

Ер юзида кўп жаҳонгирлар ўтган. Бироқ Амир Темур булардан кескин фарқ қилади. Унинг ақл-заковати, юртини севиши, тенгсиз бағрикенглиги ва кечирувчанлиги, танти ва ҳозиржавоблиги. Биз ёзувчи қалби, имону эътиқоди орқали буюк бобомиз Амир Темурни, Амир Темур орқали адибнинг пок ва беғубор, адолату жасоратга лиммо-лим юрагини кўрамыз. Буюк Темур ҳақида ёзмоқ учун ҳам ёзувчида ана шундай қалб, ирода ва матонат бўлмоғи керак. Акс ҳолда битилган битик қайта чоп этилмай, ўқувчилар қўлига олса-да, ўқий олмай, унутилади.

Шу пайтгача чоп этилган ўн романни ўқир экансиз, ҳайратга тушасиз. Адабиёт, санъатнинг илк шарти ҳам ўқувчи ва томошабинни ҳайратга сола билмоқдир. Адиб ўзининг умр бўйилик заҳматли меҳнати натижасида жуда камдан-кам ижодкорга насиб этадиган муваффақият ва натижага эришган.

Эпопеянинг учинчи "Султоннинг сўнги куни ёхуд

Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон ҳамда Эдигей Ботир" романини тўрт кунда чексиз ҳаяжон завқ-шавқ ила ўқиб чиққанман. Романни ўқир-экансиз, жуда улкан салтанат бунёд этиб, Чингизхон қаршисида кўркувга тушиб қочган Хоразмшоҳнинг аянчли қисматида дод деб юборасиз. Шафқатсиз, маккор Чингизхоннинг тутумидан вужудингиз музлаб кетади. У ҳатто ўз ўғлини ҳам аяб ўтирмай ўлимга маҳкум этади.

Буюк Темур ана шундай ёвузлар сулоласига қарши кураш бошлайди ва ғолиб келади.

Нурали Қобул ўзига жуда талабчан, нишонга бориб тегмайдиган гапни айтмайдиган ва ёзмайдиган шахсият ва ижодкордир. Романларни ўқир экансиз, Темур тим-солидаги илоҳий куч-қудрат, хислату фазилатлар бутун вужудингизни, ақли идрокингизни қамраб олади. Адабиётнинг қудрати, ёзувчининг истеъдоди ва меҳнати самараси ҳам ана шундадир.

Романларда Темур, буюк жаҳонгир атрофидаги тарихий шахслар, ўша давр ижтимоий ва ахлоқий муҳити, шоҳу дарвешнинг ҳаёт ва умр фалсафаси, умуман инсоният аталмиш мавжудоднинг яралишу мақсад-эътиқоди шу пайтгача ҳеч бир ижодкор тасвирлай олмаган оҳангу дард, тилу мулоҳаза, жозибаяу жасорат ила акс эттирилган.

Одатда буюк ишлар ўзига осонликча йўл топиб кета олмайди. Инсон боласи ҳазм эта олмаган, тафаккур закоси, идрок уфқи етмаган нарсаларга нохайрихоҳлик, душманлик кўзи билан қарайди.

Табиийки, ҳаммамиз ҳам мангуликка дахлдор, улўғвор ишларни англаб етмоқ ва холис баҳо бермоқ салоҳияту солиҳлигига эга эмасмиз. Муҳташам матонат, ғоят заҳматли меҳнат ила битилган бу ўн роман-

ни англаб етмоқ ва баҳо бера билмоқ учун кўз, кўнгил ҳамда имон кўзимизни очишимизга тўғри келади.

Қорақалпоқ отасўзида айтилганидек, кўлимиздагининг қадрини билмаймиз. Бироқ сўнгра, ҳайитлар ўтгач чалинган ноғораларни ҳамма ҳам эшитавермайди. Темурийлар удумига кўра қай бир темурийзода ёруғ оламни тарк этса унинг ноғораси парчаланган. Ҳақиқий хукмдор ва халқ аввало тирикларга эга чиққан.

Шу ўринда асарларнинг ширали, жозибали, халқона тили ҳақида алоҳида тўхталмоқ керак. Туркий тилнинг бой меросидан жуда унумли фойдаланилган. Ёзувчи халқ мақоллари, маталлари ва ибораларини ўз ўрнида чиройли ишлата билган.

Эпопеяда ишлатилган минглаб ота сўзлари, ҳар бир боб бошланишдаги тагсўзлар романларга алоҳида бир жозиба ва маъно бахш этган. Ёзувчи китобхонни ҳар бир бобни ўқишга алоҳида тайёрлайди, йўналтиради. Қўшни республикаларда Нурали Қобул асарларидаги ота сўзларни тўплаб китоб ҳолида чоп этилгани ҳам фикримизнинг исботидир.

Ҳозирга қадар адабиётимизда “Темурийлар” эпопеяси каби романлар силсиласи йўқ эди. Нурали Қобул бу билан нафақат миллий адабиётимизни, балки жаҳон адабиётини ҳам бойишига улкан ҳисса қўшди. Эпопеяни инглиз ва рус тилларига зудлик билан таржима этиб, жаҳон адабиёт ихлосмандлари қўлига етказмоқ керак.

Она юртим, Бухоро Давлат университетининг ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори Аҳрор Ҳасан эпопея китобларини фалсафа фани дарсларида Темурнинг ҳаёт фалсафаси сифатида ўқитилаётганини айтганда фикрларимнинг ҳақлигига яна бир бор имон келтирдим.

Илмий асарларни тор доирадаги илм кишилари, му-

тахассислар ўқишлари мумкин. Бироқ тарихий ҳақиқат бадий буёқларда ишончли ва истеъдодли акс эттирилса, буни барча, каттаю кичик ўқийди.

Бу эпопеяни олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактабларнинг ўқув дастурлари, она тили дарсларига қўшимча адабиёт сифатида киритиш керак. Бу китоблар турли даражадаги раҳбарлар иш столи ва кутубхонасида туриши лозим бўлган асарлар эканлигини ҳам алоҳида қайд этиш керақдир.

Жуда катта меҳнат ва жасорат самараси бўлган бу асарлар ҳар қандай тақдирга муносиб эканлигини айтмасам ҳам адолатдан бўлмас.

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов адабиётимизда икки ёзувчи ижодига муносиб баҳо берган эди. Биринчиси Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” тарихий романи бўлса, иккинчиси Нурали Қобулнинг юқорида қайд этганим қиссаларидир. Нурали миқти, обдан тоза ёзади деганда устоз Айтматов ёзувчи асарларидаги беғубор ва покиза руҳ, киши қалбига етиб борувчи эзгулик нурларини назарда тутган бўлса керак дея фикр қиламан.

Бундай муҳташам эпопея, ўқувчи кўзи ва кўнглини тўлдиргувчи романлар силсиласи адабиётимиз учун қутлуғ ва хайрларга васила бўлсин.

Муҳаммад САЛОМ

АЙРИМ АТАМАЛАР ВА ТАРИХИЙ ИСТИЛОҲЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

– А –

Авбош – дайди, безори, бебош. Ёзма манбаларда адолат талаб қилиб кўзғалган халқ ҳам кўпинча шу ном билан аталган.

Авориз – фавқулудда, одатдагидан ташқари солиқлар.

Ажам – араблар ўзларидан бошқа халқларни “ажам” деб атаганлар, шунингдек, араблар яшайдиган ерлардан бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон ва Туронлар ҳам “мулки ажам” номи билан юритилган.

Азноурлар – ўтмишда Грузиядаги уруғ бошлиқлари ва йирик ер эгалари шундай номланган.

Аймоқ (уймоқ) – уруғ, қабила.

Айқоқ (айғоқ)лар – тафтишчилар.

Алочуқ – чодир.

Алуфа (Улуфа) – сипоҳийлар, йўловчи мансабдорлар, элчиларга ҳамда уларнинг от-уловларига бериладиган озиқ-овқат ва ем-хашак; шу мақсадда халқдан йиғиладиган солиқ.

Амволи девон (девон моли, даромади) – давлат мол-мулки.

Аминлар – луғавий маъноси, асосан молия ва қишлоқ хўжалигини бошқариш ишлари билан шуғулланувчи давлат девони (идораси) томонидан белгиланадиган амалдорлар.

Амон моли (моли амоний) – бўйсундирилган ерлар халқидан уларга омонлик берилганлиги эвазига олинган солиқ, контрибуция.

Ансорлар (араб: ёрдамчилар, сафдошлар) – ислом дини тарихида 622 йили Маккадан Мадинага кўчиб борган мусулмонларга ва Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) га ёрдам берган ва ислом динини қабул қилган мадиналик авс ва хазраж қабилаларининг аъзоларига нисбатан қўлланилган ном. Ансорлар Маккадан кўчиб келган муҳожирлар билан бирга илк мусулмонлар жамоасини ташкил этган.

Аррода – муҳосара вақтида қалъа деворини бузиш учун қўлланилган, филдирак устига ўрнатилган, катта тошларни отишга мосланган махсус қурилма.

Асаслар – кеча қоровуллар, қидирув ишлари бошлиқлари.

Асбоб – ҳарбий иш учун лозим бўлган қурол-аслаҳа ва жиҳозлар мажмуаси.

Асҳоб – саҳобалар (араб: ҳамроҳ, дўст) – Муҳаммад пайғамбарнинг яқин маслақдошлари.

Атка (Атко) – шахсий номга қўшилиб келиб, бирор шахзода энагасининг эри, шу шахзоданинг тарбиячиси маъносини англатган.

Аҳли Суннат ва Жамоат – пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин ислом динида пайдо бўлган икки катта оқимдан бири бўлиб, бу оқим аҳли суннат (суннийлар) деб аталади, яъни пайғамбаримизнинг халиф (ўринбосари)ни маслаҳат билан тайинлаш, диний ишларда пайғамбарнинг суннат – айтган гаплари ва қилган ишларига эргашувчилар.

– 5 –

Багтар – темирдан ясалган, усти бахмал ёки заррин мато билан ўралган уруш кийими.

Баковул – шахсий номга қўшилиб келган. Подшоҳга

бериладиган овқатни олдиндан тотиб берувчи, тўй ва меҳмондорчилик ишларини бошқарувчи амалдор.

Барот – давлатга тўланиши лозим бўлган маблағни муддатидан илгари йиғиб олишга ҳуқуқ берувчи ҳужжат.

Бахшийлар – Амир Темур ва теурийлар давлатида ёзув ишлари билан шуғулланувчи девон ходимлари. Улар одатда уйғурлардан бўлган. Лекин Шарафиддин Али Яздий уларга умуман «Турк бахшийлари», «Туркистон бахшийлари» иборасини қўллаган («Зафарнома», Тошкент нашри, 1972, 7 б, 9 б. варақлар).

Бегор (ҳинд.) – ҳукмдорлар томонидан аҳолини канал қазииш, қалъа таъмирлаш, йўл ётқизиш, кўприк қуриш ва шу каби ишларга мажбуран сафарбар қилиш.

Бағалтоқ – совут остидан кийилган енги калта камзулча.

Баронғор (ёки буронғор) – лашкарнинг ўнг қаноти.

Баҳодир – шахс номига қўшиб айтилган; сипоҳийнинг жангда кўрсатган қаҳрамонликлари эвазига берилган фахрли унвон.

Боварчи – шахсий номга қўшилиб келади ва бу шахс маълум вақтда қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар, сарой бош ошпази маъносини англатади (баковулдан кейинги мансаб).

Бож (араб.) – ўлпон, солиқ; таслим бўлган мамлакат аҳолисидан олинадиган ўлпон.

Болиш (турк-мўғул) – мўғуллар ҳукмронлиги даврида тилла ва кумушдан ясалган пул бирлиги: бир тилла болиш тахминан 8 мисқолга ва 2 минг динорга тенг бўлган; бир кумуш болиш эса 300 динорга баробар бўлган.

Боргоҳ – подшоҳ саройи; хон қабулхонаси.

Бору – қалъа ва қўрғон девори.

Бошломиши – бошқариш.

Булжор – лашкар қисмларининг сафарга чиқиш олдидан тўпланиши лозим бўлган жой ва вақт; шу ҳақда келишиб олинган аҳд.

Булук – ўз маъмурий марказига эга бўлган, бир неча қишлоқ, қасабаларни ўзида бирлаштирган жой.

Бурж – 1). Қалъа деворларига туташган минора, одатда унинг бурчакларида бўлади, қалъанинг мудофаа қобилиятини кучайтириш мақсадида қурилган. 2). Сайёраларнинг ҳаракатидаги чамбар йўл, чунончи, қуёш йил давомида куйидаги 12 бурждан ўтади: ҳамал (март-апрель), савр (апрель-май), жавзо (май-июнь), саратон (июнь-июль), асад (июль-август), сунбула (август-сентябрь), мезон (сентябрь-октябрь), ақраб (октябрь-ноябрь), қавс (ноябрь-декабрь), жаддий (декабрь-январь), далв (январь-февраль), хут (февраль-март).

Бутқада – бутпарастларнинг ибодатхонаси.

Бурғу – карнайнинг бир хили, ковак шох шаклида бўлади.

Бўй қўшуни – лашкарнинг қалб қисмидаги хос бўлинма (Яздий, "Зафарнома», варақ 238а).

Бургуствон – жанг вақтида аскар ва от устига ёпиладиган махсус ёпинчиқ.

– В –

Вақф – диний муассасалар бўлмиш масжид, хонақоҳ, авлиёлар ва подшоҳлар мозорлари, зиёратгоҳлар, қадамжолар учун, мадрасаларнинг толиблари, хизматчилари фойдасига ер-сув, дўкон, карвонсарой, от-улов, ҳатто қуллар ва ҳар хил буюмлар ажратиш.

Ваҳий – луғавий маъноси: худонинг хабари. Қуръон оятларининг Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в.)га қандай етказилганлиги ҳақидаги хабарларга кўра, Оллоҳнинг

иятни рўйхатга олиш, аскар тўллаш, солиқларни йиғиш ва подшоҳ саройига етказиш, маҳаллий ҳукмдорларни назорат қилиш ва ҳоказо ишларни бажарган.

Дурбош – подшоҳлик аломати бўлган найза ёки асо. Уни подшоҳ олдида олиб юрганларида кишилар четланишлари лозим бўлганлиги сабабли «дурбош» (нари тур) деб аталган.

– Ё –

Ёбиса – қуруқ, ташландиқ ер.

Ём (ёки ёмхона) – мўғуллар ва темурийлар даврида тахминан ҳар бир кунлик йўлда элчилар, чопарлар ва давлат арбобларининг тўхташ жойи. Бу ерда озиқ-овқат, тунаш учун жой, от-уловига ем-хашак берилган. Кетиш олдидан лозим бўлганда отларни алмаштириб берганлар, керакли яроқларни ҳозирлаб, йўловчиларга топширганлар.

Ёрғу (ёки ярғу) – муҳокама қилиш, ҳукм чиқариш; жазолаш; молни олиб сақлаш; тафтиш, тартиб-қоида.

Ёрғучи (ёки ярғучи) – ёрғуни амалга оширувчи; тафтиш ишларини олиб борувчи; ҳукмни ижро этувчи.

Ёрлиғ – фармон.

Ёсо (ёки ясо, ёсоқ) – Чингизхон авлодлари томонидан жорий этилган қонун-қоидалар ва ҳуқуқ мажмуаси (Буюк Ясоқ). Унда турли давлат ишлари ва тадбирлари учун қонун-қоидалар, тартиблар ва турфа жиноятлар учун жазолаш даражалари кўрсатилган. «Зафарнома»да аксар ҳолларда «жазоламоқ», «қатл қилиш» (ёсоққа етказмоқ) маъноларида ҳам келган.

Ёсол – қўшинларнинг уруш олдидан саф тортиб туриши.

Ёсомиший – ишларни тартибга келтириш; лашкар сафларини ростлаш.

Ёсоқий – солиқ йиғувчӣ, ясõвул, ясõни амалга оширувчи; сарбоз.

Ётуған – мусиқа асбобининг тури.

– Ж –

Жавшан – оддий темир совут, симдан тўқилган.

Жаноҳ – луғавий маъноси – қанот; лашкарнинг қанот қисми.

Жариб – ер ўлчови. 958 кв. метрдан иборат майдонни англатади.

Жаҳонгушой (форс) – жаҳонни очувчи, жаҳонгир. Чингизхон ва Амир Темурга берилган фаҳрий лақаб.

Жета – қароқчи. XIV–XV асрларда Чигатой улусининг шарқий қисми (Ёттисув, Ил дарёси воҳаси ва Шарқий Туркистон)да яшаган кўчманчи мўғулларни Мовароуннаҳрда яшаган, ўтроқлашган ва туркийлашган барлос ва жалойирий қабилалари шу ном билан аталганлар),

Жийбо (ёки жийба) – мудофаа кийимлари; зирҳ, совут ва ҳоказо.

Жийбохона – мудофаа кийимлари, яроғ-аслаҳа сақланадиган жой (арсенал).

Жизя – мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа диндаги кишилардан жон бошига олинган солиқ.

Жирға – доира шаклида жой олиб ўтириш; олий кенгаш; ов вақтида ов қилинадиган ерни теварак-атрофдан ўраб олиш.

Жонқий (ёки чонқий) – давлат ишлари бўйича маслаҳатга йиғилиш, машварат тузиб тадбир белгилаш.

Жувонғор (ёки жавонғор) – лашкарнинг сўл қаноти.

Жогирдор – инъом этилган ер-сув (тиюл) эгаси.

Жохулар – қ., Чоҳурлар.

Жуқ – тўда, гуруҳ (банда).

Жўғийлар – сеҳргарлар, дарвишлар.

Жўлду – совға, тортиқ.

– 3 –

Забонгир – 1). Жосус. 2). Душман ҳақида маълумот йиғиш учун асир олиб келиш.

Забони ҳол – ҳол-аҳвол тили, яъни содир бўлиб турган ҳолатдан англашиладиган хулоса; тасаввуфда эса камолот даражасига етишган мутасаввуфнинг нуктадон гаплари.

Зарродхона – қурол-аслаҳа сақланадиган омбор.

Зиммийлар – ислом дини ҳукмрон бўлган мамлакатда яшаб турувчи бошқа динларга мансуб кишилар; улар ислом давлати ўз ҳимоясида сақлаб турганлиги эвазига жизя (қ., жизя) тўлаб турганлар.

Зиндиқ – худосиз, динга ишонмовчи.

Зириҳ – симдан тўқилган, ўқ ва тиг ўтмайдиган уруш кийими; совут.

Зобит – забт этувчи, бошлиқ. Бирор вилоят ва шаҳарни идора қилувчи.

Зулфиқор – ҳазрати Алининг икки дамли қиличи.

Зупин – учи икки шохли кичик найза.

– И –

Изора – уйнинг девори устидан тоқчагача етказиб пардоз бериб ишланган қисми.

Илми рамал – нуқта ва чизиқлар чизиб қум устида фол очиш; фолбинлик.

Илғор – лашкарнинг асосий қисмларидан илгари юрувчи енгил эҳтиёт қисми; лашкарнинг енгил қисми билан чопқин ясаш.

Инжулар – куллар.

Иноқлар – луғавий маъноси яқин дўст, надим, суҳбатдош; бирор ҳукмдорнинг ишончли навкарлари.

Искандарий (сана ҳисоби) – Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский)га нисбат берилган бу эранинг бошланиши бизнинг эрамизгача бўлган 310 йилдир.

Истихора – мўлжалланган ишнинг муваффақиятли чиқиш-чиқмаслиги борасида Қуръонни кўриб фол очиш.

Ичкилар – ҳукмдорнинг ишончли навкарлари.

Иқтоъ – юқори ҳарбий лавозимдаги кишиларга олий ҳукмдор лашкарида хизмат эвазига берилган ер улуши. Шундай ер эгалари иқтодорлар деб аталган.

Иқлим – ўрта аср мусулмон географлари дунёнинг обод ҳисобланган қисмини (рубъи маскун) жуғрофий кенглик бўйича экватордан шимолга томон етти иқлимга бўлганлар. Хуросон ўлкаси шу тартиб бўйича тўртинчи иқлимга тааллуқли бўлган.

– К –

Кабакий (кепекий) динор – Чигатой авлодидан бўлган Кепекхон ибн Дувахон (1318–1327) томонидан ўтказилган пул ислоҳотлари натижасида таъсис этилган кумуш танга.

Кадхудо – 1). Рўзғор бошлиғи. 2). Ҳукмдор; қишлоқ, жамоа оқсоқоли.

Кайбур – ов вақтида ишлатилган ялпоқ ўқ-ёй.

Кайвон – Зуҳал (Сатурн) сайёраси.

Калисиё – черков.

Калонтар – шаҳар ҳукмдорларидан бири; нуфузли кишилар.

Каминжой (ёки камингоҳ) – пистирма жойи; яшири-надиган жой.

Камони раъд – тўп; катта ўтли ўқларни отишга мослаштирилган ҳарбий қурилма.

Карбос – пахта толасидан тўқилган мато.

Каҳқашон – осмонда узун бўлиб кўринадиган оқ йўл; Сомон йўли.

Ковийлар байроғи – Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги темирчи Кова ва золим шоҳ Заҳҳок ҳикоясида таърифланган байроқ. У аслида Кованинг чарм пешгири бўлиб, Заҳҳокни тахтдан туширган кўзғолончилар уни ўзларига байроқ қилиб олганлар. Кўзғолончилар томонида бўлган одил шоҳ Фаридун эса уни қимматбаҳо матолар ва тошлар билан безатган.

Коҳин – мажусийлар руҳонийси; сеҳргар.

Кулу – маҳалла раиси, ҳунармандлик растасининг бошлиғи.

Курка (ёки Курко) – ноғоранинг катта тури.

Курон – эл, юрт, яқинлар; лашкар қароргоҳи.

Кус – дўмбира.

Кутвол – қалъа бошлиғи.

Куфий – араб алифбосининг энг қадимги турларидан; VII асрда Куфа шаҳрида (Месопотамия) ихтиро этилиб, шу шаҳарга нисбатан «куфий» деб аталган. Куфий хати кенг қўллаш учун ноқулай бўлганлиги учун араб алифбосининг бошқа турлари ихтиро этилиб, куфий хати эса тангалар, иморатлар, қабр тошларида қўлланиб келинган.

Кўкалтош (ёки кўкалдош) – сутэмишганликжиҳатидан шаҳзодага биродар бўлган киши; шаҳзода энагасининг ўғли.

Кўрагон (мўғ.) – хон куёви; Чингизхон авлодига мансуб хон қизига уйланган аслзодага берилган фахрли унвон.

Амир Темур мўғул хони Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк хоним (Биби хоним)ни ўз никоҳига олгач, бу фахрли ном унинг номига ҳам қўшилиб айтилган.

Кўриниш (тура) – хон ва подшоҳнинг қабули. Қабул қилинадиган жой кўринишхона деб аталган.

– Л –

Лавҳ – ёзув тахтаси; инсоннинг яхши ва ёмон қилмишлари ёзиладиган ёхуд унинг тақдири азалдан битилган лавҳа.

Лангар (ёки лангархона) – йўловчилар ва мусофирлар тунайдиган жой; хонақоҳ; камбағал, етим-есирларга эса бу ерда овқат берилган.

Лашкаргоҳ – лашкар жойлашган ер; лагер.

Лиғом риз – югани бўшатиб қўйилган.

Лулу – дур, гавҳар.

– М –

Мавкаб – подшоҳ ё мўътабар амирларнинг юришида уларга ҳамроҳ бўлган суворийлар гуруҳи; лашкар.

Маволийлар – куллиқдан озод қилинган, аммо шунга қарамай ўз хожасига итоаткор кишилар.

Мадина тур-рижол – эр кишилар, азиз-авлиёлар шаҳ-ри. Термиз шаҳрининг сифатларидан.

Мажистий – ал-Магест; қадим юнон астрономи Птоломей (Батлимус)нинг асари бўлиб, қадим замон астрономия фани нодир ёдгорликларидандир. Эрамининг иккинчи асри ўрталарида ёзилган.

Маймана – лашкарнинг ўнг қаноти.

Майсара – лашкарнинг сўл қаноти.

Маллоҳ – кемачи, матрос.

Макрух (араб: рад этилган, қораланган, номақбул) – шариат кўрсатмаларида қатъиян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган ва рад этилган хатти-ҳаракатлар макрух ҳисобланган; бундай хатти-ҳаракат учун жазо белгиланмаган.

Ман – оғирлик ўлчови; ҳар хил ерларда турли миқдорни англатган; масалан, араб халифалигида ишлатилган 1 ман – 831 гр.

Манжаниқ – қамал этилган қалъа деворини бузиш учун қўлланилган уруш қуроли. Ундан тош ёки ғўла отилган.

Манзилгоҳ – бир кунлик йўлдан кейин келадиган тўхташ жойи.

Маншур – мактуб, ёрлиғ.

Манғлой (ёки **Манқлой**) – лашкарнинг олд (авангард) қисмида борадиган ҳарбий бўлинманинг номланиши.

Марра – масофа ўлчови; тахминан 400-450 метрга тенг бўлган.

Марсум – маош ҳамда давлатдан маош олувчи (сипоҳий)лар рўйхати маъноларида учрайди.

Маъқул ва манқул илмлар – маъқул илмлар фалсафа, ҳайъат, риёзиёт каби аниқ исботларга асосланган билимлар; манқул эса – катта эътиборга эга бўлган олимларнинг сўзига асосланиб аниқ текширишсиз ҳам ишониладиган билимлар.

Маҳдий – луғавий маъноси: Оллоҳ томонидан тўғри йўлга етакланувчи – ислом динида замона охир бўлганда ерга қайтиб келиб адолат ўрнатади, деб тасаввур этиладиган пайғамбар.

Маҳди улё (ёки **Маҳди олийа**) – луғавий маъноси: улуғ беланчак. Тахт вориси бўлган шахзоданинг онасига ва умуман, маликаларга бериладиган унвон.

Маҳмил – туя ва бошқа улов устига ўрнатилган, одам ўтирадиган, усти ёпиқ кажава, паланкин; кажавадаги юк.

Мехтар – улуг, катта, оқсоқол; ҳукмдорларга тегишли бирон кичик муассаса бошлиғи.

Мил – масофа ўлчови, тахминан 2 км.

Мил – жуводдизга ўхшаш металлдан ишланган ас-боб; жазолаш усулларида бири сифатида (кўзни кўр қилиш учун) қўлланган. Уни қаттиқ қиздириб, кўзга тор-тилган.

Миррих – Марс сайёраси.

Мисоқ – аҳд-паймон.

Мисқол – оғирлик ўлчови; 4,25 гр.

Миҳаффа – подшоҳлар, уларнинг аёллари ва фар-зандларини кўтариб юриш учун мослаштирилган тахти-равон; кажава.

Миҳаффачи – шахсий номга қўшилиб келиб, у шахснинг подшоҳ тахтиравони (миҳаффаси)га боғлиқ бир лавозим-да эканлигини билдиради.

Мол – 1). Ер солиғи. Бунда у харож, мутаважжиҳот ва молу манол истилоҳлари билан ҳам аталади. 2). Бўйсундирилган ҳукмдордан олинадиган ўлпон. 3). Умуман мол-мулк, бойлик.

Моли амоний – бўйсундирилган подшоҳдан оли-надиган ўлпон. Эл-юртга амонлик бағишлангани учун олинган.

Моли жиҳот – хирож (даромад солиғи)нинг синони-ми. У нақд пул ва маҳсулот билан олинган.

Молихулиё – хафақон касаллиги.

Мубоширон – ишончли вакиллар.

Мудаббирон – юқори лавозимдаги кишилар, мансаб-дорлар.

Музофот – бирор маъмурий марказ (шаҳар, қишлоқ) га тегишли жойлар.

Муомала – келишув; крим-чиқим ишлари.

Мулжар – қамал вақтида ҳар бир амирга белгилаб берилган ер, дарвоза.

Мунший – котиб, мирза.

Муросилот – ёзишмалар.

Муסיқар – муסיқий асбоб турларидан бири.

Муставфийлар – молиявий крим-чиқим ишлари бўйича ерлардаги вакиллар.

Мустаҳаббот – Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в.) бажарилиши савобли деб тавсия қилган ёки ўзи севиб бажарган ибодатлар.

Мутаважжиҳот – қ., мол; харож.

Мутакаллим – нотиқ, воиз.

Мурчал – мустаҳкамланган жой. Қалъа атрофида қазилган чуқурлик (окоп).

Муршид – тўғри йўлга солувчи. Тасаввуфда – пир, эшон.

Муфассир – изоҳловчи, шарҳловчи.

Муча – амал, мансаб, даража.

Мучалко – ваколатнома, аҳднома.

Муштарий – Юпитер сайёраси.

Муқаддима – олдинда борувчи ҳарбий бўлинма.

Муқарнас – сайқал бериб пардозланган, лак суриб жилолантирилган, қадама нақш ишланган иморат.

Муқотала – истеҳком иншоотларидан бири; жанг қилиш, ўқ отиш учун қулайлаштириб қурилган жой.

Муҳассил – солиқ йиғувчи, ундирувчи.

Муҳиммот – муҳим ишлар.

Муҳожирлар (араб: кўчиб келганлар) – ислом дини тарихида Маккада динни қабул қилиб, 622 йилда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) билан бирга Мадина шаҳрига кўчиб ўтган мусулмонлар гуруҳи.

Муҳосиб – ҳисобчи, ҳисоб-китобларни сақловчи.

– Н –

Найзодор – амирлар найзасини кўтариб юрган аскар.

Найсон – апрель ойи.

Нард – шатранж ўйинига ўхшаш ўйин номи; бунда тахтадаги доналар суяк соққа кўрсатган ададга кўра су-
рилади.

Нафир – карнайсимон мусиқа асбоби.

Нақб – лаҳим, қалъа девори тагидан кавланадиган ўра, йўл.

Никовулон – душманни таъқиб этувчи сипоҳийлар.

Никомиший – душман лашкарини таъқиб этиш, кетидан қувиш.

Новак – камоннинг ўқи.

Номбардорлик расми – жанг вақтида хукмдорнинг ҳузурида мулозим бўлган, асосан вилоятларнинг улуғларидан ташкил топган мунтазам лашкардан ташқари қисм.

Нофа – мушк (бир тур кийикнинг киндиги тагидан олинадиган хушбўй модда).

Нохин – тирноқ; тоққа чиқишда қўлланиладиган тирноқсимон асбоб.

Ноқус – черков қўнғироғи.

Ноҳид – Зуҳра юлдузи. Мунажжимлар уни фалак мутрибаси деб сифатлаганлар.

Нўён (ёки нўйин) – турк-мўғул халқлари орасида хонзода, улуғ амир, ноиб, туман (ўн минг кишилик лашкар) бошлиғи маъноларида қўлланилган.

– О –

Обгир – ҳовуз, сув оладиган жой, чўмич.

Одина куни – жума куни.

Ойин – қоида, расм, тартиб, усул, одат, равиш, тарз.

Омил – умуман, хизматчи ёки амалдор маъноларида; солиқ йиғувчилик лавозимидаги кишилар маъноси-ни англатувчи тарихий атама.

Омили хирож – хирож йиғиш ишлари мутасаддиси.

Онҳазрат – яъни ул ҳазрат, катта ҳурмат эгаси бўлган шахснинг номини қайтариб ёзмай, эҳтиром билан аташ учун қўлланилган.

Ориз – аскарлар ва мансабдорларга маош улашиш ишларини бошқариш лавозимидаги киши, хазиначи маъносида ҳам тушуниш мумкин.

Оташқада – ўтга топинувчилар ибодатхонаси.

Ошира – бир дақиқанинг олтмишдан бирини сония (иккилик), сониянинг олтмишдан бирини солиса (учлик) ва ҳоказо солисадан робиа (тўртлик) чиқариб тақсимлашда давом этиб, ўнликкача етказилса, уни ошира деб аталади.

Оқо (ёки оғо) – подшоҳ хонадонига мансуб маликаларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб айтилган.

Оқор – қуш номи, қарқара, қутон.

– П –

Парвин – юлдузлар туркумларидан бирининг номи. Сурайё деб ҳам аталади.

Парвоначи – Султон амр-фармонларини маҳаллий ҳукмдорларга етказувчи мансабдор.

Парданишинон – парда ортидаги мажлис; аёллар.

Пашакол – ёмғирлар фасли.

Пешкаш – хон ва подшоҳларга уларга тобе бўлган амирлар ва ҳокимлар томонидан тақдим этиладиган инъом.

Пийпа – сим торли мусиқий асбоб турларидан бири.

Пос (ёки посбон) – тунги соқчи.

– Р –

Работ – карвон қўниб ўтадиган жой; карвонсарой.

Равза – боғ, гулбоғ, жаннат.

Раият – фуқароларнинг давлат девонига солиқ тўлаши шарт бўлган қисми; ҳукмдорнинг қўли остидаги халқ.

Раъдандоз – ўт отувчи қурол.

Рубъи маскун – ўтмиш донишмандларининг тушунчасига кўра ер юзининг инсонлар яшаши учун қулай бўлган тўртдан бир қисми; бу қисм ўз навбатида етти иқлимга бўлинган (қ., иқлим).

Руд – торли муסיқий чолғу асбоби.

Руйин – жез, бронза, мис; руйин тан – мис танлик одам; танасига ўқ ўтмас бақувват одам. «Шоҳнома» қаҳрамонларидан Исфандиёр (Гиштоспнинг ўғли) руйинтан деб аталган.

– С –

Савр – қуёш ўз ҳаракатида йил давомида ўтадиган ўн икки бурждан бири, бу апрель-май ойларига тўғри келади.

Сада – лашкар қисмларидан юз кишилик бўлинма шундай аталган.

Садр – диний жамоа ва руҳонийлар бошлиқларига берилган унвон. Қозилик, вақф ерларини бошқариш каби муҳим ишларни олиб борган мансабдор.

Самандар – калтакесаксимон жонивор, адабиётда уни оловда куймайдиган жонивор деб муболаға юритилиб келган.

Самур – қундуз, қундуз териси.

Самурий жубба – қундуз терисидан тикилган пўстин.

Сангандоз – тош отувчи; қўрғон деворида ўқ, тош отиш учун қилинган тешиқлар.

Сангрез – тош ёғдириш.

Саратон буржи – июнь-июль ойи.

Саркуб – ҳарбий истилоҳ; қалъа мудофаачиларига қарши ўқ отиш учун қалъа рўпарасида қуриладиган кўтарма.

Саропарда – 1). Катта сарой чодир. 2). Чодирлар олдига осилган парда.

Саршумор – жон бошидан олинадиган солиқ.

Саъди Акбар – Юпитер сайёраси.

Сидра (дарахти) – ислом дини эътиқодига кўра еттинчи осмондаги дарахт, инсонлар билими шу дарахт чегарасидан нари ўтмайди; фақат Муҳаммад пайғамбаргина (с.а.в.) “меърож” вақтида бу чегарадан ўтган.

Сиёқ – тартиб, қоида.

Сикка – танга пул, тамға урилган ақча.

Симобий қалқон – симоб бериб ялтиратилган, симобранг қалқон.

Соварий – 1). Ҳукмдорларга эҳтиром ва бўйсунуш маъносида тортиқ этилган ҳадялар. 2). Подшоҳ ва хонлар ўзларига тобе бўлган вилоятлардан ўтаётганларида халқдан талаб қилинадиган тортиқлар.

Сонсиз тумани – подшоҳ даргоҳидаги хос ва яқин кишилардан тузилган лашкар қисми.

Соқа – ҳарбий юришда лашкарнинг асосий бўлинмаларидан кейинда борувчи қисм (арьергард).

Соҳибқирон – жаҳонгир подшоҳларга берилган фахрли лақаб, масалан, Чингизхон, Амир Темур ва Шайбоний Абдуллахонлар шундай лақаб соҳиби бўлганлар: луғавий маъноси – “соҳиб” – эга, “қирон” – яқинлашиш. Мунажжимлар икки шарофатли сайёра: Зухра ва Муштарий ўз ҳаракатида бир-бирига яқинлашган ҳолатини “қирон буржи” деб атаганлар, шу вақтда туғилган болага эса келажаги бахтли бўлиши ҳақида фол кўрганлар. Амир Темур туғилган вақтда мазкур икки сайёра қирон буржида бўлганлиги боис унга «Соҳибқирон» деб лақаб берилган.

Субҳи содиқ – тонг отгандек бўлиб кўринадиган (субҳи қозиб) вақтидан сўнг содир бўладиган тонг отиш вақти.

Сунбула буржи – август-сентябрь ойлари.

Сурон – жанговар чақирик, одатда хужум қилинганда ёки босқин ясашда аскарлар ҳайқирганлар (сурон солганлар).

Суюрғол – шаҳзодалар, амирлар, нўёнлар ва нуфузли руҳонийларга катта хизматлари эвазига хон ёки подшоҳ томонидан маълум шарт ва имтиёзлар асосида инъом этиладиган ер-сув, мулк ва ҳ.к.

Суюрғомиший – подшоҳ ва хоннинг сийлашларига мушарраф бўлиш, инъом.

– Т –

Табл – дўмбира.

Тавочи – ўрта асрларда лашкарнинг ноziри; лашкарни тўплаб ҳисобга олиш, жанг вақтида лашкарнинг тўхташ жойини белгилаш, олий ҳукмдор буйруқларини ҳарбий бўлинмаларга етказиш, лашкарни кўриққа ҳозирлаш, хавф-хатар вақтида теварак-атроф халқини қалъа ичкарасига кўчиртириш, махсус иншоотлар қурилиши устидан назорат қилиш, жазо чораларининг бажаралишини назорат қилиш каби вазифаларни бажарувчи киши.

Такбир – «Аллоҳу акбар» сўзларини баланд овоз билан такорлаш орқали Оллоҳни улуғлаш.

Такомиший (ёки никомиший) – чекинган лашкарни таъқиб этиш.

Талоя – вазият ҳақида хабар келтириш учун лашкардан олдинга юбориладиган кичик ҳарбий бўлинма (разведка).

Тархон – Саптанат олдида кўрсатган айрим хизматлари учун ер-мулклари солиқлардан озод қилинган ва яна бир қанча имтиёзларга эга бўлган (хон ҳузурига бе-

малол кира оладиган, тўққиз мартагача гуноҳи кечириладиган, тегишли ўлжаси тақсимланмайдиган, гоҳида авлодлари ҳам солиқдан озод қилинадиган) амир.

Тарқу (ёки тарғу) – қимматбаҳо ипак мато; таом.

Тарҳ – қурилажак бинонинг режаси; лашкарни жойлаштириш режаси.

Тахш – ўқлари кичик бўлган камон.

Тахшандоз – камондан ўқ ёғдирувчи сипоҳий.

Танҳо – сарой хизматчилари, лашкарбошилар ва хизмат кўрсатган аскарларга махсус хазинадан бериладиган маош; баъзида алоҳида хизмат кўрсатган бекларга танҳо сифатида ер-сув берилган.

Тағор – лашкар учун юришдан олдин тайёрланадиган озиқ-овқат, кўпинча ғалла; шу мақсадда раиятдан йиғиладиган ғалла.

Таҳамтан – паҳлавон, баҳодир; Фирдавсий "Шоҳнома"-сида қахрамон Рустамга берилган лақаб.

Тири най чўпи – ичи ковак бамбук новдасига солиб, алоҳида бир усулда отиладиган кичик ўқ-ёй.

Тиюл – умуман, ҳар бир сардорга маош ўрнида берилган ер-мулк; у ердан хирож йиғиб олиш ҳаққи билан инъом этилган.

Тири чарх – айланиб ўзи ўқ отувчи ҳарбий қурилма; темирдан ясалган снаряд шаклидаги ўқ, ичига порох солиниб, ёқиб душман томон отилган; гоҳида ичи нефть билан тўлдирилиб, ёндириб ирғитилган.

Тиркаш – садоқ-ўқдон.

Томғо – турк-мўғул халқлари орасидаги қабила, уруғ, кейинчалик давлат рамзи, муҳр.

Тубо – ривоятга кўра, жаннатда ўсадиган, антиқа мевага эга бўлган хушбўй дарахт номи.

Тубра – аскарнинг тўрва-халтаси.

Тумон – 10000 дан иборат ададни англатиб, маблағ

ҳисобига ҳам, лашкар ҳисобига ҳам қўлланилаверган. Шомийда кўпинча мазкур рақамдан иборат лашкар бирикмаси ва бу бирикмани юбориши лозим бўлган қабила ёки уруғлар уюшмаси маъносида келади. Лашкар тумони ўз навбатида ҳазора (минглик), сада (юзлик), даҳа (ўнлик) қисмларидан ташкил топади.

Тунбак – икки томонидан бармоқлар билан уриб чалинадиган дўмбира.

Тумғо – ов лочини, умуман, ов қуши бошига кийгизиш учун мўлжалланган қалпоқча.

Тура (ёки тўра) – қалъани қамал қилганда душман ўқидан яшириниш учун одам бўйи баландлигида ясалган махсус қалқон, жангда кўчириб юриш мумкин бўлган махсус сипар.

Туғ – ўрта асрларда учига қўтос, от ёли ёки думи, ярим ой ёки керилган беш панжа тасвири ўрнатилган лашкарнинг байроқсимон нишон-белгиси; асарда туғ атрофида тўпланган ҳарбий бўлинма маъносида ҳам келтирилган.

Туғро – подшоҳнинг ёрлиғи, фармони; герб, давлат нишонаси; ҳарфларни бир-бирига чирмаштириб ёзиладиган хат тури. Бундай ҳарфлар билан подшоҳнинг номи ва лақабларини унинг фармони тепаси (унвони)га битганлар.

Тўққиз-тўққиз – турк-мўғул халқлари орасида қўлланилган одат, яъни ҳадя қилинаётган ҳар бир нарсадан тўққизтадан кўйиш (тўққиз нафар қул, тўққиз от, тўққиз мато ва ҳоказо).

Тўй – асарда кўпинча меҳмондорчилик маъносида қўлланилган; бирор олий мартабали зот ёхуд муҳим воқеа муносабати билан уюштирилган базм, меҳмондорчилик.

Тўқмор – учига темир қалпоқча кийгизилган ўқ-ёй.

Уд – сим торли мусиқий асбоб турларидан бири; хушбўйлиги учун тутатиладиган чўп.

Уйўғлонлар – бирор шаҳзоданинг ўғлонлари (ходимлари), сарой ходимлари (форсча атамаси ҳам учрайди: қ., хона бача).

Укалко – аскарларга пул инъом қилиш, мукофот бериш.

Уруқ (ёки уруғ) – эл, халқ; хонадон, сулола.

Урф – одатга асосланган қонун-қоида.

Уторид – Меркурий сайёраси.

Ушрий – шариат бўйича маҳсулотнинг байт ул-мол, яъни давлат хазинасига бериладиган ўндан бир қисми.

Уғруқ (ёки ўғриқ) – асли “чодир” маъносида; кўпроқ лашкарнинг асосий жанговар қисмларидан ортада борадиган “оғир карвон” (обоз) қисмини шундай номлашган.

Фавж – лашкарнинг ҳарбий бўлинмаси.

Фарвардин ойи – ҳижрий қуёш йилининг биринчи ойи; 21 ёки 22 мартдан 21 ёки 22 апрелгача.

Фарз – шариатда барча мусулмонлар бажариши лозим бўлган шартлар.

Фатво – луғавий маъноси – ҳукм, қарор; ислом динида муфтий ёки эътиборли уламо кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда эълон қилинадиган ҳукм ёки қарор.

Фарсанг (ёки фарсах) – масофа ўлчови; ундан тушунилган масофа миқдори йўл шароитига қараб ҳар

хил жойларда турлича бўлган, одатда 6-7 км. масофа кўзда тутилган.

Фасил – қалъа ва бошқа мудофаа иншоотлари деворлари олдидан қурилган яна бир ташқари девор, оралиқ жой.

Фағфур – Хитой императорини шундай деб номлаганлар.

Фасиҳ – гапга чечан, мазмундор сўз сўзловчи нотик киши.

Фикҳ – шариат ҳукмлари ҳақидаги илм; мусулмон ҳуқуқшунослиги.

Фосила – икки деворни ажратиб турувчи оралиқ ер.

– X –

Хазонайи омира – обод хазина, яъни давлат хазинаси.

Хандақ – шаҳар ёки кўрғон девори ташқарисидан гир айланасига душмандан мудофаа мақсадида қазилган чуқурлик, одатда унга сув тўлдириб қўйилган.

Хайл – бир жамоага мансуб кишилар.

Хайлхона – манзилгоҳ, турар жой.

Хайр хожаси (хожайи хайр) – луғавий маъноси – хайр-эҳсон қилувчи хожа; тақводор, диёнатли хожа.

Халифа – ноиб, ёрдамчи.

Харвор – ҳар хил шаҳарларда миқдори турлича бўлган оғирлик ўлчови; луғавий маъноси – «бир эшак юки», тахминий ўртача ҳисоби 300 кг.

Харож (ёки хирож) – солиқ, ер солиғи учун қўлланилган истилоҳ; “мол” деб ҳам аталади; олинадиган ҳосилнинг учдан бир қисми, баъзан даромад солиғи.

Хатм – бирор ишни такомилга етказиб тамомлаш маъносида.

нажжимлар тушунчасига кўра, еттита ёритгичдан ҳар бирининг ўз шараф уйи (яъни буржи) бўлиб, ёритгич ана шу (бурж)да саодатга эришади: офтобнинг шарафи – ҳамал буржида, ойники – савр буржида, Муштарийники – саратон, Зуҳраники – ҳут, Уторидники – сунбула, Миррихники – жадий, Зуҳалники – мизон буржларида ҳосил бўлади.

Шақовул – 1). Қўшиннинг сўл қанотини қўриқлаб турувчи ҳарбий бўлинма. 2). Элчиларнинг керак яроқларини муҳайё қилиш ишлари билан шуғулланувчи сарой ходими.

Шаҳрбанд – ҳисор; шаҳар атрофини ўраган девор.

Шилон – 1). Султонлар ва амирларнинг дастурхони. 2). Шоҳона дастурхон ёзрилиши учун раиятдан йиғилган солиқ тури.

Шира – хонтахта,

Ширк – кўп худолилик.

Шиҳна – шаҳарда тартиб сақлаш ишлари билан шуғулланувчи ҳарбий мансабдор.

Шукурчи – хон ва подшоҳлар чодирини олиб юрувчи, соябон кўтариб юрувчи хос хизматкор.

– Э –

Эҳром – ҳаж маросими вақтида белга боғланадиган ва елгага ташланадиган (икки бўлақдан иборат тикилмаган) мато.

– Ю –

Юрт – яшаш жойи; ўрду, қароргоҳ; тўхташ жойи.

Юртчи – тўхташ жойини белгилайдиган киши.

– Я –

Ярга (ёки жирга, жарга) – ов ҳайвонларини маълум ерга қувиб чиқармоқ учун лашкар томонидан тузилган саф, доира. Мутлақ саф, доира маъносида ҳам ишлатилган.

Ярлиғ – қ., ёрлиғ.

Ямин – лашкарнинг ўнг қаноти.

Ясор – лашкарнинг чап қаноти.

Ясо – қ., Ёсо.

Ясоқ – қ., Ёсоқ.

Ясовул – Ёсода белгиланган қонун-қонидани амалга оширувчи кичик мансабдор; одатда бундай лавозим эгаси лашкарни жанговар тартибга келтириш, лашкарни кўриқка тайёрлаш ишлари билан шуғулланган.

Ясомиший – қ., Ёсомиший.

Яктойи – бир ёқали кўйлак.

– Ў –

Ўлжомиший – хон ҳузурига кирганда тиз чўкиб таъзим бажо келтириш расми. Гоҳида «тобуғ» деб номланган.

Ўрду – лашкаргоҳ; подшоҳ ва амирларнинг қароргоҳи; лашкар.

Ўғруқ – қ., Уғруқ.

– Қ –

Қабо – Жубба (совут) остидан кийиладиган узун уст кийими.

Қабола – тилхат, кафолатнома; мол-мулк олганлиги ҳақидаги ҳужжат.

Қавсуннаҳор – осмоннинг кўриниб турган қисми, осмондаги куёш чиққандан то ботгунча кўзга ташланадиган масофа.

Қайтул – қароргоҳ, манзилгоҳ.

Қалб – лашкарнинг марказ қисми.

Қамурға – шикоргоҳ, овда қатнашаётган лашкарлар томонидан ҳайвонларни маълум майдонга қувиб чиқармоқ учун тузилган тобора торайиб борувчи доира.

Қанбил (қанбул) – лашкар қисмларининг олдинги сафи.

Қарағу – соқчилар турадиган жой, кузатиш жойи маъносини англатиши мумкин.

Қаровул – биз ҳозирда тушунганимиз қоровул-соқчи маъноси билан бирга ҳарбий истилоҳ сифатида лашкардан илгари юриб, душман яқинлашганидан огоҳ қилувчи ҳарбий бўлинмани ҳам англатган.

Қаровнос – луғавий маъноси – турли миллатлар қони қўшилган, қони бузилган – Еттисув воҳасида яшаган Чигатой улусига мансуб кўчманчи мўғуллар, Мовароуннаҳрга кўчиб бориб, ўтроқлашиб, туркийлашиб қолган барлос ва жалойирий қабилаларни шундай деб номлаганлар.

Қасба – қишлоқ, жой.

Қатийфа – духоба.

Қачарчи – ҳарбий юриш вақтида йўл бошловчи, йўл кўрсатувчи киши.

Қишломиши – лашкарнинг қишлаши.

Қовчин – қўшиннинг хос қисми.

Қодирандоз – камондан бехато ўқ отувчи мерган.

Қолучи – дарвозабон.

Қорура – ёнувчи модда солинган идиш.

Қосид – хабар элтувчи.

Қош тоши – олий навли яшм тоши, нефрит; кўк тош.

Кул (ёки ғул) – лашкарнинг марказий қисми (солиштиринг: қалб).

Қурчи – қуролбардор, яроғбардор, салоҳдор; подшоҳ саройини назорат қилиб турувчи киши.

Қушломиший – қуш солиб ов қилиш.

Қушчи – подшоҳнинг ов қушларини парвариш қилувчи, ов қушларини бошқарувчи киши.

Қўналға – чопарлар ва элчилар йўлда “тунаш”и учун тўланадиган маблағ.

Қўшун – лашкар бўлинмаларидан бирининг аталиши; аммо бир қўшунга бириктирилган аскарлар сони мунайян бўлган эмас. Баъзи манбаларда бир қўшун 50-100 кишидан иборатлиги сўзланган, бошқаларида эса ҳатто 600-1000 кишигача етган.

– Ҳ –

Ҳазар – лашкарнинг бир жойда тўхтаб туриши.

Ҳазора – лашкарнинг минг кишилиқ бўлинмаси.

Ҳамал – март-апрель ойлари.

Ҳарба – ҳарбий қуроллардан найзанинг қисқа тури.

Ҳаровул (ёки Ҳировул) – лашкарнинг илғор қисми кетидан боровчи бўлинма; лашкарнинг марказ, қанотлари олдида турувчи олд қўшинлар.

Ҳашам – мулозимлар, маҳрамлар, уруғ, қабила маъноларида келган.

Ҳисор – 1). Мудофаа қурилмаси. 2). Қўрғон.

Ҳожиблар – сарой-хизматкорлари.

МУНДАРИЖА

Биринчи боб	3
Иккинчи боб	14
Учинчи боб.....	41
Тўртинчи боб	57
Бешинчи боб	78
Олтинчи боб	99
Еттинчи боб	111
Саккизинчи боб	118
Тўққизинчи боб	137
Ўнинчи боб	161
Ўн биринчи боб	184
Ўн иккинчи боб	212
Ўн учинчи боб	228
Ўн тўртинчи боб	245
Ўн бешинчи боб	262
Ўн олтинчи боб	279
Ўн еттинчи боб	302
Ўн саккизинчи боб	316
Ўн тўққизинчи боб	327
Йигирманчи боб	335
Йигирма биринчи боб	343
Йигирма иккинчи боб	356
Йигирма учинчи боб	364
Йигирма тўртинчи боб	376
Истанбулдан мактуб	384
Адабиётнинг қудрати, ёзувчининг кучи... ..	403
Айрим атамалар ва тарихий истилоҳларнинг изоҳли луғати	409

Адабий-бадий нашр

Нурали ҚОБУЛ

САЛТАНАТ ТУЛПОРИ

Тарихий роман

Масъул муҳаррир: А.Қоржовов
Муҳаррир: О.Қанаев
Дизайнер: Р.Ташматов
Мусаҳҳиҳ: М.Холиқова
Саҳифаловчи: Г.Курбанбаева

Босишга берилди 20.02.2018. Қоғоз бичими 60x84 1/16
"Arial" гарнитураси. Нашр босма табоғи 27,5
Адади 3000 Буюртма №15

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
Нашриёт лицензияси: АИ №270

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

*Email: book@ijodpress.uz
www.ijodPress.uz*

